

НИШОТИЙ

ҲУСН ВА

ДИЛ

(ДОСТОН)



шеърлар

**ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ
БАДИИЙ АДАБИЕТ НАШРИЯТИ
ТОШКЕНТ—1967**

ЎзССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ
ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

Нашрга тайёрловчилар:

ҲОЛИД РАСУЛ ва ИСҲОК РАЖАБОВ

Муҳаррир:

СОЛИҲ МУТАЛЛИБОВ

Ўз1
Н69

Нишотий.

Ҳусн ва Дил. Достон. Шеърлар. Нашрга тайёрловчилар: Ҳ. Расулов, И. Ражабов. Муҳаррир С. Муталлибов. Т., Ғафур Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1967.

440 бет.

Обложкада асарлар.

Тиражи 15 000

Индекс 7—3—3

Ўз1

НИШОТИЙ ВА УНИНГ «ХУСН ВА ДИЛ» ДОСТОНИ

Нишотий XVIII асрда Хоразмда яшаб ижод этган ва ўзбек адабиёти тарихида ўзига хос ўрин тутган лирик, эпик шоирлардан биридир.

Муҳаммад Ниёз Нишотийнинг бизгача етиб келган шеърлари, «Хусн ва Дил» достони унинг ўз замонасида энг истеъдодли бадий сўз санъаткорларидан бири бўлганлигидан далолат беради.

Нишотий яшаган даврда Хоразм иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан тушқунликка юз тутган, мамлакатда қашшоқлик, хонавайронлик ҳукм сурарди. Уруш ва ўзаро низолар авж олиб кетган эди.

Ана шундай замонда яшаган шоир Нишотий ўз асарларида халқнинг фожиали, оғир, машаққатли ҳаётини озми-кўпми тасвирлаб ўтди. Шоир савиясининг чекланганлиги, турмуш ҳодисаларига актив муносабатда бўлолмаслиги XVIII асрдаги маънавий ҳаётнинг қоқлиги билан изоҳланиши мумкин. Лекин бунга қарамай, Нишотий шеърларида барқ уриб турган самимийлик, юрак ҳаяжонлари, унинг ўз замонининг йирик шоирларидан бири эканлигини кўрсатади.

Нишотийнинг ҳаёти ва ижоди энди ўрганилаётир. Унинг таржimai ҳоли ҳақида аниқ ва мукамал маълумот йўқ.

Шоир «Хусн ва Дил» достонида ўзининг Хоразмдан эканлигини айтиб, унинг чамандек кўркем бир мамлакат бўлганлигини куйлайди:

Бор эди Хоразм диёри — ерим,
Андин эди яхши ёмон гавҳарим.

Дема они бор эди жаннат мисол,
Етмагуси васфиға ваҳму хаёл...

Хукмрон синфларнинг ўзаро уруш-талашлари, низолари шоирнинг ўзи туғилиб ўсган юрти Хоразмни ташлаб кетишига, дарбадар юриб, қашшоқлик билан ҳаёт кечирishiга сабаб бўлган. У «Хусн ва Дил» достонининг бир ерида:

Манки эдим водийи ғурбатаро
Кулфат ила ранжу суубатаро.

Йўқ эди бир мунисиму маҳрамим,
Ғам дегали ҳамнафасу ҳамдамим...

Ёру диёримдан эдим ноумид
Йўқ эди жондин доғи асло умид,—

деб фиғон чекади.

Шоир XVIII аср ўрталарида бўлган уруш-талашлар натижасида бошпанасиз қолади. Бухорога кўчиб келиб ғарибликда яшайди ва ижодий иш билан шугулланади.

Шоир Муҳаммад Ниёз Нишотий ўз замонасининг етук ва жўшқин лирик шоиридир. У ўзининг ғазал ва мухаммасларида инсоний гўзал ҳис-туйғуларни тараннум этди, севги, муҳаббат, вафо ва садоқат мотивларини ҳаяжон билан куйлади. Шу билан бирга ўз даври, яшаган муҳити ҳақидаги фикр-қарашларини ҳам ифода қилиб, ҳаётдаги нотинчлик, кишиларнинг бир-бирларига қилган зулм ва адолатсизликларини ҳам тасвирлади.

Шоир «даврон дунпарвар» қайғу-ғам, азоб ва зулмни кучайтиргани ҳақида сўзлаб, оқ-нола чекади. Фалакнинг тескарлиги натижасида донишманд кишилар оғир машаққатли кунларни бошидан кечираётганини сўзлайди:

Ҳамроҳим — ғам, мунисим — дарду рафиқимдир ано
Маҳрамим — меҳнат, шафиқим — марг, ҳамдардим қазо.

Навоний, Фузулий ғазалларига боғланган мухаммаслари шоир Нишотийнинг ўзининг устозларига муносиб ва камолотга эришган етук шоир эканлигини кўрсатади. У севги, муҳаббат ва садоқат ҳақидаги шеърларида ҳаёт ва инсон ҳақидаги чуқур мулоҳазаларни, фикр ва туйғуларни жўшқинлик билан самимий куйлади. Унинг шеърлари XVIII аср ўзбек поэзиясининг энг яхши намуналаридандир.

Нишотийнинг ижодига юксак баҳо берган бир дўсти унга катта дoston яратиб, ўзидан ёдгорлик қолдириш зарурлигини маслаҳат беради. Шоир ўйлаб-ўйлаб дўстининг маслаҳатини қабул қилади ва «Хусн ва Дил» достонини ёзишга киришади. Бундай катта асарни ёзишдан аввал Нишотийнинг ўзидан олдин ўтган улуғ шоирларнинг асарларини, шу жумладан Низомий, Хисрав, Алишер Навоний каби классикларнинг бадий меросини қунт билан чуқур ўзлаштирганлиги диққатга сазовордир.

Шоир достоннинг 9-бобида шарқ адабиётининг «Хамса» яратган буюк сиймолари — озарбайжон шоири Илёс Низомий, деҳдлик Амир Хисрав, улуғ ўзбек шоири Алишер Навоний ва форс-тожик шоири Абдурахмон Жомийларни тилга олиб, уларга ўз ҳурматини изҳор қилади. Шоир шу тўрт устознинг дунё сирларидан воқиф сўз санъаткорлари эканлигини сўзлаб, уларга юксак баҳо беради. Ўз замонининг олими бўлган донишманд бир киши тилидан шундай фикрларни ифодалайди.

Гулшани қудсий аро бўл андалиб,
Бўлма бу маъво сори эмди қарийиб.

Хисрав ила Шайх Низомийни кўр,
Мир ила ҳам Ҳазрати Жомийни кўр.

Тўртови тўрт боғ ила бўстон нишон —
Айладилар қилгани анда макон...

Чекди алар меҳнат ила дарду ранж
Топди анинг ҳар бириси «Панж ганж».

«Хамса» яратган тўрт устоз орасида, айниқса, Навоий асарларининг маънавий ва бадий қудрати шоирни маҳлиё этганлиги кўриниб туради. Зотан, мутафаккир шоир Навоий асарларидаги инсонни улуғлаш, гуманизм, ватанпарварлик, дўстлик ва биродарлик туйғулари илғор фикр эгаларининг диққат-эътиборини жалб этмай қўймас эди. Нишотий Навоийнинг оригинал бадий маҳоратига юқори баҳо бериб, уни ижодда қуёшга тенглаштириб, улуғ устозга муносиб шогирд бўлишни орзу этади ва «Хамса» яратган тўрт шоир овозига ўз овозини қўшмоқчи бўлади.

Шунга кўра улуғ устозлар каби шоир Нишотий ҳам «Хамса» яратган бўлса керак, деб тахмин қилиш мумкин. Балки улар бизгача етиб келмагандир. Ҳар ҳолда у ҳам мазмун, ҳам бадий жиҳатдан гўзал асар ёзиш санъатини мукамал эгаллаган, ҳатто катта асарлар ёзиш ҳақида тажрибали санъаткор сифатида йўл-йўриқлар кўрсатишга ҳам қодир бўлган. Иккинчидан, шоирнинг «Хусн ва Дил» каби шунча катта ва бекам-кўст асарни беш ойда ёзиши ҳам унинг бадий маҳорати қанчалик юксак қудратга эга эканини кўрсатади:

Қилдим они назм қилурга қиём
Ўтди машаққат била беш ой тамом.

Биз бу ерда шоирнинг ўз ҳаёти тўғрисида баён қилган эпизодик маълумотларни келтирдик. Шундан бошқа Нишотийнинг ҳаёти тўғрисида ёзма манбаларда тўлароқ маълумот учратганимизча йўқ.

Шоирнинг «Хусн ва Дил» достони ва шеърлари ҳар хил котиблар томонидан кўчирилган манбаларда сақланиб келади. Унинг нусхаларини ЎзССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида 1198, 7013, 1997, 1117, 1666, 1027 номерли қўлёзмаларда учратиш мумкин. А. С. Пушкин номидаги Тил ва Адабиёт институтининг Адабиёт музейидаги 156 номерли қўлёзма ва Самарқанддаги Ўзбекистон Давлат университети фундаментал кутубхонасидаги 21828 номерли қўлёзма шулар жумласидандир.

Шоир Нишотийнинг бу китобга кирган асарлари ЎзССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва Адабиёт институти қошидаги Адабиёт музейида сақланаётган 156 номерли қўлёзма асосида нашрга тайёрланди¹. Қўлёзма шоир Комил Хоразмийнинг ўғли шоир Муҳаммад Расул (тахалуси «Мирзо») томонидан кўчирилган. Бунда шоирнинг «Хусн ва Дил» достони 38 та газали (776 мисра), 14 та мухаммаси (360 мисра), 1 мусаддаси (42 мисра) ҳамда

¹ Нашрга тайёрланган қўлёзmani синчиклаб кўриб чиққан ЎзССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, марҳум шоир Хуршид ва филология фанлари кандидати С. Муталлибовларнинг хизматларини мамнуният билан қайд этамиз. (Ҳ. Р.)

4 қасидаси (172 мисра) бор. Девондаги шеър 1350 мисрадан иборатдир. Қўлёзма чиройли наस्ताблиқ хати билан анча тўғри кўчирилган.

Нишотий «Хусн ва Дил» достонининг сюжети шарқ адабиётида кўпдан маълум. Бу сюжет кўп шоирлар ижодида турлича жилоланган. Шарқда «Хусн ва Ишқ» қиссаси номи билан проза ва поэзияда яратилган кўпгина асарлар бор. Масалан, Тожикистон ССР Фанлар Академияси Тил ва Адабиёт институтида Мавлоно Мушфиқийнинг «Куллиёти Хусн ва Дил» китоби¹ ва «Гулзори эрам» номида «Хусн ва Дил» достони ҳам мавжуд.

Форс-тожик шоири Фаттоҳий «Хусн ва Дил» сюжети асосида проза ва поэзия аралаш ҳолда форс-тожик тилида достон ёзган². Бу асар Шарқда машҳур бўлиб, XVI асрдаги шоирлардан бир нечаси Оҳий (1517), Лаамий (1531), Валий (XVI аср охири) каби шоирлар ҳам шу темада асарлар яратишган. Шунингдек туркиялик шоир шайх Ғолиб (1757—1799) 21 ёшида, яъни 1778 йилда «Хусн ва Ишқ» деган достон ёзган. Нишотий ўз достонини 1771 йилда ёзиб тугатган бўлса, шоир шайх Ғолиб етти йил кейин, яъни 1778 йилда достон яратган. Ҳар қолда шайх Ғолиб шоир Нишотийнинг достонидан хабарсиз бўлиши мумкин.

Нишотий камтарлик қилиб, наср билан ёзилган бу асарни назмга айлантирдим деса ҳам достондаги фикрлар, ҳаёт ҳақидаги мушоҳада ва мулоҳазалар катта тажрибага эга бўлган, бошидан кўп қийинчиликларни кечирган донишманд бир кишининг қаламига мансуб эканлиги сезилиб туради. Унинг асарини ўқиганимизда катта маҳорат эгаси бўлган, ўз замонининг йирик шоири кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Нишотийнинг «Хусн ва Дил» достони тахминан 15584 мисрадан иборат бўлиб, катта ижодий меҳнатнинг самарасидир, шоир:

Байтки тахминан эруо етти юз
Етти мингу тўқсон икки бўлди туз,—

дер экан, у достоннинг ёзилиш тарихини ҳам кўрсатиб:

Муддати тарихини өтсам баён,
Хатми Дил ва Хусн дур, эй нуктадон,—

дейди. Бундан достон 1192 ҳижрий, 1771 мелодий йилда ёзилганлиги аниқ маълум бўлади.

Ҳам мазмун, ҳам бадий жиҳатдан ўз замонининг шоҳ асари бўлган бу достон XVIII асрнинг гўзал бадий обидасидир. Асар 62 бобдан иборат бўлиб, унинг кириш қисмида гўзал маҳбуб суратидаги бўстон мақталади, 1—5-бобларида эса табиат, инсон, ер, сув, осмон, қуёш ҳақида фикрлар юритилади. Ундаги фикрлар инсонни эгуликка ундайди. 6-бобда эса шоирнинг ёр-диёрга муҳаббати, «ғурбат, ранж ичида маҳрами йўқ»лиги куйланади.

Достоннинг 7-бобида асарнинг ёзилиш сабаблари тўғрисида сўзланади. 8-бобида эса сўз санъати ва унинг қудрати ҳақида мулоҳаза юритилади.

¹ Тожикистон Тил ва Адабиёт институти, инв. 139.

² Уша ерда, инв. 238, 165.

Сўз дуридур жавҳари жондин азиэ,
Балки эрур икки жаҳондин азиэ, —

деб шоир сўзга юксак баҳо беради.

Асарнинг 9-бобида шоир Низомий, Хисрав Деҳлавий, Навоий каби устозларга мурожаат қилиб, уларга шогирдлик эҳтиромини ифода қилса, 10-бобда қаламга хитоб қилади. Шоир дostonнинг асосий боблари (11—62-боблар)да асар сюжети ва унда қўйилган масалаларни ёритади.

Достон мураккаб воқеалар, ҳаяжонли ҳодисалар, ҳаётний жонли, лавҳалар орқали ривожлана боради. Унда муҳим масала ҳаётга муҳаббатни ва реал ҳаётни куйлашдан иборатдир. Шоир китобхонни ҳаётга, унинг гўзаллигига меҳр қўйишга чақиради. Нишогий ўз достоннда оби ҳаётга, яъни абадий ҳаётга эриштирувчи оби ҳаётга етишиш мумкинми, деган масалани ечмоқчи бўлади. Шоир бу масалага суфиёна ва бошқа турли қарашларни баён этиб, уларга баҳо беради. У реал борлиқдаги ҳаётни, адолатни севган, тинчлик билан яшаб, ҳаёт гулшанини яшнатмоқчи бўлган ўз давридаги илғор кишининг чуқур мулоҳазаларини акс эттиради.

Достоннинг бош қаҳрамони Фуод оби ҳаётни топиш иштинёқига тушиб қолади. Ақлли, донишманд, ҳар иш қўлидан келадиган Назар уни ораусига етказиш учун йўлга чиқади. У кўп қийинчиликларни бошидан кечириб, тоғ орасида яшовчи бир шайхга учрайди. Ундан оби ҳаёт қаердалигини сўрайди. Шайх Зарқ унга шундай жавоб беради:

Чашминг эрур чашмаи оби ҳаёт!
Онгла, яқин учмоқа улдур қанот.

Чашм ёзар онда аҳли қалам,
Чашма ёзбдур ани, эй муҳтарам!..

Чашмаи ҳайвонки киноят эрур,
Билгил ани, ашки надомат эрур..

Бу сатрларда шоир риёкор шайхнинг оби ҳаётга, умуман ҳаётга қарашини, мол-дунё, бойликка ҳирсини қўйганини кўрсатади. Унингча, чашм (кўз) чашма бўлиб хато ёзилганини шоир сўз ўйинлари орқали ифода қилади. Шайх «Чашмаи ҳайвон кинояли сўз бўлиб, кимки кўз ёши тўкса, унда абадий ҳаётга эришиб, роҳатда яшайди, ёки мунофиқлик билан кўз ёши тўкса, шайхлар каби бойликка эга бўлади» деб ўз ҳамкасабаларининг икки юзлама, халқни алдовчи эканлигини фош қилиб қўяди. Демак, бу ерда шоир баъзи кишилар оби ҳаёт сўзини ҳам диний маънода, ҳам мол-дунё орттириш маъносида тушунганлигини кўрсатиб ўтади.

Достондаги Шоҳ Фаҳр сўзларида ҳам мол-дунёга, бойишга ҳирс қўйган, яшашда фақат бойишнинг асосий мақсад қилиб олган кишиларнинг фикр, қарашлари акс эттирилади.

Фаҳр бойлиқни қўлга киритган киши халқларга ҳам ҳукмини ўтказади, ноз-неъматлар билан фаровон ҳаёт кечиради, икки дунёга ҳам эга бўлади, деган фикрни баён қилади. Бунда шоир халқни эксплуатация қилиб, талаб келган, ҳар қандай пасткашликдан тортинмайдиган волимларнинг ҳаётга бўлган қарашини ифодалайди. Шоир

¹ Курсивлар бизники (Ҳ. Р.)

бу қараш маъносиз, беҳуда эканини айтиш билан бирга, унинг ўзи реал борлиқдаги, ҳаёт воқелиги самарасидан бири эканини, оби ҳаёт — ҳаётдан ташқари эмаслигини ҳам уқтириб ўтади. Полшо Фахр: оби ҳаёт — кумуш, олтин, бойликдир. Қалам аҳллари янглишиб мол (бойлик) сўзидаги «Л» ҳарфини тушириб қолдирганлар-да муо (сув) ёзиб қўйганлар, деб исбот қилмоқчи бўлади. Бу фикрларда «мол-дунё тўплаш, бойиш ҳаётда энг муҳим нарса, умрни узайтиради», деб қаровчи разил кишиларнинг жирканч табиати очиб ташланади.

Шоир оби ҳаёт тўғрисида учинчи хил, бошқача мулоҳаза юритган кишиларнинг фикрларини ҳам келтиради. Масалан, оби ҳаётни қидириб юрган Назар Офийат шаҳрига бориб қолади. Ундаги шоҳ Номус оби ҳаётни шундай талқин қилади:

Оби ҳаё-у адаб, эй хуш ниҳод!

Оби ҳаё ёзди чу аҳли қалам!
Саҳв ила то охирига бўлди замм.

Оби-ҳаёга эди нақши сабот,
Улғали то саҳв ўқирлар ҳаёт,

Нўши ҳаёдин киши оби-бақо,
Ичса анга етмагусидир фано.

Бу сатрларда шоир олижаноб кишиларнинг энг яхши орзу-истакларини ифодалаб, ҳаётда бир-бирига ҳурмат, одоб, энг гўзал муносабат каби эзгу ниятларни илгари суради. Адаб — ҳаё демакдир, — дейди Номус, — қалам аҳллари ёзишда хато қилиб, «ҳаё» сўзига «Т» ҳарфини қўшиб юборганлар.

Шоир фикрича, агар киши одобли, ҳаёли бўлса, одоб-ахлоқни ўзлаштириб олган бўлса, у ҳеч бир ўлмайди, абадий яшайди. Шунинг учун ҳам халқ уни оби ҳаёт деб атаган.

Нишотий одоб ва ҳаё, инсоний муносабатларни яхшилашда, жамиятдаги ярамас, қабих ишларни тугатишда катта аҳамиятга эга эканлигини уқтириб ўтади-да, ана шунинг ўзи абадий ҳаётдир, деган хулоса ҳам чиқаради.

Шоир табиатдаги, жамиятдаги ҳодисалар Ишқ номли подшога таслим бўлганини, дунёдаги ҳамма ҳаракат Ишққа боғлиқ эканини мажозий равишда тасвирлайди.

Шоир фикрича, коинотдаги бутун мавжудот ишқ билан, ундаги ҳаракат, ҳатто бир-бирига қарама-қарши бўлган ўт-сувнинг бирлашуви, табиат ҳодисалари ва гўзаллиги, жамиятдаги ҳаракат ва ривожланиш, юксалиш — ҳамма-ҳаммаси ишқдан иборат бўлиб, ишқнинг манбаи ёки самараси — гўзаллик, ҳусндир. Бу эса оби ҳаётдир. Инсон эришган оби ҳаёт инсоний, гўзал фазилатларни ривожлантириб, инсон умрини узайтиради, абадий ҳаёт яратади.

Шоир фикрича ёр, унинг гўзал лаби, муносабати, ҳатто ўзи оби ҳаётдир. Яъни инсон умри чекланган бўлса ҳам, ҳаёт, инсон ҳаёти, муҳаббати, ишқи ва ҳусн абадийдир. Чунки у инсон ҳаётини, ишини, ҳаракатини, даҳосини давом эттиради ва уни юксалтиради. Ишқ,

муҳаббат авлоддан авлодга, юракдан юракка ўтиб абадий яшайди. Биз шоирдаги ҳаётга зўр муҳаббат билан қараш, инсоний бурч, дунёвий ишқни улуғлаш каби олижаноб фазилатларни кўраимиз.

Ўз замонасининг пешқадам шоири Мавлоно Нишотий «Хусн ва Дил» достонида талқин қилган образларида инсоний фазилатларни, характерли белгиларни, камчилик ва нуқсонларни, ички кечинмаларни зўр маҳорат билан тасвирлайди. Достондаги ҳар бир образ ўзига хос хусусиятга эга. Унга берилган номларда ҳам ўша образнинг фазилати ёки камчилиги кўриниб туради. Масалан, Дил (Фуод) образида юрак ҳаракати ва хусусияти бериледи. Хусн — гўзаллик, латофат ва назокат символи сифатида таърифланади. Шунингдек Ақл, Хаёл, Назар, Ноз, Меҳр, Вафо, Қайғу, Сабр, Андух, Қомат, Фахр, Номус ва ҳоказолар образида исм, сўзнинг ҳақиқий маъноси, кишилардаги бутун хусусияти ифодаланади. Шоир бу образлар орқали реал ҳаётдаги кишилар характерини, ҳодисаларга бўлган муносабатини, курашини тасвирлаб, жамият ҳаётидаги эгуликни ҳурмат этишга, тинчлик, тотувлик, тотувлик билан яшашга қақиради.

Шоир шоҳ Ақл образини чизар экан, унинг оқил, донишманд эканлигини шундай баён этади:

Илм ила ҳикмат аро Луқмон эди,
Фаҳм ила фикрат аро бурҳон эди...

Мард элидек қалби дирам фош эди...
Аدل била мулк эди маъмур анга
Фазл била халқ эди масрур анга...

Нишотий бу ерда одил, илмли, олим, шоир, халқнинг оҳу зори-га қулоқ солувчи шафқатли, ўйлаб фикр билан иш қилувчи, мард қалбли подшоҳ образини хаёл қилади. Ана шундай шоҳ мамлакатни обод қилади, халққа фаровон ҳаёт бағишлайди, деб ўйлайди ва мамлакатда тинчлик, адолат барқарор бўлишини орзу қилади. Шоир мамлакатни идора қилувчи, шоҳ, халқпарвар, халқ учун эзгу ишларни амалга оширувчи донишманд киши бўлиши кераклигини, уқтиради.

Фуод образи ҳақиқий олижаноб фазилатларга эга бўлган фидокор, халққа садоқатли киши образидир.

Дил (Фуод) ёшлигиданоқ ҳамма билимларни эгаллаб, ўз замонанинг донишманди бўлиб етишади. Фуод фақат билимдон киши бўлибгина қолмай, халқпарвар, адолатни сеувчи, кишиларга меҳрибон, суҳбатдош ҳамдир. У шижоатли, ботир бўлиши билан бирга, шеърлар ҳам ижод этади. Фуод оби ҳаётни топишга ва унга эришишга интилади ва бу йўлда кўп қийинчиликларга бардош беради ва ғолиб чиқади. Фуод жононга жон фидо қиладиган киши.

Нишотий Фуод образида энг яхши хусусиятларга эга бўлган, инсонпарвар киши образини мужассамлаштиради.

Фуоднинг маъшуқаси Хусн эса ўзининг исми, жисми ва маънавий ҳаёти билан эркинликка эришган, ҳаё ва одобнинг энг яхши намунасини ўзида мужассамлаштирган аёл образидир. Маълумки, феодализм даврида хотин-қизлар ислом шарияти сиқиги остида озодликдан, жамиятга аралашидан маҳрум эди. Шоир ўзбек классик адабиётининг Лутфий, Навоий каби улуғ сиймоларининг энг яхши тра-

дицияларини давом эттириб, дostonда ўз мақсади йўлида ҳормай-толмай курашувчи, ўз севганига эришиш учун ҳар қандай қийинчиликларни бартараф қила олишга қодир жасур қиз образини яратди.

Асарда Ҳусн назокатли, маънавий гўзал, ақлли ва тадбирли аёл сифатида гавдаланади. У ўз сўзи, маслаҳати билан атрофидаги аёлларга намуна бўла оладиган даражада доно, олижаноб аёл образидир.

Ҳусн фақат эҳтиросли маъшуқагина эмас. У ўзининг ҳар бир қадмида халққа маъқул бўладиган бирор иш қилишни ўйлайди:

Ҳусн паривашга етиб бўйла ҳол,
Элга гамин дер чоғи бор эрди лол.

Урмас эди дегали гам элга дам
Топмас эди маҳрами асрори гам.

Ҳусн эл ҳамма нарсани билади, деб ҳаё ва одоб билан иш тутди. Дostonда ҳаё ва одобни ўз бурчи деб билган ифбатли қиз сиймоси гавдаланади. Ҳусн оддий инсоний фазилатларга эга. У оқилона иш кўриш билан бирга баъзан аччиғланади, хатога йўл қўйган севгилисига жазо бермоқчи ҳам бўлади. Фуоднинг маккор Фориқа қўлига тушиб қолганини эшитгач, ундан хафа бўлади.

У Фуоднинг Фориқа зиндониде азоб чекишига қайгуради ва унга тадбирли маслаҳатгўй, вафодор ёр сифатида йўл кўрсатади.

Энг муҳими Ҳусн оби ҳаёт симболи, инсон ҳаётини абадийлаштирувчи қудрат сифатида гавдаланади. Шоир оби ҳаёт тўғрисидаги афсонавий фикрларни рад этади, унингча оби ҳаёт дунёвий гўзаллик, абадий ҳаёт бағишловчи маҳбуб, яъни Ҳусн каби вафодор хотин, меҳрибон она — мураббиядир. У, Ҳусн сиймосида аёлларнинг энг олижаноб умумлашган гўзал образини яратади.

Дostonда шоир замонасига нисбатан энг юксак инсоний фазилатлар Назар образиде акс этади. Назар энг яхши ҳунарманд, ақлли, заршунос олим, шоир, шу билан бирга ҳийлагар, айёр.

Назар Фуодни орозисига етказиш мақсадида йўлга чиқади. Чўллар, тоғлар кезади, денгизларда сузади, ажойиб махлуқлар орасида бўлади, уларни чалғитади, умидсизланмай мақсад йўлида жасорат билан олға интилади. Зулмат ичидан оби ҳаёт қидиради. Назар Гулшани Рухсорга бориб, Ҳусн билан учрашади, оби ҳаётни топиб, Фуодга хабар етказади, уни ёр висолига эриштиради.

Шоир Назар орқали табиатнинг мудҳиш кучларини енгувчи буюк инсон ақлининг муаззамлигини ифода қилади ва кишиларни шундай жасоратли ҳам доно бўлишга чақиради.

Шоир Ишқ ва Ақл образларида ўз замонасидаги хонликлар, феодалларнинг уруш-талашларига қарши бирлашган давлатни мақтаб, адолатпарварлик, инсоф, кишиларга шафқат ва ғамхўрлик ғояларини илгари суради. Шоҳ Ишқ бошқа мамлакат подшоҳи Ақлни ўзига вазир қилиб олади. Ҳар икки бошлиқ биргаликда мамлакатда тинчлик, омонлик ўрнатиб, ҳунар эгаларини қадрлаб, ҳар бирига ўзига яраша муносабатда бўлади.

Бу фикрлар билан Нишотий ўз давридаги феодалларнинг қирғинчилик урушларига, ўзаро талашларига қарши марказлашган давлат тузиш ва шу йўл билан мамлакатни харобаликдан сақлаш, халқни

тинчлик, осойишталикка, фаровон ҳаётга эриштириш, илм, фанни ривожлантириш масаласини қўяди.

Достонда Номус шоҳ образида одоб-ҳаё, яхши хулқ ташвиқ қилинса, Қомат, Ҳиммат образлари орқали кишилар яхшиликка, эзгуликка, жамиятда тартиб ўрнатишга чақирилади.

Ҳиммат билан Қомат мақсадга интилувчи яхши ниятли кишиларга ёрдам берадилар. Ҳиммат даҳшатли зулм симболи бўлган Рақиб, Фориқага қарши курашиб, уларни енгади, Фуод ва Ақднинг кўнглига умид ва равшанлик бахш этади. Мамлакатда тинчлик ўрнатиб, осойишта яшашга йўл очади. Ҳиммат раҳмдил, марҳаматли ҳукмдор, унинг мамлакати обод ва фаровон. Унда ақл ҳукмрон, дўстлик барқарор, гадо йўқ. Нишотий бу билан фаровон обод мамлакатни орзу қилади. У Ҳиммат образини яратиб, кишиларни ундан ўрнак олишга чақирилади.

Достонда элликка яқин образ бор. Улардаги одат, хулқ, характер бир-биридан тамоман фарқ қилади. Буни биз типлар номидан билсак ҳам бўлади. Улар одамлардаги турли хусусиятлар орқали ифодаланган.

Шоир ижобий образлар орқали кишиларни яхшиликка, эзгу ишларга, олижаноб фазилатларга тарғиб этса, салбий образлар орқали ўз замонидagi разилликни, очкўзликни фош қилиб, золимларга нисбатан нафрат уйғотади ва уларга қарши омонсиз кураш олиб бориш зарурлигини уқтиради.

Достонда Рақиб ўша замондаги золим, гаддор, бераҳм, ўз манфаати учун ҳар қандай қабиҳликдан тоймайдиган, ярамас киши сифатида гавдаланади ва китобхонда унга қарши нафрат уйғонади. Бундан ташқари унинг атрофига йиғилган шахслар айёр, харом-ҳаришни фарқ қилмайдиган махлуқлар сифатида кўрсатилади.

Улар халқни чигирткадай талаб, бойишнингина ўз олдига мақсад қилиб қўйган золимлар, риёкор шайхлар, руҳонийлардир. Улардан Илҳом ва Зарқ образлари бунга мисол бўла олади. Шайх Зарқ одамлардан четда бир тоққа макон қилиб олиб, ўзини авлиё кўрсатиб, халқни алдаб, мунофиқлик билан яшайди.

Шоир бундай салбий типларнинг характерини ҳар томонлама усталик билан чизиб беради. Бу билан ўз замонидagi халқ ҳисобига яшаган ҳукмрон синфнинг разил башараси очиб ташланади.

* * *

Достон тўй тантанаси билан якунланади. Зиёфатда соғлар ва гуллар мунозараси авж олади. Даф билан Гул, Най билан Наҳл, Қоса билан Наргис, Бинафша орасида тортишув кетади. Шоир соғлар ва гуллар мунозараси орқали ўша замондаги виждонли кишиларнинг жамиятда тутган ўрни, уларнинг ачинарли ҳолда яшаганлиги тўғрисида мулоҳаза юритади. Меҳр зиёфатида Доира (Даф) билан Гул мунозараси кетади. Доира Гулга таъна қилиб, унинг аҳволи яхши эмаслигини, хўрланган гўзал аёлга ўхшашлигини айтади.

Гул образида феодализм шароитидаги тутқун, инсоний ҳуқуқдан маҳрум этилган мазлума аёл сиймоси гавдаланади. Доира тасвирида ўз замонида зулм кўрган, дарбадар дун (пасткаш) томонидан таҳқир этилган, оч-яланғоч, муҳтож шахс образи гавдаланади.

Шоир Шамшод образи орқали оддий кишиларни немсимайдиган, ўзини юқори тутган, худбин одамларнинг хулқ-атворини қоралайди, уларни мурдадил деб атайди.

Ғамза зиёфатида Коса Наргисни енгил табиатликда, ҳаёсизликда, худбинликда айблаб, унга: «Ҳар нима ўз ҳаддида марғуб эрур», дейди. Коса образида шоир очкўз, фақат қорини ўйлаган, ҳирс-ҳавога берилган, тамағир, халқни таловчи кишилар образини яради.

Бу билан Нишотий ўз замонидаги ташқи қиёфаси одамга ўхшаса ҳам, ичи бўш, маънавий жиҳатдан одамгарчиликни йўқотган кишиларга нафрат баён қилади.

Гийсу зиёфатида Чанг билан Бинафша мунозараси берилди. Чанг қараса, кўк ранг кийган сўфинамо, кўлида ҳасса, лекин кибру ҳаво билан турган Бинафшани кўради ва унга шундай дейди:

Ранг ила сурат сани этмиш хароб.
Фикр санга тийра, либосинг қаро,

Хона санга тору палосинг қаро,
Лойиқ эмас бўлмоқинг ушшоқ аро...

Шоир Бинафша образида кибру ҳаволи қора либос кийган нияти бузуқ, маънавий завқ-шавқдан маҳрум, эл кўзига ўзини билимдон, авлиё қилиб кўрсатадиган рёкор шайхларни шарманда қилади.

Умунан дostonдаги масалалар, созлар, Нахл, Коса ва Гуллар мунозарасида ўтмишдаги кишиларнинг аллегорик образи гавдаланади. Шоир ўзига замондош турли табақа кишиларининг яшаш йўлларини, ўзаро муносабатини, омманинг кайфиятини реалистик тасвирлайди.

Шоир ўз асарида созга ва созандаларга, санъат аҳлига юксак баҳо беради ва қадрлайди.

Мавлоно Нишотий ўзининг гўзал бадий асарларида реал ҳаётни санъаткорона акс эттириш билан биога, ҳаётдаги айрим масалалар ҳақида ўз даврининг илғор ижтимоий фикр эгаси бўлган донишманд кишиларнинг чуқур мушоҳадаларини, қарашларини баён қилади.

Шоир дostonнинг бир қатор бобларида ватан ва унга муҳаббат туйғуларини изҳор этади. У ватанни улуғлаб, уни ҳурматлашга чақиради, ватандан айрилиқнинг оғир ва мусибатли оқибатларини тасвирлайди.

Дostonда меҳнат қилган киши ўз бахтининг равнақ топишига — умид билан интилиши, ҳар ким меҳнат туфайлигина мақсадга етиша олиши муқаррар эканлиги кўрсатилади. Бу билан шоир ватанга, ҷамиятга безак бўлган меҳнатни қадрлайди, унга юксак баҳо беради, кишиларни ватанга, халққа фойда етказиш учун чақиради.

Шоир меҳнатда ва яхшилик, эзгу ишлар учун курашда эркаклар билан хотин-қизлар баробардир, деган ғояни илғари суради. Ҳатто, айрим мамлакатларда хотин-қизлар эркаклардан юқори туради, дейди. Шунинг учун ҳам Нишотий Гулшани Рухсор диёрини зўр эҳтирос билан тасвирлар экан:

Гарчи тамоми қиз эмиш, лек шер
Эркакидин модаси эрмиш далир.—

деб аёлларнинг қаҳрамонликда эркаклардан устун эканлигини кўтаринки руҳ билан куйлайди ва ислом дини асоратида, ҳуқуқдан маҳрум этилган хотин-қизларнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан юксак мавқега эга бўлганлигини тараннум қилади.

Шоир дostonда билим билан кўриш (тажриба) кўшилмаса, дунёни билиш, англаш йўлида муваффақиятга эришиб бўлмайди, деб кишиларни илм-маърифатга чақиради. Бу билан шоирнинг дунёқараши, ижтимоий фикрлари яққол гавдаланади.

Нишотий халқни ҳурмат қилиш, кибру ҳавога берилмаслик, бири-бирига меҳр-шафқат билан муносабатда бўлиш, хулқ-одобдан ташқари иш қилмаслик, ўзини камтар тутиш, халқ таънасидан кўрқиб кераклигини таъкидлайди. Шоир мақтанчоқликни қоралаб, кимки ўзини бошқалардан юқори тутса, уни ғофил, ҳеч нарсадан, ҳатто ўзидан ҳам беҳабар одам, деб уқтиради.

Шоир ўз фикрларини баён қилишда халқ мақолларидан усталик билан фойдаланади. Масалан, «кимки қазар йиқмоқ учун элни чоҳ, ўзи бўлур чоҳ аро ногаҳ табоҳ», каби қанчадан-қанча халқ мақоллари ва ҳикматли сўзлар дoston мисраларига сингдириб юборилган. Булар шоирнинг катта ҳаётий тажриба йўлини босиб ўтганлигини ва ундан тегишли хулосалар чиқара олган донишманд эканлигини кўрсатади.

Нишотий ўз даврининг бадий сўз устаси сифатида хоҳ шеърда бўлсин, хоҳ дostonда бўлсин катта бадий маҳорат кўрсатган. У дoston ёки шеър мисраларида ҳарф ва сўз ўйинларидан усталик билан фойдаланган.

Шоир чуқур ҳис, ички ҳаяжон билан ҳаёт картинасини яратар экан, ҳаётдаги ёмонлик билан яхшилик, ёвузлик билан эзгулик, разиллик билан олижаноблик орасидаги кескин қарама-қаршиликни тасаввурда ўчмас хотира бўлиб қоладиган тарзда равшан ифодалайди.

Шоир ҳаётни, воқеликни ҳаяжон билан тасвирлар экан, баъзан кулги ва масҳараомуз сўзлар билан китобхонни кулдиришга интилади. Дostonда Фуоднинг маккора Фориқа томонидан алданганига аввал ачинган бўлса, сўнгра кулги аралаш шундай дейди:

Май ичибон базм аро маймун била,
Бор эдилар бахт ҳумоюн била.

Базмнинг асбобини айлаб тўқуз
Томса тўқуз оқса дедилар ўтуз

Ўткир истеъдодли шоир Нишотий ўз даврининг фарзанди эди. Шунинг учун ҳам у ўз асарларида ҳар бир масалага диний нуқтаи назардан қаради ва фикрий жиҳатдан чекланганлигини кўрсатди. Лекин бунга қарамай у XVIII асрнинг энг йирик шоирларидан бири эканлигини ўз ижоди билан исбот этди. У ўзидан кейинги авлодга бир туҳфа, ёдгорлик қолдиришга интилганини айтиб, китобхонга шундай мурожаат қилади:

Бор эса кўп ҳар неча саҳв хато,
Айлагил ислоҳини онинг ато.

Зайл карамдин анга ёпгил ниқоб,
Айламагил руҳима қаҳру итob.

Шoир «Яхши элнинг яхшидур андишаси», деганидай, замонамиз кишилари — совет китобхонлари олижаноб фазилатларга эга, унинг руҳига қаҳру итob қилмайди. Балки уни олқишлайди, асарларини ўқиб, номини ҳурмат билан тилга олади.

ХОЛИД РАСУЛ
филология фанлари кандидати

**ҲУСН ВА
ДИЛ
(ДОСТОН)**

Мидҳати шаҳрери гардунпаноҳ ва сипаҳсолари анжум-
сипоҳ, ҳазрат Халофати манқабат сипеҳри манзилатнинг
файз демоқи рашаҳоти:

Манки эдим водии ғурбатаро,
Кулфат ила ранжу суувбатаро.
Йўқ эди бир мунисиму маҳрамим,
Ғам дегали ҳамнафасу ҳамдамим.
Шому саҳар иш манга афғону оҳ —
Эрди бўлуб даҳр кўзига сиёҳ.
Ёру диёримдин эдим ноумид,
Йўқ эди жондин доғи асло умид.
Толе ўлуб меҳр била ахтарим,
Бахти ҳумоюн бўлубон ёварим.
Тушти бошим узра ҳумо сояси.
Берди яна балки худо сояси.
Гарчи эдим хоки сияҳдек нажанд,
Айлади қадримни қуёшдек баланд.
Қайси шоҳ ул шоҳи фалак иқтидор,
Комдеҳу комраво, комкор.
Шери қави толеу феруз жанг
Зеби гули равзайи феруза ранг.
Якдила-у зийнати тахту кулоҳ,
Олти жиҳат қибласи Фўлодшоҳ,
Найза анга келди ливойи зафар
Байдоқий бошида ҳавойи зафар.
Хайли анинг мулкдеҳу тожгир
Тобеъ анга бешааро нарра шер.
Сарвари шоҳони фалак жойгоҳ,
Афсари хоҳони вилоят паноҳ.
Кўзи жадал узра диловар паланг

Баҳри маонида шиновар наҳанг.
 Адли анинг рафъ этибон хавфу бийм.
 Нақши ғитам даврида бўлди чу сийм.
 Разм чоғи даҳр тавоноси ул,
 Базм чоғи давр эли доноси ул.
 Буржи шараф ахтари рахшандаси,
 Дуржи садаф гавҳари тобандаси.
 Разм муҳобоаро афсарфишон,
 Базми диловараро гавҳарфишон.
 Олиму ҳам одилу фарҳанда хў
 Ҳиммат анга комдеҳу комжў.
 Етти фалак тоқи уза етти кўс,
 Ою қуёш дарғаҳида хокбўс.
 Зебдеҳи тож не тожи каён,
 Бабр диловар маҳи кишварситон.
 Дийдаи дилға берибон адли нур,
 Қилди бори зулм ила зулматни дур.
 Илки эрур жуд ила дарё навол,
 Жоми сахоға кафи соқий мисол.
 Бахшиши бийми била лаълу гуҳар,
 Тоғ ила дарёро топти мақар.
 Савлати тиғи била шеро далир,
 Бўлди бори бешааро гўшагир.
 Ҳайбатидин тоғ уза чиқти паланг.
 Ваҳшатидин баҳраро қочти наҳанг.
 Шавкат ила молики амлоки жам,
 Оламаро муҳтараму муҳташам.
 Сойил анга ганжфишонлар эрур,
 Тождеҳу тахтситонлар эрур.
 Мулки нажобатда сиёдатпаноҳ,
 Ҳомийидин зийнати тахту кулоҳ.
 Чархи саодатда бўлуб муштарий,
 Баҳри шарофатнинг эрур гавҳари.
 Торики дунёға бўлуб дурру тож,
 Андин эрур афсари динға ривож
 Бўлди мусаллам анга иқболу жоҳ,
 Сояи шамшири салотинпаноҳ.
 Зоҳир этиб шавкати шоҳаншаҳий,
 Даҳр уйини — айлади ғамдин таҳий.
 Тиғи шукуҳидин этиб ваҳм кўҳ;
 Гаҳ ўту гаҳ сув била бордур сўтуҳ
 Олса камон илкига айлаб камин.
 Қўрқусидин ўпкусидур кўк-замин

Чекса адув сори синон ногаҳон,
 Марг бўлур қўрқубон андин ниҳон.
 Фикр чоғи даҳр элига раҳнамой,
 Ройи разини била кишвар кушой.
 Элга бериб роҳат ўзи ранжкаш,
 Мулкситон тождеҳу ганжбахш.
 Даҳр хавоқинлари фармонпазир,
 Давр салотинларидин тожгир.
 Соҳиби фарҳанг эруру адлу дод,
 Молики аврангу билоди мадод.
 Шердилу шерфигану шергир,
 Пурдилу пурзаҳра шужоу далир.
 Тиги эрур торуки шаҳларга тож,
 Олса нетонг олам элидин хирож.
 Зебдеҳи мигфару жавшан эрур,
 Ҳар фанаро табъ анга як фан эрур.
 Кимки калид айласа андин умид,
 Хорадин ул қилғуси гавҳар падид.
 Адли чоғи оллида тенг мўру шер,
 Пашша била фийл чу шери далир.
 Мулки жаҳон шаҳларига шаҳриёр,
 Сўз анга санжида писандида кор.
 Бўлди кўруб адлини Нуширвон,
 Хижлат ила хоки адамда ниҳон.
 Фарри анинг қилди Фаридунни дун,
 Оллида жам ҳам, демаким сарнигун,
 Амрига мунқод ўлубон Руму Рой,
 Бандаи фармон анга Ковуси кай
 Рустам анинг лашкаридин бир сувор,
 Чокарининг бириси Исфандиёр.
 Ҳотами тайики эрур дилпазир,
 Бордур анинг матбаҳидин бир асир.
 Фаҳму фатонатда Фалотун шиор,
 Тахти жалолатда Сикандар мадор.
 Мулки диёнатда Сулаймон сарир,
 Мурғи дили халқ анга фармонпазир.
 Тўғрул анинг оллида човишвор,
 Хисрав анинг лашкаридин пургубор.
 Ҳожиб анга Санжари кишваркушой,
 Ҳорис анга Осифи фархунда рой.
 Банда анга Сому Наримон доғи
 Пардаси Фағфур ила Хоқон доғи,
 Онча эрур донишу ирфон анга,

Етмагуси фикрати ҳассон анга.
Ҳукмига Доро қилибон инқиёд,
Бордур анинг амри била Кайқубод.
Навдари Таҳмурас эрур чоқари,
Тур ила Апраж доғи фармонбари.
Кин чоғи олида онинг аҳли дев,
Бижану Каркину фаромурзу Кев.
Асл насаб бирла паямбар нажд,
Фазлу ҳасаб бобида Ҳайдар ниҳод.
Ҳар не десанг васфини андин баланд,
Илму амал адли била баҳраманд.
Олам эли шаҳларидин сарфароз,
Қотилу фужжор райийтнавоз.
Ваҳшати адли била оҳуға шер.
Шир бериб сув ерига қилди сер.
Зулм эшики вақтида масдуд эрур,
Толен масъуд, ўзи Маҳмуд эрур.
Билгил анинг зиллини инсонга айн,
Шоҳи шаҳон сонийи султон Ҳусайн.
Гарчики ул бор эди темурниҳод,
Айлади бу от ила фўлоди шод.
Бирга уруб тиғу бериб бирга зар,
Яхшига хўб, ўлди ёмонга батар.
Ҳар кишига рутбасида жойгоҳ,
Берди таниб ҳар бирига пойгоҳ.
Фазл элидин ҳар неча нозиш бўлуб,
Лутфида юз ончи навозиш бўлуб.
Қилди фузун фаҳм эли пироясин,
Этти буюк доду диҳиш поясин.
Баҳри ҳунар келди-ю гавҳар вақор,
Сўзи анинг лаълу дури шоҳвор.
Нури табиий анга хуршедваш,
Фаҳми жибиллий анга жамшидваш.
Мадҳ анга қилгон чоғида ибтидо,
Бўлди қуёш туфроғима жабҳасо.
Зухра чекиб нағмани чун мавлавий.
Деди менинг мадҳим учун маснавий.
Муштарий ўлди дағи фармонпазир,
Бахт манга бўлди саодатсарир.
Дафтарини очти Аторуд равон,
Деди:— Мунга ёз сўзунг, эй нуктадон.
Қилди зуҳал тиралиғидин мидод,
Қилмоқ учун васфини анинг савод.

Тигини Баҳром этибон тездам,
 Деди:— Олиб тигими йўнгил қалам.
 Сафҳаи рухсорини бадри мунир —
 Келтурубон ёзголи бўлди мушир. .
 Етти фалак аҳли чу атфоли тавр,
 Мадҳида кўргузди анинг борча гавр.
 Яъни деди:— Олами куброаро,
 Хайли малак, чархи муаллоаро.
 Эй, бўлубон от санга мифтоҳи фатҳ,
 Маҳжаи туғинг доғи мисбоҳи фатҳ.
 Балки на сар хайлингаким бор ливо,
 Барча адув кушдуру хайбар кушо.
 Қай сорига чексанг агар тиги кин,
 Келгуси алингга кулоҳу нигин.
 Упкуси алингга худованд рахш,
 Арзи Убудийят, аё, тожбахш,
 Кимки қилур амринга зоҳир хилоф,
 Хасмин анинг қилгуси тигинг шикоф,
 Қайси шаҳар амринга қилса инод.
 Термагуси меваи нахли мурод.
 Кимки бўлур даргаҳинга жабҳасо,
 Бахт анга бўлгуси дурур раҳнамо.
 Қайси бош ар қилса оёғинг тавоф,
 Еткуси давлатдин оёқ анга соф.
 Олам эли ичра бўлуб сарфароз,
 Топғусидур даврдин ул нўш ноз.
 Бўлголи ой, кун кўк уза жилвагар,
 Кўрмади бир сен киби хуршид фар.
 Бахт ила иқбол ўлубон ёваринг,
 Толеу давлат доғи фармонбаринг.
 Тождитон бабрсону тахтгир,
 Давр эли бўлғай санга фармонпазир.
 Эй дури рахшандаи тожи зафар,
 Гавҳари яктойи нитожи зафар.
 Тахти Маоний сангадур жилвагоҳ,
 Анда муъаббад сани қилсун худо.
 Даврингаро жамъ ўлуб эл сар-басар,
 Кўрмасун ошифталиғи ғайри зар.
 Тийралиғи ғайр ҳамул хатту хол,
 Топмасун олам юзидин моҳу сол.
 Кўрмасун адлинг чоғида хосу ом,
 Неши бало ғамзадин ўзга мудом.
 Фитнаи уйғонмасун, эй шаҳриёр,

Даврингаро ғайр җамул чашми ёр.
 Зулфидин ўзга киши печон доғи,
 Бўлмасун ул зору паришон доғи.
 Кимки санга хасм эса ўпкой рикоб,
 Тушкай оёғингга нечукким шароб.
 Дўстларинг борча бўлуб муҳтарам,
 Бўлғай амон ўйлаки сайди ҳарам.
 Ким бошига қилмаса амрингни тож,
 Тож сари топмасун онинг ривож.
 Кимки санга истар эса дарду ранж,
 Туфроқаро қолсун агар бўлса ганж.
 Қайси гуҳар амринга қилса хилоф,
 Тиғи жафо бағрини қилсун шикоф.
 Лаъл агар қилмаса тожинг мақом,
 Хуни надоматаро қолсун мудом.
 Қайси қуш ар чекса муҳолиф наво,
 Топмасун ул доми балодин раҳо.
 Шер агар бўлса санга хасмкаш,
 Қилсун онинг кўксунни ғам тиғи реш,
 Кимса умурингдин агар чекса бош,
 Боши кетиб, мўрдек этгой маош,
 Қоҳки ул қилмасанг они сукун,
 Хоки мазаллатаро бўлсун нигун.
 Боғки тахтингга эмас жилавагоҳ,
 Оби фано остида бўлсун табоҳ.
 Қайси шароб этмас оёғинг тавоф,
 Дурду гаши айламагай они соф.
 Ё раб, этиб давлатин онинг мудом.
 Айлагасен ком раво шодком.
 Умр ила давлатдин этиб баҳраманд,
 Мартабасин дам-бадам этгил баланд.
 Соқий, олиб кел менга жоми мурод,
 Ичибу амрингга этиб инқиёд.
 Кезганими кўҳу биёбону дашт,
 Арз этайин неки эса саргузашт.

Хоразми пурразмдин ва мавлуди васлийси ул дайёри
хушбазмдин демокининг достони:

Бор эди Хоразм диёри — ерим,
 Ондин эди яхши-ёмон гавҳарим.
 Дема они бор эди жаннат мисол,
 Ётмагуси васфиға ваҳму хаёл.
 Тўби ўлуб боғида ҳар бир ниҳол,

Обу ҳавоси эди жаннат мисол.
Ғоблари қалбида бор эрди боғ,
Тоғлари сийнасида лола доғ.
Телбаротиб ақли кули гул иси,
Ҳар соридин лолау сунбул иси.
Қушлар анга тойири қудсий бўлуб,
Эл била ҳар қайсининг унси бўлуб.
Чашмалари ҳар бири чун салсабил,
Эрди гиёҳи хуш анга занжабил.
Ер анга мушкину ҳаво мушкбор.
Езу қиши анда ҳамиша баҳор.
Ҳар тикони айламайин жуст-жў,
Гулларидин ранг олур эрди бў.
Наҳридин онинг оқар эрди гулоб,
Ранги чу насрину иси мушкноб.
Гулшанаро кўргонида ҳар гули,
Ҳозиқи жаннот деди булбули.
Сарв ўлубон сар-басар ашжор анга,
Қумри ўқуб тахтаҳал анҳор анга.
Ҳар қушига ўзгача бир гуфтугў
Зоҳир эди ҳар соридин юз гулў.
Баҳри суйи умр киби хушгувор,
Тутмас эди умрдек ул ҳам қарор.
Андин анга от эди оби равон,
Бор эди ул руҳи равондин нишон.
Чашмалари софи-ю шофий эди,
Ҳар бири юз ғамга талофий эди,
Нахллари борча зул-алмом ҳам.
Сабзалари доғи неку ном ҳам.
Кимга тавон этколи таъриф ани,
Мумкин эмас этмоки тавсиф ани.
Қасри фарахбахши чу қасри висол.
Зебаро андоққи саройи хаёл.
Уйларининг васфида этмай хуруш
Уй эгаси сўзига тут гўши хуш.
Халқи анинг борчаси ишратфизо.
Хулқи хушу нутқи доғи дилкушо.
Илм элининг васфи жаҳондин фузун.
Ҳар не гумон айласанг андин фузун.
Ҳар бири дарёи балоғат шиор,
Сийналари тўла дурри шоҳвор.
Ким бўла олғой алара муставий,
Деса худо андаки ҳал яставий.

Шайхлари масжиду маъвосида,
 Бўйи риёлуқ эди бўрёсида
 Борчалари фони мутлақ эди,
 Сўзлари бошдин аёғи ҳақ эди.
 Шеър эли ишрат кунидек дилпазир,
 Қофиясанж эрди доғи нуқтагир.
 Ҳар бири бир кўҳи малоҳат асар,
 Сўз чоғи дарёйи фасоҳат дуар.
 Нутқлари нозику рангин хаёл,
 Табълари боғи эрамдин мисол.
 Аҳли саҳо сойили сойил эди,
 Борча савол аҳлиға мойил эди.
 Базл олар истамайин сийму зар,
 Илки сочиб сийму зар, оғзи гуҳар.
 Разм эли борча бор эдилар далир,
 Бешааро ўйлаки ғарранда шер.
 Борчаси соҳиб зафари разм эди,
 Негаки, мулк онлара Хоразм эди.
 Бу боридин эрди бу васфи зиёд,
 Омма анга хушхат эди хушсавод.
 Қайдаки бир нахли саёдат эди,
 Эл бошиға тожи саодат эди.
 Яхшилари рутбаси ҳаддин фузун,
 Эрди ямон эл доғи хору забун.
 Анда биров бирла бўлуб улфатим,
 Кечау кундуз эди ҳамсуҳбатим.
 Қайси бировким ул эди комкор,
 Аҳли вилоятда завил — иқтидор.
 Тахт элининг эрди сару сарвари,
 Тож элининг бошидағи афсари.
 Соҳиби туғ эрди-ю зеби дурафш,
 Мулкситон эрди доғи тожбахш.
 Лашкари Хоразмға эрди сугун.
 Анга юруш баҳру туруш бестун.
 Даст шужоатаро баҳри ҳунар,
 Қатраси пайкон неки тигу табар.
 Баҳри қитол ичра чу жанги наҳанг,
 Кўҳи виқор узра чу ғаррон паланг.
 Найза анга эрди ливойи зафар,
 Титрар эди савлатидин шери нар.
 Кимга они кўрмокига тоб ўлур,
 Кўҳ агар кўрса чу симоб ўлур.
 Саффи бало ичра эрур сарфишон,

Аҳли сафоға дурру гавҳарфишон.
Хайли саҳонинг сару сардафтари,
Балки саҳо афсарининг гавҳари.
Зоти анинг қилса нетонг дилни шод,
Отини дер чоғда топар жон мурод.
Базми-ю размида эдим улфати,
Мансиз эмас эрди анинг суҳбати,
Андин ажаб билма манга эътибор.
Меҳрға йўқ заррасидин чунки ор.
Гарчи эди оламаро ул қуёш,
Зарралигим эрди манинг доғи фош.
Бўйла эди анинг ила нисбатим.
Мундин эди ёзу қиши улфатим.
Чарх дуний ногоҳ ўлуб бадмизож.
Дун элиға берди камоли ривож.
Кимки шақийваш ани қилди баланд.
Кимки сайд айлади хору нажанд.
Қилғоли ул хайлни соҳиб ривож.
Қўйди бировнинг боши устиға тож.
Сўрсам агар шикваси сори қалам,
Яхши эмас шиквалиғ ўлмоқ рақам
Улки анга тобеъ эрур инсу жон,
Ғийбат эрур, деди, зинодин ёмон.
Молики амлок ўлуб ул бож ўлуб,
Бизга иложи анинг ихрож ўлуб.
Неча қилиб онинг ила жаҳду жид,
Лек бизинг бахтимиз ўлмай мудид.
Чиқмоқи фикр айлабон икки рафиқ,
Ул деди:— Ғурбат сори бошла тарийқ.
Ман доғи амриға қилиб инқиёд,
Йўлға тушуб изладим ўзга савод.
Гар кишига лашкар эса бешумор,
Лекин анга бўлмаса иқбол ёр,
Бўлғуси ул лашкар анинг душмани,
Бахт чу йўқ жавшан ўлур мадфани.
Хуллас ўлуб мулку ватандин жудо.
Солдим ўзум ғурбати шиддатаро.
Токи Бухоро сори қўйдум қадам,
Оҳи бухорийро бўлдим адам.
Гарчи эрур манзили дилкаш базе
Лек мусофирға эмас хуш базе
Чунки сафар сувраси бордур сақар,
Яхши эмас дўзах ўтида мақар,

Ғурбат эрур борча қотигдин қотиг,
 Лек нетай бахтға бўлмас сотиг.
 Бахти сотиб қисмати бўлмас бузуб,
 Авло эрур шукр демоклик тузуб.
 Не манга маъво-у не манзил аён,
 Ваҳ на дедим турғоли қайда макон.
 Таъма учун шому саҳар нолишим,
 Тифл киби бормоғу сўрмоқ ишим.
 Дийдаи дилким анга бийно эрур,
 Деди: мусофир не қал-аъмо эрур
 Гарчи улуснинг ҳаду поёни йўқ,
 Тонимоғим бирини имкони йўқ.
 Вард ўзи шоҳида гар азҳар эрур.
 Бадр кавокибаро анвар эрур.
 Ўз еридин қилса алар интиқол,
 Иккиси ҳам ўлғуси пажмурда ҳол.
 Минг ҳунари этса ғариб ўлғой айб,
 Охирида баҳрасидур чунки райб.
 Кимга рафиқ ўлмаса жамъ, эй амир,
 Бўлғуси албатта паришон фақир.
 Кимки қилур бу сафарим фикратин,
 Билғуси ул меҳнатину шиддатин.
 Қай бир алам васфини таҳрир этай,
 Ёки қою дардни тақрир этай?
 Баҳрда сув ўрнига бўлса мадод,
 Сафҳаи афлок уза ёзсанг савод.
 Бу қурубон қолмағай анинг ери,
 Лек ёзилмай яна мингдин бири.
 Ҳожат эмас васфини қилмоқ тавил,
 Сўзнинг эрур яхшиси чунким қалил.
 Беҳад эди ғурбатаро кулфатим,
 Дам-бадам афзунроқ эди шиддатим.
 Йўқ эди ҳолим сўрадургон рафиқ,
 Ғайр ҳамул ёр рафиқи шафиқ,
 Бир кун этиб фикр ила диққат баса,
 Деди:— эмас яхши бу ғафлат баса.
 Гарчи ўтар умр бу меҳнат била.
 Ёзу қиши ранж суубат била.
 Лекин ўлур ҳар куни кундин ҳисоб,
 Ҳар тунни ҳам бўлғуси тундин ҳисоб.
 Мушуларо ўтмаки осон эмас,
 Умр вале турмоғи имкон эмас.
 Турмоқ анга ўйлаки кўҳи бало,

Утмак анга ўйлаки тийри қазо.
Англадинг эмди мун қилма хаял,
Бир нима қил умрға бўлсун бадал.
Токи санинг бирла бизнинг отимиз —
Қолғай, агарчи йўқ эрур зотимиз.
Аҳли суханким эдилар нуктасанж,
Топти алар ранж чекиб мулк, ганж.
Сан қилибон бизга фидо мулку мол,
Нукта адосида аён қил мақол.
Мард элига ўзгача ойн керак,
Қавлиға-ю феълиға таҳсин керак.
Сен доғи бу лоф ила борсен қарин,
Жониғадур борча тамаъ бирла кийн.
Сўзни бу янглиғ этибон ул адо,
Сўзлагали етти чу навбат манго.
Рифқ ила бу лутфи дил афрўзидин,
Ажз ила бу нозик адо сўзидин.
Тушти димоғимға тахайюр баса,
Синамаро сўзу таҳассур баса.
Не ани рад қилғоли топтим вусул,
Не ани тавъан кўнгул этти қабул.
Чунки манга йўқ эди тобу тавон,
Сўзим эл оллида қилурға аён.
Суст табиат эдимү жаҳл асар,
Топмас эдим ўздину сўздин хабар.
Шеър элидин улки муқаддам эди,
Ҳар бири бир баҳри муаззам эди.
Даври балоғат қилиб анлар ниҳон,
Мавжи фасоҳат этар эрди аён.
Барча эди мусийи мўъжиз низом,
Сомири особори соҳир калом.
Дема алар васфини шоир эди,
Мусо эди, йўқ эса соҳир эди,
Не манга ул зоҳиру не бу аён.
Ваҳ, на дедим, йўқ манга сўздин нишон.
Ёва бўлуб сўзлаганим сар-басар,
Қайдаки айб ўлса, мангодур ҳунар,
Фисқ ила исён бўлубон ҳамдамм,
Журми гунаҳ мунисиму маҳрамм.
Умр ўтуруб гафлат ила сар-басар,
Ҳар не десанг бор эдим андин батар.
Чунки сўз айтурға манга ул хитоб —
Этти, доғи истади мандин жавоб.

Лол этиб эрди мани ушбу савол.
 Жон уйиға тушти бу янглиғ хаёл.
 Гарчи оқизди мани баҳри фужур,
 Тутса нетонг илкими лутфи гафур.
 Раҳматидин чунки имон ноумид,
 Кесмагум алтофидин асло умид.
 Кўнглумаро кечди мунунгдек хаёл.
 Ҳайрат ила гарчи тилим эрди лол.
 Дедим:— Аё мушфиқу ёру рафиқ,
 Бошла, манга эмди бер андоқ тарийқ.
 Бўлсун анга аҳли жаҳон юрмаган,
 Балки ани билмагану кўрмаган.
 Эмди сўзинг дуррини рад қилмадим,
 Лек қаю сўз ёзарим билмадим.
 Ҳар не мукаррар эса ул хўб йўқ.
 Аҳли назар оллида марғуб йўқ.
 Деди:— Бу сўз ақл хираддин эмас,
 Аҳли хирад сўзини мундоқ демас.
 Сол назаринг лавҳи муалло(ға)ча,
 Айла ҳисобин алифинг ёгача.
 Кўрки ўтуз ҳарфдин ул кам эрур,
 Бошдин оёқ сафҳан одам эрур.
 Сўзлади анинг била ул номдор,
 Андин эрур борчаға ул ёдгор.
 Утколи одам бори офоқаро,
 Сўз бу эрур ушбу кўҳан тоқаро.
 Борму каломи эларо бўлмағай,
 Ҳарфи таҳажжодин анга бўлмағай.
 Асру мукаррар экан ушбу ҳуруф,
 Санки чу такрорига топтинг вуқуф.
 Бас сангаким, дедим, мунга қойил ўл,
 Бошқа ҳуруф истагали мойил ўл.
 Андин эрур барча каломи малиҳ,
 Ёки на сўз эларо бўлсун қабих.
 Дема бу сўзни доғи қилма хаёл,
 Билки эрур ушбу хаёли маҳол.
 Ҳар киши ўз таъбиҳа иншо қилур,
 Тоза сўзи¹ эларо пайдо қилур.
 Аҳли сухан чунки эрур кимиё,
 Туфроқи зар янглиғ этар хушнамо.
 Гарчи санга йўқ эса андоқ тавон

¹ Сўзни маъносида.

Бори маломат ўқиға бўл нишон.
 Кўрмаса эл сўзинги тахсин учун.
 Кўргай они нафи ила нафрин учун,
 Бўйла равишни доғи бил муғтанам.
 Сафҳа саводи сори чеккил қалам.
 Хўш дедиму амрига қилдим шуруъ,
 Сўз қопуси сорига этдим ружўъ,
 Ё раб, ўшул арши муалло ҳақи,
 Махзани сўз гунбази хузро ҳақи,
 Қилгил иноят менго лавҳи яқин,
 Айла сўзум лутф ила курсинишин.
 Соқий, олиб кел майи беғаш манго,
 Балки дебон нағмаи дилкаш манго.
 Они ичиб, бун қилиб истимоъ
 То қилайин базм сўз ичра симоъ.

СУЗ ДЕГАН БИР МУҲАЗЗИРАИ ДУШИЗА ВА БИР МАСТУРАИ ПОКИЗАДУР

Сўз дуридур жавҳари жондин азиз,
 Балки эрур икки жаҳондин азиз.
 Оламаро ҳар неки топти сабот,
 Ё неки итлоқ ангодур коинот.
 Сўздин эрур борчасиға тору пуд,
 Хоҳ адам бўлсуну хоҳи вужуд.
 Сўздин эрур ҳар танаро жон доғи,
 Жон демайин гавҳари иймон доғи.
 Сўз биладур куфр ила ислом аро,
 Фарқ бил инсон била анъом аро.
 Ҳар киши ким куфригадур муътариқ,
 Ўз тилидин куфрғадур муттасиф.
 Тил била исломни ким деса руст,
 Қатл ила торож эмастур дуруст.
 Бу ки дедим танаро ул жон эрур,
 Шаръини қилмоқ доғи осон эрур.
 Ақлинг агар бўлса санга раҳнамун,
 Жисмингаро жон эрур ул коф нун.
 Коф ила нун амрдур: асра адаб,
 Деди ўзи: руҳ эрур амри рабб.
 Сўздин экан руҳи равон ҳам санга,
 Жону тану тобу тавон ҳам санга.
 Гавҳари сўз билки эрур жонга жон.

Билки эрур лаҳжаи жононга жон.
Лаҳжааро бўлмаса сўз жони йўқ,
Ҳар киши жон демаки имкони йўқ.
Кўрлику карлику гунглик не айб,
Бўлса эди қошифи асрори ғайб.
Қилмас эди куфр элига хитоб,
Сум ила букм умийни вақти хитоб.
Мундин ани лаҳжааро жон дедим,
Лаҳжани қўй, лаҳжаи жонон, дедим.
Деди, Навонӣки эрур хушнаво,
Турфа назирӣки дегумдур санго,
Кўрки, агар бўлса парӣй пайкари,
Нозу адо бобида афсунгари.
Қомат анга тўбини хулди барин
Банда бўлуб кўзларига ҳури айн.
Ғолияваш сунбули пурчин бўлуб,
Мушки хито деса ани чин бўлуб.
Сочи била бўлса муанбар шамол,
Қошини кўрганда бўлуб ҳам ҳилол.
Оразидин чекса хижолат қуёш,
Кавкаб дурри тишидин бўлса фош.
Жабҳасидин бўлса ҳижил муштарӣй,
Бўлса парӣй оллида мушти пари.
Соиди қилса яди байзо аён,
Кўзларидин сомирий ўлса ниҳон,
Меҳр руҳи нурига солғоч назар,
Олами ғайб ўлса агар жилвагар.
Лабларининг шаҳди эрур салсабил,
Бўлмаса ул лабда агар қолу қийл.
Бу бори бир сурати девор эрур,
Сўз анга гар бўлмаса бекор эрур.
Монӣй этиб суратиға зебу зайн,
Ул бирин абрў деди, бу бирин айн.
Юзига гулгунани айлаб нигор,
Деди эрур турфа бути гулўзор.
Маъно эли оллида ул хор эрур
Булбул эмас, ани тилар сор эрур
Улки сўзи дурри фасоҳат эди,
Ҳусн деган ани малоҳат деди.
Ўзига гар бўлмаса бу сўз қабул,
Афсаҳу амлаҳ демас эрди расул.
Йўқса, қуёш қурсида ҳам нур эрур,
Халқ кўнгул бермокидин дур эрур.

Сўз демаса мунча қабоҳат анга,
Бўлса агар дурри фасоҳат анга.
Ёна, доғи бўлса малоҳат ниҳод,
Қилғуси бир ҳуснини мингдин зиёд.
Бўлса биров шакли забундин забун,
Қомат эса ҳам анга андоқки нун.
Қўл анга шал бўлса, оёқ доғи ланг,
Бошдин оёқ бўлса агар ору нанг.
Лекин анга бор эса дурри мақол,
Борғусидур ёнига аҳли савол.
Сўз дуридин келтурубон анга дил.
Тиргузур ани гар эса мурдадил.
Илм зулоли била аҳё қилур,
Кўнглини ул дур била дарё қилур,
Ул доғи касб этгуси андоқ ҳаёт,
Ким анга йўқ зарраи бийми мамот.
Икки жаҳон ичра бўлуб зиндадил,
Мунда-у анда бўлур ул юз қизил.
Яхши, киши гар деса андоқ калом,
Нийят эса анга чу рабту низом,
Бўлғай анингдекки лаби жонфизо,
Дард элига нукта дегай дилкушо,
Мундин эрур аники дерлар Масих,
Сўз била тиргузди ўлукни сарих.
Бу борини қўй доғи билгил яқин
Сўз дур эрур лавҳ уза курсинишин.
Қадри фузун бўлмай, агар бўлса кам,
Хоссаси бўлмас эди лавҳу қалам.
Айлай анинг васфини эмди тамом.
Тангри сифоти бирисидур калом.
Лекин эрур эларо ул икки қисм,
Ҳар бириси топти анинг ўзга исм,
Бирисининг отини дерлар қабиҳ,
Ул бири алқоб хушин деб малиҳ,
Ул бириси ҳар на ёмондин ёмон,
Бу бирисин илм эли дер шири жон.
Қубҳи анинг ўйлаки бонги килоб
Ҳусни мунунг ўйлаки бўйи гулоб.
Кимки килоб ила гулоби билур,
Ончи тафовут мунга доғи қилур.
Мантиқ эли қилғонида жонда фарқ,
Қилдилар ҳайвон била инсонда фарқ.
Сен доғи бу сўз била топсанг фириб.

Рутбаи инсонлига¹ йўқ сен қариб.
Зоҳирини деди алар биз-зарур,
Йўқ эса бу маъни эрур асру дур,
Нотиқ элинг ҳар бири инсон эмас,
Аҳли маоний ани инсон демас.
Сўздин эрур маъни рангин мурод,
Бўлмаса ул сўзни дегил гирдибод.
Кимки ямон сўзни дер инсон эмас,
Сўзки ямондур ани ҳайвон демас.
Мундин эрур сокит ўшул нотавон,
Яхши дей олмас, доғи демас ямон.
Яхшисидур шоҳиди волонатож,
Тангри каломи боши устида тож.
Деди бу боб ичра расули фасиҳ,
Жиннинг итидур деса ҳар ким қабиҳ.
Мадҳ сари йўқ эса ҳассон анга,
Айлади таҳсину ҳам эҳсон анга.
Ончаки ҳар неча қилиб қийлу қол,
Бир сари мў демаким андин маҳол.
Яъни бериб мўйи сарин сарфароз,
Айлади ул тожи сари аҳли роз.
Мадҳ демак бўлса эди гар вубол,
Етмас эди анга бу молу манол.
Сўзнинг адосида чу сочти гуҳар,
Деди яна ул шаҳи улвий сафар.
Аршнинг остида эрур ганжи роз,
Олмоқ ила бўлмағай ул ганж оз.
Ҳар кишига очғали бўлса умид,
Шеър элининг ал-синасидур калид.
Қилмас эди шеър эса асло ямон,
Анна минаш-шеърила ҳикмат баён.
Назм хато бўлса, гар ўлмай савоб,
Қилмас эди шери худо иртиқоб.
Ул сўзи васфини чу вофир, деди,
Назм сўзи ришта узодур, деди.
Кимки малиҳ айтур ўшул дурни дер,
Кимки анинг аксини дер, равс ер.
Сўзки малоҳат била марғуб эрур,
Лийнат анга бўлса агар хўб эрур.
Қўлинг гар лийнат эса бегумон,
Чиқғусидур отини ташлаб йилон.

¹ Инсонликка маъносида.

Қотиг, ирик десанг этиб қаҳру кин,
Динини тарк айлағуси аҳли дин.
Қавлинг агар бўлса эл ичра дурушт,
Элдин эшитгунг доғи сен қавли зишт.
Сўз гуҳари гарчики бордур азиз.
Дониши йўқ оллидадур бир пашиз
Ҳар киши сўз бикрини пайдо қилур,
Бошдин оёқ зеб ҳувайдо қилур.
Ғоза этиб анга юрак қонидин.
Вўсма этиб дудаи афғонидин,
Чеҳрасин анинг била рангин этар,
Қошиға бу дудани тазмин этар.
Қоматини нутқи равондин қилур,
Ҳулла анга пардаи жондин қилур.
Сурма била кўзини пуркин этар,
Ноб чекиб зулфини пурчин этар.
Сурма қарорғон кўзининг гирдидин,
Тоб ила чин печиш ила дардидин,
Дурри балоғат била дайҳим этиб,
Қасри фасоҳатни зару сийм этиб.
Тож этибон анга каломи худо.
Тахтин этар борғаҳи кибриё.
Юз била ашқидур анга сийму зар
Қатраларидин доғи лаълу гуҳар.
Парвариш айлар ани айвонаро,
Ваҳ қаю айвонки, дилу жонаро.
Илм гулоби била мушқин этиб,
Фаҳм абири била тазйин этиб.
Анга тўкуб фикр чоғи нури айн,
Ҳолин этар мардумаки ҳури айн.
Айлаб ани масти шароби адаб,
Бал ўқутуб анга китоби адаб.
Назмиға-у нәсриға моҳир қилиб,
Қофиясанж айлабу шоир қилиб.
Ашқин анинг дур била ол айлағай.
Белин анинг тори хаёл айлағай.
Кўзлари лаълин ўлубон бардавом,
Бўлмағай озурда қилур чоғ хиром.
Шева анга шеърү муаммо бўлуб,
Ишва анга рамз ила йймо бўлуб.
Нукта адосин доғи осон дегай,
Сўзин эшитганда улус жон дегай.
Нозик адо сузлара қойил қилур,

Ишвау ноз этколи мойил қилур.
Бўйла бежаб, бўйла берур зебу зийн.
Солгудек офоқаро ул шўрушин.
Чун етилиб баҳри латофат бўлуб.
Дурри самин анга балоғат бўлуб.
Сўзлатибон ани фасоҳат била,
Кўрсатур элга бу қиёмат била.
Кўрса ани дун эли ногаҳ дўнар
Бал дўнағунча ани юз минг қинор.
Чунки кўруб мушк ила бўйи гулоб,
Ани ўқур мушк ила бўйи гулоб.
Гулшани сўз ичра кўруб ҳури ийн,
Ҳур ила ийн айлаб этар шўрушин,
Қайда баланд ўлса қилиб ул палид,
Ўлса ҳамид этгуси они жамид.
Раҳми ул ражм гумон айлағай,
Заҳми шақоватни аён айлағай.
Қайда кўруб сўзаро тори хаёл.
Ул ўқуғай шўраро бори хаёл.
Қайда кўруб муждаи барно барид,
Ул ўқуғай мурдаи барно барид.
Бу ёзибон шишаи жоми шароб,
Ул ўқуғай шустаи хоми сароб.
Қайда кўруб қанд, қилиб ани қайд,
Ишрати усрат дегай ул зидни зайд.
Кўрса муҳаббатни дегай меҳнат ул,
Раҳмати кўргач топибон заҳмат ул.
Барг ила бори қилибон турку тоз,
Ўйла хазон нози дегай ўтди ёз.
Водийаро кўрса агар тахту жоҳ.
Мисри баён ичра дегай тахти чоҳ.
Бихубари ул ўқубон бежабар,
Ҳар шажари дегусидир ул саҳар.
Кўрса ўюн арсаида от бил.
Дегуси ул даштнишин оби Нил.
Бошдин оёқ сўзаро қўймай намак,
Ашк кўруб сув билиб бўлғай эшак.
Шеър хуши шеър мисол айлағай,
Яшми ким пашми хаёл айлағай.
Ё раб, этиб бўйла балодин амон,
Пардаи лутф ичра юзим қил ниҳон.
Пок назар эл кўзига нур қил,
Дун элининг кўрмокидин дур қил.

Соқий, олиб кел тўла жоме манго,
Берсун они лутф ила жоми манго.
Ичкон они маст навое қилай.
Гулшани мадҳ ила ҳавое қилай.

Хисрав била Шайх Низомий ва Мир Кабир била ҳазрати Жомий китоби муҳаббат абвобининг томошосида арконида, робитан силсилаи асҳоб хафо ва воситан қилодаи арбоби сафо, яъни эшон Шарафуддин муборак ниҳод қутбул-автод сояи баландпоясин бошимға солиб, манга ҳам девон тақмили ва урфон таҳсилаға фармойиш қилғонининг калимоти:

Улжи эрур назм эли сар дафтари,
Аҳли сухан афсарининг гавҳари.
Тўрт киши бордурур, онлар аён,
Ҳар бири ҳайрон эрур, баҳру кон.
Сўз танида бордур аносир булар,
Кимки сўз айтур анго носир булар.
Парда ниҳон маҳзани асрори ҳақ,
Парда аён матлаъи анвори ҳақ.
Сўз бирига «Тухфатул-ахрор» эрур,
Тил бирига «Ҳайратул-аброр» эрур,
Ул бирисин Шайхи Низомий дегил,
Мамлакату мулки низомий дегил.
Бу биридур Хисрави олижаноб,
Торами назм узра мунир офтоб.
Ул бириси ҳазрати Жомий эрур,
Даҳр элининг пок каломи эрур.
Ёна бири булбули дostonсаро,
Яъни Навоий эрур ул хушнаво.
Узга эрур донишу фарҳанг анга,
Етти фалакдур ети авранг анга.
Етти ақолим узадур моҳ ул,
Етти қалам аҳлиғадур шоҳ ул.
Гулшани сўз топғали зеби вужуд,
Чеккан эмас булбуле андоқ суруд.
Буржи камол узра эрур офтоб,
Авжи мақол узра муалло жаноб.
Узга сухан аҳли эрур чун суҳо,
Чиқса қуёш бўлғуси ул бебаҳо,
Тўрт китоб айлади ул тўрт чароғ,
Ваҳна китоб, они дегил чор боғ.
Аҳли назар кўргусидур бегумон,

Тўрттовининг зимнида саккиз жинон.
Гулларининг зийнати ҳаддин фузун,
Сарви сиҳий анда ададдин фузун.
Сарвниким ҳар шажари хуш самар,
Тубийи ризвондек эди жилвагар.
Ҳар алифи нахла эди дилситон,
Ҳолар ўшул боғаро гунча нишон.
Жимлари сунбули пурчин эди,
Маъни анга бешдин оёқ чин эди,
Қасрлари бор эди жаннат мисол,
Сақфиға чиқмас киби ваҳму хаёл.
Барчасининг жавфи тўла ҳури айн,
Кўргай ани кимдаки бор нури айн.
Сатрлари жўйи жинондур яқин,
Назм равон анда чу моъи маин.
Маъни эрур ҳур ила ғилмон анга.
Хўрдаи маъни доғи вилдон анга.
Мимлари чашмасидур салсабил,
Сатр ила хатдур анга дарёи Нил,
Ҳар ариғи шаҳди назокат тўла,
Чашмасида оби латофат тўла.
Ҳар неки кўнглингаро матлуб ўлуб,
Ҳозир ўлуб анда бори хўб ўлуб,
Неки саккиз учмоғаро бор ниҳон,
Тўрт гулистонро топғунг аён.
Тўрт гулистонки эди хуш гулоб.
Ҳар бирига зоҳир эди беш боб.
Манго доғи бир кун ўлуб бахт ёр,
Бўйла гулистонро тушти гузор.
Сайр этибон гулшану гулзораро,
Роҳат этиб накҳати азҳораро.
Баҳравар эрдим гулу гулзоридин,
Бў топибон накҳати азҳоридин.
Етмай анинг зийнатига фикратим,
Ортар эди ҳайрат уза ҳайратим.
Зоҳир эди чулки ададсиз гули,
Ҳар бирида нагмасаро булбули.
Гарчи фузун бор эди ҳайрат манга,
Юзланибон ўзгача ҳолат манга.
Кўнглумаро кечди мунунгдек хаёл,
Ман ҳам этой гулшани жаннатмисол.
Гуллар экай анда юрак қонидин,
Булбул этай нола-у афғонидин.

Сарв хиёбонин этай мадди оҳ,
Сунбул анинг дудики бордур сиёҳ.
Манзари кўздин қилиб анга қусур.
Маънии рангиндин этай андо ҳур
Бўйла эди жонаро юз минг хаёл,
Бошдин-оёқ эрди хаёли маҳол.
Жон қушига лек дедим ман ғариб,
Чўғз сану бордур алар андалиб.
Чўғз не журъат била чеккай наво,
Андаки булбул эса дostonсаро.
Санчилибон жонга бу сўзда тикан.
Гўшан вайронани қилди ватан.
Ҳар кун анга подшоҳи бениёз,
Қилди аён турфа ниҳон ганж роз.
Яъни эди пири муборак қадам,
Эрди муборак қадам ҳам анга дам.
Дема ани маркази хок узра пир,
Бор эди ул чарх уза бадри мунир.
Балки ани торами аъло дегил,
Кўнглин анинг арши муалло,— дегил.
Буржи шараф ахтари рахшандаск,
Дуржи адаб гавҳари тобандаси.
Аҳли нажобат сару сардафтари,
Хайли саодат бошининг афсари.
Зоти сайд элга шарофат келиб,
Кимки шақи шар била офат келиб.
Дема ани бир киши дунё дегил,
Оламаро олами кубро дегил.
Мулки жаҳон ичра ўзи бир жаҳон.
Кўрки жаҳон ичра жаҳондур ниҳон.
Садри Сафи суфсан носут эрур,
Муътакифи Каъбаи лоҳут эрур.
Хуллас анинг васфига йўқ интиҳо,
Демак ила бўлмағай ул сўз адо.
Ғавси замон эрди-ю қутби макон,
Оти шараф зоти шарафдин нишон.
Гавҳари дарёи балоғат эди,
Гулбуни гулзори фасоҳат эди.
Буржи шарафдин чиқиб ул офтоб,
Солди бошим устига анвори тоб.
Партави лутфин қилибон ошкор,
Қилди мани зарра киби беқарор.
Дедики:— Эй булбули зору ҳазин,

Нега хароб ичра эрурсан гамин;
Чўғздек этма бу хароби макон,
Чекмагил андуҳ ила мундоқ фиғон.
Гулшани қудсийаро бўл андалиб,
Бўлма бу маъво сари эмди қарийб.
Хисрав ила Шайхи Низомийни кўр,
Мир Али ҳам ҳазрати Жомийни кўр!
Тўрттови тўрт боғ ила бўстон нишон,
Айладилар қилголи анда макон.
Ҳар бири ўз боғида дostonсаро,
Бўлди алар бўлғуча рўзи жазо.
Боғлари боди хазондин амон,
Ҳодисадин ўзларига йўқ зиён.
Чекти алар меҳнат ила дарду ранж,
Топти анинг ҳар бириси «Панж ганж».
Ганж ила гулшанга адад панж эрур.
Тўрттови лек анда сухансанж эрур.
Ганж ила гулшан бири бордур зиёд,
Ол бирини сан доғи анда кушод.
Тўрттови чун ҳамса қилиб иртиқоб,
Ҳамса лақаб топти аларга китоб.
Дегувчи ҳам беш бўлубон қийлу қол,
Этса мутобиқ тушар анга бу ҳол.
Беш ўлубон гулшану беш андалиб,
Ҳар бирига бириси бўлсун насиб
Хомис ўлурга қил аён уштулум,
То десун эл хомиси ҳум калбуҳум.
Содис агар бўлсангу сомин агар,
Каҳф элига бирлигинг эт мухтасар.
Яъни этиб ҳиммату ғайрат шиор,
Кўргуз улус ичра бир андоқ баҳор,
Боғига гул бўлсун анинг зебу фар,
Гуллар анга тоза-у тар сар-басар.
Сарви равон назми равондин анга,
Оби равон шираи жондин анга.
Чекма дили зоринги анҳор этиб,
Оҳ алифин ҳар сори ашжор этиб,
Мева бўлуб гавҳари мақсуд анга,
Соя рагид ўлсуну мамнуд анга.
Барглари равшан ўлуб чун чароғ,
Боғи Эрам оллида бўлсун чу роғ.
Қасрин анинг гавҳари фикр айлагил,
Хурин анинг маъний бикр айлагил.

Зулф соридин анга эстур насим,
 Бўлсун анга ройиҳа анбаршамим.
 Хол исидин айлаб анга мушки ноб.
 Гул юзининг суйидин этгил гулоб.
 Лаб суйидин айла аён салсабил,
 Яъни анинг васфида қил қолу қийл.
 Хатдин ўшул равзаға қил нийлуфар,
 Қаддин анинг сарвини қил жилвагар.
 Ҳусн ила Дилдин қилибон гуфтуғў,
 Бергил анга тоза-у — тар рангу бў.
 Яъни мажоз ила ҳақиқат қарин.
 Уйла сўзинг бўлғусидур дилнишин.
 Аҳли ҳақиқат топиб андин наво,
 Хайли мажоз ани кўруб хушнаво.
 Иккисининг кўнглиға марғуб ўлуб,
 Икки жаҳон аҳлиға матлуб ўлуб.
 Токи сенинг сўзинга бўлғой ривож,
 Икки жаҳон қилғай ани бошға тож.
 Қилди чу ул сўзни бу ерда тамом,
 Айлади тасдиқин анинг хосу ом.
 Бу сўзидин жон қуши чун баҳравар
 Бўлди наво, топти доғи баргу бар.
 Ғунчаи уммид анго хандон бўлуб,
 Боғи таманно доғи райён бўлуб.
 Айлади булбул киби дostonни сар,
 Ҳусн ила Дил қиссасидин мухтасар.
 Ман доғи жоним била қилдим қабул,
 Лутфи амимиға топай деб вусул.
 Айлаб анинг ҳимматиға илтижо,
 Қўл кўтариб истадим андин дуо.
 Ул доғи ҳаққимға дуо айлади,
 Дарди дили зора даво айлади.
 Қилди Масиҳо киби анфосини
 Юзга стурди яди байзосини.
 Ҳар неки хайр анда тамомин деди,
 Хайли малойик анга омин деди.
 Тўрт китоб андаки мазкур эрур,
 Хамсалиғ оти била машҳур эрур.
 Ҳар бирининг аввалида бир китоб —
 Бор эдиким, андин эди фатҳи боб.
 Бирнинг оти: «Махзани асрори шавқ»,
 Ул бириси: «Матлаъи анвори шавқ».
 Ена бири: «Тухфатул-аҳрор» эди,

Бири анинг: «Ҳайратул-аброр» эди.
 Ман доғи анларга демоклик жавоб,
 Истабон айттим бу сўзи иртиқоб.
 Гарчи эрур Хусну Дил ушбу савод,
 Дилнинг оти мунда қўюб ман Фуод.
 Ансаб эди исм бўлурга яқин,
 Бўлғуси бу фаҳм элига дилнишин.
 Ушбу бадал қилди муни иштимол,
 Ҳожат эмас бу сўз уза қийлау қол.
 Гарчи демак сўз манго йўқ эрди ҳад.
 Дегум они етса гар ондин мадад.
 Сўз деголи балки эмон восита,
 Топғусидур сўзум анго робита.
 Най киби ҳар сўзни ул этса баён,
 Қилгум эрур эларо они аён.
 Ё раб, этиб лутфинг ила фатҳи боб,
 Айла дуосини онинг мустажоб.
 Онинг ила топти бу сўз ибтидо,
 Лутфи иноят била қил интиҳо,
 Соқий, олиб кел манго бир жоми ғам,
 Қисматима ғамни ёзибтур қалам.
 Бер манго не ким бор эса сарнавишт.
 Ҳаддим эмас демок они хубу зишт.

Хомаи мушкин жомага номаи олам узра ҳангома қил-
 моқнинг таваллоси, балки жаҳон авроқини тахти қалам эг-
 моқ учун ливо чекмокининг алолоси, они руъбу ҳаросдин
 пос тутмоқ учун уч кишининг анфосидин ёрий тиламоқнинг
 муддаоси, бири ул қудваи киромийким номи пурэхтиром
 узлатдурким мўътакиф Каъбаи лоҳут ва маснаднишин суф-
 фаи жабарут эркони зоҳир ва ифшодур; иккинчи маъниким
 сурат маъни била «алаззул-каломи авжазуҳу ва аҳсанул-
 мақоли аъжазуҳу»¹ андин алонийя ва ҳувайдо бўлур; учун-
 чи сўфийи софийким, раҳбари солики тарийқат ва сафда-
 ри мамолики ҳақиқатдур.

Алардин ёрий тиламоқнинг адоси ва аларнинг мураб-
 бийлигин ёд этиб, қаламнинг нолдин нолон кўнглига бол
 сувратин кўргузуб, шод қилмоқнинг савдоси:

Эй қалами гармраву тезтак,
 Бўлди макон зотинга фавқи фалак.

¹ Лааззатли гап қисқа бўлур ва энг чиройли сўз унинг яхшилаб
 айтилишидадир.

Анда не сўзким тилинг этти баён,
Курсий уза бўлди бориға макон.
Ҳар не жаҳон аҳлиға тақрир эрур,
Барчаси анинг санга таҳрир эрур.
Санга нетонг ўлса муаззам жаноб,
Воситасиз чунки эшиттинг хитоб.
Чунки ул амр ўлди санга кофу-нун,
Амринг ила бўлди шикибу сукун.
Санки, анинг амриға маъмур ўлуб,
Халқ сенинг амринга мажбур ўлуб.
Икки жаҳон аҳли сафиду сиёҳ,
Хатингадур банда било иштибоҳ,
Тутмас эди бўлмаса бу эътибор,
Кун юз уза тун киби хаттинг қарор.
Сандин ўлуб мунда раво йўқ саво,
Ҳашрда ҳам сандин эрур можаро.
Соғ ила сўлдин ёзибон номани,
Ҳашраро қилдинг манга ҳангомани.
Аҳли жаҳон жониға бийму умид,
Сандин эрур онлара ҳар не навид.
Аҳли жаҳон ёзса на ёнглиғ савод,
Сандин ўлур зоҳир аларга мадод.
Васфинга эл топмоғуси интиҳо,
Онга эрур ушбу далил иктифо.
Тангри таоло этибон муҳтарам,
Деди каломийаро «нун вал қалам».
Фақр фано бўлғонида жилвагоҳ,
Тушти санга партави нури сипоҳ.
Рутба санга бўлди мунунгдек баланд,
Тийра жаҳон ичра недин сан нажанд.
Хоки сияҳ узра бўлуб банд сан,
Бўлма манинг бахтима монанд сан.
Келки, этиб тарки алоийқ икав,
Бал узубон тори авойиқ икав.
Манзили аслий сари айлаб убур,
Ҳосил этиб анда ҳузур сурур.
Гунбази хузрода топиб иззу жоҳ.
Бошга қўюб фақр фанодин қулоҳ.
Қисват этиб танга фано шолини,
Илмагали кўзга жаҳон молини.
Бизга бу манзил сори бўл раҳнамун.
Бахти сиёҳим киби бўлма забун.
Яъни этиб тарк жаҳон пешагин,

Кўнглунга сол сўз демак андишасин.
Ноладин ул заъфаро андоқки нол,
Фикрдин ул ўйлаки тори хаёл.
Тийралигин бахтиминг этгил сиёҳ,
Ёзки анинг дудасидур дуди оҳ.
Аҳли назар кўзларин ул дуд ила,
Ўйғлатибон дарди ғам андуд ила.
Хайли жаҳон ичра солиб шўру шар,
Хашр киби айла ани сар-басар.
Сўзингаро айла қиёмат аён,
Эл десун отингни қиёмат баён,
Сан чекибон меҳнати дуди мидод,
Лек манинг отима бўлсун савод.
Ташла икки тилни бўлуб якзабон,
Якдил ўлуб истама суду зиён.
Кетса бошинг четма қаро қошинги,
Бал оёқ эт бу йўларо бошинги,
Мулки сухан чун санга муҳтож эрур,
Сан шаҳу бошингда қаро тож эрур.
Мулкига анинг берибон интизом,
Адл ила у ройиға бергил низом.
Сикка уруб отиға заргар эли,
Хутба ўқуб зотиға минбар эли,
Чолдурубон шаҳраро ною нафир,
Чолдурубон базмаро савту сафир.
Бўлғасен ул ерда баса муҳтарам,
Етмагудек дарғаҳинга дарду ғам.
Етти қалам аҳли санга бандавор —
Бўлғусидур, етса хатингдин ғубор.
Ғолиясанжингни кўруб жон дегай,
Мушки хатинг сунбулу райҳон дегай.
Анбари тар англаса таҳқиқ ани,
Ичса қасам этгуси таълиқ ани.
Сунбули пурчинға хатингдин савод,
Етса бериб сулс қилур инқиёд
Даҳр эли девонинга қилғоч нигоҳ,
Бўлғуси девона било иштибоҳ.
Ройи руқуминг била бадри мунир,
Бўлди қаро кечада равшан замир.
Эмди жаҳон олғали чеккил ливо,
Чатринг этиб борғаҳи қибриё
Мисли Сикандар кезибон баҳру бар
Айла мусаххар борини сар-басар.

Ҳар на жаҳон ичраки бор бешу кам,
Борчаси бўлғой санга тахти қалам.
Қилма ҳирос андаки аҳли инод,
Қилса аён фитна-у зоҳир фасод.
Бўлмаса иқбол ила бахтим мумид,
Давр нақиз ўлса кавий бу зидд.
Йўқ мани қўлдорға қавий ёварим
Ҳомий ўлурға доғи бир доварим.
Бўйла хаёл айламагил зинҳор,
Қўй қадаминг йўлга-у тутма қарор.
Лутфи худо қилмаса шафқат санга,
Етмас эди давлату иззат санга.
Баҳри карамдин ани лутфи карим —
Қилди аён ўйлаки дурри ятим.
Ваҳ, қаю дур, баҳри саодат дегил,
Бал дури дарёи саёдат дегил.
Ўзи анинг гавҳари шаккарфишон,
Сўзи анинг дур вале дарёнишон.
Тил бўлубон баҳри фасоҳат анга,
Нутқ эрур дурри балоғат анга.
Гулшани сўз андин олур баргу бар,
Бал сўзидин тоза-у тар баҳру бар.
Мулки иборатда нақибу адиб,
Гулшани маъни ародур андалиб.
Ҳар фанаро зеҳн ангадур зу-фунун
Табъи Фалотун анга бордур забун.
Донишаро ончи маҳорат анга,
Диққат ила фикр эмас ҳожат анга.
Гулшани сўз қилғоли эзид бино,
Чеккан эмас булбуле андоқ наво.
Бу бори бир ён, бу бир ён эрур,
Ишқ ўтиға сийнаси билён эрур.
Доғи бирин англо-у маъни шиор,
Сурати маъни ангадур созвор.
Ринду қаландар эруру-тез хуш.
Кўнгли анинг манбаъи жўшу хуруш.
Чекса агар нағмаи Ушшоқаро,
Зуҳра қолур дайр кўхан тоқаро.
Гулшани сўз сайриға мойил эрур,
Нозик адо назмға қойил эрур.
Балки эрур гулшани сўз зот анга,
Боғи сухан ичрадур авқот анга.
Нутқи анинг нозикун мавзун бори,

Шўх бадоеъ анга мазмун бори.
Олами дахр ичра эрур беназир,
Мулки сухан ичра доғи нуктагир.
Сўз чоғи дахл айласа гар ошкор,
Куйгай ўлук қабраро беихтиёр.
Тун—кун ўлуб Рост Навога қарийб,
Гулшани сўз ичра эрур андалиб.
Ена бири сўфийи софий мизож,
Андин эрур аҳли суханга ривож.
Жамъи хатонинг сару сардафтари,
Балки Хито мамлақати азфари.
Сўзигадур банда жамиъи Хито,
Фикри савобида анинг йўқ хато.
Банда эрур базм ила ойин анга,
Хосса эрур маънии ширин анга.
Булбули гулзори фасоҳат эрур,
Қумрии бўстони назокат эрур.
Сабру қаноат бўлубон ҳол анга,
Фақру фано Каъбаи омон анга.
Аҳли ҳақиқатга эрур муқтадо,
Хайли мажоз ичра доғи раҳнамо.
Халқаи ишқ аҳлига зоти нигин,
Мулки муҳаббатаро оти амин.
Гўшанишин ул доғи узлат киби —
Ким топилур иззату давлат киби.
Лек санга бу учовидур рафиқ,
Бўлди рафиқ истагил эмди тарийқ.
Каъбан мақсад сорига юзни қўй,
Гавҳари матлаб тиласанг сўзни қўй.
Етсанг ўшул Каъбага зойир бўлуб,
Айла сукун анда мужовир бўлуб.
Сидқу сафо кўрсатиб, этгил дуо,
Шояд орилғой санга юздин қаро.
Аҳли жаҳон ичра бўлуб юз қизил,
Бўлғай узун сафҳа уза санга тил.
Ёзмоқ ила кўп эса номанг сиёҳ,
Бор эса гар бўйнинга кўҳи гуноҳ.
Бўлгон эсанг фарқай баҳри фужур,
Кесма умидингки эгангдур гафур,
Ё раб, анинг ҳурматидинким карим,
Дединг ўзинг этколи лутфи амийм.
Тут иликим лутф била, ё илоҳ,
Нома манга хома кибийдур сиёҳ.

Соқий, эрур аҳли жаҳон бебақо,
Тўлдурубон бер манга жоми фано.
То ичбон они дегай беҳабар
Ҳусн ила Дил қиссасини сар-басар.

Машшотаи ароиси хаёл ва жулоҳи нафоси мақоли оқидони бозори нафс ва хирад ва ноқидони осори неку бад, яъни жону дил баэмидағи ширинкорлар ва обу гул қасридағи меъморлар ойинаи мо зиддаи ҳикоятҳол ва истиқбол кўруб, зуруб ва амсол юзидин сурати ҳол ва мисол кўргузгони, фунуни истиорот ва шуҳуни иборот била ривоят этиб, ташна дилларни сероб ва муҳтариқул фуодларни комёб этконлари; қадим замонда шаҳр Бурмонда Ақли азимуш-шаън Сотгул Бурҳонга иноёти яздоний ва мавҳибати субҳоний бўлуб ва малойика Нафсбонуға рабиъи ҳикмат пурмавҳубнинг шамойими насойими ва фавойиҳи равойиҳ ҳубуб этиб, ул гулбуни ҳусн ва талъатдин бир гунчай ганнож гулшани боғи биҳишт беҳжати бахт ва бир ниҳоли омоли боғи иқбол сазовори тожи бахт бўлганиким, анингдек на ибойи афлок ва чаҳор уммаҳот — оташ, ҳаво, об, хок мавлуди масъуд ва фарзанди маҳмуд кўрмағони, яъни машимаи қалами хуш мидоддин.

Фуод вало ниҳоднинг таваллуди вужудининг адоси ва ҳақиқат инсонини мажоз шарҳ қилмоқ, яъни ҳар нимарса офоқда пайдо бўлса, анфусда ани ҳувайдо этмокнинг ибтидоси:

Улки эрур булбули гулзори дард.
Бўйла очар гулбуни дард узра дард.
Бор эди Юнонда биров подшоҳ,
Эрди жаҳон шоҳи анга хоки роҳ.
Шом эли эрди анга зери нигин,
Хутба ўқуб отиға мағриб замин.
Илм ила ҳикматаро луқмон эди,
Фаҳм ила фикратаро бурҳон эди.
Етмагудек фаҳми Фалотун анга.
Ўзга эди расм ила қонун анга.
Тахти муалло уза жамшидваш
Торами аъло уза хуршидваш.
Мулки жаҳон ичра қилиб адлу дод,
Доди била эрди жаҳон мулки шод.
Жамъ эди вақтида жаҳон сар-басар,
Кимса паришон йўқ эди ғайри зар.
Мард элидек қалби дирам фош эди,

Лаълу гуҳар оллида чун тош эди.
Ончи хазойин ангаким йўқ ҳисоб,
Топмас эди қўйғоли ани хароб.
Адли била мулк эди маъмур анга,
Фазли била халқ эди масрур анга.
Авж жамол узра доғи беназир,
Буржи камол устида бадри мунир.
Илму адаб бобида моҳир доғи,
Қофиясанж эрди-ю шоир доғи.
Бўлғонидин зоти қабули аном,
Даҳр эли отин дер эди ақли том.
Эрди жаҳон мулки мусаххар анга,
Ғайри халаф борча муяссар анга.
Бўлмаса гар аҳли жаҳонга халаф,
Бўлмағуси жавҳари жонга халаф.
Бу дур эрур жавҳари жонга бадал.
Яхши-ямон аҳли жаҳонга бадал.
Насл иладур оламаро зебу зайн,
Мундин отин деди улус нури айн.
Бўлмаса гар дийдаи оламда нур,
Маҳз алам бўлғусидур беқусур.
Одаму Ҳаввога қараб қил мисол,
Топғонидин бир-бирига иттисол.
Йўқ эди бир маншаъ анга жузву кул
Ғайр ҳамул хилқати шоҳи русул.
Хосса бировким ул эрур подшоҳ,
Бўлмаса фарзанд ангадур пеша оҳ.
Неъмат анга ҳар неча ҳаддин фузун,
Бор эса ҳасратдур ададдин фузун.
Чунки анинг умри азизи тамом —
Улса ким ўлғой анга қойим-мақом.
Мулки анинг ғайрга бўлғой насиб,
Ёр лаби бодаи базми рақиб.
Қасрида сўз ўрнига бўлғай сурур,
Айлағолар ёдидин анинг нуфур.
Дунлар ўлур неъматидин баҳравар,
Бу боридур жон очигидин батар.
Аҳли жаҳон бор эса ҳорис анга.
Суд қани, бўлмаса ворис анга.
Мулки жаҳон бордур анингдек работ
Мумкин эмас анда узоқ инбисот
Кимки ани бир кун иқомат қилур,
Тийра ажал шомида риҳлат қилур.

Кимса жаҳон жомиди нўши ҳаёт —
 Ичди доғи ичгуси жоми мамот.
 Бўлди мусовий анга шоҳу гадо,
 Шому саҳар, яъники оқу қаро.
 Етса замон бермагусидур амон,
 Қўймагуси эларо ному нишон.
 Ғайри ҳамул зурваи дилбанд анга,
 Нури дил дийдаси фарзанд анга,
 Анда доғи хайр эса ул хушниҳод,
 Олам эли яхшилигин қилса ёд,
 Волий агар бўлса шақио шарир,
 Бўлмагани яхши эрур беназир.
 Разки эрур водаси фосиқ самар,
 Бош қуйидур мундин анга сар-басар.
 Кўҳга ким лаъли халафдур мудом,
 Андин эрур даҳраро олиймақом.
 Яхши валад волидин этгай рафиъ,
 Бўлса ямон қилғуси хору шаниъ.
 Шаҳ доғи бу ғамда чекиб мадди оҳ,
 Уйлаки оҳ ўлғуси поёни шоҳ.
 Кеча-у кундуз эди бу фикрати,
 Мундин эди меҳнат уза меҳнати.
 Шому саҳар пешаси сўзу гудоз,
 Эрди тўкуб дур киби ашки ниёз.
 Йўқ эди ором ила уйқу анга,
 Қувт ўлубон дард ила қайғу анга.
 Ҳамдам анга оҳ эди, ҳамдard — ғам.
 Меҳнат эди давлату иқбол ҳам.
 Кўрмас эди давлат уйига бақо,
 Давлатига лат уза эрди бино,
 Неча санамларни қилиб муҳтарам
 Ақд этибон айлади шамъи ҳарам.
 Турфа заминларга бўлуб ҳорис ул,
 Истади топмоқ ўзига ворис ул.
 Кўнгли уйига тилар эрди сурур,
 Дийдасига истар эди балки нур.
 Буржиаро беадад ахтар эди,
 Дуржиаро тўб-тўла гавҳар эди.
 Ҳар бирига бир шаҳи воло табор,
 Зеб бериб гулга нечукким баҳор.
 Чун узулуб, пок ўлубон хор анга,
 Борча бўлуб зийнати дастор анга.
 Базмаро соқий анга хуршид эди,

Ҳар бириси ой эди, Ноҳид эди.
Лекин анга талх бўлуб борча ком,
Майни қилиб эрди ўзига ҳаром.
Ичмакига май бўлубон заҳри ғам,
Нуқл кўзи ёши эди дам-бадам.
Қон ёш ила кўзлари уммон бўлуб,
Йлки онинг панжаи маржон бўлуб.
Шому саҳар бор эди зору ҳазин,
Илмас эди кўзга кулоҳу нигин.
Бор эди бир турфа дилором анга,
Ҳосил эди лабларидин ком анга.
Торами аълода эди моҳ ул,
Ҳусн элининг мулкиро шох ул.
Қадди онинг руҳи равондин нишон,
Лаъли лаби бор эди жондин нишон,
Тоби сочи сунбул пурпечу тоб,
Накҳатаро ўйлаки бўйи гулоб.
Қоши онинг тоқи латофат эди,
Билким ўшул жуфт малоҳат эди.
Меҳр руҳи ёнида бадри мунир,
Аҳли назарга эди бир қурс-қийр.
Соиди қилса яди байзо аён
Меҳр бўлур эрди Суҳодек ниҳон.
Оғзу белин топмоғи эрди маҳол,
Чун ғарази эрди бу икки хаёл.
Руҳи мужассам эди жисми анинг,
Нафс нафис эларо сами анинг.
Оти халойиқаро машҳур эди,
Кўрмокидин халқ вале дур эди.
Ончи эди зоти латифу зариф,
Кўрмокига кимса йўқ эрди ҳариф.
Кўрмай ўзин отига эл мубтало,
Эрди Каёний насаб ул маҳлиқо,
Яъни эди шоҳи Фаридун насаб,
Меҳри жаҳонтоб эди анга ҳасаб.
Ул доғи бу ғам ила мағмум эди,
Лаъли лаби шарбати масмум эди.
Бўлмиш эди ул гуҳари бебаҳо,
Дард била сорғорибон қаҳрабо.
Дам-бадам афзунроқ эди ноласи,
Наргисидин гул юз уза жоласи.
Қатраи ашкин тўкуб андоғки миғ,
Лаҳн ила савт анга эди во дариг.

Бор эди бу дард ила зору назор.
Йўқ эди бир дам анга сабру қарор,
Дур киби ашкин тўқуб ул дилнавоз,
Бўлмиш эди пешаси сўзу гудоз.
Тўкмокидин бир неча дурри самин,
Бўлди ижобатға дуоси қарин.
Дуржи умид ичра дури шоҳвор,
Баҳри латофатаро тутди қарор.
Чунки етиб муддати мавлуд анга,
Бўлди аён толиъи масъуд анга.
Дуржиаро дурри дурахшандаси,
Буржида бўлди маҳи рахшандаси.
Яъни ўлуб лутфи худо ёвари,
Туғди анинг кўз ёрутур ахтари.
Ваҳ қа-ю ахтарки, дегил нури айн,
Кўрмокидин бўлди хижил ҳури айн.
Зоти эди ғарқан дарёи нур,
Топти зуҳури била олам сурур.
Жабҳасидин зоҳир ўлуб моҳлиғ,
Чехрасидин эрди аён шоҳлиғ.
Зийнати пирояи шоҳий эди,
Лужжаи анвори илоҳий эди.
Боғи жаҳон ичра бўлуб сарв гул,
Ота-ано тугмағай андоқ ўғул.
Кўрган эмас етти ота тўрт ано,
Дуржиаро ўйла дури бебаҳо.
Бўлганида сабз бу нахли мурод,
Ҳикмат эли от анга деди Фуод.
Андин ано сийнаси масрур эди,
Отасининг дийдасиға нур эди.
Балки жаҳон дийдасиға эрди нур,
Мундин анга доя эди моҳ хур.
Қутин анинг шийраи жондин бериб,
Нузҳат анга обиравондин бериб.
Айладилар не ки эди тарбият,
Ул доғи юз ончи топиб тақвият.
Маҳд ичида Маҳдийи даврон эди,
Носияси маҳ киби тобон эди.
Шаъшаайи чехраси хуршидваш,
Маҳд сарири уза жамшидваш.
Волидан ҳурға мавлуд эди,
Толеъи масъуд ўзи маҳмуд эди.
Қилди Масиҳо киби чун қийлу қол,

Бўлди мақол аҳли кўруб ани лол.
Етти қироатни ети ёшида,
Қилди аён лаъли гуҳар фошида.
Ҳар на риёзи-ю илоҳий бўлуб,
Билмак ани анга камоҳий бўлуб.
Гулшани маънийаро ул сарв ноз,
Бўлди чу тўбийи жаҳон сарфароз.
Мушкили илм оллида осон анинг,
Табъи бўлуб шамъи шабистон анинг.
Равшан ўлуб жумла дақойиқ анга,
Зоҳир эди барча ҳақойиқ анга.
Жабҳасида савлати шоҳий аён,
Табъида асрори илоҳий ниҳон.
Баҳри латофат киби ойинаро,
Кўҳи шижоат киби тамкинаро.
Ҳар не ки мажҳул анго маълум эди,
Зоҳир анга ҳар не ки мавҳум эди.
Бўлди бир оз чоғда жаҳон зубдаси,
Зоти анинг кавну макон зубдаси.
Васфида гунг соҳиби таҳрир эди,
Килки баён ожизи таҳрир эди.
Бир неча ҳамдам эди дилхоҳ анга,
Шому саҳар мунису ҳамроҳ анга.
Борчалари дилкашу ҳам дилнавоз,
Ҳар бириси базмаро шамъи тароз.
Пешалари базм ила ойин эди,
Юзларидин базмға тазйин эди.
Ҳар бири хушлаҳжа доғи хушкалом,
Қиссаға мойил эди ул эл тамом.
Чунки гино аҳли ўшул шаҳраро,
Йўқ эди ким чекса суруду наво.
Мундин ўшул базм эли рўзу шаб,
Нукта эшитмоқлиги айлаб талаб.
Гоҳ таворих ўқумоқ пешаси —
Эди, гаҳи шеъраро андишаси.
Лек ичибон роҳи муҳаббат мудом,
Чеҳралари бор эди гулгун давом,
Соқий эди анда чу лутфи карим,
Хос ила ом аҳлиға лутфи амийм.
Косалари лаъл дурафшон бўлуб,
Кимки ичиб, гул киби хандон бўлуб.
Йўқ эди ул базмаро қайғу ғам,
Майдин эди айш фузун дам-бадам.

Бўйла эди ёзу қиши ҳол анго,
 Мунқалиб эрмас эди аҳвол анго.
 Базми жаҳонвашаро дилшод эди,
 Қайғусидин даҳрнинг озод эди.
 Келди доғи кўрди ўғул ҳолатин,
 Суру сурур ичра онинг ишратин.
 Деди: мун соҳиби мулку сарир,
 Айлагаман бахтим эса дастгир:
 Ё раб, ўлуб лутфинг ила дастгир,
 Айла фано мулкида соҳиб сарир.
 Бошима қўй фақру фанодин кулоҳ,
 То бўлайин соҳиби эъвози жоҳ.
 Соқий, эрур жонимаро тори ғам,
 Кўнглумаро ҳар сори юз хори ғам.
 Чашмаи мимий даҳанингда хумор,
 Хориға қўй роҳи қарам шуълавор.

Ақли жаҳонжў, ул нури дийдасига мажмаъи тилисмот
 ва маъдини зулумот бир бинойи рафиъ ва нодираи пур-
 саниъ раво кўргони, яъни қалъаи бадани шомихул-аркон ва
 росихул — бунённи арзоний эткони ва Нафсбону ҳам ул
 баргузидасига китоб масдуқаи «лоратбен ва лоёбисен илло-
 фи китобен муайян»ни тафвиз қилғони, қазои раббоний ва
 тақдири яздоний била. Фуоднинг бир зулмоний тунда ул
 мажмуаи латоиф ва сафинаи маорифда «оби ҳайвон» сўзини
 кўруб, муҳтариқул-фуод ва мутааттишулақед бўлғонининг
 сўзу гудози:

Зулмати шабдин қутулуб коинот,
 Берди қуёш чашмаси оби ҳаёт.
 Топти фалак мазраъи оби равон,
 Доғи-замин сабзаси ҳам тоза жон.
 Файзи сабуҳ ила етурди футуҳ,
 Қолиби зарротаро роҳ ўлди руҳ.
 Об хуши чашмаи машриқнишин,
 Ламъасидин ёруди мағриб замин.
 Бўйла замон ақли муалло макон,
 Кўрголи шаҳзодани бўлди равон.
 Бор эди бир турфа ҳисори анинг,
 Анда эди гоҳ қарори анинг
 Етти гузар эрди чу сабъи шидод,
 Ҳар бири хушвазъ эди-ю хушниҳод.

Тоғ киби шомих алар кон ўлуб,
Росиху маҳкам анга бунён ўлуб.
Ҳар тараф аснофи ажойиб эди,
Тўб-тўла анвоъи ғаройиб эди.
Рифъатини кўрган ўлур эрди лол,
Умр ўтуб андин эди ошмоқ маҳол.
Оти анинг Қалъаи жисмий эди,
Аҳли жаҳон ганжи тилисми эди.
Анда эди гавҳари мақсад ниҳон,
Ким анга очғач бўлур эрди ниҳон,
Лекин анинг ошмоғи осон эмас,
Деса бўлур, чунки ул имкон эмас.
Фаҳм камандиға биноси рафиъ,
Эрди доғи нодир эрди бадиъ.
Ҳар неки оламаро маҳмуд ўлуб,
Анда борин истаса мавжуд ўлуб.
Бошди оёқ эрди риёзи биҳишт,
Қасрлари бор эди анбарсиришт.
Боти Эрамдек тушубон тарҳ анга,
Қасри жинондек эди бир сарҳ анга.
Уч юзу олтмиш эди-ю олти наҳр,
Баҳравар ўлмоқлиғ учун халқи шаҳр.
Ёзу қиш андин оқар эрди мудом,
Андин эди маст бори хосу ом.
Тўрт юзу қирқ доғи тўрт наҳор,
Бор эди ул шаҳраро пойдор.
Борчасининг кошиси ожий эди.
Ҳар бири бир мулк хирожии эди.
Тўрт эди бозор анго мазҳаб киби,
Бор эди ул руҳ ила қолаб киби.
Ҳар тарафида эди аҳли фаранг,
Онга сариг хилъату сафровий ранг.
Ҳар не қумош онлара фоқиъ эди,
Муҳр киби зарлари ломиъ эди.
Ёна бири ҳинд элига жойгоҳ,
Занги киби киймок аларға сиёҳ.
Чеккали савдойи улусдин дамор,
Ҳар бирининг оллида мушки татор,
Ончики йўқ эрди шумора аён,
Уд қимориға канора аён.
Бирисида эрди бори Чин эли,
Чин десам ул эл эди талвин эли.
Борчасининг рангу либоси қизил,

Қасри қизил, фаршу фалоси қизил.
 Зеб дўкон анлара маржон эди,
 Дурри Яман лаъли Бадахшон эди.
 Борча дўкон оллида гулгуншароб,
 Нашъасидин аҳли дўкон комёб,
 Ул бирида жой этибон Рум эли,
 Оқ кийиб ул марз ила ул бум эли.
 Маскан этиб ож ила сийму рухом,
 Борчаси дўкониаро сийми хом.
 Сийм ила кофурий фаровон эди,
 Ваҳки дўкон ҳар бири таркон эди.
 Жавҳари жон зоҳир этиб жавҳари,
 Бал топилиб анда вафо гавҳари.
 Байъ элидин кимки бу сори боқиб,
 Кўнгли ёниб оғзи суйи лек оқиб
 Бор эди ул ўртада тоқи рафиъ,
 Анда доғи гунбазий эрди васиъ.
 Вусъатаро эрди жаҳондин зиёд,
 Қадри онинг ваҳму гумондин зиёд.
 Яхши-ямон фарқиға ул эрди жо,
 Онда эди яхши ямондин жудо.
 Эрди фарахбахш доғи хушҳаво,
 Қасри димоғ оти анинг эларо.
 Шаҳ чекибон неча замон дарду ранж,
 Онда ниҳон айлаб эди панж ганж.
 Ҳар бири ҳайрон эди баҳри дўкон,
 Етмас эди бирига ваҳму гумон.
 Шаҳр эли сориға ҳавоу насим,
 Дам-бадам ондин эди анбар шамим,
 Ондин эсар эрди шамими ҳаёт,
 Бўлмаса ул эл топар эрди мамот.
 Гарчи ажойиблар ўлуб бешумор,
 Онда гаройибға йўқ эрди канор.
 Лекин эди борчасидин бу фузун,
 Бор эди ул шаҳрға икки сутун.
 Кимки анинг бўлса агар восили,
 Юрмокининг бўлса доғи мойили.
 Юрмокига қилса ишорат анга,
 Юрмокидин эрди башорат анга.
 Амриға ул кўргузубон инқиёд,
 Юргай эди қайдаки ул бўлса шод.
 Етса бирор ердин, агар кўп малол,
 Айлар эди ўзга тараф интиқол.

Вазъиға-у васфиға сўзни дароз —
 Айламайин, бор эди ул ганжи роз.
 Кўрди муносиб ани дилбандиға,
 Яъни жигар гўшаси фарзандиға.
 Деди кўзи нуриға ул шаҳриёр:
 — Бор доғи ул шаҳр аро тутғил қарор.
 Адл била боғлабон ойин анга,
 Айла фузун дод ила тазйин анга,
 Бўйла бериб лутф ила маншурини,
 Тахтнишин этди кўзи нурини.
 Ўғли доғи кўрсатибон адлу дод,
 Мамлакатин айлади обод-шод.
 Адл ҳуруфи киби кўз бирла дил,
 Халқ анга боғлаб эди муттасил.
 Лекин анга вақти жавоний эди,
 Айшу тарабнинг доғи они эди.
 Голиб ўлуб анга ҳаво-у ҳавас,
 Айш тилаб тинмас эди бир нафас.
 Базмиаро гоҳ ҳикоят эди,
 Илм элидин гоҳ ривоят эди.
 Бириси асрори латойиф дебон,
 Бириси анвори маориф дебон,
 Ул бири ишкол ила айлаб жадал,
 Бу бири айлар эди мушкилни ҳал.
 Гоҳ қилурлар эди қасди шикор,
 Шеър гаҳи айлар эдилар шиор.
 Диққат ила гоҳ масоил дебон,
 Баҳри муҳит аҳлини сойил дебон,
 Қилмас эдилар ани бовар надим,
 Эрди жаноб онлара асру азим.
 Бўйла кечар эрди анга рўзгор,
 Оллида ҳозир эди ёру диёр.
 Отасининг давлатидин нўшу ноз,
 Эгаси чун бўлди ўтун сарфароз.
 Онаси ҳам айлади андоқ хаёл
 Ман доғи ўғлимга берай ўйла мол.
 Бўлғай ўшул мулку жаҳон туҳфаси,
 Боғи жинон равзаи жон туҳфаси
 Бор эди бир туҳфа китоби анинг,
 Аҳли жаҳон эрди хароби анинг.
 Рутб ила ёбис анга мастур эди,
 Даҳр ямон-яхшиси мазкур эди.
 Сатрлари баҳри латойиф киби,

Ҳар варақи жанги маориф киби,
 Ишқ ила ҳусн оятидин сар-басар,
 Топмиш эди зийнат ила зебу фар,
 Сафҳа анга ўйлаки рухсори ёр,
 Сўзи анинг сўзи эли жониға ёр,
 Онда муъййн бор эди нозу ниёз,
 Бўлса жаҳон ичра неким сўзу соз.
 Берди аноси ани фарзандиға,
 Яъни ўшул тухфани дилбандиға:
 Ўғли доғи олмоғидин шод ўлуб,
 Боқти анга борчадин овоз ўлуб,
 Тоза эди дур киби мазмун анга,
 Маъни эди нозику мавзун анга.
 Ноз сўзин гаҳ деб эди гаҳ ниёз,
 Эрди фарахбахш чу ишқи мажоз.
 Билмак учун сирларин аҳли савол,
 Қилмиш эди жамъ они Дониёл.
 Чашмаи ҳайвондин этиб можаро,
 Солмиш эди кўҳи фалакка садо.
 Ёзмиш эди анда бериб зеб фар,
 Қиссаи Искандарий ул сар-басар —
 Деб эди ёзгон чоғи ул тез ҳуш,
 Кимки анинг қатрасидин қилса нўш,
 Улган эса топғисидур тоза жон,
 Қатра демади ани жону жаҳон.
 Сўйи анинг жон сўйидек пок эрур,
 Заҳри ажал дафъиға тарёк эрур.
 Кимки ичар мунда тонар нўшу ноз,
 Онда доғи бўлғуси ул сарфароз.
 Балки ўзи чашмаи ҳайвон бўлур,
 Жисми анинг бошдин оёқ жон бўлур,
 Ончи ғаройиб анга бўлғай аен.
 Ичкоч они йўқ манга дерга тавон.
 Бир кун ўқуб топти ўшул пок зот.
 Зулмати хат жавфида оби ҳаёт.
 Бу сўзи кўргач этибон тарки ҳуш,
 Кўнглиаро ишқ ўти чекти хурўш.
 Сув тилабон ўт аро бўлди ҳариқ,
 Дейму ҳариқ ани йўқ эрса ғариқ.
 Елти билофарқ чу хошок уза,
 Чекти анинг шуъласин афлок уза.
 Ташна жигар ўртанибон ўтаро.
 Қуш киби чурқанди парий ўтаро,

Не анга қилмоқға ҳаво бор қанот,
Не анга топмоқға наво бор қанот,
Икки қанот анга йўқу цар доғи,
Тошида ўт ичида ахгар доғи.
Учмоқу ичмоққа йўқ эрса қанот.
Утаро ер, қўшға на бўлғай ҳаёт.
Бўйла эди шавқ ила ҳоли анинг,
Жондин эди ранжу малолни анинг.
Не билур эрди ўзининг ҳолини,
Не эшитиб халқнинг аҳволини.
Бор эди ороми анинг изтироб,
Ҳар не хароб ҳол анга андин хароб.
Шавқ бериб диръи саломат ашга,
Йўқ эди парвойи маломат анга.
Сўз гудозин кўрубон умму аб,
Ут уза сувдек қилибон тобу таб.
Иккисининг жону дили об эди,
Бошиға айланғоли сиймоб эди.
Ҳар нечаки айладилар шўру шайн,
Кўз юмубон лекин ўшул нури айн.
Топмас эди аҳли жаҳондин хабар,
Аҳли жаҳон демаки жондин хабар.
Саҳв ила очилса агар кўз анга,
Онда доғи йўқ эди бир сўз анга.
Ҳарне сўруб эл анга топмай жавоб.
Борчанинг ороми бўлуб изтироб.
Бири Ғаройим эли сори сўруб,
Бири парийхонға югурди туруб.
Бириси тиб аҳлига толиб эди.
Бири дуо аҳлиға роғиб эди.
Бири қараб толеъин ул ахтаринг,
Бири тутуб набзини ул дилбаринг.
Кўрсатибон ҳар бири юз можаро,
Лек чекиб борча муҳолиф наво.
Англамади бир киши асроридин,
Улмади воқиф бири ахборидин.
Неким эди устида яхши-ямон,
Дардин анинг қилди авориз гумон.
Билмади бир кимсаки бу можаро,
Эрмас авориз эрур ўзга бало.
Ота-она бўйла кўруб ҳол анга,
Бор эдилар ҳайрат ила лол анга.
Оқибатул-амр алар сар-басар,

Бўлди ризо не эса ҳукми қадар.
Шоҳи Фуод анда бўлуб гангу лол,
Йўқ эди сўз анга ўтуб моҳу сол.
Гарчи анга йўқ эди орому хоб,
Илкида бор эрди вале ул китоб.
Чашмаи ҳайвон сўзидин баҳравар,
Бўлмиш эди жон анга шому саҳар.
Жони ўшул сувға эди ташналаб,
Айлар эди топмоғин анинг талаб.
Лек макон чашмаға маъдум эди,
Йўқ хат аро нуқтаи мавҳум эди.
Улки ёзиб эрди нишонин анинг,
Ёзғони йўқ эрди маконин анинг.
Лекин эди ончи ишорат анга,
Зулматаро эрди башорат анга.
Яъни қаро қайғуга қилғон сабот,
Топғусидур истаса оби ҳаёт.
Кимки топар қайғу-у ғамдин малол,
Топмоғудур ани хаёли маҳол.
Бўлди чу бу рамз хабардори ул,
Дарду ғаминг бўлди хабардори ул.
Чок этибон сийнасин айлаб фиғор,
Оҳу фиғон эрди анга кору бор.
Ота-она ончи қилиб панду банд,
Бўлмас эдилар биридин судманд.
Топмас эдилар қилибон жидду жаҳд,
Бандиға сарриштаи пайванд аҳд.
Рағ била пай бор эса занжир анга,
Йўқ эди турмоқлиқа тадбир анга.
Лек сукуниға бу маълум эди,
Мутлақ ўшул толиби мажҳул эди.
Билмас эди қой сори қилғой хиром,
Қайда эконни доғи байтул харом.
Мундин эди сабру қарори анинг,
Хонаи кулфатда мадори анинг.
Кўз анга боғлиғ эди андоқки шом,
Андин эди дил анга орому ром.
Сели бало ичра бўлуб гаҳ ғариқ,
Нори ҳаво бирла эди гаҳ ҳариқ.
Урғанидин жониға ўт ул хароб,
Олам этар эрди арақ гоҳ тоб.
Бўйла эди шому саҳар ҳол анга,
Тирау тул эрди маҳу сол анга.

Ё раб, этиб ишқ ила ҳолим хароб.
Шавқ ила сол жонима юз изтироб.
Ишқингаро жоним этиб андалиб,
Шавқ гули бўйдин этгил насиб.
Соқий, олиб кел манга жоми ҳаёт,
То топайин ишқинг ўтига сабот.
Уйла самандар тутуб андин макон,
Айлайин ул шўълааро ошён.

Саҳаргаҳ дидбони қалъаи осмон, яъни офтоби олам-тоби даврон буржи шарафдин чиқиб, нозири аҳволи жаҳон бўлганида Қалъаи Баданнинг дидбони ва Дийда қасрининг ниғаҳбони Назари ҳийлагар деган.

Фуоднинг айёриким, чолокликда юлдуз кўзин кўзи-дин сурма ва тоси фалакдин меҳрни кўз очиб юмғунча олур эрди, субҳ оғзидин оқ сақизин ва шомнинг қошидин қаросин турфатул-айн ичра ўғурлаб жайбға солур эрди. Ул айёр Фуоди дилафкор қошига келиб, хилватиға кириб убудийят юзидин ер супуриб ва ойинаи чеҳраи Фуоди ношодда ғубори тағйир ва зангори тафаккурин мушоҳида этиб, таври бандалик ва расми афкандалик била ҳолин сўруб, шиддати ҳолин нийяти «мо фил-болин»¹ вуқуф топмоқ учун қонуни афсун била шаҳзоданинг оҳу зорининг асрорин камоҳува Ҳаққуҳу² билиб, пайки сабодек маллоҳи сайёҳи Қулзум ва Уммон ва сайёҳ мулки жаҳон бўлғонининг такопуси:

Қалъаи чарх устидаги дийдабон,
Очти кўзин уйқусидин ногаҳон.
Кўрдик даҳр аҳлиға ошуб эди,
Зулмати ғам бирла лакад кўб эди:
Раҳм этибон аҳли жаҳон ҳолиға,
Балки назар аҳлининг аҳволиға.
Тиг чекиб, қўпти еридин равон,
Зулмати хавф ила чу бўлди ниҳон.
Яъни чиқиб буржи шарафдин қуёш,
Нури саодат эларо қилди фош.
Шоҳи Фуод анда бўлуб носабур,
Шому саҳардин бор эди бешуур.
Хизматида бор эди бир пурҳунар.

¹ М о ф и л — болин.

² Худди унинг ўзидек (ҳақиқий).

Зоти қародил эди оти Назар.
Яхши-ямон фарқида форуқвор,
Эрди доғи фарқ уза аъйуқвор.
Нури дили аҳли басорат эди,
Ҳар фанаро анга маҳорат эди.
Аҳли фасоҳатаро соҳиб фусун,
Олами даҳр ичра эди зу-фунун.
Мухтас эди лутф, тароват анга,
Хосса эди они малоҳат анга.
Жангу жадал вақтида Рустам эди,
Кин чоғида Сом ила Найрам эди.
Саффи қитол ичра доғи хунфишон,
Базми сафода дури гавҳарфишон.
Балки эди ҳийлагару чорагар.
Раҳзан эди кофир бедодгар.
Шому саҳар кўзидин оқу қаро —
Олмоқ агар бўлса анга муддао.
Ҳийла била олиб алардин равон,
Жайбида айлар эди ани ниҳон.
Ҳосил ўлуб илм ишорат анга,
Бор эди ҳар фанда маҳорат анга.
Ваҳм самандидин эди тездав,
Фаҳм кумайтидин эди гармрав.
Балки қилиб таййи замону макон,
Эрди жаҳон ичра чу жисм ичра жон.
Кулзуму уммон аро маллоҳ эди,
Дашти жаҳон саҳнида сайёҳ эди.
Бир кун этиб шоҳни кўрмак ҳавас,
Ичкарига кирмак этиб мултамас.
Ҳожибу дарбондин ижозат била,
Кирди ҳарам ичра саодат била.
Кўрдикӣ шаҳзодаси ранжур эди,
Ҳушу хирад партавидин дур эди.
Гарди мазаллатда бўлиб чеҳраси,
Дардини дерга йўқ эди заҳраси,
Сийна фигур эрди анга, дил ҳазин,
Гўшааро ожизу зору ғамин.
Сорғарибон юз анга ашк ол эди,
Хайли бало остида помол эди.
Кўрди бу ҳолатда Назар шаҳ юзин,
Бошиға тож этди оёғи тузин.
Йиғлаб, оёғин ўпубон розидин,
Сўрди анинг маншаъи оғозидин,

Дедики:— Эй, шоҳи фалак жойгоҳ,
 Аҳли жаҳон боши санга хоки роҳ.
 Ходим эрур бахту саодат санга,
 Недин эрур мунча маломат санга?
 Роз дури гарчи ниҳон яхшироқ,
 Дўстга лек этмоқ аён яхшироқ.
 Дардинг атиббо элидин гар ниҳон,
 Тутсанг ани қилғусидур марг аён.
 Манки санга дўстману ҳам табиб,
 Мандин эрур сирни ёшурмоқ ажиб,
 Де манга кўнглунгда эса не мурод,
 Жоним ила айлай анга инқиёд.
 Гар фалак авжида эса ахтаринг,
 Баҳрнинг остида эса гавҳаринг,
 Ерга кирай, кўк уза айлай уруж,
 Қолмасин истаб ани дуржу буруж.
 Ҳосил этай саъй била гавҳаринг,
 Толеъ этай жаҳд била ахтаринг.
 Бўлса паризод анга афсун этай,
 Васлинг ила кўнглини мамнун этай.
 Ҳури жинон олгон эса ихтиёр,
 Сандин анга ман бўлайин хостгор.
 Хуллас, агар бўлса адам мулкида,
 Баҳри фано икромининг фўлкида.
 Кўз очибон юмғуча мавжуд этай,
 Ҳар не ки бордур санга беҳбуд этай.
 Зулматаро бор эса оби ҳаёт,
 Истаб ани, боғлай ўзумга қанот.
 Шаҳ қилибон ушбу сўзин истимоъ,
 Қилди Назар оллида беҳуд симоъ.
 Дедики:— Эй мушфиқу ёру рафиқ,
 Ҳамдаму ҳамзоду надиму шафиқ.
 Сандин эрур бизга бори обрў,
 Дарди дилим дегум эшит мў-бамў,
 Лекни ани жонда ниҳон сақлагил.
 Жисмимаро ўйлаки жон сақлагил.
 Бир тун ўқур эрдим очиб дафтариёй,
 Қиссаи пур гуссаи Искандарий.
 Токи ўқуб чашмаи ҳайвон сўзин,
 Чашма каноридаги жонон сўзин.
 Нори ҳаво бирла тутоштим тамом,
 Дарди бало гарданима солди дом.
 Кўрголи ул қиссани ҳолим будур,

Мужиби олому малолим будур.
Топсанг ўшул чашмадин истаб нишон,
Жисмимаро киргусидур тоза жон.
Йўқки агар бўлмаса ондин хабар,
Топмоғосен даҳраро мандин хабар.
Сўз-бу эрур айладим ифшо тамом.
Сан доғи бу ишда қилиб эҳтимом.
Топсанг онинг манзилидин бир нишон.
Кўрсанг они қайдадур ул жонажон.
Етса мани ташнаға сувдин хабар,
Айлагоман хоки раҳинг тожи сар.
Лекин агар кўрсатур эрсанг ҳиял.
Юзланибон табьинга ногаҳ касал.
Ханжари ҳижрон ила кўр эткамен,
Васли зулолинг санго шўр эткаман —
Ким, деди:— «Зоримға манинг маҳрам ул,
Қонли кўзим ёши била ҳамдам ул.
Кимки эрур воқифи асрори шоҳ,
Бўлғусидур ҳол анго мундоқ табоҳ.
Сўзни чу шаҳ айлади бу ерга банд,
Турди Назар ўт уза ондоқ сипанд.
Деди дуо бирлаки:— Эй шаҳриёр,
Хотиринга келмагай ҳаргиз губор.
Бўлса наҳанг дуржида гар гавҳаринг,
Ёки паланг буржида ул ахтаринг.
Ёки эрур дашти фанода ниҳон,
Жаҳд била қилгомен ани аён.
Ман киби бор эрса санинг чокаринг,
Ғам емаким, бўлғуси ёр ахтаринг.
Шаҳ доғи бу сўз била хушдил бўлуб,
Гавҳари мақсад анга ҳосил бўлуб.
Айлади таҳсин била эҳсон анга.
Лугфу карам қилди фаровон анга.
Боши уза сочти дури шоҳвор,
Ашк дурин шаҳга назар ҳам нисор —
Айлади-ю қилди дуо, илтижо,
Шаҳ ҳам онинг ҳаққиға қилди дуо.
Этти видоё ул ики зору ҳазин,
Кетти ул-у қолди бу зору ғамин.
Бе сарупо азм қилиб ул ғариб,
Кетти чекиб туфроғи ёхуд насиб.
Кетмоки кўргузди онингдек шитоб,
Пўяда етмай анга ёнди шиҳоб.

Водии гурбатаро қўйди қадам,
 Ҳам қадам анга ғаму ҳамдам надам.
 Сув тилабон шавқ ўтидин, ёнмади,
 Ул ўтаро тинмади то ёнмади.
 Ё раб, ўшул бесару полар ҳақи,
 Кўйингаро яъни гадолар ҳақи,
 Айла Нишотийға хабар ёридин,
 Оғзу бели бору йўқ асроридин.
 Соқий, олиб кел қадаҳи оташин,
 Шўъласидин партави нури яқин.
 Ҳосил этиб дийда била жон манга,
 Билсун ани қайсари жонон манга.

Бу фазои дилкушодин ва бу гулшани хушҳаводин бай-
 зойи пурзиё намоён бўлуб, хор-зор зулматдин гулистони
 исмат ва иффат аён бўлуб, зайли домони ташаббус макру-
 хотдин амон бўлғонида Назар жосус шаҳпари товус очиб,
 азм пойбўси шоҳи Номус этмоқ учун учиб Мулки Офият
 ва Қасри Саломатга борғони.

Шоҳи номусдин «оби ҳайвон» сўзин савол этиб, жаво-
 беда ҳикоёти тамсилий ва ривоёти таҳйилий эшиткони.
 Ул жавобида об сурати йўқидин Назарнинг аташи зойил
 ва муроди ҳосил бўлмай, «мо фи ҳозал-жавоби ли-алий —
 леншифоун бал ҳува касаробен бақийятен биҳасбики атма
 моан»¹ деюб, шаҳри Офиятдин мутаатиш ҳалокбор ва
 муҳтариқил — Фуоди чиқиб водии меҳнат саводиға юз
 қўйғонининг меодиди:

Бўлди чу байзои мунир ошкор,
 Кетди ҳаво гулшанидин тори хор.
 Гулшани гардандаға меҳр ўлди жо,
 Қилди мусаффо анга обу ҳаво.
 Сафҳаи афлок уза хатти шиоъ
 Сўз қуёшин қилди бу навъ иртифоъ.
 Улки жаҳон мулкида сайёҳ эрур,
 Баҳри фалак фўлкида маллоҳ эрур.
 Бўйла берур баҳр ила кондин хабар,
 Ҳосил этиб фотиҳа кетди Назар.
 Қилди дуо анга чу ёру рафиқ,
 Зоди таваккал била тутди тарийқ.
 Беша онга қатъи манозил эди,

¹ Бу жавобда: «ҳар бир бор гап касалга даво, у қолдиқ хом хаёл
 (сароб) каби, сувга ташналикни қондиришдек»...

Таййи мақомоту мароҳил эди.
Йўқ эди бир дам онга сабру қарор,
Чўлга боқиб йўлга эди интизор.
Шояд ўлуб кавкаби бахти аён,
Нажми худо берса талабдин нишон,
Қайси макон мақсади изҳоридур,
Гулбуни уммид онга қай соридур.
Билмас эди гарчи, вале ноумид,
Бўлмас эди лаҳзаи барно барид.
Айлар эди ҳар сариға жустужў,
Истар эди гулшанидин ранг, бў.
Жону дили эрди бу сўз бандаси,
Ҳар нимани топғуси жўяндаси,
Бор эди бу фикр ила жўянда ул,
Оламаро ҳар сари пўянда ул,
Кеча-у кундуз эди суръат била,
Ҳамраҳ эди ранжу суъувбат била.
Гоҳ гулистонаро айлаб гузор,
Гоҳ макон эрди анга хор-хор.
Гаҳ эди маскан анга кўҳи бало,
Гаҳ эди маъман анга дашти фано.
Гурбатаро гаҳ тўкуб ашки ниёз,
Гоҳ югурур эрди нашибу фароз.
Ҳар нафаси бошқа ажойиб кўруб,
Ҳар дамида ўзга ғаройиб кўруб.
Мунқалиб эрди бори аҳвол анга,
Мушқил эди мушқил уза ҳол анга.
Жонида ўт боши уза дуд эди,
Зоҳири мазмум эди маҳмуд эди.
Мақсадидин гарчи сўруб беҳисоб,
Топмас эди кимсадин истаб жавоб.
Кеча-у кундуз анга бирдек сиёҳ,
Бўлмиш эди чекконидин дуди оҳ.
Юб эди, бал, ашк суйидин қироқ,
Даҳр қаро эрди анга, кўзлар оқ,
Мунча суъувбатлараро ул фақир,
Бор эди-ю йўқ эди бир дастгир.
Ҳол ўлубон бу ера ойд анга.
Йўқ эди ул даштаро қойид анга.
Кесмиш эди аҳли жаҳондин умид.
Бўлмиш эди қатъ анга жондин умид.
Юргали дармон анга эрди адам,
Бор эди юз дамда анга бир қадам.

Бир саҳари холиқул-исбоҳ анга,
Ёқди фалак буржида мисбоҳ анга.
Шамъи тажаллий бўлубон жилвагар,
Партавидин тўлди жаҳон сар-басар.
Ваҳ на ажаб, шамъи шабистон эди,
Даҳр эли бошиға гул афшон эди.
Дема гул афшон эди гавҳарфишон,
Балки жаҳон бошиға ахтарфишон.
Ондин ўлуб аҳли жаҳонға сурур,
Етти Назар тийра кўзи ичра нур,
Кўз очибон кўрди ажаб гулшане,
Равзаи жаннат киби хуш маъмане,
Боди хазон захмларидин масун —
Қилмиш азал кундин ани кофу нун.
Булбули гулбунлар узо хуш мақол,
Турфа гулистон эди ҳуро жамол.
Боқти Назар ҳар ёниға шод ўлуб,
Кулфат ила қайғудин озод ўлуб,
Кўрди анинг ёнида тоғи рафиъ,
Устида бир шаҳри рафи-у васиъ
Ончи эди вусъат-у рифъат анга.
Етмагудек фаҳм ила фикрат анга.
Минг йил анинг зайлиға пейқи хаёл,
Йўл юрубон етмаки эрди маҳол.
Етмай онинг буржи уза ваҳми саҳм,
Балки етушмай анга бир саҳми ваҳм.
Хандақи остиға Назар етмайин,
Гов ила моҳиға бориб ўтмайин,
Кўргач они бўлди Назар гунгу лол,
Ҳайратаро йўқ бўлуб анга мақол.
Фикр этибон дедики:— Бу не ҳисор,
Улғай экан от анга қайси диёр?
Келди ўшул ҳолатаро бир хабир,
Сўрди онинг кайфиятин ул фақир.
Деди:— Бу қалъаки кўрарсан бу дам,
Оти онинг Офият, эй муҳтарам.
Обу ҳаводур мунга жаннат мисол,
Зийнатига етмагусидур хаёл.
Анда биров тахт узадур подшоҳ,
Торами аълодур анга боргоҳ,
От анга Номуси Некуррой эрур,
Чархи мунир узра чу ул ой эрур,
Ҳилму шараф бирла бўлуб тийнати,

Илму адаб бирла эрур зийнати.
Нодири даврондуру ошуби шаҳр,
Кўрган эмас ўйла қуёш дурри даҳр,
Иффату ҳикмат бўлубон дин анга,
Исмату тамкин эрур ойин анга.
Бу эл анинг адли била шод эрур,
Даҳр ғаму ранжидин озод эрур.
Гарчи муяссардур анга бу савод,
Ақл сари кўргузур ул инқиёд.
Билмиш ани ота, ўзини ўғул,
Хукми била бордур онинг жузви кул.
Чунки Назар билди бу сўзни тамом,
Қилди ҳарими сари онинг хиром.
Ўзни қилиб ринди қаландар шиор,
Кирдики, турмиш эди солори нор.
Кўрди ани, шаҳдин ижозат била —
Кирди ҳарам ичра иродат била.
Боқтики, авранг уза бир шаҳриёр —
Бор эдиким дей они кўҳи виқор.
Соғ ила сўлдин турубон аҳли жоҳ,
Барчаси бошида Каёний кулоҳ.
Кўрди Назар шавкати шоҳий анга,
Банда эди маҳ била моҳи анга.
Савлати шоҳий қилибон ани жам,
Ўпти ерин ердин ўлуб лек кам.
Қўйди юзин ерга замони баъид,
Равшан этиб гард ила чашми умид.
Дедики:— Эй шоҳи фалак иқтидор,
Тахти ҳукумат уза бўл пойдор.
Қул бўлубон бахту саодат санга,
Бўлсун узоқ умр ила давлат санга!
Кўл кўтариб қилди дуосин анинг,
Этти адо мадҳу саносин анинг.
Шаҳ доғи сўрди онинг аҳволидин,
Деди қаландар ҳам ўзи ҳолидин:
— Бу сафарим ким мани қилмиш ҳазин,
Даҳраро ошуфта-у зору ғамин.
Мужиб анга чашмаи ҳайвон эрур,
Оти анинг жисмимаро жон эрур.
Ул сув ҳавосида манга жонға ўт,
Тушти доғи дин ила иймонға ўт.
Ашким оқиб, изламоқ они ишим,
Мундоқ ўтар дард ила ёзу қишим.

Кўз юмубон очғуча сабру қарор,
Йўқ манга, эй шоҳи фалак, иқтидор.
Бўйла чекиб меҳнату ранжу табаб,
Келмокима бунда бу бўлди сабаб.
Бўлди талофи анга кўрдум юзунг,
Доғи эшитдим гуҳарафшон сўзунг.
Сўзинг ила топти таним тоза жон,
Чашмаи ҳайвон лабинг эттим гумон.
Энди умид улки қилиб илтифот,
Шаҳ манга кўргузса тарийқи нажот.
Чашмаи ҳайвонга бўлуб раҳнамун,
Давлатидин етса манга ҳам сукун.
Топсам агар ранжи балодин нажот,
Бўлса манга сабру қарору сабот.
Шаҳга тилаб давлату айши мудом,
Сарф этайин умри азизим тамом.
Шаҳ деди:— Эй ёри қаландар шиор,
Бўйла ҳавас айламагил зинҳор!
Улки санга матлаби аъло эрур
Анга вужуд, англа, чу анқо эрур,
Исмдур ул қайда мусаммо анга,
Узга эрур рамзу муаммо анга,
Етмагувси истаса анқо ани,
Топмагувси рамз ила иймо ани.
Ушбу сўз эл ичра ривоят эрур,
Бошдин оёқ барча киноят эрур.
Балки эрур элга бу сўздин мурад,
Оби ҳаёу адаб, эй хушниход.
Оби ҳаё ёзди чу аҳли қалам,
Саҳв ила то охирига бўлди замм.
Оби ҳаёга эди нақш сабот,
Улғоли то саҳв ўқурлар ҳаёт.
Нўши ҳаёдин киши оби бақо —
Ичса анга етмагувсидур фано.
Мундин они эл деди ҳайвон суйи,
Олами жисмониаро жон суйи.
Элга эрур саҳву хато можаро,
Йўқса эрур ул деган оби ҳаё.
Кимгаки юзланса ўшул обрў,
Матлаб анга бўлғувсидур рўбару.
Икки жаҳонда топиб иззу ҳаёт,
Етмагувсидур онга зилли мамот.
Бўлмагувси даҳраро ул шармсор,

Тонгла қиёматда доғи хору зор.
 Мунда-у анда бўлубон юз қизил,
 Бўлғувси кавнайнаро ул зинда дил.
 Кимки бу давлатдин ўлур комёб,
 Улса они ўлмаган этгил ҳисоб.
 Билгай они кимсагаким жон эрур,
 Оби ҳаё чашмай ҳайвон эрур.
 Кимдаки бор оби ҳаё-у адаб,
 Дўзах ўтидин онга йўқтур тааб,
 Қилди бу сўзларга таамбуқ Назар
 Билдики, йўқ чашмадин онга хабар.
 Бошдин оёқ сўз анга эрди сароб,
 Лек они шаҳ дер эди билмай шароб.
 Ёқмади жониға жавоби онинг,
 Шир ила об эрди шароби онинг.
 Қилди видонин доғи азми сафар,—
 Этди Назарким эди ташна жигар.
 Сув тилабон ўтға эди ҳамнишин,
 Жон анго маҳзуну дил эрди ҳазин.
 Ё раб, ўзунг ишқингя қил жонға ёр,
 Офиятинг мулкида тутмай қарор.
 Тарк этибон ор ила номусини,
 Истагай ишқ аҳли замин бўсини.
 Соқий, олиб кел манга шуҳрат майин,
 Нуш этайин фахр ила шавкат майин.
 То бўлайин молики эъзозу жоҳ,
 Мулки фано тахтида соҳиб кулоҳ.

Субҳи пуршавкат чархи соҳиби рифъат узра офтоби
 шуҳрат ошкор этиб, ҳар дору диёр ва ҳисни ҳисорни жа-
 моди мургвор ва гулзори бехор киби ораста қилғонида ва
 зийнати анвордин бисоти ҳомун ва басити буқаламун
 ранго-ранг зебо деболар ва гуногун раъно камхолар била
 рашки биҳишти барин бўлғонида, яъни замини мискин
 шалоси фақрдин ор этиб, либоси фахр била ўзин мулам-
 маъ ва пироста этканида Назари роҳибнинг бир саҳни
 чаман ва дашти даманди навоий булбул ва қумри ва қаҳ-
 қаҳан кабки дарий эшитмок била кўнгли баҳор бўлғони
 ва бу мургзори пироста ичида бир диёри ораста боридин
 хабардор бўлғони; ул хиттаи диловизнинг ва ул шаҳри
 шуҳратангизнинг шаҳри Шуҳрат эрконин билиб, Фаҳри
 пуршавкат хизматиға бориб, Назар хожаи бузургворнинг

тождордор Фахри тождорнинг хок пойига бир неча дона дурри шоҳдор ва лаъли обдор нисор этиб, муносабати калом ва муҳофазати мақом риюя қилиб, чехраи мақсуднинг ниқобин кўтаргани ва оби ҳаёт ҳикоятин етургани ва шоҳ анга жамиъ калимотин баён қилгани ва тавжиҳи бемаъносин ва таъвили молояънисин истимоъ этиб, жавобидин шифо ва хитобидин дардига даво фаҳм этмайин, **Шоҳи Фахр** била видоъ этиб, **Шаҳри Шухратдин** суръат била чиқиб, оби раион киби давои ва нори сўзон киби гуризон бўлуб, майдони мусофиратга ва саҳройи меҳнатга **маркабин** суруб, қатъи мароҳил ва таййи манозил қилгани:

Субҳ қилиб шуҳратин оламга фош,
Қилди неким бор эди анга маош.
Зийнати анвор ила ҳар кўхсор
Бўлди муззайян, доғи мулку диёр.
Зулмати шаб оби-ҳаётин аён,
Қилди фалак устида хуршид сон.
Мазраъи кўк тоза-у тар сар-басар,
Бўлди, Назар кўрдик эрди саҳар.
Қўйди талаб дашти уза гомини,
Еш киби кўздин солиб оромини.
Йўқ эди дам олғуча ором анга,
Барқ киби тез эди ҳар гом анга.
Бўйла ўтуб ранж била ёзу қиш,
Ёзу қиши эрди анга бу равиш.
Бир кун эди мавсими фасли баҳор,
Бўлди гузар анга ажаб мурғзор.
Солди кўзин ҳар тараф ашжориға,
Накҳати азҳор ила асмориға.
Кўрди ажойиблар эди бешумор,
Гул била мамлу эди домони хор.
Сувлар оқиб ҳар ёна гулгул била,
Гулнинг эди кулмоки булбул била.
Қумри ўлуб сарв ила ҳамдостон,
Боғи эрамдек эди ул бўстон.
Қаҳқаҳаи кабк эди беҳисоб,
Барчаси гўё эди масти шароб,
Дашт этаги лола била эрди пур,
Шабнам ўлуб ҳар бири буржидадур.
Ақлу хирад васфида ҳайрон эди,
Сабза анга сунбули райҳон эди.
Шабнам уза сабза анга ҳар сори,

Сабзаи кўк ахтарининг гавҳари.
Анда ёқиб лолау гулдин чароғ,
Таври тажаллийдек эди саҳни боғ.
Ишрат эли қилғоли айшу нишот,
Е тўшамишлар эди гулгун бисот.
Барги гули лолау ҳумро анга,
Фарш эди ё атласи хоро анга.
Лоласидин хораға хоро либос,
Барги гули ер уза гулгун фалос.
Е кўрубон фақр либосида хор,
Қилмоқ учун бирни баланд иқтидор.
Қисват этиб атласи дебо била,
Хилъат этиб зийнати зебо била.
Кийдуруб эрди анга шоҳи рабиъ,
Этмоқ учун рутбасин онинг рафиъ,
Етти фалакдин ўтубон рутбати
Арши муаллодек эди зийнати.
Сарви боши узра ҳавойи ғурур,
Андоқ эди сархуш эл ичра сурур.
Баски эди тоза-у тар шохсор,
Оби латофат била чун жўйбор.
Анда қаю қушники кўрса Назар,
Жўйаро моҳий дер эди бехатар.
Жўй дема де они баҳри амиқ,
Фикри шиновар эди анда ғариқ.
Тавр сафодин келибон об анга,
Бермиш эди зийнати маҳтоб анга,
Савсан анга қайғудин озод эди,
Гул доғи хандон эди-ю шод эди.
Ройихаси бор эди анбаршамим,
Эрди ажаб равзаи нозу наъим
Бўлди Назар они кўриб шод дил,
Қайғу-у ғамдин бўлуб озод дил.
Сайр била бўлди баса шодмон,
Гулшанаро ўйлаки оби равон.
Бир тил уза саъй ила ногаҳ чиқиб,
Ҳар ёниға қилди томоша боқиб.
Ҳийни тамошада эди ногаҳон.
Шаҳр саводи анга бўлди аён.
Кўрди ажаб шаҳри муаззам эди,
Арши муалло киби аъзам эди.
Суврат анга сина-у дилға сурур,
Талъат анга дийдаи жон ичра нур.

Бор эди гулдасталари зар нигор,
Зеб ила чун қомати дилжўйи ёр.
Кўрса анинг гардин этиб тўтиё,
Боғи эрам бўлғай эди жабҳасо.
Жавфиаро тўб тўла ҳури қусур,
Қасрлари ўйлаки қасри ғурур.
Ҳар неки бор баҳр била конаро,
Ул топилиб борча бир айвонаро.
Шамсалари шамси жаҳонтоб ўлуб,
Кимки қараб, ашк анга сиймоб ўлуб.
Мадрасалар тоқида нақшу нигор,
Гуллар очилган каби фасли баҳор.
Тоқи равоқи эди сийму рухом,
Бор эди девори анинг сийми хом.
Бош чекибон чархи муаллоғача,
Суврат эди пашшадин анқоғача.
Қасрлари жаннати аъло эди,
Ҳар бири муштоқи тамошо эди.
Хишти анинг оқу қизил сийм-зар,
Устида тарсиё эди лаълу гуҳар.
Тушкудек оламаро овозаси,
Лаълу гуҳардин эди дарвозаси.
Кўрди Назар турфа ажойиб макон,
Сўрди бировдин анга ному нишон.
Деди:— ўшул ёри мусофирнавоз,
Шуҳрат эрур ном анга, эй сарфароз.
Мунда доғи шоҳи муаззам жаноб,
Боргоҳи Фаҳрдур, эй комёб,
Зийраку дона-у хирадманд эрур,
Адли била даҳр хурсанд эрур.
Берди хабар анга бу ёнглиғ навид,
Суврати тожир қилиб ўзни парид.
Азм этибон тоқ жилавхонаға,
Суртди юзин дарғаҳи кошонаға,
Тожи ижозатни қўюб бошиға,
Кирди ижозат била шаҳ қошиға.
Кўрдикки бир тахт эди шавкат била,
Чархи бариндек эди рифъат била.
Устида бир шоҳ эди жамшидваш,
Торами аъло уза хуршидваш.
Кўргач онинг дабдаба-у шавкатин,
Савлату ҳашмат била бу рифъатин.
Узлугидин қолмайин асло вужуд,

Хам бўлубон оллида қилди сужуд.
Ўлтурубон ер уза нақши жабин,
Қоғаз уза ўйлаки нақши нигин.
Бош кўтариб шоҳға мадҳу сано,
Беҳаду поён деди, айлаб дуо.
Сўнгра Назар тикди ер узра кўзин,
Айлади мавқуф сўроғга сўзин.
Сўрмаса сўз демоки марғуб эмас,
Ҳарна ерида эмас ул хўб эмас.
Сўзи онинг сўрғоли лекин шитоб,
Айламади ул шаҳи воло жаноб.
То юраги тўхтаб, этиб жамъ ўзин,
Бўлди демокликка муҳайё сўзин.
Шаҳ кўрубон анда бу янглиғ асар,
Сўрди мусофир сафаридин хабар.
Деди:— Қаю мулк эрур маъманинг,
Қайси диёр қайси гулистон макон,
Гулбунинга қайси гулистон макон,
Булбул эсанг, қайда санга ошён.
Гавҳари зотинг не макондин эрур,
Баҳрдину йўқ эса кондин эрур.
Деди Назар: — Эй шоҳи воло гуҳар,
Шаҳри Бадахшон манга эрди мақар.
Маъдани лаъл узра эдим ҳукмрон,
Ҳар дам эдим эл уза гавҳарфишон.
Лек эшитиб чашмаи ҳайвон сўзин,
Ташладим ул лаъли Бадахшон сўзин.
Юз қўюбон водийи ҳасратаро,
Шому саҳар ранжу суубатаро,
Бор эдим, эй шоҳи фалак иқтидор,
Шукрки бу ерда тутуб ман қарор,
Будур умидимки қилиб илтифот,
Шаҳ десаким қайдадур оби ҳаёт.
Шоҳ кулуб дедик: — Эй беҳабар,
Сан деганинг бордурур ул сийм-зар.
Аҳли қалам ёзғонида молу жоҳ,
Саҳв ила ёзмиштур ани мову чоҳ.
Ломини исқот этиб аҳли қалам
Барча ғалат сорига қўйди қадам.
Ёки кўруб суврати айни ҳаёт —
Дебсан они чашма давр, эй покзод.
Лекин ўшул айн деган зар эрур,
Даҳр элиға зийнату зевар эрур.

Кимдаки зар йўқтур эрур жони йўқ,
Зулмат эрур чашмаи ҳайвони йўқ.
Ҳар кишида ҳосил эса сийму зар —
Бўлғуси ҳар мақсадидин баҳравар.
Даҳр биноси анга маъмур ўлуб,
Олам эли амрига маъмур ўлуб.
Банда анга деуу паризод ўлур,
Олам эли ҳукмига минқод ўлур.
Бор эса гар неъматин алвон анга,
Ҳури жинон ўлғуси меҳмон анга
Мунда топиб зийнати зеби ҳаёт,
Онда топар мойи фавзи нажот.
Аҳли жаҳон ичра топиб нўшу ноз,
Тонгла қиёматда бўлур сарфароз.
Чунки эрур мужиби аҳсон анга,
Хуллас эрур чашмаи ҳайвон анга.
Ҳар не икки кавнаро бордур маром,
Анинг ила бўлғувсидур ул тамом.
Шоҳ деган сўзларини сар-басар
Бошдин оёғини эшитди Назар.
Ҳашв эди-ю лағв эди, ҳазён эди,
Чоҳ не, ул чашмаи ҳайвон эди.
Шаҳга дуо қилди-ю қўпти равон,
Хушк жигар, ташна дилу хаста жон.
Кўйди талаб дашти уза ёна гом,
Йўқ эди ороми онинг субҳу шом.
Кўзларидин ашк анга нозил эди,
Пеша анга қатъи манозил эди.
Тинмайин ул истар эди комини,
Тарк этиб ором дил оромини
Ё раб, эрур уқбаи монё баланд,
Юргали ман ожизу зору нажанд.
Ошмоқ они бўлди бағоят асир,
Лутф илики бўлмас эса дастгир.
Соқий, олиб кел манга ратли гарон,
Бер ониким бўлди гарон манга жон.
Нашъасидин токи сабуктоз ўлай,
Кўҳ садосига ҳамовоз ўлай.

Каҳфи кўҳи фалакдин асҳоби асрор, яъни меҳри пур-
анвор зоҳир бўлуб ва зарроти оламни сўфийвор жазб
шаробидин масти майи ноб этконида ва чарх савмаасидин

муршиди воложаноб муалло алқоб, яъни офтоби оламтоб чиқиб, саодат авжида комёб бўлғонида Назар маст ҳам сутуҳ пуркўҳи пуршукуҳнинг домониға етконининг ҳикояти ва ул жабали масиҳосиймонинг уқбаи зуҳду риё эрконин билиб, анда борғони; бир бинойи азим ва бир савмаан қадим ичида Зарқ деган пири азрақни зиёрат этиб, доияи оби ҳаёт ҳикоятин айлагони: Зарқ доғи ул муриди содиқ ва толиби муҳиқға ботил сабилни Салсабил дегони;

Назар шайхнинг баёни макзубидин нашъай сидқу сафо ва рашҳай нашъу намо топмоғони; балки истифозасидин талаввуси истиҳоза фаҳм этиб, юз футур инкисор ва минг мукаддар изрор била замири хира ва хотири тийра сели раvon киби тоғдин ошоқға югурганиға қаламнинг жараёни:

Меҳр ўлубон тоғи, фалакдин аён,
Ноқай Солиҳ киби бўлди равон.
Зол фалак кўргач ани ноқавор,
Тоқти шуоғи расанидин маҳор.
Чекти фалак устига ул риштани,
Истади кесмоклиги ҳарпуштани.
Бўйла авон қатъ этибон йўл Назар —
Етти бирор манзиларо ул саҳар.
Бўлди намоён анга бир кўҳсор,
Рифъатидин кўҳи фалак шармисор.
Кўҳ наким даштаро девонае,
Ақлу хираддин эди бегонае.
Пеша анга ўйлаки авбош эди,
Оғзида куф доманида тош эди.
Мағфур ўлуб бошиға чархи барин.
Қаттиғ эди дил анга аҳли яқин.
Йўллар анга чирмашибон ҳар сори,
Рағ била пайдек эди анинг бари.
Кўнглиаро даҳр элидин саҳм йўқ,
Санги ҳаводисдин анга ваҳм йўқ.
Бор эди маскан анга бир лолазор,
Йўқ эди лекин ёнида ёри ғор.
Мундин онинг чашмаи чашмида ёш,
Бор эди-ю бағри уза доғи тош.
Ёки эди жад-ю ҳамалға шабон,
Шому саҳар бор эди ул посбон.
Оби алаф ашк ила мижгонидин,
Еткурур эрди анга эҳсонидин.
Хўшаға ондин етиб оби видод,

Эрди фулик мазраида сабзу шод.
Қулласида бурж Асоддин Паланг,
Чанмасида Хут эди анинг Наҳанг.
Кўнглида ўт, дийдасида ашки хун,
Раиғу либоси бор эди лолагун.
Ут ичида байт муаммо киби,
Эрди ниҳон разм ила нймо киби.
Маскан анга гўшан узлат эди,
Уйлаки асҳоби қаноат эди.
Оқизибон дийдасидин сел ёш,
Анга камар остида бор эрди тош.
Силкиб эди борча жаҳондин этак,
Бал қоқибон жисм ила жондин этак.
Бўлмиш эди анда иқомат анга,
Етмас эди санги маломат анга.
Балки фалак андин олиб тошини,
Захм қилур эрди жаҳон бошини.
Зоҳир эди ҳар ён анинг жодаси,
Лек ёшунмиш эди сажжодаси.
Даҳр элидин гўшанишин эрди ул,
Қутб эди, автоди замин эрди ул.
Чун кўз анинг сориға солди Назар,
Сўрди бировни топиб андин хабар.
Деди ул: — Эй соҳиби файзу сафо,
Оти мунунг Уқбаи зуҳду риё.
Устида бир савмаан бор васеъ
Тоқи фалак тоқи кибидур рафеъ,
Анда ажаб роҳиб эрур ҳушёр,
Бордур анинг қалби ҳамиша баҳор.
Исми шариф ангадур эл ичра Зарқ
Кеча-у кундуз эрур ашкга ғарқ.
Чеҳраси заъфар, сочи кофур эрур,
Бошдин оёқ меҳр киби нур эрур.
Аҳли кароматдурур ул бегумон,
Ҳар не ниҳон оллида анинг аён.
Жисмидин асқол анга таҳфиф эрур,
Расмидин ижмол анга таҳқиқ эрур.
Тойири қудсидек очиб болу пар,
Тоғдин ул тоғ уза айлар гузар.
Меҳр киби нурини нозил қилур,
Барқ киби қатъи манозил қилур.
Ҳосил этиб таййи замону макон,
Сайр анга гах арш, гаҳи осмон.

Мунча сўзу мунча каромат била,
Ҳамдам ўлуб нури саодат била.
Кўҳ қироғида топибдур сабот,
Зулматаро ўйлаки оби ҳаёт.
Чунки Назар бўйла эшитди калом,
Қилди анинг сариға беҳуд хиром.
Бўйла таваққуъ қилиб ул дилфигор,
Тормошибон тоғ уза зору назор.
Чиқти доғи кўрди ажойиб куништ,
Тоғ уза бор эрди минбар сиришт.
Вазъида ҳайрон эди наққоши Чин,
Тархи онинг ўйлаки хулди барин
Фарш анга хишт эрди бари сийм-зар,
Яшм рухом эрди-ю лаълу гуҳар,
Суффа-у саҳн эрди онга барча пок,
Арши бариндек эди ул тобнок.
Рукну мақоми бори маҳмуд анинг,
Бошдин-оёқ хишти зарандуд анинг,
Айш макони эди товил анга
Қанд эди чун барча қанодил анга.
Хулд киби кўрди маконни Назар,
Кирди макин ҳолидин олғай хабар.
Кўрдикки бир пири фалак жоҳ эди,
Ҳодий эди демаки, гумроҳ эди.
Ширку хафи савмаада бе ибо,
Бўйи риё масжидида бўрё.
Зикраро йўқ эрди хабар нақш фикр,
Кафи паришон бор эди анга фикр.
Анда на заъқуна ҳузуру на нур,
Мойидадин эрди дамодам сурур.
Бидъат эди шому саҳар пешаси,
Суннат ўлуб лек анинг андишаси.
Умри ўтуб савмаада сар-басар,
Ғулу шаётинға эди роҳбар.
Шайх дема, бир ях эди фавқи шин,
Анда на илму на амал, на яқин.
Зоҳиру ботин анга бор эрди шах
Хирс ила эзо чу мўру малах.
Сувнинг уни неча таназзул шиор,
Бўлса тараққий қилур ул ошкор,
Сифланинг овозаси бўлса баланд,
Қилма таажжуб гар эсанг ҳушманд.
Ҳар на мурид анда эди чун мурид,

Оз ўтидин дер эди ҳал мин мазид.
Йўл юрубон ўйлаки уссор уйи,
Эрди ул эл солики паргор уйи.
Юз йил агар бор эса сувратнамо,
Манзилида эрди бори жон-бажо.
Барчасида иллоти жуъул-бақар,
Гов ила гўсола эди сар-басар.
Нафӣ этибон тўқлигин ул эл тамом,
Очлигин исбот этар эрди мудом.
Анлара на хавфу на уммид эди,
Исм эди, Арсим эди, тақлид эди,
Кимгаки ул ерда бор эрди қарор,
Динида йўқ эрди бири устувор,
Бу бири ул бирни ҳамидул ҳисол —
Дер эди бу ҳам они соҳиб камол.
Бўйла қилиб айлар эди элни сайд,
Шоҳу гадо эрди бу макр ила қайд.
Жаҳрияси оғзи очиқ, холи хум,
Хуфяси ҳам ел била тўлғон тўлум.
Билди Назар барчасининг ҳолатин,
Шайху муриднинг неки моҳийятин.
Лекин этиб ўзини сўфий намо,
Шайх иликин тутди, бориб беибо,
Қилди зиёрат они иззат била,
Ёна нишаст айлади рухсат била,
Зарқ боқиб деди анга: — Эй мурид,
Ёшинг узоқ бўлсуну умринг мазид.
Келмогинга мунда не бўлди сабаб,
Де, не эди боиси ранжу тааб?
Дедики: — Эй муршиди олижаноб,
Бўлғил ики оламаро комёб
Бу сафаримдинки манга ранж эрур,
Боис анга турфа ниҳон ганж эрур.
Олам элидин ани айлаб сўроғ,
Бир даме сув ичгуча топмай фароғ.
Шому саҳар пеша манга сайру гашт,
Гоҳ ерим кўҳ эрур, гоҳи дашт.
Яхши-ямонни кўрубон сар-басар,
Топмадим истаб тилаб андин хабар.
Йўқ нимани истабон озурдаман,
Жон тилабон топмай ани мурдаман.
Улки манга оташи сўзон эрур,
Зулматаро чашмаи ҳайвон эрур.

Чунки эшитди бу сўзни пир Зарқ,
Ашкиаро жисми анинг бўлди гарқ.
Оқизибон ёшини ҳасрат била,
Деди анга қаҳр ила шиддат била:
— Санки тилаб даҳраро оби ҳаёт,
Топмадинг ерому қарору сабот.
Води-ю тоғ ичра бўлуб хору зор,
Хушк ила тар аҳлиға сен шармисор.
Билки эрур ушбу муродинг абас,
Вазъинг абас, тавру ниҳодинг абас.
Қўнглунгаро маскани ханнос эрур,
Ушбу хаёлинг бори васвос эрур.
Чашминг эрур чашмаи оби ҳаёт,
Онгла, яқин учмоқа улдур қанот.
Чашм ёзар онда аҳли қалам,
Чашма ёзибдур, ани эй муҳтарам.
Саҳв ила ҳо ёзмиш ани бегумон.
Қўрки эрур саҳваро ҳоға макон.
Чашмаи ҳайвонки киноят эрур,
Билгил ани, ашки надомат эрур.
Кимки тўкар ашкини бе қолу қийл,
Топғусидур қой соридур салсабил,
Ҳосил этиб анда муаббад ҳаёт,
Равзааро топғуси айшу сабот.
Ёки оқизса биров ашки риё,
Ашк дема дегил ани кимё.
Чунки топар оламаро молу жоҳ,
Ҳожат эмас истамаги моъи чоҳ.
Гарчи эрур кўз ёши милҳу ужоҳ,
Дин ила дунёгадур андин ривож.
Назр қилиб халқ анга чун молу жон,
Топғуси ул даҳраро ганжи равон.
Гарчи эрур зоҳирида шўру шар,
Дин ила дунёдин этар баҳравар.
Ашк дурин қилсанг эл ичра аён,
Баҳр дурин қилғунг уй ичра ниҳон,
Чунки Назар англади анинг сўзин,
Қўрмади ул шайх сўзининг тузин,
Ваъзиаро йўқ эди нашъу намо,
Чунки йўқ эрди анга сидқу сафо.
Ваъзи, дили айнийдур, эй беҳабар,
Бўлмаса дил софий, ул этмас асар.
Хуллас анинг сўзин эшитти тамом.

Бошдин оёқ бор эди муҳмал низом.
 Мажлисидин қўпди бўлуб тангдил,
 Тош ўлубон анга жигар сангдил.
 Шайх қолиб анда хижолат била,
 Ул кетибон бори маломат била.
 Қўйди юзин ёна биёбон сори,
 Истаголи чашмаи ҳайвон сори.
 Яъни талаб даштига қўйди юзин,
 Ташлади анинг бори муҳмал сўзин.
 Ё раб, ўзунг лутфинги қил раҳнамун,
 Зор Нишотийғаки бордур забун.
 Улмасанг ар лутф ила ҳодий анга,
 Қайда бўлур қатъ бу водий анга.
 Соқий, олиб кел қадаҳи шуъла хў,
 Ёқсун ани ҳар не эса рангу бў.
 Ичкоч ани хори алойиқға ўт,
 Ташла-ю гулзори авойиқға ўт.

Жангалистони беамон ва хористони жонситон фалакдин меҳри бўстон афрўз намоён бўлғонида ва найистон чархи жаҳонсўз шуълаи рўзга маккора бўлуб, гунбази ферузий пурдаҳон бўлуб, дийдаи кавокиб гирён бўлуб юмулғонида Назари соҳиб самарнинг ашжори бор алойиқдин ва шохсори пурхори авойиқдин боди сабуксордек рафтор била гузор қилғони ва ул диёри бедайёрда ҳар панжаи чинордин озор кўруб, жонидин безор бўлғонида гўшаи водидин муноди овозиким, байт:

Алоё окифил-водиз-залами
 Фаинналлоҳа ҳодийўн лил-аноми
 Ваиннал-юсра баъдал-усри фасбир
 Лианнос-сабра мифтоҳул — мароми¹.

эрди. Бу рубоийни эшитиб, ул ғойибнинг қалби анга боғ бўлғони ва ул хитоби мустатоб била «оллоҳул-ҳодий физзулумотил-биҳори вал-баводий»,²— деб ул бешаи беобдин ва ул маҳбати пуртобдин сели равон ва боди вазон киби гузар қилғонининг тақопўси:

¹ Эй, сиз зулмат водисида яшовчилар! Ҳақиқатда, (албатта) оллоҳ йўл кўрсатувчидир инсонлар учун. Агар оғирчиликдан қийналсанг, сабр қил! Шунинг учунки, сабр — мақсаднинг калидидур.

² Оллоҳ зулматлар денгизида ва саҳроларида йўл кўрсатувчидир.

Беша-у дард ичраки водий навард,
Буйла чекар дард била оқи сард.
Тийра айистондаги ғарранда шер,
Яъни қалам мундоғ этар доду гир.
Субҳ асади қилди аён кулкусин,
Сайд этибон кеча қаро тулкусин.
Яъни чиқиб буржи асаддин қуёш.
Бешаи даҳр ичра ситам қилди фош.
Бузди ҳама анжумани анжумий,
Сарсар анингдекки совурғай қуми.
Балки кўруб даҳр эли ҳолин хароб,
Тушти қуёш пайкарига изтироб.
Чок этибон сийнасини субҳи дам,
Оқизиб ашк анжумин ул дам-бадам.
Йиғлар эди давр эли аҳволиға,
Хосса бу давр ичра Назар ҳолиға.
Ҳол анга чунким эди беҳад шадид,
Манзили мақсад доғи эрди баъид.
Билмас эди қай соридур ком анга.
Лекин эди суръат ила гом анга.
Жонида ўт, дийдасида сув эди,
Бошдин оёқ дард ила қайғу эди.
Ашк ила боронни ҳувайдо қилиб,
Оқ ўтидин барқни ифшо қилиб.
Сел киби тоғ ила водийға юз—
Қўймиш эди даҳр саводиға юз.
Тун-кун эди оламаро лоубол,
Роҳат харом анго-у меҳнат ҳалол.
Бағрида ўт, кўнглиаро ниш эди,
Сув тилабон ташна-у дилреш эди.
Йўқ эди уйқу анга шому саҳар,
Шому саҳардин этар эрди гузар.
Икки қоши заҳр солурға чиён,
Дийдасиға бор эди мижгон синон.
Толпинибон ўйлаки сувсиз балиғ,
Жон йўқ эди анга букун тонглалиғ.
Солмай ўзин мунча суубат била,
Қатъ этибон йўлни уқубат била.
Гаҳ югуриб, гаҳ йиқилиб, гаҳ туруб,
Йўқ эди оромни анинг ўлтуриб.
Ғарқ эди кўз ёшиаро чун саҳоб,
Лекин эди пўяда андоқ шиҳоб.
Бўйла юруб неча маҳал хору зор.

Бўлди, ажаб, беша анга ошкор.
Мўр анга зу-ноб ўлуб, андоқ килоб,
Пашшай зул-махлаб эди чун уқоб.
Беша била пешаси жонгоҳ эди,
Пешаси киргон кишининг оҳ эди.
Доғи ҳавоси эди афъий дами
Заҳри йилон эрди анинг шабнами.
Бор эди дарранда анга бешумор,
Эрди паланг тирноғи ҳар неши хор.
Титрар эди ҳайбатидин осмон,
Кирмогидин гули биёбонға жон.
Беша дема, турфа гулистон эди,
Деву парий вазъиға ҳайрон эди.
Сабза анга хори муғилон бўлуб,
Гул ерига борча қизил қон бўлуб.
Сунбули ағлоли салосил киби,
Суйи анинг заҳри ҳалоҳил киби.
Заҳр била тўп-тўла анҳор анга,
Афъийи печон бўлуб ашжор анга.
Хор уза хор эрди-ю мор узра мор,
Шоҳай хор андин эди тор-мор.
Сабзалари ниши занг олудадек,
Занг неким заҳри ғам андудадек.
Барглари ханжари дилдўз эди,
Ханжари қўй, барқи жаҳонсўз эди.
Сунбул анга афъийи печон дегил,
Савсан анга ханжари буррон дегил.
Ҳар шажари меваси заққумвор,
Шамми насими эди масмумвор.
Етса жинон сорига ондин насим,
Бўлғай эди гулшани жаннат жаҳим.
Ҳар кашафи гунбази ахзар киби,
Кўзлар анга чарх уза ахтар киби.
Сочи кесук бош киби ҳар сори зишт,
Шакли аларнинг ҳама зишту дурушт.
Ҳар асади кўк асадидек далир,
Мўру малахдин доғи кўб нарра шер.
Ҳар бирининг савлатидин инсу жон,
Титрар эди балки замину замон,
Тулку анга ўйлаки ханнос ўлуб,
Барчасининг пешаси восвос ўлуб.
Ғулу шаётининг эди пешаси.
Мақру ҳиял борчаси андишаси.

Кирган элнинг ҳолига андуҳ ила,
Наъра чекар эрди шағол уҳ ила.
Жавфи чуруб холи ўлуб ҳар чинор,
Тийра эди ўйлаки тоғ ичра ғор.
Бал, чуругон шохига очуқ равоқ,
Уйла қоронғуки чу шоми фироқ.
Балки эди дўзах ила тав амон,
Маскан этиб они йилону чаён.
Барглари устида хатти руқум
Ёзилибон дебки эрур бори шум.
Елдин эмас, баргларин титратиб,
Келса киши келма дебон манъ этиб.
Дер эди: — Эй келгучи, зинҳор, қайт,
Келсанг ўлур иш санга душвор, қайт.
Барг дема панжаи ифлос эди,
Шох дема соъиди наснос эди,
Пашшасидин пил этибон эҳтироз,
Тулкусидин шерға эрди гудоз,
Пил ила шерига демакда қиёс,
Ақлу хирадға эди бийму харос.
Хору хасининг эди поёни йўқ,
Андин убур этмокинг имкони йўқ.
Мумкин эмас устидин ўтмак уқоб,
Балки анинг ёнидин ўтмак шиқоб.
Ончи эди ҳойил ўшул зовия,
Кўрмакидин ҳавл этибон ҳовия.
Оташи дўзахаро пинҳон эди,
Мундин анинг жони ҳаросон эди.
Соф зилолий бўлубон самми хор,
Наҳри йилон суйи анинг заҳри мор.
Музлим эди ўйлаки қалби лаим,
Боди ақим эрди-ю суйи жаҳим.
Йўл озибон саҳв ила ногаҳ шамол,
Кирса анинг чиқмоғи эрди маҳол.
Лек таваккул этибон ул ғариб,
Кирди гулистонро чун андалиб.
Ваҳ, не гулу гулшану гулзор эди,
Хори жафо боиси озор эди.
Тангри паноҳига этиб мултамас,
Бешааро кирди чу мурғи қафас.
Ожизу ҳайрон эди зору низор,
Жон анга мажруҳу дил эрди фигор.
Кўрдик пурмеҳнати беҳад эди,

Ҳар тарафи шиддати беад эди.
Ҳар самари гул бошидек муҳиб,
Ҳар шажари пайкари деви рақиб.
Хори жафо ердин ўлуб ошкор,
Барқи бало кўкдин иниб бешумор.
Ғайб меҳан бор эди нозил анга,
Дўзах эди борча манозил анга.
Мунча малолатаро ул нотавон,
Ўйла Нишотий чекиб оҳу фиғон.
Оҳ сли бирла фалак машъалин,
Ҳам ўчуруб, ҳам учуруб манқалин.
Қилди қаронғу бори олам уйин,
Балки муаллақ ети торам уйин.
Йўл итуруб аҳли жаҳон хокаро,
Хайли малак пуштаи афлокаро.
Ер кўк эли бор эди саргашта ҳам,
Борчасининг толеъи баргашта ҳам.
Чархи даний зулм этибон элга фош,
Отмоқ учун кавқабидин ерга тош,
Доманини тўп-тўла тош айлади
Кийнасини эларо фош айлади.
Йўқки, Назар ҳолига йиғлаб малак,
Доманиға ани эритди фалак.
Эрди малак ашқининг ул гавҳари,
Дема фалакнинг эди ул ахтари.
Ёки фалак марғига¹ ҳаври қусур.
Кўр, этибон бу юклаб эди айн нур.
Етти фалакни чекибон комиға,
Қуймиш эди заҳр жаҳон жомиға.
Ваҳки, на тун эрди қаро аждаҳо,
Балки жаҳон аҳлини босган қаро.
Кўрди Назар оллида мундоқ хатар,
Ҳайрат ила дедики, айнал-мафар.
Қочмоқиға ер йўқ эди, чора ҳам,
Ер эди саргашта-у овора ҳам.
Бўйла қаро тунаро ул хоксор,
Эрди ниҳон тун ичида зарравор.
Чунки қочиб бийм ила тулку кўруб,
Ўзни паланг оллида ўтру кўруб.
Қочса агар мўрдин айлаб ҳазар,
Айлар эди аждаринг оғзин мақар.

¹ Аслида маркабиға.

Пашшадин ар қочса қилиб ижтиноб,
Лозим эди пил ила ором хоб,
Қайси балодин этибон ул ҳазар,
Лек келиб олиға андин батар.
Ваҳм била чеҳра бўлуб зард анга,
Дам-бадам афзунроқ эди дард анга
Бўри кўзи оллида машъал эди,
Оҳ ўтиға сийнаси манқал эди.
Кесмиш эди аҳли жаҳондин умид,
Айлаб ўлур чиқмаса жондин умид.
Чораи кор истабон ул бенаво,
Қилди худо дарғаҳиға илтижо.
Саждага бош қўйди тўкуб ашки ол,
Дедики: —Эй лам язалу ло язол,
Зотинг эрур олими асрори ғайб,
Улки санга йўқтур эрур ширк, айб.
Айла карам, эй аҳади бениёз,
Чораи дардимни қил, эй чорасоз,
Қилмас эсанг лутф ила шафқат манга,
Бўлди фузун яъс ила кулфат манга.
Буйла дуоларда эди ул ҳазин,
Бўлди ижобатға дуоси қарин.
Еқти фалак машъали анвор анга,
Бўлди аён маҳзани асрор анга.
Партавидин бўлди жаҳон гулситон,
Зийнатаро ўйлаки боғи жаҳон.
Гунбази афлок ўлубон кўҳи тур,
Субҳ тажаллий анга қилди зуҳур,
Даҳр саводи бори равшанзамир,
Водийи Айман киби бўлди мунир.
Зоҳир этиб чарх эли эъжозини,
Қилди адам кеча фусунсозини.
Бўлди забун кун била тун соҳирий,
Ўйлаки Мусо ёнида сомирий.
Эсди жаҳон сори насими сабоҳ,
Берди анга зулмати ғамдин фалоҳ.
Шод ўлубон ҳар сори боқти Назар,
Ғарқай нур эрди жаҳон сар-басар.
Саждаи шукронани айлаб адо,
Турди яна ердин ўшул мубтало.
Йўл тилабон ҳар сори айлаб шитоб,
Бор эди жонида ҳануз изтироб.
Етти анинг самъиға мундоқ нидо,

Дедики:— Эй ушшоқ элида бенаво,
 Кимки фано баҳрида ғаввос эмағ,
 Дурри бақо топмоқиға хос эмас.
 Шоми фироқ ичра ким эрмас нажанд,
 Субҳи висол ўлмоғуси сарбаланд.
 Хар кишиким кўрмаса идбори ранж,
 Топмоғуси ул киши иқболу ганж.
 Хори муғилонға ким эрмас яқин,
 Каъбаи мақсад анга бўлмас қарин.
 Зулматаро чекмаса захри мамот,
 Топмоғуси ул киши оби ҳаёт.
 Чекмаса дай шиддатини бўстон,
 Бўлмас эди жайби тўла гулситон.
 Тутмаса гул хори бало ичра хў,
 Бўлмас эди анга бу рангу бу бў.
 Меҳнатаро бўлмаса кимга қарор.
 Давлат анго бермағуси эътибор.
 Лаъл агар қолмас эса сангаро,
 Бўлмас эди меҳр киби рангаро.
 Чекмағуча ҳашрида оҳу фиғон,
 Бўлмади бир кимса макони жинон.
 Кимгаки ҳол ўлди бу ёнглиғ асир,
 Изад анга бўлғусидур дастгир.
 Буйла навони эшитиб шод ўлуб,
 Дард била қайғудин озод ўлуб,
 Дедики:— Эй хотиф бешак-ку райб,
 Кўнглими қил қошифи асрори ғайб.
 Дейки эрур бу на деган зовия,
 Дўзах эрур ё йўқ эса ҳовия.
 Дедики:— Бу дашти алойиқ эрур,
 Чангали пурхори авойиқ эрур.
 Кимки қилур саъй ила мундин убур,
 Қилғусидур меҳр муроди зуҳур.
 Жониға чун етти мунунгдек навид,
 Тоза-у тар бўлди чу шоҳи умид.
 Шод ўлубон айлади ул ён хиром,
 Йўқ эди ороми анинг субҳу шом.
 Ё раб, ўзинг лутф ила тутғил қўлум,
 Баҳри карам сорига бошла йўлум.
 Дашт залолатаро борман ҳариқ,
 Айла мени баҳр карамға ғариқ.
 Соқий, олиб кел манга андоқ шароб,
 Бўлсун анинг ёнида дарё сароб.

Зарф анга айла фалак тосини
Тўлдурубон бер мангаким каъсини.

Офтоби оламтоб буржи Асаддин Қавс манзилига етиб, тийр сифат соҳили мақсуд тарафига таярон қилғонида дарёи заххори хунхор фалакдин одам обийвор меҳри пуранвор намоён бўлуб, анжум анжуманининг сафинасин вайрон этконида ва уммони спехр, шаъшаан меҳр била чайқаниб, ва фалол, кўхсор, ламъан анвор била туташғонида Назари соҳиб саёҳатнинг дарёи Ҳайратга етиб, ғаввоси сайёҳи ваҳм вақт-андиш умиқи ғавринда ҳайрон ва сайёҳ фаҳм маслаҳат киши тажовузи амрида саргардон бўлғони ва шайбу боло югурмокида бир нохидо худо учун ҳиммат қўли била анинг қўлин тутуб, сафинасиға солғони; Қазойи яздоний ва амри субҳоний била сар-сари ҳаводисоти айём ул талхкомнинг киштиий умидин тошға урмоқ била шўрбахт этиб, бир тахта поранинг устида берахт қўйғони, балки дарёи гирдоби фалаки хунхор ва осибни амвожи рўзгор Назари белангарни охири кор гирдоби ҳайратга солғони. Назари соҳиб саёҳат икки қапоғи била саёҳат кўргузуб оламдин алам била кўз юмуб, изади бечунига юз келтурғони, ондин сўнгра райёҳ тақдири заврақ тадбирини савби мақсудга сўрғони ва маллоҳи тавфиқ сафинаи умидин соҳили муродга етурғонига тийри қаламнинг жараёни:

Даҳр саводин тутубон аҳли ҳинд,
Етти фалак бўлди чу дарёи Синд.
Одами обий бўлуб андин аён,
Қўймади кўрмокига тобу тавон.
Олам элин этмак учун дастгир,
Ҳар сори зоҳир эди рабби кабир,
Ҳар бирининг савлатидин шери нар,
Жисмида сиймоб эди титраб жигар.
Боқти Назар, кўрди фалак ҳолатин,
Ҳайрат этиб билмади кайфиятин.
Ашк нужуми анга эрди ҳужум,
Қатралари жониға санги ружум.
Жонида ўт кўнглиаро ҳавр эди,
Зикри анинг хавф ила лоҳавл эди.
Турмоқиға йўқ эди маъман анга,
Юрмокидин ўзга доғи фан анга,
Баҳр ғариқи киби ҳар ён оқиб,

Топмас эди чораи дардин боқиб.
Ҳар нимани тутса қилиб хас гумон,
Илкига киргач бўлуғ эрди йилон.
Ортар эди меҳнат уза меҳнати,
Эрди фузун шиддат уза шиддати.
Мунча бало ичра гирифторм эди,
Жонидин ул лаҳзада безор эди.
Келди онинг оллиға баҳри азим,
Андин эди фулки фалак ичра бийм,
Умқиға етмас эди ғаввоси ваҳм,
Тувлиға ҳам фикрати сайёҳ фаҳм,
Икки канори эди икки жаҳон,
Бири аён, бириси эрди ниҳон.
Сув кишиси андин ўлуб ошкор,
Кукрар эди ҳар бириси раъдвор.
Зоҳир ўлуб мавжида чанги наҳанг,
Уйлаки тоғ устида ғаррон паланг.
Оғзин очиб қаҳр ила ҳар бир садаф,
Шакли қариҳ эрди нечукким кашаф.
Ҳар саги обий эди чун нарра шер,
Олами имконда эди беназир,
Баҳр дема аждари печон эди,
Даҳр элини ютмоғи осон эди.
Балки эди аждар анинг игрими
Тоғи фалакни чекар эрди дами.
Ютмоқиға луқма ҳисоб этмайин,
Пуф деб эди комиға ул етмайин.
Андин ўлуб кеча-у кундуз мадир,
Бор эди саргашта-у зору асир.
Ёки эди уштури бадмасту зўр,
Куф сочибон оғзидин айлаб ғурур.
Қилмиш эди даҳрға ул қасди жон,
Сийнасининг устида эрди жаҳон.
Бўйла балоларни кўруб ул ҳазин,
Бўлмиш эди ожизу зору ғамин.
Жорий этиб кўзларидин ашки хун,
Сувда яғоч аксидек эрди нигун.
Ҳоли анинг ҳар не ямондин ямон,
Чикмоқиға кўрқар эди анга жон.
Зулмат элига бор эди ул асир,
Раҳм этибон ҳолиға чархи мудир.
Қилди ниҳон борча бало кавкабин,
Меҳри фалак тошлади чодар шабин.

Занг эли дафъига чекиб тиғи тез,
 Қилди жаҳон бешаси ичра ситез.
 Қаҳр била бошларин айлаб қалам,
 Субҳидами борчасин этти адам.
 Зулмат эли бўлғоч анингдек ҳалок,
 Нури саодатаро ғарқ ўлди хок.
 Анда кўзи ашкин аритди Назар,
 Истади ул баҳри балоға гузар.
 Меҳнатидек йўқ эди поён анга,
 Утмокига ҳам доғи имкон анга.
 Ҳажр қаро шомидек эрди тавил,
 Суйи қаро эрди чу дарёйи Нил.
 Баҳри бало кўрди чу бу меҳнати,
 Ошти анинг ҳайрат уза ҳайрати.
 Дедики: — Ё раб, бу на дарё экан?
 Бу на деган манзилу маъво экан?
 Қолмиш эди буйла таҳайюро,
 Етти анинг ёнига бир нохидо,
 Бор эди бир неча сафойин анга,
 Ҳар бирида эрди дафойин анга,
 Гарчи эди жўнги ададдин фузун,
 Ганж эди ҳар жўнгида ҳаддин фузун.
 Жўнг вале ганжга бор эрди жо,
 Мол аламиндин эди ул нохидо.
 Кўргач анинг рифъат ила шавкатин,
 Деди Назар ажз ила ўз ҳолатин.
 Лутфу тараҳҳум қилиб ул беҳисоб,
 Дедики: — Эй ожизу зору хароб.
 Ушбу суким жонга таҳассур эрур,
 Оти мунинг Баҳри таҳайюр эрур.
 Ул тарафи соҳилига сурсанг от,
 Дерлар ани беша-у фавзу нажот.
 Андин ўтуб, айласанг улён гузор,
 Бўлғуси бир шаҳр санга ошкор.
 Билгил, анинг оти Ҳидоят эрур,
 Бу йўлинга анда ниҳоят эрур.
 Анда, ажаб, волий эрур ҳукмрон,
 Ҳиммат эрур зотига ному нишон.
 Мухтас эрур аҳсани ахлоқ анга,
 Хосса эрур акмали ашфоқ анга.
 Ҳошимиюл-асл убувват била,
 Осимиюл-насл футувват била.
 Шаъни анинг беҳаду ғоят азим,

Лутфи анинг эларо бордур амийм.
 Оламаро кимки бор эрса фақир,
 Лутф қўли бирла бўлур дастгир.
 Ҳожат эли каъбаи уммидидур,
 Пардаи шаб ичраки хуршидидур.
 Васфин анинг буйла эшитгач Назар,
 Дедики: — Эй раҳбари воло гуҳар,
 Бўл манга сан ул сориға раҳнамун,
 Ҳосил этай анда шакибу сукун.
 Хўш, деди-ю бўлди анга раҳнамо,
 Гарчи эди оти анинг Нохидо.
 Солди ани кемага этмай даранг,
 Қайси кема де ани кбми наҳанг,
 Йиғнади чун сабру сукун лангарин,
 Бузди таваққуф кемаси пайкарин.
 Боди азиматға очиб бодбон,
 Баҳри таваккул сори бўлди равон.
 Бор эди ул суврати нунвал қалам,
 Андин эди сафҳаи сувға рақам.
 Суврати жўнг гарчи бор эрди чу ё,
 Сийрат анга бор эди тийри қазо.
 Турфа гумон, ўқ анга қойим эди.
 Сайру сукун анга мулойим эди.
 Тошда аён гарчики савдо анга
 Ичда ниҳон зар била сафро анга.
 Мардфикан эрди чу пили дамон,
 Бандшикан эрди чу шерн жаён.
 Сийнаси устида равон аждари,
 Бор эди ё абр сиёҳий тари.
 Дуржи кема бўлди Назарға макон,
 Уйлаки хуршидға буржи камон.
 Сувдин ажойиблар эди ошкор
 Ҳар бирига савлат эди бешумор.
 Бўлди йил, ой баҳр уза сол анга,
 Шому саҳар эрди бу минвол анга,
 Баъзиси хуш суврату баъзи саҳим,
 Кўнглиаро ўйлаки уммиди бийм.
 Бир кун ўлуб бахти мухалиф мизож,
 Эсти қотиг сарсари осиф мизож.
 Баҳр ичидин бўлди савонқ аён.
 Бал кема ўртарга бавориқ аён,
 Ер била кўкни бузубон гўрриши,
 Шўри қиёматдек ўлуб шўриши,

Сув юзини тутти бори фавжи мавж,
Тутти фалак хайли қочиб андин авж,
Кема тутуб мавж ила гоҳи уруж,
Остида қолур эди зотул-буруж,
Гоҳ қилур эрди ҳазизи макон,
Савр заминдин бўлур эрди ниҳон.
Ер тубида гоҳ балиқға яқин,
Кўк уза гаҳ ҳутға эрди қарин,
Баҳр ичиға тўлди талотум қуши;
Уйлаки афлок уза анжум қуши.
Турфа қуш эрдик чекардин фиғон,
Хуркмасу учмас эди ул бир замон.
Чойқолибон ҳар сори гирдоб анга,
Кема чекарга эди қуллаб анга.
Чарх киби кемани айлаб мудир,
Кема элин айлади зору асир.
Халқ ўшул сув била жондин илик.
Ювди, бори ушбу жаҳондин илик.
Сарсар ила борча муражжиф эди,
Аҳли қулуб анда муважжиф эди.
Лек Назар ҳайрати ҳаддин фузун,
Эрди бўлуб ашки анинг сели хун.
Сувға тушуб ахтари иқбол анга,
Мушкил эди мушкил уза ҳол анга.
Даври фалак мунчани этмай ҳисоб,
Кемани вожун этибон чун ҳубоб.
Жавр била кўргузуб анга ситам,
Урди анинг кемасини тошға ҳам.
Тахталари борча бўлуб чок-чок.
Тутти бори халқ ҳазизи ҳалок.
Сув юзида кимгаки бўлса қарор,
Мумкин эмас бўлмоқ анга пойдор.
Уйки ёғоч бўлса будур ҳол анга,
Бўлса кесак ваҳ недур аҳвол анга.
Кохи жаҳон бўлмағуси жовидон,
Қалби анинг хок эрур, эй нуқтадон.
Бўлди алор баҳри ажалга ғариқ,
Чунки эди беҳаду ғоят амиқ,
Кимсаки саргаштаи саҳро эрур,
Толиби гирдобайи дарё эрур.
Кимки қолур игроми дарёро,
Истагуси ўлмоки саҳро аро.
Ҳодисаға хушк ила тардур макон,

Ҳодисадин беғам эмас инсу жон.
Олами ҳодис деди аҳли хирад,
Хушк ила тар бўлса-у ё гарму сард
Бўйла эрур ҳодисаи даҳри дун,
Ул биридур бу биридин ҳам забун.
Иккиси ҳам этгуси жондин жудо.
Бўлмади бас яхши-ямондин жудо.
Туфроқ эрур ҳазми қави гардани,
Чарх эрур қотили гардан заний,
Кимники парварда қилур бу мағоқ,
Қилғуси бир кун ани бешак ҳалок.
Кимки фалак авжида топти нишаст,
Оқибат ул қилғуси туфроқға паст.
Даҳр вафо Сому Наримонға ҳам,
Айламади Рустами дostonға ҳам.
Дема менинг бошима давлат етар,
Бошинга ул давлати иззат етар.
Кўрс жави бирла сен этгил шакиб,
Гандуми дунё эрур одам фириб.
Неки санга берди бугун рўзгор,
Қилғусидур тонгла ани тор-мор.
Афсаринги бошинга афсор этар,
Гулбуни иззатни санга хор этар,
Кўрки жаҳон мулкида хонлар қани,
Мулкдеҳу тожситонлар қани?!
Бўлди анинг бориға ному нишон,
Ҳоки адамхонаси ичра ниҳон.
Сабза-у гул устига қўйсанг қадам,
Оғаҳ ўл аҳволидин, эй муҳтарам.
Ҳар варақи чеҳраи озодадур,
Тахти қадам фарқ малакзодадур.
Ҳар неки ул сунбули пурчин эрур,
Билгил ани гисуйи мушкин эрур.
Савсан ила бор эса сарви равон,
Қомати зебодин ани бил нишон.
Сунбулу ё сабза-у ё нилуфар,
Зулфи хату хол эрур ул сар-басар,
Сен доғи хок ўлмайн, эй сарфароз,
Айла ўзунг хок дари аҳли роз.
Фулкки етмиш эди соҳиларо,
Буйла қилур баҳр элидин можаро.
Фарқ ўлубон кема эли хосу ом,
Марг уйига айлади биридин хиром,

Лек Назар анда сабукбор эди,
Амр шиноварлига тайёр эди.
Ўзи била икки қабоғи анинг,
Бор эди ул ишда яроғи анинг.
Очмас эди оғзини ул дурбин,
Балки босиб оғзиға анинг нигин.
Сақлар эди ёнида ул хуш ниҳод.
Жавфиаро бор эди боди мурод.
Бўлса агар сели бало маскани,
Сув юзида бор эди турмоқ фани.
Мундин ани сақлабон ўз ёнида,
Кўздин ани солмас эди онида.
Иккисини (икки) қўлиға олиб,
Баҳри азим ичра ўзини солиб.
Қилди таваккил анга беваҳму бийм,
Этмиш эди баҳрни роҳи гилим.
Хўш демиш ул кимсаки дурни сочар,
Кимки юмар кўзини дарё кечар.
Бўйла дебон анда шиновар эди,
Дегил ани моҳийи кавсар эди.
Сув ичида толпинибон телбалиғ —
Зоҳир этар эрди чу сувсиз балиғ.
Бор эди аччиғ сув ила талхком
Токи яна даври фалак қилди шом.
Дурри шаб афрўзини бу обгун,
Хуққаи чарх этти ададдин фузун.
Баҳри фалакдин яна бўлди аён,
Одам обики бор эрди ниҳон.
Борчасининг кўзлари ахтар киби,
Ҳойил эди жонаро ахгар киби.
Суврат анга лек намоён эмас,
Зулматаро кўрмоки имкон эмас.
Кўзларидин ўзга нима йўқ аён,
Ваҳ қаю кўз кавкаби наҳси жаҳон.
Тун қароси дема эди жамъи зоғ,
Хукий кўзи эрди аларға чирог.
Ёки этиб шери фалак хашму кин,
Кўзларидин ўт чиқар эрди яқин.
Меҳри фалак айлабон андин ҳарос,
Туфроқаро тутмиш эди ўзни пос.
Ой доғи андин қилибон ижтиноб,
Елмиш эди юзига мушкин саҳоб.
Аҳли жаҳон қўрқувсидин кўзларин,

Юммиш эди токи ёшургай ўзин.
Еки Нишотий чекибон тийри оҳ,
Захм била чархни қилди табоҳ,
Захми анинг борча намоён бўлуб,
Ҳар бири бир кавкаби рахшон бўлуб.
Эл кўзига бўлмиш эди жилвагар,
Қуббаи зар бирла нечукким сипар.
Балки чекар чогида ул дуди оҳ,
Қилмиш эди даҳрни андоқ сиёҳ.
Топмас эди ахтариб ўзни спехр,
Кўрмас эди анда йўлин моҳу меҳр.
Мунча кавокиб кўзи бирла қараб,
Топмас эди ҳар бирин истаб сўраб.
Чарх уза ҳар шаклки зоҳир бўлуб,
Баҳр юзи анга музоҳир бўлуб.
Мавжлиғ ул сув уза акси нужум,
Ўйла сўнар эрдики санги ружум.
Титрар эди жўшишидин меҳру моҳ,
Баҳр дема эрди балойи сиёҳ,
Еки тушуб ерни бу баҳри амиқ,
Гов ила моҳий бўлуб эрди ғариқ.
Ер тубидин анжуму афлок аён,
Бўлмиш эди ул суваро бегумон.
Хуллас анинг васфини имкони йўқ,
Баҳри балойи эди поёни йўқ.
Кўпроқ эди нажми фалакдин наҳанг,
Ҳар бирининг тўъмаси буржи паланг.
Суйи анинг тун киби эрди сиёҳ,
Тун қароси доғи эди дуди оҳ.
Барқ қадар кўрсатиб анда шитоб,
Тийри қазодек эди ҳар ён шиҳоб.
Қолди Назар бўйла балолараро,
Баҳри ано, кўҳи жафолараро.
Ҳаммаъ шаб эрди бу минвол ила,
Хавфу ҳарос ичра қотиг ҳол ила.
Ювмиш эди халқ жаҳондин илик,
Балки юб ул суваро жондин илик.
Тутмиш эди эзади яктоға юз,
Холиқи ғабро била дарёға юз.
Баҳри таҳайюрда гар эрди ғариқ,
Нолаи дил сўз ила эрди ҳариқ,
Жонида бор эрди таҳассур баса,
Зоҳир этиб ажзу тақассур баса.

Ифлар эди ўз қотиф аҳволига,
 Раҳму талаттуф этибон ҳолига.
 Салди анга партави нури яқин,
 Улки эрур ажз элига чун муъин.
 Меҳр қилиб баҳри фалакдин шино,
 Тутмоқ учун ғарқ эли дарёаро.
 Ташлағали қилди шуоин каманд,
 Чекти алар неки эди сувга банд.
 Сарсари осиф доғи бўлди сақим,
 Ер тубига кирди чу боди ақим.
 Баҳр юзидин учубон мурғи мавж,
 Дашти фано сори алар тутти авж,
 Кўрди Назар мавжга таскин эди,
 Шукр этибон тангри саносин деди.
 Шукр шаробиға кўнгила бўлса хум,
 Ваъдадур анга лаазиданнакум.
 Кимки анинг зотиға ҳомид эрур,
 Неъмат анга ваъда-у воҳид эрур.
 Қилди адо шукру саносин Назар,
 Боди мурод ўлди анга жилвагар.
 Бод неким киштиёи уммид эди,
 Ройиҳаи раҳмати жовид эди.
 Эсти риёҳи хуши тақдир анга,
 Бўлди равон заврақи тадбир анга.
 Пардаи тавфиқ ўлубон бодбон,
 Соҳили мақсад сори бўлди равон.
 Кўз очибон юмғучи этмай сабот,
 Соҳили мақсуд уза топти нажот.
 Солими ҳиммат эди кўрди ўзин,
 Саждаи шукронаға қўйди юзин.
 Саждаи шукронани айлаб тамом,
 Уйқу намози сори қилди хиром.
 Уйди фароғат била ул хоксор,
 Жунбишиға бўлди мубаддал қарор
 Е раб этиб лутф иноят манга,
 Раҳм ила ёқ шамъи ҳидоят манга,
 То топибон зулмати ғамдин нажот,
 Англай ани қайдадур оби ҳаёт.
 Соқий, эзибсан майи тавфиқ бер,
 Лутф этибон косайи таҳқиқ бер.
 Нашъасидин коми дилу жон топай
 Зулматаро чашмаи ҳайвон топай.

Меҳр ҳумоюни давлати рӯзафзун ва толеъи маймун
 била тахти фалакда сукун қилғонида ва партави нури ҳидоят
 била дорус-саломат сорига раҳнамун бўлғонида Назарнинг
 Баҳри Ҳайратдин халос топиб, шаҳри Ҳидоятга етиб,
 шоҳи Ҳимматга ихтисос топғони ва ул назари волоғуҳарнинг
 шоҳи Ҳиммат оллида лавозими икром ва маросими аҳтиромни
 баржо келтуруб, мукримат даҳонин очиб, юз каррат дуойи
 давлати рӯз афзунин ва санойи рифъатбахти маймуни
 тамом қилғони; ҳиммати соҳибшавкат мулофат ва муофат
 юзидин Назарнинг ному нишонин ва аслу маконин сўргони.
 Назар «хайрул-каломи лаҳу фатҳулмаром»¹ мазмуни била
 оби ҳаёт сўзин анга соф айтғони; шоҳ ул чашманинг
 вужудин айтиб, аммо ҳусули душворлигин ва вусули
 беҳанжорлигин деб, ул манозилнинг дарбанди уқботи
 номаҳдуд, ул мароҳилнинг муҳолиф нукаботи ғайри
 мамдудлигин исбот этиб, Рақиб хунхори мардумозордин
 анга таҳдид берғони ва Назар «Файиний мутаваккилу
 н алаал-ҳокимил-лазий лайса ало ҳукмиҳи мазийд,
 яфъалуллоҳу мо яшоу ва яҳкуму мо юрийд»² фаҳвоси
 била «ло ядфаъу қазоу ҳултаҳзиру ва ло яриду тақдира,
 — ҳут тадбир»³ иттикоси била андишаи хасми ғаюрдин
 ва аҳтироз калб уқурдин этмайин, Шоҳи Ҳимматдин
 Қомати пуршавкатга нома олиб ва гавҳари донишни оғзиға
 солиб, ҳиммат қадами била Водийи Меҳнатга юз қўюб:
 «бисмиллоҳид — далил ул ҳодий физиулу-матил биҳори вал
 баводий»⁴ деб ул хуттаға юз қўйғонининг хатти устувоси.

Эй хуш ул уйжуки ётиб шоми ғам,
 Бўлса ниҳоят анга бир субҳи дам.
 Субҳи тажаллий солиб анвор анга,
 Қилса хабар ёридин Изҳор анга.
 Ёри соридин анга етса навид,
 Ёруса бечораға чашми умид.
 Уйла хабардин бўлубон баҳравар,
 Етса анинг шомига файзи саҳар.
 Улки етар соҳили дарёаро,

¹ Унга яхши гаплар айтиш мақсадни очиш демакдир.

² Агар менга у ҳукмида йўқ нарсаси бўлмаган ҳокимдан вакил бўлиб келган бўлса, оллоҳ мени хоҳлаганини қилади ва ниманки хоҳлаган ҳукмини қилади.

³ Пешонасига битилган қўрқоқликни дафъ этиб бўлмайди ва қидирмайди, унинг тақдирининг тадбирин...

⁴ Зулмат денгизи ва саҳросида йўл кўрсатувчи далил оллоҳ исми билан.

Яъни қалам бирла қилур можаро.
 Етти Назар анда фароғатаро,
 Такяи ғам бистари кулфатаро.
 Кун била тун билмас эди ўзни ҳам,
 Бўлмиш эди масти шароби ситам.
 Чашми кавокиб анга ҳайрон эди,
 Субҳ доғи ҳолиға гирён эди.
 Кавлагали чархи ситамгар кўзин,
 Уйқудин очти шаҳи ховар кўзин.
 Қасри жаҳонни қилибон кўҳи Тур,
 Олам элин айлади сармасти нур.
 Равшан ўлуб партавидин баҳру бар,
 Етти жаҳон шомифа файзи саҳар.
 Кимки бўлур анга мураббий худо,
 Олам эли бўлғусидур раҳнамо.
 Нажми ҳидоят анга бошлар сабил,
 Меҳр доғи бўлғуси анга далил.
 Меҳри иноят бўлубон дастгир,
 Турди яна уйқусидин ул фақир.
 Бош кўтариб яъники ул дам Назар,
 Кўрдикки ул қалъа эди жилвагар,
 Васфин этиб эрди анинг Нохидо,
 Деганича бор эди ул хушнамо.
 Вусъат анга қасри таманно киби,
 Рифъат анга жаннати улё киби.
 Саҳни анинг саҳни муҳаммад эди;
 Ҳусни анинг ҳусни мушайяд эди.
 Билди ани шаҳри Ҳидоят эрур,
 Ҳиммат анга шоҳи вилоят эрур.
 Қўйди қадам мулки Ҳидоят сори,
 Балки ўшул қасри саломат сори.
 Шаҳр саводиға чу бўлди яқин,
 Кўрдикки бор эрди чу хулди барин,
 Ҳар тарафи бор эди оби равон,
 Балки эди наҳри жинондин нишон.
 Йўқ эди ул шаҳраро бир сойили,
 Чунки эди борчаси Ҳиммат эли.
 Балки ул эл сойили сойил эди,
 Сойил эли топғоли мойил эди.
 Сўрди бирор кимсадин ул нотавон,
 Шоҳ ҳариму ҳарамидин нишон.
 Бергач анинг мухбири андин хабар,
 Садра-у улё сори борди Назар.

Арзини деб ичкарига бир киши —
Килди равон арз эди анинг иши.
Кирголи рухсат берибон шаҳриёр,
Рухсат олиб чиқди чу солор бор,
Шаҳ соридин бўлғоч ижозат анга,
Кирмоқ учун бўлди иродат анга.
Қўйди қадам ичкари ваҳшат била,
Яъни ҳарам саҳнига ҳурмат била.
Кирди ўшул қасраро бешакку райб,
Пок кўнгул ичра чу илҳоми ғайб,
Кўрдикӣ ўлтирмиш эди шаҳриёр,
Садра киби * тахт уза иқболвор
Хусни жамол ичра чу бадр уд-дужо
Нури камол ичра чу шамсуз-зуҳо.
Бўлғоли гулзори бақо сабзу шод,
Берган эмас ўхшаш анга гулни ёд.
Гулшани давлатаро зебо ниҳол,
Эрди доғи тоза-у тар баркамол.
Шавкатаро ўйла забардаст эди.
Арши муалло кўзига паст эди.
Кўрди Назар мунча улуғ шавкатин,
Сажда қилурға ҳам этиб қоматин,
Упти замин оллида таъзим ила,
Кўнгли тўлуб ваҳм ила-у бийм ила.
Қўйди юзин ерга замони баъид,
Сўнгра кўтарди бошини ул саъид.
Қўл кўтариб деди дуосин анинг,
Билганича мадҳу саносин анинг.
Шаҳ доғи кўргоч анинг одобини,
Очти анга марҳамат абвобини.
Дедикӣ:— Эй тойири қудсий нишон,
Де мангаким қайда санга ошён.
Деди Назар:— Эй шаҳи волоғуҳар,
Шаҳри Бадахшон манга эди мақар.
Махзан эди лаъли Бадахшон манга,
Беҳад эди дурр ила маржон манга.
Шаҳға қою маҳзан агар бўлса бор
Айлар эдим ман ани элга нисор.
Баҳри карам устида доғи амир,
Эрдиму ҳам шаҳға вазири кабир.
Қайси шаҳ ул шоҳи муалло мақом,
Арши бариндур анга тахту куном.
Пурдилу пурзаҳра жавонмарду род.

Дерлар анинг отини шоҳи Фуод
 Ул эшитиб чашмаи ҳайвон сўзин,
 Айламиш ошифта-у шайдо ўзин.
 Уйлаки андин ўтубон моҳу сол,
 Тун била кун фарқини билмак маҳол.
 Шоҳни кўруб оҳ ила афғонаро,
 Солдим ўзим меҳнати давронаро.
 Шояд анинг мақсадин бир нишон,
 Топсаму қилсам ани ман шодмон.
 Тузи ҳақин айласам анинг адо,
 Кўнглумаро ушбу эрур муддао.
 Мундин ўлуб шому саҳар беқарор,
 Сарсари офат киби ошифавор.
 Баҳр ила барни қарамоқдур ишим,
 Мундоқ ўтар сайр ила ёзу қишим.
 Ҳар кишидин истабон андин жавоб,
 Топмадим аники ул ўлғай савоб.
 Ҳар кишидин ўзгача таъбир эрур,
 Борчаси тақририга тағйир эрур.
 Билмон анинг қайсисини чин дегай,
 Йўқса хато қайсиға отин дегай.
 Баҳри таҳайюраро борман гарик,
 Жоним эрур ҳасрат ўтига ҳарик.
 Ҳар неки арзим эди қилдим тамом,
 Самъинга, эй шоҳи ҳумоюн низом.
 Шаҳ эшитиб сўзин анинг сар-басар,
 Дедики:— Эй ёри муборак сафар!
 Мақсадинга, билки, бўлубсан яқин,
 Зоди таваккул санга бўлса қарин.
 Анчики сан элдин эшиттинг хабар,
 Онгла, эрур саҳв бори сар-басар.
 Ҳар кишига таъбичадур борча ком,
 Бирдек эмас оламаро субҳу шом.
 Ул бириси нузаро ондоқки тўр,
 Бу бириси зулматаро бешуур.
 Ондин ўлуб борча жаҳон шодмоч.
 Мундин эрур ранжаро ҳар нотавон.
 Ҳар кишидин ком муяссар эмас.
 Ҳар қаро тош гавҳари афсар эмас.
 Пашшаға йўқ қуввати бозуйи пил,
 Наҳрға йўқ жўшиши дарёи Нил.
 Мўр қачон бўлғусидур аждаҳо.
 Меҳри мунир ўлмади ҳаргиз саҳо.

Мандин эшит оники таҳқиқ эрур,
Чашмаи ҳайвон сӯзи тасдиқ эрур.
Лекин онинг бўлди ҳусули маҳол,
Жой анга таъйину вусули маҳол,
Толиб анга ўзлукин этмай адам,
Дашти талаб сорига қўймас қадам.
Чашмаи чашмингда гар ўлса вужуд,
Бермас ўшул чашма санга қатра суд.
Кимки ватан қилмаса байтулҳазан,
Бермагуси Юсуф иси пираҳан,
Кирмаса гар меҳр қаро ераро,
Топмас өди партави субҳи сафо.
Даври фалак ойни гар этмас ҳилол,
Топмагуси меҳрға ул иттисол.
Кўрмаса гар сойқан меҳр жон,
Боғ элига бермас эди меҳр жон.
Гунчаки тонг отғуча хуни жигар,—
Ютти, қилур шод ани файзи саҳар.
Чашми фалак бўлмаса кавкабфишон,
Нур анга бўлмас эди меҳри жаҳон,
Кимгаки йўқ шоми фироқ ичра ранж,
Субҳ висол ўлмагуси ганж санж.
Майға оёқ бўлмаса эрди мақар,
Бўлмас эди нашъа анга тожи сар.
Сан доғи гар чекмос эсанг дарду ранж,
Бўлмагуси санга муяссар бу ганж.
Энди ўшул таъмия исмин дегай,
Балки ниҳон ганж тилисмин дегай.
Жониби машриқда эрур бир диёр,
Андин эрур қасри жинон шармсор.
Оти анинг эларо Ховар эрур,
Мулки жаҳон бошиға афсар эрур.
Тахти эрур андаки гардунпаноҳ,
Волий эрур анга бир анжумсипоҳ.
Оти анинг Ишқи жаҳонсӯз эрур,
Толеби мансур ўзи феруз эрур.
Борча жаҳон аҳлигадур ҳукмрон,
Бандаи фармони эрур инсу жон.
Деву парий амридин этмас убур,
Банда эрур анга вуҳушу туюр.
Оламаро тоғки эрур борча тош
Бийми била чашмаи чашмида ёш.
Гаҳ қилур ул тош ичидин ўт аён,

Гоҳ қилур чашмалар андин равон.
 Ут била сув даҳрароким фош эрур,
 Иккисининг маъдани бир тош эрур.
 Маскан этиб иккиси бир лолазор,
 Тоғаро бўлмиштур иков ёри ғор.
 Бир-бирига гарчики бордур инод,
 Ҳукм била топмиш алар иттиҳод.
 Андин эрур ғунча ичи тўла қон,
 Булбул иши нола-у оҳу фиғон.
 Андин эрур шому саҳар меҳру моҳ.
 Дашти фалак саҳнин этиб жилвагоҳ.
 Машриқу мағриб сори айлаб шитоб,
 Топмас алар бир даме ороми хоб.
 Бўлди убудият анга бир иши,
 Ҳукми била етти фалак жунбиши.
 Мулки жаҳон ичра эрур қаҳрамон,
 Деву парийға доғи ул ҳукмрон.
 Мунча била олами адвор эрур,
 Шўху бадоеъ анга ашкбор эрур.
 Ҳар не десанг бўлғуси мидҳат анго,
 Ҳар на раво демак анга жуз худо.
 Зоҳир анга зулм ила бедод эрур,
 Ботин анга адл била дод эрур.
 Гар етирур жавр ила офотини,
 Лутф қилур сўнгра мукофотини
 Бордур анинг бир қизи исматпаноҳ,
 Исмату ифғат элига шоҳу моҳ.
 Бўлса юзи меҳриға бурқаб кушой,
 Меҳр қаро бўлғусидур тийра ой.
 Юсуф агар чоҳи занахдонига,
 Тушса ёвушмас яна Канъонига.
 Кўрса агар руҳи равон қоматин.
 Дегусидур жону жаҳон қоматин.
 Ҳар сори зулфи уза чини шикан,
 Чину Хито аҳлиға ҳар бир ватан.
 Кўзлар анга хастадуру нотавон,
 Ичмас ўшул хасталари ғайри қон.
 Кўрса малак шаъшааи ғабгабин,
 Нуру сафода оча билмас лабин.
 Наргиси махмурин агар ҳури айн,
 Кўрса қилур жаннати пуршўру шайн.
 Бошдин оёқ борча фусуну фиреб,
 Банда анга зийнату анвоъи зеб.

Тўшаи абрусини кўрса ҳилол,
Қуа бўлур иймосиға андоқ Билол.
Сонди қилса яди байзо аён,
Билки бўлур меҳри саҳодек ниҳон.
Белми анинг англа чу тори хаёл,
Қайси хаёлики ул ўлғай маҳол.
Кимки кўрар кўрмагуси яна ҳуш,
Ою қуёшдур анга халқа бағўш.
Ҳар на жаҳон ичра эрур хўблиқ,
Оламаро ҳар наки маҳбублиқ.
Борча анинг шаънида бешакку райб,
Ул қуёшнинг ҳусниға йўқ зарра айб,
Ҳусну одоб ичра фариди замон,
Нозу адо бирла ваҳиди замон.
Чиқса агар пардаи мастуридин,
Олам ўлур ломеъ анинг нуридин.
Оти анинг Ҳусн. парирўй эрур,
Ғолияваш мўйи суман бўй эрур.
Отаси ул шоҳи муалло жаноб,
Қилмоқ учун моҳваши комёб.
Боғи Эрамдек анга боғи солиб,
Балки Эрам кўнглига доғи солиб.
Қўймиш ани боғаро ул моҳу сол,
Эсмас анинг сорига қоттиғ шамол.
Боғи оти Гулшани Рухсор эрур,
Шаҳри оти Мазҳари дийдор эрур.
Ҳамроҳ эрур бир неча ҳамзод анга,
Банда эрур борча паризод анга.
Сафватаро лўълўи маржон киби.
Жисми латиф ичра чучук жон киби,
Ҳар бириси бирла бўлуб инсу жон,
Кўрган эмас бирин анинг инсу жон.
Борчалари ахтари рахшандаи,
Балки эрур меҳри дурахшандаи.
Мунлар ила айшдур онинг иши,
Мундоқ ўтар айш ила ёзу қиши.
Чашмаи маъдум эрур ул боғаро,
Топмай ани лола эрур доғаро.
Ўзлигини қилмаса кимса адам,
Топмас улуш чашма суйин балки нам.
Кимки қилур даҳраро нобуд ўзин,
Кўргай ўшул чашмани очғач кўзин
Оти анинг Чашмаи фамдур яқин,

Чашма дема де ани лаъли нигин.
Қанду асал, шаҳду шакардин алазз,
Лаззат анга барча самардин алазз.
Бил, ул эрур Чашмаи ҳайвон деган.
Балки жаҳон жисмиаро жон деган.
Зубдаи олам, деди ашё бори,
Сувдин эрур зиндаи аҳё бори.
Ул сув эрур бандадур анга набот,
Андин эрур олам элига ҳаёт.
Бўлди чу ул об равондин нишон,
Мундин ани эл деди оби равон.
Даври анинг фарши хуш ойин эрур,
Лаъл ила, ёқут ила тазйин эрур.
Очилибон гунчаи аҳмар анга,
Шабнам эрур жавфида гавҳар анга.
Ғолияваш сабзасидин урма дам,
Йўқ нимани ёзмади ҳаргиз қалам.
Ғарчи анинг манбаъи кўздин ниҳон,
Оби тароват анга бордур аён.
Гулшани жаннатаро чун салсабил,
Андин ичар боғ эли беқолу қийл.
Хуш лабу хушфарш эруру хушниҳод,
Ҳар на десам васфини андин зиёд.
Анда муқарраблар ичарлар мудом,
Ҳожат эмас анлара тавдиъи жом.
Ичмагидин йўқ турур асло судоъ,
Нашъасидин лек этарлар симоъ,
Неча Сикандар кезибон баҳру бар,
Топғон эмас бириси андин асар.
Бўлғай анинг топмоғи лофу газоф,
Чунки макон боғиғадур кўҳи Қоф.
Етмагусидур анга пайки хаёл,
Аҳли хирад етмоки бордур маҳол.
Бормоқидин кимсага йўқтур умид.
Зулматаро йўлдур анга нопадид.
Ул йўларо тўптўла хавфу хатар,
Бордур эрур бир-биринин юз батар.
Азмиға бел боғлабон этсанг хиром,
Айлагосен уйқуни ўзга ҳаром.
Раҳзан эрур бир неча ҳасми ғажур,
Ҳар бириси ўйлаки калби ақур.
Манзил анга тоғ эруру, чўл эрур,
Занги эрур, дев эруру ғўл эрур.

Борчаси шер афкану ҳам пил эър,
Мўр қачон айлагай андин убур.
Таъмаи дилкашларидур мўру мор,
Зоғу зағандек бори мурдорхор.
Ҳар бирисидин келадир қон иси,
Борса киши топмағуси жон иси.
Қўҳ эрур жумла манозил анга,
Уқба эрур борча мароҳил анга.
Бу боридин, билки, эрур ул фузун,
Бор дурур ул йўл уза ул деви дун.
Мувзи-ю бемарҳамату тундхўй,
Габри мукаддар эруру туршрўй.
Шакли анинг ҳар на ямондин ямон,
Кўргач ани инига киргай йилон.
Чиқмағай ул макр ила афсун ила,
Дебки йўлуқмай яна бу дун ила.
Дун дема, фитораи малъун эрур,
Пеша анга макр ила афсун эрур.
Хирс киби суврат анга ошкор,
Хирси анинг зарга эрур бешумор.
Ҳар кишининг бор эса сийму зари,
Бўлғуси то олғуча ул чокари.
Чунки олур сийму зар андин тамом,
Ўзини ҳам егуси қуймай ҳаром.
Шаклидин олам бори безор эрур,
Маскан анга Қалъаи Сагсор эрур.
Ул сак эрур ҳокими дарбанди васл,
Ҳар кишига андин эрур банди васл.
Кўргали йўқ кимсага сабру шакиб,
Даҳр эли дерлар ани деви Рақиб.
Барқ киби икки кўзидур ёруқ,
Барф киби юз анга песу совуқ.
Талъат анга туклос эрур чун кўпак,
Анкарал-асвот эрур ул чун эшак.
Ҳодийи раҳмат бўлубон раҳнамо,
Сақласун андин сани лутфи худо,
Андин ўтуб айласанг ул ён гузор,
Боғи эрур йўлунг уза ошкор.
Ваҳ қаю боғики Эрамдин мисол,
Мамлу ўшул боғаро заррин ниҳол,
Борча хийбониаро сарву ноз,
Тўбийи жаннатдек эрур сарфароз.
Ёзу қиши анлар эрур сабзу шод,

Билгил ани боғи жинондин зиёд.
Очилибон гул била гулзор анга,
Ширу асалдин оқар анҳор анга.
Обу ҳавоси бори дилкаш эрур,
Шарбати роҳи доғи беғаш эрур.
Сарв ила шамшод бори муътадил,
Бехуд ўлуру кўрса ани жондил.
Йўқтур анга боди хазондин зиён,
Тангри ани сақламиш андин амон
Бир кишидур соҳибу молик анга,
Банда эрур жумла мамолик анга.
Оти анинг Қомати сардор эрур,
Ҳусн парийрўға аламдор эрур.
Соя анга сарв жинондин баланд,
Поя анга ваҳму гумондин баланд.
Бор дурур ул шоҳи муалло гуҳар,
Тожи мурассаъ била заррин камар.
Хилъат анга хуллаи дебо эрур,
Кисват анга атласи хоро эрур.
Борғаҳи хирмани гулдин нишон,
Тахти адолатда сўзи дурфишон.
Рост ўзидек бори гўфтор анга,
Тўғри сўзидек бори кирдор анга.
Таъби анинг муътадилу мустақим.
Маъмани ул равзаи нозу наъим.
Жилва деган бордурур айёр анга,
Кеча-у кундуз эрур ул ёр анга,
Ҳийла била боғласа белга камар,
Шому саҳар қилғуси андин ҳазар.
Шоминг ўғурлар қаро бўлган кўзин,
Субҳинг олур оғзидин оқ саққизин.
Ҳуш рабояндадуру чорагар,
Макру ҳиял бошдин оёқ сар-басар.
Соғ ўлубон айласанг андин мурур,
Кўргосен ониқи эрур саҳни нур.
Гулшан эрур сина-у дилбар киби,
Ғунчалари қадр ила гавҳар киби,
Гулшанида суйи асалдин нишон,
Ғунчалари ичра ниҳон шери жон.
Ул тарафи гулшани рухсор эрур,
Чашмаи фам анда намудор эрур.
Ҳусн агар берса ижозат санга,
Киргали ул боғаро рухсат санга,

Киргосен ул гулшанаро шодмон,
Кўрмагосен зарраи ғамдин нишон.
Мақсадинг ҳосил бўлубон ҳар нафас,
Топгосен ўз матлабинга дастрас.
Шоҳинга ҳам элтибон андин хабар
Бўлгосен эъзоз ила чун тожи сар.
Кўз уйида қилғуси маскан санга,
Мардумаки чашмида маъман санга.
Буки дедим роҳ ангадур пурхатар,
Этма ҳарос андину қилма ҳазар.
Кимки тушар давлати фар сояси,
Бўлғусидур улвий анинг пояси.
Санки бизинг дарғаҳимизни мақом —
Айладинг, эмди сангадур иш тамом.
Деву паридин йўларо, ногаҳон,
Еткудек ўлса санга захму зиён.
Бўлсанг алар илкида зору забун,
Бўлмаса бир кимса санга раҳнамун,
Бизда эрур турфа мусаффо гуҳар.
Қиматиға етмагуси сийму зар.
Оти анинг Гавҳари дониш эрур,
Қадраро чун гавҳари беш эрур.
Хосияти онинг ададдин фузун,
Шарҳи анинг бордурур ҳаддин фузун.
Бўлса ўшул гавҳара коминг макон,
Турфатул-айн ичра бўлурсан ниҳон.
Дев, шаётин сени кўрмас бўлур,
Ит дурур ул кўрмаса ҳурмас бўлур.
Бўйла талаттуф этиб ул шаҳриёр,
Киссасидин бир гуҳари шоҳвор —
Олди, доғи айлади таслим анга,
Ул олибон айлади таъзим анга.
Деди яна ул шаҳи соҳибкарам:
— Қомат эрур бизга қариндош ҳам.
Езғум анга ажз билан номае,
Номааро айлагум ҳангомае.
Бўйла дебон ёзди китобат анга,
Хайр сори эрди далолат анга.
Они доғи шоҳи мусофирнавоз,
Берди мусофирға қилиб сарфароз.
Деди:— Муни ол доғи қўйғил қадам,
Хизмати Қоматда қилиб қадни ҳам,
Сўнғил анга номани иззат била,

Ул ўқуғоч олғасен ҳурмат била.
 Биздин анга еткурубон кўб салом,
 Дегосен ул ерда дуруду паём.
 Ул на деса бўлғосан анинг била,
 Тутғосен амрин дилу жонинг била,
 Қўшғуси ёнингга санинг раҳнамо,
 Бўлғусидур ул санга нури худо,
 Бўйла васиятни қилиб шаҳ тамом,
 Деди қариндошига ҳам кўб салом.
 Шаҳ сўзининг бошдин оёқин Назар
 Қўрди-ю фаҳм этти борин сар-басар.
 Фотиҳа ҳосил этибон шоҳдин,
 Чиқти ўшул қаср ила хиргоҳдин.
 Дашти балога яна қўйди қадам,
 Қут эди қонлиғ ёш анга дам-бадам.
 Ё раб, ўлуб ҳодийи роҳи яқин,
 Гавҳари донишни манга қил қарин.
 Партавидин равшан ўлуб коинот,
 Зулмати ғамдин манга берсун нажот.
 Соқий, олиб кел манга жоми сафо,
 То топайин аҳли жаҳондин раҳо.
 Олам элининг бори васвос эрур,
 Дев эруру ғул ила наснос эрур.

Меҳри кимёгар тирозушиор бўлуб, зийнати анвор била
 қуллаи кўҳсорни, балки ҳар дору диёрни ва ҳисни ҳисор-
 ни муталло қилғонида ва олам тийра шомин осори наҳор би-
 ла мужалло этконида, балки офтоб буржи асаддин ва хонаи
 кибру ҳасаддин нозир бўлуб, зуҳали нуҳсатда ва Миррих
 сиёсатда ҳозир бўлғонида, яъни хазон айёмида Назарнинг
 боди сарсардек йўл юруб, совуқ юзлик тойифаларга гириф-
 тор бўлғони; алардин гавҳари дониш била нажот топиб, ди-
 ёри куффор ва дарбанди сагсорға бориб, ул дилафгорнинг
 рақиби, сардафтари фужжорға гирифтор бўлуб, зору ни-
 зор бўлғони; ондин ўзин бир ҳақими зу-фунуни юноний ва
 бир алими раҳнамунни раббоний фатҳи тилсимотда беназир-
 ва тарҳи филиззотда соҳиби тадбир ва хикмати риёзийда
 фарид ва илми табиъийда ваҳид ихрожи дафойинда бебадал
 ва изҳори хазойинда зарбул-масал сифат, кимёда моҳир ва
 кашфи замойирда нодирман, деб ўзин ул калби кофирдин
 қутқорғони. Агар зарри комили айёр керак бўлса, сафари
 шаҳри дийдор ва азми гулшани рухсор этмоқ керак. Чун

кимёнинг адвия ажиби ва муфрадоти таркиби ул мурғзор-
да ҳосил бўлур дегани; бу тилсими аъзам беҳажри мукар-
рам ва тасбиғи зари бекибрита аҳмар бўлмас,— деб ул қал-
би кабирни Назар асири жийфа била алдаб, изига эгар
тергонининг роҳу равиши:

Золи фалак бўлди тироzi шиор,
Қилди баробар тунни кунга ёр
Олтуни хуршид била сийми моҳ,
Келди баробар анга беиштибоҳ.
Дема барқбардур анга сийму зар,
Тенг дурур оллида анинг хайру шар.
Бўлди мусовий анга бешакку зан,
Санги сияҳ бирла суҳайли яман.
Лаъл била вазнда тенгдир хазаф
Дур биладур оллида бирдек садаф.
Гул била гил иккиси ҳам санг анга,
Бўйла эрур донишу фарҳанг анга.
Яъни ўлуб оламаро тийра моҳ,
Кун доғи тундек бўлиб эрди сиёҳ.
Хуллаи аҳзарларини боғу роғ.
Қилди қуёш заъфари бирла бу боғ.
Хильвати фоқеъ била ҳар бир шажар —
Бор эди Мусоға непукким бақар.
Заъфар ўлуб эрди раёҳин тамом,
Асфар эди гулшан эли хосу ом.
Бўтаи ҳикматда қадар заргарий,
Зар қилиб эрди бори нилуфарий,
Ёки топиб аҳли жаҳон кимё,
Зар қилиб эрди неки бор муддао.
Эсса чаман сорига боди хазон
Барглари бор эди ганжи равон.
Балки ўшул елга қилиб зар нисор,
Елга берур эрди алар баргу бор.
Ваҳ қою зар иллоти сафро эди.
Боғи жаҳон бошиға ғавго эди.
Балки эди даҳр эли оқу қаро,
Борча сориг, оғриқ ила мубтало,
Дийдаи наргис эди сафро мижоз,
Топмас эди ул рамадига илож.
Давлати даврий ўтуруб рўзгор,
Шиддати бардий қилиб эрди қитор,
Булбулу қумри учубон баргсон,

Зоғу зағанға әди маъво жаҳон.
Еки жаҳон бешасиға бирдин ўт —
Тушмиш әди тўш-тўшидин доғи ўт.
Енмиш әди ул ўт аро боғу роғ,
Дуд била булбул ўлуб әрди зоғ.
Тўти ўлуб кунжида хилватпараст,
Чуғз әлига ганж уза әрди нашаст.
Барги наво әлга бериб боғу роғ,
Барлари ўрнига әрди калоғ -
Булбулу қумрини этибдур асир,
Зоғ ғуробо әди фармонпазир.
Бид сориг баргин этардин фуруд,
Моҳийи зар бирла тўлуб әрди руд.
Е яра қон иллатиға баргу бор,
Сувдин этар әрди болиқни шикор,
Дай елидин шохи анори чаман,
Нор тилар әрдик қилғай ватан.
Барги разин зар тўкубон ганжвор,
Тутмиш әди ганж заминда қарор.
Бўйла авон ичра Назар пайквор
Айлаб әди роҳи сафар ихтиёр.
Меҳнатаро неча маҳал йўл юруб,
Гаҳ югуруб, гаҳ ўкуруб, ўлтуруб,
Борур әди заъф ила ул нотавон,
Реги равони ичида ногаҳон —
Тонфаи бўлди анга жилвагар,
Бор әди маймундек анга фарқи сар.
Пайкар аларға бор әди чун чинор,
Қўл бўлубон ҳар бириға бир минор.
Тўрт бўлуб боши уза кўзлари,
Вакваку гакґак әди ҳар сўзлари,
Дийдалари бор әди машъал киби,
Шуълаи жувволали манқал киби.
Таъма аларға бор әди заҳри мор,
Андин алар баҳраси лайлу наҳор.
Етмас әди онлара ақлу қиёс,
Ҳар бирини девға әрди ҳарос.
Кўрди алар дашт уза бир фақир,
Бориб ани айладилар дастгир.
Гарчи Назар анда ҳаросон әди,
Ўз қотиг аҳволиға гирён әди.
Узини уруб кўкка чекардин фиғон,
Қилди ул әл ани ўюнчи гумон.

Кўрдилар ани бори луъбатмисол,
 Лаҳву лааб этколи айлаб хаёл
 Жамъ ўлубон ул сурук авбош анга,
 Сирларини айладилар фош анга.
 Яъни дедилар:— Бир ўйин ошкор.
 Айлагил, эй одами беъътибор.
 Сўзларини билмас эди ул ғариб
 Қолмас эди кўнглида сабру шакиб
 Бу доғи гар қилса сўзин ошкор,
 Бўлмас эди онлара ҳам фаҳм ёр.
 Бир-бирининг сўзларидин мухтасар,
 Бўлмадилар айтушибон баҳравар.
 Устига бирдин қилиб онлар ҳужум,
 Етти анга ўйлаки санги ружум.
 Ҳар бириси мойил эди тушғали,
 Ўз қўшига элтибон ўйнатғали,
 Бўлди анинг устида андоқ талош.
 Дейки қиёмат қизиги бўлди фош.
 Оқибатул-амр қилиб иттифоқ,
 Деди ул эл:— Тошлағил эмди нифоқ,
 Ўйнатолиқ ўртада ани мудом,
 Кўрсун анинг ўйнамоғин хосу ом.
 Урта ера олди ани ул гуруҳ,
 Ҳар бириси эрди чу кўҳи шукуҳ.
 Ўйна, дебон берди алар кўб азоб,
 Ўйғламоқин ўйнамоқ айлаб ҳисоб.
 Ҳар сорига қилса тавалло Назар,
 Ул эл этиб боши уза шўру шар.
 Янгилабон борчаси анинг сўзин,
 Ўйна, дебон ўйнатур эрди кўзин.
 Турса агар кўнгли тасаллий била.
 Бири уруб бўйнига силлий била.
 Ўйғлатур эрди қилибон дилфигор,
 Чектурубон кўкка фигон зор-зор.
 Ул эл анинг савти била шод эди,
 Кулфат ила қайғудин озод эди.
 Лек Назар меҳнати ҳаддин фузун
 Кулфат анга эрди аддадин фузун.
 Бўйла қотиг ҳолатаро ул гуҳар,
 Хотирига келди анинг ҳам магар.
 Олди ани оғзига солди равон,
 Бўлди ул элнинг назаридин ниҳон.
 Кўрди Назар эмди тамошо эди,

Хар сори юзу кўку гавго эди.
Топмас эдилар ани истаб сўраб,
Кўрмас эдилар доғи ҳар ён қараб.
Бу йўқ ўлуб, онлар ўлуб гунгу лол,
Ўйлаки банг аҳлига яхши хаёл,
Кундуз ўлуб ўйла ниҳонким суҳо,
Кеча доғи эрди ниҳон заррасо.
Бўйла қилиб этти алардин гузар,
Юрмак эрур аҳли сафарга ҳунар.
Таййи манозил қилибон ул ғариб,
Марҳалае кўрди бағоят маҳиб.
Хавфу хатарлар эди андозасиз,
Қалъа эди девга дарвозасиз.
Дев ила дад анда эди беҳисоб,
Учмас эди устидин анинг уқоб.
Шеру паланг ўлуб алордин ҳарос,
Бешааро тутмиш эди ўзни пос.
Сувга қочиб бийм ила жанги наҳанг,
Этмас эди қурбида анинг даранг.
Солди Назар оғзига ул гавҳари,
Кўрмади ани яна деву пари.
Кўрмас эди гарчи муни деви дун,
Кўрмагидин бу валий эрди забун.
Бир-бирининг шакли забунин кўруб,
Йиғлар эди ваҳм ила ул оҳ уруб,
Ҳар бирининг суврати ҳойил эди,
Борчаси жон олғали мойил эди.
Баъзиси одамдек ўлуб жилвагар,
Лек ўлубон ит оёқу говсар.
Савт алара ит киби эрди мудом,
Ҳурмок эди пешалари субҳу шом.
Баъзисининг калласи эрди чу хум,
Хўкки бадан, пил оёқ, говсум.
Тоифаи эрди яна пилсар,
Каж даҳану эгри қадам, бадсияр.
Суврат анга бор эди андоқ гуроз,
Гови заминдек эди шохи дароз.
Бир бўлаки эрди анинг морсар,
Пилсуму говдаму ҳийлагар.
Чеҳра аларга, бор эди қиру қор,
Таъма, аларга ёр эди заҳри мор.
Анда яна фирқаи эрди яқин,
Хайъат аларга эди шери ғарин.

Боши анинг бор эди одаммисол,
Сўз чоғида лекин эди борча лол.
Топса алар ҳар на ҳалолу ҳаром,
Ютмоғуча қўймас эдилар тамом,
Бор эди ул қавм яна ҳам қариҳ,
Бўлмағай анларга жаҳонда шабиҳ,
Турмас эди ҳеч бири бир ҳол ила,
Мунқалиб эрди бори аҳвол ила.
Гаҳ эди эр онлару гоҳи арус,
Гаҳ эдилар мода-у гоҳи хўрус.
Қути аларнинг бор эди қалби савр,
Равс алара эрмиш эди у жаври давр.
Табъу мизож онлара говий эди,
Хўлу қуруғ борча мусовий эди.
Тоифаи бор эди доғи сариҳ,
Шакл алара эрди боридин қабих.
Гарчи алар суврати одам эди,
Борчаси маккора-у қад ҳам эди.
Эгри даҳан эрди, алар кўз қишиқ,
Йўқ эди ҳеч бирида нури ошиқ,
Даллаи мухтолаи офоқ эди,
Ҳар бириси ҳийла чоғи тоқ эди.
Кундин ўғирлар эдилар нурни,
Тундин олурлар эди дейжурни.
Бирисига йўқ эди уммид бийим,
Кайдлари бор эди усру азим.
Бўйла балоларга боқардин Назар.
Сув бўлуб эрди анга жону жигар.
Ҳавл этибон бор эди ул тез дав,
Кўрмас эди гарчи алардин биров.
Пеша анга заҳмату кулфат била,
Қатъ масофат эди суръат била.
Улки эрур ноладин ондоқки нол,
Бўйла қилур бу сўз уза қийлу қол.
Саҳниаро ҳусни эди устувор,
Ваъзи анинг ўйлаки нили ҳисор.
Токи анинг оллига бир сарҳади —
Келдики бор эрди балойи бади.
Дема ани сарҳад эди, жо эди,
Даҳр элига марғи муфожо эди.
Қалъа дема жойи ажал эрди ул,
Наҳс ила ҳам санги зуҳал эрди ул.
Балки оғир эрди-ю вазмин эди,

Қахт ила шиддат анга сангин эди.
Халқға билдурголи авзонини,
Чекти қазо ул ики мезонини.
Вазн чоғи бу қолибон хок уза,
Чиқти сабукликдин ул афлок уза.
Фарқи анинг ер била кўкдин узоқ —
Бўлса нетонг? Чун эди жойи фироқ.
Қалъа ери ҳам эди буржи асад,
Анда эди хонаи кибру ҳасад.
Устида Кайвон ўлубон посбон,
Хайли нуҳусатға эди ул макон.
Ул эл иши таън ила тавбих эди,
Шаҳнаи шаҳр онлара миррих эди.
Тахти сиёсатда биров подшоҳ —
Эрди анга ўйлаки деви сиёҳ.
Оти анинг эларо эрди Рақиб,
Бор эди ул дўзах ўтидин муҳиб.
Йўқ эди зотида хирад ё ҳуши,
Эрди сияҳ косаи меҳмон каши.
Қахт йилидек эди қадди дароз,
Хониаро нони эди ҳирсу оз,
Шакли гириҳ эрди чу зулму ситам,
Кўрмокидин эл ўлубон дам-бадам.
Келмас эди кўргали ани ажал,
Чунки ажалга эди андин ҳалал.
Хизматида бор эди бир паҳлавон,
Сурат анга ҳар на ямондин-ямон.
Оти анинг эларо Афёр эди,
Шаклидин изад доғи безор эди.
Кўрмокидин элнинг эди бағри хун,
Тангри ўзи эткой ани сар нигун.
Билди анинг суратидин ул ғариб.
Ушбу Ҳисор ўлғуси жойи Рақиб.
Оғзин очиб қолди анга дангу лол.
Тушди ўшул гавҳари фархунда фол,
Ким ани бермиш эди ҳиммат анга,
Бор эди ул дофиъи заҳмат анга.
Ташлади ул оғзидағи гавҳарин,
Урди фалак ерга қуёш афсарин.
Улди аён чарх ниҳон ахтари.
Ерда тилаб кўкда эди гавҳари.
Ҳар киши ким илгини давлат ўпар,
Кўкда неким истаса ердин топар.

Берса бу сўзининг агар акси нишон,
Кўкка эрур матлаб анга бегумон.
Кирди қуёш гавҳари бу хокаро,
Чиқти кавокиб дури афлокаро.
Қўл узатиб анга қўли етмади,
Ерни тушуб етмок анга битмади.
Кетмокидин топмади ўзга буроқ,
Эрди онга ер қотиғу кўк йироқ.
Чекти Нишотий киби бир ўтлуғ оқ,
Дуди била даҳрни қилди сиёҳ.
Борур эди ўт била ул дударо,
Ҳавл била роҳи ғам андударо.
Йўлин итурмай вали диққат била,
Йўл юрубон риққату фикрат била.
Етти ўшул ергаки дарбанд эди,
Борча жаҳон йўли анга банд эди.
Етмиш эди сақлаб ани неча дев,
Ҳар бирида бор эди юз макру рев.
Уйғонибон итдек алар уйқудин,
Бири изидин, бириси қаршудин.—
Тўш-тўшидин тутти алар беибо,
Ломи киби ўртага олди бало.
Зулф киби бўлди паришон Назар,
Шона масал урди, алар ништар.
Тутти ул эл илкин анинг боғлобон,
Сийнасини дард ўтига доғлабон.
Судрадилар шаҳ қошиға бегумон,
Токи на ҳукм айлагай ул ҳукмрон.
Ҳар на деса кўргузубон инқиёд,
Амри била бўлғай алар борча шод.
Бўйла таваққуълар этиб ул гуруҳ,
Чектилар ул зорни айлаб сутуҳ.
Андаки, ўлтурмиш эди деви дун,
Деви фалак олдида эрди забун.
Дедилар:— Эй шоҳи муалло табор,
Тушти бизинг илкимиза бир шикор.
Емака ул турфа муносиб эрур,
Сўрма сўзин ўғри-ю козиб эрур.
Деди рақиб:— Истамай андин жавоб,
Емокимиз бўлмағай андин савоб.
Иш биза чун адл била дод эрур,
Сўрмай ани емоки бедод эрур.
Бўйла дебон келтуруб ўз қошиға,

Ҳай деди ул бебошу авбошига.
Кўрди Назар ўлтуруб эрди рақиб,
Шакли анинг эрди бағоят муҳиб.
Ояти ҳаннос ўқубон дам-бадам,
Солур эди қўрқусидин ўзга дам.
Оллида ер ўпди замони дароз,
Лек таҳоратсиз эди ул намоз.
Чунки маҳал анда зарурат эди,
Манзили хавф эрди, кудурат эди.
Бор эди чун анда таяммум тамом,
Туфроға юз суртубон этти салом:
Умринг ўлуб қасри фалакдек бино,
Давлатинга лат уза бўлсун бақо.
Раҳм санга тангридин ўлсун нисор,
Лекин ўлуб нуқта била пойдор.
Бузмоқ ила отини айлаб қарийб,
Ҳар на паришон санга бўлсун насиб.
Изади қоҳир сани қорун қилиб,
Манзилатинг ераро афзун қилиб.
Боди бақодин сени этсун масун,
Ит тукидин давлатинг ўлсун фузун.
Терганида бўйла дуонинг гулин,
Шаҳ доғи саққолиға суртуб қўлин.
Баски дуоси бор эди дилпазир,
Кўнглида ул итнинг ўлуб жойгир.
Дедики:— Эй ёр ҳумоюннизом,
Зотинг эрур қайси ҳунарга мақом?
Деди Назар:— Борман анингдек фақир,
Ҳар фанаро табъим эрур беназир.
Илми нужум ҳикмати адвор ҳам,
Билгум эрур сеҳр ила ашъор ҳам.
Илми риёзию илоҳи манга,
Табъимаро борча камоҳи манга.
Фаҳмим ила фатҳи тилисмот ўлур,
Ақлим ила тарҳи филиззот ўлур.
Хоссадур ихрожи дафойин манга,
Саҳл эрур изҳор хавойин манга.
Бу бори бир сори доғи кимё,
Илми эрур кўнглимаро жо-бажо.
Бўлса тадовийси анинг сар-басар,
Айлагомен тоғу чўли сийму зар.
Лек керак анга гиёҳи ажаб,
Топмоғи анинг эрур асру тааб.

Гулшани рухсораро эрмиш аён,
 Чашмаиким тўла эмиш нўши жон.
 Бор эмиш ул чашманинг акнофида,
 Сабзаи дилкашлари атрофида.
 Асру латиф эрмишу беҳад зариф,
 Кимки анга борғали бўлса ҳариф.
 Сабзалариким эмиш ул хуш диёр,
 Гард эмиш устида чу хатти ғубор.
 Ҳар кишиким кўргач анинг гардини,
 Ажз била қўйса рухи зардини.
 Саждасида бўлмаса хавфи фасод,
 Пок анга гар бўлса дилу эътиқод.
 Тарк этибон бир йўли ул маъмани,
 Ул ўқуса ояти «ё лайта»ни.
 Дам солибон қилса ани тўтиё,
 Ҳосил ўлур ул кишига кимё.
 Тоғ ила водий сори солса назар,
 Бўлғусидур борча анга сийму зар.
 Лек мани ожизу зору заъиф,
 Борғали ул ерга эмасман ҳариф.
 Чунки анинг йўлини кўрган эмон,
 Билмаганим кимсага билдим демон.
 Чунки сўзин англади анинг Рақиб,
 Кўнглиаро қолмади сабру шакиб.
 Зар сўзидин ул темур андоқки мум —
 Бўлди доғи, қўпти чу боди самум.
 Гарм бўлуб турди, кўрушди анга,
 Иссиғ-илиғ деди, сурушти анга.
 Жон уйида қилди ани меҳмон,
 Чунки анга бор эди зардин нишон.
 Деди:— Бу боб ичра ажойиб мисол,
 Яъники фаттоҳи-ю нозик хаёл.
 Ашъаси таммоёғга бир ёру гор —
 Дедики ким меҳрига сан дўстдор.
 Кўзларидин жорий этиб ашки хун,
 Деди:— Али шавқида борман забун
 Ул деди:— Эй ёри муборак сияр,
 Рутбасидин билдинг, олинг не хабар?
 Деди:— Тамаъ жонига солган малол,
 Рутбасидин қилма ани қийлу қол.
 Улки анинг оти эрур айни зар,
 Охирини яъни манга мухтасар.
 Мундин эрур орзуи жону дил,

Исми шарифи сорига муттасил.
 Ҳар кишида бор эса зардин асар,
 Даҳр элига бўлса нетонг тожи сар.
 Ё раб, ўлубман мани муфлис, ғариб,
 Айла карам нақди висоли ҳабиб.
 Ер ила агёра ўлуб, агёра ёр,
 Кетти қўлумдин бори ёру диёр.
 Соқий, олиб кел менга бир тўда жом,
 Яъни бериб қадинга зеби хиром.
 Бер аниким, нашъи май қилсун баланд,
 Васфи қадингдин бўлайин баҳраманд.

Бу гузориши гудозиш мисол ва бу сўзи сўз тимсол оф-
 тобнинг тутуқи уфуқдин чиқиб оламга тоб солғонида ва
 ҳарорат шиддати била чашмаи нўжумни беоб қилғонида
 Назарнинг Рақиби муҳиб била тайи манозили беоб ва
 қатъи мароҳили пуртоб этиб, шаҳри Ҳабиб сорига озим
 бўлғони, монанди сағу оҳу ва мисоли қулоғу тайҳу диёри
 Сагсордин Ҳисори Дийдорга жозим бўлғони; неча замон
 йўл юруб, макони Нахлистони Қомат сардорга этиб, вил-
 ли-мамдуд тахтида ишрати маъдуд кўргани; зеру боло
 юруб, ул равзаи дилкушони томоша қилиб, мурод нахлидин
 мақсуд мевасин тергани; ул мақоми садра қиёмда Қомат-
 нинг зиёфат этиб, аларнинг аҳволин истифсор эткони;
 Назар малоли ҳолин ва ният мофил — болин анга арз
 этиб, шоҳи Ҳимматнинг сипоришномасин анга топшурғо-
 ни, ул доғи «минал-матлаъи илал-мақтаъи»¹ мутолаа
 қилиб, Назарнинг масдуқан мақоли эрконига мутталиъ
 бўлғонининг матолеининг субҳи матлаъи:

Субҳи мушъабд сочиб оғзидин ўт,
 Солди жаҳон бешасиға бирдин ўт.
 Ёнди ҳарорати била кўҳсор,
 Кабки дари бўлди самандар шиор,
 Бўлди қуёш шўъласи баским баланд,
 Боқти кавокиблари андоқ сипанд.
 Мужмари ферузада кофури уд,
 Ёнди доғи кўкка сууд этти дуд.
 Меҳр ўтининг зарраси етган замон,
 Чарх тутошти анга гугирд сон.
 Баски фалак тосиға етти гудоз

¹ Чиқиш жойи (бошланиш)дан охиригача.

Куймокидин қилди малак аҳтироз.
Қолмади кўк тоқида тоқат нами,
Ёнди кавокибларидек шабнами.
Оташи хуршидаро айлаб макон,
Эрди самандар сифат аҳли жаҳон.
Субҳ дами сардини айлаб ҳавас,
Топмай анга эрди совуқ ҳар нафас.
Дейки қуёш ўтаро қақнус эди,
Куймокидин эларо афсус эди.
Ёки мажусий эди бу дарҳи дун,
Йўқса эди аждари соҳиб фусун.
Айлади оташкада дунё уйин,
Ёқти йиқиб чарҳи муалло уйин.
Оби равон ўрнига боди вазон,
Бўлмиш эди баҳр бўлуб гулфишон.
Ёки бўлуб эрди қиёмат дами,
Ҳашр элига оҳу надомат дами.
Келмиш эди эл боши узра қуёш,
Нори ҳароратни қилиб эрди фош.
Соя тилаб, меҳр ўзи изтироб —
Этмокидин бор эди жисмида тоб,
Соядин ашё бўлубон ноумид,
Йўқ эди жуз сояи арши мажид.
Яъни бўлуб эрди ҳавои тамуз,
Андин эди даҳраро бу созу сўз.
Бўйла ҳароратда Рақиб муҳиб
Деди Назарга қарабон: к-эй адиб!
Уйла тиларманки санга ҳамсафар,
Бўлсаму қилсам талаби сийму зар.
Яъни талаб қилмоқ учун кимё,
Айлагомиз гулшани рухсори жо
Ҳар неки ҳосил эса суду зиён,
Муштарак ўлсоқ анга яхши-ямон.
Ҳар на гияҳким анга бордур даво,
Десанг ани топғум эрур беибо.
Қилди бу сўзларни Назарга аён,
Деди анинг самъи қабулига жон.
Соҳиб сўз гарчики эрди забун,
Қавл анга мақсадга эди раҳнамун.
Шери худо дедики:— қилма назар,
Сўзчига, сўзга қара, эй покфар.
Дегучи ҳоли неча бўлса хароб,
Дема хато бор эса сўзи савоб,

Улки берур яхши-ямондин хабар,
Сафҳа уза бўйла ёзар хайру шар.
Иккиси бир қавлни айлаб қабул,
Истадилар роҳи ҳусули вусул.
Бўлди равон ит била оҳу киби,
Йўлга тушуб зор ила тайҳу киби.
Лекин эди ул икига иттифоқ,
Зоҳирида ўйлаки аҳли нифоқ,
Байти муаммо киби ул икки-ёр,
Уқдан дард ичда-у шод ошкор.
Бирга таманно эди иксиру зар,
Зар ўтидин сув эди жону жигар,
Бирга таваққуъ бўлубон лаъли ноб,
Оқизур эрди кўзи дурри хушоб.
Ҳар бирига ўзга мақосид эди,
Матлаби зид, ўзлари ҳам зид эди.
Лекин иков тутмиш эди бир тарийқ,
Гарчи бири ташна-у бири ғариқ.
Бўйла иков ёри мувофиқ эди,
Сўзлари бир-бирга мутобиқ эди.
То анга тегруки аларга аён,
Бўлди бирор равзаи боғи жинон.
Бошдин-оёқ дилкашу ҳам дилкушо.
Балки жинон эрди анга жабҳасо.
Борча хиёбонида нахли мурод,
Сабзу сарафроз эди шодобу шод.
Сарвлари сидрадек эрди тамом,
Борчасида руҳул-аминға мақом.
Тўбийи жаннатдек ўлуб ҳар шажар,
Ҳар бириси узра фаровон самар.
Ончаким ул боғи жинондин фузун,
Лаззат анга меваи жондин фузун.
Ҳар тарафи гул эди, азҳор эди,
Сажъи туюри бори ашъор эди
Сарв уза қумри бўлубон ҳушбаён,
Тўтийи хушгў эди шаккарфишон.
Нағмаи Довуди била беқусур,
Булбул ўқур эрди китоби забур.
Бор эди девори анинг сийми хом,
Саҳнаро фарши эди сийму рухом.
Мухтасар ул равзаи ризвонаро.
Кирди Назар ўйла алиф жонаро.
Жиндек ўлуб ёнида деви Рақиб.

Ҳар тарафидин анга эрди қарийб.
Ҳарфи Рақиб ўлди қарийб, эй хирад.
Англа йироқ бўлмоғуси бу санад.
Буйла кезарлар эди ул боғаро,
Ит била оҳуки нечук роғаро.
Анда доғи Қомати заррин камар,
Тахти мурассаъ уза андоқ гуҳар.
Ултурубон бир неча ҳамзод ила.
Базм тузуб сарв ила шамшод ила.
Айшу нишот ичра эди ногаҳон,
Бўлди намоён анга икки нишон.
Бири эди ожизу зору асир,
Ул бириси ўйлаки калби кабир.
Жилваким ул бор эди айёр анга,
Турса-у ўлтурса эди ёр анга.
Деди анга Қомати волоғуҳар,
Бор доғи кўр недур ул икки сувар.
Уғри эса бахтини айлаб нигун,
Айла равон кўзларидин ашки хун.
Йўқки ғариб ўлса этармиз карам,
Келтур аларни бу сори беалам.
Ҳимматимиз бор дурур ожиз навоз,
Чорасиз эл дардиғадур чорасоз.
Бўйла дегоч ул шаҳи волониҳод,
Жилваи соқий қилибон инқиёд.
Борди, олиб келди етурмай зиён,
Шаҳ қошиға ул иковин шул замон.
Иккиси қомат сори қилди намоз,
Бўлди ики саждасидин сарфароз.
Бош кўтариб ердин этар чоғ дуо,
Деди алар билгани чоғлиғ сано.
Билди яқин Қомати заррин камар,
Ҳокими Саксор эрур ул бадгуҳар.
Ҳайрат этиб ани дами дангу лол,
Кўнглиаро кечди бу янглиғ хаёл,
Дев ила одам икиси ҳамнишин —
Бўлмағуси, итга ҳам оҳу қарин.
Ваҳки ажаб, бу икиго иттиҳод,
Чунки эрур бири-бирига инод.
Бўйла тафаккурлар этиб сўрди шоҳ,
Арзини аввал деди деви сиёҳ.
Дедики:— Манда бор эди дои калб,
Ақлу хирадмандин эрур борча салб.

Кирди менинг илкима ушбу ҳаким —
Ким кўрадурсен менга ани надим.
Бўлса паришон ажаб эрмас Рақиб,
Ҳар қачон ит иккига бўлса қариб.
Ман дағи бу дард ила бежон эдим,
Топмай иложимни паришон эдим,
Деди бориб гулшани рухсораро,
Айлагомен дарди дилиннга даво.
Андин ўлуб бир-бира ёру рафиқ,
Бу сориға туттуқ икковлон тарийқ.
Шоҳ Назар сориға солди кўзин,
Ул доғи арз айлади ёлғон сўзин.
Дедики:— Эй шоҳи Сулаймонжаноб,
Умр ила давлатдин ўлуб комёб.
Боғи муродингаро шод ўлғосен,
Молики бўстони видод ўлғосен.
Самъи ҳумоюниға, эй шаҳриёр,
Ҳар неки өткурди сўзин ушбу ёр.
Бошдин-оёқ сўзи анинг чин эрур,
Дев элига чин демак ойин эрур.
Бўйла дегач шоҳи ҳумоюннизом,
Билдики ёлғон эрур ул сўз тамом.
Чунки эрур дев деган сарнигун,
Феъли киби қавли доғи вожгун.
Шоҳ Назар сўзининг унвонидин,—
Билдики, қўрқар ўзининг жонидин.
Токи хало бўлмаса сўзин демас,
Асл ила фаръин демас, ўзин демас.
Деди:— Чекой дев сори тез сайф,—
Едиға келди яна икром зайф
Чунки, деди, ҳодийи инсону жон,
Иззат этинг кофир эса меҳмон.
Бўйла таҳайюл этиб ул сарфароз,
Хон дедиким:— Келтурунгиз дилнавоз!
Келди бирор суфраи ботинфараҳ,
Қурсға юз ёрди қамардин низаҳ.
Кўргач алар хонаро нозу наъим,
Айладилар нўш ани бевахму бийм.
Бўлди ул эл таъма фароғи била,
Соқий ўзи келди аёғи била.
Сўнди алар сориға роҳи равон,
Мақсади руҳ ёрди-ю ул коми жон.
Ичмок ила бодаи айшу нишот,

Гулшани жаннатдек эди ул бисот.
 Жилваи соқий берибон элга май,
 Дам-бадаму лаб-балабу пай-бапай.
 Бўлди ул эл борчаси масти хароб,
 Қолди таҳайюрда кабобу шароб,
 Сархуш эди базм ила яхши-ямон,
 Нашъайи меҳмон эди ҳам мезбон.
 Деди:— Бу аснода Рақибиди марид,
 Оташи дўзах каби ҳал мин мазид.
 Оби шароб олмади шеринг ўтин,
 Балки фузун қилди чу шарнинг ўтин.
 Об-шароб устида шардур яқин,
 Истамасанг шар, анга бўлма қарин.
 Касрати май жавфида то қилди жўш,
 Бўлди фузун шар анга таълил хуш,
 Шўълаи жавволадек ул деви дун,
 Айламай орому қарору сукун.
 Солди ўшул базму тараб ичра ўт,
 Бешаро, ўйлаки сарсарлиғ ўт.
 Оқсум ўлуб ўйлаки бир телба ит,
 Деди:— Жаҳон ичра ўзумман йигит.
 Меҳрға гар қаҳр ила қилсам нигоҳ,
 Оташи қаҳрим била бўлғай сиёҳ.
 Савлатим ар кўрса палангу наҳанг,
 Тоғ ила дарёро қилмас даранг.
 Оламаро ҳар неки яхши-ямон,—
 Борчасига ҳукмим эрур қаҳрамон.
 Бўйла дебон ҳарза-у ҳазён қилиб,
 Бир неча сўз ўзига бўҳтон қилиб.
 Базм элини айлади хору дажам,
 Кўрди ўшул дунни шаҳи муҳтарам.
 Дедики:— Судраб чиқариб ташлангиз,
 Терисин онинг тош ила ошлангиз!
 Токи ўшул деви фалокатшиор,
 Бўлғай ўзи қилғонидин шармисор.
 Майли адабдин киши бийно бўлур,
 Хирс еса чўбни доно бўлур.
 Бўйла дегач ул шаҳи воломақом,
 Судраб анинг қилдилар ишин тамом.
 Қолди Назар шаҳ била хилватаро,
 Ваҳ қаю хилват, деки жаннатаро.
 Эй кя хуш ул базм бўлуб бахт ёр,
 Қовсалар ағери қилиб хор-зор.

Дилбар ила қолса анинг бедили,
Иккисининг бир бўлубон маҳфили.
Бўлса доғи кимса кирардин амон,
Эл кўзидин ҳам қулоғидин ниҳон,
Бедилу дилбар икиси сўзлашиб,
Деса сўзин бир-бирига мунглашиб.
Оҳ нетайким, манга бир муддао,
Бўлмади ўхшаш анга умримаро.
Толе-у иқбол ўлубон ёварим,
Ташламади наҳсиятин ахтарим.
Килки Нишотий чекиб ўтлуғ наво,
Бўйла бўлур базмаро дostonсаро.
Шоҳу Назарга қолиб айшу нишот,
Холий эди ғайрдин анда бисот.
Деди шаҳ:— Эй ёри фақиру ғариб,
Сўзинги де, эмдики кетти Рақиб.
Неки бошидин ўтуб эрди Назар,
Шаҳга деди борчасини мухтасар.
Йиғлабон ўтконни деди бошидин,
Берди анга руқъаи қардошидин.
Кўрди ўшул руқъани бошдин оёқ,
Яъни ўшул Қомати зебо нитоқ.
Деди талаттуфлар этиб бешумор:
Рози дили зорға сан пардадор.
Яъни Фуод ила чу шарти видод —
Зоҳир этиб, шартидин эттинг зиёд.
Фитратинга, ҳимматинга офарин,
Меҳнат ила хизматинга офарин!
Кимса жаҳон ичра санингдек жафо,
Чеккан эмас айлабон аҳду вафо.
Билгил, эрур мақсадинг эмди яқин,
Нийяти покингга туман офарин!
Бўйла дебон жилвага таслим ани —
Айлади ул соҳиби дейҳим ани.
Деди:— Муни йўлга солиб қил равон,
Манзили сори доғи бергил нишон.
Жилва анинг хуш кўрубон бормоғин,
Хўш деди кўзга сурубон бормоғин.
Ё раб, этиб лутфу иноятни ёр,
Нахли умидимга етар баргу бор.
Токи териб мевани боғи ҳаёт,
Сайр этайин амкинаи мумкинот.
Соқий, олиб кел қадаҳи пурсафо,

Дийдаи жонимга етурсун зиё!
Чарх муаллоки эрур тў-батў,
Анда кўрай неки эса мў-бамў.

Саропардан заломии мушкин ва шодравони спеҳри бариндин айни иноят, яъни офтоби пуршавкат маълум бўлиб, вужуди ҳужуми нужум, чун нуқтаи мавҳум сафҳаи афлокда маъдум бўлғонида ва сиёҳийи шоми мушкфом зулфи мусалсал киби паришон бўлуб, балки аждари печон киби тоғ камарида пинҳон бўлғонида жилваи соқийнинг Назари борик бийни бенифоқи Қомат вологуҳари заррин камар амри била Рақиби муҳибдин жудо қилиб, тарафи Гулшани Рухсор ва Шаҳри Дийдорға роҳий қилғони. Ул йўлда Назар пур сиймин камарға етиб, бир сиймин кўхи гарон камоҳий ва бир ганжи ниҳони шоҳий кўргони, ул камарнинг не эрконин хаёл этиб, ўз кўнгли била қийлу қолда эрконда Хусни Парийрухсорнинг Гийсу айёр деган таррориким, фарзанди Ҳиндустон ва Пардистон эрди, каманди тобдори била Назари тийрарўзгорни шикор эткони, Назарнинг агарчи атоси Туркистоний бўлса ҳам аноси Ҳиндустоний бўлғони учун ул Пардистон анга ошнолиғ қилиб, саҳни гулшани садри моҳи фалаки қадри анга сайр этдуруб, ул гулларнинг ҳайратида ани хор қилғони.

Уйқусидин очди кўзин деви шом,
Кўрди, мунаввар эди олам тамом.
Қочди кўруб нурни зулмат сиришт,
Қасри жаҳон бўлди чу боғи биҳишт.
Уйқусидин дийдасин очди Рақиб,
Қолмай анинг кўнглида сабру шикиб.
Боқти тажассус била ул бадгуҳар
Топмади аҳволи Назардин хабар.
Чунки Назар нури назардек ниҳон —
Кўрмиш эди, кўрмади андин нишон.
Бир кишидин сўрғоли доғи ҳарос —
Айлади шаҳ ваҳшатидин беқиёс.
Оқибатул-амр бўлуб ноумид,
Ёнди ўзи манзилиға ул палид.
Жилва Назарни олибон шодмон,
Манзили мақсад сори бўлди равон.
Токи Назар оллиға бир хушзамин —
Келдики, бор эрди чу хулди барин.
Ҳар сарида бор эди гул хирмани,

Анда таҳайюр эди булбул фани.
Хирмани гул анда бор эрди шигуфт,
Чунки эди гунча анга ношигуфт.
Пу́ст ўшул гунчага сиймин тамом,
Гулни ниҳон айламоқ ойин тамом
Мунча ниҳон қилмоқ ила ошкор,
Хирмани гул анда эди беканор.
Гунча била гулга бу эрди мисол,
Булбули ақл анда эди гунгу лол.
Жилваи соқийки эди хушвифоқ,
Эрди Назар бирла иков ҳамвасоқ,
Еткоч ўшул манзилу маъво сори,
Яъни ўшул жаннати улё сори.
Дедики, өй ёри муҳаббат матоъ,
Эмди санга қилғум эрур ман **видоъ**,
Ул тараф ўтмоклика рухсат манга —
Берган эмас шоҳи вилоят манга,
Сидра эрур маскани руҳул-амин,
Андин анинг ўтмоқи эрмас яқин.
Гарчи мураббий анга бўлса расул,
Ўтмок анга бўлмағусидур ҳусул.
Кимки бу йўл ичра муваҳҳид эмас,
Давлати васл анга мусонд эмас.
Бўйла дебои айлади анга дуо,
Дедики, мақсудинги берсун худо!
Соқиға падруд этиб ул дам Назар,
Етти бирор ергаки сиймин камар.
Бўлди аён ўйлаки тори хаёл,
Еткон эмас анга дури қийлу қол.
Этмиш экан кошифи сирри ниҳон,
Хур сочи торидин они нишон.
Лекин ўшул тор эди сиймин тамом,
Софу мусаффо доғи чун сийми хом.
Осмиш эди анга яна кўҳи сийм.
Лаъл ниҳон анда-у дурри ятим.
Хар на бўлуб кон била дарёаро,
Ул топилиб кўҳи муаллоаро.
Хайрат ила қолди Назар кўз очиб,
Қайтари мумкин йўқу бўлмас кечиб.
Ул сориға ўтмоки эрди хаёл,
Енмоқи ҳам эрди хаёли маҳол.
Бир йўл эди ўйлаки фикри дақиқ,
Баҳри тафаккурга ул эрди ғарик,

Улки эрур ҳайрағ элига далил,
 Билди анинг арзини беқолу қийл.
 Лугф этибон раҳмати жовид анга,
 Берди ажаб риштаи уммид анга.
 Ҳар кишига бўлса мураббий худо,
 Бўлғусидур раҳзан анга раҳнамо.
 Зулфи сухан улки қилур мушкбў,
 Бўйла безар голиясин мў-бамў.
 Бир киши ул ғўшааро бор эди,
 Ҳусни жаҳон, сўзга айёр эди.
 Асл насабда эди ҳинду нажд,
 Ҳусни ҳисобда доғи жоду ниҳод.
 Ҳикмати сеҳр ичра бор эрди расо,
 Гоҳ йилон эрди, гаҳи аждаҳо.
 Эрди каманд афкану ҳам шергир,
 Шери фалак анга бор эрди асир.
 Қайси тараф қилса камандин раҳо,
 Қилмас эди бир сари мўйи хато.
 Чин кийиги сорига отса каманд,
 Чину Хито аҳли бўлур эрди банд.
 Шабрав эди доғи сияҳпўш эди,
 Фитнагари жону дилухуш эди.
 Ғорату торожу жафо пешаси,
 Тутмоқ ила боғламоқ андишаси.
 Оти анинг Гисуйи пурчин эди,
 Ҳар на десам васфин анинг чин эди.
 Гарчи эди соҳири зулмат сиришт,
 Маскан анга эрди риёзи биҳишт.
 Сайр била ул камар узра гузор —
 Этмиш эди қилғоли сайди шикор.
 Кўрди Назар ҳолини ул дурбийн,
 Қайғулуқ ошифтау зору гамин.
 Дедики:— Эй хонни беэтибор!
 Нега қилибсан бу тараффа гузор.
 Доми бало ичра фароғинг била,
 Тушколи келдинг ўз аёғинг била.
 Билмадинг ани бу мақоми Ҳаё,
 Бордуру йўли уза доми бало.
 Кимки бу йўл азмиға қўйса қадам,
 Анга на дамдурки етушмас надам.
 Гарчи эрур маскани айшу тараб,
 Лек бу мулк отини дерлар Адаб.
 Бил муниким мунда Ҳаёдур амир,

Иффату Исмат анга икки вазир.
Ҳар бирининг савлатидин инсу жон —
Боқмоғи мумкин эмас асло бу ён.
Тушмади бу боғаро бе шўришайн
Ғайри ҳамул Иффату Исматға айн.
Сабза бу боғ ичра ҳаё зўридин
Чиқмади бир пардаи мастуридин
Наргис, агар солса бу ёнға назар,
Кўр ўлуридин анга бордур хатар
Лолаки бағрида қаро қон эрур
Бутмак анга мундо на имкон эрур?
Гулларининг пардалари тў-батў
Сатри ҳаё ичра анга рангу бў.
Кимса ани кўрмокин имкони йўқ,
Кимки кўрар, англа, анинг жони йўқ,
Гулшанининг отики бордур Ҳижоб,
Бўлди фалак сатриға тўққуз ниқоб.
Шабнам агар тушса саодат била
Бўлғуси сув мунда хижолат била.
Учса бу гулшан сори мурғи хаёл,
Енғусидур бешак анга пару бол.
Солса кавокиб кўзи бу ён назар,
Ғайрат ила кўр этар ани саҳар.
Мундин эрур ушбу йўл асру дақиқ,
Токи бу ён юрмагай аҳли тарийқ,
Кимки қилур ушбу камарни паноҳ,
Бизга асир ўлғуси беиштибоҳ,
Бўйла дебон қилди Назарни асир,
Боғлади илкин бўлубон дастгир.
Қилди анинг ҳолини бирдин табоҳ,
Солди доғи бошиға рўзи сиёҳ.
Кўрди Назар ҳиндавий қаллоб эрур,
Чину Хито ичкари каззоб эрур,
Кўнглида йўқ ғайр паришонлиғи,
Зоҳир эди офати давронлиғи.
Бошдин оёқ бор эди чини шикан.
Ҳар шикани хайли балоға ватан.
Сар-басар ул каж эди андоқки жим,
Лекин эди накҳати анбаршамим.
Топмоқ учун бўйи муҳаббатни ул
Бошлади гулзори маваддатни ул.
Ажз била дедики:— Эй сарфароз,
Чину Хито ичра мусофир навоз!

Балки онам бор эди ҳинду нажод,
Аҳли убувват манга туркий ниҳод,
Тушти бошимга бир ажаб можаро,
Истаб ани тоғ ила водийаро.
Тийра эди меҳнату кулфат била,
Ҳамраҳ ўлуб ранжу суубат била.
Топмай ани зору паришон эдим,
Оташи ҳасратаро печон эдим.
Шому саҳар бор эди савдо манга,
Токи аён бўлди бу маъво манга.
Боқмоғидин ҳар сори масрур эдим,
Кулфату қайғу ғамидин дур эдим.
Тутдингу ман зорни қилдинг асир,
Йўқ гунаҳим, лутф ила бўл дастгир.
Кўрмак ила қурси қуёшга не кам,
Баҳрага ташна ичаридин не ғам?
Гулга эмас, нолаи булбул зарар,
Сарвга йўқ қумридин этмоқ ҳазар.
Шамъга парвонадин ўлмас ҳарос,
Айла мени доғи алардин қиёс.
Ноласидин кимсаки мазлум эрур,
Улки ҳазар қилмаса мағмум эрур.
Сан доғи қилғил ҳазар, эй комёб,
Вожиб эрур оқ ўтидин ижтиноб.
Чунки бу сўзларни эшитди тамом,
Гисуйи пурчин ҳам анга бўлди ром.
Анда кўруб шавқ ўтидин изтироб,
Мўдек ўруб пайкар анга печу тоб
Қилди тараҳҳум анинг аҳволига.
Чунки мувофиқ эди ўз ҳолига.
Билди ани ўзига сирдош эмиш,
Она тарафдин яна кардош эмиш.
Ҳам доғи ошифта-у печон экан,
Ўзига монанд паришон экан,
Раҳм этибон ҳолига ул зорнинг
Ешти қўлин доғи дилафгорнинг.
Сўрашибу, танишибу, мунграшиб,
Упти юзин бир-бирининг йиғлашиб.
Эй на хуш ул кун йўлуқуб икки ёр,
Бир-бирига бўлса алар ғамгусор.
Мунглашибон деса алар рози дил,
Чиқмаса бал сийнадин овози дил.
Эл қулоғидин доғи бўлса йироқ.

Бўлмаса деворида ҳам кўз-қулоқ.
Мошитаи хома берур чоғда зеб,
Буйла бўлур зулф суҳанга қарийб,
Бошидин ўтганларини мў-бамў,
Шабрави айёра деди ростгў.
Раҳм этибон ул доғи тутти қўлин,
Лутф била бошлади анинг йўлин.
Улки олур Гису сўзидин гиреҳ,
Бўйла солур сўз қулоқига зиреҳ,
Неча маҳал йўл юруб ул икки ёр,
Етти бирор ерғаки эрди баҳор.
Боқти Назар кўз очиб ҳар сориға,
Солди кўзин гул била азҳориға.
Кўрдики бир саҳн эди жаннат мисол,
Балки эди гулшани жавзо жамол.
Мушк исидин ройиҳалиғ ҳар насим —
Бор эди ул дашт уза анбаршамим.
Кўзғолибон ел била ҳар бир ғубор,
Эрди фараҳбахш чу мушки татор.
Балки эди гулшани зебойи тур,
Ғунчан нор эрди анга нори нур.
Ғунчалари ичра ниҳон шири жон,
Шири равон анда чу оби равон.
Нориаро руҳи равонбахш эди,
Ройиҳаси ҳар сори жонбахш эди.
Таъми анинг шириаи жондин лазиз,
Ҳар на алаз бор эса андин лазиз.
Наҳри лабин анда этиб тарбия,
Ширу асал бирла бўлуб таъбия,
Ичколи ким топса даме дастрас.
Бўлғай эди даҳраро исо нафас,
Кимки деса васфини анинг равон,
Тенгдур анинг оллида яхши-ямон.
Дашт дема балки эди баҳри нур,
Устида бор эрди хубоби сурур.
Турфа хубоб эрди-ю хуш сув эди,
Ҳар бири устида бир инжу эди.
Инжу дема эрди асалдин нишон,
Тунги асал қатрасидин дур фишон.
Кўрган эмас кимса дурафшон шакар,
Баҳри жаҳонда шакарафшон гуҳар.
Бўлган эмас дур асал ичра аён,
Ёки асал дураро бўлғай ниҳон.

Билмон ани дур эди ёхуд асал,
Хуллас эди дофиъи заҳри ажал.
Қатра анга жавҳари жондин нафис,
Гавҳар анга ваҳму гумондин нафис.
Қанд анинг ҳасратидин пўстпўш,
Эрди доғи шаҳд анга муштоқ нўш.
Сониъи бечун ани қудрат била,
Бўйла безаб ҳикмату санъат била.
Оламаро солмоқ учун шўру шар,
Қўймиш эди онлара ширу шакар,
Боқди Назар садрига ул гулшанинг,
Ҳайрат ила тўрига ул маъманинг.
Анда фурузон эди бир шамъи нур,
Андин этиб нури тажаллий зуҳур.
Партави анвори била тоғу роғ,
Уйла эди гулшани гулзори боғ.
Кўз очибон кўрмайин эрди Назар,
Кўрди бу гулшан борини сар-басар.
Ғунча эди, гул эди, гулзор эди,
Оламаро гулшани бехор эди.
Сўрди Назар гулшан отин ёридин,
Ҳам доғи бу шамънинг асроридин.
Деди ўшул ёр фусунсоз анга,
Ҳар неки пинҳон бор эди роз анга.
Билки бу гулшаннинг оти Садр эрур,
Молик анга бир қамари бадр эрур.
Англа бу гулшанни било иштибоҳ,
Ҳусни парирўга эрур жилвагоҳ.
Бир неча ҳамжинс ила ул моҳваш,
Базм тузар мунда келиб шоҳваш.
Боғи навойин этиб ул сарфароз,
Май ичар, аммо кўзидур масти ноз.
Қилди чу маст ани шароби ғурур,
Айлар ўзи манзили сори убур.
Шамъи билурипки кўрарсан бу дам,
Нури тажаллидин эрур муҳтарам.
Дастан оинаи анвор эрур,
Маҳзари гулбўтаи асрор эрур.
Аҳсани тақвим сифоти анинг,
Соиди гардун эрур оти анинг,
Матлаби аъло деган ушбу эрур,
Мақсади ақсо деганинг бу эрур.
Мундин ўтуб айласанг ул ён гузор,

Гулшани Рухсор эрур, эй дилфигор.
Анда эрур чашмаи ҳайвон деган,
Олам эли жисмиаро жон деган.
Чунки бу сўзларни эшитди Назар,
Йиғлаб анинг қўйди оёғига сар.
Раҳм этибон соҳири айёр анга,
Бўлди бу савдода харидор анга
Давлату бахт анга мусонд бўлуб,
Гисуйи дилдор анга қойид бўлуб:
Бошлади бу жаннати улё сори,
Балки ўшул мақсади ақсо сори.
Токи ўзи манзили сори қарийб,
Бўлди ўшул соҳари соҳиб фариб,
Қилди бирор кеча ани меҳмон,
Ижлат ила гарчи эди мезбон.
Лутф била бўлмоқ учун дастгир,
Этти васиятлар анга беназир.
Ҳар на сўзин айлади бир-бир тамом,
Субҳ дами қилди чу хатми калом.
Ўзди бирор тор сари мўйидин,
Яъни ўшул сунбули хушбўйидин.
Берди Назарга деди:— Қилма ҳарос,
Тутғил ўшул мўни ўзинг бирла пос.
Бошинга гар келса баногаҳ бало,
Ўт ичига тошла ани беибо.
Қилғусидур анда муаттар димоғ,
Оламаро ҳар неки бор боғу роғ.
Ман доғи бўлғум санга ул дам яқин,
Махласинга эткум иложинг қарин.
Тангри таоло агар этса карам,
Айлагомен анда сени муҳтарам.
Бўйла дегач бўлди Назар шодмон,
Ўпти ер оллида ўшул нотавон.
Айлади падруд анга шодону шод,
Истабон изад карамидин мурод.
Қўйди қадам водийи ғурбат сори,
Ваҳ на дедим гулшани раҳмат сори.
Е раб, этиб лутфу иноят манга,
Айла қарин шамъи ҳидоят манга.
Гулшани раҳмат сори то раҳнамун,
Бўлсун анинг партави биссоду нун.
Соқий, этиб сийнами гулзори шавқ,
Май била билдур манга асрори шавқ.

Олам аро токи ўлай фарш сайр,
Тойири қудсийдек ўлай арш сайр.

Холи мушкбў киби шомии тийрарўдин меҳри гунбази мийну гўшаи абрў кўргузганида ва равойиҳи руҳпарваридин ва насойими жон шамойимидин ажсоди оламни тиргузганида анфоси субҳи дам замини замонни муаттар этиб ва осори пурнури қадам кавну маконни мунаввар эткониди Назари ҳақирнинг Занги зулумот элига асир бўлуб, жони пурнафир бўлғони. Ул ҳолда Хол деган нури дийдасин ва фарзанди баргузидасин таниб, шодлиғ кўздин равон этиб, ўзин танитғони.

Қилди аён подшаҳи ховарий,
Дабдабаи шавкати Искандарий
Тиг чекиб яъни уфуқдин қуёш
Шаъшаасин оламари қилди фош
Зулмату занг аҳлини қилди табоҳ,
Бўлди жаҳон аҳлига ул Хизри роҳ,
Буйла саодат била қилғач зуҳур,
Тўлди фалак қасрига нури сурур,
Қайдаки бир дашт узо кўҳсор эди,
Қулла анга ламъайи анвор эди.
Олам уйи саҳнига заррин бисот,
Ўйла тўшалдики чу қасри нишот.
Зангийи тун айлади андин сафар,
Азми сафар айлади ул дам Назар.
Жониби ховар сори қўйди қадам,
Олмади еткунча фароғатда дам.
Етти бирор ерга юруб ногаҳон,
Бўлди саводи назарига аён.
Ваҳ чу савод эрди дирамдин мисол,
Зийнатари ўйлаки боғи хаёл.
Оти анинг Қалъаи Дийдор эди,
Саҳниари Гулшани руҳсор эди
Лозим эмас васфиари можаро,
Бўлсун алар отиға жоним фидо.
Хорға гул зарраға меҳри жаҳон —
Васфини айтурға не тобу тавон?!
Андин алар васфига сурмай қалам,
Дашт ила саҳросиға қўйдум қадам.
Дашти анинг бор эди дарёйи нур,

Зулмат эли айламас эрди убур
Ул сув уза шаҳрға эрди бино,
Меҳри дурахшандаға андоғ само.
Хиштарин дема анинг сийму зар,
Бор эди ҳар хишт анга шамсу қамар.
Бурж ила бозуси эди чун фалак,
Ҳорис анга бор эди қудсий малак.
Арш киби фарши анинг тобноқ,
Нури тажаллий киби пок эрди хок.
Ройиҳасидин топибон жонни руҳ,
Сабзасидин жонға эди юз туфуҳ,
Жон елидин эрди равойиҳ анга,
Руҳи равон эрди равойиҳ анга
Дилкаш эди сабзаси чун хатти ёр,
Эрди фарахбахш чу хатти нигор.
Бўлса муҳаббат доғи мазмун анга,
Васли Нишотий доғи қонун анга.
Водий анга водийи эмин нишон,
Анда Калимулло эди бир шабон.
Боғи анинг бор эди ҳуро жамол,
Ҳар на аён анда чу боғи хаёл.
Анда завоҳирлар ададдин фузун,
Эрди жавоҳир доғи ҳаддин фузун.
Бирда аён мушк ила анбар эди,
Бирда ниҳон шаҳд ила шаккар эди.
Дурри дурахшанда киби ҳар самар,
Нур ила мамлу эди шому саҳар.
Ройиҳан жон эди боди анинг,
Ҳур кўзи нури саводи анинг.
Билди Назар ани било иштибоҳ,
Ҳусни парирўға эрур жилвагоҳ.
Қўйди қадам иззату ҳурмат била,
Ҳар қадами хавф ила даҳшат била.
Ўзни қаландар қилиб ул бенаво
Айлар эди ҳар сори сайри ҳаво.
Зоҳир этиб сайри маҳаллоти шаҳр,
Топмиш эди ўзга гадолиғда баҳр.
Етмас эди анда қудуми уқул,
Ожиз эди кўргали фаҳми фуҳул.
Аҳли анинг эрди ҳалиму зариф,
Борчасининг таъби салиму латиф.
Баъзи ул эл, қошифи илҳом эди,
Баъзи анинг ойиди асном эди.

Зийнату накхат била ҳар бир кунист,
Бор эди бешубҳа риёзи биҳишт.
Масжид анга масжиди ақсо эди,
Рукилари каъбаи улё эди.
Ул бирида ҳури мужовир тамом,
Ҳайли малак бирига зойир тамом.
Ойиди асном ила абди худо,
Топмиш эди анда мақоми ризо.
Кимки эди сурати маъни параст,
Ул икига бу ики эрди нишаст.
Эрди одам мисли анинг фил-билод,
Йўқ эди оламаро андоқ савод.
Тўрт маҳалла эди ул хуш макон,
Ҳар бирининг садқаси юз минг жаҳон.
Ҳашт биҳишт анда эди хўшачин,
Кўрган эмас нақшини наққоши Чин.
Ҳар сори ашколи саноеъ эди,
Сурати тимсоли бадоеъ эди.
Бири карашма элига жилвагоҳ,
Шева элига бири эрди паноҳ.
Ул бирида шақлу шамойил эди.
Ани жаҳон кўргали мойил эди.
Бирда эди маскани аҳли наво,
Борчаси хушфаҳм эди-ю хушнамо.
Бўйла тамошо қилиб ул дам Назар,
Боғи ҳаримийда эди жилвагар.
Анда неча фитнаи даврон эди,
Гулшани рухсора ниғаҳбон эди.
Боғи умид ичра кўруб ногаҳон,
Уғри дебон ҳинд эли бермай амон,
Ҳар тарафидин этибон дору гир,
Туттилару қилдилар ани асир.
Тутғоч ани тоифаи зангбор,
Бўлди паришонлиғ анга рўзгор.
Боғладилар илкин этиб дастгир,
Деди ул эл:— Бизга эрур бир амир.
Бор дурур ул фитнаи даври қамар,
Мардумаки босираи шўру шар.
Ҳусни пари рўға ул хол эрур,
Бизга ҳамул маншаъи омом эрур.
Элтгомиз анга сани бегумон,
Кўргосан ани не деса ҳукмрон.
Бўйла дебон сурдрадилар ул фариқ,

Хол сори қонаро айлаб гарик.
 Маснади хуршид уза ҳоли Назар
 Кўрди, эди қурратул айни магар.
 Таниди, бор эрди кўзи ичра нур.
 Жону дили ичра ҳузуру сурур.
 Айру тушуб эрди замони баъид.
 Кесмиш эди, топмайин андин умид.
 Мулки Хўтан ичра ки фарзандини,
 Мардумаки дийда-у дилбандини.
 Аҳли Хито айламиш эрди асир,
 Лекин эди халқи анинг беназир.
 Мундин ани Гулшани Рухсораро —
 Қўймиш эдилар гулу гулзораро.
 Таниса ҳам айлади таъзим анга,
 Ҳар неки лозим эса такрим анга.
 Сўрди Назар таврини ул нўши лаб,
 Деди:— Недур келгали мунда сабаб?
 Еш тўқубон оллида анинг Назар,
 Деди:— Тасаддуқ санга нури басар!
 Сенсиз эди даҳраро ҳолим табаҳ,
 Кавкаби бахтим эди доғи сиёҳ.
 Шому саҳар истабон осоринги,
 Шукрки кўрдим яна дийдоринги.
 Деди бу сўзларни ўшул пурфусун,
 Ҳиндуйи хол оллида бўлди забун.
 Танидилар бир-бирини кўрушиб,
 Ота-ўғул бўлди алар сўрушиб.
 Бўлди фароғатда иков комёб,
 Еру надим ўйлаки орому хоб.
 Топти жигар гўшасин ул ноумид,
 Ваҳ не деб этмай мани шайдо умид.
 Изад ўзи десаки — лотақнату,
 Дейки, нечук қатъ этайин орзу.
 Улки ёзар сафҳа уза холу хат,
 Бўйла берур хаттиға зеби нуқат.
 Андаки ул икки қаро рўзгор —
 Бир-бирини айлади бўсу канор,
 Қўймайин ул базмаро бегонани,
 Деди Назар ўзидин афсонани.
 Бошидин ўтконни саросар Назар,
 Дийдаси нуриға деди мухтасар.
 Ул доғи ҳайрон бўлубон ҳолиға,
 Йиғлади кўп отаси аҳволиға.

Сўнгра деди:— Манда ҳам ул эътибор —
Йўқки санга боғаро берсам қарор.
Гарчи эрур киргали рухсат манга,
Ғайрни йўқ солмоқ ижозат манга.
Гарчи отамдурсану зикринг бахайр,
Кирмагуси биллоҳ онам бўлса ғайр.
Ҳожиб эрур мунда ики комёб,
Тоқи ишорат уза олижаноб,
Ул икиким тоқ уза ҳожиб эрур,
Кўрмокимиз ани чу вожиб эрур.
Бирисини отини айтиб Ҳилол,
Ул биринг алқобини дерлар Билол.
Зулм элидек икки сияҳпўш эрур,
Фитнагари жону дилу хуш эрур.
Ҳар биридур сайд фиған шергир,
Топмагуси сайди Хито отса тийр.
Ҳар бирининг «ё»си нияҳ туз эрур,
Толеъи феруз, ўзи феруз эрур.
Ул икига қавси қизаҳдин камон,
Зўр чоғи ҳар бири Рустам нишон.
Пешалари жавр эрур озор ҳам,
Зоти сияҳ доғи сияҳ кор ҳам.
Иккиси ул тоқни айлаб макон,
Ҳар бири бу мулк узадур ҳукмрон.
Солди алар бир йўли кўздин мани,
Айладилар тийра бу юздин мани.
Андин эрур кавкаби бахтим сиёҳ,
Кулфату қайғу била ҳолим табаҳ.
Билса икимизга ҳам айлаб ситез,
Бошимиза чеккусидур тиғи тез.
Кимки кирар ўлтурур ул беҳарос,
Ўйла тутар гулшани гулзори пос.
Бўйла балодин керак этмоқ ҳазар,
Авло эрур бўлмоқ анга чорагар.
Кеча эрур пардаи мард, эй ҳаким,
Анда бориб ўйлаки табъи салим.
Киргосан ул Гулшани Рухсораро,
Доҳил ўлуб ул гули беҳораро.
Кўргосан ани неки қилсанг ҳавас,
Топғосан ани не эса мултамас.
Кўрмокидин халқнинг ўлғил ниҳон,
Кўрмасун ул ерда сани инсу жон.
Гулшанаро Ғамзайи Ғаммов эрур,

Қаҳри кўбу лутфи анинг оз эрур.
Ғамза ила сўзи анинг чин эмас,
Қавли анинг лойиқи таҳсин эмас,
Шаҳ кўзига англа, вале нур ани,
Кўз уйидин айламиш ул дур ани,
Сўзчи эли шоҳға бордур яқин.
Бўлғай ироқ кимки эрур сўзи чин,
Кирганингни боғаро кўрса Умуд,
Қилма ўзингдинки қилур ул шаҳид.
Бил ул эрур ҳожиб элига асир,
Хусн пари рўға вазири кабир,
Бўйла дебон хат чиқариб берди Хол,
Тутғил ўзинг бирла, деди, борча ҳол,
Яъники бу хат санга даркор эрур,
Деву пари дофтии туммор эрур.
Хол сўзин қилди бу ерда тамом,
Қилди Назар мақсади сори хиром,
Е раб, этиб лутф дуриға садаф,
Айла мани Ғамза ўқиға ҳадаф.
Ҳасрат ўқи бирла кўзим интизор,
Уйди, кўрунмас манга дийдори ёр,
Соқий, олиб кел қадаҳи шоҳвор,
Масти мудом эт мани чун чашми ёр,
Ғамзаи жаллода эрурман асир,
Пур қадаҳи май била бўл дастгир.
Дилбари субҳ уйқудин очти кўзин,
Қилди шафақ ғозаси гулгун юзин.
Бўлмоқ учун оламаро нур фош,
Чиқти фалак тоқиға яъни қуёш.
Бўйла авон очти Назар дийдасин,
Овлябон ул дийдаи ғамдийдасин.
Йўл юрумोक эрди анга муддао,
Етти бирор ергаки меҳрөбсо.
Тоқу равоқ ўлди анга жилвагар,
Кўргоч они чекди бир оҳи жигар.
Уйлаки оламаро тўлди шарор,
Тутти жаҳон қасрини дуду бухор.
Ул ўтаро тушти ўшул мў анга,
Бермиш эди лутф ила Гийсу анга,
Бўйи муҳаббат топиб андин димоғ,
Мушк исидин тўлди ҳама боғу роғ.
Гийсуйи айёри қаро рўзгор.
Етти бу ҳолатда бўлуб мушкбор.

Қилди жаҳон қасрини тору қаро,
Лек Назар комини этти раво.
Яъни ўлуб даҳраро ҳангоми шом,
Ер била кўк бўлди бори мушкфом.
Шом дема, мушки муҳаббат не дуд,
Қилмиш эди даҳраро ҳайи вадуд.
Дуди анинг наҳс кавокиб кўзин —
Кўр этибон топмас эди ўз-ўзин.
Аҳли назарға эди чун гутие,
Бе басар элга эди лекин қаро,
Бўйла авон ичра юруб ул ғариб,
Бўлди ўшул тоқ сариға қарийб.
Ҳожиб эли бор эди уйқуаро,
Қирди Назар гулшани хушбўаро.
Гуллари ҳар сари фаровон эди,
Гулбун уза булбули нолон эди.
Хирмани оташдек эди ҳар гули,
Эрди сипанд ул ўт уза булбули.
Соқлағоли дийдаи баддин омон,
Айлар эди ўт уза оҳу фиғон.
Сарви анинг чун алифи ноз эди.
Жўйи канорида сарафроз эди.
Сарви сиҳийдек эди ҳар бир шажар,
Лекин ўлуб барчаси ширин самар,
Шохалари сидрадек эрди яқин,
Қумри эди устида руҳул-амин.
Ғунча анга лаъли бадахшон бўлуб,
Гулларининг ранги юз алвон бўлуб.
Савсани озоди эди хуш қиём.
Бор эди ул равзаи дорус — салом.
Сув анга ойинаи безанг ўлуб,
Кўзгу демак балки анга нанг ўлуб.
Тўтилари бор эди шаккар мақол,
Назмаро ўйлаки рангин хаёл.
Қушлар эди боғаро дoston саро,
Барчаси хуш лаҳжа, доғи хуш наво.
Ҳар саридин лахлаха осо насим,
Зулфи дил осо киби анбар шамим.
Ширу шакар эрди анга оби пок,
Нашға била дегил они оби ток.
Ҳар сари, гар қилса тамошо Назар,
Дурру гуҳар эрди-ю ширу шакар.
Шаҳд тўла анда завоҳир тамом.

Шабнам анга дурру жавоҳир тамом.
Сабза бўлуб борча раёҳин анга
Хайли малак бор эди гулчин анга.
Ҳар тарафи гулшани ҳаддин фузун,
Ҳар ёнида наргис ададдин фузун.
Кўрди Назар ул гулу гулзорини,
Қилди ҳавас наргиси беморини.
Борди тамошосиға ул бенаво,
Гул киби хандон бўлубон боғаро.
Ғамза ичиб онда шароби гурур,
Ётмиш экан маст, ҳузури сурур.
Сесконибон очти кўзин ногаҳон,
Гулшанаро кўрди биров заррасон.
Ҳар сариға кўргузур эрди хиром,
Бўлди анинг кўзига уйқу ҳаром,
Қаҳр била айлабон ул дам ситез,
Тиф чекиб етти анга тунду тез.
Дедики:— Эй буқаламуни дуранг,
Бу ер эмас жойи мақоми паланг.
Гулшанаро зоғу зағанға не бор,
Ишратаро дарду миҳанға не бор.
Тушгуси шабнам мунга рухсат била,
Сув бўлубон жони хижолат била.
Қирган эмас мунда насими ҳаё.
Изи анга, то бўлмағуча, бе ибо.
Эсмади бу ёнға насиму шамол,
Бошқа киши кирмоки бўлғой маҳол.
Ою қуёш топмай ижозат равон,
Қирмади бу гулшанаро бегумон.
Сан киму бу ерга етурмок қадам.
Айлагоман эмди бошингни қалам,
Бўйла дебон қилди ани дастгир.
Қилғали урён ани қилди асир,
Ҳисмидин ойирди либосин анинг.
Эски қаро тийра фалосин анинг,
Кўрдик анда бор эди хатту хол.
Билди недур келмокидин анга ҳол.
Гарчи чиқарди хату холин асир,
Айлади кўз тўсоғ ани ул амир.
Солди ани чоҳи занахдонаро,
Кетгуча чарх оразидин то қаро,
Яъни этиб субҳи муҳаббат зуҳур,
Тўлди саодат ҳарамии ичра нур.

Бир-биридин айрилиб оқу қаро,
Бўлди доғи яхши-ямондин жудо,
Билди улус хеш ила бегонани,
Аҳли назар оқилу девонани,
Келтурубон ғамза Назарни равон,
Дедики:— Эй ўғрийи бехонумон.
Кимсану маскан санга қайси диёр,
Қайси эл ўлғай санга хешу табор,
Зотинг эрур буқаламуни дуранг,
Бошдин оёқ ор ила номусу нанг,
Деди Назар:— Эй шаҳи волотабор,
Бандаи бечораға Чиндур диёр.
Бордур отам Чинаро туркий ниҳод,
Лекин онам насл ила ҳинду нажд,
Мундин эрур буқаламунлиғ манга,
Бу ики лавн ичра забунлиғ манга.
Икки биродар бор эдук тавомон,
Хаста-у бемор эдик-у нотавон,
Оти анинг эларо Ғаммоз эди,
Лек манга исм Назар боз эди.
Сихҳатимиз чорасин этмай даво,
Иккимиза бор эди қондин ғизо.
Икки гуҳар келтурубон умму аб,
Иккимизинг сихҳатимизға сабаб —
Қилмоқ учун ўйлаки тумор ани,
Иккимиза чун дури шаҳвор ани —
Банд қилиб эрди ики меҳрибон,
Токи ямон дийдадин ўлсоқ омон.
Келса агар хотиримизға ғубор,
Ота-она айлар эди жон нисор.
Бўйла эдук соҳиби эъзозу ноз,
Етти бизинг бошимиза тарки тоз.
Келдилар андоққи қазо-у қадар,
Аҳли жаҳон ичра солиб шўру шар.
Иккимизи айлади онлар асир,
Мулки баданға тушуб эрдим фақир,
Билмон ани қайда биродар манга,
Лутф қил, эй соҳиби афсар, манга.
Лутфу карам сандин этарман умид,
Йўқса гар ўлтурсанг ўларман шаҳид.
Топғуси ғурбат эли ҳақға вусул,
Мота ғарибман,— деди яъни расул.
Бўйла дебон оллида қон йиғлади,

Кўкка чекиб оху фиғон йиғлади.
 Ғамза деди* ул гуҳаринг қил аён,
 Жисми низорингга керак бўлса жон.
 Бўлмаса ул гавҳар агар афсаринг,
 Онгла яқин бу эрур ўлган еринг.
 Бўйла дегоч қилди аён гавҳарин,
 Ғамза тониб ташлади шўру шарин.
 Турди еридин ани бўсу канор,
 Қилди доғи бўлди иков роздор.
 Ғамзаки Ғаммозга дилбанд эди,
 Яъни жигар гўша-у фарзанд эди.
 Отасига маскан эди бу куном,
 Бўлмиш эди отага қойим мақом.
 Мундин оти Ғамзаи ғаммоз эди,
 Ахли жаҳон ичра сарафроз эди.
 Билди Назар ул эрур ахват анга,
 Бўлди фузун завқ ила суҳбат анга.
 Эй нахуш ул кимса ўлум чоғида,
 Топса ўзин дилбарининг боғида.
 Бўлса фузун айшу нишоти анинг,
 Ер ила бир бўлса бисоти анинг.
 Бўлди алар бир-бирига муттасил,
 Боғи нишот ичра чу гул бирла мил.
 Ё раб, этиб ёрни жонимга ёр,
 Васл саририда манга бер қарор.
 Ҳолима бўл лутфинг ила дастгир,
 Ғамзайи хунхорга борман асир.
 Соқий, олиб кел қадаҳи хушгувор.
 Бер ани жонимга етибдур хумор.
 Дийдаи махмуринг ҳақиқим бу дам,
 Қилди мани маст шароби ситам.

Субҳидам саҳни арсаи наргисзорда сиймин дасти косаи
 чинийларни ушатғонида ва равзаи нилуфар аҳлин маст эт-
 мок учун махмур кўзлик соқийлар наргис киби паймоналар
 узатғонида Назари вологуҳар ва Ғамзаи диловар иттифоқи
 савқи раббоний ва тақдири яздоний била дийдан жонон
 киби қасри хушниход ичра айш такасиға истинод эткон ха-
 барин Ҳусни паризод истимоъ этиб, Ғамзани даъват қи-
 либ қардошнинг ном ва сифатин ва бу диёрға келган ний-
 ят ва суратин сўрғони. Ғамза Назари беморни жавоҳир-
 шуносликда шуҳраи рўзгор ва дурри назм ва гавҳари наср
 мезонидин хабир ва фанни авзонда беназир ва равшанза-

мир,— деб лутф ашъорин ва лафзи шақкарборин анга таъриф ва тавсиф қилғони. Ҳусни кишваргир Назари покзамирни индаб, гавҳари дилпазир била сурати беназирнинг кону маконин сўргони. Назар ўз шаҳзодаси суратин таниб, анинг ахлоқи марзыйясин ва ашфоқи сийнасин атвори салтанатин ва осори шавкатин ҳадоийқи латойифин ва ҳақойиқи маорифин баъзи нишотин ва басти бисотин таъриф ва тавсиф этиб «ал-изну қаблал-ъайни таъашиқун ихёнан ва ин конат-табоуду фил-байни маконан мазмуни била ани зору низор қилғони. Ҳусни парирухсор Назари айёрнинг гуфтори сеҳросориға рабуда бўлуб, дийдори Фуодни кўрмай, рухсори осориға шифта ва ораз ахбориға фирифта бўлғони, Назар ул суманбардин бир хотами лаълин чашмаи ҳайвондин нишон олиб, ўзин топғониға шоҳиди ҳол талаб қилғони. Ҳусн парипайкар Назари соҳиб асардин саволиға муважжаҳ жавоб эшитиб, Нағма била Хаёлни анга шоҳиди ҳол этиб қўшғони ва бу хайлни дилдор диёриға роҳий қилмоғининг анжому оғози:

Турки саҳар зоҳир этиб изтироб,
 Оразидин ташлади шабгун ниқоб.
 Даҳр саводида чекиб тиғи тез,
 Ҳинд элига солди яна рустхез.
 Қаҳр ила қондин оқизиб баҳри хун,
 Қилди бори лашкарини сар нигун.
 Чекти алар боши уза барқ тиғ,
 Қатл этибон барчасини бедариг.
 Қирди ул элнинг барини ому хос,
 Бўлди жаҳон аҳли алардин халос,
 Йўқ бўлубон пардаи зишти залом,
 Қилди улус пардаи ишрат мақом.
 Ҳар киши ёри била топди фароғ,
 Бўлди фароғатда бари боғу роғ,
 Ғамза била бўлди Назар ҳам рафиқ,
 Қаср сари тутти иковлон тарийқ,
 Боқти Назар, бор эди тоқи ғариб.
 Қасри жинондин эди ул дилфириб.
 Ваъзи анинг дийдаи жонон киби,
 Кунгираси зеб ила мижгон киби.
 Анда китоба уза эрда аён,

* Турар ерда бир-биридан узоқлик бўлганда, баъзан кўришдан олдин, эшитиш биланоқ севги аланга олади.

Сувран нур ояти поки духон.
 Қасриаро тахти эди обнус.
 Ким ани ож айлар эди пойбӯс.
 Мардумаки дийдаи бийно эди,
 Зийнатаро қасри таманно эди.
 Тожи сари бахт ўлуб ул икки ёр,
 Тахти саодат уза топти қарор.
 Бўлди озор айш била комёб,
 Сўнди бири бирига жоми шароб.
 Улки қилур кўз қаросидин мидод,
 Бўйла ёзар сафҳа юзига савод.
 Бўлғоч алар мунда фароғат била,
 Айш танаъум била, роҳат била.
 Хусн паричеҳрага етти хабар,
 Билди бу сўзнинг борини сар-басар.
 Даъват этиб Ғамзани, қардошидин,
 Сўрди анинг ҳолини сирдошидин.
 Кўргузубон Ғамза дуо-у сано,
 Сўнгра деди:— Билгил аё маҳлиқо!
 Ҳар фанаро табъ анго моҳир эрур,
 Соҳир эрур ҳам доғи шоир эрур.
 Яхши-ямон фарқидадур беназир,
 Тахти рисолатда баширу назир.
 Зоти анинг ўйлаки нури худо,
 Яхши-ямонга ул эрур раҳнамо.
 Сайрафи жавҳари дониш эрур,
 Ноқидан гавҳари бийниш эрур.
 Хусн парийчеҳра деди:— Эй аниё,
 Айла ани бизга замоний жалис.
 Бизда ажаб гавҳар эрур дилпазир,
 Шамъи тажаллийдек эрур беназир.
 Пайқар анга руҳи давондин нафис,
 Сурат анга жавҳари жондин нафис.
 Маъданидин айламади саррофи ақл.
 Қиймат анга билмади саррофи ақл.
 Устида бир сурати бордур зариф,
 Нозикун, марғубу, латифу шариф.
 Етмагуси васфиға дурри мақол,
 Кимки кўрар бўлғувсидур ани лол.
 Кўп кишидин истадим андин нишон,
 Кимса анга билмади кону макон.
 Билса Назар этгоман ани надим,
 Фавқи зувил-нам эрур ул алим,

Ғамза бу сўзларни эшиткоч тамом,
Қилди Назар сариға беҳуд хиром.
Шод ўлубон келди башорат била,
Деди анга сўзини иззат била.
Деди Назар:— Ҳар неки фармон эрур.
Шоҳдин ул вожиб ул-изъон эрур.
Бўйла дебон қўпти еридин равон,
Ғамза била бўлди иков ҳаминон,
Борди доғи кўрди ижозат била,
Борғаҳи қурбиға уззат била.
Кўрдикӣ ўлтурмиш эди шоҳи Ҳусн,
Тахти саодат уза ул моҳи ҳусн.
Банда анга зеб ила зийнат эди,
Парда анга ҳур ила жаннат эди,
Хизматида жон била айлаб қиём,
Расми убудийяти қилди тамом.
Иззат ила этти адоӣи намоз.
Деди салом оқизиб ашки ниёз.
Зулфу кўзу қаддиға деди дуо,
Қилди адо васфида маҳду сано.
Ҳусн парийчеҳра ҳам этти савол,
Йўл юругондин доғи ул хуш мақол —
Деди:— Муборак санга бу ерга сайр,
Бизга қудуминг доғи бўлғой бахайр.
Бўйла дебон Ҳусни сарафроз анга,
Сўнгра аён қилди ниҳон роз анга,
Ганжимаро бир гуҳари дур ниҳон,
Устида бир суврат анинг бор аён.
Уйла гуҳар кўрмади ҳаргиз садаф,
Етти ота билмади андоқ халаф.
Ғамза сани деди эрур жавҳари,
Билсанг агар ушбу ниҳон гавҳари.
Асл ила фаръин анинг этсанг аён,
Бизга аён бўлса бӯ сирри ниҳон.
Устидаги суратинг аҳволини,
Десанг анинг даҳраро тимсолини.
Илким ўлур бошинга гавҳарфишон,
Бошим аёқинг уза афсарфишон
Билмас эсанг қонаро қилғум ғариқ,
Сўнгра қилиб ҳасрат ўтиға ҳариқ.
Кўкка совурғум кулинги сар-басар,
Сўз бу эрур, эмди қилай мухтасар.
Ҳусн парийчеҳра бу янглиғ итоб

Айлади-ю қилди аён дурри ноб.
Қилди тамошо Назар ул гавҳарин,
Билди анинг сувратину жавҳарин.
Дедики:— Эй шоҳи муалло табор!
Хотиринга етмасун ҳаргиз губор.
Мақсадинга билки эрурсан яқин,
Матлабингга, мақсадинга офарин!
Онгла яқин бу гуҳаринг аҳли даҳр,
Исми шарифин дедилар Пойи заҳр.
Дофиъи заҳр ўлди ҳавоси анинг,
Жонародур маъдани хоси анинг.
Бу дур эрур мойидаи жону руҳ,
Бил муни сармояйи файзу футуҳ.
Сувратидин Чинға таҳсин эрур,
Маънийи суврат доғи ширин эрур.
Шаҳрий эрур даҳраро эй маҳжабин,
Дерлар анинг отини Мағриб замин.
Анда бировдурки эрур ҳукмрон,
Бандаи фармони эрур инсу жон.
Оти анинг ақли муалло сарир,
Сурату сийрат ангадур дилпазир,
Бордур анга турфа халаф ёдгор,
Мулки Баданға эрур ул шаҳриёр.
Тахти адолат уза чун Кайқубод,
Зоти Каёнӣ оти шоҳи Фуод.
Ҳусни латофатда фариди замон,
Илми балоғатда ваҳиди макон.
Баҳри шижоатда чу жанги наҳанг,
Кўҳи жадал устида ғаррон паланг.
Мухтас эрур кони муҳолат анга.
Хосса эрур ганжи фасоҳат анга.
Мулкдеҳу молики авранг эрур,
Соҳиби номус эруру нанг эрур.
Сўз чоғи гулзори ҳадоийқдур ул,
Маҳрама асрори ҳақойиқдур ул.
Оламаро довари аъзам эрур,
Ҳиммат анга арши муаззам эрур.
Васфиаро сўрсам агар қийл-қол,
Эиҳни муборак санга топғай малол.
Аҳсани ахлоқ анга бордур тамом,
Етмагуси мадҳиға анинг калом.
Чунки бу сўзни Назар этти баён.
Қилди гули булбули нолон нишон.

Лайли эоч айлади Мажнун ани,
Бир йўли гам айлади маҳзун ани.
Қолди очиб оғзини ширин даҳан,
Тоғи бало отида чун кўҳкан.
Хуллас ўшул маҳваши Узро жамол,
Бўлди анинг Ромиқи бе қийлу қол.
Чунки эди сурати май бирла маст,
Шому саҳар бор эди суратпараст.
Сийратидин топти чу эмди нишон,
Эрди яқин бўлғай анга жонфишон.
Ҳар кишига берса тасаллий хаёл,
Ҳол анга не бўлғуси кўргач жамол.
Май исидин ҳар кишиким бўлса маст,
Ичгоч ани бўлса нетонг ерга паст.
Ганж хаёлида биров жонфишон,
Бор эса топғач не ажаб берса жон,
Лек тўкуб шарм била ерга ёш,
Дедики:— Эй ёри мувофиқ маош.
Чин эса бу сўз агар ўлмай хато.
Айлагомен не эса коминг раво.
Улғуси бошимда мақоминг санинг,
Чашмим уйи ичра хироминг санинг.
Чинни гумон қилди хато маҳжабин,
Ичти Назар анда муъаккад ямин.
Ҳусн доғи айлади бовар анга.
Лаълу гуҳар берди-ю афсар анга.
Ашк сувидек дуру гавҳар нисор,
Қилди Назар бошига ул комкор.
Ончики етмас эди дарки ҳавос
Ожиз эди фаҳм ва ақлу қиёс.
Бўйла сарафроз этиб ул комёб,
Ажз била сўрди Назардин жавоб.
Дедики:— Эй қосиди дилбар паём,
Жавҳари жондин санга ортуқ калом.
Топмиш эдим заҳри балодин мамот,
Шаҳд сўзингдин манга бердинг ҳаёт.
Етти сўзинг бирла кўзум ичра нур,
Кўнглумаро завқ, ҳузуру сурур.
Эмдики дединг манга дилбар сўзин.
Жид била жаҳд айла кўрай то ўзин.
Деди Назар ёш тўкуб:— Эй маҳлиқо,
Жонга эрур ушбу сўзинг муддао.
Улки Бадан мулкиаро шоҳ эрур.

Сурати онинг санга дилхоҳ эрур.
 Ҳол ангадур ташнаи оби ҳаёт,
 Истамас ул шарбату қанду набот.
 Берсанг ўшул чашма сувидин нишон,
 Бергоман ул сувдин анга тоза жон.
 Топса анинг жисми бу сўздин ҳаёт,
 Келгуси учмоқға топиб ул қанот.
 Топганима чашмани беиштибоҳ,
 Икки киши қўш манга айлаб гувоҳ.
 Десун алар чашмаи ҳайвонни ҳам,
 Жон сўзину сен киби жононни ҳам,
 Бўйла далоил била қўйса насиб,
 Хизматинга келгусидир анқариб.
 Йўқса ани қўймоғувси шоҳи ақл,
 Қилмоғуси ул доғи бу ёнға нақл.
 Бошдин аёқ сўз манга ёлғон дегай,
 Гарчи анинг оллада иймон дегай.
 Қилмаса бовар сўзум ул маҳлиқо,
 Мунча манинг меҳнатим ўлғай ҳабо.
 Хусн деди:— Бор манга икки гулом,
 Ҳар бирининг шифтаси хосу ом.
 Бирисининг отиға дерлар Хаёл,
 Соҳиру шоирдуру соҳиб камол.
 Доғи мусаввир эрур ул бегумон,
 Ўт уза сув чашмасин айлар аён.
 Уйлаки нўш этса қаю ташна лаб,
 Сувсамоғай кўрса неча тобу таб.
 Сув уза ўт суратин этса нигор,
 Сув ерига бўлғувси ўт ошкор.
 Кўрса анинг нақшини наққоши Чин,
 Дегуси юз минг тил ила офарин.
 Қайси суварники ул этса аён,
 Истамас ул жонни, тилар они жон.
 Нақши ҳаво сув уза қилса нигор,
 Борғуси сув елга нечукким ғубор.
 Танга чекар руҳи равон суратин,
 Кўрса киши дегуси жон суратин.
 Табъи анинг қошифи таббир эрур,
 Соҳиби ҳар ҳийла-у тадбир эрур.
 Сўз чоғи гаҳ тунд эруру гаҳ салим,
 Оламаро ўйлаки уммиду бийм.
 Қасримаро ёна эрур бир қули,
 Қул дема, де гулшанаро булбули.

Оламаро мулк деҳу тожгир,
Яъни отам Ишқ шаҳи беназир,
Берди манга ани ўшул хуш ниҳод,
Савтидин этгай манга то жонни шод,
Уйла киши бўлмагай офоқаро,
Рост наводур бари ушшоқаро.
Они тилар аҳли Ҳижозу Ироқ,
Истар ани хайли висолу фироқ.
Оти анинг Нағмаи ширин эрур,
Руҳ ғизоси онга талқин эрур.
Ёна доғи англа яқин, эй надим,
Тухфаи дур манда мисоли адим,
Яъни ўшул лаъли равон бахш эрур,
Хотам эрур, суврати жонбахш эрур.
Анда эрур барча зулоли ҳаёт,
Кимки солур оғзиға, топмас мамот.
Андин эрур аҳли жаҳонға фараҳ,
Сабт дурур онда дуои қадаҳ.
Билгай ани кимсага ким бўлса жон,
Чашмаи ҳайвондин эрур бу нишон,
Мужмал анинг васфини айлай тамом,
Лаъли лабимдек эрур ул шодком.
Ул ики қулни санга айлаб рафиқ,
Бергомен ул муҳрни бордур ақиқ.
Ҳолинга то ул ики бўлғай гувоҳ,
Чашмаи ҳайвонға бу бе иштибоҳ.
Бўйла дебон муҳрни таслим анга,—
Айлади ул соҳиби дайҳим анга,
Дедики:— Бу муҳрни сол оғзинга,
Таъмини ҳам айла равон бўғзинга.
Қай сари коминг эса борғунг равон,
Анда аён бўлғосен элдин ниҳон.
Бўйла дебон икки қулин анга ёр,
Айлади ул шоҳи фалак иқтидор.
Деди Назар:— Эй шаҳи соҳиб карам,
Ғам емаким етгум эрур дам-бадам.
Кўз очибон юмғуча ўтмай замон,
Хизматинга келгум эрур бегумон.
Ҳам доғи келтургум эрур дилбаринг,
Бўлғуси кўргач сани ул чоқаринг.
Бўйла дебон фотиҳа олди Назар,
Деди қадар анга сафар бехатар.
Бир неча атбоъ ила ҳамдам анга —

Бўлди ўшул Нағмаи маҳрам анга.
 Кимки ўшул сирға эди пардадор.
 Кимгаки қонуни адаб бўлса ёр,
 Бир-бирига бўлди алар кўку соз,
 Тутти ул эл борча тарийқи Хижоз.
 Барчаи атбоъ ила ул хушнаво,
 Қилди фусун учти чу мурғи ҳаво.
 Нағма қилиб маййи мақому макон,
 Доғи хаёл айлади таййи замон.
 Чунки алар жўмла сабуксор эди,
 Учғоли тайёр эди, тайёр эди,
 Чарх уза тайрон этибон ул фариқ,
 Гулшани қудси сари тутти тарийқ.
 Кўрди Назар топти ул эл болу пар,
 Бўлди ўзи учмоқиға чорагар.
 Оғзини ул муҳрға қилди макон,
 Бўлди жаҳон жисмида жондек ниҳон,
 Шому саҳар сайр ила, суҳбат била,
 Йўл юрубон айш ила, ишрат била,
 Мулки Бадан сорига бирдан равон,
 Бўлди бари руҳи равондек ниҳон.
 Бўлди Назар ҳам яна суръатнамо,
 Хотами лаъли солиб оғзиаро.
 Бир ёнида эрди Хаёли амин,
 Бир ёнида Нағмаи дору ҳазин.
 Ё раб, ўзинг каъбаи кўйингни жо —
 Айла Нишотийғаки бор юз қаро.
 Жону дил ила ани айлаб тавоф,
 Бўлғай анга чеҳраи дил поку соф.
 Соқий, олиб кел майи ноби талаб,
 Кўргали дилдорими бўлғай сабаб.
 Токи ўшул майдин ўлиб комёб,
 Рафъ этайин неки бор эрса ҳижоб.

Хотами фармон паноҳи сулаймони деви даврони зул-
 моний қўлида аён бўлуб ва чеҳраи давлату иқбол анинг
 ашъаси била орази хаёл аҳли мақол киби тобон бўлғонида,
 яъни наққоши саноеъ ва устоиди бадоеъ, равзаи чархи барин
 насринларин жам этиб, гули оташин пайдо, балки пурлаъли
 рангин ҳувайдо қилғонида Назари покзамир амири кабир,
 кишваргиру манзури худойи лоназир, яъни Фуод волони-
 ҳодға ул дурратут-тожи хўбидин ва ул афсари маҳбубийдин,
 яъни Хуен муалло макондин хотами лаълин нишон олиб,

Нағма била Хаёлни шоҳиди ҳол этиб келтурғони:
Хаёлким, фарроши савомеъи ишқ ва наққоши саноеъи Да-
машқ ва суврати нигор Хусн парирухсор эрди, андин Фуод
сурат талаб қилғони.

Хаёл бир суврати дилкаш ва бир нақши маҳваш чизиб,
яъни жамоли Хусни бемисолни бир пора ҳарирга таҳрир
этиб, Фуоднинг суврати ҳолин тағйири аҳвол, балки сув-
рат киби лол ва беҳол қилғони.

Шоҳ саҳар уйқудин очти кўзин,
Деди нужум аҳлиға пинҳон сўзин.
Ани эшитгоч этиб ҳар ён шитоб,
Бўлди бари суръат ила чун шихоб.
Ҳар бири бир ёнға югурди равон,
Ўлди анинг бариси кўздин ниҳон.
Билмади бир кимса қаю ерни жо,
Айлади ул хайли фалак муттако.
Анда қилиб қатъи масофат Назар.
Турфатул айн ичра ўтишти магар.
Тахти ҳукумат уза шоҳи Фуод,
Ўлтурубон айлар эди адлу дод.
Мулки Баданнинг бари сарвлари,
Оллида саф эрди диловарлари.
Кирди анинг ёниға бирдин равон,
Ўйлаки жонсиз танаро кирса жон.
Борди ўшул тахти муалло сари,
Тутти юзин Каъбаи улё сари.
Шоҳға еткурди дуруду салом,
Ҳар неки лозим эди қилди тамом.
Иззату эъвоз ила шоҳи Фуод,
Чекти қучоғиға ани қилди шод.
Анда қиёмат бўлубон ошкор,
Бўлди фараҳ бирла фалак қасри тор.
Топти ўшул қасраро таскин фазаъ,
Баргараф ўлди ики ёндин жазаяъ.
Сўрди амонлиғ шаҳи воложаноб,
Ена Назарға деди:— Эй комёб,
Кетголи сан дийдаларим ичра нур —
Йўқ эди жону дилим ичра сурур.
Кечаю кундуз бор эдим интизор,
Шукрки, еткурди сани биру бор.
Энди неким бўлса ҳикоят санга,
Онглагудек бўлса ривоят санга.

Бир-бир ани этмайин асло шитоб,
Сўзлагосан бизга аё комёб.
Токи сўзинг бошдин-оёқ дилнишин —
Бўлғай ҳазин жонга чу нақши нигин.
Ҳар неки кўрдинг юрубон қўху дашт,
Бизга дегил ҳар не эса саргузашт.
Деди Назар:— Эй шаҳи гардун мақом,
Топтим ани ҳар не сангадур маром.
Давлату иқболинг ўлуб ёварим,
Бўлди бирор манзилу маъво ерим.
Анда эди манбаъи оби ҳаёт,
Теграсида гулшани фавзу нажот,
Васфин анинг демаким имкони йўқ.
Чунки гаройибнинг эрур сони йўқ.
Гулшан анга хори жафодин фузун,
Булбул анга сори балодин фузун.
Сарв ила савсан анга озод эрур,
Ўйла алифдекки дили шод эрур,
Анда қаю нахли дилосо бўлуб,
Мисли алиф зеб ила зебо бўлуб.
Сунбулининг суратидур жиму дол,
Бўлмоғуча жад анга етмок маҳол.
Сарви сарафрозига қилсанг назар,
Чеҳра анга шамс эрур мухтасар.
Анда ажаб сунбулу шамшод эрур,
Шам киши андинки топар шод эрур.
Меваи алтоф ила ҳар бир шажар,
Лутф расон ўйлаки файзи саҳар.
Анга биров молики амлок эрур,
Ҳоки раҳи бу тўқуз афлок эрур,
Оти анинг эларо Ҳусни Жамил,
Меҳри фалак де ани беқолу қийл.
Лекин агар қилса аён қийлу қол,
Меҳри фалак бўлғуси оллида лол.
Меҳр дема, де ани жондин нишон,
Жисми жаҳон ичра ниҳондур чу жон.
Маскан эрур Қалъаи Дийдор анга,
Маъман эрур Гулшани Рухсор анга.
Чашмаи ҳайвон деган, эй ҳукмрон,
Бордурур ул гулшанаро бегумон.
Лек киши билмади андин хабар,
Мумкин эмас сурати жондин хабар.
Ҳожат эмас васфиаро дoston,

Басдурур андин санга ушбу нишон.
Деди-ю хотамни чиқарди Назар.
Шаҳ назариға ани чун жилвагар.
Қилдики бор эрди чу лаъли хушоб,
Эрди фараҳбахш чу гулгун шароб.
Шоҳ ўшул лаълға солғач кўзин,
Лол ўлубон топмади бирдин ўзин.
Суртгоч олиб кўзига [ул]хотами —
Бўлди намоён анга бир олами —
Ким йўқ эди анда аламдин нишон,
Меҳнату кулфат била ғамдин нишон.
Меҳр қилиб дарду алам дийдасин,
Сели бало дийдаи ғамдийдасин.
Шод ўлубон сўрди Назардин равон,
Чашмадин ўлди манга хотам нишон
Бу сўзники қилғонидин эътибор.
Кўнглимаро қолмади ҳаргиз ғубор.
Чашмани кўрганча билибман қарин,
Хотам ўлуб маншаи илмил яқин.
Улки дединг қаср ила гулшан эрур,
Ҳар бири бир дийдаи равшан эрур.
Ена дединг соҳиби қасри жамил,
Лозим эди онлара ҳам бир далил.
Деди Назар:— Эй шаҳи гардун паноҳ,
Келтурайин бир десанг икки гувоҳ.
Кўргузайин, билки жамил икки юз,
Десун алар санга далил икки юз.
Қўшмиш ўшул шаҳ манга икки ғулом,
Бири қуёш, бириси моҳи тамом.
Исми шарифи бирисининг Хаёл,
Ена бири:— Нағмаи Фаррух мақол.
Ҳар бирисида неча чокар эрур,
Ким бариси чун шаҳи Ховар эрур.
Хизматинга айламиш ул маҳ равон,
Билмиш ўзига сани жисм ичра жон.
Ҳар неки кўрмиш эди андин Назар,
Шаҳ қошида деди барин сар-басар.
Деди шаҳ:— Эй ёри садоқат калом,
Қайда ул эл то бўлайин ман ғулом.
Бўйла дегач чиқти Назар тошқарин,
Кирди ул эл рухсат ила ичкари.
Сажда ғуборидин ул эл сарфароз,
Бўлди бари ўйлаки аҳли намоз.

Бош кўтариб шаҳга дуруду салом —
Деди алар баъд қуъу қиём.
Шаҳдин ижозат бўлбон жо-бажо,
Кўз уйида ўйлаки оқу қаро —
Урнида ўлтурди ҳама сар-басар,
Шоҳ алар сорига солди назар.
Барчаси марғуб эди, маҳбуб эди,
Ул бириси бу биридин хуб эди.
Садрий эди онлара болонишин,
Оти анинг эрди Хаёли амин,
Сўрди Фуод аввал анинг ҳолини,
Йўл юругон сурати аҳволини.
Истади анинг ҳасабидин нишон,
Доғи насабдинки бор эрди ниҳон.
Иззат ила деди Хаёли мунир:
— Эй шаҳи гардун фану соҳиб сарир.
Аслим эрур коф ила нун водаси.
Йўқтурур анинг нар ила модаси,
Гоҳи ерим қуллаи хоро эди.
Гоҳи манозил манга саҳро эди,
Гоҳ самовот уза сойир эдим,
Бешаи афлокаро тойир эдим.
Сайр этибон барча билоду диёр,
Тутмас эдим бирида анинг қарор.
Шоҳий эрур жой анга машриқ замин,
Оти анинг Ишқ дурур, бил яқин.
Тахти хилофатда эрур ҳукмрон,
Мулки жаҳон ичра эрур қаҳрамон.
Тутти-ю ногаҳ мани қилди асир,
Ман ҳам ўзумга ани билдим амир.
Ишқи жаҳон сўзга чокар эдим,
Лек жаҳон бошига афсар эдим.
Бор эдим айлаб анга хизмат аён,
Дарғаҳида маҳрами сирри ниҳон.
Сўмиаи Ишқга фаррош эдим,
Доғи ҳунар бобида наққош эдим.
Бор эди бир қурратул-айни анинг,
Оламари шўр ила шайни анинг.
Буржи саодатда мунир ахтари,
Дуржи латофатда самин гавҳари.
Шоҳдур ул қалъаи Дийдор уза,
Моҳ эрур Гулшани, Рухсор уза.
Кўрса юзин ой ила кун ногаҳон,

Пардаи хижлатаро бўлғай ниҳон.
Молики сарчашмаи ҳайвон эрур,
Оти анинг Хусни жаҳонбон эрур.
Ул қизиға Ишқи муалло мақом,
Ани куном этти, мани ҳам ғулом.
Топти Фуод ушбу сўзига вуқуф,
Дедики:— Эй донишаро файласуф,
Асли насабдин биза бердинг хабар,
Айла ҳасабдин яна ҳам баҳравар.
Яъни чекиб ул деганинг суратин,
Бизга аён айла анинг талъатин.
Хўш, деди-ю илкига олди ҳарир,
Ёзди бирор сурат анга дилпазир.
Бошдин-оёқ нозу адоу фиреб,
Анда аён зийнату анвоъи зеб.
Шамъи жамоли қилибон ошкор,
Этти малак хайлини парвонавор.
Гулга ани қилса эди рӯ-барӯ,
Қолмас эди анга бу рангу бу бў.
Қилса анинг қаддин агар ёд сарв,
Боғидин ўлмас эди озод сарв.
Ҳури жинон кўрса анинг суратин,
Бузғай эди тирноғи ўз талъатин.
Кўрса паризоди Эрам ногаҳон,
Бўлғай эди эл назаридин ниҳон.
Шоҳи Фуод оллиға бу номани,
Сўнди ёзиб солғали ҳангомани.
Кўргач ани ул чекиб ўтлуғ хуруш,
Ётти ўлуклардек этиб тарки хуш.
Нахли вужуди ер уза соявор,
Уйла йиқилди кўка чиқти ғубор.
Этмиш эди жон олиб озод марғ,
Жон берибон қилди яна шод марғ.
Зоҳир этиб анда Назар изтироб,
Шаҳ юзига септи юзидин гулоб.
Кўз қаросин мушк киби қилди дуд,
Қилди анинг дуди фалакка суъуд.
Комиға ул хотами лаъли равон,
Солди анга бермок учун тоза жон.
Дема нигин жавҳари жон келтуруб,
Берди Назар анга равон келтуруб.
Сесканибон молики амлоки жам,
Турдики қочмиш эди қайғую ғам,

Лекин эди жониаро доғи шавқ,
Ваҳ на дедим бўлмиш эди боғи шавқ.
Ноласи маддидин эди анда сарв.
Оҳ қушидин доғи ҳар ён тазарв.
Доғ дилидин бўлубон ноласи,
Ашки эди лола уза жоласи.
Қўнглиаро бўлмиш эди навбаҳор,
Лола киби ҳар гул анга доғдор.
Фикр этибон сурати тимсолиға,
Йиғлар эди сурати аҳволиға.
Бошдин-оёқ оҳу надомат эди,
Қўнглиаро жўши қиёмат эди.
Қолмайин орому саботи анинг,
Учғали йўқ эрди қаноти анинг.
Турғали ҳам йўқ эди сабру қарор,
На анга хушу хираду ихтиёр.
Эл сўзининг фаҳмини билмас эди,
Бўлмиш эди масту айилмас эди.
Қўрди Хаёл ани бу ёнглиғ хароб,
Дедики:— Эй шоҳи муалло жаноб.
Бир кишидур бизлара ёру надим,
Оламаро мисли анинг бор адим.
Оти анинг Нағмаи дилсўз эрур,
Савти анинг ўйлаки Наврўз эрур.
Зот анга қонуни адабдин мисол,
Аҳли тараб ичра эрур хуш мақол.
Чекса Наво дард ила ушшоқаро,
Аҳли жаҳон бўлғай анга бенаво,
Қилса Ироқ ичра агар сўзу соз,
Куйгуси ул ўт била аҳли Ҳижоз.
Рост эрур борча навоси анинг,
Жонға фарахбахш адоси анинг.
Ишқ элидин воқифи асрор эрур.
Дард элидин орифи ахбор эрур.
Маскан анга равзаи улё экан,
Ул ер анга манзилу маъво экан.
Одам ила чиқмиш экан ул ҳазин,
Бир бўлубон ул икки зору ғамин.
Анда заламноға экан ҳамнафас,
Нола била ўйлаки мурғи қафас.
Токи анга раҳмати лутфи амийм,
Қўргузубон илкани тутмиш карим.
Ул доғи жаннатда бўлуб сарфароз,

Мунга мақом ўлғон эмиштур Ҳижоз.
 Завқ ўйлаки ҳамдами Қақнус эрур,
 Шавқ ўйлаки маҳрами ноқус эрур.
 Гоҳи қилур дайри муғонни макон,
 Гоҳи бўлур ҳамдами аҳли азон,
 Гоҳи қилур баҳр киби шўру шар,
 Гаҳ бўлур ул эл била ширу шакар.
 Аҳли сурур ичра бўлур бир замон,
 Мотам эли бирла чекар гаҳ фиғон.
 Деса бўлур аҳли каромат анга,
 Чунки эрур таййи мақомот анга.
 Шоҳ сўзин қилса анинг истимоъ,
 Хотирига бўлғуси бешак симоъ
 Қилди адо сўзни бу ерда Хаёл,
 Базм элига юзланибон ўзга ҳол.
 Шоҳи Фуода доғи етти сурур,
 Билди ани дийдаи жон ичра нур.
 Бўлди чу ул тухфа муяссар анга,
 Мулки жаҳон бўлди мусаххар анга.
 Етти анга тухфае жононидин,
 Иззат этиб анга дилу жонидин,
 Тўкти аёқига кўзи гавҳарин,
 Тахт уза миндурди бериб афсарин.
 Ҳар неки лозим эди қилди тамом,
 Мулки тараб топти тамоми низом.
 Ҳар киши ўз ўрнида топти қарор,
 Шоҳ қилибон сўзни дури шоҳвор.
 Нағма сори боқти бўлуб дилкушо,
 Дедики:— Эй савтинга жоним фидо.
 Лутф эту чек соз ила ўтлуғ суруд,
 Куйсун анинг ўтидин у тори уд.
 Этсун анинг дуди муаттар димоғ,
 Ёнсун анинг ўти била боғу роғ.
 Нағма доғи кўргузубон инқиёд,
 Айлади довуз равонини шод.
 Қайси наво анда мувофиқ эди,
 Қайси садо доғи мутобиқ эди.
 Назм қилиб дер эди ул ҳасби ҳол,
 Ҳайрат ила лол эди аҳли мақол.
 Васл кунин гоҳ ҳикоят этиб,
 Ҳажр тунин гоҳ шикоят этиб,
 Гаҳ дер эди шикваи жаври рақиб,
 Гоҳ қилур эрди фиғони ғариб.

Соз эгар эрди гаҳи сўзи фиروق,
 Дер эдики ноираи иштиёқ.
 Анда неким савт ила танин эди,
 Силсила жунбони мажонин эди.
 Хушу хирад бор эди девонаваш,
 Сўфийи ақл анда эди журъакаш.
 Қилди баён ҳар неки таълиф эди,
 Бўлди адо нақш ила тасниф эди.
 Шоҳи Фуод ул шаҳи гардун жаноб,
 Бор эди ороми анинг изтироб.
 Айлар эди жонига ҳар дам ситез,
 Най елидин эрди анинг ўти тез.
 Айшу тараб ўрнига шўру шаъаб,
 Айлар эди ул шаҳи воло лақаб.
 Чок этибон жайбини ул гул киби,
 Айлар эди гулгули булбул киби.
 Гоҳ ўзида эди-ю гоҳ йўқ,
 Ҳар на деса эл анга огоҳ йўқ.
 Ё раб, этиб ишқ майидин насиб,
 Гулшани шавқингаро қил андалиб.
 Ақл уйидин жоними қилғил йироқ.
 Айлама таклиф эса моло ютоқ.
 Соқий, этибдур мани ақлим забун,
 Бер қадаҳи то ўлай аҳли жунун.
 Аҳли хирад базмида этмай даранг.
 Тарк этайин ор ила номуси нанг.

Бози сипеҳр рўзи пурнур азоби шаби дейжурни сайд
 этконида Кўси салотин гўши заминни пуртанин этиб,
 фарёд нойи руйин фарсаҳ дар фарсаҳ кетконида мургони
 шажарий, афғони саҳарий зоҳир этиб, гафлат қушлари
 ҳузурин учурмоқ учун хушовоз муқаррийлар киби Довуди
 адолар ва ҳусайний наволар кўрсатмак била анжумани ан-
 жумни паришон ва оий жаҳоноройни беному нишон эткони-
 да Хаёли махтол Фуоди беболу пурмалолни бадҳол кўруб,
 азми диёри ёрға ва таважжуҳ кўйи дилдорға издиёд тар-
 гиб эткони; нўши иззу ноз била ниши вирду ниёз буъдал-
 машриқайини ва даъвойи муҳаббат била савдойи салта-
 нат жамъи «байнал-ухтайн» эрконин иршод эткони ва Нағ-
 маи хушмақол доғи шаҳри Дийдор ва Гулшани Рухсор
 сўзин абёти муболағадор била қийлу қол этиб, Фуоднинг
 кўнглин беҳол қилғони.

Бу сўзларни шоҳи Ақлнинг Ваҳм деган вазири бетад-

бири пуртазвири истимоъ этиб, ул базм тарафиға видоъ этиб, гурраи гаррой сабоҳ ва турраи мутарройи равоҳдин зоҳир бўлғоч лавҳ дилиға таҳрир этиб, шоҳи Ақлнинг оллида тақрир эткони: «фанзир аширатакал-ақрабийна насси танзийли раббил-оламин» эрконини анга назир кўрсатгони; султони Ақл Ваҳмининг бу нақлин рад қилиб, даъвосиға баййина ва қазийясиға натижа истамокининг қазоёси:

Шад била баст ичра хурўси сабоҳ,
Нағма чекиб қочти ғуроби равоҳ.
Учти фалак мазраъидин шаб қуши,
Қочти жаҳондин яна кавкаб қуши.
Боз фалак бағри қаро қушни сайд
Айлади бе ҳийлау бемакру кайд.
Хоби фароғат гулининг жоласи,
Бўлди жаҳон ичра азон ноласи.
Меҳр ўлубон дафеъи савдойи даҳр,
Бўлди фузун иллоти сафройи даҳр.
Даври фалак зоҳир этиб инқилоб,
Анжумани анжуми қилди хароб.
Ҳар неки ишрат эди оламаро
Бузди, фалакнинг юзи бўлсун қаро.
Кўргач ўшул ҳолати шоҳи Фуод,
Ақли жаҳонжў ишидин қилди ёд.
Ваҳшат этиб Ақлдин ул сарфароз,
Доираи чарх била бўлди соз.
Қўймади ул анжуман элга ҳужум,
Бузди нечук анжуми шоҳи нужум.
Базм элини айлади кўздин ниҳон,
Токи фалак анжуми ўлғай аён.
Этти ниҳон анжуман ақлин тамом,
Қилди ўзи Ақл сариға хиром.
Токи анинг қасдини фаҳм этмагай,
Айру тушордин доғи ваҳм этмагай.
Бўйла тафаккур била ул дилфигор
Борди ота ёнида тутти қарор.
Кўнглиаро уқда эди сони йўқ,
Печиш эди жонида поёни йўқ.
Лекин эди зоҳири хандону шод,
Билмагай ул эл анга то эътиқод,
Ақлға хизмат этибон токи тор,
Ўлғуча тор-тор эди ранжи хумор.
Нажм киби мунтазири шом эди,

Шомдин ул базму тараб ком эди,
 Ул кун ота хизматида мин фалақ,
 Бўлди машаққат била токим ғасақ.
 Яъни ўлуб даҳраро ҳангоми шом,
 Тутти саропардаи ишрат залом.
 Келди ўзи қасрига шоҳи Фуод,
 Бўлди қудуми била базм аҳли шод.
 Пардаи ишратаро ўлтурди шоҳ.
 Пардаи шаб ичра анингдекки моҳ.
 Улки сўзи гавҳари матлаб эди,
 Ҳодисаға ҳомиладур шаб,— деди.
 Ани унутмиш эди ул шоҳи аср,
 Қилди музайян яна айвони қаср.
 Чекти яна нағмаи дostonсаро,
 Гулшани базм ичра чу булбул наво.
 Эл ёқосин гулдек этиб чок-чок,
 Топмиш эди шоҳи мақоми ҳалок.
 Боқти анинг ҳолиға ул дам Хаёл,
 Бор эди дилхаста-у ошифтаҳол.
 Тошмиш эди баҳри бало бошидин,
 Ошмиш эди нори ҳаво бошидин.
 Баҳри муҳаббатда бор эрди ғариқ,
 Оташи меҳнат била эрди ҳариқ.
 Дедики:— Эй шоҳи Сикандарнизом,
 Хизри раҳингдур бу камина гулом.
 Бошлағум ул каъбаи улё сари,
 Элткум ул мақсади ақсо сари.
 Оби ҳаёти санга айлаб қарин,
 Айлагомен дилбаринги ҳамнишин.
 Гулшани Рухсор ичида шодком,
 Қилғунг эрур анда муаббад қиём.
 Деди бу сўзларни Хаёли амин,
 Деди Фуод анга туман офарин.
 Базм эли ҳам айладилар иттифоқ,
 Борча дебон кетмок эрур яхшироқ.
 Қўйди сўзин кетколи ул базмаро,
 Қалъаи Дийдорға оқу қаро.
 Деди:— Алар боғлабон эҳроми том,
 Байти ҳаром этгуси байтул-ҳиром.
 Борчасига Каъба бўлуб мултамас,
 Хори мўғилон қилиб онлар ҳавас.
 Деди бори жон анга қурбонимиз,
 Рукни мақомиға фидо жонимиз.

Гарчи сафар сурати бордур сақар,
 Шавқ ўтининг ёнидадур пуршарар.
 Чеккуча бу ўтаро ранжу алам,
 Борча сафарга бўлолиқ ҳамқадам,
 Ҳар соридин қўзғолибон ҳою-ҳў,
 Айлар эдилар бу сўзи гуфтуғў,
 Кимда талаб бўлмаса ул банда йўқ,
 Шавқ ўтидин жон анга тобанда йўқ.
 Гул тилаган хоридин этмас ҳазар,
 Мул тилаган талхини билмас зарар.
 Болу бало жинсиғадур ҳамнишин.
 Молу алам ҳарфиға бордур қарин.
 Ким бошидин ташласа савдойи сийм,
 Анга адо қилғусидур ям карим.
 Салтанату изз фано бошқадур,
 Маскинату фақру фано бошқадур,
 Бу ики бир-бирига зиддон эрур,
 Жамъ ўлури, ваҳки, на имкон эрур?
 Кимки қилур гулбуну гулшан ҳавас,
 Гулшанаро бўлмағуси бир нафас.
 Солики ишқ истамагай қофила,
 Зоди таваккал била дур роҳила.
 Ашк суйи бирла жигар қонидин —
 Қилди физо, кечди ул эл жонидин.
 Айламасак биз доғи жондин гузар,
 Мумкин эмас айламак ул ён сафар.
 Ёд этибон борча муаккад ямин,
 Кетмокини қилди алар дилнишин.
 Мутриб эли доғи чекиб сўзу соз,
 Айлади оҳанги навойи Ҳижоз.
 Ёд этибон Қалъаи Дийдор алар,
 Зикр этибон гулшани рухсор алар.
 Чашмаи ҳайвонға доғи деб дурур,
 Чекти ул эл базмаро ўтлуғ сурур.
 Олди улусдин хираду ихтиёр,
 Субҳға бўлди бори эл интизор.
 Қилди уфуқ роза била юз сафид,
 Еруди ул хайлға чашми умид.
 Овни баҳона қилиб ул шаҳриёр,
 Қочмоқ эди отасидин ошкор.
 Лекин ани сайд қазоу қадар
 Айлаб эди, лек анга йўқ ҳеч хабар.
 Чунки булар қилганида иттифоқ,

Кейнида деворнинг эрди қулоқ.
Бошдин-оёқ сўзларини истимоъ
Айлаб аларға қилиб эрди видоъ.
Оти анинг Ваҳми баложў эди,
Баддилу баддин эди, бадгў эди.
Даҳр элининг эрди суҳанчини ул,
Умр ўтубон демас эди чинни ул.
Чин сўзидин бўлса улусға бало,
Чин дер эди англабон ани хато.
Эрди вазир Ақлға ул бадниҳод
Борди, бу сўзларни анга қилди ёд,
Дедики:— Шаҳзодаға барбат мисол,
Вожиб эрур айлагосен гўшмол,
Улки ямон яхшиға қодир эрур,
Амри анинг элга фаанзар эрур.
Шому саҳар пешасидин хойиф ул,
Солғуси ғурбатға ўзин воқиф ул.
Ҳарна Хаёл анга деб эрди ниҳон,
Нағма на ғамларники қилди баён.
Борчасини шаҳға ани қилди нақл,
Лекин анинг сўзини рад қилди Ақл.
Нақлиға чун йўқ эди бурҳон яқин,
Рад қилибон сўзини султони дин.
Ваҳмға дедики:— Бу на фаҳм эрур,
Сар-басаринг хавф била саҳм эрур.
Борча санга даъвий эрур бедалил,
Оламаро мундин эурсан залил,
Ҳарна хабардур санга бил-кулл тамом,
Эотинг эрур конаи ноқис на том.
Ҳарна тасаввур санга тасдиқ эрур,
Қайдаки тақлид эса таҳқиқ эрур.
Сўз деганинг зар киби ройиж керак,
Ушбу қазоёға натойиж керак.
Ваҳм деди:— Эй шаҳи рўйи замин,
Бўлсун ўшул қазя санга дилнишин.
Бандаи фармон эрур ашё санга,
Олами суғро била кубро санга.
Мунда далоиллар эрур бешумор,
Доғи васоитға топилмас канор.
Манда эрур бу сўза беҳад далил,
Лек сўзинг хайрини дерлар қалил.
Бас анга бу наски ўшул тоифа,
Дори зиёфатаро беҳойифа.

Таргадурур борча навойи ғариб
 Гулшанаро ўйлаки маст андалиб.
 Бир-бирига борча мушовир тамом,
 Кетколи омода бори хосу ом.
 Тонгла чу шаҳзодаға азми шикор —
 Бўлди, бўлур анда бу иш ошкор.
 Шаҳри Бадан аҳли бори сар-басар,
 Бўлмиш алар ниятидин бохабар.
 Сан дили ғофилсан ўғул ҳолидин,
 Оғаҳ эрур халқ анинг аҳволидин.
 Ушбу насими сўз ила шоҳи ҳуш
 Айлади дарё киби жўшу хурўш.
 Қаҳру сиёсатдек ики маҳрами
 Чақирибон дедики:— Олмай дами —
 Тобеингиз бирла бориб дору гир,
 Айлабон ул элни қилинлар асир.
 Борчасига, тонгла, қилиб адлу дод,
 Айлагомен зажду уқубатни шод.
 Ё раб, эгиб лутфу иноят рафиқ,
 Боғ ҳаётим сори кўргуз тарийқ.
 Ўйқ эса бу боғ ила зиндонро,
 Ўлгум эрур ҳасрату армонро.
 Лутф қил, эй соқийи раҳмат, манга —
 Бер тўла бир жоми ҳидоят манга.
 Чоҳи залолатаро бу Ақли дун,
 Айлади ҳолимни харобу забун.

Хоқони ховарпаноҳ афсари заррин била сарири силеҳ-ри баринни оромгоҳ этконида ва султони анжумсипоҳ тиғи кийн чекиб, кавокиби кавкабаи иқболин табоҳ қилғонида, яъни меҳри мунир изади беназири фармони ногузир амри била чархи мудирни жилвагоҳ этконида султони Ақлнинг фармони қадри тавамони ва ҳакими қазо жараёни Ваҳмдин сўзига бурҳон истагани; ул тоифаи беҳоифанинг дори зиё-фатдин вазибу шариф, қавий ва заифин хонаи девони фалак айвонға ҳозир қилиб, султони қоҳирнинг борчаси авзонға нозир бўлғони; ул қавми ғурабо ул фирқан удабо ичида жону жигари доғлиғ, бўюн ва оёғи боғлиғ, тиғи жавр била бағри сўкулган ва қаҳри даҳр била бели букулган ошифтаҳол ва зирофамисол бир пири фоний ва бир шайхи муханний кўргани, яъни Ақл Чанг суратин томоша эткони ва яна бир жувони шоҳидмисол ва содажомол бошдин-оёқи-ға халқа ва халхол, қалби сода ва зеҳни кушода бир озода

мушоҳида қилғони; яъни доиранинг нақши ҳувайдо бўлғони ва яна бир барнойи миёнбаста ва миёнаи болорашиқ қад, сабиҳ хад сийнаси машруҳ ва дийдаси мафтӯҳ холи-йиз — зеҳн ва бедил бир адиби комил назарига киргани, яъни Нойнинг кўрунгани, алардин фаръу аслин ва жинсу фаслин ва қасди муродин ва макри ниҳодин ва анису ҳам-ламин ва жалису маҳрамин сўруб, жавобин эшитконининг таронаси:

Шоҳи саҳарким эди анжум сиёҳ,
Қўйди боши узра Каёний кулоҳ.
Қатл учун қисват этиб лолагун,
Қаҳр била дийда анга ташти хун.
Чиқти шафақ устида курсинишин,
Бўлди солиб илжига лаъли нигин.
Яъни чаён буржида зоҳир қуёш,—
Бўлди ҳаво заҳрин этиб элга фош
Бўйла замон Ақл-шаҳи ҳукмрон —
Тахти жалолат сори бўлди равон.
Ултурубон тахт уза Жамшиддек,
Бор эди авранг анга хуршиддек.
Қасри қизил эрди, палоси қизил,
Фарши қизил, шоҳ либоси қизил.
Лаъл бўлуб тахт ила тожи анинг,
Шўъла киби бўлди мизожи анинг,
Бошдин-оёқ лаъл била мухтасар,
Утдек эди ул шаҳи волоғуҳар.
Тўни дема қонаро эрди ғариқ,
Балки эди қаҳр ўтиға ул ҳариқ.
Оллида саф-саф турубон аҳли ёр,
Ҳукмиға бор эрди бори интизор.
Ултурубон икки тараф аҳли жоҳ
Шоҳ қилиб ҳар тарафиға нигоҳ.
Ваҳмға ул соҳиби аркон эди,
Келтур ўшул сўзинга бурҳон,— деди,
Токи алар манзилин айлай адам,
Балки ўяй айн, тўкай сўнгра дам.
Ваҳм деди:— Борчаси тайёр эрур,
Ҳар бириси лойиқи озор эрур.
Ҳозир эди анда вази-у шариф,
Келмиш эди борча қави-ю заъиф.
Шоҳ алар сориға солғач назар.
Бўлди ажойиблар анга жилвагар.
Кўрдикки ул фирқан эрди ғариб,

Тоифаи эрди бағоят адиб.
Раҳм этибон онларинг аҳволига,
Қилди тажассус борининг ҳолига
Кўрди бу ҳолатаро шоҳи жаҳон —
Заъф била бир киши эрди аён,
Банд эди ҳам бўйни, оёғи анинг,
Хушк бўлуб эрди димоғи анинг.
Белини букмиш эди бори жафо,
Бағрини сўкмиш эди тиги бало.
Раг била пай зоҳир этиб пайкари,
Анда гумон йўқ эди жон жавҳари.
Боши уза соч эди ошифта ҳол,
Пир мисол эрди-ю соҳиб жамол.
Тай бўлубон борча мақомот анга,
Ҳосил эди жумла каромот анга.
Оти анинг оламаро Чанг эди,
Вақти наво соҳиби оҳанг эди.
Шоҳ доғи кўрди ажаб сурати,
Ошти онинг ҳайрат уза ҳайрати.
Хайъат анго эрди қуёшдин мисол,
Соҳиби ҳусн эрди-ю зебо жамол.
Ойинадек бор эди ул сода дил,
Эрди кушода анга озода дил.
Пўст бўлуб борча либоси онинг,
Мағзи равон эрди навоси онинг.
Бошдин-оёқ ҳалқаи халхол эди,
Нажм била бадрға тимсол эди.
Доираи чарх уза айлаб ҳужум,
Ойға қирон айламиш эрди нужум.
Гарчи очиб оғзини хомуш эди,
Баҳр киби сийнаси пуржўш эди.
Соҳилининг ҳар тарафи эрди каф,
Эл ичида оти анинг эрди Даф.
Боқти яна ҳар сори фармонраво,
Кўрди биров уни эди дилкушо.
Хатти анинг зайни сабоҳат эди,
Қадди доғи зеби рашоҳат эди.
Бошдин-оёқ жисм анга руҳи латиф.
Кўнгли очуқ, кўзи очуқ бир зариф.
Пайкарида йўқ эди ранг бирла пай.
Аҳли нафас дер эди отини Най.
Шоҳға чун мунча ажойиб сувар
Бўлди намоён ўзидин беҳабар.

Тарк қилиб борча мақолот чанг,
Қилди ҳавас сайр мақомот Чанг.
Ё раб, этиб Чанг киби қадни ҳам,
Эгрилигим бўлди фузун дам-бадам.
Рост, Наво аҳлига айлаб қарийб,
Айлагил Ушшоқ майидин насиб.
Соқий, олиб кел майи оташмизож,
Най елидин шўъласи топсун ривож.
Чанг киби қад қилибон ҳам, ичай,
Тахти Нишот устида чун жам ичай.

Чанги соҳиби фарҳангининг Ақли молики авранг олли-
да сўзу созин ва ниёзи гудозин дегонининг навоси:

Нойи қалам ким эрур ул хуш баён,
Бўйла қилур Чанги навозиш аён.
Деди шаҳ:— Ул бир каломин десун,
Бизга келиб аслу мақомин десун.
Рост Наво созига сурсун мақол,
Деса ғалат кўргусидур гўшмол.
Чанг келиб хизматида бўлди ҳам,
Дедики:— Эй молики амлоки жам!
Замзамаи адлинг ила сарфароз —
Аҳли Сифоҳону Ироқу Ҳижоз.
Маснади хуршид уза бўлсун еринг,
Зухра бўлуб ман киби бир чокаринг.
Асл ватан сўрмоғинг ойин эрур,
Рост десам мулк манга Чин эрур.
Анда мажолислараро садр эдим,
Борча маҳофилда фалак қадр эдим.
Бошим уза эрди ҳавойи гурур,
Жонима бор эрди навойи сурур.
Етса оёқимга гар оби равон,
Келса юзим сориға боди вазон.
Мужтаниб эрдим бу бири гардидин,
Музтариб анинг нафаси сардидин.
Гоҳ таним хулласи ахзар эди,
Гоҳ манга жома мужавҳар эди.
Ёру рафиқим эди булбул наво,
Ҳамдам эдим онлара субҳу масо.
Кимки манга бор эса ул зери даст.
Келса жанобимга агар бўлса паст.
Соя солиб бошиға чун соябон,

Мевадин эрдим анга гавҳарфишон.
Мандин олур эрди вуҳушу гуюр,
Баргу наво балки ҳузуру сурур.
Кўргач ўзумни эларо комрон,
Ужб исини топти димоғим равон.
Жонимаро тушти тафоҳир баса,
Кўнглума юзланди такосур баса.
Деди набий: «Кибру ҳасад шум эрур,
Кимки қилур эларо мағмум эрур».
Билмадим ани, мани гумроҳваш —
Бўлмадим ўз ҳолима огоҳваш.
Айши жаҳон бир зили зойил экан,
Зайф киби ишрати роҳил экан.
Боғи жаҳон охири асмор-мор,
Бор экан охири гулзор-зор.
Сурати дирҳам анга дарҳам экан,
Нағмасида ғам доғи мудғам экан.
Охири умр ўлди рақам мимаро
Марггадур ул икови пешво.
Умр икки ҳиссаси мур-дин нишон —
Бўлса не деб бўлмоғуси талх жон.
Шарбат анга шар била табдур қарин,
Шар била кесмоқлигини бил яқин,
Бир кун олиб келди қазову қадар,
Кесмоқ учун нахлими тиғу табар,
Кесди доғи қилди ватандин жудо,
Гулшану гулзору чамандин жудо.
Қатъ қилиб теша била баргу бор
Чекти ниҳодимдин ўшул дам димор.
Қолмади чун ёру рафиқу шафиқ,
Бошим олиб ман доғи тутдим тарийқ.
Жонимаро тушти чу доғи фиरोқ,
Айладим оҳанги Хижозу Ироқ.
Йўлим уза бор эди бир турфа дайр,
Эттим ҳавас айлагомен ани сайр,
Бордим ўшул гунбази мийнуаро,
Айлагали касб алардин наво,
Халқи анинг эрди мусофирнавоз,
Келди алар сўзи менинг бирла соз.
Бириси овозаси эрмиш баланд,
Деди манга:— Кел бери, эй мустаманд!
Бордим анинг ёнига ман бенаво,
Шоҳ жанобиға нечужким гадо.

Бор эди эгнимда мураққаъ палос,
Ташлатибон берди мурассаъ либос,
Белима ҳам боғлади заррин камар,
Тутти ипак ичра мани сар-басар
Бўйла аён қилди чу лутфи амийм,
Кўргач анинг шаънида хулқи азим
Бўйнуми боғлаб бўлубон бандавор,
Туттим анинг амрини лайлу наҳор.
Ул кишиким зубдаи инсон эди,
Олам элин бандаи аҳсон,— деди.
Топтим анинг давлатидин кўб наво,
Қилди мани лутф ила аҳли ғино.
Лек тушуб ёдима ул рўзгор —
Ким эдим ул гулшанаро пойдор.
Ёд этибон ҳамдаму ҳамсуҳбатим,
Ортар эди меҳнат уза меҳнатим.
Ғолиб ўлуб жонима шавқи жунун.
Савтим эди дард ила чун аргунун.
Асли ватанни тилабон ман ҳазин,
Бор эдим ошуфта-у зору ғамин.
Улки жаҳон мулкига султон эди,
Ҳубби ватанни минал-имон,— деди.
Мундин этиб оламаро сўзу соз,
Айлар эдим сайр нашибу фароз.
Ҳусн эли қилди мани ногаҳ асир,
Эрдим алар ичра фақиру ҳақир.
Жувд ила ул эл қадим этти ҳилол,
Дард юки остида ондоқки дол.
Тожи фалак ҳусни Сулаймоннигин,
Банда анга машриқу мағриб замин.
Қаддим эрур бу сўза равшан далил,
Ҳожат эмас кўб демоким қолу қийл.
Бандаларин бу сори эткоч равон,
Қилди мани анлар ила ҳаминаон.
Сўз биладургон доғи элчи эмон,
Шаҳ қошида билмаганимни демон.
Бўйла бало ичра эдим ман ғариб,
Чектиму қон йўқса чекибдур насиб.
Ушбу ера келдим оёғим била,
Мунча гаронбанд ила, боғим била
Лутф ила гар чекса наво комкор,
Топғум эрур оламаро эътибор.
Қаҳр сори айласа оҳанг шоҳ.

Тушгусидур бошима рўзи сиёҳ,
 Кимки фалак чангида бўлди асир,
 Чанг киби чекса тонг эрмас нафир.
 Бўйла дебон чекти бир ўтлуғ хуруш,
 Солди бошин ерга-у бўлди хамуш.
 Ё раб, ўлуб чанги бало ичра зор,
 Чанг киби даҳр манга бўлди тор
 Раҳм этиб ул чангдин айла халос,
 Доираи хос ила пурихтисос.
 Соқий, олиб кел қадаҳи дўст ком,
 Доирадек пўст бўлубман тамом.
 Доирада ҳалқаи халхол эрур,
 Манда салосил била ағлол эрур.

Дафнинг Ақли соҳиб шараф олида арқосин ўтга
 тутгондин сўнг жўшу хуруш қилиб, оғзидин даврасига каф
 сочиб, доира ҳарфидин чашмаи дарё исбот эткони, оби ҳай-
 вондек равносо ва жонфизо сўзлар айтиб, шоҳи Ақлни
 қарийб мот қилғони. Хуллас мабдаи ҳолдин маржиъи ма-
 олға тегра оби соф этконининг алолоси:

Мулки Хито ичраки чиний навоз,
 Бўйла Ҳижоз ичра чекор сўзу соз
 Ўрни деди хомаи дастонсаро,
 Чанг сўзин қилди адо базмаро,
 Чанг сўзидин шаҳ ўлуб баҳравар,
 Сўрғали сўз Даф сори қилди назар.
 Ўтдек ўлуб тез анга қилди итоб,
 Рост дегил,— деди шаҳи комёб,
 Фасл китобинг,— деди,— айла баён,
 Асл ила бобинг доғи этгил аён.
 Неки сўруб шаҳ бор эди ул хамуш,
 Кар эди, нечунки анга гўши ҳуш.
 Шоҳ сўруб боғи Ҳижозу Ироқ,
 Ул дер эди доғи балойи фиरोқ,
 Қаҳр этибон ул шаҳи оташ мизож,
 Карлигига ўт била қилди илож.
 Сўнгра деди:— Тортинг анга неча чўб,
 Токи десун ҳар наким ул билса хўб,
 Орқасини ўтга тутуб, кўб азоб—
 Берди ўшул Ақлий муалло жаноб.
 Бир-ики силлий егач ул нотавон,
 Бўлди шаҳ олида саросар забон.

Давр элидин кимки кўрар гўшмо,
Лол эса ул топғуси бешак мақол,
Иззат ила ҳам қилибон қоматин,
Упти ер оллида тилаб давлатин.
Қилди дуо доғи сано-у дуруд,
Пардаи оҳангини қилди суруд.
Оразидин пардаи нақши ҳаё.
Ташлади, бўлмоқлиқа дostonсаро.
Дедики:— Эй шоҳи муалло жаноб,
Доираи чарх уза бўл комёб!
Шамсу қамар базмингаро Даф эрур,
Баҳр қўлинг жуду сахо каф эрур.
Ман доғи бир баҳр уза ғаввос эдим,
Рўз-шаб ул сув уза раққос эдим.
Одами обиға доғи ҳукмрон...
Эрдим, аё шоҳи Фаридун макон.
Бир неча ҳамжинс эдилар ҳамдамим,
Шому саҳар мунисиму маҳрамим.
Ҳар бири юз дониш ила нуктагир,
Ойинадек борчаси равшанзамир.
Лаҳну наво бирла чекардин хуруш,
Баҳр димоғиға тушар эрди жўш,
Сувки эрур ойинаи беғубор,
Ишрат ила анда эдим комкор.
Баски эдим масти шароби ғурур,
Аксими кўрмакдин эдим доғи дур.
Анда гуризон эди мандин наҳанг,
Харчанга не ҳадки манга солса чанг.
Гоҳ ҳаво узра тутуб ошён,
Айлар эдим гоҳ сув узра макон.
Мурғ ила моҳий эди фармонпазир,
Чунки таҳамтан эдим ҳам далир.
Кўҳи фалак қулласи гаҳ тахтгоҳ
Эрди манга сув тубиға сайдгоҳ.
Саҳни фалакка сув сочиб чун нужум.
Айлар эдим зийнатин анинг ҳужум.
Гоҳ ер узра бўлубон қатрабор,
Муртафиё айлар эдим андин ғубор.
Ер била кўк саҳниға зийнатфизо
Этмиш эди зотими лутфи худо.
Водийи ҳирқатда вуҳушу туюр,
Сувсиэ агар қолса алар биз-зарур.
Соқийи кавсардек ўлуб жилвагар,

Сув берур эрдим алара сар-басар.
Баҳри саодатда эдим ноҳидо,
Дашти залолатда эдим раҳнамо.
Баҳр ила бар ичра бор эрдим далир,
Гоҳ наҳанг эрдиму гоҳи чу шер.
Тангаи моҳий била то сийми моҳ,
Салтанатим сиккаси ичра паноҳ.
Топмиш эдилар бориси сар-басар,
Мандин эди барчасига зебу фар.
Билмас эдим ани мани бенаво,
Доираи чарх қилиб можаро.
Узр била қилғуси охир асир,
Топмағуси бизни тилаб бу ғадир,
Айладим иқболи жаҳон муддао,
Билмадим акси бор экан лобақо.
Кохи жаҳон қалби доғи хок экан,
Рутба анга гарчики афлок экан.
Исм ила расми сўнги ҳам борча сам,
Бор экану ҳимматининг боши ҳам.
Сурати динор анга дей нор экан,
Совуғ-исиг мужиби озор экан.
Аввалида зоҳир экан замҳарир,
Охирида нор азоби саъир.
Хуллас анга аввалу охир забун,
Бор экан ул ботину зоҳир забун.
Улки қоқар навбати шому саҳар,
Билки эрур навбатидин беҳабар.
Ер деганинг эрмиш ажаб аждаҳо,
Ер эмиш ул қўймайн оқу қаро.
Шоҳу гадо анга мусовий эмиш,
Ер дема бир дарди самовий эмиш.
Кимки топар давраро ул болу пар,
Маскан анга бўлғуси охир бу бар,
Субҳ дами дард била дер хурус,
Кетти бу ер остига Ковусу Тус.
Сан доғи ғафлат била бўлма қарин,
Бўлғунг эрур чун алара ҳамнишин.
Гар санга бўлса хираду ҳушёр,
Кўрки на дер аҳли туюр ошкор.
Булбули кўр дард била боғаро,
Дерки фалак оразинг ўлсун қаро,
Қайда эрур гулшани гулзор пок,
Гулханаро хор ила ўлдим ҳалок.

Қумри ўлуб ҳар сори ку-ку занон,
 Топмади бир сарви равондин нишон.
 Боғи жаҳон ичра қани бир ниҳол?
 Бўлмади туфроғ анга охир ниҳол.
 Ишрати давронга йўқ эркан бақо,
 Давр гулига доғи бўйи вафо.
 Кўз очибон юмғуча барбод экан,
 Шод доғи охири ношод экан.
 Базмиаро бўлса биров майгусор.
 Лозим экан чекмоки ранжи хумор,
 Хори жафо гулга бўлуб ҳамнишин,
 Ниши бало бирла экан ангабин.
 Гулшанига ҳамдам ўлуб хору хас,
 Шаккарига ҳамнафас эркан магас.
 Қайси чаманники кўкартур баҳор,
 Қўймас эмиш боди хазон баргу бор.
 Васл майидин чу топор ким ҳаёт,
 Ҳажр қуяр комиға заҳри мамот.
 Косаи даврий киши ким қилса нўш,
 Соқийи даврондин ичар заҳр қўш.
 Тўлди чу паймонаи базми анинг,
 Бўлғуси паймонаи азми анинг.
 Охири базм айлабон исбот анга,
 Кетмоқ оёғи дедилар от анга.
 Жоми жаҳондин кишиким топса баҳр,
 Ичгуси ноком ўлубон қаҳри заҳр.
 Кимки табассумдин ўлур баҳраманд,
 Вожиб эрур қилмоқ анга заҳрханд.
 Кимки эрур шамъ киби базмаро,
 Субҳ дами қилғуси ани қаро.
 Бўлмас эмиш даври замондин умид,
 Қасри жаҳон саҳнида жондин умид.
 Мунда эмиш турфа замири ниҳон.
 Бузмоқ учун жонни бўлубтур жаҳон
 Ман доғи алқисса гирифтори дом,
 Бўлдим аё шоҳи завил эҳтиром.
 Риштаи иллатға қилиб пойбанд,
 Тиғи қазо қилди мани мустаманд.
 Охири гафлатки эрур лому то,
 Лат била яъни мени сўйди қазо.
 Гурбатаро қилди сиёбим кафан,
 Шиддат ила сўйди либоси ватан.
 Бошдин-оёқ гарқан дарёи қон,

Айни адам сориға бўлдим равон,
Ондо доғи қилди қазову қадар,
Тийри жафо сориға жоним сипар —
Айлар эдим, ушбу равишда мурур,
Мундин ўтуб неча синину шухур,
Бўлди мақомим бир ажаб гулситон,
Бор эмиш ул шаҳр оти Зобилситон.
Бор эди ул шаҳраро андоқ куништ,
Кимки ани кўрса дер эрди биҳишт.
Суффаси шаддодий эди сар-басар,
Қуббаси бағдодий эди мухтасар.
Арсан саҳни эди гулшан мисол,
Сафҳан девор анга ҳавро жамол.
Кўргач анинг вазъи хушин дилситон,
Кирдим ўшул дайраро ман нотавон.
Бир неча эл дайраро оқиғ экан,
Барчалари ошиқу ориғ экан.
Анда биров роҳибу соҳиб виқор,
Тахти садоратда завил-иқтидор.
Эрдик таслим эди шоҳи анга.
Кашф эди асрори илоҳий анга
Гирдида бир халқан дарвиш эди,
Барча шикаста эди, дилреш эди.
Барча салосил доғи ағлол ила,
Банд эди бил халқан халхол ила.
Онлара хуш расм ила машраб эди,
Даҳр элидин ўзгача мазҳаб эди.
Йўқ эди бир-бирда тақаллуфлари,
Рафъ ўлубон ҳажби таъаффуфлари.
Ҳоли тили бирла бори бемалол,
Дер эдилар ҳар неки бор қийлу қол.
Роҳиб ўлуб анда чу қалби баҳор,
Доғ ила қондин эди чун лолазор.
Бош чекибон жайбиға хомуш эди,
Баҳр киби сийнаси пуржўш эди.
Кўргач ўшул пирни ман бенаво,
Солдим ўзим доираи базмаро.
Пир доғи байъатим этти қабул,
Топтим ўшул халқаға ман ҳам вусул.
Неча замон кўрсатиб ул тарбият,
Берди манга тарбияту тақвият.
Гарчи эдим бошдин оёқ тийра хок,
Қилди мани ойинадек тобнок.

Тушти таважжуҳ била ул гўши ҳуш,
Қилди мани бандаи халқа багўш.
Этти бошим чанбари гардун мисол,
Қилди мани бадр гар эрдим ҳилол,
Заҳми дилимға етуруб ул даво,
Қилди манга неқим эди муддао,
Ҳар неки анвоъи талаттуф эди.
Е неки аснофи такаллуф эди.
Кўрсатибон борчасин ул сарфароз,
Берди Ҳижоз ичра манга сўзу соз.
Ҳосил ўлуб мукнату зийнат манга,
Етти ажаб ишрату роҳат манга.
Ончи этиб жону дилимға сурур,
Мунча топиб роҳату завқу ҳузур.
Ед этибон маскану маъво ҳануз,
Кўнглимаро жўшиши дарё ҳануз.
Маскани асли тушубон ёдима,
Хубби ватан хотири ношодима.
Кўнглуминг ороми эрур изтироб,
Ул сув ҳавосида вужудим ҳубоб.
Ҳар қачон ул сувни гар этсам хаёл,
Тил манга ул дам бўладур гунгу лол.
Ёдима гирдоби агар тушса пок,
Айланубон бошим, ўлурман ҳалок.
Ишим эрур нола-у оҳу анин,
Савти сувдин гўшим эрур пуртанин.
Ман тилабон сув вале халқи жаҳон,
Ўтга тутуб чектурур оҳу фиғон.
Давр элидин ончи кўруб зарби даст,
Бўлмади ул сув ўти кўнглумда баст.
Отим эрур ушбу сўзумга мушир,
Ҳожат эмас ўзга далилу назир.
Доиранинг ҳарфиға солғин назар,
Чашмаи дарё эрур ул мухтасар.
От манга сурати об ўлди пок,
Сув тилабон сийнами қилдим мағок.
Мундин ўлуб шому саҳар дар-бадар.
Айлар эдим эларо ҳар ён гузар.
Неча маҳал бўйла юруб хору зор,
Чанг била пир бўлдим аё комкор.
Кўрдим аниким манга ҳамдard экан,
Ман киби ул доғи жаҳон гард экан.
Билдим ани ота ўзумни ўғул,

Бўлдуқ иков ўйлаки гул бирла мул.
 Мундин ўшул пирға дамсоз эдим,
 Дарду бало чекколи анбоз эдим.
 Евар ўлуб ушбу замон юлдузим,
 Дарғаҳинга бўлди жабинсо юзум.
 Қаҳру карам ўту сувдиндур нишон
 Шаҳлара, эй волийи воломакон.
 Утга агар солсанг ўлурман ҳарик,
 Сувга агар ташласанг ўлғум ғарик,
 Чарх дафу давр анга дафкаш эрур,
 Бозий анга бошдин-оёқ ғаш эрур.
 Билмон ани эмдики бу дафнавоз,
 Қайси ўюн сори қилур сўзу соз.
 Ҳар на бошимдин ўтуб эрди тамом,
 Ҳар на жафо қилмиш эди хосу ом.
 Хизматинга эй шаҳи ишратсамар,
 Дедим аларнинг борисин сар-басар.
 Бўйла такаллум қилибон бош ошоқ,
 Солди ўшул ҳомили дарди фироқ.
 Сўзни тугатгунча анга шаҳ боқиб,
 Ғам ер эди ҳолиға кафлар қоқиб.
 Кўнглини холи этиб ул нуктагў,
 Топти ўшул суҳбатаро обрў.
 Е раб этиб кўнглуми холий тамом,
 Нағмаи шавқингға ани қил мақом.
 Токи бўлуб най киби тортай садо,
 Аҳли Ҳижоз ичра манга бер наво!
 Соқий, олиб кел манга бир жоми май,
 Келди баса хуш манга овози Най.
 Маст бўлуб айлай ани истимоъ.
 Жону дилим айласун андин симоъ.

Нойнинг Ақли жаҳон ороми олида забони фасих ва баёни малиҳ била каломи муассир паём адо қилғони авому кал-анъами ва лавъоша алфа амен» мазмунини ҳувайдо эткони.

«Ва ман салака бираъйиҳи фа кад ҳалака
 Ва ман иқтидаа ило алимен фа-қад малака»¹

қонунин ифшо эткони, арбоби девон ва асҳоби ирфон фасоҳатиға таҳсин ва балоғатиға офарин моло калом иншо қил-

¹ Кимки (бе маслаҳат) ўз раъйи билан борса, ҳалокатга учраши, мумкин, кимки билоғон кишига эргашса, натижада мулк эгаси бўлади.

ғони, ул жавони дилбаста ва ул шабоби дилхаста нийяти
мо фил-болин ва кайфияти аҳволин, деб шоҳнинг малолин
дафъ ва саволин рафъ қилғонининг замзамаси:

Нойи қалам чекти бу ёнглиғ сафир,
Сўзни адо қилди Дафи дилпазир.
Топғач анинг сўзи ниҳоят тамом,
Деди яна шоҳи муалло мақом: —
Келсун ўшул шобки дилхастадур,
Нега бу мажлисаро дамбастадур?
Ҳар наки бор нийяти болин десун,
Жумла малолин доғи ҳолин десун.
Ной эшитиб аники шаҳ қилди хост,
Боғлади бел сўз деғоли шаҳға рост.
Дедики:— Эй шоҳи мурассаъкамар,
Банда эрур сўзларинга найшакар.
Сўз недин улки шакару най емиш,
Эгри туруб тўғри дегил сўз демиш.
Мандин эшит аники таҳқиқ эрур,
Ҳар сўзуминг лозими тасдиқ эрур.
Бил муниким соҳили баҳри Фирот —
Эрди манга манбаъи нўши ҳаёт.
Анда чу шамшоди Эрам шод эдим,
Сарв киби қайғудин озод эдим.
Баст ила шад этмас эди мухталиф,
Фориғ эдим шодаро андоқ алиф.
Шаккари шукрим манга ратбул-лисон —
Эрди-ю ман тўтийи шаккар баён.
Еру диёрим била шодон эдим,
Боғи дилида гули хандон эдим.
Қўймас эди ҳарфима ангушт давр,
Бошима ҳам мушти тасалсулни жавр.
Кўнглимаро оташи ғам йўқ эди,
Сийнамаро доғи алам йўқ эди.
Шаҳри Васойитға эдим шаҳриёр,
Қалъаи Воситға доғи мулкдор.
Раҳм манга эрди ливойи зафар,
Эрди димоғимда ҳавойи зафар.
Ҳўлла манга бор эди ахзар киби,
Туғ манга эрди мужавҳар киби.
Оламаро бор эдим олий алам,
Мартабам афзун бўлубон дам-бадам.
Тебратибон бошим ҳавойи сурур,

Тўлди димоғимаро боди ғурур-
 Неча уруб ер тубига шервор,
 Саври замин айлагали то шикор.
 Бошима иклилий бўлуб тожи бахт,
 Истар эдим даҳр элидин тожу тахт.
 Бўйла хаёл айлар эдим ҳар замон,
 Бўлди мусаххар манга мулки жаҳон.
 Билмас эдим ани мани бенаво,
 Бирдек экан мунда ғиноу ино.
 Боғи жаҳон акси доғи ғоб экан,
 Оби фано остида ғарқоб экан.
 Сийми анинг бошдин-оёқ доғи самм,
 Бор экану дирҳами поёни ҳам:
 Ҳар на фазоси бор экан чу қазо.
 Даври фаноси доғи мисли фано.
 Мунда муҳаббат била меҳнат ҳамон,
 Бор экану гул била гил тавамон.
 Нақши ҳаёт анга чу ҳайёт экан,
 Гулшани жаннот анга жиннот экан.
 Ваҳки бу не жойи саломат эрур,
 Ҳар на давода било иллат эрур.
 Ул кишиким табъи бор эрса салим,
 Ақли хирад бўлса анга мустақим.
 Илму амалдин бўлубон баҳравар,
 Гулшани қудс ичра бўлур жилвагар.
 Ҳар кишининг табъи баҳимий сифот —
 Бўлди, бўлур маскан анга суминот.
 Лаззати дунёни муъаббад билур,
 Хоби хаёлини мухаллад билур.
 Даҳр мизожи эрур ўт бирла сув,
 Қилма гумон ўт била сув эрса бу.
 Ёки ҳариқ ўлғунг эрур, ё ғариқ,
 Тарк эт иқовни, доғи тутғил тарийқ.
 Шўъладин ўлса кишига мутгако,
 Ёки биров бистари бўлса ҳаво.
 Қайда бўлур айшу фароғат анга,
 Утдин ажаб шарбати роҳат анга.
 Этма ҳаво такасин ул хўб эмас,
 Шўъла тўшак қилмаки марғуб эмас.
 Кимки жаҳондин қилур ул жон тамаъ,
 Утдин этар чашмаи ҳайвон тамаъ.
 Ман доғи бу давр ила мағрур эдим,
 Умр вафоси била масрур эдим.

Оқибатул-амр чу боди вазон,
Умр ўтубон лашкари тунди хазон.
Етти бошим узра қилиб тор-мор,
Олди неким манда эди баргу бор.
Уйқуда эрдим мани уйғотди ул;
Заҳри бало жомимаро қотди ул,
Неча маҳал кундузи сойим эдим,
Кечаси тонг отғуча қойим эдим.
Сабру қаноат сори қилдим ружуъ
Шаръи ҳақиқат сори эттим шуруъ.
Толиби девори ҳақ эрдим мудом,
Бир оёқим узра эдим субҳу шом.
Бошим очуқ эрди, оёғим очуқ,
Жисмим очуқ, сўл ила соғим очуқ,
Ҳосил этиб анда мақоми ризо,
Қўл кўтариб айламас эрдим дуо.
Бир кун этиб бахт мани комёб,
Хотифи ғайбий манга қилди хитоб.
Дедики:— Эй вола-у зору назор,
Тутма агар дўст тиларсан қарор.
Лозим эрур ҳижрати авгон санга,
Вожиб эрур фурқати ихвон санга.
Иста ўзингга яна бир муқтадо,
Токи санга бўлғай ўшул раҳнамо.
Бу йўл уза ончи маҳолик эрур,
Бўлмаса муршид киши ҳолик эрур.
Иста ани мунда било эҳтиёл,
Гавҳари хол ўлға-ю дурри мақол.
Улки анинг раҳмати чун ом эрур,
Деди авом аҳли кал-анъом эрур.
Чунки етушти манга ушбу хитоб,
Бор эди боштин аёғи мустатоб.
Сабрим оёқиға уруб тешани,
Тарк этибон пешаи андишани.
Шавқ била айладим азми сафар,
Бўлди мадар бистари болин ҳажар.
Шому саҳар от билан меҳру моҳ,
Етмас эди гардима, беиштибоҳ,
Бўйла чекиб меҳнати дарди фиरोқ,
Токи маконим манинг ўлди Ироқ.
Анда экан марқади шайхи самоъ,
Зойир эл анда бор экан ижтимоъ.
Кирдим ҳарими ҳарам ичра фақир.

Халқи анинг эрди чу бадри мунир.
Келди мужовирлари қарши манга,
Аҳли зиёрат доғи ўтру манга.
Ул бирисига юз ўлуб мусфара,
Бу бориси зоҳики мустабшара.
Борчаси дамсоз ўлубон ул фариқ,
Бошладилар садр сорнға тарийқ.
Анда ажаб шайҳи эди маънавий,
Кашфи каромат ила чун мавлавий.
Кўси валоятқа қилиб отиға,
Нафий этибон ўзлуки исботиға.
Кўнглиаро йўқ эди ўздин нишон,
Сафҳасидин маҳв эди нақши жаҳон.
Маърифату ҳикматаро беназир,
Отини Мизмор ўқур аҳли замир.
Эллар эди теграсида беадад,
Борчасининг зикри эди: «Ё аҳад!»
Пир доғи рақс сўзидин мақол —
Айлар эди аҳлиға деб рақс ҳилол.
Айла дер эрди сўзиким, истимоъ —
Қилса ўлук айлагай эрди самоъ,
Олмиш эди маъни юзидин ниқоб,
Рафъ этиб эрди бори нақши ҳижоб.
Сўзи била рақс этибон мурғи дил,
Пар чиқариб бал қафаси обу гил,
Руҳи равондек бори зоҳир эди,
Амкинаи ғайба сойир эди.
Жазб ила важд ончи эди эларо,
Шўри қиёматдек эди можаро,
Айлар эди сур, майи ноби мурур,
Борчасиға роҳ қулоқдин убур.
Диллари жомий бўлубон лаб-балаб,
Ул май ила айлар эди эл тараб,
Ҳар кишиким орифи барҳақ эрур,
Зоти анинг фонийи мутлақ эрур.
Бўлғуси таъсир ила гуфтор анга,
Солғуси ўт жонаро ахбор анга.
Кўнгли анинг нори маваддат дегил,
Майкадаий ишқ муҳаббат дегил.
Онгла ани соқийи олижаноб,
Чарх бўлур ичса майидин туроб.
Давр эли оғзидин этар гарчи нўш,
Маст эди ул эл ичибон гўши ҳуш.

Сўзга кириб муршиди воложаноб,
Хуш элининг сориға вақти хитоб.
Дер эдиким, самъи басардин зиёд.
Бордурур, албатта, бу давр ижтиҳод,
Яъни майи покини рўзи аласт,
Рух қулоқдин ичибон бўлди маст.
Йўқ эди ул ерда қулоқдин нишон,
Жон била танга доғи тобу тавон.
Улки тафовут қиладур байн-байн,
Деди қулоқ ошиқ эрур қабли айн.
Гар бу сўза айламасанг иктифо,
Кўрсатайин ўзга далиле санго.
Уз сифатин дегонида беназир,
Деди каломида самиъу басир.
Бўлмаса собиқ нега сибқат қилур,
Билгуси ҳар кимсаки диққат қилур.
Айла набий зумраси сори назар!
Бўлмади баъзисиға нури басар!
Лек қулоқ қасриға ҳаргиз қусур,
Қилмади ул, эларо асло зуҳур.
Мундин эрур самъ басардин қавий,
Билгуси ҳар кимки эрур маънавий.
Бўйла дебон сўзда қилур эрди жўш,
Тортар эди давр эли ҳар дам хуруш.
Ман эшитиб бу калимоти ғариб,
Диққат ила ул никоти ажиб.
Хайрат этиб бўлдим анинг хастаси,
Иззат ила оллида дам бастаси.
Дард талаб манда билиб ул ҳаким,
Этголи дардимни давоға надим.
Кести тааллуқлари мандин равон,
Жисми касиф ўлди манга тоза жон.
Аввал очиб уқдан рози дилим
Айлади ҳал сўнгра бори мушкилим.
Зоҳиру ботинға этиб тарбият.
Қилди манга ҳар на эди тақвият.
Нафх қилиб рухни Исо нафас
Қилди мани каски эдим қалб кас.
Ман доғи ғайрат камарин боғладим,
Нойи муҳаббатга ичим доғладим.
Пир мени хаста экан қилди соғ,
Бўлдим онинг хизматида кўз-қулоғ,
Бармоқ ила қилса ишорат манга,

Дедим ўза эрди башорат манга,
 Деса қулогимга сўзин ногихон,
 Саъйида тортар эдим оҳу фиғон,
 Нафсга таскин нафасимга футуҳ,—
 Қилди аён ҳозир этиб нафх руҳ,
 Аъмо экан, айлади бийно мани,
 Абкам эдим, айлади гўё мани,
 Кўргузубон ҳолима ҳимматни пир,
 Ман киби манзурни ул пурнафир —
 Қилди, бериб жонима файзу футуҳ,
 Нафх қилиб жисмима руҳи сабуҳ.
 Етти чу ул дам нафахоти нафас,
 Кўнглимаро ёнди ҳаво-у ҳавас.
 Бахш этибон кўнглимаро хуш дам,
 Бўлдим ўшул дамда назар дар қадам.
 Арсайи дил гулшани боғу чаман,
 Улди манга хилват ўлуб анжуман.
 Бирдек эди дайру масожид манга,
 Зоҳиди худбин било шоҳид манга.
 Гоҳ савомеъ бор эди масканим,
 Вирд ила аврод ўлубон гулшаним..
 Гоҳ маконим бўлубон суминот,
 Ҳамнафасим бор эди ул иззулот.
 Фосиқу фожирга бор эрдим қарин,
 Обиду зоҳидга доғи ҳамнишин.
 Бўлмиш эдим кезмок ила боғу роғ,
 Ҳамдами булбул доғи ҳамдарди зоғ.
 Ҳар неки даҳр ичра эдим жилвагар,
 Мазҳари хайр эрди-ю миръоти шар.
 Бориға ҳамдард эдиму ҳамнафас,
 Холий демас эрдим агар бўлса хас.
 Ҳар бирига сўзлабон ахбори шавқ,
 Фош этар эрдим бори асрори шавқ.
 Ул кишиким орифу ошиқ эди,
 Ҳар на сўзим оллида содиқ эди.
 Нуктаи ваҳдат эди чунким сўзим,
 Сўзим эди рост нечукким ўзим.
 Зоҳир этиб эларо сирри ниҳон.
 Тортар эдим нола-у оҳу фиғон.
 Ут солибон даҳрға дуди дамим,
 Узгача ўқ бор эди бир оламим.
 Зоҳид эликим бор эди худнамо,
 Оташи дилни дер эдилар шито.

Онлар ҳавоий дер эди ҳар наво,
Чексам агар дард ила афғонаро.
Таън ила тавбиҳин аларнинг зиён —
Билмас эдим ўзга мани нотавон.
Ҳар кишиким ҳақ эса, эй муҳтарам,
Дун эли ботил деса анга на гам,
Тийра деса меҳрни хаффош агар,
Етса жуалға гул исидин зарар.
Билгай ани ҳар кишиким бўлса соғ,
Дийда йўқ анда доғи мунда димоғ.
Лекин ўзум ўзлугум айлаб жудо,
Нафй этар эрдим неки бор мосиво.
Нафйи вужуд онча этиб тору пуд,
Нафй ила кетти бори буду набуд.
Холий ўлуб шавқ ила мамлу эдим,
Бағри тўшук дийдаси намлу эдим.
Йўқ этибон зотими ушшоқаро,
Не дедим отим бу куҳан тоқаро.
Ҳой ила ҳу ҳар неки мандин зуҳур
Қилса эрурман боридин бешуъур.
Дўст манга берди мунунгдек наво,
Ман киму йўқ эрса бу янглиғ садо.
Бехабар ўздин қилибон сайри гашт,
Айлар эдим кўҳу биёбону дашт.
Пўя уруб анда наший бу фароз,
Гоҳ Ироқ эрди ерим гаҳ Хижоз.
Ишқ тутуб айлади ногаҳ асир,
Ҳусни парирўға мани, эй амир.
Келганида бу сори ушбу фариқ,
Мунлар ила бор эдим аҳли тарийқ.
Билмон ани эмдики бу чархи дун,
Қайси ўюн сори бўлур раҳнамун.
Бўйла дебон айлади хатм ул сўзин,
Ақлнинг амри сори тикти кўзин.
Ё раб, этиб нағман шавқим баланд,
Ишқингаро айла мани мустаманд.
Нола чекиб даҳраро қақнусвор,
Ут қилайин ноламаро ошкор.
Соқий, олиб кел қадаҳи гуфтуғў,
Бер ани дайр ичра қилай ҳой-ҳў,
Дайри муғон ичра алола солай,
Савмаъа саҳниаро раво солай.

Нағмаи баландмақомнинг Ақли волоэҳтиром оллида ашъорига таъриф инкисор бериб «ваш-шуароъу яттабиъу-хумул-говун»дин ўзин «иллал-лазийна оманув» била истиснод эткони, «туҳуш-шуарои» сўзин ҳувайдо қилғони: «инна минаш-шеъри лиҳикмата» мазмуни маймунига истинод этиб, «ласту бишоирен мажнун», қонунин ўқуғони ва яна Одами соҳибасмо ҳазрати Ҳавво била «аҳбатув минҳо жамиан» хитоби итобомизи била дори вислатдин бу диёри гурбатга, ул гулшани сафодин бу гулхани жафога, ул манзили болодин бу махфили балога тушганида «раббано заламно» нидосига субҳу масо ҳамнафас эрконини исбот этиб, шоҳни мустаманду зор ва дардманди дилафтор қилғони, Шайхул-ҳумом деган муршиди воложаноб бу ҳолатни кўруб ва «аммо ман хофа мақома раббиҳи ва нахан — нафаса анилҳаво фаиннал — жинната ҳиял маъво» ва ул маноҳий аҳлин маҳбус қилдируб, эшикин мадрус қилдурғонининг фаслу боби:

Бўйла наво айлади ноий қалам,
 Най тугатиб сўзини чун бўлди дам.
 Нағма сори боқти шоҳи комрон.
 Деди:— Бери сен доғи кел, эй жувон!
 Замзамаи ҳолинги санжида эт,
 Рост дегил доғи писандида эт.
 Нағма деди:— Эй шаҳи олийнизом,
 Билки манга назм эрур аксар калом.
 Савти саноеъ манга ашъор эрур,
 Назми бадоеъ манга гуфтор эрур.
 Лек муни молики амлокидин,
 Аҳсануҳо, ақзабуҳо, дер яқин.
 Аҳлин анинг тобеъига дун демиш,
 Тангри каломида бу мазмун демиш.
 Лек ман ул шоири мажнун эмон,
 Водийи ғай ичраки мағбун эмон.
 Сўзима қистос эруру бас азим,
 Қўлима миқёс эруру мустақим,
 Ул кишиким тожи фасоҳат эди,
 «Инна минаш-шеъри лиҳикмат»,— деди.
 Хуллас этай чунки «алаззул-калом —
 Авжазуҳо»,— деди ҳумоюннизом.
 Ҳусни мақол аъжазуҳо деди ул,
 Ҳар неки ул деди, эрур рост йўл.
 Қиссам эшит, амдики пурғуссадур.

Гусса манга даҳр элидин ҳиссадур.
Одами пок олами асмо эди,
Жаннатаро ҳамдами Ҳавво эди.
Улки деди «ояти ло тақнатув,
Қилди хитоб онлара ким аҳбатув.
Тушти алар гулшани аълосидин,
Бу ер уза жаннати улёсидин.
Бўлди қаро туфроқ аларга макон;
Эрди қоронғу яна қасри жаҳон.
Онлара ҳамдам бўлуб икки суруш,
Нозил ўлуб эрди қилурға хуруш.
Биррисининг исми шарифи Анин,
Ул бириси оти бор эрди Ҳасин.
Ман доғи онлар била ҳамдам эдим,
Шому саҳар мунису маҳрам эдим.
Анда «заламно»ға бўлуб ҳамнафас,
Мағфират уммидин этиб мултамас.
Ҳазрати Одам била бизлар мудом,
Бор эдук афғон ичида субҳу шом.
Узлату хилват бўлубон пешамиз,
Эрди одам ғайри ҳақ андишамиз.
Бир саҳари дийдан маълулдин,
Куҳли талаттуф сори бўлди яқин.
Барфи дурахшон чиқибон ногаҳон,
Бўлди жаҳон ичра тажаллий фишон.
Айлади офоқ элини ғарқи нур,
Тўлди фалак қасрига завқу сурур.
Баҳри карам бор эди баским амийқ,
Қилди гунаҳ тоғини ул дам ғариқ.
Иزز иши дарёйи талаттуф аён —
Бўлғач оқиб хайл гунаҳи чун самон.
Тутти бори бирдин адам сори йўл,
Тўлди тажаллий била ҳар тоғу чўл.
Роҳи карам баски эди пурфутуҳ,
Савтин эшитмок била маст ўлди руҳ.
Жўши хуруши май ўлуб ошкор,
Йиқти ани улки бор эрди хумор.
Мулку малак ичра тушуб ҳой-ҳў,
Барчаси бехудлига қилди ғулув
Ман доғи бу навъ эшитгач нидо,
Жону дилимдин чекиб ўтлуғ наво.
Уйла йиқилдим ер уза соявор,
Бўлди йўқ ҳушу хираду ихтиёр.

Уйла эдим масти шароби карам,
 Йўқ эди отим киби кўнглумда ғам.
 Токи бўлуб ҳушу хирадга қарин —
 Турдим, эди тийра замону замин.
 Йўқ эди ул қавм шаридин нишон,
 Бўлмиш эди борчага кўздин ниҳон.
 Пўя уруб ҳар сори шому саҳар,
 Топмадим истаб бирисидин хабар.
 Мундин эрур кўнглумаро тўла ғам,
 Узга нимам йўқ турур, эй муҳтарам.
 Бу ғам ила фойиқи ушшоқ¹ эдим,
 Ишқ элида шуҳраи офоқ эдим.
 Чекти насибим бу тараф корвон,
 Еки чекубдур мани маҳзунни қон.
 Билмон ани бу фалаки пардадор
 Эмди қилур қайси садо ошкор.
 Ҳар неки таълиф эди қилдим тамом,
 Ҳар неки тасниф эди топти низом.
 Бошима келган бу эрур сар-басар,
 Хатм қилай, сўзни қилиб мухтасар.
 Шаҳ кўруб онларни фасоҳат мақол,
 Қолди анинг даркида ҳайрону лол.
 Эрди муҳаззаб чу иборатлари,
 Рамз била эрди ишоратлари,
 Лафзлари бошдин оёқ мустаъир,
 Ҳар бириси бир сори эрди мушир.
 Ҳар бирида бор эди дурри мақол,
 Ончики етмас эди дарки хаёл.
 Балки эди ҳар бири дарёи сўз,
 Игрими дарё эди иймойи сўз.
 Балки ям иймосида мудғам эди,
 Бошдин оёқ сўзлари мубҳам эди.
 Кўрди аларни шаҳи ишрат нисоб,
 Бўлди яна сўзларидин комёб.
 Ул эл эди жумла фасиҳул-лисон,
 Тоифаи эрди малиҳул-баён.
 «Савти амал¹» онлара ширин эди,
 Ақл ўшул фирқага таҳсин деди.
 Кисват этиб пардаи лутфи амийм,
 Шафқат ила бўлди аларга надим.
 Барчалари Ақл ила дамсоз ўлуб

¹ Маълум қоида асосида ишланган ашуланинг номи.

Ҳар бириси вожибул-эъзоз ўлуб,
Айшу тараб сорига бўлди қарин,
Шаҳға бўлуб шому саҳар ҳамнишин.
Бўйла эдилар бори оқу қаро,
Бўлмас эдилар бири-бирдин жудо
Ё раб, этиб зуҳду риёдин халос,
Айла сафо жомигга жонимни хос.
Ўзни тараб ичра май ошом этай,
Ҳар на деди соҳиби илҳом этай.
Соқий, эрур жоми жаҳон бебақо,
Лутф ила бергил манга жоми фано.
Аҳли жаҳондин кесибон ихтилот,
Зоҳир этай ўйла, Нишотий, нишот.

Шоҳи Ақл Муршиди Илҳом деган шайхнинг сўзи билан Назари айёрни йўлдошлари била зиндонға солдурғонининг баёни:

Савмаъан сўзаро шайхи қалам
Бўйла қилур ваъз ила афсун рақам.
Шайхе эди андаки ул пешво,
Шаҳға эди муршиду ҳам раҳнамо.
Аҳли тариқатға бўлуб ҳукмрон
Мулки ҳақиқат анга эрди макон.
Жони анинг гулшани гулзори унс,
Жисми анинг ирқай анвори қудс.
Айни иноят била солғоч назар,
Айлар эди сангу сафоли гуҳар,
Оламаро ашрафи даврон эди,
Даҳр элида акмали аён эди.
Мулку малак айлабон икром анга,
Дер эдилар Муршиди Илҳом анга.
Шоҳ булар бирла толиб иттиҳод,
Базмаро бўлғон чоғи шодону шод.
Эл қилибон шайхи жаҳонсози нақл,
Дедики:— Лаҳв ила эрур шоҳи Ақл,
Шайх эшитиб ушбу сўзи сар-басар,
Етти анингдекки балойи сафар.
Келди доғи, шаҳ сори қилди хитоб,
Қайси хитоб, айлади юз минг итоб.
Дедики:— Эй шоҳи зувил-ифтихор,
Сандин ажаб бўлмоқ ўшул элга ёр.
Барчаси айёр таройиқ эрур,

Роҳзани жумла халойиқ эрур.
 Пешалари лаҳву лаабдур мудом,
 Савту амал борча аларга харом.
 Ҳар бири мардуди шарият эрур,
 Борчаси матруд тарийқат эрур.
 Фирқайдур жумласи золу музил,
 Ҳийлагару мухтал эрур ҳам мухид.
 Гарчи алар мухтариъ ахбор эрур,
 Бидъат ила мубтадиъ атвор эрур.
 Улки эрур сирри ниҳонга надим,
 Мубтадиъ аҳлин деди калби жаҳим.
 Борчаси наввоҳи масойиб эди,
 Жумласи маддоҳи навоъиб эди.
 Пешалари фиқу фасоду фужур,
 Лаҳви лаъаб бирла маноҳий шурур.
 Ширк алара гарчики ахфо эрур,
 Куфрлари даҳрга ифшо эрур.
 Бўлмағай ул эл кибий авбошаро,
 Солмоқ ани увло эрур тошаро.
 Ҳар неки ул савт ила танин эрур,
 Борчаси илқойи шаётин эрур.
 Улки эрур даҳр элига раҳнамун,
 Деди гино бўлди зиноға фусун.
 — Онглар аниким эса аҳли сафо,
 Вазнаро тенг бўлди гино-у зино.
 Лозим эрур энди санга эҳтиёт.
 Қилмағосан онлар ила ихтилот.
 — Сўзлари бошдин аёқ ашъор эрур,
 Ҳар бирига ўзгача осор эрур.
 Назми низоминг бузар, эй шоҳи дин,
 Бўлма бу назм аҳлиға ҳаргиз яқин.
 Кимгаки бунёди риёсат керак,
 Адл била гоҳ сиёсат керак.
 Улки эди шафқат ила мунтахаб,
 Яхши эмас ҳилм деди беғазаб.
 Сен доғи зиндони меҳанга равон,
 Айла ўшул фирқаға бермай амон.
 Неча маҳал анда бўлуб муътакиф,
 Яхшилиға бўлғай алар муттасиф.
 Тавба қилиб фиқ ила исёнидин,
 Нодим ўлуб ҳарза-у ҳаёнидин.
 Бўлса алар барча саодат қарин,
 Қилғосан анда ўзина ҳаққинини

Шоҳ кўруб масъаласин бежавоб,
 Билди анинг сўзини айни савоб.
 Солди анинг борини зиндонро,
 Қолди ул эл меҳнату афғонро.
 Кимки қилур қурбати шаҳни ҳавас,
 Қаҳр ўтиға ёнғуси андоқки хас.
 Шин эрур шоҳ боши узра тож,
 Шайнидур ул бергуси шаҳға ривож.
 Шоҳ демак кимсаки айлар ҳавас,
 Охир анга оҳ бўлур ҳамнафас.
 Шоҳ қусуридин ўзинг айла дур,
 Токи санга шаҳ дегай эл беқусур.
 Кимки жаҳон мулкида султон эрур,
 Охириға боқки бирор он эрур.
 Кимки визорат сори қилди қиём,
 Визр ила от ўлди анга бардавом.
 Ё раб, ўзунг лутф ила осон манга —
 Дайлаки, боғ ўлди чу зиндон манга,
 Кўнглумаро қолмади сабру шакийб,
 Хастаману ожизу зору ғариб.
 Соқий, олиб кел қадаҳи ғамгусор,
 Жонимаро қолмади сабру қарор.
 Бўлғач анинг нашъасидин комёб,
 Бехуд этай ёр сориға шитоб.

Ошёнаи даҳри пурқаҳрдин заррин пар уқоб учуб,
 анинг ўрниға мушкин бол ғуроб қўнғонида шоҳи анжум-
 сипоҳ фалаки жойгоҳ тахти қоҳин чун тийри шаҳоб тахти
 туроб қилғонида, яъни нуроний иллати сафровий фарти-
 дин юзига ниқоби зулмоний чекконида ҳақими торик
 мизож яъни туни савдо ривож анинг иложиға мадод иста-
 гонида Ақли соҳиби тахт видоди Фуод молики мулки
 видоднинг малолӣ ҳолин сўрғоли келғонида истиқомати
 табъин мунҳариф ва сабоҳати ҳаддин мунхасиф кўруб,
 Тасаллий деган ҳақимким, Буқроти даҳр ва Суқроти шаҳр-
 врди, ул файласуфи зу-фунунни ва табиби Ҳозиқи пурфу-
 сунни даъват этиб, ул қурратул — айнин ва жамоли сал-
 танатнинг зайнин, яъни фарзанди дилбандини анга кўр-
 гузғони, «ҳақими тасаллиот-тиби лил-мулуки ло лил-мам-
 луки ва вас-саълуки» фаҳвоси била ул нозик мизожни
 мушкилул-илож кўруб, дорувсига оби ҳайвон имтизожин
 буюрғони. Анинг муолижаси жусту жўйида ва табобати
 гуфтигўйида эрконда Назарнинг хотами лаълфон хосиятидин

зиндондин халос топиб йўлдошлари била Хусни парирў
сори такопўйининг хабари етконида иложи воқеани қабл аз
вуқуъ кўрмоқчи бўлуб, Ақли дурандишнинг лашкари ан-
жумшумор ва аскари гардунғубор жамъ этколи ружуъ
этконининг шуруъи:

Мири шаби чарх қилиб гиру дор,
Меҳри фалакни тутубон ошкор.
Қилди анинг манзилини тийра чоҳ,
Солди жаҳон бошиға рўзи сиёҳ.
Қолди қаро қайғуға олам эли,
Бил бу тўқуз гунбази Торам эли.
Учти фалак қасридағи ўту уд,
Гунбази зардашти қаро қилди дуд.
Шаҳ солиб ул хайлни зиндонаро,
Уйлаки зиндонаро ҳарфи нидо.
Қолди ўзи қасри фароғатда шод,
Қилмади ул боғ ила зиндонни ёд.
Шоҳи Фуод анда қолиб хору зор,
Бўлди ато ишидин ошифтавор.
Лек отадин ҳар неки фармон эди,
Уғлиға ул вожибул — изъон эди.
Сабру таҳаммул бўлубон пешаси,
Чораи кор истабон андишаси.
Топмади бу дардиға ҳаргиз даво,
Чунки даво бор эди мамзуж до.
До билан иллат топибон иттиҳод
Бўлди даво, бўлма даво бирла шод.
Оқибатул-амр бўлуб ноумид,
Қолди табу тобаро андоққи шид.
Табаро тан бўлди анга муътакиф,
Уйлаки тоб ичра ёзилғон алиф.
Пеша ўшул моҳға бор эрди оҳ,
Муттасили оҳ эди чун лафзи моҳ.
Шавқи ани сувқи балода асир —
Айлади, ул гарчи бор эрди амир.
Табъи саломатдин ўлуб мунҳариф,
Ўлди қамардек юз анга мунҳасиф.
Қолмади гулзорида нашъу намо,
Сийнасида завқу ҳузуру сафо.
Ишрат анга суврати усрат эди,
Нақши муҳаббат доғи меҳнат эди.
Бўлди анга ўйла тағайюрмизож,
Топмас эди истаса дармон, илож.

Уйла Нишотий бўлубон ул фақир.
 Бўлди бисоти анинг ўтдин ҳасир,
 Шому саҳар иш анга афгон эди,
 Дард анинг жонига дармон эди.
 Бўлди анинг ҳоли бу янглиғ табоҳ,
 Сўрғали аҳволин анинг келди шоҳ.
 Яъни келиб Ақли муалломакон,
 Кўрди Фуод ҳолини, эрди ямон.
 Бори жафодин қад анга хам эди,
 Ломи бало қалбида мудғам эди.
 Кўрди ота ўғлини ул ҳоларо,
 Бўлди жаҳон қасри кўзига қаро.
 Бор эди маҳкуми анинг бир ҳаким,
 Оти Тасаллий эди таъби салим,
 Хикматаро сонийи Суқрот эди,
 Дониш ила фойиқи Буқрот эди.
 Як фани ҳар фан эди ул зуфунун
 Ҳозиқ эди қоҳину соҳиб фусун.
 Даъват этиб ани шаҳи хушбаён,
 Дедики:— Эй шайҳи Фалотуннишон.
 Тийра бўлубдур манга нури қароғ,
 Бўлди яқин ўчколи равшан чароғ,
 Яъни ўшул қурратул — айнимни дард,
 Айламиш ошифта-у бемору зард.
 Айла тадовий анга, эй раҳнамо,
 Токи санинг шарбатинг ўлғай шифо,
 Кўрди ҳаким ани бир атвор ила —
 Ким йўқ эди фарқ анга озор ила.
 Набзини тутғач деди ул комёб:
 — Оташи ғамдин мунга бор изтироб.
 Таъбиаро иллоти мохулё —
 Қилмиш анинг мағзида савдоға жо.
 Чашми мунинг чашмаи баҳри алам,
 Бор экану кўнглида нийрони ғам.
 Юбси димоғ андин ўлуб ошкор,
 Мундин эрур баҳр киби беқарор.
 Нори ҳарорат била ёқмиш чароғ,
 Фарт юбусатда қурутмиш димоғ.
 Зоҳир этиб шавқ ўти дуду бухор,
 Этмиш ани бўйла қаро рўзгор,
 Бўлмаса бу хастаға ҳайвон суйи,
 Жисмиаро қолмағуси жон суйи.
 Йўқ эса гул гулшани рухсордин.

Бўлмас аюрмоқ ани бу хордин,
 Топмоғуча обу ҳавойи висол,
 Сихҳатининг чораси бордур маҳол
 Топса бу дорулар агар имтизож
 Бўлғусидур мўътадил анга мизож.
 Анда иложи мунинг осон эрур,
 Бу йўқ эса чора на имкон эрур?
 Топти Тасаллий сўзи мундоқ адо,
 Қолдилар ҳайратаро оқу қаро,
 Гарчики бор эрди Тасаллий ҳақим.
 Ишқ ўтига қайда тасаллий надим?
 Бўйла сўзи Ақл эшитган замон,
 Келди анинг ёнига бир посбон —
 Дедик:— Эй меҳри мунаввар замир!
 Қочмиш ул элким қилиб эрдинг асир.
 Йўқ бириси хотири зиндонро,
 Изи хати сафҳаи имконро.
 Топмадим истаб бирисидин нишон,
 Билмади онларни заминун замон.
 Ақл бу сўзларга тутуб гўши ҳуш,
 Баҳри таҳайюрара бўлди хамуш.
 Деди тафаккур била ул шаҳри ёр:
 — Бошима солди ажаб иш рўзгор.
 Уғлим иши бор эди жон офати,
 Бўлди бу иш, ваҳки, жаҳон офати.
 Борса ул эл Хусни парирў сори,
 Етса хабар Ишқи баложў сори.
 Жамъ этибон лашкар алар беҳисоб
 Қилғусидур мулку диёрим хароб.
 Ҳар бириси ҳозир этиб дору гир.
 Айлағуси хайлиму халқим асир.
 Бизга кучи етмокидин бўлса дур,
 Чашмаи ҳайвон сори айлаб убур.
 Боғлағуси Садди Сикандар анга,
 Тўккусидур лашкари ховар анга.
 Саъю жадал бирла қилиб эҳтимом,
 Айлағуси ул сувни бизга ҳаром.
 Ман доғи бир иш қилайин иртиқоб,
 Бўлмайин ул ўтга ҳануз илтиҳоб,
 Сув қўяринг фикрини айлай аён,
 Еқғали то қолмасун анга тавон,
 Воқеага қабл керактур илож,
 Деди ул элким эди нозик мизож.

Қилмасанг изадға букун гар сужуд,
 Утти чу иш анда пушаймон не суд.
 Мулки сухан ичраки зебо дабир,
 Бўйла қилур сўзини соҳиб сарир.
 Ушбу таҳайюл била ул сарфароз,
 Топти баса ҳайрати сўзу гудоз.
 Сўнгра бўлуб хуш анга фармонпазир,
 Истади ёзмоқлиқа иншо дабир.
 Келди неким истади фармонраво,
 Ёзди ани неким эди муддао.
 Жониби мағрибда не шаҳру диёр,
 Бор эди, ёрлиғ ёзиб ул номдор.
 Сафҳаи тугросиға бости нигин,
 Билди ани борча макону макин.
 Уқбаи зуҳд ичраги зоҳид сори,
 Зарқ деган муршиди обид сори.
 Тавбаким ул Зарқға дилбанд эди,
 Яъни жигаргўша-у фарзанд эди.
 Фаҳрим ул шуҳрат эли ичра шоҳ —
 Эрди, доғи зийнати тахту кулоҳ,
 Офиятнинг мулкида номусу ор —
 Ким, эдилар шоҳи фалак иқтидор.
 Занг эликим дашти алойиқаро.
 Бор эдилар, шаҳри авойиқаро.
 Нома ёзиб жониби Мозандарон,
 Қилмоқ учун деуу париға равон.
 Жин эликим бешаи сифлааро
 Бор эди ул манзилу маъвоаро.
 Водийи ғай ичраки насноса ҳам,
 Мулки залолат доғи васвоса ҳам.
 Хуш эликим мулки Аданда эди,
 Сабрким ул мулки Аманда эди.
 Ҳар на афорит эди кўҳсораро,
 Ҳар на тавоғит эди ё ғораро.
 Борчасиға айлади роҳий рақам,
 Ёзмиш эди анда бу янглиғ қалам:
 Англингиз, эй даҳр жаҳонбонлари,
 Хони-ю, ҳоқони-ю султонлари!
 Волийи жин, ҳоқими деуу парий.
 Борсану наснос элининг сарвари.
 Жавраи ҳукмингаро қайси диёр —
 Бўлса қаю шаҳру қаю шаҳриёр,
 Тахти ҳукуматда на сардор эрур.

Келмокига мунда сазовор эрур.
Лозим эрур билмаки бал ҳар фақир.
Хоҳ амир ўлсуну хоҳи асир.
Турғон эса бу сори бўлсун равон,
Ётғон эса турғали бўлсун давон.
Кимки сураб сўддаи улёга юз,
Яъни бу даргоҳи фалаксоға юз.
Қадрин анинг эларо хуршиддек,
Айлагомен дарҳраро Жамшиддек.
Бахш этибон оламаро эътибор,
Тахтнишин этгоману тождор,
Кимки агар қилмас эса инқиёд,
Бўлмоғуси сабз анга нахли мурод.
Мулки адам бўлғуси маъман анга,
Раъд туби ўт била гулшан анга.
Келмаса ким ҳукми ҳумоюн била,
Бўлғусидур ер тубида нун била.
Кимки қилур амримизи ихтиёр,
Бўлғон эрур бешак анга бахт ёр.
Ҳийла била кимки деса ифтиро,
Бергоман анга неки бўлса жазо.
Бўйла эди хатаро таҳдид ҳам,
Ҳар бирига шиддату таъкид ҳам.
Ҳар сорига элчие қилди равон,
Етти алар ўйлаки боди вазон.
Борчасига борди аларнинг рақам,
Ҳар неки ёзмиш эди анда қалам.
Кўргач ани борча жаҳон хонлари,
Даҳр эли солорию султонлари.
Жумла хавоқин ани хоқон билиб,
Ҳар на салотин ани султон билиб,
Муру малахдек бори айлаб ҳужум,
Юрди алар билмай ҳисолин нужум,
Чарх уза минг кўз била ҳайрон эди.
Билмай адад анга паришон эди.
Келди ул эл муддати мавъударо,
Шаҳ сорига соати масъударо.
Қопусига тушти анинг аҳли жоҳ,
Бўлди жаноб анга қиёматпаноҳ.
Берди хабар Ақлға оғаҳлари,
Келди санга борча жаҳон шаҳлари,
Ақл алари даъват этиб берди бор,
Топти талаттуфдин ул эл баргу бор.

Сўрди анинг жумласининг ҳолини,
 Йўл юруган меҳнату аҳволини,
 Ақл сори борчаси қилди намоз,
 Бўлди ул эл саждасидин сарфароз.
 Шаҳға дебон сўнгра салому дуруд,
 Мадҳатида чектилар андоқ суруд.
 Чарх-маконо-у қуёш-афсаро.
 Тожи шаҳоно-у жаҳон чокаро.
 Ер била кўкдур санга фармонпазир,
 Ою қуёшдур санга икки асир,
 Раъйинг ила бўлмаса кўк жунбиши,
 Бўлмасун ой бирла қуёш гардиши,
 Бизлари чақирмоқ ила сарфароз —
 Айладинг, эй соҳиби эъзозу ноз.
 Ёзғали хат мунда на эрди сабаб,
 Амри судойи била тортиб лақаб.
 Деди кулуб шоҳ такаллуф била,
 Шаҳдара анвоъи талаттуф била.
 — Сизлариким мунда тилондим равон,
 Келмокингизга бўлубон ҳукмрон.
 Усрати даврон манга солди тааб,
 Ишратингиз бузғали бўлди сабаб.
 Бўйла эрур гардиши даврони даҳр,
 Гоҳ тутар нўш, берур гоҳ заҳр.
 Шоҳи Фуод улки манга бор халаф,
 Ул дури шаҳвор эруру ман садаф,
 Анга ажаб оризан ошкор —
 Эткон эмиш ҳодисаи рўзгор.
 Умри узоқ ўлғали бўлмиш ёвуқ,
 Жони исиг эркани жисми совуқ.
 Кўрдим анинг ҳолини мундоқ хароб,
 Чора учун айладим ҳар ён шитоб.
 Қўйдум ани боқғали, Ҳозиқ ҳақим —
 Деди:— Эмас табъи мунунг мустақим.
 Ичмагуча шарбати оби ҳаёт,
 Бўлмағуси анга умиди нажот.
 Гулшани рухсор исидин гар шамим —
 Топмас эса табъ анга бўлмас салим.
 Қофи фироқ устида анга макон —
 Бор эмишу даври тўла посбон,
 Бор эмиш ул боғ ила ул чашмасор,
 Ҳусни парирўйға жойи қарор,
 Анда эмиш лашкари анжумшумор,

Дабдабаи аскари гардунгубор.
Йўли уза бир бўлак атрок эмиш,
Борчаси қон тўккали бебок эмиш,
Қалъаи Дийдораро лашкар ҳужум,
Уйла эмишким фалак узра нўжум.
Гарчи тамомий қиз эмиш, лек шер —
Эркакидин модаси эрмиш далир.
Ота анга Ишқи адоватшиор
Бор эмиш, ул шергаҳи қори зор.
Лашкар анга бир неча зангий эмиш,
Ҳар бири бир кўҳ паланги эмиш.
Ғам била Андуҳ икки паҳлавон —
Бор эмиш анда чу хизмбри дамон.
Ҳар бирининг савлатидин шери нар —
Қилмас эмиш улёна ҳаргиз гузар.
Анда эмиш қайғуву кулфат эли,
Беҳад эмиш ранжи суубат эли.
Анда яна маскани деви рақиб,
Деви фалакдин бор эмиш ул муҳиб,
Ваҳм билиб бўйла балони ирик,
Қилди мани манъ чекардин черик,
Оз киши бирла боруримдин ҳарос,
Берди манга меҳтари осиф асос.
Ваҳм суруб нуқта уза қолу қийл —
Деди:— Бу ёнглиғ манга равшан далил.
Маҳға кавокиб дури зевар эрур,
Шаҳға сипаҳ зинати афсар эрур.
Сизлари ахборим ила беҳузур —
Этмокима мунча бор эрди зарур.
Деди ул эл:— Эй шаҳи олижаноб,
Ҳожат эмас сизга бу навъ изтироб.
Пашша нечаким бор эса беадад,—
Боғламағай пил ел олиға сад.
Беша нечаким бор эса бегарон,
Етса бир ўт қолмағай андин нишон,
Бўйла дебон ҳар сори бир тождор —
Қилди талаб этмок учун қор зор.
Фаҳр тилаб фотиҳа қилди ғулув,
Зарқ доғи айлади бу орзу,
Берса манга фотиҳа шоҳи жаҳон,
Бермагоман онлара бир дам амон.
Тавбаға ҳам бўлди ижозат талаб,
Кетмок учун дев эли ҳам очти лаб.

Борчалари толиби рухсат эди,
Мунтазири изну ижозат эди.
Айлади Номус доғи ихтиёр,
Якка бориб этмоқ учун кору зор.
Хуллас ўшул базмдағи шоҳлар
Жангу жадал ишидин огоҳлар,
Сабру таваққуфга бўлуб раҳнамун
Деди:— Қилинг мунда бирор ой сукун.
Аслаҳалар токи саранжом этай,
Ҳар неки лозим ани анжом этай.
Сўнгра бўлуб шоҳ ила лашкар сувор,
Айлагомиз жамъ бўлуб кору зор.
Жамъародур қуввати беинтиҳо,
Бўлмас ани истаса афродаро.
Шоҳ ўзи бормоғи хушроқ эрур,
Ушбу масал шуҳраи офоқ эрур.
Шоҳ эрур лашкари кишварга бош
Бўлмаса бош бўлғуси тан тўда лош.
Бўлмаса шаҳ фирқаи шатранжаро,
Қолмағуси онлара нашъу намо.
Бўйла дегоч Сабр диловар сўзин,
Айлади ул эл бори бовар сўзин,
Ҳар кишиким бўлса таанний шиор,
Бўлғусидур сўзи анинг пойдор.
Қилди ул эл ушбу сўза иттифоқ,
Шоҳ доғи кетколи тутти йироқ.
Бўлди адо машварати корзор,
Борди ўшул бораро ҳар кимки бор.
Топти фароғатни палангу наҳанг,
Солди алар бистари хоби даранг,
Сабр сўзидин топиб онлар сукун,
Этколи айш истадилар аргунун.
Шарбати роҳат қилибон борча нўш,
Ҳар ким ўзи манзилида қилди жўш.
Бор эди ҳар шаҳ ила ҳар шаҳриёр,
Муддати мавъудий тилаб интизор.
Лек бу муддатда Фуоди ғариб,
Кўнглиаро йўқ эди сабру шикийб.
Ҳоли анинг ҳар на ямондин ямон,
Бор эди бирдек анга суду зиён.
Ўйла Нишотий бўлубон гунгу лол,
Эрди малолат била ошифтаҳол.
Ҳар куни бир ой эди ҳар ойи йил,

Музтарибул-бол эди ул муттасил.
 Ё раб, этиб сабру таҳаммулни ёр,
 Бер манга шавқингда саботу қарор.
 Шавқ ўти бирла ёнибон жону дил,
 Бўлмасун ҳамраҳ манга бу обу гил.
 Соқий, олиб кел манга бир тўла жом,
 Ишқ балоҷў сори айлай хиром.
 Ишқ шаҳига ўзим айлаб асир,
 Токи ўлай ақлу хирадга амир.

Меҳри мунири далири жаҳонгири равшанзамири бена-
 вир қўлига шамшири обдор олмиш эрди, ҳар дор-диёр ва
 ҳисну ҳисорни ҳуни куффор ва Фужжор, яъни ҳабаш ва
 зангбор била жўйбор қилмиш эрди, бу воқеанинг вуқўи
 ул айёми майманатанжон ва масарратфаржомда эрдиким,
 вийнати ард биҳишт била чамани олам мисоли биҳишт
 зебу зийнат пайдо қилиб эрди, номдорони номия ва су-
 ворони арзи сомия арсаи ғабрадор моҳ забаржади узра
 зумуррадийн илмлардин шуққалар ҳувайдо этиб эрди ва
 муборизони хори зор озор учун гули гулистонга тиги бур-
 рон кўтариб, бинафша юзига қалқон тутуб, бед барги
 ханжарларин тез этиб, чамани сипоҳий бирдин рустахез
 этиб, савсан қўлига шашпар олиб, хайли раёҳин арсаи за-
 минда аскарин сафдари бемар пайдо қилиб эрди ва мужо-
 ҳидони набототи камин заминдин зуҳур этиб, сафлар туз-
 моққа муҳайё бўлуб эрдиким, Ақли номвар лашкари бемар
 жамъ этиб, Фуоди номдор била тамоми шаҳриёрларни
 олиб, Хусн парирухсор сориға озим бўлғони. Бу хабар-
 нинг таҳқиқин ва бу асарнинг тасдиқин Назари маҳбуси
 жосус камо ҳува ҳаққуҳи фаҳм этиб Ақлнинг хаёлин Фу-
 однинг нияти болик камо янбағий билиб, шаҳри Дийдор
 сориға азм бўлғонининг хатти губори:

Буржи асаддин асади офтоб,
 Аззиш ила айлади зоҳир шитоб.
 Қилди ҳамал манзили сори хиром,
 Этмок учун айшин аларнинг ҳаром.
 Кўргоч анга аззишу шўриш ҳама,
 Сабзаи кўкдин қочиб эрди рама.
 Гурки сахар то қилиб эрди ситез,
 Солмоқ учун оламаро рустахез.
 Анда фалак маркаби айлаб ҳарос,
 Кўз юмубон тутмиш эди ўзни пос.
 Бўридин этмоклика пинҳон ўзин,

Кўрмагудек ўзини бўлди кўзин.
Фурсат анга бор эди фасли баҳор,
Гулга чекиб эрди ситонлорни хор.
Ҳар наки боғ ичра хиёбон эди,
Кўк теури баргаро пинҳон эди.
Сарв чекиб анда зумрад алам,
Бор эди ул сафаро собитқадам.
Савсан этиб ханжари бурронни тез,
Айлар эди ел била ҳар ён ситез.
Жола тоши кўкдин этардин фуруд,
Ёзмиш эди гунчага хуфтони худ.
Сабза қилиб ниши синон обдор,
Тўккали қон эрди чу мижғони ёр.
Заҳм ебон лола қочиб тоғаро
Қолмиш эди қон ила ул доғаро.
Наргис олиб шашпари чун золи зар
Чекмиш эди бошга бинафша сипар.
Қавси фалак ўқиға айлаб нишон
Бийдни пайқонми эди баргсон.
Бўйла авон ичра улус хонлари.
Даҳр эли султони-ю хоқонлари.
Ақл жанобий сори қилди ружуъ,
Этмок учун жангу жадалга шуруъ.
Бўлди муҳайё бори асбоби жанг,
Шоҳ доғи амр этибон бедаранг.
Чектурубон нолау савти сафир,
Қилди аён нағмаи ною нафир.
Тўлди жаҳон қасрига овози кўс,
Ваҳшат ила бўлди жаҳон сандарус.
Тўпу тўфанг савти солиб шўру шар,
Етти фалакнинг қулоқин қилди қар.
Титради ер, зоҳир этиб зилзила,
Уйлаки юз даврасида силсила.
Бўйла салобат била ул шоҳи Ақл,
Ҳусни парирўй сори қилди нақл.
Бир ёнида даҳр салотинлари,
Бир ёнида шаҳр хавоқинлари.
Бир-биридин жону жаҳон ичра бийм,
«Зилзилатис — соати шайун азим».
Дейки анинг бирла заминун замон —
Кўчти, доғи юрди макину макон.
Ҳашр киби шўришу ғавго эди,
Ҳар сори юз навъ тамошо эди.

Пеш жанг анга бор эди деви дад,
 Топмас эди анинг ҳисобин адад.
 Лашкари аъдодида беваҳму бок,
 Рег равон бор эди бир мушти хок,
 Етмас эди онлара дарёдин об,
 Дашти жаҳондин доғи бир жойи хоб,
 Йўл юругон чоғи ғубори сипоҳ —
 Айлар эди дашти фалакни сиёҳ.
 Шавкат анга ёр эди ҳаддин фузун,
 Ҳашмату давлат ҳам ададдин фузун.
 Қайси манозилки ул элга макон —
 Бўлса бўлур эрди чу боғи жинон.
 Қайдаки хонлар эди маснаднишин,
 Боғи эрам эрди анга хўшачин.
 Зоҳир этиб Ақл такосур баче,
 Айлар эди ўзга тафоҳур баче.
 Кўнглиро жўшиши баҳри сурур,
 Бошида ҳам боди ҳавойи ғурур.
 Шому саҳар нахват ила ҳаминон—
 Бор эди ул подшаҳи комрон.
 Билмас эди бор экан ул тез хуш,
 Золи фалак Рустами Суҳроб куш.
 Қилса биров тахтини бадри мунир,
 Айлар экан чоҳаро бир кун асир.
 Кимга талаттуф қилибон зебу фар,
 Айламади ер тубин охир мақар.
 Этса биров қадрини гардун жаноб,
 Ерго ани урғали айлар шитоб,
 Кимки қуёш маснадида ҳукмрон—
 Бўлди, солур ер тубига ногаҳон.
 Кимки жаҳон мулкида соҳиб сарир—
 Бўлса агар мулкдеҳу тожгир.
 Сели қазо кўҳи қадардин равон —
 Бўлгач оқар кишвару кишварситон.
 Қайда жаҳон гулшанида бир чаман
 Қилмади бу тийра заминни ватан,
 Тахт била тахта бўлуб тавъамон
 Охири давлат лат эрур бегумон,
 Улки берур яхши-ёмондин хабар,
 Бўйла бўлур ақл элига роҳбар.
 Мухтасар ул эл этиб айшу нишот,
 Шаҳға алардин бор эди инбисот.
 Хизматида доғи Фуоди далир,

Йўл юрубон ўйлаки ғарранда шер.
Шери фалакни кўза илмас эди,
Маст гурур эрди айилмас эди.
Чунки ҳануз ишқ била кор-зор,
Эткон эмас эрди ўшул номдор.
Кўрмай эди шавкати султони Ишқ,
Тушмай эди бошига тугёни ишқ.
Хайли ҳавас бирла этиб кўб жидол,
Босмиш эди онлари беқийл-қол.
Чунки эди хайли ҳаво-у ҳавас,
Рутбаи идбор ила чун хору хас.
Борча яғоч зангу эди, ип лажом,
Жез мисил эрди, ул эл хосу ом.
Балки ўшул эл эди хожасаро.
Эрди муханнас бори оқу қаро.
Бир-биридин ўксур эди ул сурук,
Орқаси тешук эди, олди кесук.
Ишқ элини қилди анингдек хаёл,
Лекин эди ушбу хаёлий маҳол.
Ишқ эди борча жаҳон офати,
Дема жаҳон офати, жон офати.
Пил ҳамон оллида пашша ҳамон,
Мурчача йўқ шерга тобу тавон.
Балки анинг пашшасидин хаста мўр,
Айлар эди аждари давронға зўр.
Лек бу эл гофил анинг зўридин,
Наъраи мастонаи пуршўридин.
Бермок ила ўзларига зебу фар,
Ўзгани қўй, ўздин эди беҳабар.
Ўзни хаёл айлар эдилар чу шер,
Ўзгани билмас эдилар бори эр.
Кимки емас бошиға мушти дурушт,
Бўлмағуси хам анга бозуву пушт.
Хасм қўлидин емаган тиғи тез—
Қилғуси майдонро кўпроқ ситез.
Бўлса заған хайлийро жилвагар,
Дегуси семурғни бир муштипар.
Қайси маҳал бўлса иков рў-барў,
Қолмағай ул хайлға бу гуфтуғў,
Об-таом узра неча беҳунар,
Бедилу безахра-у, бо по-у сар.
Ўзига ҳеч кимни баробар демас,
Рустами дostonни диловар демас.

Бўлмағуси лоф ила одам далир,
Кимса тахайюл била ёхуд амир.
Сўз била гар бўлса биров аҳли ҳол,
Дема Нишотийғаки топмас камол.
Лекин агар бўлмаса кирдор анга,
Суд қачон қилғуси гуфтор анга?
Бу сўза тамсил Низомий демиш,
Хисрав ила ҳазрати Жомий демиш.

**Мими даҳоннинг ҳамушлиғ ичра хушлиқда эркини-
нинг қийлу қоли ва суҳаннинг сурати сижн бўлғонининг
мисоли:**

Бир чаманий саҳнида фасли баҳор,
Боз ила булбул эдилар сўзгузор.
Бир-бирига айлар эди гуфтуғу,
Рози ниҳондин бўлбон нуктажў.
Бозға булбул деди: —Эй жаҳласар!
Санда қани савту наводин хабар?
Ким анга бўлғай эларо пурфутуҳ,
Баст эли ани дегай шадди руҳ.
Токи лабинг сўзга қилибсан кушод,
Айламадинг бир сўзи хайр ила ёд.
Қушлараро сан киби бир бадмақол—
Мумкин эмас бўлмоғи, эй баджамол.
Дийда санга бўлди фарангийнишон,
Аблақ эрур пайкаринг, эй тийражон.
Мунча касофатлар ила солу моҳ —
Шоҳ қўли узра санга жилвагоҳ.
Қилмоқ учун дур сени сарфароз
Деди анинг оламаро шоҳбоз
Таъма санга сийнаи кабки дарий.
Таблинга овозан исқандарий,
Манман ўшул булбули гўе-у хуш.
Нағмам ўшул эларо довудваш .
Таъма манга кирм қилиб рўзгор
Хона, недин қилди манга хор-зор.
Боз деди ангаки: — Хомуш бўл,
Бўлма тил, иззат тиласанг гўш бўл.
Рост сўзум айла, қулоғингга дур,
Гарчики дер фаҳм эли алҳаққу мур.
Англа яқинким мангодур ёзу қиш —
Юзни қилиб бир ни демослик равиш.
Бир иши сан онгламайин вақти кор —

Лоф ила сўз чоғида дерсан ҳазор.
Ҳар киши худбин эса-у худпараст,
Сан киби иқбол нетонг бўлса паст.
Ғолиб ўлуб нахвату ужбу ғурур,
Шаҳ қўлидин қилди маконингни дур.
Манзили мақсад тиласанг содда бўл.
Жода киби сар-басар афтода бўл!
Истар эсанг ёр юзига назар,
Кўрма ўзунг ўйлаки нури басар.
Ҳар киши худбин эса аъмо эрур,
Чунки кўзи хокға маъво эрур.
Дийдаки бу пайкар хокиға жо—
Бўлди, қачон қолғувси нуру зиё.
Кўз санга худбину сўзинг доғи лоф,
Савт санга бошдин-аёқ бор гузоф.
Ҳар кишининг қўли гар эрмас садид,
Сурати ҳол ўлғуси анга шадид.
Кўрки эрур бошдин-оёқ ифтиро,
Офатаро айлагил андин ибо.
Мийми даҳон бор эса доим хамуш,
Хушлиғаро бўлғуси қилма хуруш.
Сиҷн эрур нақши суҳан ҳар нафас,
Сўзлагали очма лаб, улдур қафас.
Бўлса суҳан гуллари ошифтавор,
Сурати хас қилғусидур ошкор.
Дашти маоний мангадур сайдгоҳ,
Андин эрур жилвағаҳим дасти шоҳ,
Рост калом ул, тиласанг тури нур,
Козиб эса субҳ анга йўқ ширин нур,
Кимки дуруғ ўлса анинг пешаси,
Ҳосил ётар дўғ анинг андишаси,
Санки ҳама захми забонсан тамом,
Кирм ебон хор уза бўлғил давом.
Баски баланд ўлди пари ҳимматим.
Сийнаи кабк андин эрур қисматим.
Хутба Сикандар отиға хўб эрур,
Мидҳат анинг зотиға марғуб эрур,
Йўқки даҳил отиға чексанг наво,
Анда кўруб савту сафиру садо,
Чархки ул соҳиби фарёд эмас,
Чанбаридин бир киши овод эмас.
Нолани ҳар нечаки айлар хурус,
Еки фиғон ҳар нечаким чекса кўс.

Кимса анинг сўзига солмас қулоқ,
 Сўздин эрур феъли ҳужуста йироқ,
 Сўзни узатдим бўлубон беҳабар,
 Эмди эшит айлагомен қисса сар.
 Улки қилур дашт варақға қадам,
 Бўйла сўрар анда кумити рақам.
 Ақлу Фуод аҳли бўлуб раҳгузор,
 Шому саҳар тутмас эдилар қарор.
 Ҳар бирида нахвату ужбу ғурур,
 Ончики ўздин эдилар бешуур.
 Бор эди ул элга мунингдек хаёл,
 Борғач этиб Ҳусн элини поймол.
 Айлагомиз мулку диёрин хароб,
 Гулшанину ҳисну ҳисорин хароб.
 Сабр ила давр эди собит қадам,
 Эрди сутун лашкару кишварга ҳам.
 Пурдил эди сафдари соҳиб виқор,
 Ҳар фан аро бар эди ул устувор.
 Табъи тааннийга эди ҳамнишин,
 Кўчмоқу кўнмоқға ул эрди амин.
 Чунки таанний эди раҳмон иши,
 Ижнат эди дев ила шайтон иши.
 Бу эларо мундоқ эди қарру фар,
 Эмди эшит ани не қилди Назар.
 Андаки зиндонро маҳбус эди,
 Чиқмоғидин жон анга маъюс эди.
 Солди ўшул хотамий комийро,
 Топти бори банди балодин раҳо.
 Ҳар кишиким бор эди йўлдош анга,
 Меҳнати зиндонро сирдош анга.
 Ешти алар бандини доғи равон,
 Чиқтилару қочтилар элдин ниҳон.
 Оғаҳ ўлуб Ақл ишидин тамом—
 Қилдилар ўз манзили сори хиром.
 Бордилар ул гулшани мийну сори,
 Яъни ўшул шоҳи парирў сори.
 Ҳуснға деб борча дуруду салом,—
 Берди алар ҳар неки эрди паём.
 Ё раб, этиб Ақлу хирадни забун,
 Айла мани волии дашти жунун,
 Токи бўлуб сарвари собит қадам,
 Дарду бало мулкига тортай алам.
 Соқий, ўлубман манга бер тоза жон.

Бермок ила лаъли равон, бер равон.
Зулм этибон гардиши даврон манга,
Даврингаро берди бaсе қон манга.

Офтоби чолок қассоби бебок киби афлок уйидин Ҳамални олиб сўйғонида ва шуоъи шужоъанжум ганами-нинг беғам тиғи ситам била кўзин ўйғонида Назари ном-вар ва Нағмаи диловар ва Хаёли сафдар Ақли фалак-жоҳнинг хабарин Ҳусни анжумсипоҳга еткурғони. Ҳусни парирухсор сипаҳсолори ҳижоларин ва «шоваруҳум фил-амри» мазмуни била жамъ этиб, отаси Шаҳриёри Ишқға хомаи мушкин жома била убудийтнома ёзғони. Таҳийёт подшоҳи ва даъавот шоҳидин сўнгра Ақли сипаҳдорнинг лашкари жаррорин ва аскари хунхорин арз қилғони. Иш-қи сафдар бу хабарни эшитиб, Ғами диловарни Ақлға қоршу буюрғони. Ул парвонаи роғиб шамъи дағо ва ул самандари толиб оташи ҳижо Ақли бодияпаймоға оташ-олуд сўзлар айтиб, жону кўнгли қасрин пурдуд қилғо-нининг духони:

Меҳри жаҳон олғали чун чекти тиг,
Қирди бори занг элини бедариг.
Олди неким бор эди дашту ҳисор,
Қўймади бир гулшану бир хор-зор.
Бўлди жаҳон мулки мусаххар анга,
Афсару тахт ўлди муяссар анга.
Кўргач ани моҳ ила ноҳид тийр,
Ваҳшат этиб бўлди бори гўшагир.
Бўйла замон етти Хаёлу Назар.
Нағмаким ул ҳам бор эди ҳамсафар.
Борчалари борди гуризон бўлуб,
Ақл ишидин жону дили қон бўлуб.
Неки кўруб эрди алар сар-басар,
Ҳуснға ани дедилар мухтасар.
Ҳусн париваш бўлуб ошифтавор,
Зулфи киби бўлди қаро рўзгор.
Чораи кор этколи роғиб бўлуб,
Дафъи адув қилғали толиб бўлуб.
Деди:—Қилинг жамъ аозимлари,
Сафҳаи девон доғи нозимлари.
Тона кенгош қилғай алар ошкор,
Топғомиз ул маслаҳат узра қарор.
Некь кенгаш бирла топар иртиқоб,

Бўлғуси албатта хатосиз савоб,
 Машварате қўймаки носир эмиш,
 Тангри каломида «ва шовир!»¹ демиш.
 Улки нетонг даҳраро кишваркушой,
 Соҳиби тиг ўлса шаҳи аҳли рой.
 Ҳусн парийрўға бўллуғоч калом,
 Келди анинг хизматиға хосу ом.
 Ишва элининг ҳама фойиқлари,
 Хайли карашма бори собиқлари,
 Улки Шамойил элига эрди хон.
 Еки адо хайлиаро ҳукмрон.
 Нозким ул дилбари танноз эди,
 Ҳамдами ул сарви сарафроз эди.
 Борча махофилда бор эрди қарин,
 Жумла мажолисда эди ҳамнишин.
 Доғи Рафобонуйи равшанзамир—
 Банда эди ҳусниға бадри мунир.
 Ғамзақим ул сарвари офоқ эди,
 Ҳожиб элнинг маснадиким тоқ эди.
 Аҳли вилоят сару сарварлари,
 Ҳар на таҳамтанлари, сафдарлари.
 Ҳар кишиким гулшани рухсораро.
 Бор эди ё кишвари Дийдораро.
 Борчаси ул махфиларо бўлди жамъ,
 Тожи мурассаъ била андоқки шамъ.
 Шоҳ сори борча чекиб интизор,
 Турмиш эди то на дегай шаҳриёр,
 Ҳусни париваш бўлубон дурфишон —
 Лаълидин эл жамъиға еткурди жон.
 Деди:— Билинг борча улус хонлари!
 Бор сизу ё мулк ниғаҳбонлари.
 Даври фалак зоҳир этиб инқилоб.
 Қилди бизнинг мулкимизи фарқи об.
 Ақлким ул даҳрародур тожвар,
 Бор эмиш ул ҳийлагару чорагар,
 Жамъ этибон лашкари гардунғубор.
 Юрган эмиш бул тараф ул шаҳриёр.
 Наҳб ила ғорат бўлубон пешаси,
 Биздин эмиш йўқ анинг андишаси.
 Сиз ҳам этиб фикрингизи раҳнамо,
 Чора қилингким на дегаймиз анго?

¹ Кенгашишгин!

Хусн қилиб сўзни бу ерда тамом
 Деди ул элки:— Шаҳи олий низом,
 Давлату иқбол ўлубон чокаринг,
 Бўлсун алар биз киби фармонбаринг.
 Гарчики ғам кўргузур элга ғинам,
 Кўй кўпидин бўлмади қассоба ғам.
 Утун агар бор эса ҳаддин фузун,
 Бари бир учқун била бўлғай забун.
 Нажми фалак бир нечадур бешумор,
 Меҳр тулуъ эткоч ўлур борча нор.
 Зог-зағаннинг нечаким сони йўқ,
 Тошға қарши турар имкони йўқ.
 Қилма ҳарос, айлама андин ибо,
 Биримиз ўқ бормиз анга иктифо,
 Лекин отанг сориға бир хат равон —
 Айлаки, то не дегай ул ҳукмрон?
 Гарчи ярош ўлсуну ёхуд савош,
 Яхши эмас этмокимиз бекенгош.
 Хусн деди:— Бизга бу матлуб эрур,
 Хар неки сизлар дедингиз хўб эрур.
 Бўйла дебон илгига олди қалам,
 Ёзмоқ учун ўз хати бирла рақам.
 Хат отаси сориға еткон замон,
 Бўлғай анга токи ўзидин нишон,
 Ишқи жаҳонжў сори ёзди савод,
 Диққат ила ул гули нахли мурод.
 Дедики:— Эй сарвари анжумсипоҳ,
 Зотинг эрур лашкари кишварпаноҳ.
 Борча жаҳон шаҳларидур чокаринг,
 Молики сан Бохтару ховаринг.
 Самъи ҳумоюнинга эй хуштамиз,
 Арз қилур ажз ила ушбу каниз.
 Изад этиб тахт ила жоҳинг баланд,
 Зотинга еткурмасун ҳаргиз газанд
 Давлатинг айёми била шод эдим,
 Кулфат ила қайғудин озод эдим.
 Айшу фароғатда ичардин мудом—
 Бўлган эмас эрди манга талхком.
 Ақлки шоҳе эрур анжумсипоҳ,
 Юрган эмиш бу сори беиштибоҳ.
 Шоҳ Фуод ул доғи бу ён қадам —
 Кўйган эмиш этгали зулму ситам.
 Сабр доғи келмоки эрмиш қарийб,

Бор эмиш ҳамраҳ анга бир дил шақийб.
 Шаҳри баданнинг бори сафдарлари,
 Юрган эмиш жумла диловарлари.
 Мулку диёримни қилурға хароб,
 Лашкар эмиш ҳар бирига беҳисоб.
 Келди алардин манга жосусвор—
 Бир кишиким, қавлиға дур устувор.
 Қилди аён неки эрур можаро,
 Бу хабари чиндуру йўқтур хато.
 Яъни эрур Нағмаи ширин калом,
 Рост наво пеша эрур ул мудом.
 Наҳб ила ғорат анга бўлмай аён,
 Хизматига номани қилдим равон.
 Эмди неким дер эса фармонраво,
 Амри анинг бизга эрур муддао.
 Сўз бу эди номада топти тамом.
 Деди салом айлади хатми калом.
 Бости анга муҳр ҳукуматпаноҳ,
 Сафҳаи афлок уза андоқки моҳ,
 Берди ани элчига қилди равон,
 Мухбир эди элчи отиға нишон.
 Доғи ёзиб ҳукм била бир мисол,
 Хинд саводи ароким эрди хола.
 Қилди равон анга доғи бир амир,
 Бор эди ул элчининг оти Башир.
 Нома ёзиб Меҳр диловар сори,
 Қилди равон кишвари Ховар сори.
 Бор эди ул нома бир оти шуоъ,
 Арсаи оламаро эрди шужоъ.
 Чинғаки гисув бор эди мулкбон,
 Мулки Хито ичра доғи ҳукмрон.
 Ёзди анга номаи мушкин мидод,
 Анга кетарго кишиким қилди ёд.
 Оти анинг Муқбили Асвад эди,
 Аждари дарранда эди, дад эди.
 Қомати сардорға ёзди рақам,
 Ким эди ул соҳиби туғу алам.
 Қилди равон анга доғи бир киши,
 Шому саҳар элчилик эрди иши.
 Оти анинг Сарви Хиромон эди,
 Дема ани жон эди, жонон эди.
 Ишваи соқийни доғи муҳтарам —
 Нома била айлади ул мухташам.

Ишва ани олғали бўлди мушир,
 Эрди анинг сафҳаси гулгун ҳарир.
 Ҳавзаи ҳукмиаро қайси диёр,
 Бор эди на мулку қаю шаҳриёр.
 Ҳар кишиким бор эди фармонпазир,
 Борчасига номани ёзди дабир.
 Деб эди бу руқъани кўрган замон,
 Етсун алар ўйлаки боди вазон.
 Топти адо ҳар неки марқум эди,
 Борча рақам ичра бу мафҳум эди,
 Ҳусн очибон дафтари эҳсон анга,
 Ёзди ўзи отидин унвон анга.
 Муҳр лабин хат уза қилди нишон,
 Сафҳаи хат андин ўлуб комрон.
 Эл бошининг устида топти қарор,
 Тажи мурассафдек ўлуб зарнигор.
 Элчиларинг отики мазкур эди,
 Сафҳа саводиаро мастур эди.
 Борди алар ҳар бири бир шаҳ сори,
 Топти мақосидни ул элнинг бори.
 Кўрганида кўз қаросидек савод,
 Қилди улус хонлари ҳам инқиёд.
 Муддати меъод анга бўлғач тамом,
 Етти анинг дарғаҳиға хосу ом.
 Ишқ шаҳиға доғи еткоч хабар
 Жамъ этибон лашкари беҳадду мар,
 Қилди фароғатни ўзига ҳаром,
 Ҳусни парирў сори қилди хиром.
 Шаҳлар анинг ёнида ҳаддин фузун,
 Лашкари аъдоди ададдин фузун.
 Келди бори кишвари Дийдораро.
 Қирди келиб гулшани рухсораро.
 Ишқ била Ҳусн топиб иттиҳод,
 Терди алар мева-у нахли мурод.
 Бир-бирини исташибу сўрашиб,
 Бўлди адо сўз алара мунграшиб.
 Жангу жадал ишини айлаб йироқ
 Юрмоки борча дедилар яхшироқ.
 Ишқ деди:— Ғамғаки, эй паҳлавон,
 Ақли паришон сори бўлғил равон!
 Кўргил анинг лашкари атворини,
 Бизга олиб кел доғи ахборини.
 Кўр аниким надур экан ком анга,

Баҳр киби йўқтурур ором анга.
 Элчилик ҳайбат била бор қошиға,
 Сўз била сол тийра кун бошиға.
 Ҳар неки сўрса анга бергил жавоб,
 Хоҳ хато десуну хоҳи савоб.
 Келса рикоб ўпколи ул бадли жом,
 Айлагомен афв гуноҳин тамом.
 Келмоқидин қилса агар ижтиноб,
 Эткум эрур мулку диёрин хароб.
 Йўқки уруш бўлса анга муддао,
 Водийи Армон сори чексун ливо.
 Бўлғуси ул дашт уза кор-зор,
 То кўрайин кимга бўлар кор-зор.
 Бўйла дегач Ғам бўлубон шодмон,
 Ақли диловар сори бўлди равон,
 Етти юруб Ақли жаҳонжўға ул,
 Борди ўшул манзили мийнуға ул.
 Кирди ижозат тиламай беибо,
 Шаҳ қошиға токи дегай муддао.
 Қилмади таъзимига қоматни хам,
 Яъники ул сафдари солори Ғам.
 Шаҳға дуо дер чоғи элтиб ғирав,
 Деди муборак санга бу марги нав.
 Ақл адабдин кўрубон ани дур,
 Дедики: —Эй давр элидин бешуър.
 Келмокинг мунда на эрди сабаб?
 Тўғри дегил, бўлмаса кўргунг ғазаб.
 Ғам деди: —Эй шоҳи нахустшуор,
 Бошинга солмиш ажаб иш рўзгор.
 Топмағуси эмди тилаб жон сани,
 Билки чекибдур бу тараф қон сани.
 Ўз оёқинг бирла бўлурға қатил,
 Маслиҳи Қассоб сори бедалил.
 Келдинг аё сарвари равшан равон,
 Туфроғинга бўлди бу манзил макон.
 Юзланибон турфа ҳамоқат санга,
 Келди бу навъ офату меҳнат санга.
 Тулку эмас ҳар неча бўлса далир—
 Лойиқи сарпанжан бозуйи шер.
 Ҳар нечаким тобу тавон топса мур.
 Аждара тенг бўлмағуси вақти зўр.
 Ҳар нечаким пашша урар болу пар.
 Пил киби ўлмағуси жилвагар.

Боз ила тенг бўлмади ҳар чўғзи дун.
Ишқ қавий чанг эруру сан забун.
Ҳар киши ўз ҳолига лойиқ қадам —
Қўйса надамда анга етмас надам.
Фурсат эрур шаҳ қопусиға равон—
Бўлсангу андин тилар эрсанг амон.
Айласанг ўз журминга гар эътироф—
Этгусидур шаҳ доғи журминг маъоф.
Йўқки агар бўлса балоҳат санга,
Ишқ била лофи адоват санга.
Айлагосан бизни доғи комрон
Балки биза бергунг эрур тоза жон,
Мунча била қилсанг уруш ихтиёр,
Водийи Армонро тутғил қарор.
Ишқки даҳр ичра жаҳонбон эрур,
Келмоқ анга бу тараф осон эрур.
Водийи Армонни гар этсанг мақар,
Ваҳшат ила дегосан: «Айнал—мафар».
Ақл деди ангаки: —Эй ёвағў,
Айлама ҳузён сўз ила гуфтуғў.
Сўйгай эдим тутмаса бу сўз йўлим —
Ким, дер улус элчига йўқтур ўлум!
Оз ила кўбга берадурғон худо,
Бордур аё элчийи фармонраво.
Лашкаринга айламагил эътимод,
Этма ҳаводин ҳаваси истинод.
Билки жаҳон шавкати бордур шамол,
Балки анинг ҳашмати хобу хаёл,
Биздин уруш сориға фармон эрур,
Ваъда ери водийи Армон эрур.
Бор доғи ул ваъдаға омода бўл,
Ўзга хаёлинг боридин сода бўл.
Бўйла дегач Ақли баланд иқтидор,
Ғам доғи бу сўз уза айлаб қарор.
Турди-ю деди қилибон қаҳру кин:
— Ўлғуси кимчинки кулоҳу нигин.
Кўргосан ани неки тақдир эрур,
Лавҳи азалда неки таҳрир эрур.
Бўйла дебон бўлди равон ул далир,
Бешааро ўйлаки ғарранда шер.
Бийми била Ақл эли ларзон эди,
Савлатидин борча ҳаросон эди.
Чунки эди бир киши ул эларо.

Қилмай ибо айлади бу можаро.
 Хайрат этиб Ақл элини гунгу лол—
 Бўлди бори волайу ошифтаҳол.
 Ақл этибон бу сўза зоҳир итоб,
 Водийи Армон сори қилди шитоб.
 Килкким ул сафҳа уза раҳгузор—
 Эрди аён қилди мунингдек ғубор.
 Ғам борибон Ишқға берди хабар,
 Ақл дема бир кишидур хирасар.
 Бўлди жадал қилмоқ анинг пешаси,
 Сандин эмас кўнглида андишаси.
 Хар неки анда қилиб эрди жадал,
 Деди борин шаҳ қошида беҳиял.
 Ишқ бу сўзларни эшиткон замон,
 Юргали ул сориға бўлди равон.
 Е раб, ўзунг Ишқни қил жабрдаст,
 Ақлу хирад аҳлин анга айла паст.
 Зор Нишотийға бўлуб раҳнамун,
 Лутф ила кўргуз анга дашти жунун.
 Соқий, оёқдин манга бер тўла қон,
 То билайин жисмимаро ани жон.
 Ғарқ этайин эли кўзим ёшидин,
 Қон оқизай даҳр элининг бошидин.

Меҳри субҳи содиқ тутуқи уфқдин партави ишқ киби
 зуҳур қилғонида ва ламаъоти тажаллийдин афлок тоғин
 қўҳи Тур қилғонида Ишқи сипаҳдор шери бешаи корзон-
 ларин жамъ этиб, Ҳусни парийрухсор била қалъаи Дий-
 дордин чиқиб Хисрави Ховарни, яъни Меҳри сафдарни
 пеши жанг қилиб, Ақли бефарҳанг ва Фуоди беному
 нанг устига озим бўлғони:

Ақли номдор лашкари анжумғубор ва аскари гардун-
 виқор билан водийи Армонда қарор тутуб, муқобала ва
 муқотала ва мужоҳада ишига жозим бўлғони; султони
 Ақлнинг фармони вожибул—изъони била ва Хисрави
 Ишқ амири қадар тавъамони ва ҳукми қазо жараёни би-
 ла икки тарафдин сафин ораста ва жайшини пироста
 этиб, жаноҳини лашкарга тартиби маймана ва майсара
 эткони: Ҳусн тарафидин Ғамзаи диловар, чун Рустами
 пар-Хошхар муборизат кўргузуб Ақлу Фуоднинг сар-
 варларидин кўб кимсаларни тиғи обдор ва тийри жон-
 шикор била бесар этиб, шаҳодат юзидин, жарқ ва шу-
 жоат отидин тарҳ қилғони ва қомати сардор Ақли тож-

дорнинг аламига қасд этиб, синони жонситон била мубо-
ризларни забун ва диловарларнинг багрин хун ва аламдор-
ларни сарнигун қилғони, ул куннинг тунида Гисуйи
пурфусун Жайхун, Сайхун киби шабхун кўргузғони, наси-
ми талиъаи зафар ва ройиҳаи нусрат Ақли асар тарафидин
эсиб Гису аҳлини паришон ва қаро рўзгор этиб тору мор
қилгонининг печу тоби:

Шоҳи фалак зоҳир этиб дору гир,
Айлади ул зангийи тунни асир,
Қон оқизиб ўйлаки гулгун шафақ —
Берди жаҳон мулкига ўзга насақ.
Бўйла замон Ишқи фалак жойгоҳ.
Қилмоқ учун Ақл эли ҳолин табаҳ.
Меҳр диловарни қилиб пеш жанг,
Этма, деди, мунда замоний даранг,
Қоқтурубон қаҳр ила рўйина хум.
Чектуруб ул дамда дамий гов дум.
Ҳар сори шайпур ила ҳинди дарой,
Зоҳир этиб савт сафир ила ной,
Сури қиёматни қилиб ошкор,
Шоҳ ила лашкар доғи бўлди сувор.
Қалби асоқирда тутуб жойи шоҳ,
Соғ ила сўлида ҳужуми сипоҳ.
Бир ёнида Ранжи суубат эли,
Бир ёнида доғи Уқубат эли.
Лашкари ғам хайли ситам аҳли дард,
Борча анинг бирла бўлуб раҳ навард.
Кулфату Қайғу эли ҳам бедаранг—
Йўл юрубон ўйлаки жанги наҳанг.
Меҳнат эли доғи бўлуб ҳамгуруҳ,
Юрди алар ўйлаки кўҳи шукуҳ.
Зангийи Фурқат яна деви Рақиб,
Лашкари фитораи ҳажри муҳиб .
Хайли алам соҳиби туғу алам,
Бўлди бори Ишқ била ҳамқадам.
Тўрт юзу етмиш эди анга хон,
Ҳар бири бир барқи балодин нишон.
Бўйла эди дабдабан шоҳи Ишқ,
Ҳашр киби бор эди даргоҳи Ишқ.
Хусн шаҳий айлади қилмай даранг,
Қомати сардорни ул пешжанг.
Беш юзу қирқ доғи бир далир,

Эрди анга ҳар бири чун нарра шер.
Жилваи соқийни доғи қилди ёр,
Қомати сардорға ул тождор.
Шўри қиёматни қилиб иртиқоб,
Юрди ўзи доғи чу дарёйи об.
Бир ёнида эрди латофат эли,
Бир ёнида яна малоҳат эли.
Даврасидин хайли мавокиб юруб,
Уйлаки ой бирла кавокиб юруб,
Соғ ила сўл Гисуйи пурчин эли—
Бўлди равон, бор эди ул Чин эли,
Холким ул бор эди ҳинду нажд,
Оллида човуш эди ул хушниҳод.
Лашкар анга аҳли Хито-у Хўтан,
Эрди бори сафдару лашкаршикан.
Ғамзаким ул ҳокими атрок эди,
Эрди сияҳ масту яқо чок эди.
Тўккали қон анга йўқ эрди дариг,
Ханжар анга тез эди, хунрез тиг.
Эрди мусаллам анга тийру камон,
Доғи синоний бор эди жонситон.
Сафдари солор эди, пурдил эди,
Ҳусни парирўға қаровул эди.
Ҳожиб эли доғи бўлуб икки саф,
Юрди алар ҳам бўлуб икки тараф.
Бирисига эрди сипаҳ бад Ҳилол,
Ул бириси оти бор эрди Билол.
Барчасининг тиғи сияҳтоб эди,
Тиғи хамий жонлара қаллоб эди.
Яна бори ёйи сияҳтуз ҳам,
Давлату толелари феруз ҳам.
Ҳар на каманд эрди-ю ёхуд камон,
Тийри жигардўз эди ёхуд синон.
Борчасининг ранги било иштибоҳ,
Заҳри жафо бирла бор эрди сиёҳ.
Шоҳи Карашма, доғи шоҳий Адо,
Ишва шаҳий доғи юруб беибо.
Нозким ул маҳрами дамсоз эди,
Отасининг оти Фусунсоз эди.
Соҳир эли узра эди ҳукмрон,
Лашкари бирла эди ул ҳам равон.
Меҳри диловар қизиким дилрабо—
Эрди, анга от эди Моҳи Вафо.

Ташлаб эди оллига гулгун, ниқоб,
Эрди қизил абр аро чун офтоб.
Ноз ила ул ҳам бор эди ҳамъинон,
Лашкар эди жисму ул икки равон.
Иккиси ҳам бор эди гулгун сувор,
Балки эди онлара гулгун губор.
Дема губор, ани дегил тўтиё,
Кўзга зиё эрди-ю жонга сафо.
Улки варақ сатридадур роҳрав,
Бўйла олур мулки суҳандин гарав.
Ишқ била Ҳусни фалак дастгоҳ,
Ақл сори чекти мунингдек сипоҳ.
Неча маҳал таййи манозил қилиб,
Саъй била қатъи мароҳил қилиб.
Етти юруб ул ики шоҳи далир,
Уйлаки тулку сори фарранда шер.
Ақл кўруб онлари беваҳму бийм,
Қилғали душманни ваҳиму саҳим.
Қаҳр била отланибон ҳам гуруҳ
Бўлди тараф бир-бирига икки кўҳ,
Кўҳ неким Садди Сикандар эди,
Икки тараф доғи баробар эди.
Кўк темур ичра бори эрди ниҳон,
Сув ичида одами обий нишон.
Кимки жаҳон мулкида сарвар эди,
Тўни совут, афсари мифар эди.
Икки тараф наъра чекиб ҳой ила,
Ер била кўкка солибон зилзила.
Аҳли қиёматдек ўлуб неча саф —
Турди алар бир-бирисига тараф.
Кеч эди кун ўлғали омода жанг,
Лозим эди қилмоғи ул кун даранг.
Ваҳм келиб лашкари сафдар сори,
Яъни ўшул Ишқи диловар сори.
Деди: —Қил, эй шоҳ таҳаммул шиор.
Тонгла аён айлагомиз кор-зор.
Бахтинги сан ҳам этибон имтиҳон,
Кўргасен ани неки қилса жаҳон,
Билмас ани кимсаки бу даҳри дун,
Қайси тараф бахтини қилғай нигун.
Кимни қилур соҳиби тожу сарир,
Кимни этар чоҳи балода асир.
Қилса биров бахтини гар сарбаланд.

Қилгуси ул бирини хору нажанд.
Бўйла эрур ҳодисаи рўзи жанг,
Бир топар жоҳу бири чоҳи танг.
Ваҳм сўзин айлади бу ерга банд,
Ишқ анинг сўзини қилди писанд.
Берди ики сориға муҳлат ажал,
Улмагуси кимса етушмай маҳал.
Золи фалакни тун уқобинаро,
Кўзларин оқ этти, юзин ҳам қаро.
Тушти ики сориға ул икки шоҳ,
Топти фароғатники эрди сипоҳ,
Икки тараф лашкари анжумшумор,
Водийи Армонро тутти қарор.
Лашкари Ақл анда ҳаросон эди,
Ишқ эли ҳам хавф ила печон эди.
Кимки эди пурдилу соҳибнизом,
Аслаҳасин айлар эди аҳтимом.
Тўғри қилиб ўқини, ёйини ҳам—
Айлар эди, тиғин этиб тездам.
Заҳр бериб шашпару пайкониға,
Тез этибон ани адув жониға.
Қилмоқ учун душман элин сарнигун,
Найза учун айлабон олмосгун.
Оту тўнин борча саранжом этиб,
Ҳар неки лозим ани анжом этиб.
Зоҳир этар эрди бори карру фар,
Қилмоқ учун тонгла аён шўру шар.
Ул кишиким баддил эди беасос
Тўлмиш эди кўнглиға хавфу ҳарос.
Дебки аён тонгла агар рустахез.
Бўлса, бўлур қай сори бизга гурез.
Олгуси ким даҳраро божу хирож —
Ким бошидин учқуси майдонда тож.
Кимнинг оти чиққусидур беҳидев,
Қай эл анинг устида қилғой ғирев.
Бўйла эди ул эларо гуфтуғў,
Бу бира бош, у бира жон орзу.
Хуш демиш ул кимсаки ғарро демиш,
Нуктаи «аллайлатухубло» демиш.
Билки жаҳон водийи Армон эрур,
Сокиниға пеша пушаймон эрур.
Кимки келур кетмоки лозим анга,
Балки ўтар ким эса озим анга,

Қасри жаҳон бир кеча меҳмонисан,
 Қилма абас ғафлат ила они сан.
 Бир тунаро ваҳ на иқомат бўлур,
 Доғи анга субҳи қиёмат бўлур.
 Мухтасар ул кеча язак су-басув,
 Айланибон ҳар сори бегуфтуғ.
 Икки тараф айлар эди ихтимом,
 То анга тегруки тамом ўлди шом.
 Кўк совутин кийди шаҳи ховарий,
 Қўйди боши устига зар мигфарий.
 Кўргач ани зангийи мағрибзамин,
 Бўлди адам кунжида хйлатнишин,
 Уйди олиб қўлга синони шуоъ,
 Дийдаи золи фалакий ул шужоъ.
 Тиф чекиб чиқти чу шиддат била,
 Тўлди фалак саҳни салобат била.
 Найза бўйи чиққанида меҳри нур,
 Икки тараф қилди аён нафхи сур.
 Тутти фалак даштини овози кўс,
 Қўрқусидин бўлди қуёш сандарус.
 Кўс уни баским эди хорошикоф,
 Титрар эди ҳайбатидин кўҳи Қоф,
 Наъраи тийра чекибон ҳам дарой,
 Сури қиёматдек эди савти ной.
 Ғурриш этиб муҳра била говдум,
 Тўла алоло эди рўйина хум.
 Даҳр бўлуб зилзила бирла табоҳ,
 Арсаи маҳшар эди ул размгоҳ.
 Бўлди аён дашт уза пур шўр-шар,
 Бўлди фалак ваҳм ила осима сар.
 Буйла авон ичра юруб икки шоҳ,
 Айлади оройиши саффи сипоҳ.
 Ишқ тутуб қуллаи устида авж,
 Этмиш эди лашкарини фавж-фавж.
 Бир тарафи Қайғу-у кулфат эли,
 Бир ёнида Ланжу Суубат эли.
 Бу борининг бойдоқи андоқки хун —
 Эрди, доғи маҳжалари лолагун.
 Шоҳи Ғаму ҳайли Ситам, аҳли Дард —
 Меҳнат эли бирла бўлуб раҳнавард.
 Туғи буларнинг бори эрди сиёҳ,
 Доғи сияҳпўш эди борча сипоҳ.
 Лашкари Фурқат яна Ҳажри муҳиб —

Лашкарига бош эди деви Рақиб.
 Туғи анинг бор эди андоқ гуроз,
 Ҳашр кунидин қади эрди дароз.
 Чунки эрур эларо бу хушкалом,
 Ушмасаса мол эгасига — харом.
 Қайдоқ анга бор эди андоқки шер,
 Лашкар анга эрди хизобри далир.
 Андаки Андуҳ эди лакшаршиқан,
 Пурдил эди сафдару ҳам пилтан.
 Тузди ҳама лашкарин ул комёб —
 Соғу сўлин, ўйлаки боли уқоб.
 Узни билиб шоҳи туюру вухуш,
 Ҳусн парирў доғи қалби жуюш,
 Айлади ўз тахтини оромгоҳ,
 Кирпикидек тузгали саффи сипоҳ.
 Икки тараф Ҳожибу Гису эли.
 Чекти саф ул Гулшани мийну эли.
 Борча диловар эди-ю кинахоҳ,
 Эрди булар даҳрға рўзи сиёҳ.
 Холким ул Ҳуснға човуш эди,
 Эрди сиёҳ масту сияҳпўш эди.
 Бу бори мазкурға беиштибоҳ,
 Туғ сиёҳ эрди-ю Бойдоқ сиёҳ.
 Тийри қаро эрди буларға синон,
 Доғи қаро эрди каманду камон.
 Тиг алара яна сияҳтоб эди,
 Эрди қародин неки асбоб эди.
 Шоҳи Адо мири Карашмапаноҳ,
 Шоҳ Шамойил, шаҳи Ишва сипоҳ.
 Бу бориға бор эди гулгун алам,
 Боғлаб эди борчаси тиги ситам.
 Ғамза бу эл ичра сипаҳдор эди,
 Қотилу пурдил эди, хунхор эди.
 Қомати сардори қиёмат аён,
 Жилва била эрди иков ҳам инон
 Туғ ила Бойдоқ булара эрди ол,
 Маҳжа доғи эрди қуёшдин мисол.
 Ҳусни парирў бўлубон қалбаро,
 Икки ёнидин юруб оқу қаро.
 Нозу Вафо иккиси икки тараф —
 Айлар эди зийнати ҳанжори саф.
 Меҳри Диловарни қилиб пеши жанг,
 Хисрави Ховар деди:— Қилма даранг.

Ақл доғи қилмоқ учун кор-зор,
Этмиш эди рост Ямину Ясор.
Бор эди хос икки юз анга далир,
Пилтану бабрдилу шергир.
Қилмоқ учун чархи жадалға уруж,
Ҳар тарафи эрди ўн икки буруж,
Ҳар сафида бор эди бир паҳлавон,
Ҳар бириси эрди ҳизабри дамон.
Қалби сипақ бор эди шоҳи Фуод,
Оллида бир чокар эди Кайқубод.
Тўқсону бир соҳиби афсар эди,
Хизматида борча диловар эди.
Соғидо бор эрди Ҳидоят эли,
Сўлидағи борча Залолат эли.
Тавбаки ҳар ерда эди пешжанг.
Турмас эди оллида шеру паланг.
Сабрким ул сафдари солор эди,
Пурдил эди доғи-ю ҳешдор эди.
Кўҳи жадал эрди диловар шакийб,
Баҳри ҳиял эрди, Тасаллий табиб,
Ул кишиким от анга Тамкин эди,
Шери диловар эди, пуркин эди.
Дер эдилар бирни Таҳамтан виқор,
Зоти эди тоғи саботу қарор,
Хуш эликим бор эдилар чорасоз,
Дониш аларға бор эди сарфароз.
Ваҳм деган меҳтари осиф шиор,
Бор эди авҳом элига шаҳриёр.
Фаҳрким ул шуҳрат эли шоҳи дур,
Зарққим ул машварат огоҳидур.
Қаҳрким ул эрди ғазанфар шиор,
Бабри бало эрди гаҳи кор-зор.
Мирғазабким эди баҳри ҳунар,
Қўрқар эди савлатидин шери нар.
Бу борининг жойи бор эрди Ямин,
Борча эди соҳиби тахту нигин.
Улки эди шаҳри Алойиқға шоҳ,
Кимки эди мулки авойиқпаноҳ.
Яъни такаббур била Пахват аён —
Бор эди ул иккисига ҳукмрон.
Ҳар на афорит эди фитора ҳам,
Ҳар на тавоғит эди хунхора ҳам.
Кибру руъувнат алара подшоҳ,

Бор эди ул икки било иштибоҳ.
Улки эди ҳокими Мозақдарон,
Тобеъ анга деуу парий инсу жон.
Оти Намима эди чун нарра шер,
Айлар эди разм чоғи дору гир.
Ул кишиким сафдари Наснос эди,
Ҳокими маъмуран васвос эди.
Оти анинг бор эди Ханноси дун,
Деви дуд оллида бор эрди забун.
Дашти Залолат эликим бегумон,
Ҳар биридин қўрқор эди инсу жон.
Онлара солор эди Идбори хор,
Деви фалакдек эди озор кор.
Пешан сифлида неким деви дун,
Жўшиш аларға эди чун баҳри хун.
Эрди сипаҳ бад анга ҳиқду ҳаво,
Кийн чоғи ҳар бири эди аждаҳо.
Хашм ила кийнаки эди икки шоҳ,
Эрди алар зийнати саффи сипоҳ.
Мири ҳасад жамъи адоват била,
Кийн эли ҳам шоҳи фасодат била.
Шоҳ Фасод ул шаҳи лашкаршикан,
Водийи Гайким анга эрди ватан.
Бу бориси бор эди аҳли шимол,
Утмас эди онлар ичидин шамол.
Тузди мунн Ақл муалложаноб,
Уйла жанохин ўзига чун уқоб,
Жойи жадал ҳам эди ойиңавор,
Дийдан равшандек эди беғубор,
Балки губор анда эди тўтиё,
Дийдан дилға берур эрди жило.
Ё раб, этиб ишқ гамин жабрдаст,
Сабру шикиб аҳлини қил ерга паст.
То топайин зарқи риёдин халос,
Айлайин ихлосга жонимни хос.
Соқий, олиб кел қадахи озарий,
Хоки кафи пойинга ман муштарий.
Сўн аниким то мани муштоқ ичай,
Томса тўқуз, оқса ўтуз оқ ичай...
Кўк қуёқин Хисрави ховарзамин —
Кесди ғазаб бирла чекиб тиғи кийн.
Чошт ерига сурубон рахши тез,
Солди жаҳон мулкиро рустахез.

Ваҳшат этиб ул шаҳи Мағриб замин,
 Қилди макон ўзига зери замин.
 Бўйла замон икки тараф икки шоҳ,
 Тузди неким бор эди саффи сипоҳ.
 Улки қилур сўз сафи оройишин,
 Бўйла деди икки тараф қоҳишин.
 Ақл шаҳи лашкаридин бир киши —
 Ким эди жангу жадал онинг иши.
 Фотиҳага толиб ўлуб ул замон,
 Келдики бор эрди ҳизабри дамон.
 От анга эл ичра Шакийбо эди,
 Дегил ани пораи Хоро эди.
 Пайкар анга бор эди сандонмисол,
 Тийри хаёл ўтмоки эрди маҳол.
 Найза анинг оллида бор эрди хор,
 Хоркаш эрди анга Исфандиёр.
 Пурдил эди доғи ҳушивор эди,
 Тожи сари сабри сипаҳдор эди.
 Яъни эди ул иқови тавъамон,
 Иккиси ҳам эрди ҳизабри дамон.
 Ақлдин ул изн-ижозат олиб,
 Жангу жадал этқоли рухсат олиб.
 Сурди уруш арсасиға ашҳабин,
 Солмоқ учун ерга адув кавкабин.
 Кўргач ани Хусн сулаймон нигин,
 Тожи сари Машриқу Мағриб замин.
 Борди ота қошиға ул нўш лаб,
 Ер ўпубон фотиҳа қилди талаб.
 Дедики:— Кўр Ақл этибон кийна фош,
 Қилди Шакийбони амири савош.
 Айла мани лутф била пеши жанг,
 Билки эмас эмди замони даранг.
 Бўйла эди ул икига гуфтуғу,
 Ғам келибон шаҳ қошиға рў-барў,
 Каф лабидин фош этиб андоққи баҳр,
 Кўзлар анга қаҳр ила чун ташти заҳр,
 Деди:— Манга рухсатингни айла ёр
 Кўргузайин элга недур кору зор,
 Бўйла дегач шаҳ анга қилди дуо,
 Дедики:— Ёвар санга бўлсин худо!
 Ғам келибон наъра чекиб ҳам набард —
 Қилди талаб, бўлди адув ранги зард.
 Тутти йўлин анда Шакийбо доғи —

Ғамдин анга йўқ эди парво доғи.
 Ул икови савлатидин кўҳсор —
 Титрар эди хавф ила сиймобвор.
 Шер киби гарчи эди Ғам муҳиб
 Лекин эди аждари печон Шакийб.
 Чекти алар бир-бирисига синон,
 Бўлмоқ учун бир-биридин жонситон
 Сафдар эди доғи диловар иков,
 Ҳар ишаро эрди баробар иков.
 Қайси зиреҳ бу қилибон ошкор,
 Ул берибон найза учида қарор.
 Ҳар гиреҳи бу бириси ногаҳон,
 Тўкса очиб ул бири бермай амон,
 Дашти жадал узра эди дору гир,
 Бешада андоқки ики нарра шер.
 Лек Шакийбо эди рўйин бадан,
 Кўрди ани ул Ғами лашкаршикан.
 Пурдил эди сафдару пархошхар,
 Бўлмас эди найза анга чорагар.
 — Ул урушини,— деди Ғам — тийр этай,
 Тийр ила ул тийрага тадбир этай.
 Пайкарига етмади ўқдин чубок
 Урғучи ўқ ўқдин ўлуб хашмнок:
 Синдурубон ташлади ўқин равон,
 Деди:— Не ҳожат манга бу найситон.
 Кўҳға қорура қачон қилди кор,
 Хор доғи бўлмади хоро гузор.
 Илгидо хишти эди олмосранг,
 Отти Шакийбоға диловар наҳанг.
 Бўлса эди гар ҳадаф анга ҳаюн,
 Еткоч этар эди ани сарнигун.
 Лекин анга бўлмади ул чорагар,
 Бор эди рўйина тан ул пуржигар.
 Ғам ани билдики бор оҳан сиришт,
 Сўзани хор ўлди анга тийри хишт.
 Бир-бирини тутти алар барг-барг,
 Уйлаки офоту балийёти марг.
 Гоҳ бири паст эди, бири баланд,
 Гоҳ бу бир хира-у ул бир нажанд.
 Дегил эди икки ҳизабри дамон,
 Зўру ҳунарда икиси тавъамон.
 Иккига ҳам тўну совут чок-чок —
 Эрди доғи оғзи тўла хун, хок.

Ул чекиб ул ёнға-у бу ҳам бу ён.
Порау пора эди ҳар кас тавон.
Икки суворидин оқиб жўйи хун,
Бўлмиш эди иккиси бирдин забун.
Ҳар кишиким бўлса басолатасар,
Кўргуси албатта басолат самар.
Бор эдилар ул ики ҳам лоубол,
Сайф учидин боларо эрди вубол.
Зўр ила ул иккиси топмай мурад,
Қўлга олиб гурзи гароний ниҳод.
Бир-бирига бор эдилар фарқ сой,
Зоҳир эди бош уза бонги дарой.
Гурз била учмиш эди худ тарк,
Қўрқар эди ул икидин шахси марг.
Бас дегил онларники ҳаддод эди,
Пешалари худ уза бедод эди.
Юнги аларнинг эди оҳанрабой,
Узлари ҳам оташи қаҳри худой.
Лек совуқ темури янчиб алар —
Бўлмадилар бир-биринин баҳравар.
Икки тараф мунтазир эрди сипоҳ,
Қай бирига давлат этар деб нигоҳ.
Ғам бўлубон шуъла киби тез кийн,
Қошға солиб қаҳр ила Чин узра чин.
Баҳр наёмида бор эрди наҳанг
Чекти ани қинидин ул тез жанг.
Иккиси ҳам зўр эди-ю ҳам далир,
Бешааро ўйлаки ғарранда шер.
Чекти боши узра Шакийбо сипар,
Лек ул эди тиғи қазо-у қадар,
Солди Шакийбо сори ани равон,
Тутти жаҳон даштини овойи қон.
Шоми ажал субҳға бўлди қарийб,
Доғи дил ила сафар этти Шакийб,
Ҳар кишининг бахти эса вожгун,
Хора эса хордин ўлғай забун.
Бўйла эрур гардиши иқболу бахт,
Бирга берур тахта-у ул бирга тахт.
Боғи жаҳон ичра қони бир ниҳол,
Бўлмади туфроқ анга охир ниҳол.
Ақл кўруб ғамни баса тезжанг,
Деди қараб Сабрға:— Қилма даранг!
Айла талаб хуни Шакийбони сан.

Ҳар на ёзилган эса кўр они сан
 Лекин аён айла бориб жанги ом,
 Бўлмаса Ғам этгуси бир-бир тамом.
 Бўйла дегач Ақли муаллониҳод,
 Сабр қилиб амри сори инқиёд.
 Лашкари бирла юруб ул номдор,
 Қилмоқ учун душман ила кор-зор.
 Келди ўшул маъракага тундхў,
 Деди боқиб хайлиғаким фақтулув!
 Қилди қиёмат шару шўррин аён,
 Кўздин ўлум қўрқудин ўлди ниҳон.
 Чикмас эди хавф ила афғон доғи,
 Кўрқусидин жисм уйидин жон доғи.
 Мағриб эли бўйла қилиб кор-зор,
 Ғамға ўшул дам бор эди кор-зор.
 Ишқ элидин андаки Андуҳ эди,
 Лашкар анга ҳар сори анбуҳ эди.
 Ғам била ул ҳам бор эди тавъамон,
 Инисининг ҳолини кўрди ямон.
 Ишқ сори келди ижозат тилаб,
 Жангу жадал этколи рухсат тилаб.
 Ишқ боқиб сарвари сафлар сори.
 Яъники Андуҳи Диловар сори.
 Деди:— Бориб Ғам сориға ёвар ўл,
 Ақл элининг жониаро ахгар ўл.
 Бўйла дегач тобиъи бирла юруб,
 Етти ўшул маърака ичра суруб.
 Тиг чекиб ҳар сори бир паҳлавон,
 Бўлди равон қон тўқуб олмоқға жон.
 Кўргач ани Ақлға чун тушти сўз,
 Қаҳру газаб сориға келтурди юз.
 Фаҳрким ул шоҳ сипаҳдор эди,
 Зарқким ул макр ила ғаддор эди.
 Ҳар кишиким эрди алойиқ эли,
 Ёки эди, дашти авойиқ эли.
 Ҳар неки ифрит эди, маккора ҳам,
 Ҳар неки малъун эди фитора ҳам.
 Ҳар неки наснос ила васвос эди,
 Жин эди, ё дев эди, ё нос эди.
 Борчасиға дедики, қилманг ҳаял,
 Турмоқ эмас яхши маҳалли жадал
 Бўйла дегач сарвари мағриб замин:
 Тўлди жадал ўтиға майдони қийн.

Ишқ кўруб шўълан гавғони тез,
Солмоқ учун ул эларо рустахез.
Меҳнат элин қайғу-у кулфат элин,
Шиддат элин, ранж суубат элин.
Улки эди лашкари деви Рақиб,
Кимки эди аскари ҳажри мухиб.
Улки эди хайли ситам аҳли дард,
Ҳар бири бор эрди чу шеру набард.
Бу бориға борғали ҳукм этти шоҳ,
Этмоқ учун Ақл эли ҳолин табоҳ,
Ҳусн парирӯ доғи айлаб ситез,
Қилмоқ учун шўриши махшарни тез.
Қомати сардори қиёматпаноҳ,
Жилваи соқийки эди кийнахоҳ.
Ғамзаки ул қотили хунрез эди,
Тиғи диловези анинг тез эди.
Хол элину Гисуйи пурчин элин,
Яъни Хито лашкарину Чин элин.
Ҳожиб эликим эди Рустаммисол,
Анга гумон эрди сияҳ туз ҳилол.
Ишва элин доғи Шамойил элин,
Яъники қон тўккали мойил элин.
Шоҳи Адоким эди пушти сиёҳ,
Улки эди мири карашмапаноҳ.
Борчасиға деди ўшул хушқалом,
Лашкарингиз бирла юруб хосу ом.
Ғайрат ила айланг анингдек набард,
Даҳшат ила бўлсун адув ранги зард.
Фотиҳа ҳосил этиб ул эл тамом,
Қилди уруш жойини беҳуд хиром.
Уч соридин бу учов айлаб шитоб,
Олти жиҳат аҳлини этти хароб.
Наъра чекиб ҳар соридин бир далир,
Бешааро ўйлаки ғарранда шер.
Бош кесибон қилмоқ учун элни банд,
Борчалари соҳиби тийғу каманд.
Зоҳир ўлуб ҳар биридин бир хуруш,
Қилди фалак ваҳшат ила тарки хуш.
Сумми сутур ила ғубори замин —
Бўлди жаҳон узра чу чархи барин.
Кўк темур ила ер ўлуб чархвор,
Кўк эди ердек чиқибон ул ғубор.
Етти фалак гард ила бўлди замин,

Бўлди замин ўйлаки чархи барин.
 Ер била кўк яъники зеру забар,
 Бўлди аён бўлгач ўшул шўр-шар,
 Анда таҳамтанлар этиб гиру дор,
 Айлар эди кўшиш ила кор-зор.
 Бўлди аён турфа қитоли кабир,
 Қўрқусидин ташлади ҳамлини шер.
 Баски етиб ер уза нахли хаданг,
 Беша киби бўлмиш эди жойи жанг.
 Балки эди қон била гулшан мисол,
 Тиф суйи анда чу оби зилол.
 Сув бу эса бўйла бўлур гул доғи,
 Нолаи бисмил эди булбул доғи.
 Анда неким ниш ила пайкон эди,
 Жанг гулин очғали борон эди.
 Туғ ила Бойдоқ бўлубон қонға фарқ,
 Йўқ эди гулшан била майдонда фарқ.
 Ҳар соридин Қўшиш эли сарнигун —
 Эрди, оқиб ҳар ёна дарёи хун.
 Худ бўлуб қон ичида гунчавор,
 Қуллуқ эди ҳар соридин жўйбор.
 Дашти жаҳон ичра йўқ эрди мағок.
 Кирмоқ учун тўлмиш эди қонға пок.
 Етмиш эди лашқари тунди мамот,
 Қочмиш эди жойи жадалдин ҳаёт.
 Бош оёқи топмас эди бошни мушт,
 Сочли кесук бошлар эди хор хишт.
 Ўт қилибон оғзидин ифшо тўфанг,
 Қонға бўяб комини тийри хаданг.
 Ё қилибон кийна била Каж ўзин,
 Эгри туруб, тўғри дер эрди сўзин.
 Анда каманд аждари печон эди,
 Андин асад буржи ҳаросон эди.
 Раъд чекиб дард била ўтлуғ оҳ,
 Солмиш эди даҳрға рўзи сиёҳ.
 Қон оқизиб дийдаларидин зиреҳ.
 Бўлмиш эди бошдин оёқи гиреҳ.
 Тиф дами доғи бўлуб дилкушо
 Айлар эди жонлари тандин раҳо.
 Еткоч ўчуб ҳар киши бошиға тиф,
 Боши вале оғзидин анинг дариг.
 Уқ тегибон иккини бир ошкор,
 Тиф этибон бирни ики пойдор.

Найза тушуб, ични ўтуб ҳар тараф,
 Ўқ доғи ул захмни айлаб ҳадаф.
 Қайси ери ўқ тушубон олса жон.
 Истар эди найза ҳам андин равон.
 Мундоқ эди онлараро эҳтиёт,
 Бўйла эди ул эларо ихтилот.
 Гарчи очиб тан уйига тиг эшик,
 Қирмоқ учун топмас эди жон тешик,
 Ҳар соридин найзаи олмосгун,
 Ниши била роҳий эди жўйи хун.
 Ўқлар ўлуб ўйлаки мурғи ажал,
 Қўнмоқиға топмас эдилар маҳал.
 Чунки ажал кўп эди, жон оз эди,
 Жон тилабон ҳар сори парвоз эди.
 Топса бирор жонни бири ноғаҳон —
 Айлар эди анга минги ошён.
 Бўйла авон ичра гами тезжанг,—
 Баҳри бало ичра чу жанги наҳанг.
 Ҳар сори ул лашкараро қўйса юз,
 Қирмоқ эди пешаси анинг тўқуз.
 Сабри диловар кўрубон ғамни тез,
 Шер киби айлади ул ён ситез.
 Қаршу анинг оллига келди Рақиб,
 Зангийи Фурқат доғи ҳажри муҳиб.
 Бу учови бирла бўлуб рў-барў,
 Сабри диловар доғи бегуфтуғу.
 Зангийи Фурқатни чопиб бедаранг,
 Ҳарфи киби бўлди ани ул наҳанг.
 Гурз била Ҳажр бошиға шикаст —
 Берди, доғи ерга ани қилди паст.
 Қилди синон бирла Рақибни нигун,
 Жўшиш этиб ўйлаки дарёйи хун.
 Ғам элига доғи етурди шикаст,
 Айлади Андуҳ элини доғи паст.
 Ғамзаи хунхор ани кўргач далир,
 Сурди анинг сори чу ғарранда шер.
 Солди анинг бошиға хунрез тиг,
 Сабр элидин чиқти фиғону дариг.
 Захм ебон қочти ўшул номдор,
 Бўлди қатиг ҳодисаи кор-зор.
 Фаҳр келиб Ақл соридин равон,
 Ғамза йўлин тутти чу шери жиён.
 Ғамза доғи қаҳр ила чун шери нар,

Узди бошин, қилди ани лоша хар.
 Зарқ анинг сориға сурди саманд,
 Солмоқ учун анга синону каманд.
 Ғамза чекиб тиг анга ёрди юрак,
 Ҳарфи киби қилди ани уч бўлак.
 Тавба ота ҳолини кўргач забун,
 Жўшиш аён этти чу дарёи хун.
 Этти совут кийди ўшул пилтан,
 Бўлди темурдин анга бори бадан.
 Бўлди шаҳодат талаб ул мубтало,
 Токи қиёмат куни топғай жазо.
 Келди кўруб элни паришон баса,
 Дард била бўлди ҳаросон баса.
 Лекин ўлуб Ғамза била рў-барў,
 Бўлди жадал мойил бегуфтгў.
 Ғамза ҳам анинг сори айлаб ситез,
 Тавба киби икки бўлак қилди тез.
 Чопти белин тиг ила ул номдор,
 Тавба деди: «Кимки ани кўрди хор».
 Бир соридин Жилваи соқий доғи,
 Қўймас эди хасмини боқий доғи.
 Айлар эди Ақл элини поймол,
 Этмиш эди туғини қон бирла ол.
 Қомати солори қиёматпаноҳ,
 Бўлмиш эди Ақл элидин кийнахоҳ.
 Олмиш эди қаҳр ила қўлга синон,
 Дема синон ани дегил жонситон.
 Хасм элини айлар эди сарнигун,
 Оқизибон ҳар ёна дарёи хун.
 Этмиш эди неча диловарни хор,
 Сийналарин хаста-у бағрин фигур
 Туғи шаҳ Ақли йиқарға жадал —
 Қилмиш эди кечқурун ўлган маҳал.
 Дашти жаҳон тийра эди гард ила,
 Балки қаро дуд дами сард ила.
 Бир-бирови кўрмоки бўҳтон эди,
 Кун қочибон ераро пинҳон эди.
 Ерни қилиб ўзига мадфан қуёш,
 Ўзга ўлук эрди ер устида фош.
 Юрмокинг анда эди имкони йўқ,
 Чунки ўлукнинг эди поёни йўқ,
 Ҳар сори минг нолаи ғамгин эди.
 Ҳар кишидин ўзига нафрин эди.

Бўйла замон Гисуйи пурчин эли,
Яъни Хито лашкари-ю Чин эли.
Занг эли-ю Хинд эли ҳам хосу ом,
Ақл элига айлади шабхун тамом.
Шоҳи Фуод ул шаҳи лашкаршикан,
Ақли сипаҳдори шаҳи анжуман.
Мири сипаҳдори Алойиқ доғи,
Сафдари солори Авойиқ доғи.
Борчаси Гису сори қилди ҳужум,
Ҳар бирига лашкар эди чун нужум.
Кеча қоронғусида бўлди савош,
Хайли ажалдин эди лош узра лош.
Ақл соридин чу ҳавойи зафар,
Эсти-ю тебратди ливойи зафар.
Гису эли бўлди паришон баса,
Тийра-у ошифта-у печон баса.
Бўлди аён бўйла улур кор-зор,
Айлади Гису элини тор-мор.
Бости анинг лашкарини чун қаро,
Қолмади ул дашт уза бу можаро.
Бўлғач ул эл афсари бахти нигун,
Бўлди ҳазимат сориға раҳнамун.
Кўрки эрур сураг жамъи сипоҳ,
Нуқтаи зойид била бешак сиёҳ,
Боди ҳазиматда муражжаф бўлуб,
Борчасининг кўнгли муважжаф бўлуб.
Келди алар Ҳусн парирў сори,
Бош қуйи ул сарвари дилжў сори.
Душман ила дўст чу бўлди жудо,
Бир-биридин водийи Армонаро.
Топти ул эл икки тарафда қарор,
Ҳар бириси ўйлаки кўҳи виқор.
Даҳр киби бор эди жойи масоф,
Даврасида лашкар онинг Кўҳи Қоф.
Отғуча тонг ўзларига эхтимом —
Айладилар ул ики лашкар тамом,
Ё раб, этиб ҳажр тунинопадид,
Васл кунидин манга еткур навид.
Нур ила толеъ этибон ахтарим,
Айла манинг ёриму ҳам ёварим.
Соқий, ажаб тунға бўлубман асир,
Кўрган эмас бу туни чархи мудир.

Косаи дуррингдин этиб баҳравар,
Шомима бер файзи умиди саҳар.

Яна вақти саҳар азми разм учун Солор сафдар ва султони баҳру бар, яъни шоҳи Ховар ва Меҳри диловар ливойи аждаҳо пайкар била лашкари бе мароҳил шом ва хайли зангбор устига чекмиш эрди ва мисрий тиф қўлига олиб, румий миғфар бошига қўюб, фалак фалакига нуқта уруб, зулмат кемасин ҳокистар қилиб, ўзи музаффари фар бўлуб, ул савори номдор шомий зиреҳ кийган сипоҳи зангборни нигунсор ва музтар қилмиш эрди.

Бу авонда лашкари Хусни парирухсор ва аскари Ақли тождор жанги мағлуба била муқобала ва муқоталаси туғенида Хуснинг Он деган ҳамзодига муҳтож бўлуб, «алмушоварату амиун минал-маломати ва ҳиснун минан-надомати»¹ фаҳвоси била саркорларин ва сардорларин чақирмоқға мужодала эткони, холи Фаррухфол бу ҳолда шоҳни форигул-бол ва хушҳол этмоқ учун бир анбари хом ва бир хаби мушкфом орази ўтига ташлаб, Онни ул онда ҳозир қилғони. Султони Он гулгуна ниқоб ва гулгун сувор бўлуб, Хилоли ҳожибдин камон ва Ғамзадин тийри қазо пайкон, Гийсудин каманди анбарафшон олиб, лашкари Ақлдин ҳам набард талаб қилғони. Фуоди сарфароз ул ондо Онға рўбарў бўлуб, ул шоҳбози ҳумопарвознинг ўқиға сийнаи пуркийнаси ҳадаф бўлғони, «Алфирору миммо ло ютоқу мин-сунанил-мурсалин»² деб Ақл элининг ҳазимат биёбониға азимат қилғонида, Гийсу-айёрға гирифтөрлиғи Хусни сарафроз Нози танноз кенгоши била Фуодни чоҳи занаҳдонда озодлиғ қайғусидин озод қилғонининг эътоқномаси:

Анжум эли маскани бу кўк ҳисор,
Чунки бўлуб бўлди бори қалъадор,
Бурж ила борусин этиб эҳтимом,
Собиту сайёра ҳам ўлди тамом,
Ойдин этиб анда талоя равон,
Бўлди Зуҳал ул эл уза посбон.
Анда савобитлар ўлуб чунамир,
Бор эди сайёра язақдек мудир.
Айланибон тутмоқ учун ўзни пос.

¹ Маслаҳат билан иш тутиш маломатдан омон қилади ва пушаймонликдан сақлайди.

² Қудрати етмаган нарсадан қочиш элчилар қондасидандир.

Савр фалак бўлди чу гови харос,
Ул тунаро чекти радо икки шоҳ,
Тун демаким бор эди рўзи сиёҳ,
Бўлди талоя ики ёндин аён,
Доғи язақ чиқти-ю ҳам посбон.
Ҳар киши балким ўзининг даврини —
Айланур эрди кўруб эл жаврини.
Тун дема бир аждари печон эди,
Тонг доғи келмокка ҳаросон эди.
Икки тараф жонида хавфу ҳарос —
Тутгилар ул кеча тонг отгунча хос.
Ҳар бирида бор эди бийму умид,
То анга тегруки аён бўлди шинед.
Чарха тутуб тигини яъни қуёш —
Чиқти, бериб субҳ дамин анга фош.
Қаҳр била даҳраро қилди ситез,
Қилди жаҳон заррасини рез-рез.
Тўлди жаҳон саҳни салобат била,
Дашти фалак доғи маҳобат била.
Золи фалакни дема, эрди ақим,
Ташлади ҳамлин бўлуб андин ваҳим.
Бўйла замон икки тараф табли жанг,
Дабдабасин қилди аён бедаранг.
Кўс нафир анда чекардин хуруш,
Баҳри қатол ичра яна тушти жўш.
Икки тараф лашқари анжумшумор,
Қилди аён абри балодек ғубор.
Тийри қазо бор эди борон анга,
Иззат ила қаршу чиқиб жон анга.
Тан уйига айлабон ул меҳмон,
Лаъл нисор айлар эди анга қон.
Оби равондек оқибон жўйи хун,
Ҳар сорида бир алам эрди нигун.
Ғунчаи пайкон била айлаб набард —
Танлар эди гулбуни гулзори дард.
Кимнинг эди илки йўқу ёни йўқ,
Боши йўқинг худ бор эди сони йўқ,
Ҳар соридин нола била оҳ эди,
Бисмил иши ғарриши жонгоҳ эди.
Баски ёғар эрди ҳаводан тагарг,
Қочмоқига топмас эди ерни марг.
Ҳар тарафи тиг эди симобранг.
Йўқ эди майдонаро жойи даранг.

Ниши синон бор эди занбурваш,
Зоҳир эди ҳар сари ғаш узра ғаш.
Етмас эди анда камону каманд,
Бири ешиб, айлар эди бири банд.
Бергали жон топмас эди эл маҳал,
Балки ул элдин эди захмин ажал.
Разм ери қон ила гулзор эди,
Базму тараб анда намудор эди.
Кимнинг эди боши йўқу рақсзан,
Жон била ўйнаб анга қонлиғ бадан.
Кимнинг эди илки йўқу пой кўб,
Бу бири ул бирдин эди доғи хўб.
Ҳар ера оғзидин ўлуб хунфишон,
Шаъбада ўтидин эди ул нишон.
Гурз ебон бошиға ҳар пилтан,
Бўлмиш эди жисми шикан дар шикан.
Кимнинг эди жисмида захми синон,
Анга ўюн печ эди аждарнишон.
Тиф этибон кимни белидин раҳо,
Пойи жудо, ўйнар эди сар жудо.
Кимгаки ўқдин етиб эрди зиён,
Тоб эди жисми уза чун ўқйилон.
Қўл кўтариб ҳар сори бир бозигар —
Айлар эди дашт уза минг шўр-шар.
Балки кўтармиш эди жондин қўлин,
Олам эли яхши-ямондин қўлин.
Ҳар кишига ўзгача тақлид эди,
Ҳар бирига ўзгача умид эди.
Икки тарафдин кўрубон икки шоҳ,
Бўйла ўюн қилганин аҳли сиёҳ.
Айласа эҳсони била баҳравар,
Мундин ул элга эди мунча ҳашар.
Жуд эли бахш айлар эди беқиёс,
Ҳар бирига тиф ила гулгун либос.
Кимнинг ўлуб ёвари иқболи бахт,
Тож талаб эрди-ю жўёйн тахт.
Кимнинг ўлуб захм ила қадди нигун,
Эрди анинг тожи сари сарнигун.
Ким қилибон кўк уза чиқмоқ ҳавас,
Кимга жаҳон мулки бор эрди қафас.
Ҳар сори ўқдин эди паррон уқоб,
Ов тилабон жонида бор эрди тоб.
Бу бирининг ўқ кирибон сонидин,

Ул бирининг найзу тушуб ёнидин.
 Ҳар сори осори қиёмат эди,
 Эл иши афғону надомат эди,
 Уқлар ўлуб соғ ила сўлдин равон,
 Элга келур эрди бори номасон.
 Анда неким бор эса ул сарнавишт,
 Бор эди ёзилган анга хўбу зишт.
 Кимки ўқур эрди ўшул номани,
 Англар эди жониға ҳангомани.
 Бўйла кўруб печиши рўзи набард.
 Хусни парирўнинг ўлуб ранги зард.
 Чоқирибон ёниға Меҳру Вафо,
 Нозу Адо жамъини фармон раво.
 Машварат айларга борин қилди жамъ,
 Равшан ўлур уй неча кўб бўлса шамъ.
 Гарчи эрур зот анга нури сафо,
 Бирга эмас иккиси чоғлиғ зиё.
 Улки дури баҳри фасоҳат эди,
 Машварати ҳисни саломат эди.
 Хусни парирў тўқубон ерга ёш —
 Деди:— Зафар Ақл сори бўлди шош.
 Раъйимизинг борчаси бўлди сақим,
 Ҳар неки андишамиз ўлди ақим.
 Маъраканинг зийнатидур тез тиг,
 Суд эмас этмоқда фиғону дариг.
 Ажз била фатҳ муяссар эмас,
 Кимки забун лойиқи афсар эмас.
 Бошқа кенгош бўлса бўлинг раҳнамун,
 Йўқса бизинг бахтимиз ўлди нигун.
 Меҳри диловар солибон бош ошоқ,
 Дедик:— Он бўлмаса иш бўлди шоқ.
 Он деган ул Хуснга ҳамзод эди,
 Ҳокими сархайли паризод эди.
 Маскани анинг бор эди Кўҳи Қоф,
 Андин узоқ эрди бу жойи масоф.
 Анда киши бормоғи осон эмас,
 Борса доғи келмоки имкон эмас.
 Меҳр деди:— Бўлса ўшул сарфароз,
 Бўлмас эди бизга бу сўзу гудоз.
 Хуснким ул бўлса агар Они йўқ,
 Жисми жамол онгла онинг жони йўқ.
 Хусн жаҳон аҳлиға гар жон эрур,
 Жоннинг икки ҳиссаси ул Он эрур.

Мухтасар ул Меҳри диловар сўзин.
Деди-ю Хусн айлади бовар сўзин.
Лек на суд эрди бағоят йироқ,
Бормоқу келмоқ эди моло ютоқ.
Бу сўз уза эрди ул деди Хол:
Ғам ема, эй шоҳи ҳумоюн жамол,
Онни кетурмок манга ал-он эрур.
Кўз очибон юмғуна осон эрур.
Манда ажаб дона дурур мушкфом,
Анбари гар ондин этар мушки вом.
Ташласам ўт ичра они ногаҳон,
Бўлғуси ул соат аро Он аён,
Роҳи башорат била Хусни амир,
Ўлди далир ўлғали ишратпазир.
Бўлди жамоли маҳи тобон онинг,
Оташи рухсори фурузон онинг,
Хол ўшул ҳабни солиб ўт аро,
Мунтазир эрди бори оқу қаро.
Улки деди оқу қародин хабар,
Оқ ўтидин бўйла ойирди шарар.
Ўтмади фурсатки чу дуди абир —
Бўлди аён гарди наварди далир.
Гард дема бор эди чун тўтиё,
Дийдага нур эрди-ю жонга сафо.
Тўлғонибон сунбули печон киби,
Эрди губори хати райҳон киби.
Айрилибон икки тараф ул губор,
Бўлди аён ондин ажаб шаҳсувор.
Оту тўни борчаси гулгун эди,
Сурат онга зийнати хомун эди.
Оразида бор эди кулки ниқоб,
Кун юзида, ўйлаки гулгун саҳоб.
Рахшин этиб шуъла киби тунду тез,
Етти уруш жойиға айлаб ситез.
Наъра чекиб қаҳр ила ул шаҳсувор
Қилди фалак тоғини симобвор.
Чекти ул эл кўргоч они оҳи гарм.
Бўлди нафас бирла фарас наъли нарм.
Ақлдин Он қилди талаб ҳам набард,
Бўлди кўруб они адув ранги зард.
Урди ўзин лашкари печон сори,
Қўйди юзин олмоқ учун жон сори.
Қилди аён ул эл аро шўр-шар.

Душман эли дедики «айнал-мақар».
 Пурдил эди, нўв эди-ю род эди,
 Сафдар эди, соҳиби бедод эди.
 Бор эди ул Рустами пур хошхар,
 Турмас эди қаршу анго шери нар.
 Оти онинг жонда ниҳон Он эди,
 Фитнаи дур офати даврон эди,
 Қайси жиҳат сорига келтурса юз,
 Йўқ этар эрди онинг аҳлин тўкуз.
 Кимки онга бўлса эди рў-барў,
 Қони била айлар эди сурх рў.
 Тўрт тарафидин тўкулуб ул сипоҳ,
 Дашти жаҳон гард ила бўлди сиёҳ,
 Ҳлди шаҳоб ҳар соридин тиғи тез,
 Қолмади майдонаро жойи гурез,
 Этмайин ул он аро ул Он харос,
 Айлар эди қатли адув беқиёс,
 Ақлки бор эрди чу рўбоҳи пир,
 Они кўруб ўйлаки шери далир.
 Ул кишиким от онга қомус эди,
 Жангу жадал вақтида Комус эди.
 Нанг элига ул бор эди шахриёр,
 Лашкари Ақл ичра эди комкор.
 Деди онга Ақли фалак дастгоҳ:
 «Бормас эсанг бўлгуси лашкар табоҳ.
 Бор доғи кўр оники гулгунсавор —
 Ким экану маскан онга қай диёр.
 Келса бизнинг сорига бу раҳнамун,
 Келмас эса бахтини этгил нигун.
 Бўйла дегоч, бўлди келиб рў-барў,
 Дедики, кимсан манго қил гуфтуғў,
 Гар сани ўлтурсам, аё хуш гўҳар,
 Сан соридин шаҳга на элтай хабар?
 Кимнинг ўлуб толе-у бахти забун,
 Ман они қилдим дегойин сарнигун,
 Кимсану маскан санга қайси диёр?
 Дегил они ман билейин ошкор.
 Ақлга деб онда муважжаҳ жавоб,
 То бўлайин давлатидин комёб.
 Эт мани лутфинг била шодону шод,
 Отингу аслинг, ватанинг айла ёд.
 Он деди Номусга: — Бошинг мудир —
 Улғусидур десам отим, эй амир.

Сан киби бир ақл эли ҳизёни йўқ,
От демокимнинг санга имкони йўқ.
Отим эрур тийри камондин нишон,
Санга нишон бергуси тийру камон.
Чунки отим бордур «алиф» бирла «нун».
Тийри камон соригадур раҳнамун,
Шаҳ қошиға бормоғинг этма умид,
Руҳинг онга борғусидур шоми ийд.
Бу сўза Номус ўлубон тундхў,
Бўлди уруш мойили, бегуфтуғў,
Солди санон Он сори ул шарза шер,
Он тутубон найзасин онинг далир.
Тортиб олиб қайтариб ул Гиви жанг.
Айлади Номусни андоқ пишанг.
Найза учи бирла кўтарди равон,
Қилди балиқ қурсоқин онга макон.
Ақл элидин чиқти фиғону нафир,
Хашр киби бўлди аён дору гир.
Қилкки бор фориси майдони кийн,
Бўйла қўяр рахши сухан узра зийн.
Шоҳи Фуод — ул шаҳи воло нажд.
Сурди онинг сорига от ила бод.
Каф сочибон оғзидин андоқки бахр.
Савлатидин бўлди саросима даҳр.
Онглаб ўзин оламаро жабрдаст
Оти билан қилмоқ учун ерга паст.
Илкида гурзи бор эди говсар,
Бўлмас эди хойили онинг сипар.
Тоғға текса этар эрди ғубор,
Етса чиқорур эди сувдин дамор.
Он доғи кўрдикки келур бир жавон,
Қилди талаб тоза каманду камон,
Тийр доғи қилди талаб ул далир,
Этмок учун тоза яна дору гир.
Улки оти Ҳожиби дилдор эди,
Ҳусн парирўға камондор эди.
Бор эди бир ёйи сияҳ туз анго,
Мундин эди толеи феруз анго.
Кўргон эмас Сому Наримон они,
Чеккон эмас Рустами Достон они.
Келтуруб Он сорига ёйин равон,
Сунди ўшул Ҳожиби айру камон.
Ғамза доғи новаки дилдўзни,

Берди ҳамул тийри дилафрӯзни,
 Ким эди бир дастаи тийри хаданг;
 Қилмас эди тоғ, темурда даранг.
 Эрди ўшул ўқлари пайкон қадар,
 Тийри қазодек эди сандон гузар.
 Айлади таслим онга Гийсу каманд,
 Қилмоқ учун душман элин қайду банд.
 Бўлди мусаллаҳ яна ул онда Он,
 Етти Фуод онга чу фили дамон.
 Он кўруб ул пурдили чун аждаҳо,
 Сурди саманд ул сори қилмай ибо.
 Ёйи қазо олди-ю тийри қадар,
 Қойдин онинг монеи бўлсун сипар.
 Уқ ботибон журм кўзина далир,
 Чекти кийик шох фиғону нафир.
 Отмоқ учун они адув дўшиға,
 Чекти ўқин токи баногўшиға.
 Бўлди макон ўқиға топғоч кушод,
 Синаи пуркийнаи шоҳи Фуод.
 Бўлғоч ул ўқ кўкси уза устувор,
 Ер қаро оти уза бўлди савор.
 Бўйла эрур гардиши чархи баланд.
 Гоҳ азиз айлару гаҳ мустаманд.
 Қайси қуёшни кўк отиға савор —
 Қилди, қилур ер тубида хору зор,
 Улки сўзи моне, бош узра мў —
 Бўлди, қилур буйла аён гуфтугў.
 Шоҳи Фуодики ўшул онда Он,
 Йиқти отидин чу ҳизабри дамон,
 Илкин этиб тори каманд ила банд,
 Айлади Гийсу они хору нажанд.
 Хусн парирў сори еткурди ул,
 Судраб ўшул лаҳзада келтурди ул,
 Кўргоч онинг суратини шоҳи Хусн.
 Тониди дилхоҳини ул моҳи Хусн,
 Кўрди онга йўқ эди руҳи равон,
 Қилди равон ашкин ул оромижон.
 Топғоч ўшул руҳи равондин шамим.
 Етти ўлук жисмига жондин насим,
 Хусн париваш кўруб онда ҳаёт,
 Кўнглида жо тутти қарору сабот.
 Лек онга ҳушу хираду ихтиёр —
 Йўқлиғидин сийнаси эрди фиғор,

Захм етиб ул бу доғи дилреш эди,
Зулфи киби иш онга ташвиш эди.
Лекин улусдин бўлубон шармнок,
Эл тилининг ваҳмидин ўлди ҳалок.
Халқдин агар қилмаса эрди ибо,
Айлагай эрди ўзин онга фидо,
Бўйла таҳайюл била ул дилфигор —
Топмас эди ўзига сомони кор.
Нозки ул сарв сарафроз эди,
Ҳамдами Ҳусн эрди-ю ҳамроз эди,
Дедики:— Эй шоҳи ҳумоюн жамол,
Қўйки мунга лозим эрур гўшмол.
Гарчи эрур чеҳра онга дилфариб,
Лекин эмас лойиқи васли ҳабиб,
Чунки биров чекмаса ранжи хумор,
Билмагуси қадри майи хушгувор.
Булбул агар бўлмаса гулдин жудо,
Васл чоғи топмагай эрди наво,
Ҳар киши ким кўрмас эса дарду ранж,
Билмагуси қадрин агар топса ганж.
Жавфи димоғида ҳавойи гурур,
Бор мунинггу бошида боди сурур,
Кўнглидадур орзуйи салтанат,
Бўлгон эмас мустаҳиқи марҳамат,
Ғолиб эрур кибр ила нахват анго,
Лозим эрур қаҳру сиёсат анго.
Хом эрур ул меваи ширин ҳануз,
Ўлгон эмас лойиқи таҳсин ҳануз,
Бир неча кун сол они зиндонаро,
Ранжу уқубатға этиб мубтало.
Чунки бу бир тавсан эрур бадлигом.
Ройизи дард айлагуси они ром.
Топмоғуча сайқали ранжу ино,
Ойинаи хотири топмос жило.
Бўйла адо айлади сўзини Ноз,
Қилмади рад сўзини Ҳусни тироз.
Гисуйи мушкинга қилиб чин жабин,
Дедики:— Қилғил муни зиндоннишин.
Боғ ила зиндон ўтиға айла ҳарқ,
Айласун ул боғ ила зиндонни фарқ,
Килки дер чашмаи ҳайвон сўзин,
Дер яна ул чоҳи занаҳдон сўзин.
Гулшани рухсораро бир чоҳ эди,

Тахти онинг, оҳки, жонгоҳ эди.
 Давраси бор эрди онинг сийми хом,
 Фаршида оинаи софи рухом.
 Боғ ила зиндон дема, боғи хубон —
 Бор эди ул нузҳатаро бегумон.
 Онда неча Юсуфи Канъонни банд —
 Айлаб эди, Гийсуйи соҳиб каманд
 Ул чаҳ эди, маскани жони жаҳон,
 Мундин эди ҳаб била Ҳаб тавъамон.
 Сеҳр била чун чаҳи Бобил эди,
 Гарчи мусаффо эди, ҳойил эди,
 Ҳар кишига лозим эса гўшмол,
 Ҳусн солур эрди анга моҳу сол.
 Бошлади Гису они зиндон сори,
 Ваҳ на дедим, чоҳи занаҳдон сори.
 Солди они муҳбати пур жавраро,
 Ташлади ул масқати беғавраро.
 Васли нигорин тилаб ул мубтало,
 Отасидин ҳам доғи бўлди жало.
 Қолди ўшул бандаро шоҳи Фуод,
 Ақл элидин чиқти фиғон бирла дод.
 Ё раб, этиб ишқ майи бирла маст,
 Айла хирад аҳлини оллимда паст,
 Нафсу ҳаво бирла бўлубман табоҳ,
 Тут иликим лутф била, ё илоҳ.
 Соқий, олиб кел қадаҳи лолагун,
 Меҳнати даврон жигарим қилди хун.
 Бер ониким ўзни забардаст этай,
 Ақлу хирад лашкарини паст этай.

Офтоби оламтоб малики ваҳдобнинг хитоби мустажоби
 била тамоми ҳужум нужумини буружоти қалъаи самодин
 ерга ҳамвор қилғонида. Ақли соҳибдод Фуоди ношодни
 топмай «фақтулувҳум ҳайсу ва жадтумувҳум» оятин ўқу-
 фони; ул «муқобала ва муқотала» ичра ўзи ҳам Қомат сар-
 дорға гирифторм ва Гийсу аёрнинг камандида зору дилаф-
 гор ва Чин вилоятида маҳбус ва ҳумойи бахти бум манҳус
 бўлғони: Нафасбонуйи амморат болу бу хабарни эшитиб
 «ва заннув анҳум мо наътухум ҳусунухум гумон умиди би-
 ла» ва мнаътухум зуннунухум гумон қилмайин қалъаи ба-
 даннинг истехкоми учун ҳаво-у шаҳват ва хашму кийна ва
 ҳакди Намимаи ханноси васвос сарлашқарларин жамъ
 этиб, алардин ёрий ва ёвар тилағони ва Ишқи жаҳонгир-

нинг қалъан Бадан тасхири учун «ва жаҳидув фий-саби-
 лиллоҳ, кўсин чолдурғони; Ишқнинг диловар ва сафдарла-
 ри «раббано африғ алайно саббит вабассит ақадомино ва
 ансурно алал-қавмил кофирин» нидосин малоғи аълоға
 еткурғони; шоҳи Ишқин «ражаъно мин жиҳодил-асғари
 ило жиҳодил акбар», деб «қул қиталун фийҳи кабийрун»
 дегони, ул хонадони қадим ва ул диёри азимдин хасми
 ағёрнинг ва душмани пур идборнинг аскарари гардун мисоли
 ва лашқари дарё амвожи кал-жиболи сижил бахтлариға
 «фасоа сабоҳул манзарин» ва номай толелариға «фас-саба-
 ҳув фи-диёри хум жосимен» сабт қилиб, «алявму тажзуна
 азобал-ҳавни бимо кунтум тастакбирувна фил-арзи ва би-
 мо кунтум тафсиқувна» фармойишин буюрғони, нафаси
 лаввома мукиббан ало важҳиҳи суратида салосили ағлол
 била келиб «фа иан афо ва аслафаажруҳу алаллоҳи» оятин
 ўқуб султони Ишқ комёб ва «Инни лиғафғори лиман тоб»,
 деб онинг гуноҳин ўтуб қонидин қўл ювғони, Хусни на-
 рий талъат Ишқ соҳиби шавкатдин руҳсат олиб, бу ғани-
 мат ва манзилат била ўз манзилиға муовидат қилди. Ва
 Ишқ бу нусрат била ўз мақомиға мурожаат қилғонининг
 фатҳномасининг ружъи:

Кўргузубон хиср ва ховар хуруж,
 Ишқ ўтидек қилди фалакка уруж.
 Анжум эликим эди ҳайрон бори,
 Ақл элидек бўлди гуризон бори.
 Даҳри мунаввар бўлубон икки шоҳ —
 Айладилар зийнати саффи сипоҳ.
 Ақл қилиб қалб жиюши назар,
 Топмади дилбандини ул хийра сар.
 Қаҳр этибон ул шаҳи Мағриб замин,
 Наъра чекиб ўйлаки шерин ғарин.
 Деди:— Юрунг бир киши қолмай тамом.
 Айлагомиз душман ила жанги ом.
 Чекти алар борчаси бирдин ҳадид.
 Айладилар жангу жадални жадид.
 Кўргоч они Сарвари ховар макон,
 Лашқарига дедики бермай амон,
 Аскарари Ақлинг борин айланг қатил,
 Қўйманг алар бири қочорға сабил.
 Бўйла дегоч икки тараф икки шоҳ,
 Бўлди ажал жон олуридин табоҳ,
 Гурз чекиб савти тараққо-тараққ —

Бўлди саросима бу тўққуз равоқ.
Ҳар соридин тийр шафо-шаф эди,
Тиг уни ҳар сори жафо-жаф эди.
Онда чако-чак эди ханжар иши,
Эрди ирик ҳуд ила мигфар иши.
Ҳар соридин гурриши хомуи каманд,
Жонни ажал бирла қилур эрди банд.
Наъраи ўқ доғи раво рав эди,
Кўс уни ғавғо била минг ғав эди,
Бўлди раво рав икки ёндин аён,
Бўлди ажал қўрқубон ондин ниҳон,
Онда синон олғали жон аждаҳо —
Эрди-ю ханжарлар эди дилкушо.
Топса бирор гардни қайси каманд,
Юз еридин онга бўлур эрди банд,
Бўлмиш эди элга ажалдин ҳисор,
Бирдек эди онда фирору қарор.
Қомати сардор қиёмат шукуҳ —
Этмак учун лашкари Ақлий ситух.
Олмиш эди илкига гулгун синон,
Ақл элининг боғрин этар эрди қон,
Сафдар элинг бағрини ул қилди хун,
Неча диловарлари этти забун.
Оқибатил-амр суруб рахши тез,
Бешааро шуъладек айлаб ситез,
Етти таваққуфсиз ушул номдор,
Ондаки Ақл эрди чу Соми савор.
Ақл доғи кўрди, бир офат келур,
Билдики осори қиёмат келур.
Бир-бирининг боғлади олдига сад,
Қилди бу ул, ул мунунг ўқини рад.
Гурз урубон бир-бирига бедариг,
Битмайин иш чекти иков доғи тиг,
Тиг ила ҳам ўлмадилар баҳраманд,
Қалъакушой эрдилару девбанд.
Қомат олиб қаҳр ила қўлга синон
Сурди жонийбат чу ҳизабри дамон.
Сийнасига солди онинг беибо,
Бахт отидин Ақлани қилди жудо.
Жилваи соқий они помол этиб,
Хоки сияҳдин доғи бадҳол этиб.
Солди онинг бўйнига Гийсу каманд,
Илкин, аёгин яна ҳам қилди банд.

Мамлакати Чин сори қилди равон,
Топмади истар киши ондин нишон.
Гулшани иқболи бўлуб хор онинг,
Туғи доғи бўлди нигунсор онинг.
Ақл макони бўлубон мулки Чин,
Чоҳнишин бўлди Фуоди хазин.
Бўйла эрур гардиши даврони дун,
Гоҳ азиз айлару гоҳи забун.
Чоҳи фироқ ичра қилур гаҳ нажанд,
Жоҳи висол узра этар гаҳ баланд.
Гоҳ тутар заҳри балогоҳ нўш,
Гоҳ берур жону олур, гоҳ ҳуш.
Улки олур мулки суҳандин хирож,
Бўйла қўяр сўз боши устига тож.
Қолмади Ақл аҳлига сабру қарор,
Айладилар борчаси бирдин фирор.
Мулки бадан сори гуризон бўлуб,
Кетти алар жону дили қон бўлуб.
Ҳар неки ўлмай қолиб эрди тамом,
Қилди келиб мулки Баданни қуном
Хашм эли-ю кийна эли онда жо,
Тутти намима доғи ҳақду ҳаво.
Дев ким алқоб онга васвос эди,
Енига ханнос эди, наснос эди.
Кибру руъувнат эли доғи тамом,
Жамъ ўлубон қилдилар онда қиём.
Ҳар на афориту тавоғит эди,
Ҳар неки фитора-у ифрит эди.
Мағриб эли ичра на сардори шаҳр,
Жангу жадал вақтида солори даҳр.
Бор эди онда кириб ул эл тамом,
Айладилар ўзларига эҳтимом.
Кирди ўшул шаҳраро Идбор ҳам,
Ҳийлагар эрди доғи маккор ҳам.
Нахват эли қилди яна иттифоқ,
Боғлағоли Ишқ эли бирла нифоқ,
Жамъ ўлубон ғай шақоват эли,
Қисват эли доғи залолат эли.
Шоҳи Фасод ул шаҳи лашкаршикан,
Лашкари ашрор этибон анжуман.
Нафси дағалға бори фармонпазир —
Бўлди қаю хайлки эрди шарир.
Мулки Баданни қилиб оромгоҳ,

Билди ул эл Нафсни ўзига шоҳ.
Бўйла чекор кўкка Қарохон алам,
Мулки сухан фатҳига, яъни қалам.
Ишқ диловар топиб ондин хабар,
Қаҳр ила аввалғидин ўлди батар.
Чекти яна лашкари гардун ғубор,
Лашкараро сафдари анжум шумор.
Борчаси хунжор эди-ю тундхў,
Борисига горату наҳб орзу.
Етти бу эл ондаким ул ижтимоъ—
Айлаб эди банди дари сувовь.
Борча итоатдин эди беҳабар.
Борчаси тоатдин эди бесамар.
Ишқ талаб қилди таҳамтанларин,
Молики жанг соҳибни жавшанларин.
Деди:— Таваққуфга йўқ эмди маҳал,
Қалъани қалъ этколи айланг жадал.
Бўйла дегоч ул шаҳи пур эҳтиром,
Амрига минқод ўлубон хосу ом.
Бурж ила бору сари айлаб ситез,
Айладилар нори адоватни тез.
Бир соридин Меҳру Муҳаббат юруб,
Бир соридин Шавқ ила Ғайрат юруб.
Бир ёнидин Завқ била Иштиёқ,
Бир ёнидин лашкари Дарду Фироқ.
Ҳар тарафидин доғи наққоблар —
Очтилар ул қалъага абвоблар.
Гард била тўлди жаҳон қалъаси,
Тўлди яна хавф ила жон қалъаси.
Бўлди қиёмат куни қойим яна,
Раъд ўқи ўтда мулойим яна.
Икки тарафдин бўлубон дору гир,
Бўлди аён наъраи савти сафир,
Уйла набард ўлдики онда набард,
Кўргон эмас эрди маҳи тезкард.
Қалъа тўла мурдаи мурдор эди,
Хаста-у баста бори фижжор эди.
Гарчи буруж эрди мушайяд баса,
Лашкари Ишқ эрди муайяд баса.
Тарфатул-айн ичра они поймол —
Айлади ул лашкари гардун мисол.
Бурж ила борувсига қўймай асар,
Айладилар қалъани зеру забар.

Ҳарб табу тоб била офтоб —
Сув бўлубон оқти чу лаъли музоб.
Ул кишиким даҳрга афсар эрур,
Нафс жаҳодин деди: «Акбар эрур».
Ҳар соридин тийра саҳоби камон —
Тийрни борон киби қилди равон.
Қалъани қалъ айлади ул сели тез,
Қилмоқ учун қамъ они қилди ситез,
Ерга мувозий бўлуб ул кўҳсор,
Бўлди муҳозий кўка ондин ғубор.
Улки эрур ҳориси мулки сухан,
Яъни қалам бўйла ўлур тигзан.
Нафс эли бўлди бори осима сар,
Қочғоли ҳам турғоли йўқ эрди ер.
Ҳар на савор онда эди устувор,
Борчаси бирдин топибон инқисор.
Бўлди паришон бори қайғу киби,
Шери далир оллида тулку киби.
Ҳар бири бир ёнға гуризон бўлуб,
Бириси афтон, бири хизон бўлуб,
Ишқ элига борчаси бўлди асир,
Хоҳ амир ўлсуну хоҳи вазир.
Борчасига ҳукм этибон қатли ом,
Топти зафар Ишқи муалло мақом.
Бўйла эрур пешаи чархи буруж,
Гоҳ таназзул беруру ул, гаҳ уруж.
Кимга беруру даври онинг эътибор,
Қилғуси даврон они хору низор,
Оҳки бу давр иши бордур ажиб,
Кўрки ўлурму бу ишидин ғариб.
Давр пуру базм, пур жом, пур —
Жомийаро бодаи гулфом пур.
Чунки ичар даврида май хосу ом —
Нашъа топар мухталиф ондин тамом.
Бирни қилур масту бирин ҳушёр,
Бирни қилур пасту бирин тождор.
Чун оқизур селни чархи мудир,
Бирга они қон этар ул, бирга шир.
Кимни этар ғарқайи гирдоби қаҳр,
Кимни этар лутф ила сероби даҳр.
Ушбу сувдур ул бира бедод этар,
Бу бирининг мазраъини шод этар.
Тиғи фалак тез эрур ондоқ яшин,

Бирнинг олур сочини, бирнинг бошин.
Онга берур давлату нашъу намо,
Муни қилур зиллат ила хоки по.
Мундоқ эрур ҳодисаи рӯзгор,
Бирни азиз айлару ул, бирни хор.
Улки эрур Ишқ шаҳийға ливо,
Яъни қалам бўйла қилур можаро.
Ўлгач аён бўйла қитоли кабир,
Нафсни ҳам айлади ул эл асир.
Кўрганида лашкари Ишқи қавий,
Гўшаеда бўлгон экан мунзавий.
Гўша дема бор экан андоқ хароб,
Онда фалокатлиғ экан беҳисоб.
Онда ниҳон бўлгон экан ул палид,
Қилмоқ учун элдин ўзин нопадид.
Туттилару сўйдилар ондин либос,
Солдилар эгни уза эски фалос,
Илкин-оёқин этибон устувор,
Айладилар банди бало ичра зор.
Бошдин-оёқ банд ила ағлол ила,
Меҳнату зиллат била ангол ила.
Ҳар бири зоҳир қилибон эҳтисоб,
Бердилар онга неки эрди уқоб,
Судрадилар, сўнгра қилиб сарнигун,
Хуну ҳақорат била хору забун:
Ишқ сори келгонида ул инод,
Ер ўпубон қилди аён инқиёд.
Шаҳға дебон мадҳу саноу дуруд,
Айлади ул ерда бу ёнглиғ суруд:
Тожи шаҳоно-у жаҳон чокаро,
Банданавозо-у хирад парваро.
Соҳиби иқбол ўлу ферузрой,
Молики давлат бўлу кишвар кушой.
Ҳар неки табъинга эса муддао,
Они муяссар санго қилсун худо!
Хурраму шод ўлғосен андоқ баҳор,
Гулшанига отмасун осибни хор.
Ҳар на қилибман мани шўрида сар
Лутф била айла деб ондин гузар.
Кўз ёшидин оқизибон баҳри хун,
Ювди илик куфридин ул деви дун.
Ишқ йўлин жон била қилғоч қабул,
Ўлди онга борча мақосид ҳусул.

Кимки қилур Ишқ сори инқиёд,
 Етгусидур онга неким бор мурод.
 Кимки тутар амрин онинг жонда пос,
 Қолмоғуси кўнглида раъбу ҳарос.
 Ишқи фалак рифъат ўтуб қонидин,
 Кечти онинг ҳар неки қилғонидин.
 Мулки Бадан ичра яна они шоҳ —
 Айлади ул Ишқи фалак дастгоҳ.
 Лекин онинг амрига маъмур эди,
 Ишқи Сулаймон эди, бу мўр эди.
 Бўйла зафар Ишқға чун берди даст,
 Бўлди онинг оллида афлок паст.
 Ҳавзаи ҳукмига кириб зору зур,
 Амри била бўлди вуҳушу туюр.
 Роят онга ояти фатҳу зафар —
 Қилди аён маҳжасидин сар-басар.
 Жоман бахт ўлди онга гул мисол,
 Гул киби иқболи қабо кийди ол.
 Раъят онга бўлди мунингдек баланд,
 Ҳусни парирў бўлубон аржуманд.
 Келди ато сориға рухсат тилаб,
 Қайтариға изну ижозат тилаб.
 Рухсат олиб отадин ул шаҳриёр,
 Бўлди ўзи манзилига раҳгузор.
 Ишқ доғи манзили сори убур —
 Қилди, топиб нусрату завқу сурур.
 Мунча ғанойим била ул икки шоҳ —
 Айлади ўз манзилин оромгоҳ,
 Е раб, этиб Ишқ ила жоним қарин,
 Айламагил Нафс била ҳамнишин.
 Шавқ ила завқингдин этиб баҳраманд,
 Айлагил ушшоқаро қадрим баланд.
 Соқий, олиб кел манго ваҳдат майин,
 Қўйма кўнгул жомига касрат майин!
 Чоҳи залолат аро борман асир,
 Бергил ўшул май била фавзи кабир.

Айни субҳи висоли нуроний шоми иттисоли зулмоний
 зулмидин кавкабафшон бўлғонида ниҳоний меҳрин айни
 олам киби алам била элга аён қилғонида ва ёшурун саро-
 йири ҳолин ва нийяти мо фил-болин аҳли жаҳонга баён
 өтконида Ҳусн дилнавозға Фуоди сарафрознинг муҳаббату
 шавқи зиёда бўлуб, Нози таннозға ва Вафобонуйи фусун-

созга изҳори роз қилғони. Вафобону базм макони учун боғи дилкушонинг саҳни тавсифин «фийхо фоқаҳатун ван-нахлу зотул-акмоми» ва суфаси таърифин Ҳафрун дегони «ва чашмаи ошноӣ шарбатин «лаззатун лилшоррибен», деб шаҳд-шаккардин шофий ва хамири лабандин софий эрконин баён эткони. «Ирама зоти-имодиллатий лам юхла мислухо фил-билади» ул боғнинг шаънида бир ояти жаннот «тажри мин тахтихол — анхор-ул» бўстондин киноят эрконин сарих қилғони. Ул саройи висол ва қасри итти-солда жумлаи саркор ва сарриштаи иктидор тайёр эрконин билиб, ул роздорлар била, Гийсуйи айёрга ва Ғамзайи гар-рорга ва Назари саборафторга ва Табассуми ширинкорга Фуоди зору дилфигорни ул чоҳи балодин ва ул маҳбити жафодин чиқориб, Чашмаи ошноӣ канорига келтурмокка амр қилиб, асбоби адовати айши тарабни муҳайё қилғонларининг тугроси:

Қўйди саҳар бошига заррин кулоҳ,
 Тахти фалак бўлди онга жилвагоҳ.
 Адл ила дод этти онингдек аён,
 Бўлди жаҳон гулшани боғи жаҳон.
 Олам эли бўлди фароғат била,
 Гулшани ишратаро роҳат била.
 Борча халойиқ тузубон айшу базм,
 Бўлди унут даҳрға ҳангоми разм.
 Бўйла замон Ҳусни Зулайхо жамол,
 Бўлмиш эди зулфидек ошифтаҳол.
 Жониаро оташин сўзони ғам —
 Бор эди-ю кўнглида доғи алам.
 Гарчи эди шавқ ўти ичда ниҳон,
 Ашки суйи юз уза эрди аён.
 Ушбу масал даҳрға машҳур эрур,
 Борча лисон аҳлиға мазкур эрур.
 Мушкни гар сақласанг элдин ниҳон,
 Қилғусидур иси, уқ они аён.
 Мушк ила ишқ ўлмағуси ёшурун,
 Зоҳир этар ўт бор эконни тутун.
 Субҳ неча меҳрини ахфо қилур,
 Даҳрға совуғ дами ифшо қилур.
 Тутғоч уфқ кўнглида маскан қуёш,
 Бўлғуси ёғдуси жаҳон ичра фош.
 Шавқ ўтиға ҳар диларо жойгоҳ —
 Бўлди, қилур ҳозир они дуди оҳ,

Дард элига чеҳраи зард, ашки ол —
 Бордур икки шоҳиди фаррух мақол.
 Ҳар кишида бўлса бу янглиғ гувоҳ,
 Шаръ ила қолмас сўзига иштибоҳ.
 Ҳусни паривашға етиб бўйла ҳол,
 Элга гамин дер чоғи бор эрди лол.
 Урмас эди деголи ғам элга дам,
 Топмас эди маҳрами асрори ғам.
 Ишқ алами маҳрами жуз жон эмас,
 Тилга кетурмоқ они имкон эмас.
 Топса магар ул киши аҳли вафо,
 Сиррин онга демоки бўлғай раво.
 Эй, не хуш ул кимса топиб ёри ғор,
 Деса гамин оллида ҳар неки бор.
 Бўйла муяссар эса ҳамдам анго,
 Ғам кўб эса бўлмағуси ғам анго.
 Оҳки ман хаста демокликка ғам,
 Бир киши йўқ ҳамдамим иллоки Қалам.
 Демокига заҳра бўлуб ёвари,
 Бўлса эшитмоқка доғи довари.
 Ул ҳам эрур юз қаро-у сарнигун,
 Буқаламуни ду забон, бесукун.
 Бир сўз уза йўқ онга сабру сабот,
 Гоҳ ҳаёт истару гоҳи мамот.
 Оинаи кўнгли эмас беғубор,
 Парда дар ул гоҳи-таҳий пардадор.
 Элга дуранг эркони бордур аён,
 Оқу қародур онга аксар нишон.
 Аблақ эрур пайкар онга сар-басар,
 Ондин эрур оқу қароға зарар.
 Тўғри эмас сурату гуфтор анго,
 Кажлик эрур жумлаи кирдор анго.
 Уқдадин ўзга нима йўқ онда ҳеч,
 Нолаи Нол ондин эрур печ-печ.
 Бошдин оёқ қавли онинг мухталиф,
 Рост эмас бир сўзи илло алиф.
 Минг сўзидин тўғри бири гоҳ-гоҳ,
 Сурат алиф ушбу сўза бор гувоҳ,
 Сақламоғи роз онинг имкон эмас,
 Бир киши йўқким онга сиррин демас.
 Тиг ила кессанг тилини қаҳр этиб,
 Бергуси асроринги элга битиб.
 Бўйла бало бирла эрурман қарин,

Яъни қаро қайғуға ман ҳамнишин,
 Мумкин эмас оғзима келмоқ сўзум,
 Маҳрам имон дерга ўзумга ўзум.
 Килкким ул қаҳр ила қилсанг нигун,
 Доғи бўлур килк ўшул пур фусун.
 Тилни фусун сори этиб тунду тез,
 Бўйла қилур ишқ ўтини шуъла хез.
 Ондаки ул дилбари узро жамол,
 Бўлмиш эди ноладин андоқки нол,
 Кўнглида бир ўтдин эди баҳраси,
 Йўқ эди дерга кишига заҳраси.
 Гарчи они ўртар эди нори шавқ,
 Қилмас эди кимсага изҳори шавқ.
 Ғолиб ўлуб онга ҳаёу адаб,
 Очмас эди рози дилин дерга лаб.
 Кўрди Вафобону они дард ила,
 Дийдаи намноку рухи зард ила.
 Бошин оёқиға қўюб чун нигор —
 Дедики:— «Эй шоҳи муалло табор!
 Қайси қуёш қилди сани зарравор,
 Жисминги гард этти қаю шаҳсувор.
 Сан киби маҳвашни не шамъи тироз,
 Айлади парвонаи сўзу гудоз?
 Боғи умид ичра не сарви саҳий —
 Қилди сени қумрийи қолиб таҳий?
 Қасри жинон ичра қаю нозанин —
 Фурқати қилди сани дўзахнишин?
 Қайси гулинг булбули полонисан,
 Е қаю юз сунбули печонисан?
 Қайси дуринг шавқи санга тожи сар —
 Бўлди, дегил эй шаҳи вола гўҳар?!
 Сандин ғорур даҳрга нашъу намо,
 Аҳли жаҳон мисдуру сан кимё.
 Кимга агар айлар эсанг илтифот,
 Топғуси ул кимса муъаббад ҳаёт.
 Бўлсанг агар гўшаи абрунамо,
 Сажда қилур хайли малак беибо.
 Банда қилур халқаи зулфинг хамий,
 Хоҳ парий ўлсину хоҳ одамий.
 Оламаро не шаҳу не шаҳриёр —
 Топса қудумингдин агар бир ғубор,
 Қилғусидур кўзларига тўтиё,
 Ул бўлубон туфроғинго жабҳасо,

Айламагил розинги мандин ниҳон,
Хасталиғи қилғусидур марг аён.
Дарди демок лозим эрур, эй ҳабиб,
Онгаки мушфиқ эса, ёхуд табиб.
Манки санго мушфиқу ёру надим,
Борману ҳам ҳозиқи сақми сақим.
Дегил они ҳар неки бўлса ҳавас,
То бўлайин дардинга ман чорарас.
Гарчи эрур чархи барин ахтари,
Ёки эрур баҳри фано гавҳари.
Тоғи фалак устида сайёҳ ўлай,
Баҳри фано жавфида саббоҳ ўлай.
Ҳосил этай гавҳарингу ахтаринг,
Ғам ема бор мен каби фармонбаринг.
Лозим эрур ҳар кишига роздор,
Вожиб эрур ғам деголи ғамгусор.
Бўйла дегач сўзини ул дилрабо,
Яъни Вафобонуйи дастонсаро.
Оҳ чекиб Ҳусни Сулаймон нигин,
Ерга ҳаё бирла боқиб шармгин.
Деди онга рози дилин сар-басар,
Яъни Фуоднинг сўзини мухтасар:
— Десам они айлайин ўзумга ёр,
Отам эшитса чекор ондин дамор.
Ондин агар айлар эсам ижтиноб,
Шавқ ўтига жону дилимдур кабоб.
Бордур адам чораи дарди дилим,
Мундин эрур мушкил уза мушкилим.
Сиррини чун айлади ифшо тамом,
Айлади ахфосиға ҳам аҳтимом.
Деди Вафобонуйи нозик адо:
Ушбу сўз, ар бўлса санго муддао,
Ғам емаким бўлгон эмиш бежиҳод,—
Бандаи боғий санго нахли мурод.
Бандадин ар айласанг они раҳо,
Банда санго бўлғуси ул мубтало.
Эл тилидин хавфи маломат десанг,
Ман топайин жойи саломат десанг.
Бўлса отанг ваҳшатидин бийми жон,
Қилғоман оғзинг киби элдин ниҳон.
Ёки онангдин агар этсанг ибо,
Уйла белинг қилғоман ондин хафо.
Қимни ўзингга тиласанг ҳамнишин

Зийнату зебинг киби айлай яқин.
Ҳар на йироқ бўлмоғи бордур зарур,
Айб киби сандин этай они дур.
Боғий эрур манда чу боғи жинон,
Сабза онга дилкашу су дилситон.
Борча ниҳоли бор онинг хуш сиришт,
Кўргон эмас тушда бирини биҳишт.
Саҳну фазо бир-биридин хўб анго,
Обу ҳаво борчаси марғуб анго.
Дерлар ўшул равза отин Дилкушо,
Қасри сафо дерлар отин бир бино.
Ондаки васф онга на имкон эрур,
Чашми хирад вазъига ҳайрон эрур.
Ондин оқар доғи чу наҳри жинон,
Оби равон бахш чу оби равон.
Дерлар онинг отини Наҳри ҳаёт,
Топғуси жон суйидин ичса мамот,
Манбаъ ўшул наҳргадур бегумон,
Чашмаки кўрмаслар они инсу жон.
Кўрмокидин жонга эрур бийм онинг,
Бандасидур кавсари тасним онинг.
Чашма оти Айни саодат эрур,
Сувратидин элга сад офат эрур.
Қимса они кўрмоки осон эмас,
Топмоқ они ахтариб имкон эмас,
Жонни киши бермас эса райгон,
Топмоғуси истабон ондин нишон.
Кўрмокин олам тилабон дам-бадам,
Чашма қароб чашмини тутмиш алам.
Бу бориси бўлди муяссар санго,
Ман киби бордур яна чокар санго.
Недин эрур кўнглингаро тўла ғам,
Гарчики маҳсан санго лекин на кам?
Лутф ила гар айласанг ул ён хиром,
Улғуси бешак санго бу ғам ҳаром.
Сўзни адо айлади ул дилрабо,
Шарм била гулшани боғи ҳаё,
Деди:— Ҳар не дединг эттим қабул,
Сан манго бўл ҳодийи роҳи вусул.
Бўйла кенгош айлаб ики гулғузор,
Гулшани жаннатаро топти қарор.
Эй нахуш, ул кимсаки Ҳусну Вафо —
Иккисини кўрса бирор боғаро.

Бўлса дамий онлар ила ҳамнишин,
Умриаро бўлмағусидур ҳазин.
Улки берур гулшани сўзга сафо.
Бўйла бўлур булбули дастон саро.
Онда фароғат топибон меҳмон,
Хизматига боғлади бел мезбон.
Даъват этиб Гисуйи айёри ҳам,
Деди алар сар-басар асрори ҳам.
Яъни чиқормоқға они чоҳдин,
Амр онга бўлди шаҳи моҳдин.
Ғамзани ҳам айладилар ёр анго,
Қилдилар ушбу сўзи изҳор анго.
Бориб онинг захмини пайконин ол,
Йўқки онинг сийнасидин жонин ол.
Доғи Табассумни қилиб комёб,
Берди алар илкига гулгун шароб.
Дебки, бориб бергил онга тўла жом,
Беҳуд этиб айла онга аҳтимом.
Ғамза олур чоғида пайкон дариг —
Демасун ул, топмасун озори тиг,
Ҳар неки дору бор эди судманд,
Дард элини айлар эди бегазанд.
Хусн шифохонасида бор эди,
Тузу шакар, ҳар неки даркор эди.
Берди Табассумға буларни тамом,
Ул ики маҳ манзуру фаррух калом —
Айладилар доғи Назарни равон,
Яъни дебон шоҳинга бўл посбон.
Деди яна ул икки фархунда фол:
Борсун алар бирла хаёли маҳол.
Бўлди булар бир-бира ёру рафиқ,
Саъй ила тутти бори бирдин тарийқ.
Еттилар ул ергаки шоҳи Фуод.
Мурғи қафасдек бор эди номурод.
Ташлади Гийсу онга мушкин каманд,
Чекти доғи, қилди они бегазанд.
Берди Табассум онга жоми шароб,
Айлади беҳуд они балким хароб.
Ғамза қилиб жарҳ они беваҳму бийм,
Чекти ўқин, қилғоли они салим.
Тузу шакардин онга берди даво,
Қўйғоч ўшул марҳами топти шифо,
Ҳар неки лозим бор эди тарбият,

Етти ул элдин онга ул тақвият.
Сўнди Табассум доғи гулқанд анго,
Токи онинг жониға бўлғайғизо.
Берди тавоноки эрур лоямут,
Жисмиға қувват доғи жониға қут,
Бўйла эрур гардиши чархи мудир,
Гоҳ асир айлару гоҳи амир.
Баҳри замири қалами хушзилол —
Бўйла сочар даҳраро дурри мақол.
Тожи мурассаъ била они бу жамъ.
Кисвати сиймин бериб этти чу шамъ.
Гарчики Хисрав эди чархи қавий,
Қўйди тўқун бошиға Кайхисравий.
Бошлоди борғон эл онга роҳи васл,
Ул эмас эрди вале огоҳи васл,
Чунки они кўрмокидин дур эди,
Васл майидин доғи маҳжур эди.
Онда яролиғ чоғиким бўлди туш,
Қочмиш эди тошлоб они дарки хуш.
Бехуд эди ул они кўрган замон,
Йўқ эди кўз очғали тобу тавон.
Кўнглиаро тўб-тўла эрди ҳарос,
Етмас эди ҳолиғә фикру қиёс,
Сувратидин чун эди печон баса,
Сийратидин эрди ҳар осон баса:
Кўнглиаро бийм эди, гоҳи умид.
Титрар эди сорғориб андоқки шийд,
Ниш урубон кўзларига интизор —
Айлаб эди ашкини сиймобвор,
Ҳожат эмас бу сўзи этмоқ узоқ,
Бўйла эрур воқеаи иштиёқ.
Улки қилур шавқ ўти таҳририни,
Бўйла қилур сафҳада таҳририни.
Етти ул эл гулшани ризвон сори,
Ваҳ на дедим маскани жонон сори.
Гўшаи гулшанда чу хилди барин,
Бир ер эди оти Канори камин.
Дилкаш эди саҳн ила атроф анго,
Пардаи жондин эди акноф анго.
Бошдин аёқ тўла раёҳин эди,
Борчаси пур чин эди, мушқин эди.
Онда тушурдилар ўшул шоҳни,
Этколи оғаҳ маҳи хиргоҳни.

Борди бори бўлди суюнчи талаб,
 Хусн ҳам аҳсон сориға очти лаб.
 Қилди Назар хилъатини лола ранг,
 Оинаи хотиридин қўпти занг.
 Лаълу гуҳар ичра они қилди фарқ,
 Дурга ниҳон бўлди онга пою фарқ.
 Пардаи кўздин доғи гийсу либос —
 Олди, бериб шоҳи Сулаймон асос,
 Қисватининг рангики мушкин эди,
 Жисми онинг оқмишаи Чин эди.
 Ул кишиким оти бор эрди Хаёл,
 Берди онга ганжи фаровону мол
 Ғамзаға инъом этибон тиғи тез,
 Қилди вазир ул шаҳи осиф тамиз.
 Берди Табассумга шакардин мисол,
 Бўлди улус хони-ю шақкар мақол,
 Борчасиға берди яна молу ганж,
 Кимки кетурмокда чекиб эрди ранж.
 Базму тараб этколи ул нўш лаб,
 Солмоқ учун даҳрға шўру шааб.
 Индатибон бир неча ҳамзодини,
 Маҳрам ўшул хайли паризодини.
 Борчасини қасриаро қилди жамъ,
 Маҳваш ўзи ўлтуруб андоқки шамъ
 Гирдида ул шамъ эди парвонаси,
 Эрди адам базмаро бегонаси.
 Борча дилором эди онга тамом,
 Ҳар бирига ном эди бир аҳтиром.
 Ғамза-у Ишва доғи Ону Адо,
 Шева карашма доғи Меҳру Вафо.
 Эна бири Нози фусунсоз эди,
 Бирри оти Сарви сарафроз эди.
 Ун адад эрди бу бори маҳлиқо,
 Айш ичида эрди булар ила «ё»
 Ҳар бирининг лутф-сиришти эди,
 Уйлаки даҳ ёри биҳишти эди.
 Борчаси абгор эди-ю нозанин,
 Ҳар бирига ой-кун эди хўшачин.
 Базмаро чун бўлди муҳайё шароб,
 Жон қушини айлади онлар кабоб.
 Онда Табассум бўлубон косадор,
 Берди шароб айлади дафъи хумор.
 Бўлғонида рафъи ниқоби ҳаё,

Деди Вафобонуйи ширин лиқо:
 — Ҳар неки ул базмаро даркор эрур,
 Ҳозир эрур борчаси тайёр эрур.
 Қодир эгамдурсану парвардигор,
 Сирри ниҳонлар сангодур ошкор.
 Бўлса агар ўртада мадди назар,
 Бўлғай эди борчаға нури басар,
 Ул доғи мавжуд вале иттифоқ —
 Бўлса, аромизда гар ўнмай нифоқ,
 Билса, агар Ҳусн ота-онаси.
 Борчамиза бўлғуси журмонаси.
 Шоҳи Фуод онда эрур беқарор,
 Мунда доғи бизга эрур интизор.
 Базм чу онинг-ла эрур муғтанам,
 Ҳожат эмас кулфату қайғуга ғам.
 Келса бу айвон сори ул навжавон,
 Базм тани топғусидур тоза жон.
 Ҳар нима ўз жинси била хўб эрур,
 Ҳар киши ўз хайлида марғуб эрур.
 Лекин ўзи жинси била марду зан —
 Бордур онингдекки равонсиз бадан
 Базми рижол ичра агар бир нисо —
 Кирса топар жон киби нашъу намо.
 Кирса нисо базмига ҳам бир рижол,
 Бўлғусидур ўзгача ҳам қийлу қол.
 Базм агар бўлмаса жонон анго,
 Онгла они жисмки йўқ жон анго.
 Жонсиз эрур жисмга мушкил мақол,
 Санги мазор айламагой қийлу қол.
 Базм элин албатта дегил мотамий,
 Бўлмаса бир дилбар агар ҳамдамий,
 Нашъа деган лаҳжаи жонон эрур,
 Нашъа демак роҳға бўҳтон эрур.
 Бўйла дегоч тўтийи шаккар нисор,
 Қилди ул эл сўзин онинг эътибор.
 Борча деди:— Бизга бу матлуб эрур,
 Кўрмокимиз они экон хўб эрур.
 Айламадинг Ҳуснға тарки адаб,
 Мунча таваққуфға бу эрди сабаб.
 Борчамизи ёқмиш эди интизор,
 Шаҳ соринга етмокидин бир ғубор.
 Айлар эдук урғоли дам ижтиноб,
 Шукрки рафъ ўлди ҳаёу ҳижоб.

Лийнати қўлингга туман офарин,
 Кўнглимиза бўлди чу нақши нигин.
 Эмди неким шоҳдин ўлса мисол,
 Вожиб эрур этмокимиз имтисол.
 Ҳусн ҳаё бирла деди:— Келтуринг,
 Яхши-ямон ҳар неки бўлса кўринг,
 Деди бу ҳолатаро ул моҳи Ноз:
 Манда эрур бир кенгош, эй аҳли роз.
 Истасангиз бўлмоқ онга ҳамнишаст,
 Доруйи беҳуш бериб они маст —
 Айланг, онингдекки ўшул ҳушбар —
 Ўзлигини қўймай онинг чун асар.
 Бўйла қилиб келтурингиз базмаро,
 Онгламасун ул, на экон можаро?
 Сўнгра сепиб юзига онинг гулоб,
 Келтуринг ўвига, десун они хоб.
 Жоми муҳаббатни сўнардин зиёд —
 Айланг они ҳушдиду шодону шод.
 Фатҳ этиб абвоби маваддат анго,
 Кўргузинг анвоёи муҳаббат анго.
 Ҳусн доғи қилсун онга илтифот,
 Роҳи муҳаббат била берсун ҳаёт:
 Билмоқ учун ҳолини ул шоҳнинг,
 Косу камин онглағоли моҳнинг.
 Ҳожиб ўқуб шарҳи ишорат анго,
 Ишва десун турлук иборат анго.
 Ғамза дебон ҳикматил-айннинг сўзин,
 Гаҳ шакарин десуну гоҳи тузин.
 Илму рамузин ўқуб ул дам Адо,
 Рамаз ямон-яхшисин этсун жудо.
 Он этибон қошу қадин таъмия,
 Этсун алиф нундин онга таъбия.
 Шоҳи Карашма доғи ҳилму адаб —
 Кайфиятин десун ўшул нўшлаб,
 Меҳр, Вафо мувоаза ошкор —
 Айласун ул икки шаҳи шаҳриёр,
 Шева доғи зоҳири найранг этиб,
 Сувға ўту ўтга сувдин ранг этиб,
 Қилсун аён ушбу кеча шўру шар,
 Ҳайрат ила ёнсун онга мағзи сар.
 Ман қилибон сиҳр ила афсун аён,
 Они мамот айла-ю гаҳ зиндасон.
 Илми шабистонни онга ҳал этай.

Қошларими кўнглига мисқал этай.
 Хусни паричехраи ширин лақаб —
 Ондин ўлуб лутф ила маъни талаб.
 Айласун ул дахл била сарфароз,
 Онглағали онга недур ихтироз?
 Борму экан ганжи маҳорат анго,
 Маъний ила ранги иборат анго.
 Қайси сўза хотири мойил экан,
 Қайси маоний онга ҳосил экан?
 Борму экон табъ онга, дониш асар,
 Онглағомиз ҳоли дилидин хабар.
 Субҳға тегру чекиб ўтлуғ суруд,
 Арши муалло сори қилсун суъуд.
 Субҳқа тенг жомига заҳри фиروق,
 Билсун они ул на экан иштиёқ.
 Ҳар кишиким чекмаса ранжи хумор —
 Майға на билсунки недур эътибор?
 Ҳар неки сўз деди ўшул нўш лаб,
 Қилди қабул они шаҳи боадаб.
 Жилваи соқийға деди: «Озим ўл,
 Ушбу иши айлағоли жазим ўл!
 Айлади Гийсуни ҳам ирсол анго,
 Лутф ила моҳи фалак мутакко,
 Берди Табассумға ҳам ул дурфишон,
 Доруйи мадҳуш ила гулқанди жон.
 Бўлди Навар сорига доғи мушир,
 Борғилу бўлғил, деди, фармонлазир,
 Борча қилиб жону дилидин қабул,
 Айладилар амри сорига нузул.
 Кирдилар ул қасраро бешакку райб,
 Уйла кўнгул қасриға асрори ғайб.
 Деди алар:— «Хусн париваш шикор —
 Эткон экон хайли била ихтиёр,
 Келгуча ул бизлара бўл ҳамнишин,
 Май ичу шод ўлғилу бўлма ғамин».
 Бўйла дебон берди алар май равон.
 Ичди олиб они шаҳи навжавон.
 Дўст хаёли била тортиб суруд,
 Бўлди Фуод ҳамдами уд ила руд.
 Улди бу базм аҳли била майгусор,
 Онга қарийб ёрди доғи базми ёр,
 Ё раб, этиб дафъи балойи фиروق,
 Жонима сол нойирайи иштиёқ!

Шавқ ўтининг шуъласин этгил баланд,
Лекин этиб васл била баҳраманд.
Соқий, ўзинг кўрки балодур хумор,
Пардаи идборидадур заҳри мор,
Заҳри жафо жомимаро қўйди даҳр,
Васл шароби била бир пойи заҳр.

Гавҳари шабафрузи бадахшоний ҳуққаи обгуни сарни-
гун гардундин тобон ва намоён бўлуб, аройис ниқоби зул-
моний ва муҳаззирот ҳижоби даҳонийи мақсуроти хайём
жинон киби шаққаи тақ ютақ уфкдин аён бўлғонида ва
гўши гардани гардун ақди гавҳари сурайё ва қилодаи му-
саффо ораста бўлуб, висоқи саиди осмонсувори анвор ва
ҳалхоли ҳилол била пироста бўлғонида аруси ҳабаш пар-
даи обнусидин жилвагар бўлуб жамоли оламни пурзевар-
ётконида ва анжум табак-табак гавҳари обдор ва коса-коса
дурри шоҳвори жаҳон бошиға нисор қилғонида арсаи жа-
ҳон сури сурур билар тўлғонида бу жўшу сафодин нужуми
гардун чархға кириб ва суруши наводин фалак кафига
маҳдин даф олиб, Зуҳра қонуни пурафсун чолғонида Та-
бассуми ширинкорнинг Фуоди зор шаробиға доруйи мад-
ҳуш қўшиб, боҳуш баридин беҳабар қилғони.

Эй нахуш, ул кимса чекиб интизор,
Бўлса муяссар онга дийдори ёр.
Кимки тотар шиддати заҳри мамот.
Билгуси ул лаззати нўши ҳаёт.
Кесғонида жону жаҳондин умид.
Умр муъаббад онга бўлса падид.
Қолмаса бир кимсага жондин асар,
Жон исидин токи бўлуб баҳравар.
Очғонида дийдасин ул зор маст,
Ёр ила кўрса ўзини ҳамнишаст.
Манзил онга бор эса қасри висол,
Билмаса ул тушму экон ё хаёл.
Билмак агар истаса ондин хабар,
Ўзлигинин топмаса истаб асар.
Эмди на дейким, на бўлур онга ҳол,
Етмади ул ерга қудуми хаёл.
Бўлмади бир кимсага бу бахт ёр,
Ғайри Фуод — ул шаҳи жам иқтидор,
Улки варақ қасридадур комёб,
Бўйла қилур базм сўзин иртиқоб.
Ондаки шаҳзодаға жоми умид,

Берди Табассум яна Ғамза навид.
Май суйи кўнгли ўтидин дуд аён —
Айлаб эди сўзи дарундин нишон,
Сўз майидин хуш этиб аҳвалини,
Май сўзидин онглаб онинг ҳолини.
Базм эли дер эрдик, ул Ҳусни шоҳ —
Келгуси бу ёнға агар ўтса моҳ.
Ойки тамом ўлди ёниб хосу ом,
Етгуси бу сориға моҳи тамом.
Бўйла бериб шоҳи Фуода фириб,
Дер эдилар май ичу қилғил шакийб.
Онда бу уммид ила шоҳи Фуод —
Нўш этар эрди майи ноби мурод.
Тортар эди жом паё-пай мудом,
То анго тегруки аён бўлди шом.
Шомни қўй, бор эди мисри висол,
Балки эди шўхи Зулайхо жамол.
Юзига ташлаб эди мушкин паранд,
Қилмоқ учун олам элин бегазанд.
Дема паранд они де нури сиёҳ,
Аҳли фаноға эди оромгоҳ,
Кеча дема бор эди ул нури айн,
Дийда қароси эди бешўру шийн.
Саъди кавокиб бори эрди аён,
Ҳар на нухусат эди кўздин ниҳон.
Майға солиб оники мазкур эди,
Ҳушу хирад олғали машҳур эди.
Сўнди Табассум они ичгоч Фуод,
Борди равон ўзидин ул номурод.
Етди ўлуклардек этиб тарки хуш,
Тушда ҳам ўлмас киби жон онга туш.
Мулки гузориш доғи Хисров нишон —
Бўйла қилур тахти гузориш равон.
Солди ул эл они равон тахтаро,
Бошға кўтардилар они бахтсо,
Маҳд уза ул маҳни қилиб жилвагар,
Айлади Гийсу они чун тожи сар.
Маҳ бўлубон ер уза суръатнамо,
Етти ўшул қасри муаллоаро.
Буржи саодат бўлубон маскани,
Буржи шараф бўлди онинг маъмани.
Қўйдилар ул қасраро шодону шод,
Беҳабар ўздин, вале шоҳи Фуод.

Ётмиш эди ўйлаки гул хирмани,
 Деди:— Очинг оразин — эл аҳсани.
 Гул юзидин олди чу Гийсу ниқоб,
 Рафъ этибон тийра ниқоби саҳоб.
 Қилди намоёнки эди нури пок,
 Меҳри мунаввардек эди тобнок.
 Меҳрни қўйким бор эди беғубор —
 Партавидин олами ғайбошкор.
 Жумла онинг ҳуснига «аҳсан»,— деди,
 Ойга, ажаб, қасраро маскан деди.
 Чеҳра онга бор эди моҳи тамом,
 Бўлди гирифтори онинг хосу ом,
 Қоматидин нолалари бўлди сарв,
 Кўздин оқизди баса хуни газарв.
 Борчани ҳайрат этиб ошифтаҳол,
 Қилди ул эл бўйла аён қийлу қол,
 Ушбу эмас насли башар ё парий,
 Шаксиз эрур иккисидин ҳам бири.
 Бўлса малак бўлғусидур бу жамол,
 Йўқса эрур бу парий нақши хаёл.
 Рад этиб инсонлигини сар-басар,
 Демади бир кимсаки: «Ҳозо-башар».
 Устида айлаб эди онлар ғулув,
 Ҳар бирида ўзгача бир гуфтуғў,
 Зоҳир эди базмаро ғавго баса,
 Нола-у фарёду алоло баса.
 Бўйла авон Ҳусни фалак жойгоҳ —
 Йиғлабон ётмиш эди ҳолин табоҳ.
 Айлар эди дард ила афғон баса,
 Зулфи киби эрди паришон баса.
 Ётмиш эди онда қиёмат аён,
 Деди Вафобонуйи ҳикмат баён:
 — Сур чоғи сурати шўринг недур,
 Оху фиғонингга заруринг недур?
 Санки висол авжига борсан қарин,
 Ҳажр киби оразинга солма чин!
 Мул тилодинг келди оёғи била,
 Гул тиласанг ул яна доғи била.
 Недин эрур кўнглингаро хор-хор,
 Май гули бор, лозим эмас бу хумор
 Базму тараб ётколи омода бўл,
 Ранжу таабнинг ғамидин сода бўл!
 Косан дурингни тутуб муғтанам —

Айла, унут гардиши давронни ҳам,
 Бахт киби тахт уза тутғил қарор,
 Бир яна ҳам айш ила ишратға бор.
 Базму тараб ёрлиғи туғросиға,
 Сафҳаи ишрат хату иншосиға —
 Ултурубон жойида бир нозанин,
 Бўлсун алар ўйлаки нақши нигин.
 Ман бўлайин жон била фармонпазир,
 Базмий этай мундаки чархи мудир —
 Сайр ила гар ҳар неча қилса талаб,
 Топмасун ўхшаш онга ҳаргиз тараб.
 Бўйла дегоч сўзни ўшул нозанин,
 Борча деди, донишига офарин!
 Ҳар киши ўз ўрнида топти қарор,
 Қилдилар оройиши базм ихтиёр.
 Мошитаи хомаки бор дилфириб,
 Шоҳиди маъниға берур бўйла зеб.
 Чиқти фалак тахти уза моҳи Ҳусн,
 Базм, тараб ҳам эди дилхоҳи Ҳусн.
 Онда Вафобонуйи айш интисоб,
 Мушки Хито истади, чиний гулоб.
 Ҳар на деди бўлди муҳайё анго,
 Қилди тадовий они доно анго.
 Мушкни дуд этти-ю урди гулоб,
 Чехрасиға улки эди масти хоб.
 Очти кўзин, кўрди қиёмат эди,
 Ҳар соридин жонға юз офат эди.
 Хийни тамошода эди ул асир,
 Бўлди намоён онга бадри мунир,
 Бадр неким бор эди ҳуршидваш,
 Ҳашмату шавкат била жамшидваш
 Тахти фалак рифъат уза онга жоҳ,
 Торами базм ичра эди шаҳу моҳ,
 Лаъл ила ўтдек онга дейҳим Ноз.
 Даври онинг жиғайи мушкин тироз.
 Зулфи онинг сунбули пур печтоб,
 Ранг онга чун анбари тар бу гулоб,
 Ораз анго эрди қуёш маҳжабин,
 Чеккон эмас нақшини наққоши Чин.
 Мусхафи рухсори уза икки қош —
 Маъний уза кўргузур эрди талош.
 Ояти сажда сўзи тафсил эди,
 Ҳар бириға ўзгача таъвил эди.

Бир-бирининг сўзини қилмоқға рад,
Ҳар бирига ўзга далилу санад.
Ул бириси шарҳи ишорат сўзин —
Айлар эди, нақл башорат сўзин.
Дер эдиким, сажда раводур манго,
Бу бири деб айн хатодур манго.
Илми рамуз ила этиб они манъ,
Гарчи йўқ эрди онинг имкони манъ,
Дер эдиким бизга аёндуру рукуъ,
Сажда этиб айлолинг эмди хушуъ.
Кимдур ўзи сожиду масжуд ўлур,
Кўй бу сўзинг, йўқса зиён суд ўлур.
Ул бириси зоҳир этиб юз далил,
Қибла элин қилғоли зору залил.
Дер эдиким: «Бўлмаса сажда раво,
Бизга недур сурати меҳробсо?
Кўрки аён ҳайъати меҳроб эрур,
Саждага бош чекколи қуллоб эрур.
Эл аро меҳроб-халойиқпаноҳ —
Айлади, лекин бизи сунъи худо.
Бўлса раво саждани қилмоқ анго,
Вожиб эрур сажда биза бехато.
Ушбу далоил била мулзам бўлуб,
Извати таслими била ҳам бўлуб.
Қилмиш эди нуқсига бу эътироф,
Ул ҳам онинг сўзини айлаб маоф.
Бош қўшубон зоҳир этиб иттифоқ,
Деб эдилар саждага жуфт ушбу тоқ,
Балки агар ким эса ҳожиб анго,
Сажда доғи бўлғуси вожиб анго.
Чеҳра онга каъбаи ҳожот эди,
Қоши онинг тоқи ибодот эди,
Ваҳ на ажаб, сар эди ушбу нуҳуфт,
Жуфт десанг, тоқ десанг — тоқ-жуфт,
Ҳабба дема ойинаи поки ҳур,
Мусҳафи рухсориде оёти нур.
Кўзлар онга маст ўлубонки хумор,
Нури даҳон айлар эди ошкор.
Шом сочи эрди онинг қадридек,
Партави рухсори эди бадридек.
Бўлмаса рухсори онинг гар камар,
Нега байин бормоғидин сар-басар,
Шақ бўлубон ўйла жамил икки юз,

Қилди аён әлга далил икки юз.
Улки бурун демокинг одат әди,
Партави ангушти шаҳодат әди,
Белини топмас әди истаб камар,
Оғзини пинҳон этиб әрди шакар,
Сўз демаса, ваҳ на ажаб ул парий
Топмас әди оғзини сўз гавҳари.
Тишлар онга бор әди чун дурри пок,
Ваҳ, қаю дур, ахтар әди тобнок.
Юз дема, бир гулшани бехор әди,
Кўрголи гулзорни гул зор әди.
Меҳр рухи ёнида бадри мунир,
Аҳли назарға әди бир қурси қир.
Бор әди кўз мардумидек хол анго,
Маскан әди дийдаи иқбол анго.
Бошдин оёқ әрди зарофат тамом,
Пайкар анго әрди латофат тамом.
Баски латиф әрди онинг пайкари,
Зоҳир әди жисмида жон жавҳари.
Қавси қоши тоқи мутаббақ киби,
Ғабғаби ҳам тоқи муаллақ киби.
Об неким, бор әди оби асал,
Ваҳ, на дедим, шираи жон әрди бал.
Икки кўзи қотили хунрез ҳам,
Тиғи сияҳ тоби әди тездам.
Чеҳраи софики әди нури айн.
Холи онинг мардумаки ҳури айн,
Қадди онинг сарви гулистони жон,
Сарв дема, зийнати бўстони жон.
Баски әди зебиш ила муътадил,
Ҳадди вусат бор әди ондин хижил.
Ҳар қулоғи дур дарахшандаси,
Ойнинг әди кавкаби, рахшандаси.
Ой била ахтар қилиб әрди қирон,
Фитнага тўлмиш әди қасри жаҳон.
Оразининг ўти била силсила
Ёнмоғидин топмиш әди зилзила.
Ул ўт уза кўргузубон изтироб,
Ондоғи лаъл әрди чу лаъли музоб.
Қисвати хоро била лебо әди,
Ҳар неки киймиш әди зебо әди.
Лаъли хушоб ичра бор әрди ғариқ,
Балки әди шавқ ўти бирла ҳариқ.

Сийнасидин эрди хижил нори тур,
Сафҳасидин сафҳаи рухсори ҳур.
Яхшилиғ асбоби бори бор эди,
Бошдин оёқ гулшани бехор эди.
Соъидий, гар солса жаҳон ичра нур,
Енғай эди ҳасрат ила кўҳи Тур.
Сийна бўлуб онга чу оби зилол,
Икки ҳубоб онда эди безавол.
Ваҳ на хубоб, они дегил тенг асал,
Хуш, чу ҳаёт эрди ўшул фил-масал.
Рағ била пай ўрнига жон жавҳари,
Зоҳир этиб эрди онинг пайкари.
Кўрса латофат баданин ногаҳон
Хижлатидин бўлғай эди хунфишон,
Дема, дегил они борин беҳарос,
Қолғонини айла булардин қиёс.
Етмади ул ерга насими хаёл,
Яхши эмас, онда демок қийлу қол,
Соқий сафоси бор эрди чун биллур,
Зонув онга ойинаи софи хур.
Дастаи кўзгу онга сиймин эди,
Хуб эди, марғуб эди, рангин эди.
Ҳар сори, гар айласа зоҳир убур,
Нақши кафи пойи эди рўйи ҳур.
Ишва, Карашма, доғи Ону Адо,
Шеваи Нозу яна Меҳру Вафо,
Ғамзаи Ғаммозу Сарафроз ҳам,
Ҳожиб ила Хол фусунсоз ҳам,
Қомати сардори қиёмат шиор,
Жилваи соқийки эди косадор,
Гийсуким ул бор эди соҳиб каманд,
Сўз чоғи печон эди, мушкил сипанд.
Ҳуснга эрди бори фармонпазир,
Чунки эди жумласига ул амир.
Дегил они дийдаи фаттон эди,
Базм эли атрофида мижгон эди.
Аҳли тараф васфиға сўрсанг нишон,
Ҳар бири ўз жойида бўлди баён,
Мунда доғи қилсам агар қийлу қол,
Топғуси эл хотири мандин малол.
Хуллас ўшул Ҳуснки аҳсан эди,
Ҳар фан аро табъ онга як фан эди,
Кўргач ўшул моҳни бу навъ шоҳ,

Уйла йиқилди чекибон ўтлуғ оҳ,
 Тан қафаси пора бўлуб мурғи руҳ —
 Учғоли топти яна юз минг футўҳ,
 Ҳайрат этиб бўйла йиқилғон замон,
 Эл деди: «Чиқти танидин жон равон».
 Этти ўлуклардек этиб тарки ҳуш,
 Чекти ул эл кўкка фиғону хуруш.
 Ҳусн пари чеҳраи ошиқпараст,
 Ондаки ер узра Фуод ўлди раст,
 Ташлади тахтидин ўзин ул амир,
 Кўкка чекиб оҳу фиғону нафир.
 Кўрдик, не руҳ эди, не жон анго —
 Берголи жон лутф ила жонон анго.
 Бошиға зонусин этиб муттако,
 Қўйди юзин юзига ул маҳлиқо.
 Ойнаи чеҳрасин ул жон ҳавас —
 Қўймиш эди оғзиға, истаб нафас.
 Ойнасин ойға тутуб имтиҳон —
 Этти доғи, топмади жондин нишон.
 Топмади кўзгуда нишони ҳаёт,
 Кўрдик топмиш эди жондин нажот.
 Зоҳир этиб оҳу фиғону дариг,
 Сочти кўзи ёшини андоқки миғ.
 Чок этиб эрди яқосин гунчавор,
 Зоҳир эди гулшанида ҳар на бор.
 Мотам элидек чекоридин хуруш —
 Тушмиш эди мулку малак ичра жўш,
 Мушт била сийнадин озод сарв,
 Этти равон ҳар ёна хуни тазарв.
 Солмиш эди сунбулини гул уза,
 Кўз ёшидин жолани сунбул уза.
 Яъники меҳмониға дурлар нисор —
 Айлар эди жон била ул сукувор.
 Эй, на хуш, ул кимсаки берганда жон —
 Устида жонон эса гавҳарфишон.
 Тушса йироқ жисмидин, ар жон анго,
 Бўлса яқин партави жонон анго.
 Машъал агар уйаро ўчди не ғам,
 Бўлса қуёш ўрниға шамъи ҳарам.
 Қолмағуси жисмаро жоннинг ғами,
 Устида жонони эса мотами.
 Дийдасини айласа гулгун саҳоб,
 Ёлса онга қон ёши, гулгун ниқоб.

Сочин этиб белига зуннори ишқ,
Навхааро сўзласа асрори ишқ.
Деса онинг тавр ила ҳолин гаҳе,
Лутф этибон ранжу малолин гаҳе.
Гоҳ кўзидин бўлубон дурфишон,
Гоҳ кўзи бирла онга берса жон.
Оҳки, ман хастага йўқ ёр гор,
Ваҳ, на дедим, бил манго қайда диёр?
Ўлмас агар сўрголи йўқтур кишим,
Ваҳ, на ажаб, ёқса кўки нолишим.
Не манга бир манзили маъво аён,
Не манга бу оламаро хонумон.
Жон кетибон келмади бир ҳамдамий —
Енимаким, десам онга бир ғамий.
Гулшани давронни кезиб субҳу шом,
Бўйи вафо топмади ҳаргиз машом.
Санчилибон кўнглумаро хори ғам,
Жоним аро доғи синони алам.
Бир ёнадур дарди фироқи ҳабиб,
Бир ёнадур доғи жафойи рақиб.
Кўрмади мандек кишини рўзгор,
Ёрга ағёр эса ағёра ёр.
Ноладин ўзга манго дилсўз йўқ,
Шоми фироқимга менинг рўз йўқ.
Дарддин ўзга қани маҳрам манго,
Оҳдин ўзга қани ҳамдам манго?
Рози ниҳонимни анго ҳам баён —
Қилсам этар, оҳки элга аён.
Тун киби ҳолимга тутубман азо,
Кўрки, қаро қайғу мангодур гизо.
Бирдек эрур кўзима шому саҳар,
Ваҳки, Нишотийдин ўлубман батар.
Билмон они борман ўлук ё тирик,
Ҳолим эрур борча ирикдин-ирик.
Гар ўлук эрсам, қани мадфан манго,
Ё тирик ўлсом, қани маскан манго?
Қилсам агар бу сўз узо қийлу қол,
Гўши фалак топғуси мандин малол.
Улки эрур бойини мотам саро,
Бўйла азо бошиға чирмар қаро.
Яъниқи бу хомаи мотам либос,
Деди ўтуб ул кечадин неча пос.
Ортар эди моҳи фалак шиддати,

Меҳнат уза эрди фузун меҳнати,
 Чунки кўруб дилбарин ул дилбаро.
 Кўрмокига айлади жонин фидо.
 Бу доғи жон айлабон ийсор анго,
 Жони била эрди харидор анго.
 Ҳар киши жононга фидо қилса жон,
 Улмокидин топғуси бешак амон.
 Кимки талаб йўлида бўлса фано,
 Топғуси сарчашмаи оби бақо.
 Кимгаки изад талаби бўлса ком,
 Улмагуси, бил, эрур ихё мудом.
 Ҳар кишиким истар ўлумдин нажот,
 Бермаса жон, топмас онингдек ҳаёт.
 Сўз кўб ўшул лайлийи ғадри ғадор,
 Кўнглиаро йўқ эди сабру қарор.
 Жони била ўзига истаб ажал,
 Топмасидин бор эди ушбу ҳаял.
 Бўйла эди шўришу ғавғо анго,
 Шоми балодек эди савдо анго.
 Улмок эди борча таманноси ҳам,
 Марг тилаб эрди алолоси ҳам,
 Кўрди Назар ҳолини онинг забун,
 Деди оёқиға тўқуб ашки хун:
 — Токи мунго бўлмаса ҳайвон суйи,
 Жисмиаро қилма талаб жон суйи.
 Деб эди ул чоғда тасаллий ҳақим,
 Улса муни қилғуси ул сув салим.
 Ҳусн Назар сўзин этиб истимоъ,
 Шод ўлубон айлади ул дам симоъ.
 Қўйди онинг оғзиға ул нўш лаб,
 Жониға ҳар неки бор эрди сабаб.
 Топти Фуод ўйла муъаббад ҳаёт,
 Жониаро қолмади бийми мамот.
 Мундоқ эрур гардиши даврони даҳр,
 Гоҳ берур заҳр, гаҳи пойи заҳр.
 Бўйла деди килки муфарруҳ мадод,
 Сесканибон турди еридин Фуод.
 Очти кўзин кўрдикки ул маҳлиқо,
 Тутмиш онинг маргиға тундек азо.
 Жони била қўпти еридин равон,
 Бошиға айланғоли бўлди давон.
 Тутти қўлин ноз ила ул нўшлаб,
 Дедикки, айланғоли қилма талаб.

Узга талаб ўйлаки даркор эрур,
Жон тиласанг ул доғи тайёр эрур.
Бу сўзиким лаҳжаи жонон деди,
Они эшиткоч бу доғи «жон» деди.
Иккиси кўрушти, қучушти равон,
Бир-бирига сўздин ўлуб дурфишон,
Сўрушибон ҳар неки мавҳум эди,
Қилди алар ҳар неки марсум эди.
Ҳар неки дастур эди бўлди адо,
Ишва била Лайлийи Ширин лиқо.
Тути талаттуф этиб онинг қўлин,
Тахти сори бошлади бедил йўлин.
Ой била кун зоҳир этиб иқтирон,
Давр пур ўлди икки соҳиб қирон.
Этмиш эди онда қирон настарин,
Қасри жаҳон ичра тўлуб шўришин.
Маскан этиб тахтни ул икки шоҳ,
Буржи фалак устида чун меҳру моҳ,
Тахт ики гавҳарга эди дурждек,
Е ики саъд ахтара бир бурждек.
Бўлди алар тахт уза маснаднишин,
Бир-бирига жону кўнгулдек яқин.
Ул мунга ҳайрон эди, бу ҳам анго,
Этмок учун рафъ ниқоби ҳаё,
Сўнди табассум қадаҳи лаъли ноб,
Олди они Ҳусни муалло жаноб.
Еткурубон лаълига лаъли равон —
Кўпти, бериб майга лаби тоза жон.
Қомати зебосига бергач хиром,
Хам чу ҳилол айлади моҳи тамом,
Сўнди они хастаи печон сори,
Иззату таъзим ила меҳмон сори.
Дебки эрур ушбу муҳаббат майи,
Ички, ғанимат дурур ишрат майи.
Шаҳ доғи таъзим ила қилди қиём,
Қилди топуб иззатин этти тамом.
Коса гадойи киби ул бенаво,
Сўнди қўлин олғали жоми сафо.
Бермай онинг илкига ул нўш лаб,
Ўз қўлидин ичмокин этти талаб.
Маҳ тутубон айлади шаҳ ила нўш,
Кўргоч они масти мудом ўлди жуш,
Ичмоки ул гулни этиб ўйла шод.

Берди газак лаъл дебон нўш бод.
 Шаҳ доғи бир жом дилоромига —
 Тўлдурубон бодаи гулфомига,
 Зоҳир этиб ажз била эътизор,
 Деди:— Агар-чи манга йўқ ул аёр,
 Десам они жоми муҳаббатни ол,
 Жом ила бу роҳи маваддатни ол!
 Лек демиш кимсаки диққатлидур:
 «Ош эгоси бирла еса тотлидур»,
 Бўйла дегоч ул маҳи равшан жамол,
 Косани холий қилиб андоқ ҳилол.
 Майни ичиб қилди газак ҳам талаб,
 Шаҳ дедиким манъига йўқтур сабаб.
 Ул муни-ю бу ҳам они сарфароз —
 Айлади бир-бирга бериб нўши ноз.
 Сўнгра бўлуб иккиси маснад нишин,
 Зухра била бўлди Аторуд қарин.
 Тахт юзи узра ики майпараст —
 Топти нишаст ўйла ики чашммаст.
 Сийнага тахт узра ики сарфароз —
 Ётмиш эди ўйлаки бўстони ноз.
 Балки эди икки лаби лаълфом,
 Иккисига бор эди бир чунки ком.
 Қўл солибон бир-бирининг бўйнига,
 Бир қўли солмишлар эди қўйнига,
 Хар неча бу қилса фидо онга жон,
 Дилбари юз ончи топиб меҳрибон.
 Қой бири ўпмок тиласа бир лабин,
 Ул берибон икки лабу ғабабин.
 Бўйла эди жўшиши ҳангоми базм,
 Даври фалак ҳам бор эди роми базм.
 Нозиш этиб даврга шоҳи Фуод,
 Тортар эди ёр ила жоми мурод.
 Мухтасар ул давлатидин комёб —
 Бўлса бирин айлар эди интихоб.
 Гоҳ қапоғин ўпубу гаҳ лабин.
 Гоҳ яноғин ўпубу гоҳ юзин.
 Кўрдики лаълний эди ҳайвон суйи,
 Оғзиаро эрди ниҳон жон суйи,
 Шоҳ кўруб онда бу янглиғ зилол,
 Кайфиятин айлади онинг савол.
 Деди:— Ушул чашми нўши ҳаёт —
 Лаъллим эрур, манбаъи фавзу нажот.

Неча Сикандар тилабон ташна лаб,
 Ёнди бу водийаро тортиб таъаб,
 Бўлмади бир кимсага топмоқ насиб,
 Чунки нигаҳбон эди деви Рақиб,
 Охтарибон аҳли жаҳон дам-бадам —
 Топмоғонидин, деди, бордур адам.
 Кўзу қаду зулф ила оғзим қараб,
 Топмади олам эли истаб, сўраб.
 Лек сани хоҳлади лутфи ҳабиб,
 Қилди буларнинг санга борин насиб,
 Оғзинги асрорина маҳрам сани —
 Айлади ул довари аъзам сани.
 Зулф, юзим ҳам санга берди ало,
 Шукр санго ласим эрур солу моҳ,
 Онгла муни эмди муаббад ҳаёт —
 Етмагуси жонинго бийми мамот.
 Шоҳиға ул моҳ бу ёнглиғ жавоб —
 Бермак ила қилди они комёб.
 Гоҳ этиб бўса лаби жомидин,
 Гоҳ ўпуб лаъли дилоромидин.
 Бир қўлида май тўла соғар эди,
 Бир қўлида зулфи суманбар эди.
 Берди шаҳаншаҳға бу давлат чу даст,
 Боданараст ўлди доғи бутпараст.
 Бўйла эди ул иков ишратфазо,
 Базм ила ҳар соридин айлаб наво.
 Гоҳ суруд ичра чекиб қийлу қол,
 Маъний уза бор эди гоҳи мақол.
 Базмаро ҳар неки муғанний эди,
 Борчасиға сурати маъний эди.
 Ҳусни паричеҳраи шаккар мақол,
 Сўздину гаҳ нағмадин айлаб савол.
 Онглар эди, борча муважжаҳ жавоб —
 Бўлмиш эди матлабидин комёб.
 Шаҳ доғи ул хейли этиб имтиҳон,
 Гоҳ савол айлар эди, гаҳ баён.
 Гоҳ муаммо дер эди гоҳи байт,
 Дафтари базм ичра эди шоҳи байт.
 Базм эликим борча эди маҳжабин,
 Эрди сўзи нозик, ўзи нозанин.
 Қайси сўз ул шаҳғаки ойин эди,
 Борчасининг оғзида таҳсин эди.
 Хуллас алар жом паё-пай ичиб,

Шарбат ичиб гоҳ-гаҳий май ичиб,
 Бўлди ул эл жумласи масту хароб,
 Топти онинг борчаси ороми хоб.
 Қолди иков тахти саодат уза,
 Маснади иқбол ила давлат уза.
 Бир-бирига сўнди лабо-лаб шароб,
 Шавқ ўтиға бир-бирин этти каоб.
 Базм кабоби сўзидин бохабар —
 Бўлмоқ агар истасанг, эй пуржиғар,
 Шавқ деган маҳрами воложаноб —
 Ўт ёқиб айлар эди доим каоб.
 Ҳар не каоб онда дилу жон эди,
 Борча боғир ул ўта бирён эди.
 Бўйла ғизо эрди ул элга тамом,
 Бўйла ичарлар эди онлар мудом,
 Улки ёзар базм сўзин сар-басар,
 Элга бу навъ онглатур ондин хабар.
 Бодаи ваҳдат била чун бўлди маст,
 Деди кулуб ул маҳи меҳмонпараст:
 — Онгла мани ўзинга бир чокаринг,
 Борча паривашлари фармонбаринг,
 Қай бирига табъ эса тобиъ санго,
 Бўлмағуси бир киши моне санго.
 Манки санго жон биладурман каниз,
 Ўзгоси оллингда эрур бир пашиз.
 Бўйла дегоч Ҳусни пари чеҳра сўз,
 Қўйди Фуод ажэ ила оллийға юз.
 Дедики:— Эй лутф ила жону жаҳон,
 Айламагил бўйла мани имтиҳон,
 Ғайринг агар бўлса кўзим ичра нур,
 Хас киби кўздин солибон они дур,
 Кўзни доғи ўйғум эрур бегумон,
 Чунки санинг ғайринга бўлмиш макон.
 Айлагоман ашк суйи бирла пок,
 Балки ўшул сел ила ўрнин мағок.
 Хоки қудумингки эрур тўтиё,
 Ондин эрур дийдаи дилға зиё.
 Ўзга сўза оғзингаро берма йўл,
 Де мани ҳар ҳол ила ўзингга қул.
 Бўйла дегоч ажэ ила сўзини шоҳ,
 Олди қучоқиға они рашки моҳ
 Оғзиға лаълин олиб ул нўшлаб,
 Гоҳ ўпуб, гоҳ қилиб нўш лаб.

Еттилар ул ерда фароғат била,
 Бистари айш устида роҳат била.
 Дема ўшул ишрати усрат мисол,
 Шаҳват ила айлама яъни хаёл.
 Ишрати руҳоний эди сар-басар,
 Йўқ эди ул ишратаро нақши шар.
 Сураг маънода ики шаҳриёр —
 Бирдек эди иккисига эътибор.
 Иккиси ҳам «син» эди ҳам қад доғи,
 Гунча даҳон эрди-ю гул хад доғи.
 Бириси ҳам вазни муҳаббат онинг,
 Ул бири ҳам кайли маваддат онинг.
 Қилсонг агар ул икки лафзи шумор,
 Бирдек эди иккисига эътибор.
 Бўйла эди базмаро жўшу хуруш,
 Кўрса малак айлар эди тарки ҳуш.
 То саҳар онларга бу ойин эди,
 Нақл ила май талх эди, ширин эди,
 Мурғи саҳар чекти баногоҳ ғирев,
 Одами сарбий киби ул кўрса дев.
 Улки қилур сафҳада девоналиғ,
 Бўйла қилур сўз ила бегоналиғ,
 Қилмоқ учун шаҳни Табассум хароб,
 Доруйи мадхуш ила жоми шароб —
 Берди, они ичкоч ўшул шаҳриёр,
 Беҳуд ўлуб тушти ера соявор.
 Бўйла дебон уйқусидин кўпти Ноз,
 Келди доғи дедики:— Эй сарфароз,
 Деб эдинг эткумдур ўзумдин жудо,
 Айлагил ул ваъдага эмди вафо,
 Ёқсун они шуълаи шамъи фироқ,
 Билсун ониким, не экан иштиёқ.
 Ҳусн доғи берди онга рухсатин,
 Изн этибон ражъатину қурбатин.
 Кимки кетурмиш эди ул маҳни шом,
 Субҳ ўшул меҳрга берди хиром.
 Еттилар ул ергаки маскан эди,
 Шаҳга ҳам ул манзилу маъман эди.
 Еткуруб ул манзиларо маъмани,
 Етғурубон маснад уза шоҳини.
 Увлари ҳам ётти бори жо-бажо,
 Яъни ўшул маскани маъво аро.
 Ё раб, этиб нури иноятни ёр,

Дийдаи бинишни манго қилма нор,
 Улмаса ул нур ила гар судманд,
 Бирдек эрур кўзларима қайду қанд.
 Соқий олиб кел бу кеча заҳри ноб,
 Айламайин ҳашрғача тарки хоб,
 Яхши эмас бу эса бедорлиғ,
 Қайғу-у кулфат эрур ҳушёрлиғ.

Золи чархи сайёра ва маккора, даллаи мухтолаи торами ғаддора ва айёра бу гулшани пурнайранг ва бу саҳни сабзаранг фазосига хори озори рўзгор илики била экконида, яъни байзойи пурзёйи олиймақомни саропо ғам била ғамомға солиб ва қамарволо ихтишомнинг қалбин паришон этиб, рақами нухусат била қаро қилиб, пардаи зулмонийға чекконида «Ашшамсу ҳийна лоҳа қад асвада билғамоми вал — бадри ҳийни сумма қад ағама биз-залломи» пахвоси била «айи наъиму ло якдуруҳуд-даҳри ва айи руҳу яъубу биззаҳри» имоси била Фуоди волониҳод ул базми висолдин маҳрум бўлуб ва жоми молломол ҳижрондин масмум бўлғони. Рақиб муҳибнинг маккора ва ғаддора ит суратлиғ ва ифрит сифатлиғ духтари бад ахтариким, оти Фориқан Соҳира эрди, ул ит ўзин оҳув ва ул хармуҳра ўзин лўълў кўргузғони. Фуоди суст бунёд калоғни тижувдин ва хорни гули худрўдин фарқ қилмай, они Ҳуснбону дегони. Ул ҳанзалривожи оғувмизож бу шарбати қандин ва асали ширинни талхи ком этиб, қалъаи ҳижронда маҳбус ва чоҳи ҳирмонға солиб, эшикин мадрус қилғонининг бобу фасли.

Мулки суҳан ичраки найранг рой,
 Бўйла бўлур даҳрга афсуннамой.
 Яъники бу хомаи дастонсаро,
 Сўз юзини айлади мундоқ қаро.
 Бўлди фароғатда чу ул икки ёр,
 Гулшани роҳатда ики гулбузор.
 Чархи фусун шаҳриға суръатнамо —
 Бўлди, солиб они қаро ераро.
 Субҳ қиёматни доғи қилди фош,
 Найза бўйи келди эл узра қуёш.
 Ҳосил ўтуб даҳрга ишрат туни,
 Келди жаҳон бошиға кулфат куни.
 Шоҳи Фуод онда чу муҳри тироз
 Уйқудин очти кўзин ул сарфароз.
 Кўрдик не ёру не дилдор эди,

Не кечаги базм намудор эди.
Шом на суҳбатки бўлуб эрди туз,
Субҳ бузуб ташлаб эди тўрт юз.
Айлади ул воқеани туш гумон,
Чекти кўка нола-у оҳу фиғон.
Айш нужуми кеча пурнур эрур,
Кўрки, ғаний айшға маншур эрур.
Ҳар неки бор эрди рафиқи шафиқ,
Гисуйи дилдору хаёли дақиқ.
Ҳам Назари буқаламуни дуранг,
Ғамзаким ул дилбар эди шўхшанг.
Кўпти булар борчаси бу оҳдин,
Сўрдилар ул нолаи жонгоҳдин,
Деди Фуод ашқини айлаб равон:
— Кеча қуёш тушда кўрубман аён.
Қасри эди, қасри жинондин мисол.
Онда неча ҳур эди, гулшан жамол.
Кўргоч ўшул хайлни ман мубтало,
Ҳайрат ила тортибон ўтлуғ наво.
Ўлган эконман мани зори хазин—
Мотамима Ҳусн бўлубдур ғамин.
Ашк тўкуб дийдаи жонон манго,
Лаъли лаби бермиш экон жон манго,
Садқа бўлур чоғда ўшул маҳжабин—
Манъим этиб, этмиш экон ҳамнишин.
Эмди кўзум очтим онинг йўқ бири,
Билмон алар эрди малак ё парий.
Мундин эрур нола-у афгон маңго,
Жонни нетой, бўлмаса жонон манго.
Бўйла дегоч сўзини деди Хаёл:
—Ғам ема, эй шоҳи ҳумоюн жамол!
Бил, санго бу муждаи тақдир эрур,
Мустамаъ ул ҳар неки таъбир эрур.
Ўлгон эсанг ўлғуси умринг узоқ,
Тун дегонинг дур доғи шоми фиروق.
Ўлғусидур эмди ниҳоят анго—
Толёъ ўлуб субҳи саодат анго.
Садқа бўлур неки эрур монеъий,
Бўлғуси саргашталигинг дофеъий.
Ашқки ўлмиш онга кўздин равон,
Ўлғусидур васлинг ила шодмон.
Тахт сори бўлди чу раҳбар санго,
Евар ўлуб, ўлғуси ҳамсар санго.

Табъи муборакка етурма алам,
Ич майи нобу емагил эмди ғам.
Айлади таъбирини онинг Хаёл,
Бўлди бу таъбир ила хуш шаҳға ҳол.
Тушни муборак дедилар хосу ом,
Бўлдилар омода ичарга мудом,
Шаҳ доғи ул бода била бўлди маст,
Бодапараст эрди гаҳи бутпараст.
Тортар эди жом паёпай мудом , -
Уйқу била туш онга бор эрди ком.
Дойир этиб базмаро жому шароб,
Бўлди ул эл жумласи масту хароб.
— Ваҳки на хуш,— деди ўшул муҳтарам,—
Маст-паришон эса кўргай ситам.
Кимки чекар даври фалакдин шароб,
Ичгусидур шар била оби азоб,
Улки қилур дуда била юз қаро,
Бўйла бўлур лаъл ила дастонсаро.
Бор эди бир дуни фалокат маоб,
Эрди нажас сурату наҳс интисоб,
Зишту ямон сурат онга ҳам сияр,
Ул бир эди бу биридин юз батар.
Юз онга ойинаи иблис эди,
Кўз анго қорураи талбис эди.
Бор эди ғаддора-у маккора ҳам,
Қотили фаттора-у сайёра ҳам.
Савти гиря эрди нечукким эшак,
Эрди барақ ўйлаки туклос кўпак.
Оразида сабт бўлуб замҳарир,
Доғи абусан эди-ю қумтарир,
Умри ўлуб золи фалакдин зиёд,
Қиз эди эр топмайин ул бадниҳод,
Оқу қаро бирла бор эрди дуранг,
Пайкари нопокий чу натъи паланг,
Шод ўлубон эси келиб ҳушиға,
Оғзи этиб эрди баногўшиға,
Талъат онга бор эди дўзахнамой,
Хилқат онга оташи қаҳри худой.
Юз уза чурук яғоч эрди бурун,
Ҳар ера ул борса бориб ул бурун,
Онга тўшук кўҳаро бир ғор эди,
Маскани фижжор эди куффор эди.
Аждари писа эди обру анго,

Аблақ әди доғи парийру анго.
 Баҳр киби кўздин оқиб рийму хун,
 Икки наҳанг онга лаби нилгун.
 Балки онинг лаблари албарз әди,
 Они ушотмоқға бурун гурз әди.
 Шоми балодек әди онга жамол,
 Юз-қаро тун, хол онга кавкабмисол.
 Қочғай әди кўрса они биситун,
 Баски әди фуч даҳан ул деви дун.
 Девни қўй, дев әди ондин ниҳон—
 Топмоқ учун, оғзи исидин амон—
 Этмоқ учун бўйи қабиҳин йироқ,
 Суртар әди пайкарига сармсоқ.
 Дема онга, пираҳан әрди палос,
 Чирку фасод әрди ҳаририй либос.
 Бўйниға зийнат әди санг-у сафол,
 Дўзах әди ул бу ҳажардин мисол,
 Әрди совуқ тийнату дўзах димоғ,
 Борча мизож онга бор әрди чу зоғ.
 Гоҳ әди аждару гаҳ Аҳраман,
 Ер била кўк әрди онга бир даҳан.
 Чорагар ифрит әдию ҳийлагар,
 Макру ҳаял пешаси шому саҳар.
 Баски совуқ юзлик әди, тийра жон—
 Қочмоқин ондин тилар әрди йилон.
 Хилқату тахмири ўлуб кийну қаҳр,
 Тальвати ёнида асал әрди заҳр.
 Оти онинг Фориқаи жодувон,
 Қўрқар әди ҳайбатидин инсу жон.
 Отасининг оти Рақиб Муҳиб,
 Ҳокими дарбанди висоли ҳабиб.
 Бобасининг отики Афғер әди,
 Сарвари сардафтари куффор әди.
 Келганида ёрға шаҳзодалар,
 Борча пари рухлару озодалар,
 Ул доғи қилмиш әди бу ён хиром,
 Қилмоқ учун шаҳга сано-у салом.
 Чунки онинг толеъи феруз әди,
 Етти ато онга тўқумдўз әди.
 Балки әди етти отанинг қизи,
 Гарчики бир әрди ано ёнбизи.
 Ул кечаким базм ила ойин әди,
 Гўшанишин онда бу бедин әди.

Бормиш эди борча улусдин ниҳон,
 Шоҳи Фуоди кўрубон ногаҳон —
 Бўлмиш эди ошиқи зори онинг,
 Кетмиш эди сабру қарори онинг.
 Бу кечаким бўлди булар мунда маст,
 Май чиқибон бошлариға бўлди паст.
 Сеҳр билан Ҳусни парирў бўлуб,
 Ул кўтур ит сурати оҳув бўлуб.
 Олди қучоқиға Фуоди равон,
 Жисми палидиға онинг кирди жон.
 Очди бу ҳолатда кўзин дилфигор,
 Кўрди ўзи мискинин оғуши ёр.
 Дедики:— Ё раб, бу на иқбол экан,
 Ҳусн ўзи келмоки на ҳол экан?
 Тушму экан ушбу равиш ё хаёл,
 Ёки манго бўлдимур рўзи висол,
 Бўйла тараддударо музтар эди.
 Билмай они жонида аҳгар эди.
 Деди талатгуф била ул нозанин:
 — Ишқинг этубдур манго торожи дин.
 Ўз оёғим бирла келиб, ман санго,—
 Тобе эрурман, на буюрсанг анго.
 Қўлиға лийнат кўруб ул моҳнинг,
 Кўкка дегил етти боши шоҳнинг.
 Ишрат ила бўлди ўшул шоҳу моҳ,
 Кўз очибон қилди Назар ҳам нигоҳ.
 Келмиш эди Ҳусни Сулаймон сарир,
 Торами базм ичра чу бадри мунир.
 Бўлди онинг гирдида ахтарришон,
 Дийдасидин бошиға гавҳарфишон.
 Ҳусн парирў қилибон эътиқод,
 Шоҳ эди шаҳзода Назар доғи шод,
 Бўлмаса бу йўлда агар роҳи бар,
 Етгуси соликка ададсиз хатар.
 Партав агар солгуси шайтон анго,
 Дегуси ул партави раҳмон анго.
 Онга бериб дев шаётин фариб,
 Ҳақға ўзин дегуси билмон қариб.
 Дийдаи дил топмаса нури қароғ,
 Бирдек онга бўлғусидур боғу тоғ.
 Бўлмаса дониш била бийниш, рафиқ,
 Бўлмағуси қатъ бу роҳи дақиқ.
 Бирдек эрур суратаро ёру тор,

Хусн ила ҳусн бирдек ўлур ошкор.
Кимдаки йўқ жавҳари идроки илм,
Кўнгли эмас ойинаи поки илм.
Латни кўруб қилғусидур лаб гумон,
Бутни доғи ишқ ўтидин таб гумон,
Мужрими ул маҳрами жон айлагай,
Кўрса камон тийр гумон айлагай.
Эгри била тўғрини қилмай жудо,
Бўлса жудо дегусидур ул худо.
Мухтасар онда Назару шоҳ ҳам —
Дер эдилар билмайин ул симни шам.
Билмай они—зоғ эди, тийҳу эди,
Онгламайин калб эди, оҳув эди.
Май ичибон базм аро маймун била,
Бор эдилар бахти ҳумоюн била.
Базмнинг асбобини айлаб тўкуз,
Томса тўққуз, оқса дедилар ўтгуз.
Базм эли-чун бўлди фароғат била,
Уйқу тилаб бистари роҳат била.
Гулшани базм ичра ики шаҳриёр,
Қолди чу бўстонаро гул бирла хор.
Зулмату нур ўлди, иков ҳамнишин,
Ўлди қарин бир-бирига кифру дин.
Ит била оҳув бўлубон ҳамнафас,
Зоғ ила булбулға бир ўлди қафас
Шаҳд ила оғу топибон имтизож,
Айш ила ишратға бор эрди ривож.
Чекти қучоқға они шоҳи Фуод,
Кирди чу оғушиға нахли мурод.
Бўса талаб бўлди шоҳи комжў,
Етти димоғиға онинг турфа бў.
Хотириға зоҳир ўлуб иштибоҳ,
Қилди пари чеҳра сорига нигоҳ.
Юзланибон кўнглига юз минг хатар,
Этти макон бошини минг шўр-шар.
Бўлди бадал заҳрға шаккар анго,
Ханзал ўлуб шарбати кавсар анго.
Оғзиға, «лоҳавл»ни чун олди шоҳ,
Бўлди парий ўйлаки деви сиёҳ,
Кўрдики бир аждар эди пилтап,
Оғзиға бир луқма Хито ва Хўтан.
Тиши онинг бор эди андоқ гуроз,
Ҳашр кунидин қади эрди дароз.

Жайрадек аъзоси эди тўла ниш.
Етса қою ерга қилур эрди реш.
Суврат анго каж эди сийрат ямон,
Заҳр ила мамлу эди андоқ чаён.
Кўз қийшиқу эгри аёқ, илки шал,
Пашм бадан, каж қад эди, боши кал.
Мор бадан, ор даҳан, хора тан,
Бўйи тан онга мубин ис афан.
Икки кўзидин оқибон рийму хун,
Ҳар кўзини ям дема, эрди ямун(м).
Бошдин аёқ турфа ҳиюло эди,
Балғаму сафро била савдо эди.
Уйла гумон эрди саропо даҳон,
Нишзабон заҳр ила чун ўқйилон.
Бурники Жайҳун эди, Сайҳун эди,
Рийм ила ул иккиси вожун эди.
Онга тенгиз бор эди оғзи онинг,
Сувға чу жозиб эди бўғзи онинг.
Чанг ила дандон онга тиғу синон,
Иккиси ҳам марг деҳу жонситон.
Қўллар анго эрди чу чанги наҳанг,
Олмиш эди шаҳни қучоқиға танг.
Нафрат ила ул бўлубон мужтаниб,
Мурғи қафасдек бор эди музтариб.
Бир қопусин қочғоли топмас эди,
Ким, они ул дун анга ёпмос эди.
Кўрди ўшул дилбари аждар жамол,
Кунжиға бор ганжи танафрур хаёл,
Лаҳв била айлади чандон фариб,
Ул гули бўлмоқ тилабон андалиб,
Ул тилабон қурб, бу эрди йироқ,
Келмади бир ерга чу васлу фироқ,
Хол ила зулфидин этиб онга дом,
Қилмади ул қушни онинг бирла ром.
Қаҳр майи чиқти онинг бошиға,
Тушти гиреҳ узра гиреҳ қошиға.
Шоҳ Назарга этибон қаҳру кийн,
Деди:— Қилай сизлари хозу ҳазин.
Бўйла дебон қўлларини қилди банд,
Солди алар бўйниға хоми каманд.
Қалъаиким от онга Ҳижрон эди,
Фориқа ул қалъа уза хон эди,
Онда эди вийл киби тийра чоҳ,

Зулмати дўзахдин ул эрди сиёҳ.
 Оти онинг бор эди Хирмон чаҳи.
 Бу эди ул қалъада зиндон чаҳи.
 Онда эди шаҳнаий оти Фироқ
 Дин ила имондин ул эрди йироқ.
 Борди олиб шоҳ Назарни равон,
 Берди фироқ элига бермай амон.
 Ташлади ул маҳбити Хирмонаро,
 Қолди иков банд ила зиндонро.
 Бўйла эрур даври бало иштибоҳ,
 Гоҳ берур жоҳ, берур гоҳ чоҳ.
 Мухталиф эрса на ажаб рўзгор,
 Ота анго ҳафт, анодур чаҳор.
 Ҳар кишига икки ато, бир аю —
 Бўлса, бўлур зодаи табъи зино.
 Кимки агар бўлса зино зодаси,
 Бўлғуси шар ишлоринг оmodаси.
 Ер раб, ўзинг илм ила ҳикмат манго —
 Ер этибон, айла ҳидоят манго.
 Чоҳи жаҳолатда эрурман залил,
 Олати ҳикматни манго қил далил.
 Соқий, ўлуб май қуёшига ҳумор,
 Тийра эрур жону кўнгил дийда тор.
 Бермас эсанг май манго, беиштибоҳ —
 Бўлди мусовий кўзима жоҳу чоҳ.

Ғазолаи чархи барин синҷоби саҳоб ичида бурувдат
 важҳидин ором топғонида ва ноқаи замини бусий фарти-
 дин пунбаи барф жавфида мақом тутғонида, шамъи зар-
 рин фалакни кавокиб парвоналари учуруб, лакни сиймин
 қамарни нафас сарсари учурғонида, маҳтобда совуқдин тоб
 ҳувайдо бўлмай, меҳри мунир замҳарир забарида изтироб
 пайдо қилғонида осори замҳарир саҳни асирни сурх ма-
 мардин қаворир этконида ҳар дору диёр қалб шито била
 гулшани халилосо ва сурати шажараи Мусо бўлуб, онинг
 сироятидин саҳобга лақвалиф муориз бўлуб, офтобга реъ-
 ша ориз бўлғонида муҳаззироти замин каминида мастур
 бўлуб ва номдорони номия кўздин дур бўлғонида шоҳи
 Фуоднинг Фориқо қўлида мажбур ва мақхур бўлуб, ёру
 диёридин маҳжур бўлғони ва ул Фуоди беҳолнинг хаёли
 мухтол ва Назари пурмакру ол била қийлу қол этиб, ул
 чохи хирмонда Ҳусни бадиул замонга бир номаи дило-
 виз ва бир руқъаи шўрангиз ёзиб, Хаёл била юборганлари,

Хаёли баланпарвоз ул номаи фусунсозни элтиб, аввалан
Нози сарафрозга йўлуқуб, Фуоди соҳиб ниёз сўзу гудоз
сузин арз этиб, жавобида эътироз топғони; ондин сўнг
Вафобонўйи маҳрў хизматиға бориб, ул мушфиқи муҳиқ-
нинг далолати била Хусни гулрухсор оллида бор топиб,
ул туммори саросари эътизорни бергонларининг китобати:

Зангийи тун ўйла совутди юзин,
Резаи юз қилди фалак юлдузин.
Қилди аён зоҳир ўлуб замҳарир,
Кўзгуйи ях чашмаи бадри мунир.
Ўйла эди оламаро меҳри жон,
Сақлар эди ер тубида меҳр жон.
Шиддати дайдин қочибон ул бориб,
Титрар эди ер тубида сарғариб,
Ях била ер ўйлаки фулод эди,
Ел бу совуқ темура ҳаддод эди.
Об бурудатаро фарқ эрди шийд,
Қалб шито эрди шитоға умид.
Ўлди бурудат била ях ҳар зилол,
Ҳиндудек оташга тобинди зугол.
Лақва бўлуб шиддати дайдин саҳоб,
Реша аён этмиш эди офтоб.
Ул икига ончи совуқдин асар —
Юзланиб эрди бу бирининг батар.
Бу бири жисми қилибон изтироб,
Ул бири оғзи эди тўла луоб.
Баски совуқ этконидин элга қор,
Солмиш эди жийбиға илкин чинор.
Боди жафодин тилаб амну амон.
Ер уйида эрди раёҳин ниҳон.
Қавси фалак тийрики борон эди,
Аҳли замин устига паррон эди.
Кўк темура фарқ эди шахси замин,
Ўйлаки хайжо чоғида аҳли кийн:
Баҳр ила бир бўлди темур ичра фарқ,
Қолмади саҳро била дарёда фарқ.
Кўк била ер бир-бира душман эди,
Жангу жадал ҳар бирига фан эди.
Нори ҳарорат била юбси димоғ —
Топмиш эди, чунки ҳама боғу роғ.
Доруйи кофур ила айлаб илож,
Сард қилиб эрди жаҳонға мизож.

Фикр ўшул ҳолга гар топса роҳ,
 Тутгой эди бешаку беиштибоҳ.
 Қурси қуёш эларо пайдо эмас,
 Гирдаи маҳ доғи ҳувайдо эмас.
 Қор учубон ҳар сори парвонасон,
 Шамъи фалакни этиб эрди ниҳон.
 Тутмиш эди ер юзини қаҳри қор,
 Кўҳ қочор эрди агар топса ғор,
 Улмиш эди ёки заминну замон,
 Оқ кафан этмиш эди онга жаҳон.
 Хора-у хор оқ гул этиб ошкор,
 Ёки эди ул доғи фасли баҳор.
 Ёки ўшул панба эди сар-басар,
 Пиразани чарх эди халложгар.
 Ваҳ на дейин, не десам ондин муҳиб,
 Эрди совуқ уйлаки рўйи Рақиб.
 Бўйла ҳидоядда Фуоди асир,
 Банди микойидда бор эрди ҳақир.
 Раҳли уфувнат била лайлу наҳор,
 Жон онга мажруҳу дил эрди фиғор.
 Ошмиш эди ҳайрат уза ҳайрати,
 Тошмиш эди меҳнат уза меҳнати.
 Ўз ишидин бор эди беҳад хижил,
 Дилбаридин доғи эди мунфаил.
 Чунки ўшул дўзах эди нори ор.
 Жаҳл ила бу демиш эди ёри ғор,
 Билмас эди чораи қори недур,
 Бу ишининг дору мадори недур?
 Улки фусунсоз эруру дузабон,
 Бўйла қилур икки тарафдин баён.
 Сеҳр била шоҳу Назар бўлди банд,
 Қолмиш эди онда Хаёли нажанд.
 Чунки бу ҳолатаро ул маст эди,
 Риштаи ғафлат била побаст эди,
 Турди еридин чу Назар ҳам Фуод
 Йўқ эди ул икки муалло ниҳод.
 Истабон-ул иккини бўлди равон,
 Топмади онинг бирисидин нишон.
 Деди:— Булар бор дурур ишрат фазо
 Хусни паричеҳра била қасраро.
 Бўйла тафаккур била борғоч Хаёл,
 Сўрди Фуод ҳолини ул хуш мақол.
 Деди:— Онинг тавр ила ҳоли недур.

Ҳажрим аро ранжу малоли недур?
 Деди жавобида Хаёли амин:
 — Бу кеча сан эрдинг онга ҳамнишин.
 Сан дегил ондин на эса қийлу қол,
 Ҳолин онинг айлама мандин савол.
 Баҳр билур гавҳаринг аҳволи не,
 Чарх билур ахтаринг иқболи не.
 Ман худ имон баҳр десам гавҳарим —
 Е худ имон чарх десам ахтарим.
 Деди неким кўрмиш эди сар-басар,
 Базм ила ишрат сўзини мухтасар.
 Ҳусн деди:— Ман бу тун ул ён хиром —
 Айлаган ўлсам манго бўлсун ҳаром.
 Кўзларингизга кўрунуб жину дев,
 Этмиш аён кайд ила юз макру рев.
 Ман бўлубон бўлмиш анго жилвагар,
 Деву паридин эрур ушбу зарар.
 Ноз деди:— Фориқадур, бегумон,
 Мунда эди, бу кун ўлубдур ниҳон.
 Сеҳр ила ҳолин қилибон мухталиф,
 Санго ўзин айламиш ул муттасиф.
 Бўйла сўзи айлади чун Ноз адо,
 Шавқ ўтиға ўртаниб ул маҳлиқо.
 Бориға ҳам Фориқаға қилди ғаш,
 Иккисининг қониға бўлди оташ.
 Қоши уза қилди аён зулфи чин,
 Нақши нигин бўлди ўшул маҳжабин.
 Шоҳи Фуода қилиб онда итоб,
 Гийбатиға қилди мунигдек хитоб:
 — Айламаса марг била жонни фарқ,
 Қилмас эса васл ила ҳижронни фарқ,
 Чектурайин онга не эрса жазо.
 Меҳнату кулфат онга бордур сазо.
 Фориқани доғи шаҳи мулкдор —
 Айлаб, они айлагомен комкор.
 Деди Вафобонуйи ширин забон:
 — Айла онинг сори Хаёли равон,
 То билонинг ҳолин аларнинг яқин,
 Борсун онинг сори Хаёли амин.
 Бўйла дегоч Ҳусни фалак жойгоҳ,
 Деди Хаёла этиб:— Эттинг нигоҳ,
 Борғил, олғил ул иковдин хабар,
 Кўргил алар ишратини сар-басар.

Билгил они, онлара не ҳол экан,
Бахт бад идбор онга иқбол экан.
Аслиға гар келгон эса деви дун,
Эткон эрур ҳоли Фуоди забун,
Сўргил онинг ҳолини, бергил навид,
Биздин онинг жониға еткур умид.
Йўқки ҳануз ул бор эса муҳтарам,
Сўрғали аҳволин онинг урма дам.
Лекин ўқуб исми тилисмин онинг,
Бузғосен ул сурати расмин онинг.
Токи кўзи бирла ўшул навжавон —
Кўрсун они — яхши ким эрмиш, ямон,
Фотиҳа ҳосил этиб ул дам Хаёл,
Кўйди қадам дашт уза Мажнун мисол.
Айлар эди қатъ этибон баҳру бар,
Риги равон кўҳи гарондин гузар.
Зоҳир этиб суръат онингдек шаҳоб,
Кетти ўшул ергоки бўлғай хароб.
Оти онинг Қалъайи ҳижрон эди,
Қалъа дема оники, зиндон эди.
Ваҳ қою зиндон, де они коми мор,
Усти саросар эди дуду бухор.
Йўлида хори сияҳ андоқ синон.
Чўлида бори гияҳ ондоқ йилон.
Жорий эди ҳар ёнидин сели хун,
Олам уйин қилмоқ учун сарнигун.
Қайси қуш ар айласа ул ён гузар,
Тўккой эди ҳайбатидин болу пар.
Ваҳший агар ул сори қўйса қадам,
Ваҳшат этар эрди аёгин қалам.
Етти ўшул қалъаға жосусвор,
Билди неким бўлмиш эди корбор.
Борди ниҳон бир кеча зиндон аро,
Шоҳи Назарни чаҳи хирмон аро —
Топтики бор эрди ики нотавон,
Танлари зиндонида андоки жон.
Сеҳр била Фориқа тадбир этиб,
Раг била пайдек онга занжир этиб.
Банд қилиб эрдик ондин раҳо —
Жон чиқибон бўлмоғи эрди хато.
Бир-бирини кўрди алар мухтасар,
Тонишибон шоҳу Хаёлу Назар.
Йиғлашибон қилдилар афғон баса,

Бўлди равон кўзларидин қон баса.
Келди чу суст ўлди жазаъ шиддати,
Исташибон сувру шўринг навбати.
Ҳар неки ул Ҳусндин ўлди жавоб,
Хоҳ хитоб ўлсину хоҳи итоб.
Деди Фуод оллида ул ростгў,
Неки аён бўлмиш эди мў-бамў.
Ена савол этти Хаёли дақиқ,
Ким сангодур душману кимдур шафиқ,
Келмокинга мунда на бўлди сабаб,
Кимдин эрур жонинго ранжу таъаб?
Ҳар неки кўрмиш эди шоҳу Назар,
Деди олар борчасини сар-басар,
Ҳар нечаким ҳийлани қилди Хаёл,
Бандини ешмоклиги эрди маҳол.
Чунки эди сеҳр ила ул қайду банд,
Ҳийла била етмади онга газанд.
Кўрдик очмоқ они осон эмас,
Мухлис аларга доғи имкон эмас.
Сўнгра кенгош айлади уч номдор,
Деди Назар ондаки:— Эй шаҳриёр!
Нома ёзиб Ҳуснға қилғил равон.
То на дегой ўтруда ул коми жон,
Бордур умид, Ҳусн муалло жаноб —
Борғоч ўшул номаға ёзғай жавоб.
Кимки ўзи бор эса масъуд онинг,
Қўли доғи бўлғуси маҳмуд онинг.
Сойили рад қилмағусидур карим,
Очмағуси журму гунаҳни раҳим.
Ҳар кишини бор десалар ўзи хўб,
Бешак эрур ул кишининг сўзи хўб.
Гулки эрур зийнати боғу баҳор,
Бу онгадур ўйлаки мушки татор.
Меҳрки бор зотида нури дурахш,
Олам элига ҳам эрур нурбахш.
Яхши киши қилмади жуз яхшилиқ,
Ансаб эрур яхшиға яхши қилиқ.
Ажэ ила бир руқъа гар этсанг равон,
Бўлғуси ул ўтрусида дурфишон.
Номанинг асбобини шоҳи Фуод —
Қилди талаб, этти Назар инқиёд.
Кўз қаросидин онга берди сиёҳ,
Кипригидин берди, қалам олди шоҳ.

Чеҳрасидек қоғази ҳам қилди фош,
 Соф сориг эрди нечукким қуёш.
 Кўнгилдаки нукта дурин борча дарж —
 Қилди, доғи кони фасоҳатни харж.
 Жони киби берди онга печу тоб,
 Жисми киби риштаи зарди сиёб,
 Этти они бандийи зиндони ғам,
 Меҳри онинг бор эди доғи алам.
 Қўйди Хаёл олига иззат била,
 Ул олибон иззату ҳурмат била.
 Учмоқ учун қилди они болу пар,
 Ўйла кабутар бўлуб этти сафар.
 Ул икига айлади падрудини,
 Оқизибон кўздин ики рудини.
 Қўйди қадам водийи ғурбат сари,
 Этти ҳамул каъбаи иззат сари.
 Ноз парирў сори борди Хаёл,
 Деди онга неки эди арзи ҳол.
 Ноз деди:— Бўлмоғуси ушбу иш,
 Битмағуси бу сўз ила бу равиш.
 Шаҳларадур қаҳру карам, ўту сув,
 Қаҳр ўтидин истамагил обрў.
 Ончи эрур оташи қаҳри жалол,
 Хуснғаким демоки бордур маҳол.
 Ғайр била этконидин иттифоқ,
 Тушмиш аро ерга бу кўҳи нифоқ.
 Неча маҳал чекмоғуча дарду ранж,
 Тоғ қазилиб чиқмағусидур бу ганж.
 Шоҳларинг кўнгли эрур кўзгудек,
 Ут бил они, гарчики бордур сувдек.
 Бўйла сўзи чунки эшитди Хаёл,
 Борди Вафобону сори дерга ҳол.
 Ҳар неки арзи эди, деди тамом,
 Деди Вафобонуйи ширин қалом:
 — Ким экан улким онга йўқтур гуноҳ,
 Кўблигинин сурат онгадур гиёҳ,
 Кўрки башар шар биладур ҳамнишин,
 Бор дурур инсон била нисён қарин.
 Сатват шоҳиға будур иқтизо,
 Савлат жоҳиға қилиб иттико.
 Зоҳир этиб вақеаи ал-файёз,
 Ориз этар ҳодисаи эътироз.
 Голиб эрур ушбу таваққуъ манго.

Улғуси мақбул тазарруъ манго.
 Аҳли карам қилмади сойилни рад,
 Боби рижо этмади жуд аҳли сад.
 Улки эрур бу сўз учун узрхоҳ,
 Шаҳ доғи оғаҳдур, эрур бегуноҳ.
 Келган эса бошиға ҳар не таъаб,
 Сурати Ҳусн онга бўлубтур сабаб.
 Бормоғи маъқул этиб ул икки ёр,
 Бордилару Ҳусн доғи берди бор.
 Мунтазири чеҳраи ахбор эди,
 Нозираи орази асрор эди.
 Иккиси бирдин онга қилди намоз,
 Саждасидин бўлди иков сарфароз.
 Ҳуснға деб ул ики мадҳу сано,
 Давлат ила рифъатин этти дуо.
 Зоҳир этиб узр била эътизор,
 Кўргузубон ажз била инкисор.
 Олди Вафо илкига ул номани,
 Қилди аён ажз ила ҳангомани,
 Қўйди чу Ҳусн оллида иззат била,
 Деди онга иззату ҳурмат била:
 — Ердин агар айласанг они баланд,
 Қилмағай изад сани хору нажанд.
 Бўйла дегоч номасини олди шоҳ,
 Деди недур ҳоли дили узрхоҳ.
 Ер ўпубон оллида онинг Хаёл,
 Дедики:— Эй гавҳари дарё мақол!
 Банди бало ичра эрур ул асир,
 Бўлмас эсон ҳолиға гар дастгир,
 Келмиш онинг бошиға рўзи сиёҳ,
 Пеша онга нола-у афғону оҳ.
 Ноласи минг таъна этар булбула,
 Қон оқизур кўзлари чун...¹
 Бўйла дегоч хатни олиб рашки моҳ,
 Очти онинг сатриға қилди нигоҳ,
 Кўрдикки бор эрди хати мушқбор,
 Сафҳаи ораз уза чун хатти ёр.
 Дилкаш эди номаси таҳрири ҳам,
 Бўйла эди гавҳари тақрири ҳам.
 Ё раб, этиб номаи умрим сиёҳ,
 Жоним ила борман онга узрхоҳ.

¹ Бу ерда сўз тушиб қолган.

Лутфинг агар бўлса онга дастғир,
Бўлғуси ул сафҳаи бадри мунир.
Соқий, ўзинг бошинг учун муҳтарам —
Айла мани бир оёғ айлаб карам.
Маст бўлуб то дегойин арзи ҳол,
Бўлмас ойиглиғ била бу қийлу қол.

Сафҳаи субҳи сафид узра мақори пур анвор келмоки
учун амри раббоний била хотами Сулаймоний ҳувайдо
бўлғонида ул ҳукми ҳумоюн мазмунин онглаб, таваққуф
қилмай рўзи пур нур, шаби дайжурдин пайдо бўлғонида
Фуоди ношодин балки зарраи бесаруподин зақойи олий-
мақомга ирсоли паём ва қатраи бенашъу намодин дарёйи
соҳиб эҳтиром воло эҳтишомга ийсоли калом этмок учун
фироқномаи билзурва наддомага хоман мушкин жамо
воситаси била сариғ кисват ва сафровий халъат кийиб
ёрди, мафтул тумор гунча кирдорига раги жондин бир
риштаи хунун ўраб хомомай Хаёлдин ул шамъи жамол
ва хуршидвисол тарафига ирсол этгани. Хаёли саборафтор
доғи мисли тайри тайер таййи манозил ва қатъи мароҳил
қилиб, диёри дилдорға, яъни шаҳри дийдорға еткони, Ҳусни
сарафрози дилнавозға Фуоди пурнийезнинг руқъан сўзу
гудозин Вафобону ва Ноз била ҳамроз бўлуб, дилбасталик
ва инфиолин, шикасталик ва малолин ул фархунда фол ва
хужуста аҳвол олида сеҳрий ҳилол ва моёнзиллодек соф
арз қилиб, онга масмуъ ва маъқул қилгонидан сўнг ул
руқъаи пур сўз ва номаи дилафрузни Ҳусни жаҳонга
бергони.

Гоҳ Фориқа қўлидин фарёд ва гоҳ гуноҳлиғлиғидин қа-
сам ёд этиб, иборати оташ истиъорат била ул оҳанинг
дилнинг кўнглин мўм қилғони:

Ҳамд онга, ондин неки фармон эрур,
Даҳрга ул вожибил-изъон эрур.
Оламаро ҳар неки ғамгину шод,
Айлар онинг ҳукми сори инқиёд.
Роз элининг маҳрама асрори ул,
Тилсиз элинг воқифи ахбори ул,
Амридадур васл ила ҳижрон онинг,
Ҳукмидадур боғ ила зиндон онинг,
Булбули гар ёқғоли урса нафас,
Гунчадин айлар онга ўтлуғ қафас.
Хифзи қою гулни агар қилса ёд,

Қилғусидур ўтаро хандон-шод.
Раҳмати борони қаро ераро,
Тушқоч онга барг берур ҳам наво,
Қаҳри агар қорри этар пираҳан,
Ўлтурубон ерни қилур оқ кафан,
Бирга берур хотами фармон паноҳ,
Бирнинг этар масканини тийра чоҳ.
Онга берур тожи мурассаъ нигор,
Мунга ёқар бошида ўт шамъвор.
Кимгаки ул истаса бермок нажот,
Тиғи ажалдин топар оби ҳаёт.
Қайси қушинг қайдиға чекса наво,
Бўлғусидур банд онга тори ҳаво,
Кимники ул айласа хору асир,
Бўлмағуси олам эли дастгир.
Бирни қилур дашти фироқ узра хор,
Бирга берур қасри висол ичра бор.
Кимни қилиб мулку ватандин жудо,
Гулшану, гулзору чамандин жудо.
Мунча била олмай онинг жонини,
Юклар онга таънаи жононини,
Етмағусидур онга ақлу қиёс,
Дарк қилур борғоли ул ён ҳарос,
Сўнгра ўшул шоҳға етсун дуруд,
Сақласун исмат била ҳайи видуд.
Арзини гар бандаларинг истимоъ —
Этмокидин қилса қабули судоъ.
Тахти саломатда бўлуб пойдор,
Бўлмагай ишрат майин истаб хумор.
Ушбу барандийки оти номадур,
Бошдин оёқ дард ила хангомадур.
Заррадин ул меҳри жаҳон сорига,
Вилдин ул қасри хубон сорига.
Гарчи қуёш сорига хатти ғубор —
Етмокига толмағуси эътибор.
Вил сўзи равзаи ризвонға ҳам,
Мумкин эмас етмоки ул ёнға ҳам.
Лекин имон етмокидин ноумид,
Кесмоқум ондин мани шайдо умид.
Улки эрур холиқи ҳар орзу,
Деди каломида ки: — «Ло тақнатув».
Бўйла чекиб шиддати хавфу рижо,
Руқъа ёзиб айладим ирсол анго.

Билмон онинг отини ким жон дегой,
Ваҳ, на дегай, йўқ эса жонон дегой.
Ҳар на десам бордурур ондин зиёд,
Оҳ, на дей, не деб этой они ёд.
Лек бир от бўлмаса вақти хитоб,
Раъйи хатодур, бу ҳам эрмас савоб.
Мундин онинг бир йўли «жонон» дедим,
Арзи дилим ҳар наки имкон дедим.
Руқъа аро қоидадур устувор,
Пурсиши ҳол ўлғусидур ошкор.
Гарчи санинг ҳолинги сўрмоқ адаб,
Бизга эмас, эй шаҳи волонсаб.
Жориялар ҳолини ҳам қийлу қол —
Этколи топмасман ўзумга мажол.
Ончи эрур жонима хавфу ҳарос,
Хори гулинг сори дей олмон сипос.
Беҳад ўлуб кўнглумаро бийми рад,
Йўқ аларинг ҳолини сўрмоқға ҳад.
Ҳар нима ўз жинси била ҳўб эрур,
Бир-бирини сўрмоғи марғуб эрур.
Итларинг аҳволидин айлай савол,
Бирдур алар бирла манго чунки ҳол.
Борму экан борчаси масрур онинг,
Мандек ўлубму бири мажбур онинг.
Дарғаҳинга борму бори жабҳасо,
Ман киби ё бўлғони борму жудо?
Лутф иламу рўзи озорга сўнгок,
Қаҳр иламу бошиға ёхуд кесок.
Ёдим этиб ушбу сурук нотавон,
Гоҳ ўлуб, гоҳ чекорму фиғон.
Лозим эрур шукр алара чунки бор —
Кунда топар қопунга, эй шаҳриёр,
Мандек эмас чоҳи балода асир,
Бекасу, безоду, фақиру ҳақир,
Борчасининг таъмаси оҳув эрур,
Таъма манго заҳр ила оғув эрур.
Онларадур тавқу қилода доғи,
Мандек эмас банд балода доғи,
Лутф била сандин аё жам жаноб,
Пораи йўлборсга топти хитоб.
Баъзи қаро қушлар эрур шеру гир,
Баъзиси оқ қуш, онга йўқ қўйи қир.
Ёна бири отики бордур ҳумо,

Соясидур тож элига илтижо.
Тўрт кўзиким нозирин фармон эрур,
От алара пистаи хандон эрур.
Хар бирининг отини лаълинг баён —
Айлабон илкиннг онга ташларда нон.
Ё яна келгойму бу еткон итинг,
Телбарабон бошига кетгон итинг.
Бўлсам итинг олғой эдинг бир хабар,
Ит оёғи туфроғидин ман батар.
Заъф чекиб итлоринга тор мў,
Бўлмоғидур пайкарима орзу.
Тузини келтурса олорнинг сабо,
Айлагоман кўзларима тўтиё.
Изи, нишони ер уза сар-басар,
Гул демойчи, бошимадур тожи сар.
Эй, на хуш ул кунки итинг бор эди,
Изи онинг жонима гулзор эди.
Мардуми чашмим бериб итларга қон.
Онлар эди ҳамдаму ҳам меҳрибон.
Хар биридин бор эди дийдамга ну.
Кўнглумаро завқу, ҳузуру сурур.
Уйқу сори айласа онлар ҳаво,
Бошига илгим бор эди муттако.
Кўпғоч онга доғи эдим ҳамнафас,
Уйлаки гул ҳамнафаси хору хас.
Зоҳир этиб гоҳ ғазаб, гоҳ мизож,
Бахш этар эрди манго қадру ривож.
Бўйла топиб итлар ила иттиҳод,
Сабз манго бор эди нахли мурод.
Кўйинг эди ўйлаки хилди барин,
Одам эдим, итга бўлуб ҳамнишин.
Оҳки онлар қудумидин йироқ,
Солди мани бошима мулки фиरोқ.
Фориқа шайтон киби тутти қўлим,
Ғадр ила мақр айлабон урди йўлим.
Кўрсатибон гандум одам фариб —
Қилди мани равзадин ул бенасиб.
Келтурубон қалъаи Ҳижронаро,
Қаҳр ила солди чаҳи ҳирмонаро.
Банд этиб алғоли салосил била,
Гандаи дўзах била, юз гул била.
Айламиш ул чоҳи балода асир,
Йўқ манго бир чорарасу дастгир.

Бу бори бир ёну зуҳалваш юзин —
 Кўрмокидин шишадек азрак кўзинь.
 Кўрқу била заҳра-у кўнглум судур,
 Жонима рухсори қаро қайғудур.
 Эмди заламноға эрурман қарин,
 Жон манго маҳзууну кўнгулдур ғамин.
 Фурсат эрур лутф била дастгир,
 Бўлсанг агар тождеҳу мулкгир.
 Марг манго раг уза қўйди тутун,
 Мим муҳан бирла чиқарди тутун.
 Макр паришон қилиб ул нобакор —
 Қилди менинг жонима марг ошкор.
 Гарчи манго марг бўлубтур қарийб,
 Айла карам аксини, эй дилфириб.
 Оташи ҳижрон била гар куйди жон,
 Қабрим этар барқи жафолар аён.
 Дамъи бало бир дами ўлмас адам,
 Қон биладур дийда манго дам-бадам.
 Ҳусн манго тор этиб эрди хумор,
 Ҳусн кўзима бўлди чу жус ошкор.
 Зоҳир этиб ҳийла-у тазвиру рев,
 Урди йўлим бир йўли маккора дев.
 Раҳм қил, эй Лайлийи ширин лақаб,
 Озмоқима суратинг эрди сабаб.
 Гарчики ғайринг эди сувратнамо —
 Сандин эди борча тажаллий анго.
 Они доғи сан қилибон эътиқод,
 Келди менинг бошима мундоқ фасод.
 Йўқса бу бечораки маҳжур эрур,
 Ғайра кўнгул бермокидин дур эрур,
 Ҳожат эмас бу сўз уза қийлу қол,
 Шаҳға доғи равшан эрур ушбу ҳол.
 Меҳнатим ул навъки поёни йўқ,
 Кулфатим ончаки онинг сони йўқ.
 Қаҳр этибон бахту саодат манго,
 Айлади кийн ҳашмату шавкат манго.
 Йўқ доғи дардим сўродурғон кишим,
 Ғайри ҳамул оҳ била нолишим.
 Айла тараҳҳумки ҳазинман баса,
 Бекасу бемору ғаминман баса.
 Кўрки манго лашкару кишвар қани,
 Тахти мурассаъ қани, афсар қани?
 Қойда манго ҳамдаму хешу табор,

Қойда манго маҳраму ёру диёр.
Мунча била кўрсам эди гоҳ-гоҳ —
Жилвагаҳинг, ғам манго йўқ эрди, оҳ!
Зулфу юзингдур они белдин мисол,
Бор, тилабон тийра они моҳу сол.
Истаб они шому саҳар ўту дуд,
Қилди фалак сори бошимдин суъувд.
Гулшани рухсораро зулфинг ду зор,
Жунбиш ила бир кетур элго дў зор.
Бандасидур сунбули пур печи тоб,
Пардасидур бўйи абиру гулоб.
Тушколи занжиридин онинг жудо,
Маъман ўлубдур манго банди бало.
Торини кўз кўрса эди бешу кам,
Тира-у тор этмас эди мўйи ғам.
Жабҳаки бор ойинайи ҳури айн,
Истаб они бўлди ниҳон нури айн.
Қошки эрур жуфт малоҳат била,
Тоқати тоқ айлади офат била.
Ҳар қапоғингким эди бодоми тар,
Бўлди мушаббак они истаб жигар.
Тийри мужанг ҳасратидин хор-хор,
Дийдан дил ичра тутубдур қарор.
Хор неким санчилибон ниши ғам,
Қон оқизур дийдадин ул дам-бадам.
Кўзки эрур борча жаҳон офати,
Бўлди онинг фурқати жон офати.
Холинг эрур ҳиндуйи оташпараст,
Оташи рухсор уза тутти нишаст.
Фурқатидин ашким эрур лалоранг.
Доғи онинг жисмим уза захми санг.
Тушколи ул хол ила юздин жудо,
Бирдек эрур кўзима оқу қаро.
Лаъли лабинг васфини дерга даҳан,
Киймго эрур, эй бути гулпираҳан.
Оғзинг ўшул лаъларо пинҳон эрур,
Жисми латиф ичра чучук жон эрур.
Кимки кўрар пайкараро жони ул,
Кўргусидур лаълингари жони ул,
Оҳким истаб они бўлдим адам,
Тут иликим бу ҳам эрур айна дам.
Ул оғизи кўрмоки истаб давом,
Қон демаким лаълародур кўз мудом.

Тишки санго кавкаби рахшандадур,
Етти фалак аҳли онга бандадур,
Истаб они дийдаи гавҳарфишон,
Бўлди болиғ буржида ахтарфишон.
Лабларинг ул гунчаи хандон эрур,
Кулмай анго жола намоён эрур.
Они тилаб кўзлариминг гавҳари,
Ғалт урубон қўймади баҳру бари.
Бўлди лабинг ҳасратидин лаъл тош.
Оразинг ўти била ёнди қуёш.
Юз била лаб бу эса, эй хуш насаб,
Не билейинким санго недур лақаб?
Ғабғаби софингки эрур чун ҳубоб,
Ёки муаллақ дурур оби гулоб.
Оташу об ўйла ажаб кўзгудур,
Ҳасратидин жон била кўнглум судур.
Тушколи ул чоҳи зақандин жудо,
Чоҳи Фироқ ичра қилурман ҳаво.
Ўйла кабутар урубон болу пар —
Учмоқ учун дўзахи қилдим мақар.
Сийнаи софингки эрур чун зилол,
Икки ҳубоб ул суда гунча мисол.
Шираи жон бирла топиб тарбият,
Жонга доғи ондин эрур таҳвият.
Топмай они, ваҳ, тилабон жон манго,
Кўнглум эрур жисмаро пайкон манго,
Айламокимдин мангодур нутқ лол,
Қомат ила ул ики зулфи хаёл.
Гарчи бало баҳрида топмон канор,
Жонимадур ҳасрати бўсу канор.
Ваҳ бу на сўз, ҳар на дедим бор хато,
Шоҳи фалак сансану ман бир гадо.
Қул деган ўз ҳаддида марғуб эрур,
Қуш доғи ўз тоби била хўб эрур.
Бир дою ғол турса йўлин ногаҳон,
Бад бўлур ул аҳл назарга аён.
Лек деди ҳокими Байтулҳарам,
Ёзмади девона сўзидин қалам.
Шукрки ошиқ ману девона ҳам,
Ақлу хираддин доғи бегона ҳам.
Ғолиб ўлуб иллоти мо ҳулё,
Бошим эрур лашкари савдога жо.
Йўқса манго йўқтурур ул эътибор,

Ким дегоман ҳасрат бўсу нигор.
Хоки қудумингки эрур тўтиё,
Ондин эрур дийдага нур зиё.
Етса бошим сорига ондин губор,
Ўзни дегум оламаро тождор.
Жонимаро гурриши найрони ғам,
Кўнглумаро жўшиши уммон ҳам.
Дил мангодур хаста-у жондур фиғор,
Кўз манго кўр ўлди чекиб интизор.
Қоматими ё киби айлаб дуто,
Нуни киби ўртага олмиш ано.
Ҳар кишиким бор эса ағёра ёр,
Ёр анго ағёр ўлуб этса мадор.
Ваҳ, не дейин, недур онинг меҳнати,
Бўлғусидур кулфат уза кулфати.
Ҳар на ямон ман соридин ким гумон —
Хотиринга келмиш, аё дилситон.
Ҳуснига нуқсон киби бил они дур,
Чунки ул иш қилмади мандин зуҳур.
Улки эрур ҳориси боғи чаман,
Яхши эмастур, деди ул суъзан.
Фарз доғи айладим, эй шаҳриёр,
Еткон эрур кўнглига мандин губор.
Оламаро ҳар неки инсон эрур,
Муштақ анго сиғаи нисён эрур.
Даҳр тўла бор эса исён манго,
Вожиб эса тўкмокинг ар қон манго.
Айладим ўз журмима чун эътироф,
Хушроқ эрур этмокинг они маоф.
Сар-басарим хижлат ташвир эрур,
Банда иши узр ила тақсир эрур.
Тутмаса илкимни агар афв шоҳ,
Бошдин аёқдур манго журму гуноҳ,
Гарчи адамдур бу амалға ҳисул,
Уйлаки анқо бу мурода вусул.
Лек қуёш солса жаҳон ичра тоб,
Қолмағуси тийралик ичра хароб.
Етмағуси доғи қуёшға қусур,
Солмоғидин ушбу хароб ичра нур.
Абр доғи бўлмоқ ила дурфишон,
Бўлмоғуси қатрае онга зиён,
Сабз бўлуб файз била гаштзор,
Хурраму шод ўлғуси ондин баҳор.

Жўшиш аён айласа баҳри карам.
 Тўлса сабу бўлмағуси ҳеч ғам.
 Тун қароси ойга не нуқсон эрур,
 Юқмоқ онга ул қаро бўҳтон эрур.
 Балки қилур нурини онинг зиёл.
 Оламаро ҳар неча бўлса савод.
 Ҳашр куни бўлмаса аҳли гуноҳ,
 Улғусиким журми учун узрхоҳ.
 Сақми гунаҳ элни гар этмас сақим,
 Ваҳ, қони ул лутфи амийми карим,
 Зийнат эрур ҳашрға нуқсон эли,
 Не тилагой, йўқ эса ғуфрон эли.
 Ҳожат агар бўлмаса шоҳу гадо,
 Бўлди мусовий дегил оламаро.
 Шаҳлари ҳам ўйла бу ёнглиғ ҳисоб,
 Зилли худодур анга ҷунки хитоб.
 Улки эрур довури рўзи қасос,
 Мағфиратин журм элига қилди хос.
 Шаҳ карамидин доғи эрмас ажаб,
 Афву карам сорига гар очса лаб.
 Бошдин аёқ нома мангодур хато,
 Они ўқуб ул шаҳи соҳиб ато.
 Ўз тилидин арзими айлаб баён,
 Бўлса ўзи афв сори дурфишон.
 Йўқса ўзим арзими дерго мажол.
 Бор дурур, албатта хаёли маҳол.
 Сўзим ўлур дур киби топғач вусул,
 Бўлса ўлур гар самъи қабул.
 Қилса рад ул қатраи беъътибор,
 Дашт уза йўқ сув уза топғай қарор.
 Ҳар неки ёзгон эсам, эй нозанин,
 Номамаро айламагил қаҳру кийн.
 Хат мангодур, гарчи хатодин нишон,
 Бир йўли бўл афв сори дурфишон.
 Гарчи эрур мўвжиби хори малол,
 Бўлма ўқурдин йироқ, эй гулжамол.
 Сандин этарман мани шайдо умид,
 Айламагил лутфинг ила но умид,
 Жоним эрур ушбу хат ичра ниҳон,
 То ўқуғоч лаълинги ўпкой равон.
 Кўз қароси сафҳада қилдим сиёҳ,
 Сафҳаи ҳуснингға қилурға нигоҳ,
 Ҳар неки бор руқъамаро лому дол —

Акси дилимдур, санго дер арзи ҳол.
 Айламагил мунлара қатғи рижо,
 Лутф ила, эй гулшани боғи ҳаё.
 Қаддинг ҳақи ҳар неки ёздим тамом,
 Рост эрур ҳатм қилай, вассалом!
 Лаъли лабидин бўлуб унвонда муҳр,
 Доғи дилидин эди поёнда муҳр —
 Ким, ўқуғон они чу ул гулбузор,
 Кўздин онга айлади дурлар нисор.
 Номадони сўзки эди ибтидо,
 Айлади мафҳум они то интиҳо.
 Нома киби урди баса печи тоб,
 Истади ёзмоқ онга доғи жавоб.
 Чеҳрасидек илкига гулгун ҳарир —
 Олди, ўшул нозигу зебо дабир.
 Олди хинойи қўли мушкин қалам,
 Урмади дам, ёзди рақам, бўлди нам
 Меҳр лабин айлади зийнат анго,
 Қилди фузун иззату шавкат анго.
 Риштаи гулгундин онга берди зеб,
 Бели киби ул маҳи ошиқ фариб.
 Берди онга зийнат ила зеб фар,
 Ўйлаки ўпти оёгин тожи сар.
 Қўйди Хаёл оллиға они равон.
 Ул шаҳи фармондеҳу кишварситон.
 Олди Хаёл они ўпуб жон била,
 Қўйди боши устига фармон била.
 Чиқти яна бўлди биёбон талаб,
 Очмади то етгуча ул ерга лаб.
 Ё раб, этиб раҳм муқорин манго,
 Лутф қўлин айла муқовин манго.
 Банди маосийаро борман асир,
 Номаи раҳмат била бўл дастгир.
 Айла карам, соқийи даврон, манго,
 Боғи жаҳон бўлди чу зиндон манго.
 Бўйнумадур банди гарон коинат,
 Лутф ила кўрсат манго роҳи нажот!

Хайёми шони мушкфом ахлоқда шамъи саодат ёнғонида саводи шомдин баёзи мисри субҳ айём дийдаи дилбари гуландом киби моддан нур ва мойи сурур топғонида ва номаи рўзи пурнур хати райҳон шаби дайжур била ёзилиб ва туммори нахор устига хотами лайлаи тори ханоми мушк ки-

би қозилғонида Хусни тождорнинг шакарбори дурнисор туммори муҳаббат атвориқим мужғони хунолудин ул ғам-фарсуд қалам этиб, муқлаи дийдасининг муҳроқин ва дами пур-аҳтироқин мадод этиб, бир рангин варақға савод этиб, ул нури айн сорига равона ва улжони жаҳон ва дилситони замона, яъни Хусн жаҳонбона ирсол қилиб эрди, Хаёли фархунда фоли пуриқбол очиб, ул номаи омонли Фуоди беҳолға иззат ва ҳурмат ва тавозе била еткурмокининг мадоди:

Сафҳаи афлок уза килки қазо —
Сураи волайли иншо намо —
Қилди, на килк эрди ўшул бимвод,
Ёзди онга кўз қаросидин савод.
Кўрмокидин бор эди жонға сурур,
Нақши даҳон эрди вале кўзга нуру.
Меҳр онга маҳдин эди туғросида,
Кавкаби дури эди иншосида.
Ваҳ на кеча номаи иқбол эди,
Босираи дийдаи омон эди.
Борди Хаёл ул кеча элдин ниҳон,
Ондаки зиндонро ул нотавон.
Ётмиш эди хаста-у зору хазин,
Бекасу ошифта-у зору ғамин.
Жисмиаро йўқ эди жондин рамақ,
Пайкари мулкида ниём ва насақ.
Ҳар не ямон ҳол онга ондин ямон,
Қилмиш эди ашк ила зиндонни қон.
Дейки Нишготийдек эди ул фақир,
Чоҳи фироқ ичра залилу асир.
Улғонида етти онга тоза жон,
Нома дема, де они руҳи равон.
Нома исин онглади жононидин,
Бўлди умид онга яна жонидин.
Сочди кўзи дурри жавоҳир анго,
Лаъли лаби доғи завоҳир анго.
Этмас эди номаға жонин нисор.
Нома азиз эрди онинг жони хор.
Узни фидо этколи онглаб ҳақир.
Элчи сори бош урубон ул фақир.
Деди:— Санго жавҳари жоним фидо,
Мақдаминга руҳи равоним фидо.
Бўйла дебон ул шаҳи мулки Малол,
Сажда қилиб ўпти қудуми Хаёл.

Хайр қудумин этибон илтижо,
«Аҳлан ва саҳлан» дебон ул бенаво.
Кўз уйида айлади меҳмон они,
Кўнгли деди жисмиаро жон они,
Оҳки, бўлмас манго меҳмон Хаёл,
Ман доғи бир лаҳза десам арзи хол.
Келса доғи Зоҳир этар эътироз,
Айлар аён таъбимаро инфиёз.
Улки қилур бошни бу йўлда қадам,
Бўйла этар эларо ифшо рақам,
Ҳар неки қосидға бор эрди паём,
Деди онинг бошдин аёгин тамом.
Қўйди ўшул номани шоҳ оллида,
Сафҳаи хуршидини моҳ оллида.
Шаҳ сурубон они кўзу қошиға,
Гоҳ қўюб сийнага, гаҳ бошиға.
Топти тасаллий онга чун шўру шар,
Очти, ўшул руқъага солди назар.
Кўрдикки бир номаи дилхоҳ эди,
Назм ила дилсўз эди, жонгоҳ эди.
Сеҳр ила найранг эди мазмун анго,
Лафз доғи бор эди мавзун анго.
Сафҳа онга гунаи рухсори хур,
Эрди сиёҳиси онинг кўзга нур.
Меҳрким ул сафҳа уза нақш эди.
Хотами лаъли киби жонбахш эди.
Сафҳаи меҳр узра эди муҳри маҳ,
Бал онга юз эрди қамардин назих.
Упкоч ўшул муҳри, топти равон,
Умри абад зиндагии жовидон.
Дийдаи зориға они қилди муҳр,
Ғайрини кўрмоғо они билди муҳр.
Бўлди ўқур сориға қонун анго,
Бўйла фарахбахш эди мазмун анго.
Ё раб, ўлурмуки бўлуб баҳт ёр,
Номаи ёр этса мани тождор.
Бошима тож айлабон ул номани,
Қилсам аён даҳраро ҳангомани.
Соқий, олиб кел манго жоми шароб
Бўлсун анго нақҳат онингдек гулоб.
Айлаб иқов гўшаи гулшан ватан,
То ўқуғай номаи жононни ман.

Руқъаи заррин афлоқ билан сафҳаи рухсоран хок тобнок
 бўлиб, аҳли жаҳон ул хат била зулмати ғам ва ғамом ва алам-
 дин озод ва пок бўлғонида ва катийбаи рангини осмон ду-
 рари саноеъи маънавий била пироста бўлуб ва гавҳари
 бадоеъи маснавий била ораста бўлғонида Ҳусни сарафроз-
 нинг нома гироз фусунсози ва ҳамоман фасоҳат пардози
 Фуоди волониҳод ва хизмат воло мураттабатга этиб дурари
 машҳуни мазмун маймуний ва фаҳвойи мавзуни пурфусуни
 маълум бўлғони, ибтидоий аҳволдин интиҳойи халхолгача
 мафҳум бўлғони, «инна минашеъри лахикматўн» фахвоси
 била анвоъи бадозъни толеъ этиб «ва инна минал —баёни
 ласиҳран» муқтазоси била бешумор осори саноеъни ломеъ
 этиб, саройи саройирида ҳар на борин онго марқум қилғо-
 ни ул дилбарнинг ишорати башоратнамоси ва иборати ма-
 саррат афзосидин фаҳм эткониким бу амалнинг ҳусули му-
 қаддимаи Сабр Химматга хожатманду ва бу мақсуднинг
 вусули онлардин муованат ва муқоринатга банд эрур. Бу
 имо била Хаёли номварни Сабри диловарга ва Химмати
 сафдарга буюрмоқчи бўлғонининг муқаддимаси:

Ҳамд онгаким ҳамдидадур мадди оҳ,
 Топмоғонидин сўз эли онга роҳ.
 Волий агар ул сори бўлмас далил,
 Аҳли сухан бўлғуси зору залил.
 Кимки топар ҳамд эшикидин нишон.
 Онга эшик очғуси саккиз жинон,
 Шукр онгаким қўймади бунёд ширк,
 Бузди неким бор эди ободи ширк.
 Қилди қуёш зотини анжум сипоҳ,
 Ойнинг этиб масканини тийра чоҳ,
 Миннатининг тахтида ҳар жону тан —
 Ҳамдидадур жумлаи мими даҳан.
 Доғи муни қилса баланд, они паст,
 Йўқ кишига манъига сўз дерга даст:
 Ҳукми била борча қазо-у қадар,
 Амри била ҳар неки бор шўру шар.
 Лутф суйи узра чу мавжи карам —
 Бўлди аён, қолмоғуси бешу кам.
 Сабз ўлубон шоҳаи нахли видод,
 Булбулу гул ўлғуси шодону шод,
 Қаҳри ўти дуди этар доғи фош,
 Дийдан оламдин алам бирла ёш.
 Ёш демаким қон оқизиб дам-бадам,

Ул алифи қилғуси гулгун алам.
Сарв саҳий ондин ўлуб оташин,
Қумри ўлур устида дузаҳнишин.
Даҳрға улдур шаҳу фармонраво,
Хукми била бўлди даво бирла до.
Бўйла сочиб ҳамдаро дурру хушоб,
Қилди бу навъ ила итобу хитоб.
Арз санго, эй шаҳи Мағриб замин,
Зотинг эрур зеби кулоҳу нигин.
Қул сангодур довари машриқпаноҳ,
Банда санго Мағриб эли ичра моҳ.
Банди боғи санго сарви жинон,
Гулшанига жория оби равон.
Шамсу қамар доғи ики чокаринг,
Бўлсун алар ман киби фармонбаринг,
Лекин алар мандек йироқ бўлмасун,
Сийнасида доғи фироқ ўлмасун.
Гарчи макон бўлди санго тахту жоҳ,
Бўлди манго дил киби тахти чоҳ.
Бошим уза қилма гумон тожи зар,
Шуълаи жуволидин улдур батар.
Тушколи сан боғ ила ул чоҳға,
Йўқ ҳавасим боғ ила бу жоҳға.
Жоҳ манго қиблаи ҳожот эрур,
Каъбаи жон жойи муножот эрур.
Тангри чу Юсуф санго берсун халос,
Мисри висол авжиға тоб ихтисос.
Борман онингдекки Зулайхо санго,
Ваҳ на дедим, эй дури якто, санго.
Ансаб имон санго мани нотавон,
Бермас эса лутфинг агар тоза жон,
Сабз давом ўлғосен, эй сарвиноз,
Бандаларинг қилмоқ учун сарфароз.
Сафҳаки бор эрди юзингдин нишон,
Дарди дилингким қилиб эрдинг баён.
Сафҳа неким номаи маншур эди,
Нома саводи кўзима нур эди.
Сатрлари жўйи жинондин нишон,
Маъний онга ўйлаки оби равон.
Дарж этибон онда салому паём,
Бермиш эдинг сулк дариға низом.
Бор эди иншойи хатингда шифо,
Дейки сурур эрди-ю жонға сафо.

Ҳарфи онинг эрди фарахбахши дил,
 Лаъли муфарриҳ эди ондин хижил,
 Суврати хат баским эди хатти жон,
 Они жинон дер эди кўргоч жанон.
 Етти манго асъади соотаро,
 Келди бу ён ашрафи авқотаро.
 Бошдин оёқ борча завоҳир эди,
 Лаълу гуҳар эрди жавоҳир эди.
 Мухтасс эди ҳусни иборат анго,
 Хосса эди дурри латофат анго.
 Онда қаю дурники қилдинг аён,
 Дурлараро баҳрлар эрди ниҳон.
 Билмас эди фаҳмини маллоҳи нақл,
 Етмас эди даркига ғаввоси ақл.
 Ҳар «алиф»иким бор эди номада,
 Минг суври бор эди ҳангомада.
 Сарв киби борча сарафроз эди.
 Ҳар бириси доғи дили ноз эди.
 Онда неким «лом» эди-ю «мийм»у «дол»,
 Сочдин, икки зулфдин эрди мисол.
 Айни онинг бор эди чун ҳури айн,
 Солмоқ учун аҳли жаҳон ичра шайн,
 «Мийм»и оғиздин доғи эрди нишон,
 «Лом» ила «бо»бир бўлубон жон-жон.
 «Ҳо»лар онга гунчадин эрди мисол,
 «Ҳо»си доғи чашмайи нўши зилол!
 «Нун»и онинг қоши эди сурмагун.
 Ёйи сияҳ туз эди ё ушбу «нун».
 Уқлар онга ғамза ўқидек ниҳон —
 Эрди, вале онлар эди они жон.
 «Син»и бу бечораға эрди қуёш,
 «Ро»си қаро тунга қамар қилди фош;
 Дин дейин борчаси марғуб эди,
 Бошдин оёқ ҳуб эди, маҳуб эди.
 Нома ҳуруфи доғи мундин қиёс,
 Бор эди изадға кўб этдим сипос,
 Чунки эди қошу қад ила даҳан,
 Чашмаи ҳо эрди чу чоҳи зақан.
 Кўрмоким онларни хат узра аён,
 Эгти мани шоддилу зинда жон.

¹ Биринчи сатрдаги «Ҳо» ҳарфи — «Ч» бўлиб, иккинчи сатрдаги «Ҳо» ҳарфи «Э» дир.

Үзинги кўрганча манго эътибор —
 Берди ўшул номаи гавҳар нигор.
 Хат не деган нисфи мулоқот эқан,
 Ушбу далил онга мууроот эқан.
 Ваҳки, ўшул хатаро, эй хуш лақаб,
 Очмадинг аҳволими сўрмоқға лаб.
 Зулму тааддийға бўлуб ҳам инон,
 Ишқинг аён этдингу ҳуснинг ниҳон.
 Манда эрур шавқи жаҳондин фузун,
 Ҳар на фузун бор эса ондин фузун.
 Келмокинга мунда аё нўш лаб —
 Билки, эди жузбаи шавқим сабаб.
 Йўқса эди кийну адоват санго,
 Кўнглингаро тўла қасоват санго,
 Ишқдин оғаҳ йўқ эдинг ул нафас,
 Эрди санго борча ҳаво-у ҳавас,
 Этколи торож ила яғмо аён,
 Мулкимиза бал қўюб эрдинг инон.
 Дард элидин келмади ҳаргиз бу иш,
 Ишқ элига яхши эмас бу равиш.
 Санки манинг пайкаримнинг жони сан,
 Мулки Бадан тахтида султони сан.
 Ҳар негоким санда бор эрса мурад,
 Бизга эрур лозим онга инқиёд.
 Сандин эса ҳар неча жавру жафо,
 Биздин эрур ўтруда меҳру вафо.
 Ишқ элига ушбу эрур сийми қеш.
 Жонға тутор ҳар неки бор нешу реш.
 Ондаки биадин бўлуб эрди ҳилоф,
 Бор эди зоҳирда ўшул ихтилоф.
 Он ўқиким жонинга офат эди,
 Билгил они тийри сад офат эди.
 Бандингаким амр этиб эрдинг кушод,
 Жоҳаро ул ҳам эди айни видод.
 Ҳар неки биздин санго эрди зарар,
 Меҳру муҳаббатға эди роҳбар.
 Йўқса манго йўқ эди ул қаҳру кийн,
 Дини қадинг ҳаққи будур тўғри-чин.
 Зоти нафисингки эрур дурру тож,
 Ондин ироқ, тушколи, эй гул мизож.
 Жисмимаро ўтдуру чашмимда об,
 Кўнглимаро хор эруру жонда тоб,
 Шому саҳар куймоқу ёнмоқ ишим,

Сандин эрур балки фузун нөлишим.
Сан қилибон оҳу фиғонинг аён,
Дўзах ўтин ман қилиб ичда ниҳон.
Сан қилиб асроринги эл ичра феш,
Ман ёшуруб ётди кўзим ичра ёш.
Солса бирёв манқаларо ўту уд,
Мумкин эмас соқламоғи онда дуд.
Ҳар киши ёшурмоғин этса ҳавас,
Ёнғусидир ўзи ҳам андоққи хас.
Ёки бирёв меҳрни элдин ниҳон —
Тутмоқ агар истаса, ул нотавоң.
Субҳ кулуб ул кишининг ҳолиға,
Нужми фалак йиғлағай аҳволиға.
Ўтни ниҳон қилғонидан ичда тош,
Чашмаи чашмида эрур тўла ёш.
Ишқ ўтиға ўзгача бир тоб эрур,
Дўзах ўти гармийи маҳтоб эрур.
Они ниҳон тутмоғин этсанг ҳавас,
Вой дегай ҳолинга ҳар бир нафас.
Ҳолими эт-эмди бу сўздин қиёс,
Айла ўзинг ҳолинга шукру сипос,
Мумкин эмас чоки гирибон манго,
Де ўзинг, ул бормудур осон манго.
Йиғлаб агар айлар эсам дийдатар,
Доманими тар дер эл ондин батар.
Сунбулим ар бўлса паришон даме,
Таъним ила тийра бўлур оламе.
Қилса юзим захм агар тирноғим,
Мумкин эмас эл қошиға бормоғим.
Гарчи ниҳон урғум эрур кўкса тош,
Захми этар эл ичида они фош.
Чексам агар оҳ-фиғон ногаҳон,
Мавжиб онга сандин этарлар гумон.
Лозим эрур иффати исмат манго,
Мундин эрур меҳнату офат манго,
Ишқ ўти гар пардаи сўзон бўлур,
Парда онга шуълаи рахшон бўлур.
Пардани дой шуълаға ёпса жамол,
Билгил ониким на бўлур онга ҳол.
Жонимаро ишқ ўтидин бир зухур,
Борки десам ёнғусидур кўҳи Тур.
Бу бори бир ёнки атом билса ҳол,
Этгусидур жоними қабз инфиол.

Йўқ эса ул Фориқани вақти кийн,
Айлар эдим саври заминга қарин.
Лек нетай, дегусидур халқ фош,
Бир эр уза икки қиз айлар талош.
Таъним учун аҳли маломат дегой,
Бўлди яқин рўзи қиёмат дегой.
Топғон эмас ганжи балоғат ҳануз.
Кўрган эмас дурри фасоҳат ҳануз.
Бўлди талаб лаълиға ҳаккок онинг,
Истаб они бор яқоси чок онинг,
Оғзида зоҳир бўлубон бўйи шир,
Истади бозуйи тавоноийи шер.
Бўйла балолардин этиб эҳтироз,
Жонимадур шуълаи сўзу гудоз.
Дардим эрур ончаки сўрсам мақол,
Топғусидур зеҳни муборак малол.
Мунча манго дард бўлуб ошкор,
Номани ёзғон чоғи, эй гулбузор.
Ёна доғи турфа қазоё дединг,
Даъвийи ошиқлиғинг ифшо дединг.
Кўнглими хуш қилдингу жонимни шод,
Манга доғи ушбу сўз эрди мурод.
Шому саҳар жонима бор муддао,
Бор эдию кўнглима бу илтижо.
Десанг ўзинга мани фармонбарим,
Лутфу тараҳҳум қилибон чокарим.
Ваҳки, бу не лутф эдиким жон дединг,
Жонима хуш қилғоли жонон дединг.
Гарчи жанобингга эрурман каниз,
Сан чу азиз айласанг ўлғум азиз.
Эмди хитобинг чоғи ошиқ дегой,
Ўзими Узро, сани Вомиқ дегой.
Мансиз аё зийнати тахти жалол,
Чоғи фироқ ичра недур санга ҳол?
Тори сочим фикрини эткон замон,
Тор ўладурму назарингга жаҳон?
Ҳасратидин тортиб онинг дуди оҳ,
Келдиму бошинг уза рўзи сиёҳ,
Қомат ила зулфими айлаб хаёл,
Дард аёғида қудуминг борму дол.
Зулфу кўзу қаддима ёхуд дуо,
Демоки бордурми санго муддао?
Қошларими ёд этиб, эй зүфунун.

Бормудур ул қомати зебо жунун.
 Юзу қаду қошим уччовдин нишон,
 Дийдан хунборингаро борму қон?
 Кўз била зулфу даҳаним дам-бадам,
 Истаголи борсан алам ё адам.
 Лаъл лабим кўрмоқин истаб аён,
 Лаъларо кўз борму санго хунфишон?
 «Мийм»и даҳонимни этиб боргоҳ,
 Оҳ чекорсанму аё рашки моҳ?
 Қошу қаду зулфими айлаб хаёл,
 Нола била бормусан андоқки нол.
 Бўлдимү тош урмоқ ила нотавон —
 Жисм санго чашм киби хунфишон.
 Тишлариминг ҳасрати, эй гулбадан,
 Дйладимү эшикинги дар адан.
 Белими қучмоқни қилиб орзу,
 Бўлдимү пайкар, санго чун тори мў,
 Зулфу қадим ишики бедод эрур,
 Лек сенинг ҳаққингга ул дод эрур,
 Чунки ўзинг солдинг ўзинги йироқ,
 Сан ким эдинг йўқ эса Чоҳи Фироқ.
 Асрар эдим кўзаро андоқки нур,
 Ўзни ўзинг кўрмокидин доғ дур.
 Лек нетай, ўтди ул ишлар тамом,
 Таънаға очти лабини хосу ом.
 Иккимиз фаҳм этибон бу фани,
 Ҳам сани нодон дедилар, ҳам мани.
 Бир сўз агар чиқса оғиздин равон,
 Келмоки йўқ қайтиб оғизға гумон.
 Ҳар кишининг бор эса гар аҳли туз,
 Аввал анго кўз керакку сўнгра сўз.
 Ақлни кўр, аввали кўздур мудом,
 Охирида амр демokka калом.
 Ишки ўтар онга пушаймон на суд,
 Қушки тутулди онга афгон на суд?
 Шаҳ қўлидин этди чу парвоз боз,
 Келса на шак бўлғусидур шоҳбоз.
 Йўқки агар айласа майли ҳаво,
 Учрағусидур анга доми бало.
 Қилғусидур тутса они даштбон,
 Болу парин юлмоқ ила мокиён.
 Бўлди эса чунки гирифтор анго,
 Кетгусидур михлабу минқор анго.

Нола-у фарёди онинг дастгир —
Бўлмағуси, ҳар неча чекса нафир.
Зийрак ўшул қушки қилурда ҳаво,
Дона била домни қилғай жудо.
Лек бу сўзлар бори ботил эрур,
Сурати оқил доғи гофил эрур.
Улки эрур нури дил жузву гул,
Жори қазо зоқи фазо деди ул.
Ҳар бир ишинг аввали маъқур ўлуру,
Уқда онга фотиҳи мақсур ўлуру.
Сан доғи умид ила бўл баҳравар,
Етгусидур шоминга файзи саҳар.
Гарчи етибдур санго ҳоло газанд,
Ақл элига панд эрур нақши банд.
Муддати меҳнат санго гарчи мадид —
Бўлди вале бўлғусидур ул муфид.
Чекмағуча шиддати дай хор-зор,
Бошиға гул сочмади фасли баҳор.
Неш ила нўш иккиси тавъом эрур,
Боли бало ҳарфида мубҳам эрур.
Улки эди дийдаи оламға нур,
Вақтиға марҳун деди ҳар бир амур,
Ғунчаки бор хору хашак бирла жуфт,
Бергусидур вақтида гуллар шукуфт.
Пишкуси вақти била ҳар мева бор,
Чиқмағуси сабза етушмай баҳор.
Ҳар неча таъжил эса гар дур иши,
Нисфи шаби кўрмади тонг бир киши.
Кўрмоғуча олам эли шоми ғам,
Урмас анго меҳр била субҳ дам.
Улки бериб кечага субҳи мурод,
Субҳни ҳам меҳр била қилди шод.
Ниши балоға берибон ангабин,
Ерга раёҳинни қилур ул қарин,
Хорға гул хораға берди гуҳар,
Найға шакар берди, шажарға самар.
Берса сани бизга доғи йўқ ажаб,
Бермокига чекмоғусидур таъаб.
Қилса жалолийят агар ошкор,
Қилғусидур гулшану гулзорри тор,
Бўлса жамолийятға гар зуҳур,
Ўлғуси ўт гулшани зебойи тур.
Баст ила қабз эрур тавамон,

Тўю азо иккисидур фироқдон.
Санки бу меҳнатга эрурсан қарин,
Ишрати давлатга эрурсан яқин.
Руқъада бекаслигинг этдинг рақам,
Оҳ, нетой бўйла ёзибдур қалам.
Сандину мандин эрур ушбу гуноҳ,
Бўйла қазо ёзди било иштибоҳ.
Ҳар неки ёзгон эса тақдир они,
Бузмоди бир ҳийла-у тадбир они,
Гарчи бузулмас неки ёзди қазо,
Оҳ улус таъни эрур бир тало.
Жаҳл била дерки хато қилди ул,
Эрмас эди ушбу раво, қилди ул.
Қилса они ўйла бўлур эрди хўб,
Ёки муниси бўйла деса эрди жўб,
Лек неким ёзди қазоу қадар,
Бўлғусидур ҳар неки бор хайру шар.
Жоми муҳаббат тилар элнинг мудом —
Чораси, бечоралиғ ўлди давом.
Ман доғи бекасману хору забун,
Тутғоли илкимни қани раҳнамун.
Гарчики кўп мунису ҳамдам манго,
Ғам деголи ваҳ қани маҳрам манго.
Тутса жаҳон мулкини ёру рафиқ,
Ишқ ғамини деголи йўқтур шафиқ.
Шому саҳар кўкка етиб, ё раббим,
Ғайр сенинг зикринга очмон лабим.
Васлинги тангридин этарман талаб,
Нахли вужудимга тиларман рутаб.
Ўзга агар бор эса матлаб манго,
Бермасун ул матлабими раб манго.
Билмадим оники ўшул тийра чоҳ,
Бир саҳари чектиму ё тийри оҳ.
Тийри дуосига ҳадаф мустажоб —
Бўлмоғини қилдиму изад хитоб.
Қоматинг онда бўлубон муътакиф,
Ўйлаки жоҳ ичра ёзилгон алиф.
Зулфинг иси бошида тутди ватан,
Зимнида ҳам чашмаи нўши зақан.
Мунча карам айлади бечун манго,
Бўлди бу атвор ила қонун манго.
Ман доғи лутфидин онинг ноумид —
Бўлмоғуму кесмоғум асло умид.

Васл тилаб мийми даҳонимда оҳ,
Шому саҳар муттасил андоққи моҳ.
Меҳри руҳинг истабон, эй сиймбар,
Ки маҳи навман, гаҳи бадри қамар.
Улки мани бадр эҷоч этти ҳилол,
Берса қуёшга на ажаб иттисол.
Гарчи ойирмоқ онго фармон эрур,
Қўшмоқ онга ҳам доғи осон эрур.
Хоҳлар эса ёна қазоу қадар,
Қўшғуси бир ерга чу ширу шакар.
Сабр қилу кесмогил ондин умид,
Сабр эрур чунки фараҳга калид.
Ҳар кишига бўлса агар сабри ёр,
Бўлмоғуси банди бало ичра хор.
Сабр агар бўлса биров ёвари,
Бахту саодатдур икки чокари.
Ҳиммат агар бўлса доғи онга ёр,
Дегил они оламаро шаҳриёр.
Ҳиммат ила сабрға қил иқтидо,
Токи санго бўлғай алар раҳнамо.
Ул икови бўлса санго ҳамқадам,
Ғам ема, эй бандан зиндони ғам.
Тахти жалолатға топиб ихтисос,
Бўлғосан ул чоҳи балодин халос.
Қилса карам ҳайи вужуди мужиб,
Фатҳ санго ҳосил эрур анқариб.
Ҳар неча қўб меҳнату кулфат санго,
Ранжу ино шиддату фурқат санго.
Манго тараҳҳум этиб, эй гулузор,
Кўнглинг ҳазин этма-у жисминг фигур.
Гарчи ўзинг сориға қилмон карам,
Айла карам ман сори, эй муҳтарам.
Чунки санго жисм, манго жон эрур,
Шавқи онинг жонаро пинҳон эрур.
Ҳарнечаким айласанг они фигур,
Манго фигур ўлғуси жони низор.
Айла тараҳҳум манго-у ўзинго,
Берма бало ашкинго йўл кўзинго.
Изади бечун санго айлаб карам,
Хотиринга қўймағай андуҳу ғам.
Боғи висолимаро шодону шод —
Айлағай, эй сарвнасаб, гулниҳод.
Номада бу эрди ёзилғон тамом,

Сўнгра битиб эрди дуруду салом.
Кўрдикки бир нома эди дилкушо,
Сабт эди онга неки бор муддао.
Сўзига бермиш эди рабту низом,
Каш-шуаройи умароул-калом.
Сафҳа онга орази дилбар эди,
Нуқталари холи муанбар эди.
Онда гаҳи лафз эди гаҳ итоб,
Ҳарна хитоб эрди онга мустатоб.
Бошдин оёқ хуб эди, марғуб эди,
Нома дема, де они маҳбуб эди.
Ончи фасих эрди иборат анго,
Доғи сарих эрди киноят анго.
Жавҳари маънида мурассаъ бори,
Гулшани лафз ичра муламмаъ бори.
Доираи ақлу дируют эди,
Бошдин оёқ рамзи ишорат эди.
Сафҳаси хаттида хати мушкбор,
Деди қуёш узра эди сабззор.
Меҳр эди туғро била матлаъ анго,
Меҳр эди итном ила мақтаъ анго.
Топти тахайюр қилиб ул дам-бадам,
Бормоғидин оғзи давоту қалам.
Хаттида гаҳ лутф кўруб, гаҳ итоб,
Нома киби урди баса печу тоб.
Гоҳ ўқуб, гоҳ чекиб оҳ чўқ,
Гаҳ эди ўз ҳолида гоҳ йўқ.
То ўқуғунча они ул дилфигор,
Гоҳ туруб, гаҳ йиқилур эрди хор.
Ҳар на бадоят эди маълум анго,
Бўлди ниҳоятгача мафҳум анго.
Билди ўз иқболиға маншур они,
Дидаи омолиаро нур они.
Нома дема бор эди хатти нажот,
Балки ўлук танға умиди ҳаёт.
Бал ул эди аҳли азоби жаҳим,
Етти анго номаи афви раҳим.
Жонға билиб гулшани гулзор они,
Айлади жон бўйниға туммор они.
Е раб, этиб ҳашрни осон манго,
Айла карам руқъаи эҳсон манго.
То ўқубон шавқ ила ул номани,
Зоҳир этай ҳашраро ҳангомани.

Соқий, олиб кел тўла жоми карам,
Олам уйидур манго зиндони ғам.
Бер они ким қолмади сабру сабот,
Нашъаси бирла топой ондин нажот.

Бу гулхани ано меҳр оташин гули била гулшани сафо бўлуб ва бу зиндони ғам офтоби Олам била гулистони Эрамдек нашъу намо пайдо қилғонида Фуоди воло ниҳод Хаёли соҳиб инқиёднинг тавофи амокин ва саббоҳи масокин бўлмоғига амр бўлғони. Хаёли воло мақол боли ҳиммат очиб, ҳумойи саодат парвоздек учиб, бир лангари биҳишт пайкарга еткониким онга сўмиъаи таваккул ва қиблаи омоли Жузви гул дер эрконлар, онда муқтадое эрконким онга Шайхул Қаноат эрконлар, дер ул жанондин узлат ва фароғат ҳосил эткон, ул зовияйи қанотда Хаёли сабри пур эҳтиромнинг мақомин топғони, Фуоднинг Водийи Фироқда масжун ва салосили ағлол қайдида бағри хун эрконин онга маъруз қилғони, Сабри зеби сарир иззат ва футувват шаҳри ҳидоятга, ҳиммати равшанзамир кишваргири беназир олига борғони, Ҳиммати олийжаноб футувват нисоб олдида Сабри муалле алқоби Ақл Фуоднинг ҳазиматин Хусни Ишқнинг аниматин айтиб, шоҳи Фуоднинг Қалъаи Ҳижрондин маҳбуслигин умиди нажот, балки рижойи ҳаётдин маъюслигин арз эткони ва Ақл тождорнинг диёри Чин ичра Гисуйи пуркин илқида гирифтор ва ул дори ғурбат ва диёри карбатаро дилафгор ўлғонин онга эълон эткони ва ҳимматни Ақли Фуод истихлоси учун диёри Ховарға лашкар чекконининг муқаддиматул — жайши:

Ҳар кишиким бўлса таъанний шиор,
Сабр ила ҳиммат анга гар бўлса ёр,
Мушкил онинг олдида осон бўлур,
Олам анго бандаи фармон бўлур.
Сабр била кимки муқорин эрур,
Ҳиммат онга доғи муовин эрур,
Сабр била ҳиммат эрур тавамон,
Ул биридур бу бирисидин нишон.
Кимдаки бу иккиси топти сабот,
Учмоқ учун топти де икки қанот.
Ҳар сориға айласа зоҳир ҳаво,
Учмайин ул топғусидур муддао.
Балки учуб келгуси матлуб анго,
Етгусидур не эса маҳбуб анго.

Сабру сукун бўлди фарахга калид,
 Бўлмаса сабр этманг очилмоқ умид.
 Балки қилур ҳар сорига жусту-жў,
 Ут била гулдин ангадур дуду бў.
 Кўҳким ул бўлди таъанний фани,
 Лаъл ила ёқутнинг эрур маъдани.
 Кимки қотиглиғаро топти сабот,
 Топғуси ул мойи фавзу нажот.
 Кунки қаро ераро тутди қарор,
 Бўлди фалак тахти уза тождор.
 Ҳиммат ила чарх уза чекти алам,
 Олди жаҳон мулкани урмай қадам.
 Улки қилур боши била йўлни тай,
 Бўйла топар сабр ила ҳимматга пай.
 Билди яқин они чу шоҳи Фуод,
 Сабрсиз иш топмағусидур кушод.
 Ҳиммат агар бўлмас эса ҳамқадам.
 Бўлмағуси қатъ онга бу дашти ғам.
 Хатда ишоратки башорат намо,
 Эрди иборатки масаррат фазо.
 Сабр ила ҳимматга бор эрди мушир,
 Ондин эди борча далилу назир.
 Бўлмаса гар дўст ўзи раҳнамо,
 Қаббаи мақсад сори етмас дуо.
 Қайдин онга бир киши бўлсун қарийб.
 Улки етар они етурмиш ҳабиб.
 Топғусидур мақсадини ҳар ғубор,
 Бўлса онинг хизри раҳи хатти ёр.
 Шафқати ёр этти иноят анго,
 Руқъа била қилди ҳидоят анго.
 Билгоч ониким не эрур ушбу ҳол,
 Деди Фуод ажз била:— Эй Хаёл!—
 Фурсат эрур қилсанг агар ёрлиғ,
 Авни иноят била ғамхорлиғ.
 Узга кишим йўқ деголи рози дил,
 Мунису маҳрам манго сан муттасил.
 Чоҳи бало ичра манго йўқ жалис.
 Дерга ғамим қайда ҳарифу анис?
 Ҳамдаму мунис манго бордур Назар,
 Бандародур ул доғи мандин батар.
 Борсанг агар Ҳиммати сафдар сори,
 Пурдили пурзаҳра, диловар сори.
 Маскан эрур шаҳри Ҳидоят анго,

Тобиъ эрур жумла вилоят анго.
Этгосен оллида малолим баён,
Банди балолар аро ҳолим баён.
Доғи Назар ҳолини Ҳимматга арз —
Айламокинг вожиб эрур балки фарз.
Чунки Назарга ул экан раҳнамо,
Ул деб экан ҳар неки бор можаро.
Сўзи била бу сори келди Назар,
Кўрмиш они ҳар неки бор хайру шар.
Ман бу сори лек қўёрда қадам.
Тўлди манго чашми ғубори ҳашам.
Айладим ул ёна чу элчи равон,
Саҳл тутуб ишни мани нотавон.
Кетти бори ҳашмату шавкат манго,
Келди неким бор эди зиллат манго.
Бўлса эди ушбу ҳизабри жиён,
Етмас эди бизга бу янглиғ зиён.
Йўқлиғидин тушти бу савдо манго,
Чора эрур маскану маъво манго,
Билса агар ушбу малолим менинг,
Ҳоли доғи сўргуси ҳолим менинг.
Сабр доғи мулки Баданни ватан —
Айлаган эрмас эмиш ул пил тан.
Сўрсангу билсанг анга недур нишон,
Баҳрму ё бармудур анга макон.
Бизга неким солди қазо-у қадар,
Десанг аларнинг борини сар-басар.
Сўзни Фуод этти бу ерда тамом,
Бош қўюбон қосиди фаррух хиром.
Урди биёбонга юзин чун шамол,
Тутти яна жодаи дашти малол.
Улки кетиб боши кесор йўлу чўл,
Мулки сухан сори борур бўйла ул.
Ондаки Юнон йиғини бўлди хор,
Сабри диловар бўлубон захмдор.
Қайтарибон разм еридин инон,
Якка-у танҳо чиқибон бабрисон.
Тутмиш эди кетмокига тўғри йўл,
Тутғоли ҳам солмас эди кимса қўл,
Чиқти доғи, кетти чу шери ғарин,
Садди раҳи бўлмади бир аҳли кийн.
Неча маҳал йўл юрубон ул ғариб,
Зовияи кўрди бағоят ажиб.

Ҳар сори боқмоқ била ул муҳтарам,
Бўлди намоён онга байтул-ҳарам.
Вусъатаро олими кубро эди,
Яъники бир ланкари узмо эди.
Бор эди ул ланкари анбарсиришт,
Навҳатаро ўйлаки боғи биҳишт.
Оти онинг Қасри Таваккул эди,
Матлаби ҳар жузв эди, ҳар гул эди.
Онда ажаб шайхӣ эди фаҳри дин,
Онга мурид эрди замону замин.
Инс ила жондин онга узлат эди,
Оти онинг Шайхи Қаноат эди.
Кўрмас эди хайл таваққуъ юзин,
Демас эди аҳли тазарруъ сўзин.
Ончи эди рифъати иззат анго,
Етмас эди гарди маваллат анго.
Олами жисм ичра дегил жон эди,
Шоҳу гадо оллида яксон эди.
Сабр кўруб кашфу каромат анго,
Айлаб эди онда инобат анго.
Пайки сабодек етиб онда Хаёл —
Айлади арз, онга неким эрди ҳол.
Сабри диловар чу эшитди хабар,
Ёнди анго сўз ила жону жигар.
Чунки Фуод они этиб комкор,
Бермиш эди қадр била эътибор.
Лашкари кишварға ул эрди сутун,
Амри ила эрди хирому сукун.
Шаҳ ётибон банди бало ичра хор,
Зарқ элидек бўлмоқ ўзи сўфидор.
Кўрди футувватдин эди кўб йироқ,
Мулки мурувватдин ул эрди узоқ.
Ҳар кишиким бўлса футувват анго,
Бўлмас унут миннати неъмат анго.
Кимки валий неъматидин носивос,
Ондин эрур яхши саги ҳақшунос.
Неъматидин собиқ тушубон ёдиға,
Тушти ўти хотири ношодифа.
Куйди бори сабр ила тоқат анго,
Кетмоқ учун бўлди иродат анго.
Шайхи Қаноат сори бўлди равон,
Фотиҳа ҳосил этиб ул панжавон.
Ҳар на Таваккал элин олди тамом,

Шаҳри Ҳидоят сори қилди хиром.
 Лашкарига йўқ эди онинг адад,
 Сафдариға эрди алам адду ҳад.
 Ҳар бири бир шер нарий эрди тоқ,
 Пешаи андишани эткон талоқ.
 Икки юзу тўқсонун икки алам,
 Сабри диловарға эди ҳамқадам.
 Сабр Хаёл ила бўлуб ҳамгарийқ,
 Бир-бирига эрди рафиқу шафиқ.
 Неча маҳал йўл юруб ул номдор,
 Шаҳри Ҳидоят сори этти гузор.
 Ҳиммат онинг келгонидин беҳабар —
 Бўлди ўшул хисрави хуршид фар.
 Чиқти онинг қаршисиға пешвоз,
 Айлади эъзози била сарфароз.
 Кўрушибу сўрушиб олиб қўлин,
 Бошлади ўз тахти сориға йўлин.
 Соғлиғ, эсонлик¹ сўзи бўлди тамом,
 Топти адо ҳар на таому калом.
 Келмокидин Ҳиммати олижаноб,
 Сўрди савол, истади ондин жавоб.
 Сабр Фуоднинг сўзини сар-басар —
 Қилди баён Ҳиммата ул мухтасар .
 Ена деди тортибон оҳу нафир,
 Ақл доғи Ишқ қўлида асир.
 Бор эмиш, эй шоҳи фалак дастгоҳ,
 Келгон эмиш бошиға рўзи сиёҳ.
 Банди бало ичра гирифтор эмиш,
 Жонига юз меҳнати озор эмиш.
 Сандин агар бўлмас умиди нажот,
 Йўқтур онга эмди рижойи ҳаёт.
 Деди онга Ҳиммати воло алам:
 «Лозим эрур қўймоғим ул ён қадам.
 Қилсам ҳақиқатга назарни кушод,
 Мандин эрур манбаъи ушбу фасод.
 Чунки Назарга этиб эрдим баён,
 Чашмаи ҳайвон сўзини ул равон.
 Кетмиш эди сўзим ила ул фақир,
 Оқибатил-амр бўлубдур асир.
 Эмди қилай неки мукофот эрур,
 Хайр иши таъхирида офат эрур,

¹ Қўлёзмада «эсосинлиқ» деб ёзилган.

Улки ўшул ишқи ситамкораға,
 Борғаман ул қотили ҳунҳораға.
 Ақл, Фуоди тилаб ондин равон —
 Берса олай бермойин ул ногаҳон.
 Жангу жадал сорига мойил эса,
 Узини шаҳ, гар мени сойил деса.
 Сел киби лашкари гардун губор,
 Чеккусидур Ишқ элидин дамор.
 Айлагоман мулку диёрин хароб,
 Балки онинг йўқ била борин хароб.
 Мулкин этай қаҳрин ўти маскани,
 Десун улус: «лашкару кишвар қани?»
 Сўнгра қўюб сув, они фарқ об этай,
 Онда минор ўрнига гирдоб этай.
 Лийнат ила битмаса гар ушбу иш,
 Бўлғусидур бизга бу ёнглиғ равниш.
 Бўйла дебон Ҳиммати соҳиб фусус,
 Деди: «чекинг дабдабаи ною кўс.
 Амри била ҳар на эди кўсу ной,
 Сих эди, карнай эди, ёхуд дарой.
 Борчалори чокти¹ фиғону нафир,
 Қўркусидин ташлади ҳамлини шер.
 Лашкари кусрат била ул тождор —
 Озим ўлуб, кўкка етурди губор,
 Чекти ливо, Ҳиммати заррин алам,
 Мамлакати Ишқға қўйди қадам.
 Топти вуқуф Ишқи жаҳондор анго,
 Берди хабар воқифи ахбор анго.
 Меҳри диловар сори қилди нигоҳ,
 Деди:— Таваққуфсиз этиб азми роҳ.
 Қаршу онинг оллиға чиқғил равон,
 Иззату эъвоз онга этгил аён.
 Чунки эрур мўжиби эъвоз ноз,
 Аҳли жаҳон ичра доғи сарфароз.
 Ҳар на акобир била аён анго,
 Борча пазиро бўлунгиз беибо.
 Бўйла дегоч Ишқи муалло жаноб,
 Бўлди ул эл хизматидин комёб.
 Қилди бори борғоли ул ён хиром,
 Кимгаки бормоқ эди лозим тамом.
 Килкки бор маҳрами нозу ниёз,

¹ Чекти бўлса керак.

Бўйла чекор шуълаи сўзу гудоз,
Меҳри диловарғаки амр этти шоҳ,
Ул сори бормоқлиғи беиштибоҳ.
Бўлди саронжом ила чун Меҳри нур,
Этгучи то субҳи саодат зуҳур.
Онда Вафобонуйи иззат маоб,
Гул юз уза ашқини айлаб гулоб.
Зоҳир этиб хижлат ила инфийол,
Қилди аён ҳар на арзи ҳол.
Яъни атосиға деди мухтасар,
Хусни парирў сўзини сар-басар.
Неки онга бўлмиш эди ибтидо,
Деди ўшул қиссани то интиҳо.
Хусн тилидин доғи деб кўб салом,
Деди онга ҳар неки эрди маром.
Меҳри диловар эшитиб бўлди шод,
Деди кулуб:— Эй гули нахли мурод,
Бор доғи ол муждани дилхоҳдин.
Кулфатини айла йироқ моҳдин.
Неки деса жонимадур миннати.
Етди манго, етди дегил хизмати.
Ҳожат эмас чекмок онга интизор,
Билсун ўзи масканин оғуши ёр.
Отасидин хотириға доғи ғам —
Бўлмасун, ул маҳго дегил бешу кам.
Ҳарнаки мақсад эса ул моҳға,
Биткоройин арз этибон шоҳға.
Бодаи ишрат била бўлсун қарин,
Матлабини билсун ўзига яқин.
Бўйла дегоч Меҳри диловар калом.
Келди Вафобонуйи зебо хиром.
Неки эшитмиш эди они ниҳон,
Хусни парирўйға қилди аён.
Сочди бўлуб сўз била ул баҳравар,
Кўз била лаъли онга дурру гуҳар.
Лаъл кўзи бўлди дурафшон анго,
Айлади таҳсину ҳам эҳсон анго.
Бўлди булар манзили айш ичра шод,
Эмди этай бу эли ҳолини ёд.
Меҳр била жумлаи солори Ишқ,
Бор эдилар воқифи асрори ишқ.
Еттилар ул шоҳи Ҳидоят сори,
Борғаҳи шавкати Ҳиммат сори.

Барчаси оллийда қилиб қадни ҳам,
 Эттилар эъзозиға бошдин қадам.
 Ишқдин онга дедилар кўб салом,
 Ул доғи бу ёнға қилиб эҳтиром.
 Ҳар бириси бирла кўрушти равон,
 Икки тараф ҳам бўлубон шодмон.
 Юрди алар шоҳи жаҳон сорига,
 Мулкдеҳу тожситон сорига.
 Ё раб, этиб меҳру муҳаббатни ёр,
 Ишқ шаҳи даргоҳида бер қарор,
 Ақлими эт тобеъи фармони Ишқ,
 Кўнглими қил бандаи эҳсони Ишқ.
 Соқий, олиб кел манго бир жоми шавқ,
 Жонима сол шуълаи гулфоми шавқ.
 Ёнмоғуча ул ўтаро жону дил —
 Бўлмас эмиш мақсадиға мутгасил.

Наййири аъзам, натижабахши олам довари муаззам
 фармони вожибул изъони ва ҳукми жаҳон мутӯи била
 жаҳонға иттилоъ топиб, анвоъи зийнат ва ақсоми мукарра-
 мат била олам элин мукаррам этмоқ учун чиқғонида ақоли-
 ми сабъанинг ажойибин ва баҳру барнинг гаройибин
 тамошо этконида бу жазираи хуррам ниҳоднинг аҳжорин
 партави анвор била ёқут ва ашжорин зебиши изҳор била
 пурқувват матосин сунбул ва гиёҳин занжабили ҳавосин
 жонфизо ва фазосин дулкушо этконида ҳиммати пилтан-
 нинг ва сабри соҳиб жавшаннинг Ишқи лашкаршикан дар-
 гоҳи фалак дастгоҳиға еткони. Ишқи тождор хабардор
 бўлуб, наввоби мамлакат ва ҳижоби давлатларин онга
 пазиро қилғони. Икроми эҳтиром ва эъзози илтиём била
 Ҳиммати воломақом ва Сабри олийнизомни султони Ишқ-
 нинг девони фалак айвониға келтургонлари. Ишқи воложа-
 ноб ул коёмбнинг қудумидин огоҳ бўлуб, боби боргоҳға
 чиқиб, мусодақа юзидин мусофаҳа ва муонақа ва иштиёқи
 мувосақа йўлидин муколима ва мунотиқа эткони, Ҳимма-
 ти соҳиби шавкатнинг ва Сабри пур футувватнинг Ишқи
 фалакрифъат қасрида саҳни иззатда форислар ва ҳисни
 давлатға хорис-ла мансаби қазода ҳокимлар ва мансаби
 ризода қойимлар тамошо этиб, заррийи курсилар узра
 хуршидзамир амирлар ва муштарий гадбир вазиралар ва
 Аторуд назир дабирлар ва қамар талъат Туркмони яғмо-
 силар ва мулк зийнат хубони хитойилар, садри қиёсатда
 далирлар ва пойгоҳи сиёсатда шеърлар мушоҳада қилғони,

ул сулаймони девон ва шаддодий айвонда Ишқ волий била
Ҳиммати олийнинг муқолимасининг калимоти ва Ақлнинг
вазират маснадида иззат тоғонининг мақолоти:

Хисрави ховарки муталло ливо,
Чекти Сикандар киби оламаро.
Шаъшааси бирла замину замон —
Ёндию кул бўлди макину макон..
Кўрмокидин чашми кавокиб газанд,
Қилди аён, боғлади гулгун паранд.
Лашкари Ҳиммат била бўлғоч разон,
Ер била кўк бўлди онга бандасон.
Баски эди лашкар онга беадад,
Боғлади яъжужи тун оллийға сад.
Дашти фалак жавфиаро тўлди нур,
Кимки эди тийра дил ул бўлди дур.
Меҳрим ул соя онга нур эди,
Ишқи жаҳонсўзг адастур эди.
Ранжкеш эрди, доғи роҳатрасон,
Даҳрга зарбахш эди гавҳарфишон.
Меҳр киби эрди жувонмарду мард,
Меҳрга гарм эрди вале кийнға сард.
Сабр ила Ҳимматға бўлуб ҳаминан,
Ишқ жавобиға кетурди равон.
Топти хабар Ишқи муалло жаноб,
Мақдами Ҳимматдин ўлуб комёб.
Қаршу чиқиб қаср эшики сори Ишқ,
Кўрдик, келди онга шоҳи Дамашқ.
Кўрушубон, зоҳир этиб иттиҳод,
Айлади ҳар не эди шарти видод.
Бир-бирига доғи муониқ бўлуб,
Ўйлаки Узро била Вомиқ бўлуб.
Қўл тутушиб ул ики кишварситон,
Тахти жалолат сори бўлди равон.
Топти қарор онда ики шаҳриёр,
Бўлди фароғатда доғи аҳли бор.
Тахт ики гавҳарга эди дурждек,
Е ики саъд ахтара бир бурждек.
Солди назар Ҳиммати равшан равон.
Кўрдик айвони эди дилситон.
Курсийи заррин уза ҳар бир вазир,
Ўлтурубон ўйлаки бадри мунир.
Барчалари соҳиби тадбири рой,

Жумла адув банд эди кишваркушой.
Маснади иззат уза ҳар бир дабир,
Дониш ила эрди Аторуд назир.
Илм ила ҳикмат эли ондоқ нужум,
Торами иззат уза эрди ҳужум.
Ҳар бириси даҳр элига муқтадо,
Бор эдилар ўйлаки нужми худо.
Саф-саф эди онда бори каю нев,
Дадду даранда эдию жину дев.
Ҳар биринниг савлатидин тоғу тош,
Заҳрасида ўт эди, чашмида ёш.
Тахт фалак рифъат уза ҳар амир,
Борчаси кишварда эди тожгир.
Қот-қот эди ёна паризодалар,
Гул киби хуш, сарвдек озодалар.
Ҳар биридин ой ила кун мунфаил,
Эрди, доғи ҳуру парий ҳам хижил.
Икки тараф лашкари Чин ва Хито,
Қабзан тигин тутубон жо-бажо.
Турмиш эдилар бориси сар-басар,
Қўрқар эди ҳар биридин шери нар.
Бир тараф атрок ила яғмо эли,
Муғ элию кибр ила тарсо эли.
Сўнгғи сафинг борчаси жаллод эди,
Пешалари зулм ила бедод эди.
Ҳар бириси мардеҳу жонситон,
Тиғи дамидин оқизур эрди қон.
Бир сориди бор эди аҳли жунун,
Жўшиш ила ҳар бири дарёйи хун.
Маст шутурлардек эдилар муҳиб,
Кўкка эди борчаси боши қарийб.
Чирпинибон ҳамла чоғи шервор,
Кукрамокидин еру кўк эрди тор.
Бўлмаса ағлолу салосил анго,
Сабру сукун бор эди мушкил анго.
Ғам эли, Андуҳ эли, Кулфат эли,
Меҳнат эли, Ранж эли, Шиддат эли,
Ҳар бириси эрди чу кўҳи виқор,
Оллида тутмиш эди мунлар қарор.
Ҳар соридин дод талаб чун нужум,
Айлаб эди дарғаҳи сори ҳужум.
Дегил онга дарғаҳ эди жойи ҳашр,
Ҳар сори пайдо эди ғавғойи ҳашр.

Фарш ўлубон қасрига лаълу гуҳар,
Онда чу ҳас рўбах эди, сийму зар.
Ҳиммат онинг шавкатуни зийнати —
Кўрди, доғи ҳашматуни, давлатин,
Ҳар бирига ўзгача тазйин эди,
Борча русумотиға таҳсин эди.
Ҳар неки одоб эди кўрди тўкуз,
Мадҳу дуо сорига келтурди юз.
Дедики:— Эй шоҳи муалло жаноб,
Давлат ила умрдин ўл комёб.
Сан бўлубон оламаро жабрдаст.
Хасминг агар тоғ эса топсун шикаст.
Кимки санго айламаса инқиёд,
Термагай ул меван нахли мурод.
Ишқ доғи сўрди малолин онинг,
Йўл юругон сурати ҳолин онинг.
Деди онга Ҳиммати воло насаб:
— Мунда келурга мангодур бир сабаб.
Демок они хизматинга бор зарур,
Зеҳингга гар бўлмаса сўздин нуфур.
Шаҳ доғи ондин бўлубон нуктажў:
— Бизга эшитмок доғи бор орзу.
Сўзинги тафсил ила этгил аён,
Айлама таъжил қилурда баён.
Деди онга Ҳиммати волонажод:
— Билгил аё Ишқи муалло ниҳод,
Мунда ажаб нақли эрур ихтироъ,
Бўйла манго бўлмиш эди истимоъ:
Ондаки бор эрди адам жону тан,
Руҳни халқ айлади ул зул-минан.
Оламаро этти они тождор,
Қилди жаҳон мулки уза шаҳриёр.
Етти ақолимаро неким ажиб —
Бахр ила водинаро неким ғариб —
Эрди, аён кўрди борин сар-басар,
Ҳар неки кўргузди қазо-у қадар.
Кезди ҳама рўйи бисоту басит,
Келди онинг олиға баҳру муҳит.
Ҳайни тамошода эди ногаҳон,
Бўлди саводи назарига аён.
Бор эди ул суваро дилкаш фазо,
Онда раёҳинлар эди дилкушо.
Қилди шино баҳр уза руҳи равон,

Етти онгаким, эди гулзори жон.
 Кўрдикки бир жой эди ҳуррам ниҳод,
 Ҳар на десанг васф онга ондин зиёд.
 Борча миёҳий бор эди салсабил,
 Ҳар на гиёҳий эди чун занжабил.
 Туфроқ онга ўйлаки кофур эди,
 Гарди онинг жон кўзига нур эди.
 Нуқта киби доираи баҳраро,
 Қутб они дер эди дашту само.
 Сув юзида бор эди андоқки хол,
 Мушк исин ондин топор эрди шамол.
 Зийнатаро муфаҳҳар офоқ эди,
 Оти онинг Водийи Ушшоқ эди.
 Молики баҳрнинг бор эди бир қизи,
 Орази ҳур эрди оёғи изи.
 Пайкар онга баҳри латофат эди,
 Балки дури баҳри балоғат эди.
 От онга Сарбонуйи нозик адо,
 Бор эди ул маҳзари лутфи худо.
 Ушбу макон бор эди манзил анго,
 Бўлди хабар руҳдин ҳосил анго.
 Руҳи қудуми хабарин истимоъ —
 Айлади ул шўхи тажаммул матоъ.
 Ҳар неки атроб ила аҳбоб анго —
 Бор эди наввоб ила ҳужжоб анго.
 Борча онга қаршу чиқарга мушир,
 Бўлди ўшул сарвари соҳиб сарир.
 Борди ул эл иззату эъвоз этиб,
 Руҳи диловарни сарафроз этиб.
 Бошлаб олиб келди ўшул хосу ом,
 Ондаки гулчеҳрага эрди мақом.
 Бўлди яқин келгоч ўшул покрой,
 Қаср эшики сориға суръатнамой.
 Ой била кун айладилар иқтирон,
 Бўлди яқин бир-бирига руҳу жон.
 Руҳи равоннинг тутуб ул маҳ қўлин,
 Бошлади ўз тахти сориға йўлин.
 Ҳар неки аснофи зиёфат эди,
 Е неки анвоъи ҳаловат эди,
 Айлади ҳозир борини мезбон,
 Бўлди ул иззат била хуш меҳмон.
 Сўнгра тутуб бир-бирига жоми май,
 Бўлди алар мойили овози най.

Рафъ ўлубон онда ҳаёи ҳижоб,
Гоҳ савол ўлди аён, гаҳ жавоб.
Бир-бирини кўргач алар табъхоҳ,
Берди кўнгул бир-бирига шоҳу моҳ.
Бир-бирига бахш этибон жону тан,
Боғи висол ичра чу сарви суман,
Бўлди алар айшу фароғат била,
Маснади иззат уза роҳат била.
Гарчи муяссар бор эди борча ком,
Айш эди руҳоний озорга мудом.
Бир-биридин бўса этиб мултамас,
Жон берибон бу онга деган нафас.
Ул анго-у бу мунго жонин фидо —
Айлар эди, ул ики фаррухлиқо.
Етти чу Сарбону сори нафъи руҳ,
Ҳосил ўлуб жонига юз минг футуҳ.
Топти ўғул Ақли Муаййид дегон,
Исо-у Марям киби бешак ва занн.
Ондин этиб неча замонлар мурур,
Дойир ўлуб неча сунину шуҳур.
Ҳосил этиб Ақл камоли ривож,
Бўлди сазовори онинг тахту тож.
Ул чоғ эшитти они Мағриб замин,
Аҳлигадур зулм била куфру дин.
Отасидин изн олибон ул далир,
Якка-у танҳо бориб ондоқни шер.
Кишвари Мағриб сори қилди нузул,
Қилди неким бор эди ул бул-фузул.
Куфру залолат элини қатли ом —
Эттию дин мулкига берди низом.
Бузди неким бор эди дайру куништ,
Айлади ул кишвари боғи биҳишт.
Ҳар на савомеъ эди асном учун,
Қилди масожид они ислом учун.
Бўйла кўруб мағриб эли расму роҳ,
Бўлди онинг бори диёнатпаноҳ.
Хавзаи ҳукмига кириб ул диёр,
Билдилар ул хайл они шаҳриёр.
Токи бу чоғ соҳиби эъзоз эди,
Олам эли ичра сарафроз эди.
Эткон эмишсан они зору низор,
Банди бало ичра гирифтору хор.
Бийниш элига бу равиш хўб эмас,

Дониш эли оллида марғуб эмас.
Кимки эрур зоти мажийбу асил,
Яхши эмас айламоқ они залил.
Лозим эди бермоқ онга тахту жоқ,
Недин эрур маскан онга тахти чоқ?
Ушбу сўзим хизмати волоға арз —
Айламоқим, англадим ўзумга фарз.
Чунки биров англаса роҳи савоб,
Демаса лозим онга бўлғай итоб.
Мундин эрур келмоқим, эй шаҳриёр,
Радду қабулингда санго ихтиёр.
Меҳри диловар доғи чекти хуруш,
Деди:— Бу сўз ҳақ дурур, эй шоҳи хуш.
Ман доғи бў сўзга эрурман гувоҳ,
Йўқ манго бу қиссада бир иштибоҳ.
Руҳ ила Сарким эдилар майгусор,
Ман эдим ул мажлисаро косадор.
Ақл таваллуд доғи топган замон,
Доясидек эрдим онга меҳрибон.
Ҳимматинг ҳар қовли масаддиқ эрур,
Нақли онинг борча муҳаққиқ эрур.
Ишқ бу сўзларни эшитти тамом,
Кўрди дилкаш эди асру паём.
Билди яқин Ақл дегон тожвар,
Узига қардош экону тожсар.
Иккиси бир буржнинг экан ахтари,
Иккиси бир дуржнинг экан гавҳари.
Этти бу ишларга пушаймон баса,
Қолди фалак ишига ҳайрон баса.
Ҳукми ҳумоюн онга бўлди равон.
Келтурунг Ақли, деди, кишварситон.
Ҳар неки ул шоҳга фармон эди,
Кетти алар вожибул изъон эди.
Келди олиб ҳайрли ситамгар они,
Кўрди ўшул соҳиби афсар они.
Аслу насаб бирла онинг кишварин —
Билмоқ учун афсарину гавҳарин.
Сўрди сўзин Ишқ муалло мақом,
Ҳар неки Ҳиммат деди, деди тамом.
Меҳр-муҳаббат қилибон шахга жў.
Дард била чекти фиғону хуруш.
Олди қучоғига они шаҳриёр,
Бир-бирини айлади бўсу канор.

Сўрушубон ёна ики файласуф,
Бир-бирининг ҳолига топти вуқуф.
Дурру гуҳарлар этиб исор анго,
Деди неким бор эди асрор анго.
Шаръи саройнаро соҳиб ривож —
Айлади ул соҳиби авранги тож.
Атласу дебодин этиб хилъатин,
Қилди фузун зийнатину шавкатин.
Лаълу гуҳардин берибон онга тож,
Этти онинг масканини тахти ож.
Уғлидин онга яна берди хабар,
Деди:— сандур санго нури басар,
Они доғи мулки Бадан узра хон —
Айлагомен,— деди шаҳи ҳукмрон.
Бўйла башоратлар ила этти шод,
Ақлни ул Ишқи муалло ниҳод.
Ёна они қилди вазоратпаноҳ,
Узига ул шоҳи фалак жойгоҳ.
Бўлди ўшул сарвари осиф замир,
Шаҳга ҳама ҳоли вакилу вазир.
Тигу қалам бўлди муяссар анго,
Баҳр ила бар бўлди мусаххар анго.
Тигу қалам аҳлини қилди азиз,
Ақлким ул бор эди осиф тамиз.
Этти раъиятга риоё доғи,
Амну амон алга атоё доғи.
Мазраъи амниятаро хосу ом —
Топти рафоҳийят ҳусулин давом,
Бўлди қилиб адли суйи баҳравар,
Заръи онинг диққатаро айни зар.
Аҳли ҳунар қадрини қилди баланд,
Этти инод аҳлини хору нажанд.
Кимса риёсатғаки даркор эди,
Кимки сиёсатға сазовор эди.
Ҳар кишининг лойиқини бедариф —
Этти бериб, бирга қалам, бирга тиг.
Бўлди фароғатда вазиъу шариф,
Бистари роҳатда қавию заиф.
Даҳр мизож топибон эътидол,
Бўлди анго гул киби зебо жамол.
Бўлди булар қасри фароғатда шод,
Меднатни зиндонро қолди Фуод.
Ё раб, этиб Сабр ила Ҳимматни ёр,

Ишқ жанобида манго бер қарор.
 Ҳиммат агар бўлмас эса доварим,
 Ақл ила дил бўлмадилар ёварим.
 Соқий, олиб кел манго ҳиммат майин,
 Қуйма кўнгил жомига миннат майин.
 Ҳиммат ила бўлмас эсанг дастгир,
 Чоҳи бало ичра эрурман асир.

Байзойи оламаройи адлу дод раъйи била маснади подшоҳийда мукаррам бўлуб ва чеҳраи мамлакатни айни адл била гул киби шодоб хуррам қилғонида шаҳриёри Ишқнинг Ҳиммати сипаҳдорни бош этиб ва Саъри фала иқтидорни ва ғайрати солорни диёри Сагсорга ва ул қавми куффорга Фуоди гирифтор учун борғоли амр вожибил-иттибоъ ва ҳукми жаҳон матоъи содир бўлғони, Ишқи Сотнъил Бурҳондин ҳиммат олийшондин бу ҳукми ҳумоюнни эшиткоч, «имтисолан лил-амр ис-султоний ва инқиёдан лиҳукмил — хоқоний ано отийкабиҳи қабла ва тақувма мақомака», деб лашкари гардунғубор ва аскари анжумшумор торгони, Фориқай соҳирни ўтга ташлаб ва Рақибни кофирни кўр этиб, чоҳга ташлағони. Таблбози нусратсоз овоз қоқиб, зоғу зағандек жамъиятларин паришон эткони Панжаи шоҳбози ажал била сийналарин чеқ этиб ва муҳлаби уқоби жон шикорга қоптуруб, аларни ҳалок қилғони, ул тоифаи фужжори бадкирдорнинг ҳисорин тўфанг ва занбураки такрик сойиқа боридин шохсори хазо киби бебаргу бор эткони ва Суҳоби ғубори фитнабордин ёққан тийри борон Қалъаи Ҳижронни жуйбор эткони ва Ҳиммати солор тахтдордин Фуоди зорни олиб, ўз қўшунига келтурғони. Шаҳри Ҳижронни нобуд этиб, балки оташи ҳасрат била пурдуд этиб ва Чоҳи хирмонга Рақибни солиб, масдуд этиб, «иннал-мулука изо даҳалув фийқарятен афсатувҳо» маънисини ифшо этконининг ва жангу жадал қилғонининг ҳангомасининг номаси:

Дашти фалак саҳни уза субҳи дам,
 Чекти чу Ҳиммат била заррин алам.
 Фориқай тунни ёқиб ўтаро,
 Елга бериб қилди вужудин ҳабо.
 Деви фалак нахси асар юлдузин,
 Уйди онингдекки Рақибин кўзин.
 Балки кўруб ҳашмату шавкат анго,
 Юзланибон хавф ила даҳшат анго.

Чарх этокидин тўқубон тошини,
Ерга оқизди кўзининг ёшини.
Аҳли дилинг холиға ҳаргиз ситам—
Этмасига айлади ифшо қасам.
Субҳ кулуб қилди бу сўз боварин
Очти, ўқур майлига гул дафтарин.
Нозикун мавзун эди мазмун анго,
Бўйла ёзилмиш эди афсун анго:
Кимки эрур одам аё муҳтарам,
Билгил онга бирдам эрур муғтанам.
Фурсати ишратдуру фасли баҳор,
Мавсими гул вақти хушу лолазор.
Кимки бу бир дамари ичмас мудом,
Қайди ҳаёт ўлғусидур онга дом.
Бўйла замон Ишқи фалак иқтидор,
Деди боқиб Ҳиммата:— Эй тождор,
Аршила курси сангодур сайдгоҳ,
Зотинг эрур мулки Ҳидоятга шоҳ.
Сайди раҳинг шаҳпари анқо эрур,
Хоки даринг чархи муалло эрур.
Ақлга гар етмаса сандин мадад,
Чеккусидур қайди миҳан то абад.
Зотинга чун топти алар ихтисос,
Топғусидур банд балодин халос.
Сандин эрур Ақлга фавзу нажот,
Дилга доғи сандин умиди ҳаёт.
Бил муни жазм эмди Рақибни муҳиб,
Зоҳир этиб ҳила-у макру фариб.
Шоҳ Фуоди тутуб ул нобакор,
Қилғон эмиш қайд ила банд ичра хор.
Этмоқ учун даҳраро зоҳир фасод,
Бизга доғи этмас эмиш инқиёд.
Бор эмиш ул мойили жангу жадал,
Тийра жабин эрмиш онингдек зухал.
Шиквамиз этмоқ эмиш ул девидун,
Онгламиш ул бизни ўзидин забун.
Бор доғи, қил мулку диёрин хароб,
Лашкару кишвар, йўқу борин хароб.
Ишқ сўзин қилди бу ерда тамом,
Хизмат учун айлади Ҳиммат қиём.
Фотиҳа ҳосил этибон шоҳдин,
Чиқти ўшул қасри фалак жоҳдин.
Тарк этибон савти сафири сарир,

Чектурубон санж ила ною нафир.
Жамъ этибон лашкари нусрат ливо,
Юрди онинг устига андоқ сабо.
Лашкарига йўқ эди ҳаргиз шумор,
Топмас эди онинг ҳисобин ғубор.
Ондин эди ул эл уза заррасон,
Мақсад онга билмоқ эди элга сон,
Очголи афлок ила анжум кўзин,
Кўрмай эди ўйла суворинг тузин.
Дашт эди кўчмоқ била баҳри равон.
Баҳр эди ичмоқдин ул эл даштсон.
Тўрт юзу қирқ, доғи беш алам,
Тобеъи Ҳиммат эди бе нуқсу кам.
Ғайрат ила Сабр бўлуб пешжанг,
Қилмас эди йўлда замони даранг.
Ғайрати сафларни ҳам Ишқи далир,
Берди онга этмоқ учун дору гир.
Бўйла чекар кўкка Қарохон алам,
Мулки сухан фатҳига яъни қалам.
Чекти ливо Ҳиммати заррина тож,
Бир ёнида ҳиммат Ғайрати соҳиб ривож.
Бир ёнида Сабри диловар юруб,
Изи била лашкари сафдар юруб.
Бўйла этиб қатъи йўл ул шахриёр,
Чиқти дами Фориқани нобакор.
Шоҳи Фуоди ўзига мултафит,
Кўрмай ул ит қилмоқ учун тит-тит.
Кўргони оллийда қуруб эрди дор,
Шоҳи Назарни кетуруб хору зор.
Бошдин оёқ банд ила занжир ила,
Қайд этибон мак ила, тазвир ила.
Ҳар соридин жониға бир деви дад,
Хори тилин санчар эди беадад.
Ҳар бириси онга бериб бир сазо,
Тортар эди барча мухалиф наво.
Аввал осиб дорға, сўнг ёқмоғин,
Гулни бериб елга, суға оқмоғин.
Ҳукм этибон Фориқани жодивон,
Бор эди курсий уза дўзах нишон.
Шоҳи Фуод онда бу минвол ила,
Кўрди ўзин бўйла қотиф ҳол ила.
Дарғаҳи изадға этиб иттико,
Айлар эди онга бу янглиғ даво.

Ё раб, ўшул Ҳиммати воло ҳақи,
 Роҳи муҳаббат доғи шайдо ҳақи.
 Гарди раҳинг била кўзум равшан эт,
 Кўнглими ул гард била гулшан эт,
 Аҳмад мухтораки бердинг висол —
 Ҳурматидин онинг аё зул-жалол.
 Васли нигоримни манго қил насиб,
 Гулшанида айла мани андалиб .
 Йўқ эди бечораға жондин хабар,
 Ғайри дуо яхши ямондин хабар.
 Зикри ўлар ҳолида жонон эди,
 Фикри онинг сиҳҳати имон эди.
 Кимки худо дарғаҳидин ноумид,
 Бўлмас анго, бўлғуси шайдо умид.
 Тахти залолат уза ул баднажод,
 Ултурубон сўрди бу янглиғ фасод.
 Аввал этиб дор уза сангсор они,
 Сўнгра қилинг шуълааро хор они.
 Бўлди танаффури била мандин жудо.
 Айланг они дор уйига кадхудо.
 Онда тамошоға Рақибни дағал.
 Тахти зуҳал ичра эди чун ажал.
 Ўқ ила ё бор эди фармон анго,
 Қилмоқ учун тийрни борон анго.
 Тош ила ул бири кўкартиб ниҳол,
 Бирига сув тиг ила бермоқ хаёл.
 Ўт ёқиб ул дашт уза намрудвор,
 Этмоқ учун ул ўтаро они хор,
 Фурқат эли эрди бу анжом ила,
 Бўлмас эди шуъладек ором ила.
 Бўйла сиёсат эди ҳар ён аён,
 Билмас эди биррини ул нотавон.
 Зикри онинг ёр эдию фикри ёр,
 Эрди адам ғайри онинг неки бор.
 Бўлди чу омода тамомий йироқ,
 Осмоқ учун қилди ул эл тумтароқ.
 Бўлди асар чоғда они ногаҳон,
 Дашт уза бир гарди назардий аён—
 Ким, тўзи тутмиш эди олам юзин,
 Балки ети торами аъзам юзин.
 Икки бўлак қилди ғуборин ҳаво,
 Бўлди намоён неча заррин ливо.
 Ҳар бирининг остида бир нарра шер,

Кукрар эди кўк асадидек далир.
Оллида бир Хисрави Рустам нишон,
Ҳайбатидин кукрар эди осмон.
Бўлди аён эл кўзига ул савор,
Дема савор, дегил они тождор.
Содмоқ учун аксини шўри шаъаб,
Тўрт тарафи ойинаи чор қаб.
Кўрмой они деб зиреҳ айлаб ҳарос,
Юммоқ ила тўймиш эди кўзни пос.
Рахт отиға борча муталло эди,
Худу совут онга мужалло эди.
Хуни адувдин эди ул сурхрў,
Ҳазми дилидин қаророқ онга мў.
Абр киби оти онинг терга ғарқ,
Шабҳ тунеги эди раъду барқ.
Бир қўлида тутмиш инонин аён,
Дейки қўли ичра инони жаҳон.
Бир қўлида эрди синон аждарий,
Ели яна ўқ йилонининг парий.
Савлатидин дашт била қўҳсор,
Сув бўлубон бор эди сиймобвор.
Чекти келиб наъраи пур ғулғула,
Тўлди фалак даштиаро вал-вала.
Урди ўзин лашкари фаттонро,
Тушти бир ўт ҳайли найстонро.
Сар-сар онга эрди ҳаводору ёр,
Чиқти фалак устиға дуду бухор.
Ҳайли ғаним ичра чу ғарранда шер,
Қилди аён ул эларо дору гир.
Айлар эди қаҳр ила ҳар ён ситез,
Солмиш эди ҳасм элига растхез.
Изи билан лашкари гардун ғубор,
Айладилар ҳасмға оламни тор.
Ҳар бири бир наъра чекиб «ҳой» ила,
Солди жаҳон мулкиаро зилзила.
Борчалари лашкари Сагсораро,
Урди ўзин бир йўли оқу қаро.
Ҳар соридин наъраи ўлди паид,
Марг қариб ўлди, тириклик баъид.
Бўлди аён дашт уза бир гийру дор,
Гард била хонаи дор ўлди тор.
Зоҳир этиб аҳли мавокиб ғарив,
Гурриш этиб ҳайли марокиб чу дев.

Қилди аён икки тараф дору гир,
 Бўлди жаҳон қон ила бир обгир.
 Икки тарафдин қоқилиб табли жанг,
 Бўлди фалак даҳшатидин лол данг.
 Бир қўтос ила ситури савор,
 Ерни, кўкни айладилар пардадор.
 Тийр чекиб икки тарафдин ғарив,
 Дейки ҳаво эрди тўла нарра дев.
 Тиг дамидин бўлубон марг пош,
 Охтарибон топмас эди танни бош.
 Найзаларнинг ҳар бири шаъбон эди,
 Сеҳр била ҳар сори печон эди.
 Ут қилибон оғзидин ифшо тўфанг,
 Этмиш эди дашт юзин шуъларанг.
 Аҳли жадал ҳолини онглаб забун,
 Дийдадин оқизди зиреҳ ашки хун.
 Ҳар соридин нола била оҳ эди,
 Бисмил иши ғурриши жонгоҳ эди.
 Миғфир ўлуб дашт уза андоқ кашф,
 Этмиш эди қум қопибон ҳар тараф.
 Қуллик эди онда чу нови нигун,
 Нов неким, бор эди ул наҳри хун.
 Бўйла замон Ҳиммати воло ниҳод,
 Етти ўшул ергоки шоҳи Фуод—
 Ултурубон хонаи дор ичра хор,
 Изади бечунға этар эрди зор.
 Қўл кўтариб жонидин ул номурод,
 Айлаб эди яъни дуоға кушод.
 Кўрди Назар ҳам эди шаҳ бирла банд,
 Иккиси ҳам бирдек эди мустаманд.
 Чопти алар банд ила борин доғи,
 Олди Назарни яна борин доғи.
 Олғоч ўзи сайдини бўлди равон,
 Уз қўшунни сорига ул паҳлавон.
 Кимки онга бўлди дамий садди роҳ,
 Масканини қилди онинг тийра чоҳ.
 Сабр чекиб лашкараро тиги тез,
 Айлар эди ҳар ёна андоқ ситез.
 Шуъла Найистонаро қилғай гузор,
 Сар-сари офат ўлубон онга ёр.
 Хуллас этай сўзники ул тезжанг,
 Ғурриш этиб ўйлаки жанги наҳанг.
 Қилди ул эл давлату бахтин нигун,

Туғи киби тахтини ҳам сарнигун.
 Бўлди саросима Рақиб палид,
 Чеҳра онга қўрқув била шанбалид.
 Кўрди ўзи сориға етти шикаст,
 Ул тарафий эрди баса жабрдаст.
 Деди хазиматга:—Ғанимат бу дам,
 Бошим агар қолса саломат, на кам?
 Қочмоқиға қўйди юз истаб камин,
 Сабр етиб онда чу шерн гарин.
 Тутти камар бандидин, отдин жудо —
 Айлади, урди они туфроқаро.
 Банд этибон илкини бўлди равон,
 Ҳимматинг оллийға келтурди давон.
 Дедикн:— Эй сарвари ҳайли шакиб,
 Бу сағ эрурким, дер они эл Рақиб.
 Шоҳу гадо кўргоч они бўлди шод.
 Фориқадин айладилар доғи ёд.
 Қочғон экан хавф ила ул песа тан,
 Қилғон экан гўшаи гулхан ватан.
 Ғайрат они охторибон кў-бакў,
 Айлар эди ҳар сориға жустужў.
 Топти они ногаҳ ўшул комёб,
 Судраб аёғидин онинг чун гулоб.
 Ҳиммати воло ўнгига келтуруб,
 Урди они ерга, ўзи бош уруб.
 Дедикн:— Эй шоҳи муборак қадам,
 Кўнглингаро етмасун осибн ғам.
 Ушбу эрур Фориқаи бадгумон,
 Давлатинг этмишдур они кулбасон.
 Кўргоч они Ҳиммати воло ниҳод,
 Деди:— На қилди санго шоҳи Фуод?
 Банди бало ичра қилиб хору зор,
 Жонин хазин этинггу жисмин фиғор.
 Недин эрур мунча сиёсат анго,
 Йўқму эди қўйса фаросат анго?
 Фориқа ўз журми сори эътироф —
 Айладию истади шаҳдин муоф.
 Тавбаси бор эрди, онинг вақти пос,
 Бўлмади мақбул чу имони нос.
 Шуълаким ул ўт уза ийқод эди,
 Фориқанинг амриға мунқод эди.
 Илкин аёғин этибон банду тафт,
 Устига қуйдурди онинг ёғи нафт.

Қилдилар ул ўт уза дўзахнишин,
 Деди: — «Қазо кона минал-кофирийн».
 Жисми ҳасиси куюб ондоқ ўтун,
 Чиқти фалак устига ўту тутун.
 Кимки биров қасдиға ўтни ёқар,
 Чарх они ул ўт уза охир ёқар.
 Ранжу ситам тухмини экса бирав,
 Урғусидур ҳам они вақти дарав.
 Деди Рақиб итга яна шоҳи дин:
 — Недин эрур мунлара бу қаҳру кийн?
 Деди ўшул девнасаб, нажси асл:
 — Манда эди банд раҳи боғи васл.
 Деб эди, Ғайрат мангоким, бохабар —
 Бўл, бу тараф берма кишига гузар.
 Ман этибон амридин онинг ҳарос,
 Тутмиш эдим гулшани дийдори пос.
 Шоҳи Фуодий тонимай бўйла хор,
 Айладиму, билмадим, эй тождор.
 Сан киби бор эркон ҳимоят анго,
 Бузруг экон ҳашмату шавкат анго,
 Халқи жаҳон мутталиъ огоҳ эмас,
 Тонимоғон сийламаса айб эмас,
 Эмди онинг сори этой инқиёд,
 Неки буюрса бўлой ул бирла шод.
 Улса Рақиб икки юз ила тўкуз,
 Тонг эмас ул юз ангодур икки юз,
 Охир от ўлди онга чун доғи бо,—
 Охир этар иккилик ул бадлиқо,
 Гарчи адув кўргузур айни видод,
 Икки лекин охир этар бўлма шод.
 Дўст агарчи икки юзлик эрур,
 Олти жиҳатдин онга тузлик эрур.
 Душман агар пардасидин чиқса фош,
 Бўлди суман, яъни дегил таб тарош.
 Хуллас этай қайдаки кўрсанг хусуд,
 Кесмогуча бошин онинг қайда суд?
 Ҳиммат этиб ушбу равишни хаёл,
 Билди эрур ёлғон анга қийли қол,
 Деди: — Уюнг бу дағали дун кўзин,
 Уйди кўзин тингламай оннинг сўзин,
 Солди они ул Чаҳи Хирмонаро,
 Улгуча меҳнат била афғонаро.
 Кимки қозар йиқмоқ учун элни чоҳ,

Узи бўлур чоҳаро ногаҳ табоҳ.
 Ушбу масал бордурур эл ичра фош,
 Зоҳири равшан эрур андоқ қуёш.
 Кимки қозар оқибат ул тушгуси,
 Кимки ёқар охир ўшул пишгуси.
 Ул ёқибон ўтаро бўлди ҳариқ,
 Бу қозибон чоҳаро бўлди ғариқ.
 Устини қир бирла этиб устувор,
 Қўйдилар ул чоҳаро заҳҳоквор.
 Ут урубон Қалъаи Ҳижронаро,
 Айладилар даҳр юзини қаро.
 Қалъаи Сагсора доғи қўйди сув,
 Қаҳр ўтиға ўртабон ул тундхў.
 Бўйла эрур гардиши давр, эй рафиқ,
 Гоҳ ҳариқ айлару гоҳи ғариқ.
 Бўлди бу ишларга саранжом кор,
 Коми била бўлди онинг рўзғор.
 Журм эликим эрди паришону асар,
 Раҳм бори топти онинг мухтасар.
 Топти зафар Ҳиммати воло гуҳар,
 Бўлди фароғатда Фуоду Назар.
 Ё раб, ўшул исмати покинг ҳақи,
 Дард ила йўлинг, доғи хокинг ҳақи,
 Лутф ила ағёр элидин бер нажот,
 Жонға етур ёр лабидин ҳаёт.
 Соқий, олиб кел манго жон муждасин,
 Жон ила бер руҳи равон муждасин.
 Лутф ила кўргуз манго йўл жон сори,
 Азм этайин ман доғи жонон сори.

Меҳру шужоъ синони шуоъ кўлга олиб, чашми ахтар-
 ни Рақибни кофир дийдан зулмат дийдасидек кўр этконида
 ва ағёри бадкор тун била кори зор этиб, балки онинг ко-
 рин зор этиб, мажҳур ва мақҳур қилғонида зарроти жаҳон
 бу хабари муҳаббат асарни истимоъ этиб ва жадди самоъ
 била ҳар тарафга мужда талаб бўлганида Ҳиммати сардор
 била Фуоди комкорнинг қатли Рақибни итмомға еткуруб,
 васли ҳабибга иқдом кўргузмок учун ганимати фаровон ва
 ҳашамати бепоён била махмил боғлаб, сурайёвор манзил
 ба манзил меҳру мах киби мустаъжил бўлуб, диёри ёр ва
 шаҳри диёрға озим бўлғонининг гуфтигўйи ва бирида
 умид била навиди мустафид юбормоққа жозим бўлғони-
 нинг такопўйи; ул навоий руҳафзо ва муждан дилкушони

эшитиб, умаройи Хусни парий рухсор саҳми саодат ва фарри давлат била қоршу келгони ва вузаройи Ишқи жаҳондор шавкат ва ҳашамат била истиқбол этиб, анвоъи таъзим ва ижлолни баркамол эткони ва бу тақрим билан Фуоди каримни Қалъаи Дийдорға келтургонлари, Вафобону гулзорида наҳри ошноий канорига қўндургонлари, ҳар ким мақомида мудом уд билан мунтазири аъми мавъуд бўлгонининг баъни:

Берди саҳар меҳрдин элга навид,
Ёруди даҳр аҳлиға чашми умид.
Хатти шуоъий била олгун ливо —
Чекти чу кўҳсор уза ҳавар худо.
Лашкари шомий топибон қатли ом,
Рум элига етти ривожи низом.
Они кўруб зарралар ўлди давон,
Мужда талаб бўлди улусдин равон.
Қилди жаҳон аҳлини шодону шод,
Мужда била ўйлаки шоҳи Фуод.
Бўйла авон ҳиммати волоғуҳар,
Қўйди қуёшдек бошиға тожи зар.
Ҳар неки агёра ҳазоин эди,
Фориқаға неки дафойин эди.
Бўлди жаҳон аҳли уза зарфишон,
Разм элининг бошиға гавҳарфишон.
Ёки рақибга эди молу манол,
Борчаға яғмо деди ул хуш мақол.
Лашкарига айлади тазйин баса,
Боғлади ул эларо ойин баса.
Ҳар киши кўшиш чоғиким кор-зор —
Этмиш эди, қилди баланд иқтидор.
Лашкарига бўлди мурассаъ либос,
Қилди бори хайлни олий асос.
Ҳар кишиким бор эди ул ранжкаш
Улғоч онинг борисиға ганжбахш,
Борди Фуод оллиға ул хуш мизож,
Деди анга:— Эй шаҳи волоривож!
Давлату иқбол ўлубон ёваринг,
Бўлди жаҳон борчаси фармонбаринг.
Ҳар на талабким санго бордур мурод,
Этгусидур амринга ул инқиёд.
Халқ томошоси била шод бўл,
Кулфат ила қайғудин озод бўл!

Хотиринг ар айласа сўзим қабул,
 Роҳий этай Ишқ сориға расул.
 Борсун онга доғи севинчи тироз,
 Бўлмоқ ила қилсун они сарфароз.
 Ҳуснға ҳам бир киши ирсол этой,
 Сўзинг ила кўнглуми хушхол этой.
 Чунки хабар йўлигадур интизор,
 Ҳасрату армон биладур дилфигор.
 Фатҳ сўзидин етиб онга футуҳ,
 Чеккусидур баст билан шадди руҳ.
 Ақл сори доғи юборгум барид,
 Зоҳир этиб онга дилосо навид.
 Сандин онга соғлиқ-эсонлик сўзин —
 Десуну қилсун онинг ойдин кўзин.
 Бўйла дегоч ҳиммати донишпазир,
 Айлади тафвиз ўзига ул амир.
 Дедики:— Сандин эрур ҳар обрў,
 Айлагил они не эса орзу.
 Хотирингга бор эса ҳар бир маром,
 Бор эрур ул, онгла, яқин, бизга ком.
 Бўйла дегоч ул шаҳи равшан замир,
 Шод ўлубон Ҳиммати соҳиб сарир.
 Ҳар сориға айлади элчи равон,
 Кетти алар ўйлаки боди вазон.
 Ўзи Фуод ила бўлуб шодком,
 Толеъи феруз ила қилди хиром.
 Етти хабар Ишқи жаҳондора ҳам.
 Ҳусн сори Қалъаи дийдора ҳам.
 Ишқ била Ҳусн бўлуб шодком,
 Бўлди алар кўнглига қайғу ҳаром.
 Ақл бу сўзларни этиб истимоъ,
 Бор эди девонаи дашти самоъ.
 Бу учови демаки ховар замин,
 Аҳли бори топти кулоҳу нигин.
 Меҳри диловарға деди шоҳи Ишқ:
 — Бор эди ул маҳрама даргоҳи ишқ.
 Шоҳи Фуод оллиға чиқғил равон,
 Қилғил онинг қадрини хуршидсон.
 Борча акобир била аёну бор,
 Ўзларига билсун они шаҳриёр.
 Боғи вафоға они меҳмон этинг,
 Ғунча киби кўнглини хандон этинг,
 Боргунча биз Боғи вафо ичра шод —

Бўлсун ўшул меваи нахли мурод.
 Ман доғи онда борибон комкор —
 Айлагоман они баланд иқтидор.
 Бўйла дегоч Меҳр этибон инқиёд,
 Бўлди пазиро бори волониҳод.
 Ҳусн доғи чунки эшитти хабар,
 Шавқи жаҳон сўзга солди назар.
 Доғи Вафобонуға қилди нигоҳ,
 Дедики: — Эй зийнати тахту қулоҳ!
 Жумла парий чеҳра билан ҳаминон —
 Роҳий ўлунг шоҳ сорига равон.
 Ишва, карашма доғи Ону лиқо,
 Ғамза-у Шева яна Нозу Адо.
 Қомату ҳам Жилваи соқий равон —
 Бўлсун алар ҳожиби абру камон.
 Гисуйи айёру Табассум доғи,
 Борсун ўшулу Хол, Такаллум доғи.
 Бўйла дегоч бош уруб оқу қаро —
 Тутти неким бор эди фармон раво.
 Таййи манозил қилибон моҳлар,
 Қатъи мароҳил этибон шоҳлар.
 Еттилар ул ергаки шоҳи Фуод —
 Лашкарига бўлди намоён савод.
 Шоҳи Фуод ҳиммат ила ҳаминон —
 Эрдик, ул эл ҳам онга ногаҳон.
 Бўлди намоён чу онинг ҳар бири,
 Бахту тажаммулнинг эди мазҳари.
 Қомати зебойи қиёмат шиор,
 Гул киби хилъат билан гулгун савор.
 Сарви равон ҳайлиға сардор эди,
 Лашкари ҳусн ичра аламдор эди.
 Нози Вафо соғи била сўлида,
 Ҳамқадаму ҳамдам эди йўлида.
 От ила тўн бу икига оқ эди,
 Иккиси ҳам сарвари офоқ эди.
 Жилваи соқий бор эди пешрав,
 Элтиб эди сарви равондин ғарав.
 Сарвари сархил паризод эди,
 Гул киби хушсарвдек озод эди.
 Бор эди гисунинг асоси қаро,
 Оти қаро, доғи либоси қаро.
 Илкига олмиш эди мушкин каманд,
 Чин кийикин этмоқ учун қайду банд.

Холу либосу оти майгун эди,
Онга доғи ўзгача қонун эди.
Лаъб била зоҳир этиб шўру шар,
Бор эди ул фитнаи давру қамар.
Ғамза доғи бор эди аблақ савор,
Ўйлаки Рустам эди вақти шикор.
Ишва либосики эди оташин,
Ондин эди ўтаро дунё-у дин.
Оти сочиб ҳар сори гулгун ғубор,
Даштаро ел ўтдин онингдек шарор.
Шева била шоҳи Карашма паноҳ,
Кисват ул иккига сафиду сиёҳ.
Ой ила кун эрди ул икки магар,
Кўз керок эрди онга солғай назар.
Шоҳи Адоким эди ширин мақол,
Лавни либоси эди сандал мисол.
Акси била ер-кўк ўлуб лолагун,
Кўрмокидин даҳринг эди ашки хун.
Масти майи ноби Табассум доғи,
Сархуш эди шоҳи Такаллум доғи.
Ҳожиб алар оллида човушзор,
Қўймас эди келголи ул ён ғубор.
Манъ ила дафъиға бўлуб ул мушир,
Олмиш эди қўлга синон бирла тийр.
Ена эди ҳар тараф овози най,
Бўйла қилур эрди ул эл йўлни тай.
Кўрди Фуод онлари бу зийнаро,
Борча кўрунди кўзига ошно.
Ондаки ул базм ила ойин эди,
Ҳусни парирўйға тазйин эди.
Борғонидин онда Фуоди ҳазин,
Бу эл эди Ҳусн била ҳамнишин.
Ул кечани туш билиб ул мустаманд,
Бор эди таъбири билан баҳраманд.
Еринг ила топғунг эрур иттисол,
Деб эди таъбирида онинг Хаёл.
Неким ўшул уйқуаро бўлди туш,
Бўлди у ёғлиқда онга борча туш.
Ҳар неки тушда кўруб эрди тамом,
Бўлди намоён онга ул хосу ом.
Ҳар киши иқболиқи ҳомий ўлур,
Хоб ила бедори мусовий ўлур.
Кўрса агар уйқуда дийдори ёр,

Бўлғуси уйғонса ҳам ул ошкор.
 Бўйла ёқар сўз ҳарами ичра шамъ,
 Улки қилур сафҳа уза сўзни жамъ.
 Хусн элига мундоқ ўлур кару фар,
 Ҳар бирида бор эди минг шўру шар.
 Ёна тарафдин юрубон хайли Ишқ,
 Сафдари солори диёри Дамишқ.
 Яъни ўшул Меҳри диловар юруб,
 Онинг ила лашкари ховар юруб.
 Шоҳи Фуод оллида бу икки жамъ,
 Тожи мурассаъ била андоқки шамъ.
 Сўзу гудоз икки вазири эди,
 Ҳар бири бир шамъ назирини эди.
 Ҳамраҳ эди онга Муҳаббат доғи,
 Зеби физо шоҳи Маваддат доғи.
 Ёна пазиро бўлубон Иштиёқ,
 Етти юруб онда бори бенифоқ.
 Зийнликиндин тушубон ашкбор,
 Айладилар тилларини шуълавор.
 Яъни дуо сорига тортиб забон,
 Этти ул эл мидҳати шаҳни баён.
 Икки тарафдин онга дилкаш паём —
 Еткурубон, сўнгра дедилар салом.
 Мужда насими била ҳар гўши дил —
 Гул киби очилди, бўлуб ғам гил.
 Мужда расонлар деди андоқ навид,
 Кўз-қулоқ ўлмоқлиғи ўлди паид.
 Кўргузубон шаҳ доғи лутфи мақол,
 Кайфияти ҳолидин этти савол,
 Ҳар биридин ўзгача пурсишни шох —
 Қилдики, бор эрди баче табъхоҳ.
 Қомати, саркашга деди:— Эй ниҳол,
 Тозамудур баргу баринг моҳу сол?
 Жилваи соқийга боқиб, чекма ранж,
 Йўл юрубон, деди шаҳи нуктасанж.
 Зулфи паришонлиғи аҳволини,
 Сўрди сияҳкорлиғи ҳолини.
 Холдин ул тийралигига сабаб —
 Сўрди, яна шоҳи муалло лақаб.
 Деди лиқоға боқиб ул хуш мақол,
 Йўл юругондин санго гарди малол.
 Ойнаи хотиринга етмагой,
 Занги ғам изад санго кўрсатмагой.

Деди Табассумгаки, тортиб садо—
 Қилмағосен лаъли равонға видоъ,
 Шавқға ул соҳиби фармон деди:
 «Топма малол этгуча бирён»,— деди.
 Сўрди Такаллумдин ўшул комжў,
 Яъники ширинму санго гуфтугў.
 Деди Вафобонуға аҳди қадим —
 Борму амон табъингаро мустақим.
 Гамзаға деди шаҳи фархунда фол,
 Қон тўқубон топтиму хотир малол,
 Онға деди қад била қошинг амон —
 Борму, аё дилбари номехрибон.
 Ишва кўзин сурдию Шева лабин,
 Нозу Адонинг сўрубон ғабгабин.
 Меҳрни ҳам сўрмоқ ила сарфароз,
 Меҳр киби айлади шоҳи тироз.
 Сўрди яна Сўзу Гудоз ҳолини,
 Доғи Муҳаббат дили аҳволини.
 Пурсиш этиб доғи Дили иштиёқ —
 Айлади шод они маводдат вифоқ.
 Соғлик-эсонликларини сар-басар —
 Билди, сўруб шоҳи муалло сияр,
 Сўнгра деди:— Отланинг эмди равон,
 Сўзлашолинг йўлда бўлуб ҳаминон.
 Изни била отлониб ул эл тўқуз,
 Каъбаи мақсад сориға тутти юз.
 Завқ ила суҳбатға бўлуб ҳаминон,
 Еттилар ондаки эди мулки жон.
 Яъни Вафобонунинг ул гулшани —
 Бўлди намоёнки эди жон тани.
 Васфиаро сўрмадим ондин қалам,
 Деб эдим ул гулшани гулзор ҳам.
 Айласанг ул гулшани кўрмоқ ҳавас,
 Ёздим они сафҳаға бир хору хас.
 Кўрки, Нишотий қалами гулфишон,
 Онда бўлубтур доғи сунбулфишон.
 Кимки килур гул била сунбул ҳавас,
 Кўрса они бўлғусидур онга бас.
 Балки онинг бирла мунинг фарқи бор,
 Ер била кўкдек бил, эсанг ҳушёр.
 Ул кўқарур балки қаро хок уза,
 Лек будур сафҳан афлок уза.

Ондин ўлур сўз гули нозил бори,
 Ой киби давронга манозил бори.
 Улки қилур гулшани бўстонни нақш,
 Бўйла қилур сафҳаи девонни нақш.
 Тушти ул эл гулшану гулзораро,
 Бўлди фароғат била оқу қаро,
 Айш ила роҳатга бўлуб ҳамнишин.
 Гул била мулга бор эдилар қарин.
 Қўй, бўлай гулшани роҳатаро,
 Роҳ била боғи фароғатаро,
 Шахси қаламким икки тиллик эди,
 Ул ики шаҳ сўзини мундоқ деди:
 — Ишқ била Ақли фалак дастгоҳ,
 Суру сурур этколи ул икки шоҳ,
 Келмиш эди қалъаи Дийдораро,
 Даҳрға ойин бор эди ғамзудо.
 Қирқ кеча-кундузгача ҳангоми тўй,
 Деб эдилар ул икки хуш гуфтуғўй.
 Оламаро зебиши ойин эди,
 Ҳар сори юз зийнати тазйин эди.
 Эрди Хаёл роғиби ҳар хор-гул,
 Айш-сафо толиби ҳар жузв-гул.
 Мойили базм эрди фалак гардиши.
 Эрди сафо ер иши, кўк жунбиши.
 Айш ила ишрат бўлуб элга шиор,
 Ҳар ён эди базму тараб ошкор.
 Раз қизига тўй этибон хосу ом,
 Бўлмиш эди олам эли шодком.
 Баски улус бешаси ойин эди,
 Ер била кўк ҳилъати рангин эди,
 Ҳусни паричеҳра-у шоҳи Фуод.
 Иккиси ҳам бор эди шодон-шод.
 Ишрат уза ортиб алар ишрати,
 Ул икковин йўқ эди бир кулфати.
 Ғайр ҳамул вақтки мавъуд эди,
 Оталаридин онга маъҳуд эди.
 Давр ишидин бор эди мамнун иков,
 Чунки эди бир-бира мафтун иков.
 Бахту саодатни кўруб ўзга ёр —
 Қилди, алар зийнати базм ихтиёр.
 Ғайри талаб борча муҳайё эди.
 Улки йўқ эрди ғами саҳбо эди.
 Икки тараф бўлдилар ишрат гузин,

Нағмадин ўзга йўқ эди бир хазин.
 Ё раб, онинг ҳурматидинким ҳабиб —
 Айлаб отин васлини қилдинг насиб.
 Айла Нишотийға тараҳҳумки ёр —
 Гулшани васлиаро тутсун қарор.
 Соқий, олиб кел қадаҳи дилкушо,
 Айла топуқ ҳам доғи тортиб наво.
 Бер ониким ҳосил этиб инбисот,
 Зоҳир этай ўйла Нишотий нишот.

Саҳари меҳри мунаввар гули ахмар киби равзаи нилуфарда хандон бўлғонида ва машъалаи иқболи давлат, қасри шавкат ва ҳашаматда, яъни торами соҳиб рифъатда ферўзон бўлғонида Фуоднинг Ҳиммати олий ниҳод била ҳосили мурод этиб, Боғи вафо ва гулшани сафода саройи умид ва қасри ичра гул киби хандон ва шод бўлғони, Ҳусни дилнавоз ва Вафобонуйи соҳиб эъзоз ва Нози танноз ва Ғамзаи ғаммоз ва Гисуйи ғусунсоз ва Моҳлиқойи ойинапардоз ва моҳи Такаллум саҳарпардозу ва Табассуми ширинкори соҳиб эъзоз ва Меҳрбонуйи бо сўзу соз ва Қомат сардори баландпарвоз ва ул Сарви сарафроз, яъни Фуоди соҳибниёз қудумидин ғамдин озод бўлғонлари ва Ҳусни пари-пайкар чокарларига фармойиши хизмат ва суҳбат эткони, алар жону дил била қабул этиб, айтгон нуқотининг битики:

Эй, нахуш ул субҳи саодат насим,
 Накҳат онга бор эса давлат шамим.
 Баҳравар ондин бўлубон боғ-роғ,
 Даҳр элига бўлса муаттар димоғ.
 Пардаи идбори этиб бартараф,
 Ғунчаи иқболи очиб ҳар тараф.
 Қилса жаҳон саҳнини гулзорваш,
 Қолмаса ул гулшанаро хоркаш,
 Бўйла замон бахт ўлубон комкор,
 Зори агар бор эса меҳмон бор.
 Қасри нигорин қилибон жилвагоҳ,
 Кўнгли уйи бўлса онинг ийдгоҳ,
 Ёри қудумиға чекиб интизор,
 Келмокидин ҳам эса умидвор.
 Ёри мулозимлари дер чоғ навид,
 Қурби нигорин деса эрмас баъийд.
 Келмокин онглаб, этибон изтироб,
 Жонида ўт бўлса-у жисмида тоб.

Соя агар келса эшикдин равон,
Қилса қуёш они бу бедил гумон.
Бўлса онинг жониға мундоқ умид,
Келди дебон келса эшикдин навид.
Оҳ, на дейким на бўлур онга ҳол,
Демокига худ манго йўқтур маҳол.
Бўлмади бир кимсага бу бахт ёр,
Ғайри ҳамул шоҳи фалак иқтидор.
Яъни Фуод онда чу топти фароғ,
Кўз уйида ўйлаки нури қароғ,
Маскан ўлуб хонаи умид анго,
Маснад эди бистари хуршид анго.
Бор эди ул завқ ила, суҳбат била,
Ҳамдам эди айш ила, роҳат била,
Бодаи роҳат ичоридин мудом —
Эрди тавобеъ ҳам онга шодком.
Муддати айёми тўй эрди узоқ,
Они кечурмокни билиб Ҳусн шоқ.
Этмиш эди ҳукм ўшул нозанин,
Токи адо бўлғуча бу арбаъийн,
Кимки манго тобеъи сархил эрур,
Хизматим этмоққа онга майл эрур.
Кунда Фуоди бири меҳмон этиб,
Ғунча киби кўнглини хандон этиб,
Сақласун ул эл бўлубон мезбон,
Кунда биров қилсун они меҳмон.
Нақли макон қилмайин ул боғаро,
Хизматин этсунлар они жо-бажо,
Базм русуматиға лек интиқол,
Воқиб эрур этколи дафъи малол.
Токи ғами хотири мавзун сори,
Етмагай ул табъи ҳумоюн сори,
Улки эрур эларо сўзи ҳасан,
Яхши демиш, чунки сафардур ватан.
Ўлтурубон айласун оламни сайр,
Арз қилинг масжид ила онга дер,
Яъни онинг оллида ҳар хору гул,
Сўзини арз айласун ҳар жузви гул.
Қойсиға гар ҳожиби майли мушир —
Бўлди, бўлунглар онга фармонпазир.
Меҳри диловарки эрур сарфароз,
Аввал ул этсун онга бориб ниёз.
Гулшанаро айласун эъзоз анго,

Чексун они неки эса ноз анго,
Бўлса онинг хизмати чунким тамом,
Қомат онинг сориға қилсун қиём.
Бошласун ул нахли гулистон сори,
Савсану шамшоди хиёбон сори.
Ғамза доғи Наргис уза меҳмон —
Қилсун они, бўлсун ўзи мезбон,
Яъни этиб кўз уйида муҳтарам —
Айласун эъвозин онинг дам-бадам.
Гисуки бор амримизнинг чокари,
Бўлсун онинг бир кеча фармонбари.
Сунбули пурчин билан Мушкин хиём,
Тутмоқ ила қилсун ўшул қушға дом.
Жон қушини сайд этиб озоданинг,
Кўнгли қушин овласун афтоданинг.
Ҳар киши ўз лойиқича аҳтиром
Этсун онга ҳар неки бор хосу ом,
Хуллас этой Ишвау Ону Адо,
Шоҳи Шамойил яна Нозу Вафо.
Шоҳи Карашмада моҳи ҳиром,
Мири муганни-ю Хаёлу Хумом.
Жилваи соқий-ю Табассум доғи,
Сурати Зебоу Такаллоум доғи.
Ҳожиби гулшан доғи ул Холи ҳинд,
Ким эрур ул ҳокими дарёи Синд.
Кимки манго бор эса ёру надим,
Бўлсун анго бир кеча-кундуз ҳадим.
Ҳар сўз ила табъин онинг шод этинг,
Хотири вайронини сбод этинг,
Кулфату қайғусини айланг йироқ,
Бўлсун унут онга балойи фироқ.
Ҳажримаро чекти баса дарду ранж,
Васл сўзи бирла қилинг ганж санж.
Ман соридин яъни этиб гуфтугў,
Ҳар бирингиз денгки баса орзу.
Айлар ўшул дилбари сийминбаринг —
Қилмоқ учун ўзни санинг чокаринг.
Денгки фироқингға бўлуб мубтало,
Тўйнинг узоқи онга бордур азо.
Мунтазири муддати мавъуд эрур,
Оташи фурқатаро ул уд эрур.
Сандин эрур онга фузун иштиёқ,
Лаҳзаи ёдингдин эмастур йироқ.

Хотирини бу сўз ила шод этинг,
 Кўнглин онинг қайғудин озод этинг.
 Васлим умидидин этиб баҳраманд,
 Ҳажр балосидин этинг бегазанд.
 Ена сўзум бордур асру ниҳон,
 Они доғи сизлара эткум аён.
 Ҳар биринга айласа майли ҳаво,
 Жон била мойил бўлунг этмай ибо.
 Лаб била оғуш онга бўсу канор —
 Этса талаб, жон билан айланг нисор,
 Истар эса белига заррин камар,
 Қучмоқ ила они ўлунг тожвар.
 Еки либос айласа жисми ҳавас,
 Пардаи жон киймоқ этинг мултамас,
 Сайри гулистон сори қилса хиром,
 Дийдани наълайн этинг онга давом.
 Рафъ этибон пардаи нақши ҳаё,
 Бир-бир ўлинг оллида дастонсаро,
 Қойсингиза хотири бўлса яқин,
 Сиз ҳам ўлунг жону дил ила қарин.
 Уйқу сори айласа ногаҳ ҳаво,
 Соъиди сийминдин этинг муттако.
 Не эса мақсад онга ул хўб эрур,
 Ер ризоси биза матлуб эрур,
 Ҳар киши гар этмас ўзидин гузар,
 Ишқдин ул бўлгон эмас баҳравар,
 Бўйла дегоч Ҳусни сулаймон сарир,
 Бўлди ул эл шоҳи Фуода асир.
 Борди онинг хизматиға хосу ом,
 Бода ҳалол ўлди-ю қайғу ҳаром.
 Ё раб, этиб ишқ гулига яқин,
 Толевим эт ўйлаки Меҳри барин,
 Нури сурур ила ўлай баҳравар,
 Қил йироқ ҳар не бор эса шўру шар.
 Соқий, олиб кел манго бир жоми гул,
 Тўлдирубон бодаи гулфоми гул.
 Бер они давр ичра алоло солай,
 Доираи базмаро гавғо солай.

Саҳарки гулшани фалак кушода ва саҳни олам соф ва
 сода бўлғонида сипеҳр кафига меҳр дафин олиб, чархга
 кирғонида, гули оташин афлок очлиб, булбули хазину
 ғамнок шод ўлғонида Меҳри диловар Фуоди номварни

гулзори бехор ичра доираи зиёфатға таклиф этмок басити заминини бисоти хилди барриндин, яъни барги насриндин тазйин ва таъфиф эткони. Хуршид дафи ноҳидваш мутриблар кафига олиб, қамар тальату ва муштарий саодат соқийлар косаи даври офтобни, яъни бодаи нобни дойир этиб, оташ табиат об била мажлис аҳлиға курбат солғони. Бу базми сафонинг хурушидин ва бу бодаи оташсамонинг жўшидан фалаклар узра малаклар саф боғлаб, Меҳру маҳ заррин дафларин қўлға олиб, чархға киргони ва базм доираси фарёди мастонаси кунгираи аюқ нух тоқға ва нақши таронаси бу тоқи гулшан нитоқға еткурғони. Бу аснода дафи пур гуфтугўнинг гули худруға хори озор маломати гули нозик бадан дафи таъназандин хитоби итобомиз эшитканининг кинояти таронаси баёни:

Меҳр дафин кафга сипеҳри барин —
Олди, онингдекки гули оташин.
Чарх кўруб они бўлуб чархзан,
Рақс ила ўз жисмига берди шикан.
Рақсу самоъ ила бўлуб кўҳсор,
Гулшани давр ичра эди зарравор.
Яъни улуг то кичик айлаб тараб,
Қилмоғидин ҳар сори шўру шаъаб.
Доираи давраро тушти фиғон,
Гулшанаро бўлди алоло аён,
Бўйла авонким эди рақсу самоъ,
Доираи гулшанаро ихтироъ.
Шоҳи Фуод оллида Меҳри далир —
Қаршу туруб чун дафи бадри мунир,
Упмок ила ерни бўлуб комкор,
Қилди дуо гулшанин онга нисор.
Гулшанаро ундабон ул шоҳни,
Айлади меҳмон ўзига моҳни.
Хизматиға шаҳнинг ўлуб Меҳр ром.
Меҳр киби косага солди мудом.
Ҳар соридин қулқул этиб (валвала),
Ҳар тарафи гулгул эди балбала,
Мавсими гул эрди доғи вақти мул,
Айшға машгул эдилар жузв гул,
Маст эди май нашъасидин боғу роғ,
Доираи боғаро эрди ўтоғ.
Май бори ул базмаро гулгун эди,
Майға на соқий эди майгун эди.

Соз унути золи фалак истимоъ —
 Айлаб, онга иш эди рақсу самоъ.
 Чангу чағона била савти сафир —
 Айлаб эди чархи фалакни мудир.
 Нағмаи қонун бўлуб андешаси,
 Ондин эди даври фалак пешаси.
 Ҳар сори ноқус уни-ю арғанун,
 Савтида пайдо эди нақши жунун.
 Най елидин ўт тушуб ушшоқаро,
 Шуъла эди дайри куҳан тоқаро.
 Рост буким ҳар сори чиний навоз —
 Айлар эди соъ мақоми Ҳижоз.
 Ед этибон хайл Сифоҳон-Ироқ,
 Қилмиш эди даҳрни пур тумтароқ,
 Кўкка чекиб дудини авойи уд,
 Доғи Ажам дер эди ўтлуғ суруд,
 Доираи чарх чекордин Наво,
 Жўшу алоло эди Ушшоқаро.
 Онда неким чанг эди-ю руд эди,
 Нағмалари нағмаи Довуд эди.
 Борча муғанний эди, Исо нафас,
 Лахн ила савт онлара жон эрди бас.
 Базму тараб борча муҳайё эди,
 Улки йўқ эрди, ғами дунё эди.
 Соқий эди бир неча озодалар,
 Жумла гуландому парийзодалар.
 Кўргоч алар зотини зебо намуд,
 Қилди оёғига суроҳий сужуд.
 Соғ ила сўлдин юругуб беҳисоб,
 Бодаи ноб этколи элни хароб.
 Этти қадаҳ дойир ўлуб меҳрвор,
 Давр элини зарра киби беқарор,
 Томса тўқуз, оқса ўттуз деб ҳуруш —
 Чекмоқ ила тушмиш эди жонға жўш.
 Майға бериб лабларидин тоза жон,
 Дер эдилар элгаки, ичгил равон.
 Майдин арақлар эди рухсор уза,
 Уйлаки шабнам дури гулзор уза.
 Баски эди масти шароб аҳли боғ,
 Айлар эди ғайрдин ўзни сўроғ.
 Ҳар соридин жўши алоло эди,
 Ҳайли малак аҳли томошо эди,
 Кўйида авбош элидин минг самоъ —

Зоҳир ўлуру эрди бори ихтироъ.
 Ҳар неки ҳаззол эди оламаро,
 Ҳар неки авбош эди торамаро,
 Ҳар нима ул базмға даркор эди,
 Ғайри талаб борчаси тайёр эди,
 Шўъбада аҳли бўлуб оташфишон,
 Аҳли фусун бор эди аждарнишон,
 Найранг эли кўрсатибон ончи ранг,
 Айлар эди кўкда малакларни данг.
 Илм элига шеър бидеҳий эди,
 Шеърлари сеҳри шабиҳий эди.
 Нукта элига эди маъни хаёл,
 Соз элига нағма уза қийлу қол.
 Май қизитиб базм элига чун димоғ,
 Дийдаи жонондек эди масту соғ.
 Бўлмиш эди борчаси гарми хаёл,
 Гоҳ жавоб эрди аён, гаҳ савол.
 Бода олиб хулқ ҳижобин ҳама,
 Бода бериб шарм ниқобин ҳама.
 Бир-бирига таъна сорига калом —
 Очти ул элким эди масти мудом.
 Деди бу ҳолатда дафи дилнавоз —
 Гулгаки:— Эй масти майи нўшноз!
 Май киби эл бошиға чиқмоқ недур,
 Ман киби эл ичра очилмоқ недур?
 Йўқ юзига пардаи нақши ҳаё,
 Бош уза чиқмоқ санго бор муддао.
 Нахли вужудингки эрур хоксор,
 Недин эрур зотинга бу эътибор?
 Сан киби йўқ бастаи доми бало,
 Кўнглинг эрур хастаи ҳори жафо,
 Базмким бор рашк биҳишти барин,
 Мунда туруб ман киби бир нозанин.
 Яхши эмас мунча очилмоқ санго,
 Зар киби ҳар сори сочилмоқ санго.
 Ҳисминг уза кўрки либосинг бутун —
 Эрмасу қасрингда фалосинг бутун.
 Боқ бу тарафлардин эрур хилъатим,
 Бошдин оёқ зар кибидур талъатим.
 Ҳам яна ушшоқ ила дамсозман,
 Ишқ элига ҳамдаму ҳамрозман.
 Пўет манго оҳуйи Чиндин мисол,
 Дўст манго эларо ширин мақол,

Кўнглим эрур махзани асрори ишқ,
 Жоним эрур матлаъи анвори ишқ.
 Гарчи қадим ғам юкидин дол эрур.
 Шакл манго аҳсанил — ишкол эрур.
 Қарчиғадек бўлди жаложил манго,
 Ондин эрур давр эди ҳомил манго.
 Гарчи юзум даврародур гул киби,
 Нағмам эрур эларо булбул киби.
 Сандек эмас пираҳаним чок-чок,
 Доғи ерим хор ила хошок-хок.
 Бўйла кўруб ҳолатинги айла фикр,
 Лофу каззоф ила ўзунг дема бикр,
 Домани хунин санго бордур гувоҳ,
 Боғаро хорхолинги этмиш табоҳ.
 Доманинга топти чу ҳар хор даст,
 Билки сани айлади ул хор паст.
 Демаки бордур манго саркаш ниҳол,
 Балки эрур жисмингга оташ ниҳол.
 Оқибат ул оташ этиб жонинг об,
 Шишага солди дедилар эл гулоб.

Гули Нозикбадан мадҳуш дафи таъназан пуржўшдин
 хитоби итобомиз ва жавоби шўрангиз эшитиб, ҳаё била
 то фарқ ғарқи арақ бўлуб, ҳар мўйи онга бир хор, балки
 бир оҳанин мисморға мубаддал бўлуб, нори хижлатдин
 ичига ахгар тушуб, сафҳаи рухсори ахмар бўлуб, ул дафи
 пурдавийға ва ул пўсти бемаъниға жавоби босавоб айт-
 гонининг дақойиқи ҳақойиқ ҳадойиқи баёни:

Гулки бу сўзларни эшитти тамом,
 Дедики даф-даф ҳазаёни калом:
 — Ҳарна дединг бошдин оёқ эрди пўст,
 Маъний онинг мағзига йўқ эрди дўст,
 Манман ўшул мулки ҳадойиққа шоҳ,
 Зотимадур хайли шақойиқ сипоҳ.
 Хутба манго балбалаи ғулғула,
 Мадҳ манго булбулаға қулқула,
 Рўйим ила бўлди мунаввар қароғ,
 Бўйим ила бўлди муаттар димоғ.
 Гарчи сани қўлға кўгарди гадо,
 Бўлди наво истабон ул бенаво.
 Лек мани боши уза шоҳлар —
 Қўйдилар, ул моҳи фалак жоҳлар.

Еридин ҳар кимки сўрар бир мақол,
Ранг ила бўйимдин ангодур мисол.
Пираҳаним чокига солма назар —
Ким, берур ул Юсуф исидин хабар.
Казб ила дам урма дебон қон эрур,
Ол эрур ул, қон дема, бўҳтон эрур.
Тутмасиға доманим ҳар булҳавас,
Маъни санон мангодурур хору хас.
Сан зар учун тортодурсан наво,
Хўрдаи зар манда эрур ганжаро.
Зотим эрур боғи жаҳон зевари,
Чунки эрур шоҳ русулнинг тари.
Аслим эрур ушбу арақ решаси,
Арш нетонг бўлса онинг шишаси.
Ондин эрур иззат ила ҳурматим,
Қилди баний ўз исига нисбатим.
Ушбу санад бас манго чун, эй хирад,
Деди бани ўзига ман шамъ вард.
Мундин эрур хотири хуррам манго,
Лаъли равон парвар эл ҳамдам манго.
Оламаро сан киби саргашта йўқ,
Давр элида толеъи баргашта йўқ.
Боз дема ўзинги вай таблбоз —
Балки эрур бсзий учун санго соз.
Сўзинг ўзингдек бориси бўлди хом,
Утға тутарлар сани ондин давом.
Дун элига сан киби йўқ зердаст,
Зарбати ғамдин сангодур юз шикаст.
Силли уруб қаҳр ила ҳар дун санго,
Чектурадур нолаи гардун санго.
Ҳалқа қулоғингға солиб чун нисо,
Занлик ишин айлама туҳмат манго.
Шому саҳар ахтарибон сийму зар,
Турфа ғарибсан юругон дар-бадар.
Зийнати ораз санго бордур яқин,
Чокари лўлиға эрурсан қарин.
Оламаро сан киби бир оч йўқ,
Даҳр фулуси сори муҳтож йўқ.
Ҳар кеча бир ер сангодур жилвагоҳ,
Ҳар кун ишинг нола-у афғону оҳ.
Кечаки зарбатдин ўлуб рўйзард,
Кундуз эрур пеша санго оҳи сард.
Бўйла дебон сўзни гули оташин —

Доирани айлади дарёнишин.
 Бу сўз ила оразига урди каф,
 Баҳри хижолатаро каф бўлди даф,
 Субҳ киби кулди бу сўзга Фуод,
 Меҳр бўлуб гул киби хандону шод.
 Шоҳ дебон гулга тумон офарин,
 Қилди они соҳиби тожу нигин.
 Эл бошига айлади афсар они,
 Бошига санчиб шаҳи Ховар они.
 Маст бўлуб истади роҳат гулин,
 Олди қучоғига фароғат гулин.
 Шоҳу гадо айлади ороми хоб,
 Бўлди фалак мунтазири офтоб.
 Ё раб, этиб лутфи амийминг баҳор,
 Нахли вужудимга бериб баргу бор.
 Эларо қил кулкими шаккарфишон,
 Ҳасратидин куйсун анинг найситон,
 Соқий, ўшул майки эрур шўъларанг,
 Жон уйига қуйғил они бедаранг,
 Ул қилибон нахли вужудим рамод,
 Най елидин бўлсун ўшул гулга бод.

Раййяти байзойи афлок соҳати саҳройи хок узра шақ-
 қаи зарнигор очиб, чеҳраи осмонни мунаввар ва жамоли
 жаҳонни пур зевар қилғонида офтоби оламтоб зилли мам-
 дуд била сарви шамшодни бўстони зеб этконида ва фарро-
 ши устод боди фарш гулистонни дилфариб қилғонида қома-
 ти воломартабати баланд ҳиммат Ҳусни пари талъатнинг
 амри олийсиға инқиёд этиб, Фуоди жавонбахт хизмати са-
 росар саодатиға абвоби ишрат ва суҳбатни кушода қилғони
 ба бир нахлистони дилситон ичра сарви озод ва шамшоди
 дилшоднинг соясида макон қилиб, шароби ноби ноёбдин
 комёб бўлғонида, нойи дилбанднинг нахли барувмандга
 таън ва танбиҳ сифрин чекконининг баён ва тараннумидир:

Чунки яна раъяти байзойи чарх,
 Тутти бори соҳати саҳройи чарх.
 Даҳр шуоъила бўлуб нахли нур,
 Бўлди онинг меваси завқу сурур.
 Сояйи мамдуди била сарвиноз —
 Бўлди жаҳон нахлиро сарфароз.
 Яъни баланд ўлди яна офтоб,
 Айш тилаб қилди улус тарки хоб.

Сарв қадидек бўлуб эрди баланд,
Нахли жаҳон ондин эди аржуманд,
Шаҳ қошида Қомати воло гуҳар —
Хизмат учун боғлади белга камар.
Маскан этиб боғаро бир нахли зор,
Бўлди тараб аҳли бори майгусор.
Нахл дема шамъи дилафрўз эди,
Базм эли парвонаи жонсўз эди.
Хизмат учун Қомати волоқиём —
Этмиш эди, онда қилиб эҳтиром,
Аҳли тараб бор эди олий насаб,
Борча баланд Ҳиммату волоҳасаб.
Ишрат ила бор эди ул эл тамом,
Базм дема, де они дорис-салом.
Сарв киби бир неча озодалар,
Борча парий рухлару шаҳзодалар.
Хизмат учун кўргузуб ҳар ён хиром,
Сарв масал айлар эдилар қиём.
Неча муғанний бор эди най навоз,
Борчаси хушқад эди чун сарви ноз.
Бор эди хуш лаҳжа бори хуш наво.
Ойнаи дилға дамидин сафо.
Ўйла эди боғаро жўшу хуруш,
Тушмиш эди нахл ниҳодиға жўш.
Нолаи найни қилибон истимоъ,
Мурғи дарахт айлар эдилар симоъ,
Солмиш эди нағмаи Най жонға ўт.
Шўриши май боғ ила бўстонға ўт.
Кимки ўшул базмаро соқий эди,
Най тубидин илки, оёқи эди.
Лола қадаҳ соқийи савсан қиём,
Сарвиқаду гул хаду тубий хиром.
Бор эди ашжори жаҳондин фузун,
Неки фузун бор эса ондин фузун.
Хизмата бел боғлабон андоқки Най..
Борча аёқ узра бериб элга май.
Қадларидек шуълаи майни баланд —
Айладилар, зоҳир этиб нўшханд.
Ўлди баланд эларо ғавго доғи,
Чиқди фалак узра алоло доғи,
Майдин эди базмаро юз шўр-шар..
Недин эди боғаро минг зеб фар.
Оташи май Най елидин бўлди тез.

Шуълаи таъна яна қилди ситез.
Нукта эли сўзини мавзун этиб,
Бир-бирига ҳазн ила мазмун этиб.
Дахл юзидин яна ашъор ор —
Зоҳир этиб, айладилар ифтихор.
Деди бу ҳолатда Найи дилписанд
Нахли барувмандга:— Эй ерга банд!
Отинги шамшод этибон шодсан
Билки чу фиръавн зул-автод сан.
Нахват ила ўйлаки сардор одд,
Жавфи димоғинг ародур тўла бод.
Чекма бошинг кўкга такаббур била,
Бўлмоғосан токи тахассур била,
Кимки жаҳон боғида саркаш эрур,
Билгил они, ҳимайи оташ эрур.
Муфхар эрур атвали қомат санго,
Будур аломоти ҳамоқат санго.
Яхши эмас меван шохи нифоқ,
Ташла гурурингни менинг сори боқ,
Кўр мани бу базмаро дамсоз ёр,
Кўк бўладур нолам ила соз ёр.
Бўлсам эл ичра не ажаб муҳтарам,
Ёр ила оғзим бир эрур дам-бадам.
Кимки лаби ёрга еткурди лаб,
Бўлди муяссар онга бори талаб.
Гарчики ёр оғзи эрур ҳамдамим,
Бўлмаса фармон манго чиқмас дамим.
Қаддимадур зеби рашоқат доғи,
Хаддима юз ончи сабоҳат доғи.
Манда намоён бўладур нафхи руҳ,
Мандин олур дур эли файзу футуҳ.
Борча сиҳий қадлара борман рафиқ,
Бал мани бил ҳодийи аҳли тарийқ.
Шарҳи ғами ишқ қилурдин мудом,
Сийнам эрур шарҳа-у сарҳа давом.
Оғзим эрур матлаъи анвори шавқ,
Кўнглум эрур маҳзани асрори шавқ.
Манман ўшул тўтийи шаққар насиб,
Бандам эрур нола чоғи андалиб.
Меҳр киби ич била тошим ёруқ,
Чарх киби кўз била кўнглум очуқ,
Мундин эрур эл ичига бормоғим,
Ун ҳунари эгоси ҳар бармоғим.

Риққат ила нола манго бор ҳазин,
Диққат ила шому саҳар ман қарин.
Рост нетонг бўлса манго сўзу соз,
Бўлди муяссар манго тавфи Ҳижоз.
Кимки деса шеър, тараб ичра май,
Қофиясин истар онинг деса най.
Ишқ этибон тиг ила кўксам шиқоф,
Этти таним сода-у сийнамни соф.
Нолам эрур шўълаи сўзони шавқ,
Савтим эрур дард ила нийрони шавқ.
Дуди дамим шуъладур ул бод эмас,
Пеша манго беҳуда фарёд эмас.
Қатъ этибон шавқи алойиқ манго,
Ишқ ўтидин ёнди авойиқ манго,
Сан киби бир ҳиймаи оташ имон,
Боғи такабураро саркаш имон,
Аслинг эруру банди балойи ҳаво,
Сан киби йўқ даҳраро бир худнамо,
Лойародур банд оёғинг санинг,
Баски етар кўкко димоғинг санинг,
Билмоғил асморинги элга раво,
Бўлмас эди хастаси бўлса шиқо.
Ужб ила зарқ ҳар кишига фан бўлур,
Шўъла анга маскану маъман бўлур,
Бошдин оёқ зарқ ила борсан риё,
Нашъу намо бор санго обу ҳаво,
Мунча била ҳамсаринги, йўқ гумон,
Айладинг, эй мурдадилу зиндасон.
Барг ила боринг бўлубон кибру кийн,
Лекин ўзинг даҳр аросан хўшачин.
Эгри эрур бошдин оёғинг санинг,
Тўғри эмас аслу бу доғинг санинг.
Сан киби йўқ обу гила пойбаст,
Бошинги кўкка чекоринг қилди паст,
Боғи эрур асл санго, эй гулом,
Нақши хиром ондин ўлубдур ҳаром,
Фаҳр баҳор ила кўб ўлма баланд,
Боди хазон қилғуси бир кун нажанд.
Қайси шажар шохаси топти камол,
Бўлмади ул соя киби поймол.
Йўқтур агар бор эса қомат санго,
Боғи жаҳон ичра иқомат санго.

Нахли баланд боло ва сарафроз нойи бодпаймойи баланд овоз таънаи сарандоз ва гуфтори жонгудозни эшитиб, маломат ўқидин жигари хаста ва кўнгли шикаста бўлуб, ғайратдин танида ҳар барги бир сабзоранг ханжар ва шиддатдин дийдасида ашки хўшаи тар бўлуб, шажара меvasи киби забона тортиб, забона келгони ва шеро бепарво киби панжасини савр заминға уруб, сўз пешаи корзорифа киргони ва ул Нойи безабони сарбуриданинг ва ул тани бемағзи бедил кўр дийданинг оташин сўз била ичиги норуруб дамидин зор қилғониға Нойи қаламнинг гўелиғи:

Нахл деди найгаки:— Эй ҳарзағў,
Айлама ҳазён сўз ила гуфтугў.
Ҳар неки бу базмаро чектинг наво,
Сар-басари бор эди онинг ҳаво.
Сонмаки кўнглунгда эрур нори шавқ,
Жонинг эрур маҳрами асрори шавқ.
Бедилу, бедийдасану, безабон,
Бесару, бепосану, бе жисму жон.
Бошинга мағзу кўзинга нур йўқ,
Ун кўз ила кўр десам дур йўқ.
Этсанг ҳақиқатда ўзингга назар,
Зотинг эрур мурдаи мори ду сар.
Борсан онингдекки фусурда йилон,
Бўлма ҳаво хирқатидин зиндасон.
Пардаи жисмингки эруру от қав,
Ташлаб они айладинг эл ичра ғав,
Кўнглингаро бўлса эди ёди дўст,
Сар-басаринг бўлмас эди хушкпўст,
Боғламадинг эларо маъниға бел,
Барг қилибсан вале даъвоға тил
Парда дар ўлди нафасинг пардадор,
Дерсан они жаҳл ила, эй дилфигор.
Мунда эрур турфа ишорат санго,
Билгунг агар бўлса басорат санго.
Дийда санго бўлмади чун дўст бийн,
Бармоқ онга бостилар аҳли яқин.
Кўр, хуш ул кўзки худобин эмас,
Дур хуш ул дилки хуш ойин эмас.
Санки дединг эларо ҳарфи дурушт,
Ондин эрур кўзингга ангушти мушт.
Лофи наво бирла яна урма дам,
Сар-басаринг бўлди гулу шикам.

Сан киби йўқ бесару по даҳраро,
 Неки ҳув отини дерсан наво.
 Сан киби йўқ ажвафу қолиб таҳий,
 Сан киму бу боғаро сарви сиҳий.
 Зотинга йўқ барги наводин асар,
 Даҳраро сандек қони бир бесамар,
 Манман ўшул соҳиби баргу наво,
 Мандин олур баҳрани шоҳу гадо,
 Қад манго мавзуну замирим зариф,
 Таб манго поку замирим латиф.
 Хўшай тар мандин эрур баҳравар,
 Мандин олур файзни ҳар хушку тар.
 Шоҳа манго силки жавоҳир эрур,
 Ҳар бирида нужми завоҳир эрур.
 Хўшай тар хўшай зарни мудом —
 Олам эли мандин олурлар давом.
 Гоҳ берур элга самар, гаҳ гуҳар,
 Онгла вужудимни манинг баҳру бар.
 Қаддим ўшул нахлаки посиҳ эрур,
 Бошдин оёқ зеби хадойиқ эрур.
 Баргу бару қадрими билгил яқин,
 Зебдеҳи равзаи хилди барин,
 Шому саҳар бир оёқ узра қиём —
 Зоҳир этиб, тоат этарман мудом.
 Завқ била сийҳа мангодур самар,
 Манда эрур не тиласанг баргу бар.
 Соя манго зийнати боғи жаҳон,
 Сояминг остида замину замон.
 Шоҳ манго хурраму аслим шариф,
 Қадр манго оли-ю таъбим латиф.
 Соя манго айла саодат шнор,
 Қўнса хумо, бўлғусидур тождор.
 Садра киби сабз ўлубон хилъатим,
 Хўбу ҳумоюн ҳам эруру тальатим.
 Зотим эрур зебдеҳи гулситон,
 Ман худ аймон урғоли ўт найситон.
 Най эшитиб бу сўзи бўлди хамуш,
 Данг ўлубон айлади ул тарки хуш.
 Нахл сўзи топти бу ерда қарор,
 Шоҳ анго берди баса баргу бор.
 Уйқу ниҳолини этиб муҳтарам,
 Ётти ниҳоли уза то субҳи дам.
 Най била нахлинг сўзи бўлди тамом,

Бўлди фароғатда бори хосу ом,
 Ё раб, ҳидоят сори бошла йўлим,
 Лутфу карам бирла дегил чин қулим.
 Чин элидек қўйма хито сориға,
 Бошла мани мулки ато сориға.
 Соқий, олиб кел қадаҳи чин манго,
 Берсун они наргиси худбин манго.
 Маст бўлуб сўзни доғи чин дегой,
 Чин дегон эл сўзига таҳсин дегой.

Айни оламхоб ғафлатдин бедор бўлғонида ва шамъи
 саҳар қасри фалакда ёнғонида Ғамзаи хунхори диловар
 Ҷуоди бемори номварни Ҳусни тожвар амри асари била
 даъват этиб, маросими инсоният ва лавозими фугувватни
 баржо келтурғони. Ул равзаи жаннатободда ва бир наргис
 зори хуррам ниҳод ичра Ҷуоди муаллониходни меҳмон
 эткони. Ул базм аҳли ширин сўзлик соқийлар қўлидин
 масти мудом бўлғонида косаи чиннинг Наргис худбинға
 сарнавишт ва сарзанишининг васиқатномаси баёни:

Шоҳи саҳар очти кўзин хобдин,
 Чиқти яна гунбази сиймобдин.
 Этти жаҳон саҳнини равшан замир,
 Қилди фалак ҳуснини гулшан назир.
 Ювди кўзин уйқудин олам эли,
 Бал бу тўқуз гунбази торам эли,
 Ғамза бу ҳолатда Ҷуода дуруд —
 Деди, доғи олида қилди сужуд.
 Сўнгра деди онгоки:— Эй муҳтарам!
 Лутф ила қўй дийдам уйига қадам,
 Айла қадам, ранжа тилар жон сани,
 Кўз уйида этколи меҳмон сани,
 Бўйла дегоч қўпти еридин Ҷуод,
 Ғамза қабулидин онинг бўлди шод.
 Бошлади ул равзааро жойгоҳ,
 Эрдик наргис онга эрди гиёҳ,
 Наргисаро қўймиш эди тахти ож,
 Мардумаки дийдадек ул хуш мизож,
 Чиқти шаҳ ул тахт уза, тутти қарор,
 Даврида мужгондек эди аҳли бор.
 Бир тарафида бори атрок эди,
 Борчаси қон тўкколи бебок эди.
 Бори сияҳмаст эди ул эл мудом,

Ичмокидин қонини элнинг давом.
 Жумласи ханжарга уруб дасти кийн,
 Истар эди қирмоқ учун аҳли дин.
 Ул эл эди қотили маккора ҳам,
 Кофир эди, золими хунхора ҳам.
 Солмоқ учун базм элига шўришин,
 Тутти бу гулшаннинг ичин ҳури айн.
 Маст эдилар дийдаи жонон киби,
 Эрди фарахбахш бори жон киби.
 Кимки бу мажлисаро соқий эди,
 Кўз қароси эрди-ю оқи эди.
 Қўлларида бор эди гулгун шароб.
 Этмоқ учун даврини масту хароб.
 Косаи чиний била сиймин сани,
 Сўнмоқ эди ҳар бирисининг фани.
 Неча муғанний яна онда наво —
 Зоҳир этар эрди, бори дилкушо.
 Борчалари бор эди чиний навоз,
 Ҳар бирига банда Ироқу Ҳижоз.
 Чиний эди онда доғи зарфи май,
 Чин эди ҳар сориди овози най.
 Ичмоқ, эшитмоқ алара чин эди,
 Чин демок ул эларо ойин эди,
 Базм эли онда бўлубон майпараст,
 Чиний оёқлар била чун бўлди маст,
 Ҳар соридин бўлди аён, гуфтуғў,
 Бўлди ул эл бир-биридин кийнажў.
 Косаи Чин Наргиса солди назар,
 Дийдаи маълул ила ул бевасар.
 Бори таккабурдин эди саргарон,
 Илмос эди кўзига яхши-ямон.
 Косаи Чин фарқи бўлуб шўълаҳез,
 Қаҳр ўтидин Наргиса этти ситез.
 Яъники Чини деди бу ҳоларо
 Наргиси худбинғаки: — Эй беҳаё!
 Кўр кўзунг бирла недур бу ғурур,
 Иллоти сафро била не бу сурур?
 Сан киби йўқ даҳраро бир бевасар,
 Юзинга йўқ нақши ҳаёдин асар.
 Базм муҳаззабаро хошоку хас —
 Лойиқ эмас бўлмогинг, эй булҳавас.
 Ҳар киши ўз рутбасида хўб эрур,
 Ҳар нима ўз ҳаддида марғуб эрур,

Ман бор экан шамъ бу махфиларо,
 Санго на бор, эй хаси хори бало.
 Қадр ила қиммат мангодур бандавор,
 Зеб ила зийнат манго нақшу нигор.
 Ойнаи соф киби талъатим,
 Анбари кофур иладур хилъатим,
 Ҳар неки бор даҳраро нақшу нигор,
 Боқ бу тарафким, манго юз ончи бор.
 Гунбази мийно мани кўрган замон —
 Ҳам қизодур, ҳам бузадур бегумон.
 Сурҳ мумаррадки қаворир эрур,
 Вазъ манго ул сўза таъбир эрур.
 Гоҳ тутуб элга майи нўш ноз,
 Гоҳ чекиб савти Навоии Ҳижоз,
 Базм эли ойинасидин занги ғам —
 Зойил этар дам манго кўр дам-бадам.
 Одам агар десам ўзим рост бил,
 Муддати тахмирим эрур қирқ йил.
 Ҳар неки хат давриаро сар-басар,
 Кўнглимаро бил они нақши ҳажар.
 Бўлди ниҳон давримаро жоми жам,
 Рашким ила кўнгли топиб занги ғам.
 Манга сарир ой киби ожий эрур,
 Чарх киби «қасри зужожий» эрур.
 Чеҳра муфарриҳ манго-у ул ҳазин,
 Мундин эрур гавҳари қадрим самин.
 Сан сориг оғзиқ бўлубон эларо,
 Кўр кўз ила, мунча санго можаро,
 Юфқа илик, кўнгли кўзи, очсан,
 Олти дирам сорига муҳтожсан,
 Қадинг этиб ҳасрати зардин, жунун —
 Дард ила сан шому саҳар сарнигун.
 Зар тилабон кўрмас оқармиш кўзинг,
 Ҳирс ўти тоби била сориг юзинг.
 Шашдари меҳнатға гирифторсан,
 Хонаи кулфатда дилафгорсан.
 Шому саҳарлар тилабон сийму зар,
 Кўз санго кўр ўлди, қулоқ доғи кар,
 Сонма ўзинг зарфинги танги асал,
 Ер санго дур шўрау аслинг басал.

Наргиснинг косаи чинийдин тантари гаън эшитиб, тав-
 бих буминиши захмидин сорғориб, ул суфлан табъихок

тийнат холи ботин пур озга ва ул обкаш оз табиат даҳан-
бозга хоромиз жавоб этиб, зарфи вужудин синдурғони.
Маст Наргисдин косаи муфлис жавобни чу оби соф эши-
тиб, Ҳаёдин пой то фарқ фарқи арақ бўлуб, можародин
илик ювғониға қалами мушкин рақамнинг жараёни баёни:

Дийдан Наргиски эди масти хоб,
Жониға чун етти бу ёнглиғ азоб.
Очди кўзин уйқудин ул чашми маст,
Дедики:— Эй обкаш озарпараст.
Хок мисл суфла чу тийнат санго,
Ўйла сафол ўлди, табиат санго.
Хирсу ҳаво жавфингаро тутти жо,
Ондин эрур санго бу нақшу наво.
Жонинг эрур хайли тамаъга ватан,
Қайда таом ўлса очарсан даҳан,
Айлаб они жавфинга солмоқ ҳавас,
Биррига йўқ, гарчи санго дастрас,
Гарчи тошинг қисвати зебо мисол,
Лекин ичинг қисвати андок сафол,
Сан киму базм ичра мунунгдек русух,
Олами туфроқаро сан бир кулук.
Гоҳ мадар жисмингу, гоҳи ҳажар,
Сан киби йўқ давраро бир дар-бадар.
Жабҳанг уза ҳар неки бор сарнавишт,
Билгил они бошдин оёқиға зишт,
Бошинга гар бўлмаса мунча нифоқ,
Демас эдилар отинги эл оёқ.
Билки оёқдин яна қолғунгдурур,
Санги ҳаводисдин ушолғунгдурур,
Суврати жон бўлғилу гар нуқси чин,
Туфроқа тошидин ушолғунг яқин.
Суврат эли нақшға мағрур эрур,
Маъни эли нақшдин ул дур эрур,
Ҳар неки бор сурату нақшу нигор,
Бўлмас онинг ҳеч бирига эътибор.
Иста маонийки онга йўқ фано,
Ғайрин онинг онгла яқин лобақо.
Пеша санго таъна била сарзаниш,
Зарфи вужудингаро йўқ яхши иш.
Манман ўшул зийнати гулзори боғ,
Зотим эрур даҳрға чашми чироғ.
Давр мани қурраи айним деди,

Боғи жаҳон зеб ила зайним деди.
 Мулки раёдинаро ман тождор,
 Шаҳри гулисотнаро ҳам комкор.
 Жоми зар ичра майи асфар мудом,
 Рӯзӣ эрур жонима ҳар субҳу шом.
 Кӯр мани, бил мулки жаҳон сафдари,
 Илкими шашфар, бошима мағфари.
 Баргларим эғнима бордур сипар,
 Онгла мани гулшанаро золи зар.
 Ҳаймаи зарринга забаржад ситун,
 Ёна танобидур онинг симгун.
 Онда эрур айш ила роҳат манго,
 Дур элидин доғи фароғат манго.
 Сандек имон, коса гадойи жаҳон,
 Илкига тутмас мани яхши-ёмон.
 Мулки қаноатда қилурман қиём,
 Бир оёқ устида ибодат давом.
 Водийи Айманаро борман шажар,
 Мандин олур нурни файзи саҳар,
 Балки манам мусойи муъжаз низом,
 Сомари олимда деёлмас калом.
 Кимки манго бўлмоқин истар тараф,
 Бўлғуси фиръавнваш охир талаф,
 Ой киби тобанда эрур манзарим
 Меҳри дарахшанда эрур пайкарим,
 Кимки қилур дийдаи жонон савод,
 Нисбати зотим онга бордур мурод.
 Бўйла адо айлади Наргис сўзин
 Шоҳ они сийлади, юмди кўзин.
 Базм эли ҳам бор эди масти шароб.
 Айладилар борчаси ороми хоб.
 Ё раб, ўшул нақҳати анбар шамим —
 Зулфдин истар манго хушбу насим.
 Шом сифат зулмати даврон базе,
 Зулф киби қилди паришон базе,
 Соқий, олиб кел қадаҳи мушкбў,
 То дегойин билгоними мў-бамў,
 Чанг киби базмаро тортиб наво,
 Қол ила қийлимни дегой эларо.

Хатти ғабро чодирӣ шаби зулмоний била ўронғонида
 ва чеҳраи ҳаво пардаи даҳони била буранғонида гулшани
 хузро бинафшазор бўлуб, зулфи шаби тори мушкбор бўл-

ғонида Гисуйи суҳҳор Фуоди паришон рӯзгорға Хусни си-
пахдор амри била зиёфат учун даъват қайдин бунёд қил-
ғони, бир бинафшазор ичра саҳобдек мушкин таноб ҳайма-
лар ва уқобсифат олийпарвозлиғ саропардалар обод
қилғони. Ул базм эли аёғи чиндин шароби мушкин ичиб
маст бўлғонида чанги ҳазин бинафшаи гаминға муориз бўл-
ғонининг печтобининг саводи:

Бўлди чу айёми зиёфат тамом,
Қилди бино чодир мушкини шом.
Хатти ғубор они қилиб анбарин,
Дуда қилиб эрди чу рўйи нигин.
Етмасига давр елидин ғубор,
Бўлди ҳаво гулшан уза пардадор.
Гулшани хузроға бинафший либос —
Берди ўшул шоми бинафша асос.
Гисуйи тор ушбу шаби мушкбор,
Келди Фуод оллиға-у топти бор.
Берди ўзи қоматиға печу хам,
Дедики: — Эй вориси амлоки жам!
Моҳи зиёфат санго бўлди тамом,
Соли шаби тийрага қилғил хиром,
Амр зиёфатға бу тун бандман,
Мақдаминг умидиға хурсандман,
Айла мушаввашлари шодон-шод,
Бормоқ ила, эй шаҳи волонажод.
Бўйла дегач Гисуйи мушкин тироз,
Қўпти Фуод они қилиб сарфароз.
Бўлди равон истади тарфи чаман.
Ҳамраҳ ўлуб ўйлаки жон бирла тан.
Гўшаи бўстон эди сунбулситон,
Банд эди ҳар ториға бир гулситон.
Саҳниаро эрди палоси бинафш,
Базм элининг доғи либоси бинафш.
Чодир эди онда чу мушкин саҳоб,
Ғолияваш ҳар сори онга таноб.
Очмиш эди еткони аввал қанот —
Урмоқ ила пар топиб эрди сабот.
Овлаб эди аҳли жаҳон кўнглини,
Олмиш эди унс ила жон кўнглини,
Ранг ила бўйидин эди мунфаил,
Накҳати гул анбари тар мутгасил.
Шоҳи Фуод они кўруб хуш димоғ —

Бўлди онингдекки баҳор ила боғ.
 Ер ўлубон толеъи маймун анго,
 Евар ўлуб бахти ҳумоюн анго.
 Кирди ўшул чодирини мушкинаро,
 Пардаи шаб ичра чу меҳри само,
 Ул ҳашам ичра неким эрди ҳадам,
 Иззат ила қилди они муҳтарам.
 Базм иши чун бўлди муҳайё тамом,
 Нағмаға майл айладилар хосу ом.
 Ҳар соридин пардаи савти Ҳижоз —
 Қилди аён чанг дебон элга роз.
 Уйлаки ро эди наврўз тун,
 Қўймас эди шиша дилини бутун.
 Зухра чу чанг қўлга олиб, моҳ даф,
 Чарх уруб рақс қоқар эрди каф.
 Дуру тасалсул эди соқий иши,
 Ичмоқ они дур элининг варзиши.
 Зоҳир этиб май ўти дуди бухор,
 Этти хирад зулфини ул тор-мор.
 Шарм саропардасини олди май,
 Гарм саропарда сори бўлди най.
 Базм эли афсун била дostonға майл —
 Айладилар назмаро унвонға майл.
 Бир-биринин бўлди яна нуктажў,
 Зулфи маоний ойириб мў-бамў,
 Чангки мадҳуш эди солди назар,
 Кўрди бинафша эди азрак писар,
 Илқида ҳам ёна бор эрди санон,
 Зўр ила лек айлаб ўзин нотавон.
 Гулшанаро сўфийи солус эди,
 Бошдин оёқ зарқ эди, афсус эди.
 Этмиш эди эларо тарки сиво,
 Лек тутуб жавфи димогин ҳаво —
 Уйла такаббурдин эди саргарон,
 Нахват онга ёр эди тан ичра жон.
 Боши қуйи эрди, либоси қаро,
 Шайх эди бу расм ила ул эларо.
 Кимки қилур рангу либосин тағийр,
 Дегуси абнойи жаҳон они пир.
 Чанг бу ҳолатдин ўлуб бохабар,
 Бўлди онга бир сари мў ништар.
 Дедики:— Эй суврати маъни сароб,
 Ранг ила суврат сани этмиш хароб.

Фикр санго тийра либосинг қаро,
 Хона санго тору палосинг қаро.
 Тўла димоғингаро намруд ўти —
 Этти қаро оразинг ул дуд ўти.
 Пеша санго бўлди сияҳкорлиғ,
 Дин йўлидин иш санго безорлиғ.
 Баски бўлуб тийралигингдин хижил,
 Боши ошоқ юз қаросин мунфеъл,
 Лойиқ эмас бўлмоқинг ушшоқаро,
 Ваҳ на дедим, бал бу кўҳан тоқаро.
 Кўр маниким фойиқи офоқман,
 Сарвари сардафтари ушшоқман.
 Чексам агар завқ била бир наво,
 Беҳуд ўлуб тушгуси тайри ҳаво.
 Сўзи сўзум шуълаи бедуд эрур,
 Қавл ила феълим ёри маҳмуд эрур.
 Суврати зоҳир мангодур бир сон,
 Маъни ила лекин эрур ман жавон.
 Қайси жавон дилбари ҳиногари,
 Булбул онинг бандаси, гул чокари.

Бинафшаи нотавон гамин Чанг пурдостони бетамкин-
 дин бу Чанги бекор ва оҳанги инкорни кўруб, ул бир бетад-
 бирнинг ва ул шайхи пуртазвирнинг жумлаи таърифоти
 ботил ва тағйироти беҳосил демоқининг ҳангомаси. Чанг
 бинафша сўзин истимоъ этиб, мунозирадин қайтиб ва муҳо-
 варадин сомит ва соқит бўлуб, бир кунжи ғамда мунзавий
 ва сарафканда бўлгонининг бинафшазори ва гулзори
 баъни:

Чун бу навоники адо қилди Чанг,
 Деди бинафша онга:— Эй данг-банг!
 Мажлисаро сан киби ғамгин қани,
 Махфил зотингаро тамкин қани?
 Бир вале табъинга тадбир йўх,
 Шайх вале кўнглинга тазвир чўх.
 Тангри санинг муҳмалинг этсун маъоф,
 Сўз сангодур эларо лофу казоф,
 Кимки даний бўлди қабодоринг ул,
 Кимки разил ўлса ҳаводоринг ул.
 Тайий мақомот ила кўб урма дам,
 Кўз санго кўр ўлди доғи шал қадам.
 Каж бўюну калбошу бадмўйсан,
 Эгри қўлу ҳамқаду бадҳўйсан.

Кўнглинг эрур тўла авойиқ била,
 Жавфи димоғинг ҳам алойиқ била.
 Ишқ сўзи бирла кўб этма ғулув,
 Лойиқ эмастур санго бу гуфтуғу.
 Шому саҳар пардаға сан ҳамнишин,
 Парданишин ўлмади аҳли яқин.
 Даъво эли сан этибон ҳой-ҳу,
 Ишқ асаридин санго йўқ рангу бў.
 Бил мани аттори гулистони ишқ,
 Мандин олур бўйни бўстони ишқ.
 Гулнинг эрур рангим ила бағри сув,
 Мандин эрур ер била кўк мушкбў.
 Жисмим агар тийра булутдек мудом,
 Меҳр киби бўлди замирим давом.
 Билдим они даҳр вафосиз эмиш,
 Умр дегон асру бақосиз эмиш.
 Онинг учун бўлди либосим қаро,
 Улдиму ҳам туттим ўзумга азо.
 Улмасидин кимки буруноқ қатил —
 Бўлди топор ўлмоси сори сабил.
 Ушбу ўлумдурки муаббад ҳаёт,
 Дерлар они йўқ турур онга мамот.
 Чанги ҳазин этти бу оҳанги ғўш,
 Бош қуйиға солди-ю, бўлди хамуш.
 Шоҳ бу афсунни этиб истимоъ,
 Ақлу хирад хайлиға қилди видоъ.
 Шод ўлубон қилди либосин бинафш,
 Ётмоқ учун хайма палосин бинафш.
 Ётти фароғатда бўлуб шодком,
 Муддати тўй ўлғунча онга тамом.
 Базм эли ҳам ётти фароғатда шод,
 Ҳар бириси ўйлаки шоҳи Фуод.
 Ё раб, отингким эрур ул зул-жалол,
 Ҳурматидин қил манго рўзи висол.
 Зор, Нишотий киби йўқ доварим,
 Лутфинги ёр эт караминг ёварим.
 Соқий, олиб кел манго тўй бўзасин,
 Рўза очай нўш этибон кўзасин.
 Дайр ичига турфа алоло солай,
 Шаҳр алига шўришу ғавго солай.

Субҳи дамким чеҳраи ҳар дору диёр зевари анвор била
 безонмиш ёрди ва гардуни олижаноб чашмаи офтобдин юз

Сийн қазонмиш эрди, андалиби адиб чаманида ҳар варақдин юз сабақ олур эрди, ғунчаи соҳиб пардаи ҳаёдин ғарқи арақ бўлур эрди, оби хушгубор боди баҳор киби офиятбахш ва арсаи бўстони пурзийнату пурнақш эрдиким, Ишқи жаҳондордин тавқиби султоний ва ёрлиғи ҳоқоний бўлуб, Ҳусн дилбандни Фуоди ниёзмандға ақд қилғонларининг гуфтуғўси, ул кунни суру сурур била ўтқориб, хангоми шоми мушқфом етиб, аруси румий рўз чодире ферузи сурхфом хилватхонаи шомга равон бўлуб ва муҳаззироти ҳур рўзинаи пурнурдин бу сўзнинг сайрига сар бирун этиб, шабистони торам тамошойи оламиён бўлғонида пардаи обнависидин минг шамъи аруси тобон бўлуб, саҳни фалак ва мулки малакда юз минг қанодил нур машоили сурури фурузон бўлғонида саройи висол ва қасри иттисолда Ҳусни жамилға Фуоди залилнинг ва заъифи ожизу қатилни еткурмокнинг такопуси:

Субҳ насими бўлубон ошкор,
 Айлади тун голиясин тор-мор.
 Гарди шаби торни сўрди сабо,
 Бўлди аён манзари кўкдин зиё,
 Аҳли жаҳон ул сори солғоч назар,
 Бўлди аруси фалакий жилвагар,
 Орази хуршидиға бўлғач зуҳур,
 Тутти жаҳон қасрини нури сурур,
 Наҳс кавокиблари ёқти шуоъ,
 Тутти онинг шуъласи чун иртифоъ,
 Шуъласидин ёқти машоил фалак,
 Бўлди тамошоға шавоғил малак,
 Ахтари саъд ўлди фалакда аён,
 Аҳли замон бўлди саодатнишон.
 Деди бу ҳолатаро ҳоқони Ишқ:
 — Ақлға кай ҳужжату бурҳони ишқ?
 Ҳусни парирў била шоҳи Фуод,
 Иккисининг ақдиға қил инқиёд.
 Бўйла дегоч Ишқи ҳумоюн низом,
 Айлади таъзим онга Ақли ҳумом.
 Вақти ҳам кунга эрди саъийд,
 Лафз саъийд ичра нечук меҳри ийд?
 Буржи шараф ахтари тобон эди,
 Меҳр киби ҳар бири рахшон эди,
 Таъби зуҳал нахсдин айлаб хуруж,
 Авжи шарафға этиб эрди уруж.

Ҳар сори осори саодат эди,
 Ламъаи анвори латофат эди.
 Қўшголи бир-бирга ики дилбари,
 Хутбаи саъдин ўқуди муштарий.
 Ҳар неки аёну акобир эди,
 Ёники сардори асогир эди.
 Борчаси бу сўзи муборак дебон,
 Афсари давлатга таборак дебон.
 Базм тузуб ичколи ишрат майин,
 Бир-бирига сўнди муҳаббат майин.
 Кимгаки ул базмаро ором эди,
 Жони онинг масти майи ком эди.
 Ваҳки, бу базм аҳлини ман дейму шод,
 Ҳар на десам бор эди ондин зиёд,
 Толеъу бахт эрди олар чокари,
 Давлату иқбол эди фармонбари,
 Тожи сари бахт эди шоҳи Фуод,
 Гулдек ўлуб ҳурраму шодону шод.
 Кўнглиаро фикри мулоқот эди,
 Мунтазири асъади соёот эди,
 Соати масъуд ила ҳангоми шом,
 Тутти саропардаи ишрат залом.
 Меҳр жаҳонтобни меҳмон анго,
 Иззат ила айлади даврон анго.
 Шамъи кавокибни этиб ой аён,
 Бўлмиш эди хизмат учун мезбон.
 Шаҳни олиб борголи шаҳзодалар,
 Келди парирухлару озодалар.
 Ҳожат эмас отиға такрор онинг,
 Бўлгон эрур борчаси изҳор онинг.
 Жилваи соқий келиб этти қиём,
 Дедики:— Эй шоҳи фалак ихтишом!
 Қўбки саодат бўлубон ёваринг,
 Мунтазири йўлинг эрур дилбаринг.
 Бўйла дегоч жон деди қўпти равон.
 Доғи йиқилди бўлубон мурдасон.
 Тутти қўлин Гисуйи айёр онинг,
 Берди бели ториға зуннор онинг.
 Зулфи бўлуб риштаи умид анго,
 Муждаи жон давлати жовид анго.
 Орази ўтиға солиб мушки уд,
 Ўзига келтурголи ул қилди дуд.
 Ғамза сочиб айни иноят суйин,

Ишва доғи септи ди роёт суйин.
Бўйла сувларни сепибон юзига,
Они келтурдилар ул эл ўзига.
Қомат ўлуб доғи ҳаводор анго,
Нозу Вафо ҳам эдилар ёр анго.
Ҳар неки одоб эди онга баён,
Айлади ул хайли париваш аён.
Панд майидин онга сабру қарор —
Бердилар онларки эди ҳушёр.
Йўлда бериб ҳар бир жондин хабар,
Дер эдилар руҳи равондин хабар.
Борчасининг сўзлари марғуб эди,
Дер эдилар оники ул хуб эди,
Хайли хадам шамъи ададдин фузун,
Аҳли ҳашам машъали ҳаддин фузун.
Этмоқ учун кечани равшан замир,
Ҳар бирининг илкида бадри мунир.
Бўйла хиром ул шаҳи фархунда фол —
Айлади то дарғаҳи қасри висол,
Рухсат олиб чиқди Табассум равон,
Дедики:— Кир ичқори, эй жонажон!
Дийда уйи манзири жоҳинг санинг,
Хайли пари гарди сипоҳинг санинг.
Келки дегил вақти таваққуф санго,
Лозим эмас мунча такалуф санго.
Бўйла дегоч ичкари кирди Фуод,
Кўрдикки бир қаср эди олийниҳод.
Фарши онинг атласу хоро эди,
Зийнати сақф онга фалаксо эди.
Бомида кайвон эди бир посбон,
Бобида дарбон эди Меҳри жаҳон.
Гўшасида бор эди кошонаи
Хайли малакға эди майхонаи.
Арш киби фарши онинг тобнок,
Зеби палос онга эди нури пок.
Онда саропардаи эрди баланд,
Ақл онинг даркида хору нажанд.
Ранги тароватда эди лолагун,
Ҳасратидин эрди шафақ бағри хун.
Балки ўшул пардаи хуршидсон —
Эрди жалолият ўтидин нишон.
Еткоч онга шоҳи фалак иқтидор,
Ваҳшати ҳашматдин ўлуб зарравор.

Жисмиға юз қўйди онинг изтироб.
 Риштаи жониға тушуб печ-тоб.
 Очголи йўқ эрди они қудрати,
 Енголи ҳам эрди адам тоқати.
 Ҳасрат ўти бирла ёниб ул ҳариқ,
 Баҳри тахайюрга бўлуб, бил, ғариқ.
 Деди боқиб Нози сарафрозга,
 Лойиқи иқбол ила эъвозга:
 — Йўқму бу бечораға бу ерда ёр,
 Парда недурким дур анго пардадор.
 Недин эрур ўртада ушбу ҳижоб,
 Шоҳиди мақсадға недур бу ниқоб.
 Пардага не бўлгусидур расми роҳ,
 Билмон ониким нетойин эмди, оҳ.
 Деди жавобида онинг Моҳи Ноз:
 — Билгил, аё, шаҳлараро сарфароз,
 Оти мунунг пардаи исмат дурур,
 Борғаҳи иззату ифбат дурур.
 Етмас онинг доманиға хору хас,
 Балки малак топмас онга дастрас,
 Кимки етар саъдаи улё сори,
 Яъни бу даргоҳи фалаксо сори.
 Ажз бошин қўйса бу даргоҳға,
 Сурса юзин хоки фалак жоҳға,
 Ўзликидин қолмаса онинг асар,
 Билгусидир парда ичидин хабар.
 Лутф насими эсибон чун саҳоб,
 Айлагуси рафъ ниқоби ҳижоб.
 Дасти карам бўлмаса пардакушой,
 Аҳли карам бўлмас онга жабҳасой,
 Қилмоғуча дўст ўзи фатҳи боб,
 Кирмокидин бўлмағай эл комёб,
 Бўйла эрур расм ила ойинимиз,
 Машрабимиз, мазҳабимиз, динимиз.
 Кимки қилур нақши вужудин аубо,
 Парда рабо ўлгаю парда кушо.
 Этти адо сўзни чу ул Ноз моҳ,
 Оҳ чекиб онда сарафроз шоҳ,
 Ўйла йиқилди бўлубон мурдавор,
 Хок эди де, хокаро топти қарор.
 Ўзлигидин қолмади онинг асар,
 Не тану, не жону, не дил, не жигар.
 Дилбар анго мутлаё ул ҳол эди,

Пардааро қошифи аҳвол эди,
Раҳм этибон ҳолиға ул дилнавоз,
Этколи афкандасини сарфароз.
Лутф қўли бирла кўторди тутуқ,
Рафъ ўлубон шаққаи сатри уфуқ.
Чиқти онинг пардасидин ул қуёш,
Бўлмоқ учун зулматиға нур фош.
Бўлғонида зулмат уза нур тоб,
Айлади ул сояни ҳам офтоб.
Ғолиб ўлуб доъияйи завқ анго,
Роғиб ўлуб жозибайи шавқ анго,
Рифқ қучоқиға олиб зорини.
Лутф қўли бирла дилафгорини.
Чекти ўшул пардаи иффатаро,
Ҳурмат ила каъбайи вуслатаро.
Зоҳир ўлуб пардааро иттиҳод,
Топтилар ул иккиси бирдек мурод.
Ҳосил ўлуб ваҳдати бемунтаҳо,
Ўлди адам касрати беинтиҳо.
Ондаки қолмос икиликдан асар,
Дегил ўзинг, ким десун ондин хабар.
Борса бирор ерга биров ногаҳон,
Келса дегай сайридин онинг нишон.
Келмаса ул соридин ар бир хабир,
Билгуси ул сирни самиъу басир.
Васл уйининг тарки чу осон эмас,
Мунда биров келмоки имкон эмас.
Келмаса ким дегуси ондин хабар,
Мумкин эмас сурати жондин хабар.
Не билейин онда недур қолу қийл,
Маҳрам эмас эрди онга жону дил.
Балки демоки онда-у мунда маҳол,
Етмади ул ерга насими хаёл.
Бормади ул сорига Ваҳму Гумон,
Базму тарабдин не дей эмди нишон.
Мухтасар ўз ҳолиға шоҳи Фуод —
Келди, чу ул дилбари воло ниҳод —
Олмиш эди они қучоқиға ҳам,
Қўймиш эди лабин дудоқиға ҳам.
Дийдаи ҳайрат била солди назар.
Кўрдикки маъшуқ, эди рўзи магар,
Чеҳрасидин аввали охирға нур.
Партавидин ботину зоҳирға нур.

Ламъасидин Машриқу Мағриб замин —
 Топмиш эди партави нури яқин.
 Ҷз-ўзидин ҳайрат этиб ошкор,
 Дер эдиким: «бўлди ажаб рўзгор!»
 Ошиқ эсам қайда манинг дилбарим,
 Дилбар эсам қони ситампарварим?
 Фарқ онга бўлмас эди мағзу пўст,
 Дер эди ўзини ўзи ёр-дўст.
 Хуллас этиб давлат онга инқиёд,
 Топти неким жониға эрди мурод.
 Гарчи эди жониға юз минг ҳавас,
 Топти бори мақсадиға дастрас.
 Гоҳ жамол ила эди ишрати,
 Гоҳ жалолиға эди ҳайрати.
 Гоҳ боғишлар эди лаъли ҳаёт,
 Гаҳ берур эрди онга шоди мамот.
 Сўз майи шаҳидин этиб нўш-жўш,
 Вола бўлуб эрди онга жони-ҳуш.
 Ҳар на тааддуддин ўлуб ул йироқ,
 Ваҳдат ила топмиш эди иттифоқ.
 Хилватаро ишрату вуслат эди,
 Бир-бирига иззату ҳурмат эди.
 Ончики мумкин эмас онга баён,
 Бўлса агар ҳар сари мў пир забон.
 Мунча эшитмоқ била қил иктифо,
 Жонға эрур эмди демокин ибо.
 Гар бу эса иззати рифъат дегон,
 Кимда эрур деголи қудрат дегон.
 Ё раб, ўшул аҳли висолинг ҳақи,
 Партави анвори жамолинг ҳақи,
 Айла Нишотийға тараҳҳум аён,
 Ёрий доғи бўлғой онга меҳмон.
 Соқий, олиб кел қадаҳи қилма ноз,
 Кўрки Нишотийға эрур кўб ниёз.
 Ичкоч они токи унутғай ўзин,
 Маст дегой Нозу Вафонинг сўзин.

Шоҳи Ишқнинг майбарлиғи била ул товуси ҳумопарвоз,
 яъни Ҳусни дилнавоз ул шоҳбозга, яъни Фуоди жонгудозга
 сайд бўлғони. Ҳусни Фуод ақди кобин била ихтисос топиб,
 Ғамза ва Нозбону Назарға хос бўлуб, Вафобонуға Ҳим-
 матга Қарашмабону, Сабрға Қомати зебо Оғушға қайд бўл-
 гони, Ҳар неки ганж эди, ганжурға ва ҳар неки май эди.

Маҳмурға бериб, яъни икки тарафдин ҳар кимни ўз муносибиға қўшиб, муродиға етқурмокнинг интиҳоси ва бу базми тарабнинг тарихининг аймосининг хотимаси баёни:

Ишқ эрур шоҳи муалло жаноб,
Ондин эрур олам эли комёб,
Кимки эрур Ишқ била ҳамнишин,
Топса нетонг тожу кулоҳу нигин!
Кимдур онинг йўлиға қўйди қадам,
Бўлмади кавнайнаро ул муҳтарам.
Кимки худо бўлса онинг ёвари,
Бўлғусидур ишқ онинг раҳбари.
Созғаки шавқдин ўлса асар,
Булбул ўлуб айлагуси нола сар.
Зот онга эксир эруру кимё,
Туфроға ул қадр берур ҳам баҳо,
Қайси кўнгил ичкари маскан қилур,
Гулхан эса ул они гулшан қилур.
Олам элиға бўлубон раҳнамо,
Кўрсатур ул борғаҳи кибриё.
Ондин агар топмас эса болу пар,
Етмагуси бир ера мурғи саҳар.
Ишқ эрур даҳрга берган насақ,
Кўз юмубон ондин ўзинг қилма шақ,
Меҳру муҳаббат эрур икки қанот,
Солик учун топғоли оби ҳаёт.
Кимга агар бўлмаса бу болу пар,
Учмоқ онга бермогусидур самар.
Ишқ эрур меҳри саодат қарин,
Ондин эрур даҳрга нури яқин.
Ақлга ул бўлмоғуча дастгир,
Бўлмади амлоки жаҳонға вазир.
Ишқ мураббийлик этардин Фуод —
Топти, неким бор эди онга мурод.
Кимки ўлур ишқ майи бирла маст,
Арши баланд ўлғуси оллида паст.
Улки қилур кечаки базми савод,
Субҳин онинг бўйла қилур эмди ёд.
Ётти фароғатда ўшул шоҳу моҳ,
Бир-бирининг илкин этиб такягоҳ.
Кўргоч алар меҳрини Меҳри жаҳон,
Тушти фалакдин ер уза заррасон.
Бўлди алар дарғаҳига жабҳасо,

Шоҳ жанобиға нечукким гадо.
 Нур тилаб бор эди сойил мисол.
 Шаҳлар анго этмади рўйи, савол.
 Ҳуснларидин бериб онга закот,
 Қилдилар ул сойили манъам сифот.
 Изад учун ул ики воло гуҳар —
 Меҳр киби даҳрға бахш этти зар.
 Бўлди алар бир-биридин комёб,
 Шукри худони қилибон беҳисоб.
 Иккиси ҳам ҳамди фаровон, деди,
 Онгаким ул соҳиби эҳсон, деди.
 Бош қўюбон туфроға ул икки зор,
 Айладилар саждаи парвардигор.
 Ҳар на саодатға эди робита,
 Ёки ибодатға эди восита.
 Топти алар барчаси итмоми том,
 Айладилар жониби ишрат хиром.
 Нўши висол ила бўлуб баҳраманд,
 Бир-биридин ул ики сарви баланд.
 Бедилиға дилбар этиб илтифот,
 Лаъли лабидин берур эрди ҳаёт.
 Упмоқ агар истаса ул шоҳ юз,
 Икки юз арз айлар эди моҳ юз.
 Дилбарини кўрди баса меҳрибон,
 Шоҳ деди онгаки:— Эй дилистон!
 Иккимиза ҳосил ўлуб иттиҳод,
 Шукрки тердук гули боғи мурод.
 Эмди яна арз эрур истмоъ —
 Айлар эса маҳваши байзо шуоъ.
 Бўйла дегоч маҳваши ўлуб комуҷў,
 Деди:— Аён қилки недур гуфтуғў.
 Неки санго бор эса ул коми дил,
 Бизга ҳам ул бўлғуси ороми дил,
 Жон тиласанг чиқғуси тандин равон,
 Ена сўзунг бўлғуси тан ичра жон.
 Сандин эмас гар тиласанг жон дариг,
 Истагана, ваҳки, на имкон дариг.
 Бўйла адо қилди сўз ул дилрабо,
 Шоҳ доғи деб онга мадҳу сано.
 Деди:— Сўзинг садқаси руҳи равон,
 Зулфу қаду қошинга жону жаҳон.
 Санда эрур бир неча ёру надим,
 Манда доғи ҳамдаму аҳди қадим.

Бир-бирига айласок онларни ёр,
Биздек алар ҳам бўлубон комкор.
Топса бори завқу сафо-у ҳузур,
Бизга яна бўлғусидур кўб сурур.
Яхши эмас биз бўлуб ишрат била,
Бўлмоқ ул эл ҳасрату кулфат била.
Тўю азо хушдурур аҳбоб ила,
Шоди-ю ғам ҳам яна атроф ила.
Бизлар ўлуб базмаро ишратгузин,
Ул эл эрур дард ила ҳасрат қарин.
Бўйла дегоч Хусн қабул ошкор —
Айлади, ул маҳваши узро узор.
Шаҳ кўрубон ёрига Хусни қабул —
Бўлди равон мойили нақши вусул.
Ҳар неки ул расм эди, ойин эди,
Айладилар ақд эди, қобин эди.
Олди Вафобонуни Ҳиммат равон,
Ақлга ҳам боғладилар ақди Он.
Нози сарафрози олди Назар,
Ғамзани ҳам ақдиға чекти магар.
Бор эди меҳнат анго элдин зиёд,
Бу иккини, ул ики волониҳод —
Ақдиға киргузди мукофот учун,
Чеккон ўшул йўларо офот учун.
Ужри учун Нозни берди Фуод,
Ғамзани ул ҳусни муаллониҳод.
Ҳар кишининг меҳнати бўлса мадид,
Кўброқ онга бўлғуси бешак умид.
Шоҳи Карашмаки эди муҳтарам,
Сабрға ақдин онинг этти қарам.
Қомати Оғушиға қилди Никоҳ,
Лутф била шоҳи саодат сабоқ.
Ҳар неки мазкур эдилар сар-басар,
Ҳар бирини олди бири мухтасар.
Ҳар бирига қайси муносиб эди,
Десонг ҳамул ўқ онга соҳиб эди.
Йўқ манго тафсилдин этарга маҳол,
Мужмалан ул шоҳи ҳумоюн жамол.
Ганж онга топшурдики ганжур эди,
Майни онга бердики махмур эди.
Лойиқи бирла бўлубон хосу ом,
Уйла Нишотий сўзи топти тамом.
Ишрат ила бўлди ҳама дашту тоғ,

Мойили гул гашт тамошойи боғ.
Пасту баланд ўлдилар ишрат гузин,
Ҳар киши дилхоҳи эди ҳамнишин.
Ақдким ул хайларо исбот эди,
Онгла яқин, ақди мусовот эди.
Бўсу канорига ақовил эрур,
Ҳар бирига ўзгача таъвил эрур,
Истама тафсил онга, эй зу-фунун,
Сўз неча кўб бўлса кўб ўлғай забун.
Мужмал этай сўзники, ул эл тамом,
Терди фароғат гулини хосу ом.
Сайр этибон Қалъаи Дийдораро,
Баэм эди гаҳ гулшани рухсораро.
Чашмаи Фам даврасида жоми жам,
Нўш этибон ишрат эли дам-бадам.
Зоҳир этар эрдилар андоқ хуруш,
Хайли малак ичра тушар эрди жўш,
Сайр этибон гоҳ гулистони ноз,
Равшан этиб шамъи шабистони ноз.
Тортар эдилар майи оташ мизож,
Бермок учун ишқ ўтиға ривож.
Гоҳ вафо қасрида ороми айш —
Айлаб ичор эрди алар жоми айш.
Зоҳир этиб бир-бирисига видод,
Айлаб эдилар ғами ҳижронни ёд.
Гоҳ саропардаи мушкин тутуб,
Равзааро ўзгача ойнин тутуб.
Гисуйи пурчин била сайри чаман —
Айлар эди маст ўлуб ул анжуман.
Гоҳ Табассум берибон лаъли ноб,
Айлар эди онлари масту хароб.
Қомат этиб хизмата гоҳи қиём,
Жилваи соқий қилибон гаҳ хиром.
Бошлабон онларни хиёбон сори,
Элтур эди тубийи ризвон сори,
Хуллас ўшул хайлки мазкур эди,
Ишрат ила борчаси масрур эди.
Сухбат ила ул эл ўлуб муҳтарам,
Бўлди фароғатда нечукким қалам.
Муддати торихини этсам баён,
Хатми Дилу Ҳусн /1192/¹ дур, эй нутадон.

¹ «Ҳусн ва Дил» достонини ёзиб тамом қилинган йил текст те-
пасида берилган.

Айла бу гулшан сори яхши назар,
 Шоҳиди маъни санго, то жилвагар,
 Бир йўли бўлғай бори, эй хўрдабин
 Мунда эрур борчаси хилватнишин.
 Хусн ила дей аввал эди охири,
 Кўрки эрур ҳалли доқойиқ бори.
 Кимки қилур ҳалли доқойиқ ҳавас,
 Кўрса бу гулзори қилур анго бас.
 Ҳал қилибон мушкили бу эътибор,
 Қолғони ҳам қилди санад ошкор.
 Истаса ҳар кимса далилу назир,
 Хусн ила дей ҳарф мунгодур мушир.
 Ё раб, этиб лутфинги ёвар мудом,
 Мулки сухан ичра манга бер мақом.
 Авжи маонида фалак сайр қил,
 Хотимаи корими саң хайр қил.
 Соқий, олиб кел қадаҳи дилкаший,
 Тўлдурубон анга майи беғаший.
 Бер аниким масти мудом ўлғоман,
 То анга тегруки тамом ўлғоман.

Бу рақами қамарзамир ва муҳри меҳри танвир хотимаси сипоси беқиёсидин сўнгра маълуми арбоби ақул ва мавҳум асҳоби қабул фуҳул этмоқликким ҳавоийи ҳусн мақр ва залол ва вусовуси фикр ва хаёл саройи сариримда ҳамиша гулув қилиб, бир рисоло такмилиға қойил, ва бир дафтар таҳсилға мўйил эрмас эрдим, анга тарғиб этколи доғи ёру ёварим анқоға ҳам ошён эрди, балки такмили давлати дунё тажаммулотига соийлар таҳсили лаззати нафсония тамат-туъоти учун доийлар ҳар нафас бу бекаси булҳавасға раҳзан бўлурлар эрди, ногоҳ тавфиқи раббоний рафиқим ва инояти субҳоний шафиқим бўлуб, бир мунисим бу асарни ёзишга тавжиҳ қилғонининг мазмунин маълумим қилди. Байт:

«Ал-амру моун қаджарат вал-вақту сайфун қотиун,
 Ин лам юфид бил-амали фал-илму зоеун».

Ул нафасни пос тутуб, бир пора паришон иншолар жамъ қилдим. Таваққуъ аҳли карамдин буким ислоҳиға таважжуҳ том қилиб ва бу фасод андишнинг ҳам ислоҳиға

¹ Умр сув каби оқиб (ўтиб) кетаверади ва вақт ўткир қиличдек. Агар амалда, илм олишда ундан фойдаланилмаса у зое кетади.

дуойи тамом қилғайлар, тоинки, «ҳал жазоил — ихсонул-аҳсон»¹ савоби самарасидин баҳравар бўлғайлар,— деб илтижо этмокнинг орзуйининг муддаосининг итмомидур:

Шукрки поёнига етиб «Хусну Дил»,
Қўймади аҳбобаро бизни ҳижил.
Қилди қалам ҳолига лойиқ баён,
Яхши агар бўлсину ёхуд ямон.
Зодаи табъим манго марғуб эди,
Билмон ани зишт эди, ё хуб эди.
Ҳар киши ўз зодасидин ногузир —
Бордур, амир ўлсину ёхуд асир.
Бўлса халаф айб ила сарто қадам,
Бордур ато дийдасига муҳтарам.
Жайрага фарзанди гулондом эрур,
Хори бало гарчи анго ном эрур.
Ман доғи ўз сўзима мафтун эдим,
Килк на назм айласа мамнун эдим.
Лекин эди ҳар сори дошном дун,
Ит тукидин бор эди ул эл фузун.
Йўқ эди ташниё ўқидин манга ғам,
Урмас эдим яхши ямон бирла дам.
Даҳр элидин кўнглима ойин тамаъ —
Йўқ эди, эҳсон била таҳсин тамаъ.
Манки эдим, ушбу чаман ҳориси,
Йўқ эди экмокка анинг боиси.
Ғайр ҳамул софи-ю софий мизож,
Ондин эди ишқ элига ривож.
Оти онинг эрди Амине замон,
Ондин эди нақши нигини жаҳон.
Кўнгли эди маҳзани асрори ишқ,
Табъи эди матлаъи анвори ишқ.
Жони онинг нақҳати изҳори шавқ,
Онда ҳувайдо эди осори шавқ.
Йўқ эди оламаро дилбанд анго,
Нури назар яъники фарзанд анго.
Бир кун олиб келди манго бир китоб,
Хусну Дил ишқ онга фасли боб.
Деди:— Мунго назм ила бергил шараф,
Токи менинг жойима бўлсун халаф.
Ҳар сўз агар айласа сандин ҳузур,

¹ Яхшиликнинг жазоси (музди, яхшилик бўладими?)

Билгоман ул сўзни кўзим ичра нур.
Бўйла дегоч сафҳа сорига назар —
Солдиму, кўрдим сўзини сар-басар.
Бошдин оёқ дурру жавоҳир эди,
Бог ила бўстон чу завоҳир эди.
Рутб ила ёбиснинг экон жомиъи,
Эткон экон они баён ломиъи.
Аввал они шамъи шабистон аён —
Қилгон экан нуктаси ичра баён.
Озари ҳам ушбу равишдин мақол,
Сургон экон нухасида қийлу қол.
Айни ҳақиқат эди, лекин мажоз,
Суратида топмиш эди сўзу соз.
Дема китоб, они де бир нозанин,
Балки дегил ҳури биҳишти барин.
Гардину гўшида уқуди дурар,
Домани жайбида нуқуди гуҳар.
Бошдин оёқ сўз эди таҳзиб онго,
Асру фараҳбахш эди тартиб онго.
Кисвати наср ила бўлуб зийнати,
Ена араб лафзи эди хильвати.
Рум эли ҳам наср ила онга нигор —
Уз тилидин эткон экон ихтиёр.
Деди мунго назм дури бирла зеб —
Бергил, улусдин олиб аввал шакийб.
Бўйла дегоч фотиҳа қилдим талаб,
Тутгум ўзумга неки эрди таъаб.
Қилдим они назм қилурға қиём,
Утти машаққат била беш ой тамом.
Дема сўзинг нозикун марғуб эмас,
Аҳли суҳан кўнглига маҳбуб эмас.
Зеҳн манго эрди паришон баса,
Табъим эди дард ила нолон баса.
Неки бошимға солиб эрди қадар,
Езмиш эдим аввал онго қил назар.
Кўнглим уйи бор эди байтул-хазан,
Юсуфи фикримғача эрди ватан.
Сўз деголи бўлмаса равшан замир,
Бўлғусидур сўз онга нуқсонпазир.
Ена ўзум омийи хом, эй ҳумом,
Бор эдимун мойил лаҳви ҳаром.
Пеша манго фисқу ҳунар ҳам фуҷур.
Иш манго исён эди-ю ҳам сурур.

Ҳар на муноҳий манго эрди қарийб,
 Барча авомирдин эдим бенасиб.
 Шому саҳар ғафлат ўлуб варзишим,
 Эрди ямонлиғ бори яхши ишим.
 Бормас эдим аҳли маоний сори,
 Юрмас эдим роҳи ниҳоний сори.
 Шўълаи ҳирс ила ҳаво-у ҳавас —
 Еқмиш эди пайкарим андоқки хас.
 Яъни эдим нафс итға посбон,
 Балки онинг бирла эдим тавамон.
 Ҳар неки ул деса онга инқиёд —
 Кўрсатур эрдим мани гумраҳ ниҳод.
 Доғи гулоб бирла қилиб жустужў,
 Топмас эдим нафс дегон орзу.
 Дуни-ю уқбийдин эдим бесамар,
 Пешаи ҳусрондин эдим баҳравар,
 Мунча била доғи бор эрдим ғариб,
 Мулку диёримдин эдим бенасиб.
 Нони учун иш манго афғон эди,
 Қувти ғизо жоним учун қон эди.
 Топсам эди чошт агар нони хом,
 Ўзни гумон айлар эдим шоҳи Шом,
 Қурс бутундин тун эсом дилфуруз,
 Дер эдим отимни шаҳи Нимрўз.
 Ҳар не ямон бор эса ондин ямон,
 Бор эди ҳолим манинг, эй нуктадон.
 Сўзима гар бўлмас эса бўйи ранг,
 Тонг эмас ул боғим эрур чунки данг.
 Онда на мазмуну на рабту низом,
 Ҳашв ила лағв ўлди саросар тамом.
 Нуқсиға бордур ўзима эътироф,
 Сан доғи этгил онинг айбин маъоф.
 Сўзим ўзумни қилодур мунфаъил,
 Таън била айлама сан ҳам хижил,
 Чунки изо борча мазоҳибаро —
 Мункир эрур, дедилар оқу қаро.
 Ёзмоқ эрур пеша манго дам-бадам,
 Лек нетой бўйла ёзубдур қалам.
 Неки қаламдин деса ул можаро,
 Таъна онга бўлмағусидур раво.
 Мунча берубдур манго изад калом,
 Берганига бердим онинг интизом,
 Сўзима саҳван агар этсанг назар,

Тўла хато кўрсанг агар сар-басар.
Бор эса кўб ҳар неча саҳву хато.
Айлагил ислоҳини онинг ато.
Зайли карамдин онга ёпгил ниқоб,
Айламагил руҳима қаҳру итоб —
Фотиҳа бирла қилибон балки ёд —
Айла футу ила равонимни шод.
Дун элининг дунлиғ эрур пешаси,
Яхши элинг яхшидур андешаси.
Чарх табибики эрур пийра зол,
Оғриси бош бергусидур гўшмол.
Захминга ул бўлмоғуси чорагар,
Марҳам учун ондин эрур ништар.
Марҳам агар бу эса дармон эмас,
Бир яранинг битмоки имкон эмас.
Чарх киби сандоғи бўлма дағал,
Тузмок учун бузмоғасан бир маҳал.
Лафзни гар лафз гумон айласанг,
Маънийи шалғамни аён айласанг.
Айласун инсофинги ёвар худо,
Ҳақ сорига бўлсун ўзи раҳнамо.
Байтки тахминан эрур етти юз,
Етти минггу тўқсон икки бўлди туз,
Ё раб, ўлуб зор Нишотийга ёр,
Айла тараҳҳум анго поёни кор.
Сўзига эл кўнглиаро бер мақом,
Ўзига қил лутфу иноят тамом.
Соқий, олиб кел манго роҳат майин,
Бер ичойин хоби фароғат майин.
Беҳуд ўлуб лаҳзаи айлай хаёл,
Вомиқу Узроға на эркон мақол.

Таммати китоби «Ҳусн ва Дил» фий шаҳри ражаб фий сана алф ва суле моан ва воҳид — 1301.